

# Жаҳон АДАБИЕТИ

Адабий-бадний, ижтимоий-публицистик журнал



## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
ЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 1/212

2015 йил, январь

**Бош муҳаррир:**  
Шухрат РИЗАЕВ

**Жамоатчилик кенгаши:**

Эркин ВОҲИДОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Омонулла ЮНУСОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ  
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Низом КОМИЛОВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ  
Хурийд ДЎСТМУҲАММАД

**Таҳрир ҳайъати:**

Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Омонулла РИЗАЕВ  
Отабек САФАРОВ  
Фозил ЖАББОРОВ  
Дилдорхон АЛИЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Алишер ОТАБОВ  
Севара АЛИЖОНОВА

## МУНДАРИЖА

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. “Фарход ва Ширин”  
дostonидан. .... 3

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Ч.ДИККЕНС. Катта умидлар. *Романдан парча.*  
(Рус тилидан Ш.Миноваров тарж.). ....11

### ИЛК УЧРАШУВ

К.ЧИННАППА БҲАРАТИ. Павлайи. *Роман.*  
(Тамил тилидан М.Муртазохўжаева тарж.). .....56

### ГЛОБУС БЕЛЬГИЯ

Бельгия Қироллиги. ....163  
Бельгия шеърляти. ....172  
Бельгия насри. ....182  
Унутилмас сиймолар. ....197

### УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

Тўхтасин ЖАЛОЛОВ. ....97

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Н.КАРИМОВ. Ойбек ва жаҳон адабиёти. ....130  
УҲАМДАМ. Адабиёт – олдинда ёнган чироқ. .146

### ЖАРАЁН

М.АЛИ. “Ҳаёт боғим колмас хувиллаб...” .....140

### АДАБИЙ ОҚИМЛАР

А.ОТАБОВ. Экзистенциализм. ....110  
Ж.-П.САРТР. Хона. *Ҳикоя.* .....112  
Муковамизда. ....203  
Тақвим. ....204



## “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИДАН

Алишер Навоийнинг бутун башариятнинг улкан маънавий бойлиги, жаҳон адабиётининг дурдоналари деб эътироф этилган асарлари ҳамма даврларда турли халқларга мансуб адабиёт мухлисларида катта қизиқиш уйғотган. Бу ҳол ўз-ўзидан мазкур асарларнинг таржималарига бўлган эҳтиёжни юзага келтирган. Навоий асарларини бошқа тилларга таржима қилиш XVI асрдаёқ бошланган эди. Утган давр мобайнида кўплаб таржималар амалга оширилди ва нашр этилди. Улар орасида рус тилига қилинган таржималар салмоқли қисмни ташкил этади. Бу таржималарнинг кўпчилиги қисқартирилган ҳолда амалга оширилган бўлса-да, русийзабон ўқувчиларни Навоий ижоди билан таништиришда муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда улуғ шоир ва мутафаккирнинг ана шундай қисқартириб ўғирилган асарларининг тўлиқ вариантини яратиш вақти келди, деб ўйлаймиз ва шунга замин яратиш мақсадида “Фарҳод ва Ширин” достонининг қисқартирилган қисмларининг байтмабайт насрий таржимасини амалга оширдик (Достоннинг биринчи ва иккинчи боблари насрий таржимаси навоийшунос Саидбек Ҳасанов билан ҳамкорликда амалга оширилди). Достон Лев Пенковский томонидан рус тилига ўғирилган ва бу таржима бир неча марта нашр этилган. Шу жумладан, Алишер Навоийнинг рус тилидаги ўн жилдлик асарлар тўплами таркибидан ҳам ўрин олган. Таржимада асарнинг тўққизта боби тўлиқ тушириб қолдирилган, учта боб катта қисқартиришлар билан ўғирилган.

Сизга маълумки, ўтган йиллар давомида журналнинг ҳар бир сониди “Навоий сабоқлари” рукни остида буюк шоирнинг ижодидан парчалар ва унинг асарлари, таржималари таҳлилига бағишланган туркум мақолалар бериб борилди. Журналнинг ушбу сонидан бошлаб, бу анъанани сал ўзгартирган ҳолда “Фарҳод ва Ширин” достонининг ана шу тушириб қолдирилган ва қисқартирилган ўн иккита бобининг насрий таржимаси ҳамда унинг оригинал вариантини “Навоий сабоқлари” рукни остида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишни мақсад қилдик.

Бу Алишер Навоийнинг мазкур достонини рус тилида ўқиган ўқувчиларимиз учун муҳим янгилик бўлиб, асар ҳақидаги билим ва тасаввурларини янада бойитишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Қодиржон ЭРГАШЕВ,  
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги  
Тил ва адабиёт институти илмий ходими,  
филология фанлари номзоди

## I

- Бихамдик фатҳи абвоб ул-маони,  
Насиб эт кўнглума фатҳ ўлмак они.* *Таманносин ҳазин кўнглумдин олма,  
Сочилгон бирла туффроғ ичра солма.*
- Кўзумга ул эшик қуфлин падида эт,  
Анинг фатҳига килкимни калида эт.* *Буюрсанг сочмогин мен бенавога,  
Ўироқ юз бенаво илгин ҳавога.*
- Очиб ул ганж қуфлин бу калидим,  
Насибим айла неки бор умидим.* *Аюргоч базл ила бу бенаводин,  
Навосизларга қормотқил ҳаводин.*
- Нечаким истасам нақду жавоҳир,  
Қаён боқсам кўзимга айла зоҳир.* *Гадоларга даги андин ато бер,  
Ғаниларга даги они тубо бер.*
- Терарга ҳар нафас кўпроқ ҳавас бер,  
Ҳавас бергач олурга дастрас бер.* *Шаҳ олса доғи қилсун тоғи торак,  
Қул олса ҳам анга бўлсун муборак.*
- Анга тегур қўлумниким йироқдур,  
Қўлумга сол аниким яхишироқдур.* *Анга ишиқ аҳлини қил орзуманд,  
Анинг бирла аларни ҳам баруманд.*
- Нима кўп олмоғимга монеъ этма,  
Неча кўп олгонимга қонеъ этма.* *Дуррин қил кўзларига ҳар замон ёш,  
Ва лекин лаълу ёқутини қон ёш.*
- Бу маҳзан бирла кўнглумга гино сол,  
Негаким сочсам илгимга яно сол.* *Аларга ошкорову ниҳони,  
Кўз ичра ашкдек асратқил они.*
- Дурафшонлиққа килким фош қилгил,  
Тилимни доғи гавҳарпош қилгил.* *Такаллум аҳлига сармоя айла,  
Не дур назм этсалар пироя айла.*
- Бу дурларким кўзумни андин очтинг,  
Менинг илгим била оламга сочтинг.* *Замона дуржсини андин тўло қил,  
Фалак жавфини андин имтило қил.*

*Ани синдургон элни қил шикаста,  
Хужаста кўрган элга тут хужаста.*

## II

***Бу шавқ достонининг "алиф"лари сарвақадлар бўйидек санубарваши ва "лом"лари бинафша зулфлар турраси янглиз дилкаш эркониға боис феҳрастида Ҳақ отидин туғро ва дебочаси Қайюми Мутлақ сифоти била мутарро эркониинг баёни***

- Бу рангин сафҳа, билким дард боғи,  
Аён ҳар лоласида ишиқ доғи.* *Бутуб гулбунларидин гунчаи дард,  
Ўқиқиб ул гунчалардин оташин вард—*
- Таҳайюр ўти ҳар барғи гул анда,  
Таҳассур дуди ҳар бир сунбул анда.* *Ки, бўлмиши бу балиятларга мансуб,  
Улус кўнглиға андин келди марғуб*
- Қушининг нағмаси ҳижрон суруди,  
Оқар сув барча сели ашк руди.* *Ки, бўлди сафҳасининг ибтидоси,  
Тазарруъ бирла ул Холиқ саноси*
- Шамолиға самуми ҳажр ҳамроҳ,  
Самуми ҳажр йўққим, шуълаи оҳ.* *Ки, инсон кўнглин этти гулишани ишиқ,  
Бу гулишаннинг ҳаримин маҳзани ишиқ.*

- Не махзан, ҳар дури шамъи фароғи,  
Не дурр, не шамъ, дурри шабчароғи.
- Ва лекин хусн ўтин айлаб жаҳонсўз,  
Буларни андин этти оламафрўз.
- Демай ўт ониким, барқи дурахшон,  
Демай барқи дурахшон, меҳри рахшон.
- Тудуъ этти чу ул рахшанда хуришд,  
Адам шомига бўлди шамъи жовид.
- Анинг нури чу партав қилди зоҳир,  
Бори заррот бўлдилар мазохир.
- Куюш маъшуқу ҳар зот ўлди ошиқ,  
Дема ҳар зот, заррот ўлди ошиқ.
- Чу пайдо бўлди бу аҳбобу маҳбуб,  
Жаҳон бозори ичра тушиди ошуб.
- Булар борини пайдо айлаган ишқ,  
Бирин ул бирга шайдо айлаган ишқ.
- Недин ошиқни ўртар шайни маъшуқ,  
Чу ошиқ мунда келди айни маъшуқ.
- Икиси балки айни ишқ, фафҳам!  
Тугонди борча сўз, валоҳу аълам!
- Ажаб суратки бир наққоши моҳир,  
Бўлур юз навъ сурат бирла зоҳир.
- Ўзи нақшу ўзи манқушу наққош,  
Киши бу сирни мендек қилмади фош.
- Нетай асроридин девона бўлдум,  
Дедим, чун ҳушидин бегона бўлдум.
- Навоий, телбаликни бартараф қил,  
Яна бир лаҳза сўз бошига келгил.
- Таолалло, не Хайю Қодири пок,  
Ки Ақли Кулл анга деб: "Мо арафнок".
- Сифоти ақл шахсига солиб печ,  
Чу зотин фикр этиб топиб ўзин ҳеч.
- Қилиб чун барқ зотин мазҳари кул,  
Жаҳони ақл хошоки бўлуб кул.
- Фано тўфони элиб борин онинг,  
Жаҳонда қўймайин осорин онинг.
- Шухуди ақл даркидин мубарро,  
Вужуди дарк шуъбидин муарро.
- Нишони бенишонлиқдин йироқроқ,  
Макони бемаконлиқдин қироқроқ.
- Азалдин беҳад ошиб ибтидоси,  
Абаддин асру тошиб интиҳоси.
- Дамеким қаҳри ўти тутмай ором,  
Эриб кўк ўйлаким бир кўргошун жом.
- Гаҳеким илм дарёси топиб мавж,  
Ети қот ер туби қолиб тўқуз авж.
- Қазо Фарҳоди амри раҳнамунни,  
Забун оллинда гардун Бесутунни.
- Етургонга бало тоғида бедод,  
Лақаб айлаб замона ичра Фарҳод.
- Ани ғам тоғида овора айлаб,  
Қиёни тешасидин пора айлаб.
- Неча бўлса Хито мулкида хоқон,  
Солиб бийми анинг бағри аро қон.
- Бадан мулкин қилиб алқисса маъмур,  
Вазири ақл Мулкороси маъмур.
- Кўнгул қасрига бўлгоч нақшпардоз,  
Қилибон коргоҳи Монувийсоз.
- Қилиб ҳикмат хирад Суқроти қисми,  
Ясаб жон ганжига пайкар тилисми.
- Не маҳваши хуснигаким берди тазйин,  
Ани айлаб жаҳон аҳлига Ширин.
- Чу айлаб ғамзаси жонларга торож,  
Қилиб васлига Хусравларни муҳтож.
- Шафақ Гулгунига хуришед этиб ранг,  
Яна жул чархи атлас, Каҳқашон танг.
- Кеча Шабдезин айлаб тангбаста,  
Янги ойдин қилиб сатлига даста.



Қадар Шопурун анжумдин садафкор,  
Анга чарху шафақ шингарфу зангор.

Ўқуш Фарҳоду Ширин айласанг жам,  
Шабистонида бир парвонау шамъ,

Ажал Шеруяси тигин қилиб тез,  
Қатили юз туман андоқки Парвез.

Ва гар минг Бесутундек қилсанг идрок,  
Йўлида бир кесак, бал бир овуч хок.

Никисойи замонга чун бериб соз,  
Замона аҳлин айлаб айшпардоз.

Солиб чун қаҳр истигноси партав,  
Келиб кам зарралардин доғи Хусрав.

Чу тортиб Зухра лаҳни Борбадни,  
Олиб Баҳромвашлардин хирадни.

Неким лутфи насими бирла мавжуд,  
Бўлуб қаҳри шарори бирла нобуд.

Агар мавжуду маъдум ўлса олам,  
Анга ижоду эъдоми мусаллам.

### Достоннинг русча насрий таржимаси

#### I

*С восхвалением Тебя<sup>1</sup> открываются двери мыслей (идей),  
Сделай долей моего сердца их открытие.*

*Яви моему взору замок этой двери,  
Мое перо сделай ключом для ее открытия.*

*Открыв замок этого клада моим ключом,  
Дай мне все, что я желаю.*

*Сколько я желаю сокровищ, жемчужин,  
Яви их перед моим взором, куда бы я не взглянул.*

*Каждый миг возбуди во мне страсть собрать их больше,  
Коль дал желание, дай и возможность получить их.*

*Пусть мои руки достигают то, что вдалеке,  
Вложи в мою руку то, что лучше.*

*Не запрети мне взять их много,  
Сколько бы я не взял, пусть мое сердце не удовлетворяется.*

*Обрадуй меня этим сокровищем,  
Сколько бы я не рассыпал, ты опять вложи в мои руки.*

*Мое перо сделай рассыпающим рубинов,  
Мой язык тоже рассыпающим жемчуга<sup>2</sup>.*

*Эти жемчуга, коротыми ты открыл мне глаза,  
Моими руками рассыпал на весь мир<sup>3</sup>.*

<sup>1</sup> То есть Бога. (Бу ва кейинги сонларда келадиган барча изоҳлар таржимонга тегишли).

<sup>2</sup> То есть сделай меня красноречивым, дай мне вдохновение.

<sup>3</sup> Имеются в виду стихи, то есть настоящий дастан.

*Не отними у моего печального сердца мечту о них,  
Не оставь их рассыпанными на земле.*

*Если прикажешь мне несчастному их рассыпать,  
То подними на воздух руки сто несчастных.*

*То, что ушло от меня в качестве щедрого воздаяния,  
Дай поймать несчастным в воздухе.*

*Нищим тоже даруй из него,  
Богатым тоже преподнеси.*

*Если возьмет шах, пусть будет короной на его голове,  
Если возьмет раб, пусть принесет ему счастье.*

*Сделай его желанным для влюбленных,  
Дай им тоже наслаждаться им.*

*Жемчуг превращай в слёзы в их глазах,  
А рубины и яхонты в кровавые слезы.*

*Что становится им явным или остаётся скрытым,  
Храни как слёзы в глазах.*

*Сделай его достоянием мастеров слова,  
Сделай украшением для их стихов.*

*Наполни им ларец времени,  
Пусть наполнится им небесное пространство.*

*Кто сокрушает его<sup>1</sup>, ты его сокруши,  
Кто считает его счастливым, осчастливь его.*

## II

***Изложение того, что "алифы" этой поэмы страсти стройны как станы красавиц, похожих на кипарис, и "лямы" как завитки их кудрей, похожих на фиалки<sup>2</sup>, и причиной этому является тугро<sup>3</sup> в его заглавии с именем Всевышнего и еще то, что вступление его украшено восхвалением божественных атрибутов его сущности.***

*Эта красочная страница, а точнее сад страданий,  
В каждом тюльпане его видны пятна любви.*

*Каждый лепесток цветка в нем – пламя изумления,  
Каждый гиацинт в нем – дым печали,*

<sup>1</sup> То есть кто отрицает достоинства, художественность и значение произведения.

<sup>2</sup> "Алиф" и "лям" – буквы, которыми пишется слово "Аллах". Глава посвящена восхвалению Аллаха и в заглавии автор таким образом намекает на его содержание.

<sup>3</sup> "Тугро" – многозначное слово, обозначающее следующие значения: 1. Герб. 2. Печать. 3. Монограмма. 4. Орнамент на первой странице книги.

*Пение птиц в нем – песни разлуки,  
Текучая вода – река потоков слез.*

*В кустах цветков бутоны страданий,  
Из них раскрываются огненные цветы.*

*Она<sup>1</sup> имеет отношение к этим страданиям и несчастьям,  
И поэтому пришла по душу народу.*

*Началом ее страницы стали  
Покаяние и хвала создателю*

*Который сделал сердце человека садом любви,  
И святилище этого сада – сокровищницей любви.*

*Что за сокровищница, каждый жемчуг в ней свеча  
покою и наслаждения,  
Что за жемчуг и свеча, жемчуг, освещающий ночь,*

*Но огонь красоты<sup>2</sup> он сделал сжигающим мир,  
От него все они<sup>3</sup> стали озаряющими мир.*

*Не скажу это огонь, яркая молния,  
Не яркая молния, а сияющее солнце.*

*Когда возшло то солнце яркое,  
В ночь небытия появилось светило вечности.*

*Когда его лучи проявили свой блеск,  
Все частицы стали отражаться<sup>4</sup>.*

*Солнце стало возлюбленным, каждое существо влюбленным,  
Не каждое существо, а частицы стали влюбленными.*

*Так появились влюбленные<sup>5</sup> и возлюбленный<sup>6</sup>,  
И во всем мире начались смуты.*

*Все это появилось из-за любви,  
Один был очарован другим из-за любви.*

*Почему смуты возлюбленного сжигают влюбленного,  
Потому, здесь влюбленный есть сам возлюбленный.*

*Они оба и есть любовь, пойми!  
И этим все сказано, да Аллах всезнающий.*

<sup>1</sup> Имеется в виду произведение, поэма Навои.

<sup>2</sup> Имеется в виду абсолютная красота, которая, согласно воззрениям Навои, присуща только Богу.

<sup>3</sup> Имеется в виду вышеназванное, перечисленное в предыдущем бейте.

<sup>4</sup> В этом и следующих бейтах речь идет о сотворении. Согласно воззрениям Навои, изначально существовал один Бог-обладатель абсолютной красоты. Он создал мир в качестве зеркала, где отражается его лик. Следовательно, все существующее является его отражением.

<sup>5</sup> То есть любящие Бога.

<sup>6</sup> То есть Бог.



*Дивный рисунок (Дивное явление)! Один искусный художник,  
Проявляется в ста разных обликах.*

*Он сам и изображение, и изображаемый, и изображающий,  
Никто как я не мог раскрыть эту тайну.*

*Что делать мне, я стал безумным от его тайн,  
Поэтому сказал все это, ибо лишился разума.*

*О Навои, прекрати ты безумство,  
Опять на миг вернись к началу слова.*

*Всевышний вечно живой, как он чист и всемогущ!  
Что, разум всех говорил ему: "Мы тебя не знали".*

*Его атрибуты так изворачивают разум,  
Что в познании его сущности он находит себя ничтожным.*

*Молнию своего существа он сделал зеркалом всеотражающим,  
Блеск которого превратит хворост ума в пепел.*

*Поток небытия унес все это  
Не оставив в мире его следа.*

*Уму не дано осознать его присутствие,  
Разум лишен способности познать его существо.*

*Приметы его превзойдут неприметность,  
Обиталище его вне пространства, вез десуц.*

*Его начало восходит дальше, чем предвечность,  
Его конец дальше, чем вечность.*

*В тот миг, когда огонь его гнева не успокоится,  
Небо расплавится как плавленая ртуть.*

*Когда бушует море его знаний,  
Девять сфер небес остаются под семи слоями земли.*

*Его приказы, указывающие путь – Фарход судьбы,  
Перед которым бессилен Бисутун небосклона<sup>1</sup>.*

*Того, кто был угнетен в горах несчастья,  
Называя Фархадом в свое время.*

*Изнурял его в горах скорби,  
Посредством его теши сломая скалы.*

<sup>1</sup> Начиная с этого бейта Навои прибегает к сложным метафорам с использованием образов дастана. Фархад в этом бейте олицетворяет судьбу, а в следующих бейтах сломанного судьбой человека, Мулкаро (везир в дастане), олицетворяет ум, Сократ – мудрость и т.д.

*Всех хаканов – сколько было их в Китае,  
Его страх заставлял изливать кровь сердца.*

*Если он приказывал, то страну тела,  
Благоустроивал Мулкоро разума.*

*Когда дворец души был украшен орнаментом,  
Создал мастерскую Мани.*

*Знания сделал уделом Сократа мудрости,  
Создав для сокровищницы души талисман тела.*

*Украсил красоту луноликой, которой,  
Превратив её для людей мира в Ширин.*

*Кокетства и чары которой разорили многие души,  
Превращая Хосравов в нуждающихся в ее красоте.*

*Гулгуну<sup>1</sup> вечерней зари окрасив цветом солнца,  
Сделал атлас неба с Млечным путем покрывалом.*

*Шабдез<sup>2</sup> ночи привязывая крепко,  
Из новой луны сделал ручку для ее ведра.*

*Шапуру<sup>3</sup> предопределения пришел перламутры из звёзд,  
Небо и заря для него – киноварь и майолика.*

*Шируе<sup>4</sup> смерти он обточив меч,  
Убил сто тысяч людей, подобных Парвезу.*

*Никисосу времени дал он саз (инструмент),  
Людей эпохи сделал веселящимися.*

*Когда Зухра стала исполнять мелодию Барбада,  
То отняла разум у таких, как Бахрам.*

*Если собрать всех Фархадов и Ширин,  
Они не более чем одна свеча и мотылек в его<sup>5</sup> опочивальне.*

*Если вообразить гору подобную тысячам Бисутунам,  
То это на его пути кусок глины или горсть земли.*

*Если он бросает пламя своего гнева,  
Даже грозность Хосрава будет меньше его одной искорки.*

*Если мир существует или исчезнет,  
На то достаточно его желания создать или уничтожить.*

*Саидбек ҲАСАНОВ ва  
Қодиржон ЭРҒАШЕВ тайёрлади*

<sup>1</sup> Гулгуна – конь Хосрава. Здесь – олицетворение вечерней зари.

<sup>2</sup> Шабдез – конь Хосрава. Здесь – олицетворение ночи.

<sup>3</sup> Шапур – персонаж поэмы "Фархад и Ширин". Здесь – олицетворение небосклона.

<sup>4</sup> Персонаж из дастана "Фархад и Ширин". Здесь – олицетворение смерти.

<sup>5</sup> То есть Бога.



## Чарльз ДИККЕНС

(1812–1870)

### КАТТА УМИДЛАР

Роман<sup>1</sup>

XIX аср инглиз ва жаҳон адабиётининг энг кўзга кўринган вакилларида бири Чарльз Диккенс ҳаётлигидаёқ машҳур ёзувчи сифатида тан олинган ва ҳозир ҳам жаҳон адабиётининг мумтоз вакили, деб эътироф этилади. “Катта умидлар” романи ёзувчининг шох асарлари қаторидан ўрин олган бўлиб, унда “катта умидлар”ни рўёбга чиқаришни жуда ҳам истаган, шунга интилган қишлоқ фарзанди Пипнинг тақдири мисолида XIX асрда Англия пойтахти ҳамда чекка ҳудудларидаги зодагонлар ва оддий кишилар ҳаёти акс этади.

#### Биринчи қисм


#### I боб

Отамнинг исми-шарифи Пирипп, руҳоний кўйган исмим Филипп бўлган, гўдаклигимда тилим “Пип”дан узунроқ ва маънолироқ сўзга келишмаган экан. Пировардида, исмим Пип, деб кўникканим сабаб, бошқалар ҳам мени Пип, деб чақира бошлаган эканлар.

Фамилиямиз Пирипп эканини отамнинг қабрига ўрнатилган тош ҳамда темирчига турмушга чиққан опам миссис Жо Гержеридан билиб олганман. Ота-онамни ёки уларнинг қиёфалари акс этган суратларини ҳеч қачон кўрмаганим учун (улар сураткашлар пайдо бўлишидан хийла илгари яшаганлар), шакл-шамойиллари тўғрисидаги илк тасаввурларим негадир қабрларига кўйилган ёдгорлик тошлари асосида шаклланганди. Отам қабрига ўрнатилган тошдаги ёзувлар унинг елкадор, тўладан келган, буғдойранг ва қора сочли бўлгани ҳақида таассурот уйғотарди. “Шунингдек, Жоржиана – юқорида зикр этилганнинг рафикаси” ёзувидаги ҳарфларнинг шакли эса, онам сепкилли ва касалманд аёл экан, мазмунидаги болаларча хулосамга асос бўлганди. Ҳаёт курашларидан барвақт воз кечган беш укамнинг қабрларига ҳафсала билан, қатор қилиб ўрнатилган, ҳар бирининг узунлиги бир ярим футча келадиган ёдгорлик тошларидан, улар дунёга юзлари ерга қараган, кўлларини шимларининг чўнтагидан олмаган ҳолда келганлар, деган тақводорларча хулоса чиқарган ва ўзимни шунга ишонтирдим.

Биз денгиздан йигирма милча нарида, буралиб оқадиган дарёнинг қуйи оқимида жойлашган ботқоқликлар ўлкасида яшардик. Оламнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги илк ва арзигулик таассуротни рутубатли оқшомларнинг бирида олганман, деган фикрдаман. Ўшанда қичитқи ўт

<sup>1</sup> Журнал варианты.



босиб кетган, атрофи панжара билан ўралган ушбу мотамсаро маконнинг кабристон эканини; мазкур черковнинг собиқ қавми Филипп Пирипп, шунингдек, унинг рафиқаси Жоржиананинг оламдан ўтгани ва дафн этилганини; ҳамда зикр этилганларнинг гўдак ўғиллари Александер, Бартоломей, Абраам, Тобиас ва Рожерларнинг ҳам оламдан ўтиб, дафн этилганини; кабристон ортидаги тўғонлар, тепаликлар, зовурлар билан кесишган, у ер-бу ерида моллар ўтлаб юрган қорамтир пасттекисликнинг – ботқоқлик; ортидаги сассиз кўрғошин тасманинг – дарё; узоқдаги шамол уфуриб турган ёввойи хайвон уясининг – денгиз; буларнинг баридан даҳшатга тушиб, дағ-дағ титраб, уввос торта бошлаган одамчанинг – Пип эканини кашф қилгандим.

– Йиғини бас қил! – деган тахдидли овоз янгради ва черков эшигининг яқинидан, қабрлар орасидан кимдир чиқиб келди. – Ўчир овозингни, шайтонвачча, бўлмаса бўйнингни узиб ташлайман!



Кўрқинчли одам дағал, кулранг матодан кийим кийган, оёғида йўғон кишан бор эди. У бош кийимсиз, бошмоқларининг увадаси чиқиб кетган, пешонасига эски латта ўраб олганди. Кийимлари ивиб кетган, ҳаммаёғи лой, кичитки ўт куйдириб юборган оёқларини тошлар яралаган, тиканак тилиб ташлаганди. У чўлоқлар, титраб-қақшар, кўзларини олайтириб, хирилларди. Кутилмаганда, нотаниш бу кимса тишларини такиллашиб менга ташланди, кейин даҳанимдан ушлади.

– Йўқ, ўлдирманг мени, сэр! – ялиндим мен даҳшатга тушиб. – Илтимос, ундай қилманг, сэр!

– Исминг нима? – сўради нотаниш киши. – Тез айт!

– Пип, сэр.

– Яна бир марта, – деди у менга ўқрайиб. – Қайтар-чи!

– Пип. Пип, сэр.

– Уйинг қаерда? – сўради у одам. – Кўрсат!

Мен бармоғим билан черковдан бир мил нарироқда, гилос ва олу дарахтлари қўйнида жойлашган қишлоғимизга ишора қилдим. У менга бир оз тикилиб турди-да, оёғимни осмондан қилиб кўтарди ва силкитиб, чўнтақларимни бўшатди. Бир бўлак нондан бошқа ҳеч нарса тушмади. У шунчалар кучли ва эпчил эдики, бир уринишда черковни тўнкариб, қўнғироқхонани оёқ томонимда қилиб қўйганди, черков яна жойига келганда, мен қабр тоши устида ўтирар, нотаниш одам бўлса, нонимни очофатларча тушираётганди.

– Оббо, кучукча-ей, – деди у тамшаниб. – Ёнокларинг дўмбоққина экан!

Юзим тўладан келган бўлса эҳтимол, лекин ўша вақтларда гавдам ёшимга номуносиб тарзда ушоқ эди, зувалам пишиқлиги билан мақтана олмасдим.

– Лунжларингни еб қўйгим келяпти, – деди нотаниш кимса ва таҳдид билан бошини сарак-сарак қилди, – жин урсин, балки чиндан ҳам уларни еб қўярман.

Азбаройи саросимага тушиб бундай қилманг, деб ялиндим ва у мени ўтқазиб қўйган қабр тошига ҳам йиқилиб тушмаслик, ҳам йиғлаб юбормаслик учун маҳкам ёпишиб олдим.

– Менга қара, хой, – деди нотаниш кимса. – Онанг қаерда?

– Шу ерда, сэр, – дедим мен.

У сесканиб, қочишга шайланди. Кейин тўхтаб, атрофга аланглади.

– Мана бу ерда, сэр, – дедим мен кўрка-писа. “Шунингдек, Жоржиана”.

Бу менинг онам бўлади.

– Ҳа-а, – деди у ортига қайтаётиб. – Онангнинг ёнидаги отангми?

– Ҳа, сэр, – дедим мен. – У ҳам шу ерда: “Мазкур черковнинг қавми”.

– Хў-ў-ш, – деди у чўзиб, кейин жим қолди. – Унда ким билан яшайсан?

Тўғрироғи яшардинг, негаки хали сени тирик қолдирайми-йўқми, бир қарорга келмадим.

– Опам билан, сэр. Миссис Жо Гержери билан. Унинг эри темирчи, сэр.

– Темирчи дейсанми? – тақрор сўради у. Кейин оёғига назар солди.

У қовоғини уйиб бир неча марта дам оёғига, дам менга кўз югуртиргач, ёнимга яқин келди, елкаларимдан ушлаб, бор кучи билан орқага энгаштирди. Унинг кўзлари менга юқоридан синовчан боқар, мен унга пастдан саросима билан қарамоқдайдим.

– Энди менга кулоқ сол, – деди у, – сени тирик қолдириш-қолдирмаслик тўғрисида бир қарорга келмаганим эсингдан чиқмасин. Эгов нималигини биласанми?

– Ҳа, сэр.

– Овқат нималигини-чи, биласанми?



– Ҳа, сэр.

Қандай таҳдид остида қолганимни ва мутлақо ҳимоясиз эканимни яхшироқ ҳис қилишим учун ҳар бир саволидан кейин у мени орқага тобора кўпроқ энгаштирмоқдайди.

– Менга эгов топиб келасан. – У мени силталади. – Овқат ҳам топасан. – Яна силталади. – Кейин ҳаммасини шу ерга олиб келасан. – У яна мени силталади. – Бўлмаса юрагингни жигарингга қўшиб суғуриб оламан. – Яна силтади.

Мен ўлар даражада қўркиб кетгандим. Бошим шунчалик тез айланардики, унга иккала қўлим билан ёпишиб олган ҳолда дедим:

– Илтимос, сэр. Мени силталаманг. Эҳтимол шунда кўнглим айнишдан тўхтаб, яхшироқ тушуна бошларман.

У мени орқага шунчалар энгаштирдики, черков қоровулхона устидан ошиб ўтгандек бўлди. Кейин бир силтаб қаддимни ростлади-да, елкамни қўйиб юбормай туриб, аввалгидан ҳам кўркинчлироқ оҳангда деди:

– Эртага тонг отиши билан эгов ва егулик олиб келасан менга. Хув ана-ви ерга, эски тўпхона олдига. Агар олиб келсанг, ҳеч кимга чурқ этмасанг, билдирмасанг, майли яшайвер. Бордию олиб келмасанг, айтганларимдан зиғирдек ташқарига чиқсанг, юрагингни жигарингга қўшиб суғуриб олиб, ковураман-да, еб қўяман. Ҳеч ким бу одамга ёрдам бермайди, деб ўйлама. Шу атрофга ўртоғимни беркитиб қўйганман. Мен унинг олдида фариштаннинг ўзиман. У сенга айтаётган ҳамма гапларимни эшитиб турибди. Ўртоғимнинг бир сири бор, у болачани қандай тутиб, юрагига, жигарига йўл топишни билади. Болакай ундан яширинолмайди, уриниб ҳам ўтирмасин. У эшикни кулфлаб ҳам олар, ўринга ётиб бошини кўрпага бурқар, иссиққина, яхши ётибман, ҳеч ким менга теголмайди, деб ўйлар ҳам. Ўртоғим бўлса, секингина унинг ёнига бориб, шартта сўйиб ташлайди!.. Ҳатто ҳозир ҳам уни сенга ташланиб қолмасин, деб зўрға ушлаб турибман. Хўш, энди нима дейсан?

Унга эгов топиб келишимни, имкон қадар егулик ҳам топиб, эрта тонгда тўпхонага келтиришимни айтдим.

– Ортимдан такрорла: “Агар алдаётган бўлсам, Худо урсин”, – деди нотаниш одам. Мен айтганини қайтардим. У мени тошдан туширди.

– Энди, – деди у, – ваъданг эсингдан чиқмасин, ўртоғимни ҳам унутма, чопақол уйингга.

– Х-хайрли тун, сэр, – дедим мен зўрға.

– Хайрлимиш! – деди у зах, совуқ ерга назар соларкан. – Қаёқда дейсан! Қурбақагами, сув илонгами жон деб айланиб қолган бўлардим.

У дағ-дағ титраётган елкаларини узилиб тушишидан кўркаётгандек қўллари билан маҳкам кучиб олди-да, черковнинг пастқам девори томон чўлоқланиб юриб кетди. Яшил дўнгчалар устини қоплаб ётган қичитки ўт, отқулоқлар орасидан ўтиб бораркан, болаларча тасаввуримда, қабрлар ичидан уни тутиб олиб, ўз маконларига, ер қаърига олиб кириб кетиш ниятида сассиз қўл чўзиб турган мурдаларга чап бераётгандек эди. Черковнинг пастқам девори олдига етиб боргач, бир амаллаб ундан ошиб ўтди – унинг оёқлари шишиб, увишиб қолгани кўриниб турарди – кейин ўгирилиб менга қаради. Шунда мен уйимиз томонга бурилиб, оёғимни қўлга олиб, югура кетдим. Лекин бир оз чопгач, ортга ўгирилдим: у ҳамон елкаларини кучганича, узоқ давом этган ёмғирдан кейин ёки сув қайтган пайтларда юра олиш учун ташлаб қўйилган тошлар оралаб, эҳтиёт бўлиб қадам ташлаган кўйи, дарё томон борарди.

Ортдан қараб турдим: қаршимда қоп-қора чизик – ботқоқлик ястаниб

ётарди; ортидаги ингичкароқ ва ёруғроқ чизик дарё эди; осмонда ҳам алвон чизиклар тим қора чизиклар билан аралашиб кетганди. Дарё бўйида, шу заминда кўкка бўй чўзган икки қорамтир нарсани: кемаларга йўл кўрсатадиган, яқинига борсангиз хомага санчиб қўйилган бочкага ўхшаган ўта беўхшов маёқ ва бир вақтлар қароқчи осилган, кишан парчалари сақланиб қолган дорни кўзларим зўрға илғади. Ҳалиги одам тўғри дор томон чўлоқланиб кетмоқдайди, гўё ўша қароқчи тирилиб қолгану сайр қилиб бўлиб, яна ўзининг осилиб турган жойига қайтаётгандек. Бу фикрдан сесканиб тушдим; сигирлар ҳам бошларини кўтариб, унинг ортидан жим қараб турганликларидан, уларга ҳам шундай кўринмаётганмикан, деб ўйладим. Атрофга қараб, нотаниш кишининг қонхўр оғайнисини қидирдим, лекин шубҳали ҳеч нарсани пайқамадим. Шундай бўлса ҳам, мени яна қўрқув камради ва бошқа тўхтамай тўғри уй томонга чопдим.

## II боб

Опам, миссис Жо Гержери каминадан йигирма ёшлар чамаси улуғроқ, феъл-атвори ва мени “ўз кўли билан” тарбия қилгани билан кўшнилари нигоҳида ва ўз наздида ўта таниқли эди. Уша вақтларда ушбу иборанинг маъносини бошимдан ўтказиб, опамнинг кўли қаттиқ ва югурик эканига, уни дам эрига, дам менга югуртириш одати борлигига гувоҳ бўлиб, Жо Гержери иккимиз ҳақиқатан кўл тарбиясини олганмиз, деган хулосага келгандим.

Опам чиройли аёл бўлмаганидан Жо Гержерини ўзига ўз кўли билан уйлантирган, деган фикр ҳам менда йўқ эмасди. Жо силлиқ юзининг икки ёнини қаттиқ, жингалак сочлар қоплаган, мовий кўзларининг қорачиғи оқига кўшилиб кетгандек туйиладиган, чиройли эркак эди. У юмшоқтабиат, хушфеъл, ширинсўз, ҳаракатчан, содда, бақувват, айни пайтда журъатсиз, яхши инсон эди.

Опам, миссис Жо Гержери кўзлари ва сочлари қора, юз териси шу қадар қизғиш эдики, ахён-ахёнда ювинганида совуннинг ўрнига қирғич ишлатса керак, деб ўйлардим. У новча ва қотма бўлиб, дағал матодан тикилган юбка ва тўртбурчак қоғоздан ясалган, тўғноғичу игналар билан кўкрак қисмига бириктирилган пешбандсиз юрмасди. Опам пешбанд тақишни фазилат деб билар, уни ечмай юришини Жога миннат қиларди. Айтмоқчи, мен нега опам эгидан бу либосни уззукун ечмаслигини билмасдим. Жонинг устахонаси уйимизга туташган, уй эса, ўша пайтларда қишлоғимиздаги кўпчилик, тўғрироғи, ҳамма уйлар каби, ёғочдан қурилган эди. Қабристондан уйга югуриб келганимда, устахона ёпиқ бўлиб, Жо ошхонада бир ўзи ўтирарди. Жо билан иккимиз ҳамдард бўлганимиздан, орамизда сир йўқ эди. Шунинг учун эшик зулфинини кўтариб, тиркишдан ўчоқ олдида унинг ўтирганини кўрган заҳотим, менга шипшиди:

– Жо хоним нақ ўн икки марта сени қидиргани чиқиб келди, Пип. Ҳозир яна кетди, хосиятсиз ўн учинчи гал.

– Ростданми, наҳотки?

– Рост, Пип, – деди Жо. – У ҳам майли-я, ўзи билан қашлағични ҳам олди.

Бу ёмон хабарни эшитиб, руҳим буткул тушди. Оловга тикила туриб, камзулимнинг ягона тугмасини айлантира бошладим. Қашлағич гарданнимда синалавериб ялтираб кетган, учи тўмтоқ темир таёқча эди.

– Опанг манави ерда ўтирган эди, кейин шартга ўрнидан туриб қашлағични олди-да, кўчага чиқиб кетди. Ана шунақа, – деди Жо оловга тикилиб, косов билан кўмирни кавларкан. – Олди-ю, чиқиб кетди, Пип.

– Кетганига анча бўлдим, Жо? – назаримда, Жо менга доимий тенгдошу фақат бўйи узунрок боладек эди. Жо девор соатига қаради.

– Жаҳли авж олганига чамаси беш дақиқа бўлди. Ана, келаяпти. Эшик ортига яшириниб, устингга сочиқ ташлаб ол, оғайни.

Унинг айтганини қилдим. Опам, миссис Жо эшикни ланг очди, кейин охиригача очилмаётганини сезиб, қашлағич билан тафтиш қила кетди. Иш менинг Жога улоқтирилишим билан якун топди, оилада мандан улоқтирилувчи жиҳоз сифатида тез-тез фойдаланиб туришарди. Ҳар қандай вазиятда мени илиб олишга ҳозир Жо пинак бузмай каминани бурчакка ўтказиб, сўлакмондек тиззаси билан тўсиб олди.

– Қаерларда санғиб юрувдинг, маймунвачча? – деди миссис Жо депсиниб. – Ҳозирок айт, хавотир олиб, бу ерда ўзимни қўярга жой тополмай турганимда қаерда эдинг? Йўқса, элликта Пип, юзта Гержери бўлсаларинг ҳам, бурчакдан тортиб чиқараман.

– Бор-йўғи кабристонга борувдим, – дедим мен хўнграганча калтак еган жойларимни силаб туриб.

– Кабристонга! – такрорлади опам. – Агар мен бўлмаганимда, аллақачон кабристонда бўлардинг. Ким сени ўз қўллари билан тарбия қилди?

– Сиз, – дедим мен.

– Марҳамат қилиб айт-чи, менга нима кераги бор эди бунинг? – давом этди опам.

– Билмадим, – дедим йиғи аралаш.

– Мен ҳам билмайман, – деди опам. – Иккинчи марта сендақа болани асло тарбия қилмаган бўлардим. Бунисини аниқ биламан. Туғилибсанки, устимдан манави пешбанд тушмайди. Темирчи Гержерининг хотини бўлганим етмаганидек, сенга оналик қилишгаям мажбурман!

Унинг сўзлари энди қулоғимга кирмаётганди. Оловга хомушлик билан тикилар эканман, кўз олдимга ботқоқлик, оёғига кишан солинган қочқин, унинг сирли шериги, эгов, овқат ва уйимга ўғирликка тушишга мени маҳқум этган кўрқинчли қасам келмоқдайди.

– Ҳа-я! – деди миссис Жо қашлағични жойига қўярган. – Кабристон! Сенларга “кабристон” дейиш осон!

Айтмоқчи, иккаламиз ҳам бир сўз демай турардик.

– Яқинда дастларингдан ўзим кабристонга бориб қоламан, шунда кўраман менсиз аҳволингиз не кечаркин, азизларим! Ҳа, гап йўқ, икковинг роса бир-бирингга мос шериксанлар!

Унинг чой ичишга дастурхон тузай бошлаганидан фойдаланган Жо, агар бу машъум башорат рўёбга чиқиб қолгудек бўлса, иккаламиздан қанақа шерик чиқаркин, деган маънода тиззасининг ортидан мен ўтирган бурчакка назар солди. Кейин қаддини кўтариб, оилавий бўҳронлар вақтидаги одатига кўра ўнг қўли билан жингалак кўнғир сочларини ва соқолини силаганча мовий кўзларини миссис Жога тикди.

Мой суртилган нонни тайёрлашда опамнинг алоҳида, ўзгармас услуби бўларди. У чап қўли билан нон бўлагини кўкрагига тирар, нонга баъзан пешбанддаги игна ёки тўғноғич қадалиб қолиб, оғзимизга кириб ҳам кетарди. Кейин пичоққа бир оз мой олиб, пиёзнинг пўстидек қилиб, четга чиқиб қолишига йўл қўймай, ҳафсала билан уни нонга суртарди. Ниҳоят эпчиллик билан пичоқни ноннинг милкига артиб олиб, қалингина қилиб бир бўлак кесиб олар, кейин уни иккига бўлиб, ярмини менга, ярмини Жога берарди. Ўша оқшом очикқанимга қарамай ўзимга тегишли нон бўлагини ейишга ботинолмадим. Янги орттирган ваҳимали танишим ва унинг ўзидан

хам кўрқинчлироқ ошнасига нимадир олиб қўйишим керак эди. Миссис Жонинг ўта тежамкорлик билан рўзгор юритишини ва уйдан сездирмай ниманидир ўмаришга уринишим бефойдалигини билардим. Шунинг учун, ҳар эҳтимолга қарши, нонимни иштонимнинг ичига яширишга қарор қилдим. Бу ниятни амалга ошириш учун ғайриинсоний матонат талаб қилиниши маълум бўлди. Ўзимни баланд уйнинг тоmidан ташлашга ёки чуқур ховузнинг ичига сакрашга шайланаётгандек ҳис этаётгандим. Ҳеч ниманинг фаҳмига бормаётган Жо вазифамни янада мушкуллаштирди. Юқорида айтганимдек, бизлар ҳамдард дўст бўлганимиз учун тил бириктириб турардик. Меҳрибон Жо кўнглимни олишдан доимо хурсанд бўлганидан, иккимиз нонни тез ейиш мусобақасини одат қилгандик ва кечки тамадди вақтида нонимизнинг қанчасини еб бўлганимизни сездирмай бир-биримизга кўрсатардик-да, кейин уни тезроқ паккос туширишга шошилардик. Ўша оқшом Жо тез кичрайиб бораётган нонини кўз-кўз қилиб, мени бир неча марта дўстона мусобақага даъват этди, лекин ҳар сафар бир тиззамда ҳамон сариқ кружкадаги чойим, иккинчисида эса ҳали тишланмаган ноним борлигини кўриб, билиб турарди. Ниҳоят, иккиланишга барҳам бериб, пайсалга солмаслик учун шароитдан келиб чиқиб, муқаррар ишнинг табиий содир бўлгани маъқул, деган қарорга келдим. Жонинг мендан назари қочишини пойлаб туриб, нонни иштонимнинг ичига солиб қўйдим. Мени иштаҳасини йўқотибди, деган хаёлга борган Жонинг ҳафсаласи пир бўлганди. У паришонлик билан нонидан бир тишлам оғзига солди. Бундан асло ҳузур қилмаётгани равшан эди. Хаёл сурган қўйи, одатдагидан кўра узоқроқ чайнаб, дорини ютгандек, бир амаллаб уни ютиб юборди. Кейин бошини четга эгиб, навбатдаги тишламни мўлжаллай бошлади ва тасодифан мен томонга қараб, нонимнинг ғойиб бўлганини кўрди. Нонни оғзига олиб боришга улгурмаган, кўзини мендан узолмай қолган Жонинг юзида акс этган ҳайрат ва даҳшат опамнинг эътиборидан четда қолмади.

– Яна нима бўлди? – деб вайсади у чойини бир чеккага сураркан.

– Бундай қилиш ярамайди! – деб ғўлдиради Жо норозилик билан бош чайқаб. – Пип, оғайни, бунақада ўзингга жабр қилишинг мумкин. У ер-бу ерингга тиқилиб қолса нима бўлади? Ахир уни чайнамадинг ҳам.

– Нима бўлди яна? – тақрор сўради опам овозини кўтариб.

– Сенга маслаҳатим, Пип, йўталиб кўр, балки озгинаси қайтиб чиқар, – гапида давом этди ҳайратда қолган Жо. – Одобдан бўлмайди, деб ўтирма, соғлигинг муҳимроқ-ку.

Шунда опам кутуриб кетгандек бўлди. У Жога отилди-да, соқолининг икки четидан ушлаб, унинг бошини деворга ура кетди. Мен эса, бурчагимда ўтирган қўйи, манзарани айбдорларча кузатмоқдайдим.

– Нима бўлганини балки энди айтгарсан, бақа кўз чўчка, – деди опам ҳансираб. Жо унга бепарво тикилди, кейин паришонлик билан нонидан тишлади-да, яна менга ўгирилди.

– Биласан, Пип, иккимиз дўстмиз ва ҳар қандай ҳолатдаям сени сотмаган бўлардим, – деди у нонни лунжигга жойлай туриб тантанавор ва сирли оҳангда, гўё хонада икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқдек. – Лекин бу қилиғинг... – у курсисини суриб, аввал ерга, кейин менга қаради. – Бир бўлак нонни лоп этиб ютиб юбориш...

– Яна чайнамай ютяптими? – ҳайқирди опам.

– Тушун, оғайни, – деди ҳамон лунжидаги нонини чайнаётган Жо миссис Жога эмас, менга қараб, – сендеклигимда мен ҳам шўхлик қилган вақтларим бўлган, турли шумлик-қувликларни дўндирадиган болаларни

ҳам кўп кўрганман, лекин бунақасини сира эслай олмайман, Пип. Тирик қолганингнинг ўзи катта бахт.

Опам қарчигаъдек менга ташланди, кейин сочларимдан тортиб, бурчакдан чиқарди-да, лўндагиға қилиб:

– Оғзингни оч, – деди. Ўша кунлари аллақандай нияти қора доктор курум сувининг ҳамма дардга даво, деган обрўсини тиклаган, миссис Жо эса, сувнинг бемазалиги унинг шифобахшлигига мос, деб ишониб жавонида сувдан ҳаммиша захира сақларди. Ушбу “шифобахш” суюкликни каминага шу даражада кўп ичиришардики, баъзан мендан янги тахта деворнинг хиди келади, деган хаёлга борардим. Дарднинг жиддийлигидан келиб чиқиб, ўша оқшом ичимга нақ чорак шиша курум суви қуйишларига тўғри келди. Бунинг учун миссис Жо бошимни қўлтиғи орасига олиб, қисқичда қисгандек маҳкам ушлаб турди. Жо бўлса чорак шиша билан кифояланди.

Суюкликдан мажбуран ютиб юборгач томоғи тутулиб қолиб, таъби тирриқ бўлган Жо ўчоқ ёнида ниманидир хаёл суриб, нонини еб тугатаётганди. Тажрибамдан келиб чиқиб, шуни айтишим мумкинки, у “дори” ичишдан олдин эмас, кейин тутулиб қолганди. Виждон азобининг юки катталар учун ҳам, болалар учун ҳам бирдек оғир. Ёш боладаги ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган сир ёнига, унинг иштони ичига беркитилган яна бир сирнинг қўшилиши ҳақиқатан ҳам ўта оғир синов эканини шахсан тасдиқлашим мумкин. Жо хонимнинг ҳаққига хиёнат қилиш фикридан (Жоникига ўғирликка тушаётганимни хаёлимга ҳам келтирмагандим, негаки уни ҳеч қачон уйнинг ҳақиқий хўжайини деб тан олмаганман) ва ўтирсам ҳам, юрсам ҳам нонни ушлаб юриш зарурлигидан эсим оғиб қолаёзди.

...Ўша кунни Мавлуд арафаси эди ва мени соат еттидан саккизгача ўқлов билан эртанги куннинг пишириғи учун хамир қоришга мажбур қилишди. Бу вазифани оёғимдаги юк билан бажаришга ҳаракат қилар эканман, оёғи кишанланган кимса бот-бот хаёлимда гавдаланар, бунинг устига кимирлаганимда иштонимнинг почасидаги ёғ суртилган нон сурбетларча ташқари томон силжимокда эди. Бахтимга у ердан сирғаниб чиқишга муваффақ бўлдим ва хаёлимни банд қилган нарсани чордоқдаги ётоғимга яшириб қўйдим.

– Бу нимакин?– дедим мен хамир тайёрлашдан қутулиб, ухлашга жўнатишларидан аввал сўнгги бор бурчакдаги ўчоқ олдида исиниб оларканман. – Тўпдан отишдими, Жо?

– Ҳа! – деди Жо. – Яна бир маҳкум жуфтакни ростлабди.

– У нима деганинг, Жо?

Изоҳ беришни ҳар доим зиммасида деб билган миссис Жо курум сувини ичираётганидаги каби ишонч билан дона-дона қилиб деди: “Қо-чиб кет-ган”.

Миссис Жо ўтириб, каштаси устида бош эггач, мен лабларимни кимирлатиб, Жодан сўрадим: “Маҳкум” нима дегани?” Жо лаблари кўмагида тузилган жавобни астойдил ифодалади-ю, гапидан “Пип” деган сўздан бўлак ҳеч нимани англай олмадим.

– Кеча тунда бир маҳкум қочиб кетувди, – деди Жо овоз чиқариб, – қуёш ботиб, қоронғи тушган маҳал. Тўп отиб, шу ҳақда огоҳлантирган эдилар. Афтидан яна биттасини маълум қилиш учун тўп отишяпти.

– Ким отяпти? – дедим мен.

– Ярамас бола, – гапга аралашди опам каштаси оша менга чимирилиб қараб. – Савол беришдан тўхтамайди. Савол бермасанг, алданиб ҳам қолмайсан.

Назаримда опам ўзига нисбатан ҳурматсизлик қилаётганди. Демак, ҳар



сафар унга савол берганимда, менга ёлғон гапирар экан-да? Меҳмонлар бор вақтни ҳисобламаганда, опам сира хушмуомала бўлмасди.

Шу лаҳзада Жо оғзини ланг очиб, жон-жаҳди билан менга “тутоқяпти” бўлиб кўринган сўзни ифодалашга уринди. Мендаги қизиксиниш янада авж олди. Турган гапки, миссис Жога ишора қилиб, лабларимни қимирлатиб, “уми?” дедим. Жо сўзимни эшитишнйам хоҳламади ва оғзини янада каттарок очиб, ўта ифодали гап айтишга муваффақ бўлди-ю, лекин мен унинг маъносини англай олмадим.

– Миссис Жо, – опамга сўнги илинж ила мурожаат қилдим, – жудаям билгим келяпти, каердан отаётганларини марҳамат қилиб тушунтириб беринг.

– Боладан мурувватингни аяма, Парвардигорим, – илтижо қилди опам Худодан марҳамат эмас, унинг тескарисини сўраш оҳангида. – Баржадан!

– А-а, – дедим мен Жога қараб. – Баржадан!

Жо: “Мен ҳам шуни айтувдим”, демоқчи бўлгандек таъна билан йўталиб кўйди.

– Баржанинг ўзи нима, илтимос? – дедим мен.

– Бола эмас, бало бу! – вайсади опам игна ушлаган қўли билан мени кўрсатиб бошини сарак-сарак қилганча. – Унинг бир саволига жавоб берсанг, ўша захоти ўн иккита қилиб қайта сўрайди. Баржа – сузиб юрадиган камоқхона. Шундоққина ботқоқликнинг ўртасида.

– Қизик, унга кимни ва нима учун қамашаркин? – дедим мен деярли умидсиз оҳангда ҳеч кимга мурожаат қилмай.

Миссис Жонинг сабр косаси тўлиб, шартта ўрнидан турди.

– Нимагалигини ҳозир сенга айтаман, тойчоқ, – деди у. – Сени одамнинг жиғибийронини чиқаришинг учун ўз қўлларим билан тарбия қилмаганман. Бунақада насиб қилса менга обрў эмас, иснод келтирасан. Одамларни камоққа қотиллик, ўғрилиқ, фирибгарлик ва бошқа ёмон ишлари учун ташлайдилар. Улар ҳам сенга ўхшаб доим савол ёғдиришдан бошлаган. Энди эса тўғри тўшакка жўна!

Ўрнимгача етиб олишим учун ҳеч қачон шамдан фойдаланишга рухсат берилмасди. Қоронғида зинадан кўтарилар эканман, миссис Жо сўнги сўзларини айтаётиб ангишвонаси билан ноғора қилиб чертган бошим ғувилламоқдайди. Сузиб юрувчи камоқxonанинг ёнгинамиздалигини ўйлаб, даҳшатга тушдим. Бир кун келиб қамалишим равшан эди, негаки кўп савол берардим ва миссис Жоникига ўғирликка тушгандим.

Ўшандан бери ёш боланинг ичидаги сир уни қанчалар даҳшатга солиши мумкинлигини ҳамма ҳам тушуниб етавермаслигинитез-тез эслаб тураман. Юрагим ва жигаримни ейиш ниятидаги одамдан, оёғига темир кишан солинган суҳбатдошимдан, ичиб кўйган оғир қасамимдан жуда хавотирда эдим. Ҳар қадамда мени ўзидан нари итарадиган, қўлидан ҳамма иш келадиган опамдан ёрдам кутмасдим. Пинҳона ваҳима ва кўрқувга берилиб нималар қилиб кўйишим мумкин бўлганини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади.

Ўша оқшом сал кўзим илингудек бўлса, кучли оқим мени дарёнинг қуйи тарафига, эски баржа томон олиб кетаётгандек, бир пайтлар дорга тортилган қароқчининг карнай кўтарган арвоҳи қирғоққа чиқ, сени аллақачон ошишлари керак, деяётгандек туйилаверди. Мудроқ босса ҳам ухлаб қолишдан кўрқиб ётдим, негаки тонгги ғира-ширада қазноқни ўмаришим лозимлиги эсимдайди. Тун қоронғисида бу ишни қилишни ўйламасам ҳам бўларди, чунки шам ёқиш учун фойдаланиладиган чакмоқтош қароқчининг кишанидан кам овоз чиқармасди.

Кичкина деразамнинг ортидаги бепоён зулмат оқара бошлаши билан ўрнимдан туриб, зинадан пастга тушдим. Оёғим остидаги ҳар бир тахта гичирлаб: “Уғрини ушланглар!”, “Огоҳ бўлинг, миссис Жо!”, деяётгандек туйилди. Байрам арафасида қазнокда егулик одатдагидан мўлроқ эди, орқа оёқларидан осиб қўйилган, муғомбирларча кўз қисаётгандек кўринган куёндан чўчиб тушдим. Текшириб ўтиришга, танлашга, умуман ҳеч нарсага ортиқча вақтим йўқ эди. Бир бўлак нон, озгина пишлок, ярим банка мева мураббосидан ўмардим (буларнинг ҳаммасини кечаги ёғли нонга қўшиб, рўмолчамга тугиб олдим), сопол идишдаги брендидан ўзим хонамда яширинча испан ликёри деган ўткир ичимликни тайёрлашда ишлатадиганим шиша банкачага қуйиб олдим, сопол идишни ошхона жавонида турган мева суви билан тўлдирдим, деярли гўшти қолмаган суяк ва ажойиб думалок чўчка паштетини ҳам олдим. Чиқиб кетаётиб жавоннинг тепасида, бурчакда қопқоқ билан ёпилган сопол идишда нима борлигига қизикмаганимда, паштетсиз кетган бўлардим. Ҳам вақтни кизганганимдан, ҳам уни эрталабданок ейишмайди-ку, деган умидда олиб кетавердим.

Ошхонадан устахонага эшик бор эди; лўкидонни суриб, уни очдим ва Жонинг асбоблари орасидан эговини олдим. Яна қулфу лўкидонларни жойига суриб, кеча оқшом ўзим кириб келган кўча эшигини очдим, ортимдан ёпдим-да, туман қаъридаги ботқоқлик сари йўл олдим.

### III боб

Зах ва рутубатли тонг ота бошлади. Ўрнимдан тураётганимда дераза ойнасида сидирилиб юмалаётган томчиларга кўзим тушди, дайди шайтон-вачча рўмолчага эмас, ойнага бурун тираб тун бўйи йиғлаб чиққанди гўё. Буталарнинг яланғоч новдалари, қурий бошлаган майсалар, шох-шаббалар, кўлмақлар атрофини маржон бўлиб қиров қоплагани кўзга ташланарди. Эшиклар, деворлар намдан сирғанчиқ бўлиб қолган, ботқоқликдан эса шунчалар қуюқ туман тарқалаётгандики, ёғоч устунга қоқиб қўйилган, йўловчиларга қишлоғимиз йўналишини кўрсатиб турувчи ёғоч бармоқни унинг тагига борганимдагина илғадим; сайёҳлар унга эътибор бермасдилар чоғи, негаки бизнинг томонларга ҳеч ким келмасди. Кўрсаткичдан оқиб тушаётган томчиларни кузатар эканман, безовта виждоним менга бу кимса сени бир умрга сузувчи қамоқхонага маҳкум қилади, деяётгандек эди. Ботқоқликда туман янада қуюқлашганидан шлюзлар, тўғон ва зовурлар туманда қаршимдан отилиб чиқиб, “Ушланглар уни! Болакай чўчка паштетини ўмариб қочмоқда!” деб баралла қичқираётгандек эдилар.

Кутилмаганда рўпарамдан чиқаётган сигирлар ҳам оғизларидан ҳовур чиқариб, кўзлари билан: “Кўлга тушдингми, ўғривачча!” демоқдайди. Бўйнига оқ тушган, руҳонийга ўхшатганим – қора буқа менга шунчалар диққат ва таъна билан назар солдики, виждоним қийналиб кетганидан унга ўгирилиб қарадим ва йиғи аралаш: “Мажбур бўлдим, сэр! Ўзим учун олмадим!”, дедим. Шунда у бошини қуйи солиб, бурунларидан булутдек ҳовур таратди-да, думини ликиллагиб, кўздан ғойиб бўлди.

Дарёга тез яқинлашмоқдайдим. Қанчалик шошмай, оёқларимга сира иссиқ югурмаётганди, негаки совуқ рутубат мен ҳузурига ошиқаётган инсоннинг оёқларини сиқиб турган кишан монанд, оёғимни уюштириб қўйганди.

Тўпхона йўлини билардим, у ерга якшанбаларнинг бирида Жо билан боргандим. Ўшанда эски тўпнинг устига ўтириб олган Жо мени унга шогирдликка берганларидан кейин ҳаммаси зўр бўлишини айтганди. Шунга

карамай туманда йўлдан адашиб, ўнг томонга жуда илгарилаб кетган эканман, дарёнинг лойқа қирғоғи, тошган сувни тўсувчи ходалар ёқалаб ўтган тош йўлкадан орқага қайтишимга тўғри келди.

Бир дақиқани ҳам бой бермасликка тиришиб, назаримда, тўпхонанинг ёнгинасидан ўтувчи зовурнинг устидан илдам юрдим ва қаршимдаги қияликдан кўтарила бошловдим ҳамки, танишимга кўзим тушди. У орқа ўгириб, қўлларини ковуштириб ўтирар, уйқусида чайқалаётгандек эди.

Ўзимча унга кутилмаган тухфа қиламан деб ортидан аста яқинлашдим-да елкасига қўл теккиздим. Танишим сакраб ўрнидан туриб кетди ва... во ажабо, бу мутлақо бошқа одам экан! Аммо унинг ҳам эғнида дағал матодан кийим, оёғида темир кишан бўлиб, у ҳам оксокланар, хириллар, худди наригисига ўхшаб совуқда қалтирамоқдайди; фақат бунисининг юзи бошқача, бошида эса куббаси паст кенг гардишли шляпа бор эди. Буларнинг барини мен лаҳза ичида пайқаб улгурдим, негаки уни бир лаҳзагина кўролдим: у сўқиниб, мени урмоқчи бўлди, лекин мажолсиз қўл кўтариб, иккиланиб қолди ва зўрға мувозанат саклаб туман ичида қочишга тушди, икки марта қоқилди, кейин мен уни назардан қочирдим. “Анавининг ўртоғи шу!” – деб ўйладиму юрагимда санчиқ турди. Эҳтимол қаеримда жойлашганини билганимда жигарим ҳам оғриган бўларди. Яна уч-тўрт кадам югуриб, тўпхонага етиб бордим. У ерда қўллари билан ўзини кучоқлаб олган танишим, тун бўйи тўхтамагандек, мени кутиб у ёқдан-бу ёққа чўлоқланиб юрмоқдайди. Унинг жуда совқотгани кўриниб турарди, агар турган жойида йиқилиб, ўлиб қолса ҳам ажабланмаган бўлардим. Кўзларида мудҳиш очлик ифодаси бор эди. Мендан эговни олиб, майса устига қўяркан, қўлимдаги тугунчага кўзи тушмаганида, эговни еб қўйишга уриниб кўрган бўларди, деб ўйладим.

Бу сафар у мени оёғимни осмондан қилиб ўтирмай, чўнтақларимни бўшатишни ва тугунчани ечишни ўзимга қўйиб берди.

– Шишанинг ичида нима бор, болакай? – сўради у.

– Бренди.

У аллақачон мевали пирог билан лунжини тўлдириб олганди, бироқ қизиғи шундаки, у овқатни емай, шошилинича егуликни ичкарироққа жойлаб қўяётган одамни эслатарди. Қочқин ичкиликдан қиттак ичмоқчи бўлиб, бир нафасга тўхтади. У бор вужуди билан шунчалар қалтирамоқдайдики, шишанинг қопқоғини олиб ташлаш ўрнига, унга тишларини ботириб, ғажиб қўяёзди.

– Безгакка чалинганга ўхшайсиз, – дедим мен.

– Шунақа шекилли, болакай.

– Бу жой ёмон, жуда зах, – дедим унга. – Ерда ухлагансиз, бу аҳволда даҳшатли безгак касалини орттириб олиш ҳеч гап эмас. Бодниям.

– Безгак мени йиқитгунча тамадди қилиб олишга улгураман, – деди у. – Агар бунинг учун мени анави дорга осишларини билганимда ҳам, барибир овқат еб олган бўлардим. Гаров боғлашга тайёрманки, безгакни ҳам шундай тез енга оламан.

Қочқин суяк тозалар, гўшт, нон, пишлоқ ва паштетни аралашига ютар, лекин атрофимизни қамраб олган туманни хушёрлик билан кузатишдан чарчамас, баъзида эса кулоқ солиш учун чайнашдан тўхтарди. Кутилмаганда у сесканди – назарида дарёдан ниманингдир жаранги эшитилгандек ёки ботқоқликда аллақандай жонивор товуш бергандек эди – кейин сўради:

– Мени алдамадингми ишқилиб, шайтонвачча? Ҳеч кимни эргаштириб келмадингми?

– Йўк, йўк, сэр!

– Ортимдан юринглар, деб ҳеч кимга айтмадинг ҳамми?

– Йўқ!

– Майли, – деди у. – Сенга ишонаман. Агар шу ёшингдан таъқиб этила-вериб, чалажон ҳолга келган бадбахт кишанбандни яна қувғин қилдирсанг, итваччалиқдан бошқасига ярамаган бўлардинг.

Томоғи, ичига соат яширингану ҳозир юриб кетадигандек, култ этди, кейин у йиртиқ ва яғир енги билан кўзларини артди. Шеригимга раҳмим келиб, бошқа емакларни тугатиб паштетни тушира бошлаганида юрак ютиб дедим:

– Сизга ёққанидан жуда хурсандман.

– Раҳмат, болакай. Паштетмисан, паштет экан.

Уйимиздаги каттакон итнинг овқат ейишини кўп кузатгандим, танишимга қараб итимизни эсладим. У айна итга ўхшаб ютоқиб, шошиб овқат емоқдайди; егуликни чайнамай, ҳаддан ташқари тез ютар, кимдир унинг олдига югуриб келиб, паштетни олиб қўядигандек, чор-атрофга алангларди. Бунақа хаяжону ҳовлиқишда у паштетнинг мазасини рисоладагидек туймайди ҳам, дея ўйладим ва назаримда, агар овқатни бирор кимса билан баҳам кўрганида, шеригига тишларини ғичирлатиши эҳтимолдан холи эмасди. Буларнинг бари итимизни эслатмоқдайди.

– Сиз унга ҳеч нима қолдирмайсизми? – бир оз иккилангач ва ботинмайгина савол бердим, негаки сўзларим унга беандиша туйилишидан хавотирдайдим. – Ахир сизларга бошқа ҳеч нарса олиб келолмайман. – Буни аниқ билардим, шунинг учун ҳам гапиришга жазм этгандим.

– Унга қолдирмайман? Кимга қолдирмас эканман? – сўради у паштетнинг куйган четини курсиллатиб чайнашдан дарҳол тўхтаб.

– Ошнангизга. Ўзингиз айтувдингиз-ку, анави, яшириб қўйилган шеригингизга.

– Ҳа-я, уни айтяпсанми? – деди қочкин кўпол кулиб. – Ошнамгами? Хўш, хўш. Гап шундаки, унга овқат керак эмас.

– Менга бўлса керакдек кўринди, – дедим мен.

– Кўринди? Қачон?

– Ҳозиргина.

– Қаерда?

– Анави ерда, – кўрсатдим мен бармоғимнинг учи билан, – хув анави ерда. У ухлаётганди, мен сиз бўлсангиз керак, деб ҳам ўйладим. У ёқамдан олиб кўзларини шундай жавдиратдики, ишқилиб яна бўйнимга пичоқ тортиб юборгиси келиб қолмасин, деб кўрқиб кетдим. Сизга ўхшаб кийиниб олган, фақат шляпада, – тушунтирдим мен титраб-қақшаб, – кейин... кейин... – юмшоқроқ айтишни жуда хохлаётгандим, – унга ҳам ҳалиги нарса учун эгов керак экан. Кеча оқшом тўпдан отаётганларини эшитмадингизми?

– Демак, чиндан ҳам тўпдан отишибди, – деди у ўзига гапираётгандек.

– Шубҳаланаётганингизнинг ўзи ажабланарли, – дедим мен таажжубланиб. – Биз уйда ҳаммамиз эшитдик. Тўп эса у ердан узоқ, эшиқларимиз ҳам ёпиқ турувди.

– Сен ҳам бир тасаввур қилгин-а, ботқоқликдаги ёлғиз одам, калласи ҳам, қорни ҳам бўм-бўш, ўзи совуқ ва очликдан чалажон бўлса, туни билан ўқ овозлари ва хайқириқларни эшитгандек туйилаверади-да. Эшитибгина қолмай, аскарлар уни қандай қуршовга олишаётганини тасаввур қилади, машғалалар ёғдусида уларнинг қизил мундирларини кўргандек бўлади. Ўзининг тартиб рақамини бақриб эълон қилаётганларини, чақираётганларини, милтиқларнинг ўқланаётганини эшитади, “Тайёрланинг! Нишонга олинг!” буйруқлари қулоғига чалинади, кейин уни қўлга олишади...

кейин ҳаммаси йўқолади. Туни билан юз мартача аскарларнинг ортимдан этикларини дўпирлатиб югуришаётганини кўргандек бўлдим, жин урсин уларни! Тўпларни айтмайсанми? Тонг отгач эса, туман ўқ товушидан қалқиб турганини пайқадим... – Ҳозиргача у менинг борлигимни унутиб қўйгандек гапираётган эди. – Анави одамга келсак, кўзга ташланадиган бирор нимасини пайқамадингми?

– Юзининг кўкарган, ёрилган жойлари кўп эди, – дедим мен буларни қачон кўра қолганимни эслолмай.

– Мана бу еридами? – тўнғиллади у кафтининг қирраси билан томоғининг чап томонига шафқатсизларча уриб.

– Ҳа, ўша ерида.

– Қани у? – Танишим егуликнинг қолганини қўйнига тикди. – Кўрсат, қайси томонга кетди? Унинг изидан бораман, исковуч итдан ҳам ўзиб кетаман. Ох, оёғимдаги мана бу кишанга минг лаънат! Эговни узатиб юбор-чи.

Мен нотаниш кимса қайси тарафда туман қаърига сингиб кетганини кўрсатдим. У бошини кўтариб ўша ёққа назар солди, кейин титилиб ётган нам майса устига ўтириб, тутқаноғи бор кимсадек, менга ҳам, қонаб ётган оёғига ҳам парво қилмай, темир халқани эговлай бошлади. Унинг жазавага тушганини кўриб, юрагимни яна ваҳима босди, уйдагилар узоқ вақт йўқлигимни пайқаб қолишларидан ҳам кўрқаётгандим. Мен унга кетадиган вақтим бўлганини айтдим, лекин қулоғига гап кирмаётганди ва секингина жўнаб қолишга қарор қилдим. Кетаётиб унга ўгирилиб қарадим – қочқин ерга эгилган кўйи бор кучи билан темир халқани эговлар, кишанни ҳам, ўз оёғини ҳам шивирлаб сўкмоқдайди.

#### IV боб

Ошхонада мени дарҳол қамоққа олиш учун констебль кутаётганига ишончим комил эди. Аммо у ерда констебль йўқ бўлибгина қолмай, ҳатто ҳали ўғирлик ҳам ошкор бўлмаган экан. Миссис Жо жон-жаҳди билан уйни байрам қунига тайёрлар, Жо эса хокандоздан узоқроқ бўлиши учун, ошхона эшигининг нариги томонига жўнатилганди, негаки опам ўз хонадонини иштиёқ билан тозалашга тутинган кезлари, тақдир Жони эртами, кечми, албатта, мазкур жиҳозга дучор қиларди.

– Жаноблари қаерда юрган эдилар? – деди опам байрам табригининг ўрнига қийналаётган виждоним ила унинг кўзига кўринишим ҳамонок.

Исога ҳамду санони тинглаш учун ташқарига чиққанимни айтдим.

– Унда яхши! – деди опам. – Бемазароқ ишларни ҳам қилиб қўйишинг мумкин эди.

Бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, деб ўйладим мен.

– Агар темирчининг хотини, яъни пешбандини сира ечмайдиган хизматкор бўлмаганимда эди, балки мен ҳам Исога ҳамду санони тинглашга борган бўлармидим, – деди миссис Жо. – Мадҳияларга жуда ҳам бефарқ эмасман, эҳтимол, шунинг учун ҳам уларни тинглашнинг сира иложи йўқдир менга.

Хокандознинг ғойиб бўлганини пайқаган Жо ортимдан аста ошхонага кириб келди, опамнинг унга ғазаб билан тикилиб турганини кўриб, кафтининг орқаси билан бурнининг тепасини хотиржам силаб қўйди, у тескари ўгирилгач эса, иккала қўлининг кўрсаткич бармоқларини устма-уст қўйиб, менга яширинча кўрсатди ва ушбу шартли белгимиз билан миссис Жонинг авзойи бузуклигига ишора қилди. Опам учун бу кайфият одатий хол бўлганидан, кўпинча Жо иккимиз бармоқларимизни солибчиларнинг



хайкалларидаги чалишган оёқлари монанд, устма-уст қилиб, ҳафталар мобайнида кўрсатиб юрардик.

Бизни ажойиб тушлик – дудланган чўчка сони, сабзавотлар ва ичига қийма солиб қовурилган бир жуфт парранда кутмоқда, пудинг ҳам аллақачон пишиб, тобига етмоқдайди. Бундай мўл-кўлчилик сабабли биз шафқатсизларча нонуштадан маҳрум қилингандик.

– Олдимда шунча иш турганда сенларни навбатдан ташқари боқиб, тўйғазиб, кейин орқаларингдан идиш-товоқ ювиб ўтирмайман, – деди миссис Жо.

У бизни ташқарига чиқариб, ўз уйида ўтирган эркак ва болага эмас, сафардаги икки юзга аскарга улашгандек қилиб, бир бўлакдан нон берди. Биз бўйнимизни эгган кўйи, токчада турган хумчадаги сутга сув аралаштириб, ича бошладик. Бу вақтда миссис Жо деразаларга тоза оқ парда осди, ўчоқ устидаги сўзанани янги, ёрқин гуллисига алмаштирди ва йилнинг бошқа пайтида ҳамиша ёпиқ турадиган ҳамма жиҳозларни, ҳатто камин устидаги тўртта бир хил, тишларига гул савагчаларни илиб олган чинни кучукчаларни ҳам совуқ кумуш ранг қоғозга ўраб қўйди. Миссис Жо рўзгорини ўта саришта тутадиган уй бекаси эди, лекин унда ана шу озодаликни ивирсиқдан ҳам ёқимсизроқ ва кўнгилисизроқ қилиб кўрсатиш “санъати” бор эди.

Қиладиган ишлари кўп бўлганидан опам черковга ишончли вакиллар орқали қатнардди, яъни черковга Жо иккимиз бориб юрардик. Иш кийимида Жо келишган эркак, мохир темирчи эди; байрам кийимида эса, у кўпроқ безатиб қўйилган полиз кўрикчисини эслатарди. Нима киймасин, ярашмас ёки бировникига ўхшар, устидаги бор кийими баданини сиқиб, тирнаб ташлаётгандек туйилаверарди. Ўша байрам куни ҳам черков кўнғироқлари чалинган, у бошдан-оёқ якшанбалик уст-бошини кийиб, аянчли қиёфада хонасидан чиқиб келди. Мени эса назаримда, опам, туғилган заҳоти норасида жиноятчи сифатида полициячи – доя қўлидан олганману, қонунга қаттиқ амал қилиб, тарбиялашни бошлаганман, деб ўйларди. У менга шундай муомала қилардики, гўёки мен ақлидрок, эътиқод ва ахлоқнинг кўрсатмаларига қарши ўлароқ энг яқин одамларимнинг асосли ўғитларига қулоқ солмай, ўз хоҳишим билан дунёга келганман. Ҳатто кийим-бошим янгиладиган кезлари тикувчига уларни қолипдек қилиб тикиш буюрилар, оёқ-қўлимни бемалол қимирлатишим зарурлиги ҳисобга олинмасди.

Шу сабабли Жо иккимиз черковга қатнаган кезларимизда аянчли аҳволимиз кўп сахий қалб эгаларининг раҳмини келтирган бўлса ажаб эмас. Аммо тан азобим ичимда кечаётган қийноқлар олдида ҳеч гап эмасди. Ҳар сафар миссис Жо қазноққа яқинлашганида ёки хонани тарк этганида мени қамраб олаётган кўрқувни кўлларим қилиб қўйган ишдан виждоним чекаётган афсусгагина тенглаштиради бўларди. Пинҳона қилмишимнинг юки мени эзаркан, агар уни ошкор қилгудек бўлсам, кўрқинчли танишимнинг интиқомидан ҳимоя қилиш учун черковнинг кучи етармикан, дея хаёл сурмоқдайдим. Рухоний дуони ўқиб бўлиб: “Энди тавба қилсаларинг бўлади!” – деганида ўрнимдан туриб, юзма-юз суҳбатга руҳсат сўраш учун қулай фурсат топаман, деган хулосага ҳам келгандим. Агар ўша куни Мавлуди Исо эмас, якшанба бўлганида, озчиликдан иборат қавмимиз ушбу фавқулодда қилмишимдан ҳайратланмасди, деган фикрдан йироқ эмасдим.

Тушликка рухоний мистер Уопсл, ғилдиракчи уста мистер Ҳабл ва унинг рафикаси миссис Ҳабл, шунингдек, ёнгинамиздаги шаҳарда истикомат қилувчи, аравасида юриб дон сотиш билан шуғулланадиган, ўзига тўқ Памблчук амаки (у Жонинг амакиси эди, лекин миссис Жо уни ўзиники қилиб

олганди) таклиф қилингандилар. Тушлик соат бир яримга белгиланганди. Жо иккимиз черковдан қайтганимизда дастурхон ёзилган, тушлик тайёр, миссис Жо кийиниб олган, меҳмонлар учун хос эшик очиб қўйилган (одатда у кулфлоғлик турарди) – хуллас, ҳамма нарса рисоладагидек, ўғирлик тўғрисида ҳамон гап-сўз йўқ эди.

Тушлик вақти ҳам келди, аммо мен ҳамон енгил тортмагандим; меҳмонлар ҳам ташриф буюрдилар. Румий бурунли, сочи тўкилган, дўнг пешона мистер Уопслнинг овози момақалдироқ монанд бўлиб, бундан у чексиз ғурурланарди; танишларининг фикрича, агар унга имкон берилса, роҳибни бир чўқишда қочирарди; ўзининг ҳам айтишича, агар черков эшиклари мусобақа учун барчага очиқ бўлганида, ҳеч иккиланмай ўзини кўрсатган бўларди. Черков эшиклари “очиқ бўлмаганидан”, у, айтиб ўтганимдек, бизнинг оддий руҳоний эди. Аммо “омин” сўзларини жарангдор қилиб айтиб, интиқом олгандек бўлар, мазмур<sup>1</sup>га ўта туриб эса, – албатта, оятни тўла келтирар – у аввал қавмга бир назар ташлаб олар ва: “Биродаримизнинг овозини минбардан эшитдинглар. Буниси тўғрисида қандай фикрдасизлар?” деяётгандек бўларди.

Эшикни очиб туриш оиламиз учун одат, деган қиёфада меҳмонларга эшигимизни очиб, аввал мистер Уопсл, кейин мистер ва миссис Ҳаблларни ва ниҳоят Памблчук амакини ичкари киритдим, дарвоқе, уни амаки деб чақириш менга тақиқланган, шундай десам оғир жазога тортилардим.

– Миссис Жо, – деди ўрта ёшлардаги, тўладан келган, нафаси сикадиган, балиқ оғиз ва кўзлари бўртиб чиққан, сариқ-малла сочлари тикка ўсганидан ҳозиргина бўғилиб, ҳали-ҳануз ўзига келолмаган кишини эслатувчи Памблчук амаки, – сизга бир шиша херес виноси ва бир шиша портвейн олиб келдим.

У Исонинг ҳар Мавлудиди ташриф буюрар, катта бир янгиликни эълон қилаётгандек айни жумлаларни айтар ва икки кўлида бадантарбия тошларидек ушлаб олган шишаларни кўтариб келарди. Ҳар Мавлудда миссис Жо унга бугунгидек жавоб қайтарарди: “Вой, Памблчук амаки! Жуда сертакаллуфсизда!” Ҳар Мавлудда у бунга жавобан: “Сиз бундан ортиғига муносибсиз! Хўш, ҳаммангиз тойчоқ бўлиб юрибсизларми? Олти пенс ярим пенни яхшими?” дерди мени назарда тутиб.

Бундай кунларда биз ошхонада овқатланардик, кейин ёнғоқ, апельсин, олма ейиш учун меҳмонхонага ўтардик; бу ўзгариш Жонинг иш кийимини ечиб, якшанбалик либосларини кийиб олишини эслатарди.

Ўша куни опамнинг кайфияти одатдагидан кўра чоғроқ эди; умуман айтганда миссис Ҳабл билан бирга бўлиш унга ҳамиша ижобий таъсир кўрсатарди. Миссис Ҳабл кўнғироқ сочли, паст бўйли, қотма, зангори кўйлак кийган, бир замонлар мистер Ҳаблга турмушга чиқаётганида ундан анча ёш бўлганидан ҳамиша ўзини дуркун ҳисоблайдиган аёл сифатида хотирамда қолган.

Мистер Ҳаблни эсласам, кўз ўнгимга зуваласи пишиқ, баланд бўйли, қадди эгилган, ёқимли пайраха ҳиди анқиб турган чол гавдаланади, у юрганида оёқларини шунчалар кериб қадам ташлардики, ҳали жуда ёш болалигимда қишлоғимиз кўчасида учратгудек бўлсам, оёқлари орасидан бутун туманимизнинг манзарасини кўра олардим.

Агар қазнокни ўмармаганимда ҳам бундай оқсуяклар даврасида ўзимни нохуш ҳис қилардим. Бунинг сабаби ўтирган жойимнинг торлиги, столнинг ўткир қирраси кўкрагимга тиралаётгани, Памблчукнинг тирсаги кўзимга

<sup>1</sup> Мазмур – Яхудий ва насроний динларида ибодатнинг шеърий шаклда ёзилган қисми.

кириб кетай деяётганида эмасди; шунингдек, менга гапирмай ўтириш буюрилганида (ўзимнинг ҳам гаплашишга хушим йўқ эди) ёки насибамга фақат товукнинг қаттиқ панжалари, дудланган чўчка сонининг у тириклигида энг кам фахрланган кирралари тушаётганида ҳам эмасди. Буларнинг ҳаммаси майли-ку-я, катталар мени ўз ҳолимга қўймаётгани баридан ўтиб тушаётганди. Имкон топилди дегунча улар гапни мен томон бураётгандек ва албатта, ҳар қандай йўл билан мени камситаётгандек эдилар. Уларнинг ўғитлари дилимни шунчалар оғритмоқда эдики, ўзимни испан майдонидаги бечора бузқочадек ҳис қилардим.

Ҳаммаси тушликка ўтиришимиз билан бошланди. Мистер Уопсл шукур дуосини намоёйишкорона ўқиди – айтишим мумкинки, Гамлетдаги рух ва Ричард Учинчи таквода мусобақалашгандек эди гўё – ва сўзини астойдил, ҳаяжон ила миннатдор бўлишимиз лозимлиги билан якунлади. Дуо ниҳоясида опам менга тикилиб туриб, насиҳатомуз деди:

– Эшитдингми? Миннатдор бўл!

– Айниқса, – деди мистер Памблчук, – сени ўз қўли билан катта қилаётганлардан миннатдор бўлгин.

Миссис Ҳабл бош чайкади, кейин менга барибир бу боладан умид йўқ, деган маънода қараб, сўради:

– Нимага ёшлар ҳеч миннатдор бўлишмас экан-а?

Ўтирганлар ушбу тарбиявий жумбоқ олдида бош қотирар эканлар, мистер Ҳабл уни ечди ва курукқина қилиб деди:

– Бу туғма қусур.

Барчалари шивирлаб:

– Тўппа-тўғри, – дейишди ва менга аллақандай адоват назари билан қарай бошлашди.

Меҳмонлар хузурида Жонинг кадр-қиммати аввалгидан ҳам пасайиб кетарди (имкон туғилганда, албатта). Лекин у мени баҳоли қудрат қўллаб-қувватларди; тушлик вақтида у менга, агар тортилган бўлса, иложи борича кўпроқ қайла солиб берарди. Ўша куни қайла кўп бўлганидан Жо менга нақд ярим пинт сузди.

Мистер Уопсл шу куни эрталаб биз тинглаган маърузани жиддий танқид қилди ва черков эшиклари очилган тақдирда, ўзи ўқиши мумкин бўлган эҳтимолий маъруза тўғрисида сўзлаб берди. Ўтирганларни маърузанинг умумий жойлари билан таништиргач, у роҳибнинг маъруза мавзуси, фикрича, нотўғри танланганини, бунга эса кечириб бўлмаслигини, негаки яхши мавзулар “тўлиб ётганини” баён қилди.

– Тўғри, – деди Памблчук амаки. – Тўппа-тўғри айтдингиз, сэр! Мавзулар тўлиб ётибди, уларни тузлашнинг уддасидан чиқилса бас. Ҳамма гап ана шунда. Мавзуларни узоқ жойдан кидирмайдилар, туздон тайёр бўлса бўлди.

Бир оз ўйлагач, мистер Памблчук яна деди:

– Масалан, чўчка гўштани олайлик. Нега мавзу бўлмасин? Сизга мавзу керак экан, такрор айтаман, чўчка гўштани танланг!

– Айни ҳақиқат, сэр, – деди жавобан мистер Уопсл. – Ёш болалар учун... – Ҳозир гапни олиб келиб, менга тақашини аллақачон сезгандим. – ... фавқулодда муҳим тарбиявий мавзу. (“Яхшилаб эшит”, деди опам менга гап орасида).

Жо менга яна қайла солди.

– Чўчка! – дея гулдурраган овозда давом этди мистер Уопсл номимни айтиб қақираётгандек санчки билан хижолатли юзимга ишора қиларкан. – Дайди ўғил чўчкалар билан ошна тутинган. Чўчкаларнинг очофатлиги ёш болаларга

ёмон одат деб кўрсатилади (“Ўзи ҳозиргина дудланган чўчка сонини ёғлик ва мазали, деб мақтаётгани” дея хаёлдан ўтказдим мен). Чўчкадаги қусур ўғил бола учун ҳам қусур ҳисобланади.

– Қиз бола учун ҳам, – гап қистирди мистер Ҳабл.

– Албатта, мистер Ҳабл, – тасдиқлади мистер Уопсл бир оз ғижиниб, – лекин бу ерда қиз болаларни кўрмаяпман.

– Тақдирдан миннатдор бўлиш ҳам эсингдан чиқмасин, – деди мистер Памблчук шартта менга ўгирилиб. – Чўчка боласи бўлиб туғилганинда...

– Ёшлигида чўчкачадан фарқи йўқ эди, – деди опам ишонч билан. Жо менга яна қайла солди.

– Тўғри, аммо мен тўрт оёқли чўчкаваччани назарда тутаяпман, – деди мистер Памблчук. – Агар чўчка боласи бўлиб туғилганинда ҳозир бу ерда ўтирармидинг? Йўқ, сен...

– Мана бундай кўринишда бўлмаса, – деди мистер Уопсл овқатга ишора қилиб.

– Мен бундай кўринишни назарда тутмаяпман, сэр, – деди гапини бўлишларини ёқтирмайдиган мистер Памблчук норози оҳангда. – Катта одамлар билан ўтириш лаззатидан баҳраманд бўлиш, суҳбатларини тинглаб ақлни чархлаш ва шоҳона яшашни назарда тутувдим. Буларни у қила олган бўлармиди? Йўқ, қила олмасди. Тақдиринг не кечарди? – деди яна менга ўгирилиб. – Бозордаги нархдан келиб чиқиб, сени беш-ўн шиллингга сотиб юборишар, кейин қассоб Данстебл сомон тўшакчангдан кўтариб, чап тирсаги билан сиқиб турган кўйи, ўнг кўли билан этагини очиб, пичоқчасини чиқарган бўларди, қонинг тўкилиб, қунинг битарди. Турган гапки, ҳеч ким сени ўз кўли билан тарбия қилмасди. Қаёқда дейсан!

Жо менга яна қайла таклиф қилувди, олгани кўрдим.

– У сизга роса ташвиш келтиргандир, хоним, – деди миссис Ҳабл, опамга ачиниб.

– Ташвиш? – такрорлади опам. – Ташвиш дейсизми? – Кейин қилган гуноҳларимнинг тўлиқ рўйхатини – оғриган дардларим, уйқум келмаган кунлар, баландликлардан йиқилганларим, тушиб кетган ўраларим, орттирган яраларимни, неча марта Худодан ажалимни сўраганию мен ўжарлик қилиб тирик қолганларимни санай кетди.

Римликлар бир-бирининг бурнини мазах қилганлар, деб ўйлайман. Эҳтимол шунинг учун улар бир ерда қўним топмайдиган халқ бўлгандир. Нима бўлганда ҳам мистер Уопслнинг римликларга хос бурни шунчалар ғашимни келтираётгандики, гуноҳларимнинг рўйхати эълон қилинар экан, эгаси “дод” деб юборгунга қадар уни бор куч билан тортишни истаётгандим. Опамнинг ҳикояси давомида (оғриниб сезишимча) ҳамманинг менга ғазаб ва нафрат билан қараб туришидан кейин чўккан жимлик ниҳоясига етгач, ҳозиргача чидаб келган аҳволим қалбимни эгаллаб олган саросима олдида ҳеч гап эмаслигини англадим.

– Дарвоқе, – деди мистер Памблчук суҳбатдошларини четлаб кетилган мавзуга усталик билан қайтариб, – пиширилган чўчка гўштини ёмон деб бўлмайди, тўғрими?

– Озгина брэнди ичинг, Памблчук амаки, – деди опам.

Э, Худойим, мен тамом бўлдим! Ҳозир у брэндига сув аралаштирилганини билиб қолади, брэндига сув аралашган, деб айтади, мен тамом бўламан! Дастурхон остидан столнинг оёғини иккала кўлим билан маҳкам кучоқлаб олиб, қисматимни кута бошладим.

Опам сопол идишни олиб келгани кетди, уни келтириб, мистер Памбл-

чукка брэнди куйди: ундан бошқа ҳеч ким ичмаётганди. Бечора қадахни қўлида айлантирди, кўтариб ёруғга солиб кўрди, азобларимни чўзиш мақсадида атайлаб қилаётгандек қайтариб столга қўйди. Бу орада опам ва Жо паштет ва пудингга жой ҳозирлаш учун стол устидан ортикча нарсаларни тезлик билан йиғиб ола бошлашди.

Памблчукдан кўз узолмай унга қараб турардим. Оёк-қўлим билан столга маҳкам тармашиб уни кузатар эканман, ушбу пасткаш кимса қадахга қувониб қўл узатди, уни кўтарди, жилмайди, бошини орқага ташлаб, шахд билан брэндини ичиб юборди. Кейинги лахзаларда меҳмонларни тасвирлаб бўлмайдиган даҳшат чулғади: мистер Памблчук сакраб ўрнидан турди, бир оз муддат, худди бўғилаётгандек, жойида айланди-да, эшикни очиб, кўчага отилди; кейин уни деразадан кузатдик: у сакрар, ўкчир, юзини бужмайтирар ва ақлдан озгандек кўринарди.

Столнинг оёғини маҳкам ушлаб турар эканман, опам ва Жо мистер Памблчукка ёрдамга шошилишди. Нима билан ва қандай қилиб, билмадим, лекин уни ўлдириб қўйганимга шубҳам йўқ эди. Памблчукни ошхонага қайтариб олиб келганларида ва у ҳаммага, гўё улар айбдордек назар ташлаб, стулга чўкиб, сермаъно “Курум” сўзини айтганидан кейин ваҳимам босилиб, бир оз енгил тортдим.

Шошганимдан шишани курум суви билан тўлдириб қўйган эканман! Кўп ўтмай унинг баттар мазаси қочишини билардим. Столга шунчалар ёпишиб олгандимки, айрим кўзбойлоғичларга ўхшаб, уни ўрнидан кўзғатиб ҳам юбордим.

– Курум! – деб такрорлади опам ҳайрат билан. – Вой, курум унинг ичига қаердан киради?

Лекин ошхонамизда ўзини якка хўжайиндек тутадиган Памблчук амаки бу сўзни эшитишни ҳам, бу мавзуда гаплашишни ҳам хохламади, у қўлини даҳоларча силтаб, буларнинг барини четга сурди гўё ва иссиқ жин беришларини сўради. Шубҳа-гумонларга эндигина берила бошлаган опам ўша заҳоти ҳаракатга тушди: жин, қайноқ сув, шакар, лимоннинг пўстини олиб келиб, уларни аралаштириш керак эди. Мен ҳеч бўлмаса, вақтинча қутулиб қолгандим. Ҳали ҳам столнинг оёғини қўйиб юбормай, энди уни қизғин миннатдорчилик билан кучоқлаб олгандим.

Секин-аста мен пудингга хужум қиладиган даражада хотиржам тортдим. Мистер Памблчук пудинг билан машғул эди. Ҳамма уни ейишга тушди. Таом тугади, жиннинг сеҳрли таъсири остида мистер Памблчукнинг кайфияти яна кўтарилди. Куннинг адоғига эсон-омон етиб олсам керак, деган умид энди учкунлаётган эди ҳамки, опам Жога:

– Ликопларни тозала, иситиш шарт эмас, – деб қолди.

Ўша заҳоти мен яна столнинг оёғига ёпишиб, уни болаликдаги дўстим, кадрдон ўртоғимдек кучоқлаб олдим. Нима содир бўлишини олдиндан билардим ва бу сафар куним битгани аниқ эди.

– Ва ниҳоят, сизларга ажойиб, мазали таомни – Памблчук амакининг ҳадясини татиб кўришни таклиф этаман, – деди опам меҳмонларга такаллуф билан.

Татиб кўриш? Умидвор ҳам бўлишмасин бундан!

– Айтишим керакки, – деди опам ўрнидан тураркан, – гап паштет устида боряпти: лаззатли чўчка паштети.

Меҳмонлар мақтов сўзларни ёғдира кетдилар. Яқин кишилари олдида ўз хизматларини тан олишга доимо тайёр Памблчук амаки шароитни тўла эътиборга олган ҳолда деярли ҳаяжон билан деди:



– Хўш, миссис Жо, бир бўлакдан паштет тортинг-да, у ёғини боплашни бизларга қўйиб беринг!

Опам паштетни олиб келгани ошхонадан чиқди. Унинг қазноқ сари йўналган қадам товушларини эшитдим. Мистер Памблчукнинг пичокни кўлига олгани, иштаҳанинг янги хуружидан мистер Уопслнинг бурни катаклари шишганини кўрдим. Мистер Ҳаблнинг: “Чўчка паштетига исталган нарсани кўшиб еса бўлади, зарар қилмайди” деган таъкидини, Жонинг: “Сенгаям беришади, Пип”, деган сўзларини эшитдим. Ҳозиргача эслай олмайман, хаёлимда чинқирдимми ёки ҳаммага эшиттирибми, ортик чидай олмаслигимни, қочиб қолиш кераклигини тушуниб, столнинг оёғини қўйиб юбордим ва жонимни кутқариш учун ташқарига отилдим.

Аммо остонадан нари ўта олмадим, негаки бошим билан тўғри милтик кўтарган бир гуруҳ аскар орасига кириб кетгандим. Улардан бири кишан чиқарди-да, уни менга узата туриб, деди:

– Мана қаерда экансан, тезроқ келакол!

### V боб

Ўқланган милтикларнинг қўндоқларини остонамизга уриб, шовқин-сурон кўтарган аскарлар гуруҳини кўриб, меҳмонлар дастурхон атрофидан шошиб тура бошладилар, қазноқдан бўш қўл билан қайтаётган Жо хоним бўлса: “Эй, қодир Эгам, паштет... қаёққа... йўқолди?” дея зорланишини тугатишгаям улгурмади.

Сержант билан мени ошхонада кўриб, миссис Жо иккаламизга диққат билан тикилиб қолди. Мен эсам, ушбу таҳдид таъсирида секин ўзимга кела бошлагандим. Менга гапирган сержант эди ва у меҳмонларга бирма-бир тикилиб, ўнг қўлидаги кишанларни уларга таклиф қилишга чоғлангандек, чўзиб турар, чап қўли эса, елкамда эди.

– Мени афв этинглар, хонимлар ва жаноблар, – деди сержант, – лекин манави ёш олифгага айтганимдек (у менга ҳеч нарса демаганди), қирол номи билан изкуварлик қилмоқдаман ва менга ҳозир темирчи керак.

– У сизга нимага кераклигини билсак бўладими? – сўради эрининг кимгадир керак бўлиб қолганидан дарҳол асабийлаша бошлаган опам.

– Хоним, – деди сертакаллуф сержант. – Ўз номимдан айтишим мумкинки, унинг латофатли рафиқаси билан танишиш менга шараф ва хузур бағишлайди; қирол номи билан айтаманки, темирчи учун кичкина бир хизмат бор.

Ҳамма сержантнинг сўзамоллигини тушуниб етганди, жаноб Памблчук эса, ҳамма эшитадиган қилиб: “Зўр гапирди!” – деди.

– Биласизми, уста, – деди Жони кўз қараш билан таниб олган сержант. – Манави қўл кишанлар билан муаммо чиқиб қолди, биттасининг қулфи ишламаяпти, занжири ҳам кўнгилдагидек эмас. Булар ҳозир зарурлиги учун бир кўздан кечириб бермайсизми?

Жо назар солиб, ўчоққа ўт ёқиш кераклигини ва бир-икки соат вақт даркорлигини айтди.

– Шундайми? Унда марҳамат қилиб ишга тушсинлар, уста, – деди маҳмадона сержант. – Ҳазрати олийларига хизмат қилаётганингиз ёдингиздан чиқмасин. Агар одамларимнинг ёрдами керак бўлса, фойдалари текканидан уларнинг боши осмонга етади.

Шундан кейин у аскарларини чақирди, улар бирма-бир ошхонага кириб келдилар ва милтикларини бир бурчакка териб қўйдилар. Кимдир қўл қовуштириб, айримлари деворга суяниб, яна биров камари ва тўрвасини тўғрилаган қўйи, эшик олдида уймалаша бошлади.

Буларнинг ҳаммасини кўриб турсам-да, ўтакам ёрилар даражада кўркиб кетганимдан, нималар рўй бераётганини яхши англамаётгандим. Ниҳоят кўл кишанлар менга аталмаганини, аскарларнинг келиши эса паштет мавзусидан узокда эканини тушуниб етиб, пароканда фикрларимни аста жамлай бошладим.

– Афв этасиз, соат неча бўлди? – мурожаат қилди сержант мистер Памблчукка, афтидан модомики бу нусха одамларни ажрата биларкан, вақтни ҳам аниқ айта олади, деган хаёлда.

– Роса икки ярим.

– Унда ҳечкиси йўқ, – деди сержант ниманидир хаёлан чўтга солиб. – Бу ерда ҳатто икки соатга ушланиб қолсак ҳам, барибир улгураимиз. Сизниқидан ботқоқликкача қанча чиқаркин? Бир милдан ошмасе керак.

– Роса бир мил, – деди миссис Жо.

– Улгураимиз. Тинтувни қоронғи тушиши билан бошлаймиз. Буйруқ шундай – қоронғи тушгач. Улгураимиз.

– Қочкинларми, сержант? – сўради мистер Уопсл ўзини билағон кўрсатиб.

– Ҳа, – жавоб қайтарди сержант. – Улар ҳали ботқоқликда, деган хабар бор. Қош қораймасдан улар ўша жойлардан жуфтакни ростлашга ботина олмайдилар. Ҳеч қайсингиз ўша учарларни кўрмадингизми мабодо?

Мендан бошқа ҳамма “йўқ”, деб ишонч билан айтишди. Мен ҳеч кимнинг эсигаям келмадим.

– Ҳечкиси йўқ, – деди сержант, – Тезде кўлга тушишлари уларнинг хаёлига ҳам келмаётгандир. Ўйлайманки, яқинда бунга ишонч ҳосил қилишади. Хўш, энди, темирчи, агар тайёр бўлсангиз, қирол ҳазратлари ҳам тайёрлар.

Тақма ёқа, камзул ва бўйинбоғини ечиб, чарм пешбанд тақиб олган Жо сандон ёнига ўтди. Аскарлардан бири дарпардаларни очди, яна бири олов ёқди, учинчиси боскондан дам бера бошлади, қолган аскарлар тез гуркираётган олов атрофини ўраб олдилар. Жо ишни бошлагач, болға ва сандоннинг зарбу жаранг товушлари такрорлана кетди, биз эсе уни кузатмоқдайдик.

Олдинда кутилаётган тақиб ҳамманинг эътиборини жалб этибгина қолмай, опамни сахий қилиб кўйди – у бочкадаги пиводан хумчага куйиб берди, сержантга эсе, стаканда брэнди таклиф этди. Аммо мистер Памблчук қатъиян эътироз билдириб, деди: “Унга вино узатинг, хоним. Кафолат бераманки, винода қурум бўлмайди”. Бунга жавобан сержант унга миннатдорчилик билдириб, қурумсиз ичимликларни афзал кўришини ва ҳар икки томон маъқул деб топса, вино ичишга тайёр эканини айтди. Ичкилик олиб келинган, у қирол ҳазрати олийларига саломатлик тилади, барчани байрам билан табриклади ва бир кўтаришда стаканни бўшатиб, тамшаниб кўйди.

– Яхши вино эканми, сержант? – сўради мистер Памблчук.

– Сизга бир нарсe айтайми, – жавоб берди сержант, – тахминимча, винони ўзлари олиб келганлар.

– Йўғ-э, йўғ-э, нега ундай фикрга келдингиз? – деди мистер Памблчук мактовдан эриб кетиб.

– Негаки сиз ҳамма нарсанинг баҳосини яхши биладиган инсонсиз, – жавоб берди сержант унинг елкасига кўлини кўйиб.

– Шундай, деб ўйлайсизми? – деди Памблчук одатий табассуми билан. – Яна бир стаканга нима дейсиз?

– Ўзларигаям куйсинлар. Саломга алик, – жавоб қайтарди сержант. – Оқибатимиз йўқолмасин. Уриштирдик. Хонишини қаранг стаканларнинг! Саломатлигингиз учун! Минг йил умр кўринг ва ҳамиша бугунгидек ажойиб виноларни танлаб юраверинг!

Сержант шахд билан бу стаканни ҳам бўшатди ва кўринишидан, учинчи стаканни таклиф қилишларидан умидвор эди. Меҳмоннавозлик туйғуси камраб олган мистер Памблчук винони ҳадя сифатида олиб келганини унутгандек эди, назаримда. У миссис Жодан шишани олиб, меҳмондўст мезбон сифатида ундан фойдалана бошлаганди. Ҳатто менга ҳам бир қултум тегиб қолди. Биринчи шиша бўшагач, у иккинчисини келтиришларини буюрди ва бунисини ҳам аввалгидек сахийлик билан инъом қилиб юборди. Устахонадагиларнинг ғала-ғовури ва кўтаринки руҳини кузатар эканман, ботқоқликдаги танишим уларга кечки таомдаги ширинлик ўрнини қандай босажаги тўғрисида ўй сурмоқдайдим. Ушбу эрмак топилиб, уларга кўтаринки кайфият бергунга қадар, ҳеч ким хурсанд эмасди. Энди эса, “икки айёр”нинг тезроқ қўлга олинишини ишташайтганди; босқонлардан чиқаётган товушу аланганинг тиллари ҳам кочкинлар таъқибига шайлангандек эди; тутун ҳам улар томон ўрлар, Жо ҳам улар учун болға урар, кочкинларга таҳдид қилиб деворларда кўрқинчли соялар ўйнар, олов бўлса, дам авж олар, дам сусаяр, алвон учқунлар сочила туриб, сўнмоқдайдилар; болаларча тасаввуримда дераза ортидаги нурсиз кун ўша пешонаси шўрларга ачинганидан оқариб кетгандек эди. Бу орада Жо ишини тугатди, тақ-туқлару вишиллашлар барҳам топди. Камзулини кияр экан, у юрак ютиб, аскарлар билан бирга бориб, таъқибни томоша қилмаймизми, деб қолди. Мистер Памблчук ва мистер Ҳабл бош тортдилар, улар хонимлар ёнида тамаки чекиб ўтиришни афзал билдилар, аммо мистер Уопсл бажонидил Жога ҳамроҳ бўлажagini, Жо эса, агар миссис Жо рухсат берса, мени ўзи билан олиб боришини айтди. Миссис Жо таъқибнинг нима билан тугагини билишни жуда хохламаганида, бизга ҳеч қачон рухсат тегмаган бўларди, бунга ишончим комил. Опам фақат бир шарт қўйди: агар боланинг боши ўққа учиб, парчаланиб кетса, мен уни елимлаб ўтирмайман, хомтама бўлма!

Сержант тавозе ила хонимлар билан хайрлашди, мистер Памблчук билан дўстона видолашди, аммо, ўйлашимча, ичкилик бўлмаганида, у бу жанобнинг олижаноблик фазилатларига эътибор бериб ўтирмасди. Аскарлар милтиқларини олиб, саф тортдилар. Мистер Уопсл, Жо ва менга сафнинг ўртасида юриш, ботқоқликка қадам қўйилгач, оғиз очмаслик тўғрисида қатъий буйруқ берилди. Совуқдан жунжикиб, дадил қадамлар ташлай бошлаганимиздан сўнг, мен Жонинг қулоғига фитнакорларча шипшидим:

– Уларни топа олишмаса яхши бўларди.

Жо жавоб ўрнида менга шивирлади:

– Пип, уларнинг қочиб қолишлари учун бир шиллингни аямаган бўлардим.

Қишлоқдагилардан ҳеч ким бизга кўшилмади, негаки ҳаво совуқ, этни жунжиктирмоқдайди, йўл зерикарли, оёқ ости сирғанчик, қош ҳам қорая бошлаганди, одамлар ўчоқлари олдида ўтириб, байрамни нишонлаётгандилар. Ёритилган баъзи деразалар ортидан кишилар бизга ажабланиб бир лаҳзага назар солишар, аммо ҳеч ким ташқарига чиқмасди. Чорраҳага чиқиб, тўғри қабристон томонга бурилдик. Сержантнинг ишораси билан қисқа муддатга тўхтадик, аскарлар қабр оралаб кетдилар, черков айвонини кўздан кечирдилар. Шубҳали ҳеч нарса тополмай қайтиб келганларидан сўнг, биз дарвозадан ўтиб, қабристон ортида ястаниб ётган ботқоқликлар сари йўл олдик. Шарқ шамоли бизни жунжиктирувчи қор билан сийлай бошлади, Жо эса, мени гавдаси билан пана қилишга киришди.

Ўзим саккиз-тўққиз соат аввал тарк этган ва икки тутқунни учратган кимсасиз ялангликка етиб келганимиздан сўнггина хаёлимга ваҳимали фикр келди: борди-ю, уларни топсак, менга таниш маҳбус, аскарларни бошлаб

келибди, деб мендан гумон қилса-чи? Ахир у мендан, алдамаяпсанми, деб сўрагани, яна уни таъқибга дучор қилгудек бўлсам, итваччадан фарқим қолмаслигини ҳам айтувди. Наҳотки у мени мунофиқ, итвачча ва сотқин, деб ўйласа? Аммо бу савол энди ортиқчайди. Жо мени опичлаб олган ва овчининг оти мисол зовурларни бирма-бир забт этмоқда, вақти-вақти билан мистер Уопслга орқада қолмасликни ва Худо сақласин, бурни билан ер тишламасликни уктириб келмоқдайди. Аскарлар занжир мисол ёйилиб илгарилашарди. Биз эрталаб мен туманда адашиб қолган томонга кетмоқдайдик. Туман ё ҳали тушмаган, ё шамол уни тарқатиб юборгани. Кунботарнинг алвон нурларида маёк, дор, тўплар жойлашган тепалик, дарёнинг узокдаги соҳили – барчаси бир хил, тўк қўрғошин рангда элас-элас кўзга ташланарди. Хавотир билан узокларни кузатар эканман, юрагим Жонинг кенг яғринида темирчининг болғасидек урмоқдайди. Аммо қочқинлардан асар ҳам йўқ эди. Бошланишида мистер Уопслнинг пишиллашлари ва ҳарсиллаб нафас олишидан қаттиқ кўркдим, аммо кейинроқ бу овозларга кўникдим ва бизлар қидираётган кимсаларга алоқаси йўқлигига ишона бошладим. Бир сафар чўчиб ҳам тушдим, назаримда эгов товушини эшитгандек бўлдим, аммо бу товуш бор-йўғи подачининг қўнғироғидан таралаётган экан. Қўйлар ўтлашдан тўхтаб бизга хуркак назар ташлар, ноқулай об-ҳавога биз айбдордек, шамол ва қор аралаш ёмғирдан бошларини четга ўгираётган сигирларнинг кўзларида қаҳру норозилик бордек эди; кундузги ёруғликнинг сўнги лаҳзаларида майсалар ботинмайгина шивирлашар, боткокликнинг мотамсаро сукунатига бошқа ҳеч нима раҳна солмасди.

Аскарлар эски тўпхона томон юрмоқдайдилар, биз улардан орқароқда бораётгандик. Кутилмаганда ҳамма турган жойида кимирламай қолди. Ёмғир ва шамол қанотларида бизгача чўзиқ ҳайқирик етиб келгани, кейин иккинчиси эшитилди. Ҳайқирик узокдан, шарқ томондан келмоқдайди, бироқ у чўзиқ ва кучли эди. Овоз узук-юлуқ келаётганидан, икки ёки ундан кўпроқ одам кичқираётгандек эди.

Сержант ва унга яқин турган аскарлар вазиятни муҳокама қилаётганларида Жо иккимиз уларга яқин келдик. Қозиликни боплайдиган Жо овозга бир лаҳза қулоқ тутди-да, уларнинг тахминларини тасдиқлади, ҳеч нарсага ақли етмайдиган мистер Уопсл ҳам унинг фикрига қўшилди. Сержант ҳайқириқларга жавоб қайтарилмасин, ҳаракат йўналиши ўзгартирилсин, шахдам қадамлар ташлансин, деб қатъий буйруқ берди. Биз шарқ томонга – ўнгга бурилдик, шунда Жо олдинга қараб шунчалар йўртиб кетдики, йиқилиб тушмаслик учун унга маҳкам ёпишиб олдим.

Ростакам пойга бошлангани, унинг давомида Жо: “Шамолдек учамиз” деган икки сўзни такрорлашни қанда қилмади. Биз йўл танлаб ўтирмай тўғонлар ошиб, зовурлардан ҳатлаб, сув кечиб, қуриб қолган қамишлар оралаб югурмоқдайдик. Овозларга яқинлашар эканмиз, фақат бир одам кичқирмаётганига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилаётгандик. Вақти-вақти билан бақир-чақир тингандек бўлар, шунда аскарлар жойларида тўхтаб қолишарди. Товуш яна эшитила бошлагач, аскарлар, уларнинг ортидан биз аввалгидан ҳам тезроқ югуришга тушардик. Тез орада овозлардан бири “Ўлдираман!”, иккинчиси эса, “Бандилар! Қочоқлар! Соқчилар! Қочоқлар бу ерда!” деб ҳайқираётганини аниқ эшита бошладик. Бир муддат ур-йиқит шовқинидан товушлар эшитилмай қолди, кейин яна бақир-чақир бошланди. Аскарлар, уларнинг ортидан Жо охудек югуришга тушди.

Сержант биринчи бўлиб, кетидан икки аскар манзилга етиб бордилар. Бизлар ҳам у ерга етиб келганимизда, бармоқлар тепкиларни босишга тайёр эди.

– Улар шу ерда! – деди сержант зовур ичига сакрар экан, баланд овозда. – Ҳой, таслим бўлинг! Жин урсин сенларни, ҳайвонлар! Икковинг ҳам бас қил!

Сув ва лойқа фаввора бўлиб отилар, ўзаро лаънатларнинг, зарбаларнинг ниҳояси кўринмасди. Шунда бир неча аскар сержантга ёрдам бериш учун зовурга тушди ва менга таниш маҳбус билан иккинчи қочокни ажратиб, у ердан олиб чиқди. Иккови ҳам қонга беланган, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, муштлашаётган бўлишига қарамай, уларни дарров танидим.

– Эсингизда бўлсин! – деди менга таниш маҳбус хириллаган овозда, тирналиб кетган қўллари билан юзидаги қонни сидирар, бармоқларига ёпишиб қолган соч толаларини олиб ташлар экан. – Уни мен тутдим. Уни сизларга топшираман! Эсингизда бўлсин!

– Бундан сенга ҳеч наф йўқ, азизим. Ахир иккалангиз бир гўрсиз. Кишанларни беринг!

– Бу ишни бирор-бир наф илинжида қилганим йўқ. Шу ҳолатнинг ўзи менга етарли мукофот, – деди таниш маҳбус хунук тиржайиб. – Уни тутдим ва ўзи буни билади. Шуниси кифоя!

Иккинчи маҳбус мурдага ўхшаб қолганди. Юзининг чап томонида аввалроқ кўкарган жой кўзга ташланар, қолган жойлари ҳам ёрилиб, моматалоқ бўлиб кетганди. Кишанлаётганларида у гапиришга уриниб кўрди-ю, уддасидан чиқолмади. Ҳатто йиқилиб тушмаслик учун аскарлардан бирига суяниб ҳам олди.

– Билиб қўй, аскар, у мени ўлдирмоқчи бўлди, – дея олди у аранг.

– Ўлдирмоқчи бўлди? – кесатди танишим. – Ўлдиришни хохлабману ўлдирмабман-да? Уни ушлаб олиб, тегишли кишиларга топширдим, мана нима қилдим. Ботқоқлик орқали қочиб кетишига йўл қўймай, шу ерга судраб олиб келдим, керакли жойга озгина етолмай қолдим. Бу аблах бўлса, қаранглар, аслзода олижанобликни даъво қиляпти. Энди менга раҳмат дейсизлар, қамоқхона жентльменини қайтариб олади. Ўлдириш эмиш. Уни баттарроқ қўйга солиш – қайта қамоққа тикиш имкони турганда, қўлларимни нега булғарканман?!

Нариги банди ҳамон хирилламоқдайди:

– У мени ўлдиришга уринди. Ҳа, ўлдиришга уринди. Сизлар... сизлар гувоҳ бўлинглар!

– Қулоқ солинг, – деди менга таниш маҳбус сержантга. – Баржадан ўзим қочдим. Ҳеч ким ёрдам бермади. Агар унинг ҳам шу ерда эканини билиб қолмаганимда, манави ботқоқликда совуқ еб ўтирмаган бўлардим, кўряпсизми, оёғим кишанланмаган. Мен ишлатган усуллардан фойдаланиб, қочиб қолишига йўл қўйиб беришим керакмиди? Яна мени алдаши, аҳмоқ қилиши учунми? Яна-я? Йўқ, йўқ. Манави чуқурда ўлиб қолган тақдиримда ҳам, – деди у кишанланган қўллари билан зовурга зўрға ишора қилиб, – уни қўйиб юбормаган ва келгунингизча ушлаб турган бўлардим.

Шеригидан жуда кўркаётгани кўриниб турган иккинчи маҳбус гапини такорлади:

– У мени ўлдирмоқчи бўлди. Агар бу ерга келмаганингизда тирик қолмасдим.

– Ёлғон айтапти, – ғазаб билан унинг сўзини бўлди менга таниш маҳбус. – У туғма ёлғончи, ўлгунича ҳам алдашдан тўхтамайди. Қаранглар, башарасига ёлғончи, деб ёзиб қўйилмаганми? Қани, у кўзларимга бир қарасин! Кўрасиз, қарай олмайди.

Иккинчи маҳбус ҳақоратомуз кулишга уриниб кўрди, лекин лабларидаги



титрокни босолмади. У дам аскарларга, дам ботқоқликка, дам осмонга назар солар, лекин рақибидан кўзини олиб қочаётгани кўриниб турарди.

– Кўрдингизми? – деди биринчи маҳбус. – Аблахлигини кўряпсизми унинг? Кўзларини ола-кула қилиб жавдирашига бир қаранглар-а! Иккаламизни бирга суд қилаётганларида шундай бўлувди. Менга бир марта ҳам қарай олмаган.

Иккинчи банди ҳамон қақраган лабларини қимирлатиб нимадир демокчи бўлар, кўзлари узок-яқинга жавдирашдан тўхтамасди, ниҳоят унинг нигоҳи рақибига қадалди ва “Ўзи нимангга қарашим керак экан”, дея кишанланган кўлларига ишора қилди. Шунда менга таниш маҳбус дарғазаб бўлиб ўзини босолмай олдинга сапчиди, аммо аскарлар уни тўхтатиб қолдилар.

– Айтдим-ку сизларга, кўлидан келганида мени ўлдирган бўларди, – деди иккинчи банди. Унинг қўрқувдан титраётгани кўриниб турар, лабларида эса қорга ўхшаган оппоқ кўпик пайдо бўлганди.

– Гапни тўхтатинг, – деди сержант. – Машъалалар ёқилсин.

Милтиқ ўрнига сават кўтариб юрган бир аскар чўккалаб, уни очишга тутинди. Бу орада атрофга аланглаётган биринчи маҳбус илк дафъа менга назар солди. Ҳали зовурга етмасимизданок Жо мени ерга туширганди ва мен унинг ёнида қимирламай турардим. Бандининг менга қараётганини сезиб, унга ёлвориб назар ташладим, икки кўлимни ёйиб, бош чайқадим. Бу ишларда айбим йўқлигини унга билдириб қўйиш учун фурсат пойлаётганимга кўп вақт бўлганди. У мени тушундими, йўқми, билолмадим, менга қандайдир ғалати қараш қилди-да, дарҳол юзини ўгирди. Иттифоқо, у менга бир соат ёки кун бўйи қараб турганида ҳам, эътиборлироқ бўлишга қанчалар уринмай, унинг юзини эслаб қололмасдим.

Сават кўтариб келган аскар тез орада уч-тўртта машъала ёқиб, бирини ўзига олиб қолди, қолганини тарқатди. Бунга қадар ҳам қош қорайиб қолган, энди бўлса зимистон тушиб, қоронғилик қуюқлашганди. Бу ерни тарк этишдан аввал тўрт аскар давра бўлиб, икки марта осмонга қаратиб ўқ уздилар. Кўп ўтмай биздан орқароқда, шунингдек, дарёнинг нариги томонидаги ботқоқликда машъалалар кўринди.

– Ҳаммаси жойида, – деди сержант. – Олға!

Ҳали кўп юрмаган эдик ҳамки, биздан олдинроқда тўплардан уч марта ўқ узилди. Шовқиндан қулоқларим ичида нимадир йиртилиб кетгандек туйилди.

– Кемада сизларни кутишяпти, – деди сержант менга таниш маҳбусга. – Келаётганингизни улар билишади. Судралма, азизим! Етишиб юринглар!

Қочоқларни бир-биридан ажратиб, алоҳида соқчилар ҳамроҳлигида, ораликдаги масофани сақлаган ҳолда олиб кетмоқдайдилар. Мистер Уопсл жон, деб уйига жўнаб қолган бўларди-ю, аммо Жо охиригача кўришни орзу қилганидан аскарларга эргашиб келаётгандик. Жо бир кўли билан мени ушлаб олган, нариги кўлида машъала кўтарганди. Биз қуруқ сўқмоқ йўлга чиқдик; йўл сув ёқалаб борар, тўғон ва кичикроқ тегирмонларни айланиб ўтганди. Ортимга қараб бошқа машъала ушлаганлар биз томон келаётганларини кўрдим. Кўлимиздаги машъалалардан сўқмоқ йўлга йирик-йирик оловли томчилар тушар, улар бир оз тутаб, яна аланга олмоқдайдилар. Кўзларим зимзиё қоронғидан бошқа ҳеч нарсани илғай олмасди. Мумга ботириб олинган машъалалардан атрофга иссиқ таралар, бу эса, чамамда, милтиқлар ҳамроҳлигида илгари судралаётган икки тутқинга ёқаётгандек эди. Биз тез юра олмасдик, негаки иккаласи ҳам чўлоқланиб қолган ва буткул ҳолдан тойганди; нафас ростлаб олсинлар учун икки-уч марта тўхташга ҳам тўғри келди.

Шу алфозда бир соатга яқин йўл юриб, йўнилган ёғочдан қўпол қилиб қурилган бино ва бандаргоҳ олдидан чиқдик. Соқчи овоз берганди, сержант жавоб қайтарди. Биз ичкарига кирдик. Бинонинг ичида тамаки ва оҳак ҳиди анқир, ловуллаб олов ёнар, мой чирок ёқиб қўйилганди; у ерда, шунингдек, милтиқларни суяб қўйиш учун дастак, барабан ва камида ўнта аскар ёнма-ён ётиши мумкин бўлган, кир ювадиган узун тахтани эслатовчи ёғоч сўри бор эди. Унда шинелларига ўралиб ётган уч-тўрт аскар бизни кўриб ҳайрон ҳам бўлишмади, бошларини кўтариб, бир оз уйқусираб қараб туришди-да, яна ётиб олишди. Сержант кимгадир ҳисобот бериб, қайд дафтарига ниманидир ёзди, кейин мен “иккинчи”, деб атаётган маҳбусни баржага биринчи жўнатиш учун соқчилар ҳамроҳлигида ташқарига олиб чиқишди.

Биринчи маҳбус менга бошқа қарамади. Ичкарида эканимизда у оловга тикилиб ўй сураб ёки оёқларини навбат билан панжара устига қўйиб, сўнгги кунларда чеккан машаққатлари учун ачингандек, уларга ўйчан назар соларди. Қутилмаганда у сержантга ўгирилиб, деди:

– Қочишимга боғлиқ ҳолат бўйича кўрсатма бермоқчиман. Ҳеч кимни шубҳа остига қўймаслик учун.

– Истаган кўрсатмангни берасан, – деди сержант унга совуқ тикилиб. – Лекин бу ишни шу ерда қилишингга ҳожат йўқ. Бу ҳақда гапиришга ҳам, эшитишга ҳам ҳожат йўқ. Ҳукм ижро этилгунга қадар, етарли имкониятга эга бўласан ҳали, тушундингми?

– Тушундим, лекин бу алоҳида мавзу. Инсон овқатсиз яшай олмайди. Ҳар ҳолда мен овқатсиз яшай олмайман. Ботқоқлик ортидаги, черкови бор ҳов анави кишлоқдан егулик учун у-бу олувдим.

– Тўғрироғи ўғирловдинг, – деди сержант.

– Ҳозир қаердан олганимни ҳам айтаман. Темирчининг уйдан.

– Ана холос, – деди сержант Жога қараб.

– Ана холос, Пип! – деди Жо менга қараб.

– Қолган-кутган овқатлар эди, кейин бир қултум ликёр, паштет...

– Уйингизда паштет йўқолганини сезганмидингиз, темирчи? – деди сержант Жо томонга эгилиб.

– Келишингиздан сал аввал хотиним пайқаб қолувди. Сен билмасмидинг, Пип?

– Шунақами? – деди қовоғини солиб менга таниш маҳбус. – Сиз ўша темирчимисиз? Унда паштетингизни еб қўйгандим, деяётганим учун сиздан узр сўрайман.

– Яратганнинг йўлига, ош бўлсин... Мен-ку, ачинмайман, – деди Жо хотинини эшлашга фурсат топиб. – Гуноҳинг нима эканини билмаймиз, лекин очдан ўлишингни истамаймиз, бечора, бахти қаро инсон. Тўғрими, Пип?

Эрталаб ботқоқликда бўлгани каби, маҳбуснинг томоғига нимадир тикилгандек у бизга орқа ўгирди. Бу орада қайиқ қайтиб келди, соқчилар тайёр туришарди. Биз менга таниш маҳбуснинг ортидан қўпол йўнилган тўсинлар ва тошлардан қурилган бандаргоҳга чиқдик ва уни қайиққа ўтқазганларини кўрдик. Эшқакчилар ҳам ўзи каби маҳбуслар эди. Улардан ҳеч бири бандини кўриб ҳайратланмади, унга қизиқиб боқмади, хурсанд ёки хафа бўлмади, ҳеч ким ҳамдардлик билдириб сўз демади, фақат кимдир итларга буюргандек қилиб: “Қани, кетдик!” деди; эшқакларнинг бир маромдаги товуши эшитила бошлади. Машғалаларнинг ёруғида сербалчик қирғоқдан сал нарида турган қоп-қора сузувчи қамоқхона Нуҳ пайғамбарнинг афсонавий кемасини эслатарди. Болаларча тасаввуримда, аллақачон кемалар сафидан чиқарилган, кўриқланаётган, қалин, занглаган занжирлар чирмаб олган баржа

махбуслар каби кишанбанд қилинганди. Қайиқнинг кема ёнига сузиб борганини, махбуслар баржага чиқишаётганини, кейин унинг ғойиб бўлганини кўрдик. Шундан сўнг машғалаларнинг қолдиқларини сувга улоқтирдилар, улар махбус учун ҳаммаси тугаганини билдиргандек, пишиллаб ўчди.

## VI боб

Ўғирлик қилган, деган айбловдан қутилмаган тарзда қутулиб қолганимга қарамай, айбимни виждонан тан олишдан йироқ эдим; қалбимнинг тубида эса, ушбу ишни яхши ният билан қилувдим-ку, деган юпанч ётарди.

Айбим ошкор бўлиб қолса-я, деган ҳадик йўқолгач ҳам ўзимда миссис Жога нисбатан озгина бўлса-да меҳр туйғуси уйғонганини эслай олмайман. Аммо Жони яхши кўрардим, эҳтимол бу олижаноб қалб эгасининг эътироз билдирмаганидандир, ҳар ҳолда Жога нисбатан виждонсизлик қилиш осон кечмади. Яна узоқ вақтгача (айниқса у қўлига эгов олган кезларда) Жога бор ҳақиқатни айтишим керак, деган фикр мени тинч қўймади. Аммо бундай қилмадим, сабаби унинг назарида, аслимдан кўра ёмонроқ кўринишни хохламадим. Жонинг ишончини йўқотиб қўяман ва бундан буён мени дўст ва ўрток, деб билмайдиган кимсага бефарқ қараб, оқшомлари ўчоқ олдида ўтираман, деган ҳадик тилимни боғлаб қўйганди. Ожизона тасаввуримда, агар Жога ичимдагини тўкиб солсам, ҳар сафар чекка сочларини ўйнаб ўтирган кезлари, менинг айбим тўғрисида ўйлайди, дастурхонга кечадан қолган гўшт ёки пудинг тортилса, яна қазнокқа кирмадимикан, деб мендан шубҳаланади, пиво бемазарок ёки қуюқроқ туйилса, қурум суви қўшилмаганмикан, деб гумон қилади, деб ишонардим. Лўндасини айтганда, аввалроқ, кўрқоқлигим сабабли, қилиниши керак бўлмаган ишни бажарганимдек, яна ўша кўрқоқлигим бажарилиши лозим ишни адо этишга монелик қилаётганди. Ўша пайтларда мен ташқи оламдан айро яшар, турган гапки, унда истиқомат қилувчи саноқсиз аҳолидан ҳеч кимга тақлидан иш кўра олмасдим. Устоз кўрмаган даҳодек, ўз йўлимни ўзим танлашга мажбур эдим.

Сузувчи қамоқхонадан ҳали узоқлашмасимизданоқ кўзимни уйку босганидан Жо мени яна опичлаб, уйгача кўтариб борди. Жо учун оғир кун бўлди, мистер Уопсл эса бутунлай ҳолдан тойиб, кайфияти шунчалар бузилгандики, агар черков очик бўлганида, у мен ва Жодан бошлаб, юришимизнинг ҳамма иштирокчиларини қавмга аъзоликдан маҳрум этган бўларди.

Айни вақтда мен бинойидек ухлаб олишга улгуриб, ҳозиргина оёғимни ерга қўйиб, ғала-ғовурга тўла, ёруғ ва иссиқ ошхонанинг марказида ароқхўр одамдек чайқалиб турмоқдайдим. Икки курагимнинг ўртасига берилган туртки ва опамнинг “шу боладан бирам безорманки”, деган хитобидан ўзимга келганимда Жо махбуснинг ғалати икрори ҳақида гапириб бўлган ва ҳамма, бири олиб, бири қўйиб, унинг қандай қилиб қазнокқа қира олгани ҳақида фараз қилмоқдайди. Уйимизни диққат билан кўздан кечирган мистер Памблчук, махбус аввал устахонанинг томига чиққан, ундан уйнинг томига ўтган, кейин чойшабини кесиб, аркон эшган ва мўридан ошхонага тушган, деган хулосага келди. У жуда ишонч билан гапирди, бунинг устига у ўз аравасида юрар ва ҳеч кимга сўз бермасди, бинобарин, ҳамма шундай бўлган экан-да, деб кўниб қўя қолди. Тўғри, мистер Уопсл чарчаган одамнинг овози билан, лекин қатъиятли қилиб “Йўк”, деб кўрди; лекин унинг ўз фарази ва эгнида камзули бўлмаганидан, ҳеч ким гапига қулоқ солиб ўтирмади; бунинг устига у оловга тесқари ўгирилиб, намиққан жойларини қуритмоқдайди: бу эса уни ишончдан буткул маҳрум этди.

Ўша оқшом бошқа ҳеч нима қулоғимга кирмади: опам уйқусираган афт-ангори меҳмонларга хунук кўринади, деган ўйда ёқамдан ушлади-да, шунчалар шахд билан ётоғимга судрадики, зинадан эллик жуфт бошмоқнинг шовқини кўтарилгандек бўлди. Ўша куни ўрнимдан туришим биланоқ мени камраб олган ва ўзим юқорида қайд этган руҳий ҳолат, унинг сабаблари унутилиб, камдан-кам ҳолатларни истисно қилганда, эсламай қўйганларидан кейин ҳам узоқ вақтгача мени тарк этмади.

## VII боб

Қабристонда туриб ота-онамнинг мазорларига ўрнатилган қабр тошларини ўрганар эканман, ўша пайтлардаги бор илмим улардаги ёзувларни ҳижжалаб ўқий олишгагина етарди. Ёзувларнинг мазмунини, улар соддагина бўлишига қарамай, тўғри тушунмасдим, масалан, “Юқорида зикр этилганнинг рафиқаси” сўзларида марҳуманинг арши аълога кўтарилиб кетганига қўшимча ишора бор, деб ҳисоблардим; мабодо ўлган қариндошларимизнинг қай бири тўғрисида бўлса ҳам “қуйида зикр этилган”, деб айтилган бўлса, марҳум ҳақида фикрим ижобий бўлмаслигига шубҳа қилмасдим. Сўзсиз амал қилишим керак, деб ўйлайдиган Инжилдаги кўрсатмаларни ҳам ўзимча шарҳлардим, масалан, “Умримнинг охиригача У кўрсатган йўлга амал қиламан”, деган аҳдни қишлоқда, уйимиздан чиққандан кейин, ҳар куни тўғрига қараб юришим керак, ҳеч қачон ғилдираксознинг устахонаси ёки тегирмоннинг ёнида ўнганга ёки чапга бурилиб бўлмайди, деб тушунганимни жуда яхши эслайман.

Каттароқ ёшга кирганимда Жога шогирд тушишим лозим эди, ҳозирча эса, ушбу шарафга муносиб ёшда эмаслигимдан, миссис Жонинг тили билан айтганда, мени “таталайвериш”, ўзимнинг тушунишимда талтайтиришга зўр бериш керак эмасди. Шунинг учун мен устахонадаги шунчаки шогирд болагина бўлиб қолмай, қўшниларда эҳтиёж туғилгудек бўлса, томорқаларидан қушларни ҳайдаб туриш ёки тош теришга, ё бошқа ишларга жалб этилардим. Иттифоқо, қўшниларнинг назарида, оиламизнинг обрўсини тушуриб юбормаслик учун, ошхонадаги ўчоқ тоқчасига пул кути қўйилгани, унга менинг топган-тутганларим ташланаётгани тўғрисида жамоага эълон қилинганди. Пулларим пировардида солиқларни тўлашга мўлжалланган, деб тусмоллардим, нима бўлганда ҳам ушбу хазинадан келажакда баҳраманд бўламан, деб асло умид қилмасдим.

Мистер Уопслнинг бувиси қишлоқда кечки мактаб очганди; айтиш керакки, чегараланган имконият ва беҳисоб дардлар соҳибаси бўлмиш ушбу ғалати кампиршо болакайларнинг кўз ўнгида кечки соат олти-еттилар орасини уйқу билан ўтказар, бундай ажойиб томошани кўрганликлари учун уларнинг ҳар биридан ҳафтасига икки пенсдан йиғарди. Аёл кичикроқ бир уйни ижарага олган, унинг юқори каватида мистер Уопсл истиқомат қиларди. Биз ўқувчилар унинг баланд ва таҳдидли овозда, баъзан ер тепиб, ичидагини тўкиб солаётганига қулоқ тутардик.

Мистер Уопсл ҳар чоракда бир марта ўқувчиларни “кўриқдан ўтказарди”. Бунинг учун у енглари шимариб, сочларини диккайтириб тараб олар ва бизларга Марк Антонийнинг Цезарнинг жасади устида сўзлаган нутқини ижро этиб берарди. Ундан кейин Коллинзнинг “Туйғулар” тўпламидаги бағишловга навбат келарди, айтмоқчи, мистер Уопслнинг қасоскор сифатида қонга беланган қиличини ерга чақмоқдек отиб, жангу жадал бошланганидан хабар берувчи карнайчасини қўлига олиши ва қулга айлантириб юборгудек

назари менга айниқса ёқарди. Орадан кўп вақт ўтибгина, эхтирослар нима эканини тажрибамда синагач, уларни Коллинз ва Уопслники билан солиштириб кўрдим ва айтишим керакки, натижа ушбу икки жанобнинг фойдасига ҳал бўлмади.

Эслашиб ўтилган маърифат масканидан ташқари, мистер Уопслнинг бувисига қарашли ўша хонанинг ўзида кичкинагина баққоллик дўкони ҳам жойлашган эди. Кампиршо дўконида нима борлигиниям, уларнинг неча пул туришиниям билмасди, аммо жавоннинг кутиларидан бирида баҳолар қайд этилган, ёғ босиб ётган дафтар сакланарди ва ушбу кичкина комус ёрдамида Бидди барча савдо-сотик ишларини бажарарди. Бидди бувининг невараси эди. Тан олишим керакки, унинг мистер Уопслга ким эканини аниқ айтишга ақлим етмасди. У ҳам менга ўхшаган етимча, уни ҳам кимдир ўз кўли билан катта қилганди. Биддининг кўриниши кишининг эътиборини ўзига тортар, негаки сочларига тароқ, қўлларига совун кўпдан бери тегмагани билинар, бошмоқлари жиддий таъмирга муҳтож эди. Айтмоқчи, буларнинг бари ҳафтанинг бегим кунларига тегишли бўлиб, якшанбада Бидди черковга ўзига қараб борарди.

Асосан ўз кучим, шунингдек, кўпроқ Бидди, қисман кампиршонинг кўмаги билан мен алифбони, тиканакзордан ўтаётгандек, ҳар бир ҳарфда тирналиб, эҳтиёт бўлиб забт эта олдим. Кейин тўққиз қароқчи – рақамлар орасига тушиб қолдим, назаримда, таниб олмаслигим учун, улар ҳар оқшом киёфаларини ўзгартириб олардилар. Лекин, пировардида, ҳижжалаб ўқиб, озми-кўпми ёзиб санай бошладим.

Бир оқшом ошхонадаги ўчоқ ёнида ёзув тахтажасининг устига эгилган кўйи Жога ҳафсала билан хат ёзишга киришдим. Ботқоқликлар оралаб таъқибда иштирок этганимизга бир йилча бўлганди – яна қиш келган, ташқарида қаттиқ совуқ ҳукмрон эди. Ўчоққа қараган кўйи тиззамга алифбони очиб кўйдим-да, бир-икки соат машаққат чекиб, Жога босма ҳарфлар билан куйидаги мактубни битдим:

“аЗЗ ЖО снга сағлқ Тлиман Жо ман Яқнда сеНга дарс Ўргтаман Биз жуда хурсан Бўламит ЖО СЕНга шгирд тушганмда ажойиб Бўлди ИШон МеНга сени СЕВгүВчи Пип.”

Жо билан мулоқот қилиш учун мактуб ёзишга ҳеч бир эҳтиёж йўқ эди, негаки у ёнимда ўтирар ва ошхонада иккимиздан бўлак ҳеч зоғ кўринмасди. Шундай бўлса-да, мактубимни (тахтажаси билан) ўз кўлим билан унга топширдим, у эса, номамни билимдонликнинг мўъжизаси деб қабул қилди.

– Сенга айтсам, Пип, оғайни, – деди Жо мовий кўзларини катта очиб, – туппа-тузук олим бўлибсан-кўйибсан, гапим тўғрими?

– Қанийди, шундай бўлса! – хўрсиндим мен Жонинг кўлидаги қинғиркийшиқ ёзувим туширилган тахтачага шубҳаланиб қараб.

– Мана бу ерда Ж ёзибсан, – деди Жо, – ва О, ЖО, Пип, кўшиб ўқилса Жо бўлади.

Жонинг ушбу қисқа бўғиндан бошқа бирор сўзни ўқиганини ҳечам эшитмагандим, ўтган якшанба куни эса, черковда ёнма-ён ўтириб, дуолар китобчасини унинг кўлига тасодифан тескари ўгириб узатгандим, у ҳеч нарса кўрмагандек, пинагини ҳам бузмади. Жога дарс беришга киришгудек бўлсам, таълимни нимадан бошлашни аниқлаб олиш мақсадида дедим:

– Яхши. Қолганини ҳам ўқи-чи, Жо.

– Қолганими, Пип? – жавоб берди у мактубимга диққат билан тикилиб, – бир, икки, уч. Ана холос, мана бу ерда учта Ж бор экан, кейин учта О, кейин учта Ж-О, яъни Жо бор экан, Пип!



Мен Жо томон энгашдим ва кўрсаткич бармоғимни тахтача устида юргизиб, хатни бошдан оёқ ўқиб бердим.

– Зўрсан-ку! – деди Жо ўқишни тугатганимдан кейин. – Сен олимсан.

– “Гержери” сўзини қандай ёзган бўлардинг, Жо? – сўрадим ундан камсуқум устознинг товуши билан.

– Уни сира ёзолмайман, – деди Жо.

– Ёзаяпман, деб фараз қилиб кўр!

– Фараз ҳам қилолмайман, – деди Жо. – Айтмоқчи, ўқишга ҳам хурматим баланд.

– Ростданми, Жо?

– Жуда баланд. Менга яхши китоб ёки яхши газета бериб, гуриллаётган гулханнинг қаршисига ўтказиб қўйсанг бас. Яратгандан бундан ортиғини сўрамайман, – у тиззасини бир оз силаб, давом этди. – Ж билан О ни кўрасанда, дейсан: “Мана бу Ж ва О – Жо”, – ўқиш шунда роса қизик бўлади”.

Булардан Жонинг саводи, пардан фойдаланишига ўхшаб, ҳали куртак холида экан, деган хулосага келдим. Мавзуни давом эттириб сўрадим:

– Менга ўхшаб кичкина бўлганингда мактабга бормаганмисан, Жо?

– Йўқ, Пип.

– Нега менга ўхшаб кичкина бўлганингда мактабга бормагансан, Жо?

– Хўш, Пип, – деди Жо ҳар доимгидек ўйчан ҳолда косов билан чўғ кавлашга тутинар экан. – Қулоқ сол. Отам, Пип, ичишни яхши кўрарди. Тўйиб ичиб келган кезлари эса, онамни бешафқат дўппосларди. У мени ҳам болға билан сандонни ургандек, пўстагимни қоқарди. Гапимни тушуняпсанми, Пип?

– Ҳа, Жо.

– Пировардида, биз бир неча марта отамдан қочиб кетганмиз. Онам қаердадир иш топган кезлари: “Энди Худонинг ёрдами билан сени мактабга юбораман”, деган пайтлари ҳам бўлган. Аммо отам бизсиз яшай олмасди. У биз ишлаётган уй олдида оломонни тўплаб, шунчалар шовқин кўтарардики, уй эгаларининг иккимизни отамнинг қўлига топширишдан бошқа иложи қолмасди. Кейин отам иккимизни уйга олиб бориб, аввалгидан ҳам қаттиқроқ калтакларди. Кўриб турганингдек, Пип, – деди Жо чўғ кавлашдан тўхтаб, менга ўйчан назар ташларкан, – буларнинг бари савод чиқаришимга йўл қўймаган.

– Тушундим, азизим Жо!

– Фақат шуни эсингдан чиқармаки, Пип, – деди Жо косов билан панжарани тақиллатиб уриб, – ҳеч кимни камситмаслик учун, одамларга адолатли баҳо бериш керак, отам эса, қалби тоза инсон бўлган, тушундингми, Пип?

Мен тушунмадим, лекин индамай қўя қолдим.

– Ҳа, ҳа, ана шунақа, – давом этди Жо. – Ахир подани кимдир боқиши керак-ку, акс ҳолда гўшт бўлмайди, тушунарлими, Пип?

Бунисини тушунганимни айтдим.

– Шунинг учун отам ишга киришимга монелик қилмади; хуллас, ота касбини бошладим, фақат ундан ўрнак олмай, виждонан меҳнат қилдим, менга ишонавер. Тез орада уни боқа олиш қўлимдан келиб қолди ва тўсатдан юрак хуружидан жони узулгунига қадар отамни боқдим. Унинг қабрига қуйидагиларни ёзиб, тош ўрнатишни ният қилгандим: “У кўп гуноҳлар қилди, аммо қалбини пок сақлашни билди”.

Ушбу иккиликни Жо шунчалар ғурур ва ифода билан ўқидики, ундан буларни ўзинг тўқимаганмисан, деб сўрадим.

– Ўзим, – жавоб қилди Жо. – Бир нафасда тўқиб ташладим. Бир зарб билан

така ясагандек. Ҳеч қачон бунақа ҳолат бўлмаганди, ўзим ҳам шу ишни мен қилдимми, деб ҳайрон қолганман. Ана шунақа, Пип, айтмоқчиманки, қабр тоши устига ушбу сатрларни ёздиришни ният қилгандим; лекин, майда ёзди-расанми, йирикми, шеърни тошга ўйдириш пул туради, пировардида ниятим амалга ошмай қолди. Дафн қилишнинг ўзиям арзонга тушмади, қолган пуллар эса, онамга зарур эди. Унинг соғлиги заифлашган, жуда мазаси қочганди. Онам отамдан кейин узоқ яшамади, унинг ҳам азоблардан қутуладиган вақти келганди.

Жонинг мовий кўзлари намланди, у аввал бир кўзини, кейин иккинчисини бу иш учун энг ноқулай нарса, косовнинг дастасидаги думалоқ шарча билан артди.

– Шундан сўнг ёлғиз қолдим, – деди Жо. – Кейин опанг билан танишдим. Билиб қўй, Пип, – деди гўё гапига қўшилмаслигимни билгандек қатъият билан, – опанг – кўзга яқин аёл.

Ишонмаётганимни ошкор қилиб қўймаслик учун оловга тикилдим.

– Қариндошларми, қишлоқдагиларми, нима дейишса, деяверишсин, лекин, Пип, опанг – кўзга яқин аёл! – деди Жо ҳижжалаб.

Чиройлироқ жавоб топа олмай, дедим:

– Шундай фикрда эканингдан хурсандман, Жо.

– Мен ҳам, – илиб кетди Жо. – Шундай фикрда эканимдан ўзим ҳам хурсандман, Пип. Юзининг бир оз қизиллиги, у ер, бу ерида суякларининг кўпроқлигига келсак, шунгаям хафа бўлишим керакми?

Мен донолик қилиб, модомики у хафа бўлмас экан, бошқалар жимгина юришлари керак, деган мулоҳазани билдирдим.

– Тўппа-тўғри, – деб тасдиқлади Жо. – Айни ҳақиқат. Тўғри айтдинг, ошна. Опанг билан танишганимда, бу ерларда у қандай қилиб ўз қўллари билан сени ўстираётгани тўғрисида гаплар юрарди. Уни ҳамма, жумладан, мен ҳам бу иши учун мақтардим. Сен эса, – деди Жо бир нарсдан нафратлангандек ижирғаниб, – шу қадар хунук ва кичкина эдингки, ўзинг ҳам ўзингга қарашни хохламаган бўлардинг!

Бундай баҳо менга ёқинқирамади.

– Ҳеч қачон мени камситма, Жо, – дея эътироз билдирдим.

– Сени камситмадим, Пип, – деди Жо самимий эркалаш оҳангида. – Опангга бирга яшашни ва никоҳ ўқитишни таклиф қилганимда ва устахонага кўчиб келишга розилигини олганимда, унга: “Бечора кичкинтойни ҳам олиб кел, кичкинтойни Худо ёрлақасин. Устахонада унга ҳам хона бор”, деганман.

Йиғлаб, Жонинг бўйнига осилиб, ундан кечирим сўрай бошладим.

– Йиғлама, оғайни, ахир сен билан дўстмиз, тўғрими? – деди Жо менга.

Бир оз тинчланганимдан кейин Жо яна гап бошлади:

– Ана шунақа гаплар, Пип. Энди эса, учаламиз шу ердამиз! Менга дарс бера бошлаганингда-чи, Пип (олдиндан айтиб қўяй, савод чиқаришга жуда нўноқман), нима иш қилаётганимизни миссис Жо билмай қўя қолсин. Нега дейсанми? Ҳозир айтаман. – У яна қўлига косовни олди, афтидан усиз чуқур мулоҳазаларга берилди олмасди. – Опанг, билсанг, ҳукуматнинг ишини қиляпти.

– Ҳукуматнинг дейсанми, Жо?

Ҳайратга тушдим, чунки Жо опам билан ажрашиб, уни адмираллар лордига узатиб юборган бўлса-я, деган фикр (тан олишим керак, умид ҳам) уйғонганди.

– Ҳа, ҳукуматнинг, – тақрорлади Жо. – Яъни, у иккаламизга ҳукмини ўтказяпти.

– Ҳа-а.

– Уйимизда саводчилар яшашини унинг жини суймайди, – давом этди Жо.

– У айниқса менинг саводим чиқишини хохламайди. Исёнкорларга ўхшаб бош кўтариб қолади, деб кўрқади. Тушундингми?

Мен саволга савол билан жавоб бериб:

– Бўлмасам... – дейишим билан Жо гапимни бўлди:

– Шошма, нима демоқчилигингни биламан, Пип, лекин сен шошма. Тўғри, баъзан у бизни боплайди. Тўғри, калтаклашни ҳам қанда қилмайди, бошимизга чиқиб олганидан ҳам хурсанд. Опанг жаҳл отига миниб қолса-ю, – у ёғига Жо шивирлашга тушди, – ҳақиқат тарафдори бўлган ҳар қандай одам унинг нақ Аждарҳо эканини айтади.

Жо бу сўзни худди учта катта А билан бошланадигандек талаффуз қилди.

– Нега унга қаршилик қилмайман? Ҳали гапингни бўлиб қўйганимда шу ҳақда сўрамоқчимидинг?

– Ҳа, Жо.

– Хўш, – деди Жо косовни чап қўлига оларкан (бу қилиғидан яхшилик чиқмаслигига одатланиб қолгандим), – опанг – донишманд аёл.

– Бу нима деганинг? – сўрадим мен уни гапдан тўхтатиш умидида. Аммо Жо ўзини тез қўлга олди ва кўзларимга тикилиб туриб, ҳайратланарли жавоб берди:

– Опанг... Мен эса ақлли эмасман, – деди у кўзини олиб қочиб. – Қолаверса, Пип оғайни, сенга ўта муҳим бир нарсани айтмоқчиман – шўрлик онам тимсолида жуда кўп воқеаларни: аёл зотининг машаққат чекиб, қулдек меҳнат қилиши, умрининг охиригача ўзини аямаслиги ва тинчлик билмаслигини кўрдим. Бинобарин, аёл кишига маъқул келмаган ишни қилишдан, унга озгина бўлса-да озор етказишдан жуда кўрқиб қолганман. Албатта, Пип, ҳамма ташвишлар фақат ўзимнинг елкамга тушишини хохлаган бўлардим; қашлағичнинг нима эканини билмаслигингни истардим, оғайни; аммо чидашга тўғри келади. Вақти келиб, буларни унутиб юборасан, деб умид қиламан.

Ўша оқшомдан бошлаб Жога ўзгача ҳурмат кўзи билан қарай бошлаганим ёдимда. Биз аввалгидек дўст бўлиб қолавердик, лекин энди уни кўрсам ёки у ҳақда ўйласам, Жо аввалгидан анча баланддек кўринарди.

– Уни қара-я, – деди Жо ўтга кўмир ташлаш учун ўрнидан тураркан. – Голландча соатимиз миллари саккизга етай деб қолибди, опанг эса, ҳалиям келмади. Памблчук амакининг оти музда сирпаниб, йиқилган бўлмасин-да!

Айрим бозор кунлари миссис Жо Памблчук амакига аёл кишининг маслаҳати билан танланадиган рўзғор буюмларини харид қилишга қарашарди. Памблчук амаки бўйдоқ бўлиб, хизматчи аёлга ишонмасди. Ўша бозор кунни ҳам опам мистер Памблчукка ёрдам бериш учун кетганди.

Жо оловни қалаб, ўчоқ олдини супурди, кейин иккаламиз арава товушига қулоқ тутиш учун ташқарига чиқдик. Тун сокин ва совуқ эди, кучли шамол эсар, ерни оппоқ қиров қоплаганди. Бундай тунда ботқоқликка борган одам ўлмай қолмайди, деган фикр хаёлимга келди. Кейин юлдузларга боқдим ва совуқдан ўлаёзган одам учун ушбу беҳисоб нур манбаларига қараш, улардан на ҳамдардлик ва на мадад топа олмаслик нақадар дахшатли эканини тасаввур қилдим.

– Байтал келяпти, – деди Жо. – Кўнғироқчалардек товуш чиқариб, йўрғалапти.

Тақаларнинг тош йўлга тегишидан чиқаётган товуш музикани эслатар, уларнинг мароми одатдагидан тезроқ эди. Миссис Жо аравадан тушишда қийналмасин, деб курси олиб чиқдик, оловни баландлатиб, деразадаги ёғдуни қоронғилиқда узокдан кўринадиган қилиб қўйдик. Тайёргарликлар ниҳоясига етувди ҳамки, кўзларигача бурканиб олган йўловчилар етиб келишди. Кейин

миссис Жо ерга тушди, Памблчук амаки ҳам аравадан тушиб, отнинг устига ёпинчиқ ташлади ва ҳаммамиз ичкарига кирдик. Биз у ерга шунчалар кўп совук ҳаво олиб кирдикки, оловнинг бор тафти ташқарига чиқиб кетгандек бўлди.

– Хўш, – деди миссис Жо юзидаги тўр ниқоб ва шляпадан халос бўлиб, сочларини озодликка чиқараркан. – Агар бугун ҳам бу тирмизак мендан миннатдор бўлмаса, унда ҳеч қачон миннатдор бўлмайди.

Кимдан ва нима учун миннатдор бўлишини ҳали ўзи ҳам билмайдиган болакайнинг бор имкониятини ишга солиб, юзимга миннатдорчилик ифодасини бердим.

– Умид қиламанки, ўша ерда уни талтайтириб юборишмайди, – деди опам. – Лекин, хавотирдаман.

– У аёл талтайтирадиганлардан эмас, бекам, – деди мистер Памблчук. – Буни у биздан яхшироқ тушунади.

У аёл ким бўлди? Жога қараб, лабларим ва қошларим билан “у аёл?”, деб сўрадим. Жо ҳам лаби ва қошларини савол мазмунида учирди. Шу сонияда опамнинг кўзи унга тушиб қолганди, Жо бўйнини ичига тортиб, одатдагидек бурнини ишқалай кетди.

– Хўш, – деди опам синалган усулини қўллар экан. – Нега бақрайиб қолдинг? Уйга ўт кетдимми?

– Кимдир “у аёл”, дегандек бўлдими, – деди Жо тавозе билан.

– Аёлни аёл дейдимми, ахир? – деди опам. – Ёки, сенингча, мисс Хевишем эркакми? Ҳатто сен ҳам бунинг фарқига борарсан.

– Шаҳарда яшайдиган мисс Хевишемми? – сўради Жо.

– Балки қишлоғимизда мисс Хевишем бордир? – жавради опам. – Пип уникага бориб, ўйнаб ўтиришини хоҳлаяпти. Бола, албатта, уникага боради. Бориб ўйнаса, ўзига яхши, – қўшиб қўйди опам “бўлмаса мендан кўради”, дегандек бошини таҳдид билан силкиб.

Бир неча чақирим наридагилар каби мен ҳам шаҳарда яшайдиган мисс Хевишем тўғрисида айрим гапларни эшитгандим. Ушбу қаттиққўл ва бадавлат хоним, атрофи темир панжара билан ўралган катта ва қўрқинчли уйда, узлатда яшар эди.

– Ажабо! – деди ҳайратланган Жо. – Пипни у қаердан танир экан?

– Тўнка, – хитоб қилди опам. – У Пипни таниркан, деб ким сенга айтди?

– Пип уникага бориб ўйнашини хоним хоҳлаяпти, деб кимдир айтгандай бўлди, шекилли, – деди Жо яна тавозе билан.

– Хоним Памблчук амакидан уйига келиб ўйнаш учун бирон-бир болани тавсия қила оласизми, деб сўраган бўлса-чи? Памблчук амаки хонимдан ижарага ер олган, ижара ҳақини тўлаш учун у олти ойдами, уч ойдами, барибир ақлинг етмайди, ҳар ҳолда вақти-вақти билан, уникага бориб турган бўлса-чи? Хоним ундан уйимга келиб ўйнаб туриш учун мўлжалингизда бирон-бир бола йўқми, деб сўраса-чи? Ҳар доим бизни ўйлайдиган, биз учун қайғурадиган Памблчук амаки эса, бу фикрга сен қўшилмасанг-да, Жозеф, – деди опам чуқур надомат билан, – манави ерда туриб олиб, олифтагарчилик қилаётган (қасам ичаманки, мен ҳеч нима қилмаётгандим), мени ўзига бир умрга хизматкор қилиб олган анов тирмизакни тилига олган бўлса-чи?

– Яхши гап бўлди! – хитоб қилди Памблчук амаки. – Тўғри нарса, тўғрида! Мўлжалга урди! Энди, Жозеф, ҳаммаси сенга равшан.

– Йўқ, Жозеф, – деди опам бурнини ишқалаётган Жога ҳамон айблов охангида, – ҳали барини тушуниб етганинг йўқ. Сен ҳали Памблчук амакининг бола мисс Хевишемникида бахтини топиб кетар, деб ўйлаб, уни бугунок

шаҳарга олиб боришини, уйда тунашга жой бериб, эрталаб мисс Хевишемга ўз кўли билан топширишни таклиф этганини билмайсан. Эй, карами кенг Парвардигорим, – деди опам кутилмаганда умидсизликка тушиб шляпасини бошидан оларкан. – Памблчук амаки кутиб, байтал кўчада совуқда турган бир пайтда, мен манави ялқовлар билан гап сотяпман. Болакайнинг эса бош-оёғи лой, қоракуя!

Кейин у бургут кўзичокка чанг солгандек мени ушлаб олди-да, бошимни жўмрак тагига тикиб, эсдан оғиб қолгунимча совунлаб, ишқалаб, қашлаб ва киртишлаб азоблади (Айтишим керакки, манаман деган олим ҳам никоҳ узугини юзингизга ишқасалар қанчалар оғритишини мендан яхши айтиб бера олмас керак).

Чўмилтиришни тамомлаб, менга аристондек дағал ички кийим ва тор, нокулай кўйлак кийгиздилар-да, мистер Памблчукка топширдилар, у эса каминани шериф жинойтчини кўлга олгандек, ўта расмий тарзда қабул қилиб, билишимча, аввалдан ўлиб-тирилиб тайёрлаб қўйган гапини айтди:

– Ҳамма дўстларингдан, айниқса, сени ўз кўли билан катта қилаётганлардан бир умр миннатдор бўл, болакай!

– Хайр, Жо!

– Хайр, Пип, оғайни. Парвардигор сени ёрлақасин!

Ҳали ҳечам Жодан ажралмагандим. Шууримни тўлдирган туйғулар, кўзимни ҳамон ачиштираётган совун кўпиги сабаб, аравадан туриб юлдузларни кўзим аввал илғамади. Лекин кейин улар осмонда бирма-бир порлай кетдилар, аммо нима учун айнан мен мисс Хевишемникига бориб ўйнашим керак, қолаверса, у ерда нимани ўйнашим керак, деган жумбокни улар, сал бўлса-да ёритиб бера олмадилар.

## VIII боб

Шаҳарчамизнинг тижорат даҳасидаги Хай Стритда жойлашган мистер Памблчукнинг уйда, дон, ем ва уруғлар билан чакана савдо қилувчининг масканига мос равишда, ун ва мурч хиди анқирди. Дўконда беҳисоб тортма кутилар борлигидан, у роса бахтли одам экан-да, деб ўйлаганман; улардан бириккитасини очиб, ип билан тутиб қўйилган қоғоз халтачаларда тутқунликдан халос бўлиб, гуллаб-яшнаш учун қулай фурсатни кутаётган гул уруғларини кўриб, ҳайратланганман.

Бу фикрлар хаёлимга, унинг уйига келган кунимизнинг эртасига, тонг палласида келганди. Ўша оқшом эса, мени дарҳол чордоқдаги хонага ухлагани жўнатишди. Том чорпоёга шунчалар тақалгандики, ҳисобимга кўра, черепица ва қошим орасидаги масофа бир қаричдан сал кўпроқ эди. Ўша тонгда мен, шунингдек, чийдухоба шимни ва уруғларнинг ўзаро боғлиқ эканини кашф қилгандим. Мистер Памблчук ҳам, унинг ёрдамчиси ҳам чийдухоба шим кийиб юришар, шимларнинг кўриниши ва хиди уруғларни эслатар, уруғларнинг шамойили ва иси шимларга уриб кетгандек эди. Ўшанда мен яна шуни сездимки, мистер Памблчукнинг тижорий фаолияти кўчанинг нариги томонидаги эгарчига қараб ўтириш, эгарчикидаги арава тузатадиган устадан кўз узмасликдан иборат эди; уста бўлса, икки кўлини чўнтагидан олмай новвойни кузатиш билан тирикчилик қилар, новвой кўллари қовуштириб баққолга тикилар, у эса, дўконининг эшигига суянганича, доричини томоша қиларди. Пировардида, Хай Стритда ўз касбига эътибор берувчи ягона инсон катта кўрсатадиган ойнак тақиб, иш жойида қимирламай ўтирадиган ва дўконининг олдида тўдалашиб ундан кўз узмайдиган бекорчиларнинг эътиборини тортувчи соатсоз эди.



Соат саккизда мистер Памблчук билан нонуштага ўтирдик, унинг гумаштаси эса, дўконнинг ичида, нўхат солинган қоп устига ўтириб чой хўплаб, ёғ суртилган нон бўлагини ейишга тушди. Мистер Памблчук билан ҳамсухбат бўлиш мен учун ўта ёқимсиз машғулот эди. Опамнинг овқатланишдан мақсад нафсни кондиришдангина иборат, деган фикрини ёқлаши, ноннинг куйган ерларини кўпроқ, ёғни камроқ бергани, сутга жуда ҳам кўп илиқ сув қўшиб юборгани етмагандек, сухбатимизнинг мавзуси арифметикадангина иборат эди. Эхтиром билан берган эргалабки саломимга алик ўрнига, у гердайиб “Етти карра тўққиз неча бўлади, болакай?” деб сўради. Бировнинг уйида, оч қорин билан ўтирганда саволига жавобан нима ҳам дея олардим унга? Оч эдим, аммо ҳали бир тишлам нонни ямлаб улгурмасимдан, бутун нонушта вақтига кифоя қиладиган саволларга кўмилиб кетдим: “Етти карра тўрт? – Саккиз? – Йкки? – Ўн?” ва ҳоказо. Саволнинг биттасига жавоб бериб, бир хўплам сут ичиб улгурмасимдан, кейингиси жаранглаётганди; ҳеч қандай мисол ечиши керак бўлмаган мистер Памблчукнинг ўзи эса, курси устида ялпайиб ўтириб олиб, очофагларча (ушбу кўпол сўз учун Парвардигоримдан узр сўрайман) чўчка қовурғаси солинган сомсаларни паққос туширмоқдайди.

Бинобарин, соат ўнга бонг уриб, биз мисс Хевишемникига йўл олганимизда, ушбу бегона хонимникида ўзимни қандай тутишим кераклиги тўғрисида тасаввурга эга бўлмасам-да, ўзимда йўқ хурсанд эдим. Чорак соат ўтгач, биз унинг баланд темир панжара билан ўраб олинган, нурай бошлаган ғиштин иморати олдида ҳозир бўлдик. Деразаларнинг баъзилари суваб ташланганди. Биринчи қаватдаги қолган деразалар занглаган панжаралар билан тўсилган, уйнинг олдидаги ҳовли ҳам темир тўсиқ билан ўраб олинганди. Қўнғироқни чалиб, кимдир бизни қаршилашини кута бошладик. Ичкарига назар ташлаб, ҳовлининг ўртасида пиво пиширадиган каттагина бино борлигини кўрдим. Унинг атрофида ҳеч ким кўринмас, пивохоно кўпдан буён ишламаётгани равшан эди.

Эшикнинг дарчаси очилди ва қўнғироқдек овоз: “Исмингиз?”, деб сўради. Йўл бошловчим: “Памблчук”, деб жавоб қайтарди. Овоз: “Тўғри”, деди. Дарча ёпилди, кейин ҳовлида бир шода калит кўтариб олган, чиройли кийинган қизча кўринди.

– Бу – Пип, – деди мистер Памблчук.

– Шуми Пип? – деди қизча; у жуда келишган ва кўринишдан ўта такаббур эди. – Кирақол, Пип.

Мистер Памблчук ҳам ҳовлига киришга ҳозирланаётганида, қиз эшикни ёпиб кўйди.

– Кечирасиз, – деди қиз, – мисс Хевишемни кўриш ниятингиз борми?

– Агар мисс Хевишем мени кўришни истаётган бўлсалар... – деди мистер Памблчук хижолат чекиб.

– Шундайми? – деди қизча, – ўзингиз кўриб турибсиз, истамаяптилар.

Бу сўзлар шунчалар кескин ва совуқ жарангладики, ғурури қанчалар топталган бўлмасин, мистер Памблчук эътироз билдира олмади. Лекин менга хафа бўлгандек назар солди ва: “Болакай! Одобинг билан сени тарбия қилганларга мақтов олиб кел!” дея жўнаб қолди.

Ҳозир у ортига қайтиб, дарвоза орқасидан: “Ўн олтига кўпайтирсак-чи?” – деб сўраб қолади, деган ҳадикдан халос бўлолмаётгандим. Аммо ундай қилмади.

Гўзал йўлбошловчим дарвозани кулфлади ва иккимиз ҳовлини кесиб ўта бошладик. Ҳовли тоза, тош ётқизилган, лекин ёриқлар орасини ўт босиб кетганди. Ўнг томондаги йўлка пивохонога олиб борар, сўқмоқнинг ниҳоясидаги

ёғоч дарвоза ланг очик эди; пивононанинг барча эшиклари ҳам очик бўлиб, унинг ортида девор кўзга ташланарди; ҳаммаёқ бўм-бўш, кимсасиз эди. Кўчадаги совуқ шамол бу ерни кўпроқ изиллатаётгандек туйилар ва у пивононанинг очик жойларидан ўтиб, ув тортмоқдайди.

Пивононага қараётганимни сезиб, қизча деди:

– Сен, болакай, бу ерда тайёрланган пивонинг ҳаммасини кўрқмай ичган бўлардинг.

– Эҳтимол ичган бўлардим, мисс, – дедим ботинмайгина.

– Энди бу ерда пиво тайёрлашга уринмаса ҳам бўлади, барибир ачиб қолади, нима дейсан, болакай?

– Шунақа шекилли, мисс.

– Айтмоқчи, ҳеч ким уриниб ҳам кўрмоқчи эмас, – деди қиз яна. – Бу иш аллақачон тўхтаган, буларнинг бари тўкилиб тушмагунча тураверади. Қазноқларимизда шунчалар кўп пиво захира қилинганки, Менор-Хаузни чўктириб юборса бўлади.

– Бу уй шундай аталадимиз, мисс?

– Унинг номларидан бири бу, болакай.

– Бошқа номлари ҳам борми, мисс?

– Яна бир номи бор. Уйни Сатис-Хауз, деб ҳам атаганлар, юнон тилиданми, лотинчаданми ёки яҳудий тилиданми олинган сўз, балки учала тилданми, менга қолса “кифоя” деб аталгани тўғри.

– Кифоя уй! Ажойиб ном, мисс.

– Ҳа, – деди қиз, – лекин унда чуқурроқ маъно бор. Уйга бу номни қўяётганларида, унда ким яшамасин, ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди, деб ният қилганлар. Уша пайтларда озгина нарсага қаноат қилган бўлсалар керак, деб ўйлайман. Юрақол, болакай, судралма.

Тахминан тенгдош бўлишимизга қарамай, у тез-тез менга камситувчи баландпарвоз оҳангда “болакай”, деб мурожаат қилмоқдайди. Турган гапки, қиз бола бўлганидан, мендан анча катта кўринар, жозибали ҳамда сервикор эди; менга йигирма ёшдан каттароқ, ҳатто маликалардек паст назар билан муомала қилаётганди.

Биз ён эшикдан ичкарига кирдик – катта эшик икки шода занжир билан ёпиб ташланганди. Йўлакдаги зимистон мени хайратга солди, қиз у ерга шам ёқиб қўйганди. Уни олиб, қиз мени узун йўлакдан бошлаб кетди, кейин зинадан юқорига кўтарилдик, ҳаммаёқ бир хилда қоронғи, шам ёғдусигина зимистонни бир оз нари қуварди.

Ниҳоят бир эшик олдида тўхтадик, қиз менга: “Кир ичкарига”, деди.

Довдираб қолганимдан ва ҳурмат юзасидан: “Сиздан кейин, мисс”, деб жавоб қайтардим.

– Жинни бўлдингми, болакай, мен у ерга кирмоқчи эмасман, – деди қиз бошини баланд кўтариб ва, энг ёмони, шамни олиб, жўнаб қолди.

Жуда ноқулай аҳволда қолгандим, бир оз кўрқаётгандим ҳам. Аммо эшик қоқишдан бошқа иложим қолмади, ичкаридан кимдир киришга рухсат берди. Остона ҳатлаб шамлар билан ёритилган хонага кирдим. У ерда кундузги ёруғликдан асар ҳам йўқ эди. Хонадаги кўпгина буюмларнинг нимага хизмат қилишини ўша пайтлари билмасам ҳам, атрофга назар ташлаб, у ерни ётоқхона, деб фараз қилдим. Жихозлар орасида усти мато билан қопланган стол ҳамда чети зарҳал кўзгуни кўриб, асилзода хонимнинг пардоз столи экан, деган хулосага келдим.

Эҳтимол, столнинг қаршисида ҳеч ким бўлмаганида мен уни бунчалар тез пайкамасмидим, лекин чарм ўриндикда, бошини қўлига, тирсагини столга

тираб, умримда кўрмаган ва ҳеч қачон учратишим мумкин бўлмаган ғалати хоним ўтирарди.

У сагин ва ипак матолардан тикилган, четлари укали, боғичли, оппоқ кўйлак кийиб олганди. Оёқларидаги бошмоқлари ҳам оқ рангда эди. Бошига оппоқ, узун ҳарир парда, оқариб кетган сочларига никоҳ гуллари такиб кўйилганди. Бўйни ва қўлларида қимматбаҳо тошлар жилва сочар, стол устига ҳам тақинчоқлар ташланганди. Устидагичалик ҳашамдор бўлмаган кўйлақлар, ярим очилган ички кийимлар тартибсиз сочилиб ётарди. Аёл чала кийинган – бошмоқларидан бири стол устида, қўлига яқин жойда турар, тўрпарда текисланмаган, занжир ва соат тақилмаган, тақинчоқлар билан бирга, кўзгу олдида четлари укали мато, рўмолча, қўлқоплар, гулдаста ҳамда дуолар китобчаси ташлаб кўйилганди.

Мен ушбу тафсилотларнинг барини бирданига пайкаганим йўқ, аммо илк қарашдаёқ керагидан ортиқроқ нарсаларни кўра билдим. Бинобарин, назаримда окдай туйилган нарсалар анча илгари оқ бўлган-у, энди эса ёркинлигини бой бериб, хира тортганини ва сарғайиб кетганини, никоҳ либосидаги келиннинг кийган кийимлари ва таққан гуллари билан бирга сўлиб қолганини, ичига ботган кўзларини ҳали нур тарк этмаганини, қачонлардир навқирон аёлнинг келишган қомагига ёпишган кўйлакнинг териси устихонига тармашган гавдада осилиб турганини кўрдим. Бир пайтлар аллақайси афсонавий қахрамоннинг тобутдаги қуриб қолган гавдасини кўрсатиш учун мени ярмаркага олиб боришганди. Яна бошқа сафар ботқоқликдаги эски черковларнинг бирига зиёрат уюштириб, унинг тош саҳни остидаги хилхонада асрлар мобайнида сақланиб келаётган, кийимлари чириган устихонни кўрсатишганди. Назаримда, ўша қуриб қолган гавдага кўзлар битиб, менга қарамоқдайдилар. Қичқириб юборай дедим, лекин овозим чиқмади.

– Ким у? – сўради пардоз столи олдида ўтирган хоним.

– Пипман, хоним.

– Пип?

– Мистер Памблчук юборган боламан, хоним. Ўйнагани келдим.

– Ёнимга кел, сени бир кўрай. Яқинроқ кел.

Айнан шу лаҳзаларда, унинг қаршисида, кўзларига қарамасликка тиришиб, тик турарканман, бетартиб сочилиб ётган нарсаларга кўпроқ аҳамият бердим ва хонимнинг қўл соати ҳам, хонадаги девор соати ҳам йигирмата кам тўққизда тўхтагиб кўйилганини кўрдим.

– Менга қара, – деди мисс Хевишем. – Сен туғилганидан бери қуёшни бир марта ҳам кўрмаган аёлдан кўркмаяпсанми?

“Йўқ”, деб катта гуноҳ орттиришдан кўркмаганимга афсус қиламан.

– Мана бу еримда нима борлигини биласанми? – сўради аёл, аввал бир кўлини, кейин иккинчисини кўкрагининг чап томонига кўйиб.

– Ҳа, хоним. (Бу ҳолат маҳбус ва унинг шеригини ёдимга солди.)

– Нима бор бу ерда?

– Юрагингиз.

– Адо бўлган юрагим!

Хоним бу сўзларни эҳтирос билан, чертиб-чертиб, сирли ва мағрур жилмайиб айтди. Бирмунча вақт у қўлларини кўкрагида ушлаб турди, кейин, улар гўё оғирлик қилаётгандек, пахта туширди.

– Чарчадим, – деди мисс Хевишем. – Кўнглимни ёзгим келяпти, катталардан эса, ҳафсалам пир бўлган. Ўйна!

Ўша вазиятда хоним шўрлик боладан бундан қийинроқ нарсани талаб қила олмасди, ўқувчиларим орасида энг мунозараталаблари ҳам ушбу фикрга қўшилсалар керак.

– Баъзида ғалатирок истаклар миямга келиб қолади, – давом этди хоним, – ҳозир ҳам шунақарок хоҳиш уйғонди: қандай ўйнашларини кўрмоқчиман. Шу ерда, ҳозир! – Хоним ўнг қўлининг бармоқлари билан сабрсизларча ишора қилди. – Ўйна! Ўйна! Ўйна!

Опамнинг “кўрсатиб қўяман”, деган таҳдиди эсимдалигидан, хаёлимга дастлаб мистер Памблчукнинг оти бўлиб йўрғаласаммикан, деган бемаъни фикр келди, аммо шу заҳотиёқ эплай олмаслигимни билиб, мисс Хевишемга қараганимча қотиб туравердим. Хоним мени ўзбошимча, деб ўйлади чоғи, бир-биримизга тўйиб қараб бўлганимиздан кейин:

– Эҳтимол сен ўжар ва қулоқсиздирсан? – деди.

– Йўқ, хоним, – жавоб қайтардим мен. – Сизга жуда раҳмим келяпти ва айнан ҳозир ўйнай олмаётганимдан афсусдаман. Агар устимдан шикоят қилсангиз, опамдан балога қоламан, демак, қўлимдан келганидайди, ўйнашдан бўйин товламаган бўлардим.

Аммо бу ерда ҳамма нарса мен учун шунчалар янги, шунчалар ғайриоддий, шунчалар чиройли ва мунглики, ортиқча гапириб қўйишим ёки аллақачон гапириб қўйган бўлишим мумкинлигидан хавотирга тушиб, жим қолдим. Биз бир-биримизга тикилиб туравердик.

Яна гап бошлашидан олдин, хоним кўзини мендан узиб, эгнидаги кийимга, пардоз столига, ниҳоят кўзгудаги аксига қаради.

– Унга қанчалар янги бўлса, менга шунчалар эски, – жаврай бошлади мисс Хевишем. – Унга қанчалар ғайриоддий туйилса, менга шунчалар таниш; ик-каламиз учун нақадар мунгли! Эстеллани чақир!

Хоним ҳамон кўзгуга қараб турар, мен эсам, у ўзи билан гаплашяпти, деб ўйлаб жойимда қотгандим.

– Эстеллани чақир, – такрорлади у менга жаҳл билан қараб. – Буни эплай оласан-ку. Эшикдан чиқиб, Эстеллани чақир.

Бегона уйнинг сирли ва зим-зиё йўлагида туриб, кўринмас ва эшитмас навқирон соҳибжамолга “Эстелла”, деб мурожаат қилиш, бу исмни баланд овозда, қичқириб айтиш билан кечириб бўлмас хатога йўл қўяётганингни ҳис қилиш бировнинг буйруғи билан ўйнаш каби оғир вазифа эди. Ниҳоят қиз овоз берди, зимистон йўлакда юлдуз мисол шам ёғдуси порлади.

Мисс Хевишем Эстеллани бармоғи билан ёнига чақирди, кейин столдан тақинчоқ олиб, аввал унинг силлиқ бўйнига, кейин қўнғир сочларига тақиб кўрди.

– Бир кун келиб, азизам, у сеники бўлади ва сен ундан фойдаланишни ўрнига қўясан. Манави бола билан қарта ўйна, мен томоша қилиб ўтирмоқчиман.

– Шу бола билан-а?! Ахир у оддий қишлоқ боласи-ку!

Назаримда мисс Хевишем:

– Нима бўлибди? Билъакс унинг юрагини ўрташинг мумкин! – дегандек бўлди.

– Қайси ўйинни биласан, болақай? – сўради мендан Эстелла кибр билан.

– Фақат аҳмоқ қилиш ўйинини, мисс.

– Қани, уни бир аҳмоқ қил-чи, – деди мисс Хевишем Эстеллага. Хуллас, биз қарта ўйинига киришдик.

Ўша лахзаларда мен хонадаги барча нарсалар, девор ва қўл соати каби, кўп вақтдан бери тўхтаб ётганини пайқадим. Мисс Хевишем тақинчоқни қаердан олган бўлса, айнан ўша жойга қайтариб қўйганини кўрдим. Эстелла қарталарни тарқатаётганида пардоз столига назар солдим ва стол устидаги бир вақтлар оқ, энди сарғайиб кетган туфли бирор марта кийилмаганига амин бўлдим.

Бошмоқсиз оёқларга қараб, сарғайган пайпоқлар илма-тешик бўлиб кетга-

нини пайқадим. Агар хонадаги ҳамма нарсани ҳаёт нафаси тарк этмаганида, турган жойида оқариб, чириб кетаётган буюмларгина эмас, қоксуяк гавдага илиб қўйилган никоҳ либоси мурдага кийгизиладиган кийимларни, узун ҳарир парда – кафанни эслатмаган бўларди.

Мурдага ўхшаб қолган мисс Хевишем бизга тикилиб ўтирар, эгнидаги никоҳ либосининг тўр ёқаси ва енглари сарғиш қоғозни эслатарди. Мен қадим замонларда дафн этилган мурдаларнинг вақти-вақти билан топилиб, ўша заҳоти чангга айланиб кетишлари тўғрисида ҳали ҳеч нарса билмасдим; лекин шу кундан бошлаб, агар мисс Хевишемга кундузги ёруғлик нури тушгудек бўлса, тўкилиб кетиши мумкиндек кўринганини тез-тез эслаб тураман.

– У чилликни бут деяпти, – деди ижирғаниб Эстелла ҳали ўйин бошланмасдан. – Қўллари бирам дағалки! Бошмоқлари бирам қўпол!

Авваллари қўлларимдан уялишни хаёлимга ҳам келтирмагандим, лекин ўша кундан уларга бошқача назар билан қарай бошладим. Эстелланинг нафрати шунчалар кучли эдики, у юқумли касалликдек менга ҳам ўтиб қолганди.

У ютди, мен ўйинни бой бердим. Ўша заҳотиёқ ўзимни йўқотиб қўйдим, негаки бирор хатога йўл қўйишимни кутаётганини билардим, шундай бўлди ҳам, у мени тентак, тўпори қишлоқи, деб камситди.

– Нега унга жавоб қайтармаяпсан? – сўради мисс Хевишем. – Сенга шунча ёқимсиз гапларни айтиб ташлади, сен бўлсанг жим ўтирибсан. У тўғрида қандай фикрдасан?

– Айтгим келмаяпти, – дедим мен чайналиб.

– Қулоғимга айта қол, – деди хоним мен томонга эгилиб.

– Менимча, у жуда мағрур, – дедим пичирлаб.

– Яна-чи?

– Менимча, у жуда чиройли.

– Яна-чи?

– Менимча, у бошқаларни камситишни ёқтиради. (Бу пайт Эстелла менга чексиз нафрат билан қараб турганди.)

– Яна-чи?

– Яна, уйга кетгим келяпти.

– У шунчалар чиройли бўлса ҳам уйга кетгинг келяптими? Уни бошқа кўришни истамайсанми?

– Билмадим, эҳтимол яна кўргим келиб қолар, лекин ҳозир уйга кетгим келяпти.

– Тезда уйингга кетасан, лекин аввал ўйинни охирига етказиб қўй, – деди мисс Хевишем овозини баландроқ кўтариб.

Мисс Хевишемнинг хонасига кириб, сирли табассумини кўрмаганимда хоним кулишни сира билмайди, деб ўзимни деярли ишонтирган бўлардим. Унинг солиққан юзидаги қайғу ва ҳадик ифодаси, атрофидаги ҳамма нарса тошдек қотган сониялардан бошлаб муҳрланиб қолгандек, уни қайта жонлантирадиган куч йўқдек кўринарди. Кўкраклари ичига ботиб кетганидан, қадди эгилиб, овози сўниб қолганидан, паст, хириллаган, жонсиз товушда гапирарди; мисс Хевишемни кўрган ҳар қандай одам, хонимнинг ҳам жисми, ҳам қалби, ҳам ботини, ҳам ички дунёси оғир зарба таъсирида букилиб қолган, деган хулосага келиши тайин эди.

Қарталарни Эстелла билан охиригача ўйнадик, у мени яна ютди, кейин мендек кучсиз рақибнинг устидан қозонилган ғалабадан кўнгли тўлмагандек, қарталарни стол устига улоқтирди.

– Яна қачон келсанг экан? – деди мисс Хевишем. – Ҳозир ўйлаб кўраман.

Унга бугун чоршанба эканини айтиш учун оғиз жуфтловдим ҳамки, хоним



ўнг кўлининг бармоқлари билан аввалгидек ишора қилиб, мени тўхтатди.

– Йўқ, йўқ! Ҳафтанинг қайси куни, йилнинг қайси фасли эканини билишни ҳам истамайман. Олти кундан кейин келгин. Эшитдингми?

– Ҳа, хоним.

– Эстелла, уни пастга олиб туш. Овқат бер, кейин бир оз ўша ерда айлансин, кўниксин. Борақол, Пип.

Шамга эргашиб юқорига қандай чикқан бўлсам, пастга ҳам шундай тушдим, кейин қиз шамни олган жойига қўйди. У ташқарига олиб чиқадиغان эшикни очаётганида, мен аллақачон қоронғи тушган бўлса керак, деб нотўғри тахмин қилган эканман. Шамлар билан ёритилган ўша ғалати хонада соатлаб қолиб кетгандек, кундузги ёруғликни қайта кўришдан мамнун эдим.

– Болақай, сен шу ерда кутиб тур, – деди Эстелла ва эшикни ёпиб, ғойиб бўлди.

Ҳовлида ёлғиз қолганимдан фойдаланиб, дағал қўлларимга ва кўпол бошмоқларимга назар солдим ва ўзимга ачиниб кетдим. Авваллари улардан ҳеч уялмагандим, лекин ҳозир бесўнақай эканликларидан оғринаётган эдим. Нима учун чиллик қартани бут, деб ўргатганини Жодан сўрашни ният қилиб, унинг маълумоти чуқур эмаслигидан, менга кўп фойдаси тегамаслигидан афсусландим.

Эстелла нон, гўшт ва бир оз пиво кўтариб, қайтиб келди. У пивони ерга қўйди, кейин, гўё мен дайди кучукчадек, афтимга қарамасдан, нон ва гўштни кўлимга тутқазди. Шунчалар ўқиниб, оғриниб, топталиб, уялиб, ғазабланиб, ижирганиб кетгандимки, хиссиётларимни ифодалаш учун аниқ сўз топиб беролмайман, кўзларимдан тирқираб ёш оқиб чиқишига сабабчи бўлган бу хўрликнинг қандай аталиши Парвардигорнинг ўзигагина аён. Кўз ёшларимни кўриб, Эстеллага жон кирди: у мени йиғлашга мажбур эта олганидан хурсанд эди. Бу ҳолат менга йиғидан тўхташ ва унга тик қарай олиш учун куч берди. Эстелла муддатидан олдинроқ тантана қилаётганини тушунди чоғи, бошини кибр билан буриб, мени тарк этди.

Мен танҳо қолиш учун жой кидиришга тушдим, кейин пивохона дарвозаси орқасига ўтиб, тирсақларим билан деворга суяндим ва юзимни енгларим устига қўйиб, ўпкам тўлиб кетганидан, ташқарига чиқишга йўл кидираётган оғриқнинг зўридан деворни тепиб, сочларимни юлиб, йиғлай бошладим.

Опамнинг тарбияси кўнглимни бўш қилиб қўйганди. Болалар, ўзлари яшайдиган кичкина оламда, уларни ким тарбия қилмасин, адолатсизликни, у арзимас бўлса ҳам, ўта сезгирлик билан оғриниб қабул қиладилар. Негаки боланинг ўзи кичик, уни ўраб турган олам ҳам ўзига мос чегараланган, у ўйинчоқ отини баланд бўйли ирланд пойга тулпори сифатида идрок этади. Эсимни танибманки, ичимдаги адолатсизлик билан мунозара тинмайди. Ҳали тилим чикмасдан золим ва зўравон опамнинг менга нисбатан адолатсиз эканини тушуниб етгандим. У мени ўз қўллари билан ўстираётган бўлса-да, турткилаш воситасида тарбиялашга ҳаққи йўқ, деган фикр мени тарк этмасди. Калтаклашлар, жеркишлар, овқатдан сурункали маҳрум қилишлар ва бошқа жазо чоралари таъсирида ушбу фикр комил ишончга айланди, ўзимдаги кўнгилчанлик ва журъатсизликни мендек ҳимоясиз ёлғиз гўдакнинг бошидан кечирганлари билан изоҳлайман.

Бу сафар топталган туйғуларимни сочимга қўшиб юлиб олиш ва пивохона деворини тепкилаш билан жиловлай олгандим, кейин енгим билан юзимни артиб, дарвоза ортидан ҳовлига чиқдим. Сўнгра иштаҳа билан гўшт ва нонни тановул қилдим, хушбўй пиво илиқлик бахш этди, кайфиятим кўтарилиб, атрофга назар ташлай бошладим.

Чиндан ҳам бу ерда ҳамма нарса, ҳатто кабутархона ҳам қаровсиз қолганди. У бир вақтлар содир бўлган бўрон таъсирида қийшайиб қолган, ҳозир ҳам ўзи ўрнатилган узун хомага қўшилиб чайқалмоқдайдики, агар ичида кабутарлар бўлганида, очиқ денгиздан эсаётган шамол тебратяпти, деб хаёл қилган бўлардилар. Аммо отхонада отлар, бостирма тагида чўчкалар, қазноқда ачитки, қозонлар ва тоғораларда хид таратувчи арпа бўлмаганидек, кабутархонада ҳам кушлар йўқ эди. Пивохонадан чиққан сўнги тутун барча жиҳозу хидларни ўзи билан олиб кетгандек, ховлининг бир бурчагида ташландиқ бочкалар қалашиб ётар, яхши кунлардан хотирадек улардан ачитки иси анқирди.

Пивохонанинг ёнида, эски девор ортида қаровсиз боғ кўзга ташланарди. Девор унча баланд бўлмаганидан, унга осилиб, боғга назар солдим. Боғни буталар ва ўт-ўлан босиб кетганди, лекин кимдир сариқ ва яшил рангдаги шувоклар оралаб сайр қилган шекилли, пировардида сўқмоқ йўл пайдо бўлган, Эстелла сўқмоқ бўйлаб мендан узоклашмоқдайди. Айтмоқчи, қиз ҳамма ерда ҳозирга ўхшарди: қатор турган бочкаларнинг устидан юра бошлагандим, қизнинг ҳам ховлининг нарига бурчагидаги бочкалар устида сакраётганига кўзим тушди. У қўллари билан бекиёс қўнғир сочларини кўтариб, менга орқа ўгириб ликилламоқдайди, кейин, атрофга назар ҳам солмай, кўздан ғойиб бўлди. Пивохонада ҳам шундай воқеа содир бўлди – бир вақтлар пиво тайёрланган, тош сахли ушбу кенг хонадаги зимистондан чўчиб, эшиги олдида аланглаб турганимда, ишламай ётган ўчоқлар ёнидан ўтиб бораётган Эстеллага кўзим тушди, у энсиз темир нарвондан кўтарилиб, бир лахзада бошим устидаги айвончада ҳозир бўлди, кейин, кўкка парвоз қилгандек кўздан йўқолди.

Хаёлимда ўша ерда, ўша сонияларда ғайриоддий бир воқеа рўй берди. Кейинчалик ҳам бу ғалати воқеа тўғрисида кўп ўйладим. Ушанда рутубатли, ёруғ осмонга тикилаверганимдан хиралашган назарим, ўнг бурчақдаги устунга тушганди ва мен унда аёл кишининг осилиб турганини кўрдим. У сарғайган оқ кийим ва бир дона бошмоқдайди; кўйлагининг ёқалари ва енглари сарғиш-кулранг қоғозни эслатадиган, қиёфаси мисс Хевишемникига ўхшаш мазкур аёл бутун вужуди билан мендан ёрдам сўраётганди гўё. Ҳозиргина пайдо бўлиб қолган, бунга ишончим комил эди, ушбу қиёфа шунчалар кўрқинчли эдики, аввалига, даҳшатга тушиб ундан нари кетдим, кейин эса у томонга қараб чопдим. Бироқ энг кўрқинчлиси, у ерда ҳеч ким йўқ бўлиб чиқди.

Ёрқин осмон, салқин ҳаво, панжара ортида ўтиб юрган одамларнинг қиёфаларини кўриб ва гўшт ҳамда пивонинг қолганидан куч олиб, бир оз хотиржам бўлдим. Эҳтимол, мени ташқарига чиқариб юбориш учун бир шода калит кўтариб келаётган Эстеллани кўриб қолмаганимда, хали-вери ўзимга келмасдим.

Кўрқиб кетганимни билса, мендан янаям кўпроқ нафратланади, деган хаёлда унга бундай важ бермасликка аҳд қилдим.

Қўлларимнинг ўта дағаллиги, бошмоқларимнинг ўта қўполлигидан хурсанддек, у менга тантанали назар ташлай туриб, эшикни очди. Унга қарамай чиқиб кетаётгандим, елкамга туртди.

– Нега йиғламаяпсан?

– Хоҳламайман.

– Йўқ, хоҳлайсан, – деди Эстелла. – Кўзларинг йиғидан қизариб ётибди. Ҳозир яна хўнграб юборасан.

У нафрат билан кулди-да, орқамдан итариб кўчага чиқарди ва эшикни кулфлаб олди. Мен мистер Памблчукнинг уйига йўл олдим, унинг уйдამаслигини эшитиб, энгил тортдим. Гумаштага қайси кун мисс Хевишемникига

боришим кераклигини айтиб қўйишларини сўраб, уйга пиёда йўл олдим. Барча кўрган-кечирганларим тўғрисида ўй суриб устахонамизгача бўлган тўрт чакиримни пиёда босиб ўтар эканман, такрор ва такрор оддий қишлоқ боласи эканим, қўлларим дағал, бошмоқларим қўпол, чиллик картани бут, деб аташдек бемаъни одатни касб этганим, бир кун аввал ўйлаганимга нисбатан бефахмрок ва ғирт шўрпешаналигим тўғрисидаги хаёлларга берилишдан тўхтамадим.

## IX боб

Уйга қайтганимдан кейин мисс Хевишемникида нималар бўлганини сабрсизлик билан билишни истаётган опам мени саволга кўмиб ташлади ва уларга ўша заҳоти батафсил жавоб бермаётганим учун қаттиқ тарсакилар, гарданимга турткилашлар билан сийлашга тушди, юзимни ҳақоратомуз тарзда ошхона деворига ишқай бошлади. Мен кичкиналигимда кўрққаним каби, барча ёш болалар ҳам, очиқ-ойдин бўлмаса-да, уларни нотўғри тушунишларидан кўрқадилар, камгаплик ва одамовилик кўпинча шу кўрқув билан изоҳланади. Агар мисс Хевишемнинг уйини кўрганимдай тасвирласам, мени нотўғри тушунишларига ишончим комил эди. Бугина эмас, улар мисс Хевишемни ҳам тушуна олмаган бўлардилар; ўзим учун ҳам унинг катта жумбок эканига қарамай, агар у ҳақда бор гапни (Эстеллани-ку, айтмай қўя қолай) опамга етказгудек бўлсам, ўзимни пасткаш ва хиёнаткордай ҳис қилардим. Пировардида, имкони борича оз гапирдим, бунинг учун юзимни ошхона деворига уришда давом этдилар.

Шу кулфатлар етмагандек, кўрганларим ва эшитганларим тўғрисида ҳамма нарсени билиш иштиёкида ўртанаётган манфур Памблчук оқшомга яқин аравасида терлаб-пишиб етиб келди. Азобкоримнинг чапани қиёфаси, балиқ кўзлари ва хамиша очиқ оғзи, сўроқ белгисига ўхшаб ўсган малла сочлари, сўкилиб кетган камзулига кўзим тушиши билан сира оғиз очмасликка қарор қилдим.

– Хўш, болакай, – Памблчук амаки ўчоқ олдидаги фахрий ўринга ўтиришга улгурмай гап бошлади. – Шаҳарда вақтни қандай ўтказдинг?

– Жуда яхши, сэр, – жавоб бердим мен. Опам менга қўлини мушт қилиб кўрсатди.

– Жуда яхши? – қайта сўради мистер Памблчук. – Жуда яхши – бу жавоб эмас. “Жуда яхши” деяётганингда нимани назарда тутаётганингни бизларга айтиб бер, болакай.

Оҳакка ишқаланган пешона қаттиқлашиб, миядаги қатъиятни мустаҳкамласа ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам, пешонам деворга суртилган оҳакка буланиб, ўжарлигим тош қотганди. Бир оз ўйланиб турдим-да, мутлақо янги фикр уйғонгандек, жавоб бердим:

– Жуда соз, демокчиман.

Опамнинг сабри тугаб, ҳайкириқ билан менга ташланишга чоғланди. Жо сандон олдида бўлганидан, ҳеч қандай ёрдамга умид қилолмасдим. Опамни мистер Памблчук тўхтатиб қолди.

– Йўқ! Ўзингизни қўлга олинг! Болани менга қўйиб беринг, хоним, уни менга қўйиб беринг.

Кейин, сочимни олишга чоғлангандек, мени ўзига қаратди ва:

– Аввал фикрларимизни бир жойга жамлашимиз учун жавоб бер: қирқ уч пенс нечага тенг бўлади? – деб сўради.

Тўрт юз фунт дегудек бўлсам, оқибати нима бўлишини кўз олдимга кел-

тирдим. Кейин бундан менга ҳеч бир наф чикмаслигига ақлим етиб, иложи борича тўғри жавоб бердим, яъни саккиз пенс атрофидагина хатога йўл қўйдим. Шунда мистер Памблчук мени пул ҳисобининг бутун жадвалини: “ўн икки пенс – бир шиллинг” дан бошлаб, “қирқ пенс – уч шиллигунга тўрт пенс” деган жойигача такрорлашга мажбур қилди. Кейин мени йўлга соллодим, деган хаёлда, тантанали оҳангда савол берди:

– Хўш, қирқ уч пенс неча пулга тенг бўларкан?

Узоқ ўйлаб: “Билмайман”, дедим. Балки ўта асабийлашганим ва жаҳлим чиққанидан жавобни чиндан ҳам тополмагандирман.

Мистер Памблчук керакли жавобни олиш илинжида, бошини бурамадек айлантириб сўради:

– Масалан, айтайлик, қирқ уч пенс етти шиллинг, олти пенс ва уч фардингга тенг бўлади, шундайми?

– Ҳа, – дедим мен. Шу заҳотиёқ опамдан тарсаки еган бўлсам ҳам, жавобим мистер Памблчукнинг ҳазилини йўққа чиқаргани ва унинг овозини ўчириб қўйганидан мамнун эдим.

– Болакай, мисс Хевишемнинг кўриниши қанақа? – яна гап бошлади мистер Памблчук бир оз ўзига келгач. У қўлларини кўкраги устида маҳкам ковуштириб, яна бурамага ўхшаб қимирлашга тушди.

– Бўйи жуда баланд, сочлари қора, – жавоб бердим мен.

– Тўғри айтяптими, амаки? – сўради опам. Мистер Памблчук тасдиқ маъносида кўз қисиб қўйди, шундан хулоса қилдимки, у ҳеч қачон мисс Хевишемни кўрмаганди, негаки хоним ҳечам ундай эмасди.

– Жуда соз! – деди ўзидан мамнун оҳангда мистер Памблчук. (Мана, у билан қандай гаплашиш керак! Афтидан, хоним, биз устун келяпмиз!)

– Эҳ, амакижон, – деди миссис Жо, – таассуфки, у сизнинг ёнингизда кам бўлади. У билан мулоқот қилиш фақат сизнинг қўлингиздан келади.

– Хўш, болакай, бугун униқига борганингда хоним нима билан машғул экан? – сўради мистер Памблчук.

– Қора бахмал қопланган извошда ўтирган экан, – жавоб бердим мен.

Мистер Памблчук ва миссис Жо бир-бирларига хайрон бўлиб қараб қолишди – улар ажабланмай ким ажаблансин? Кейин бараварига такрорлашди:

– Қора бахмалли извошда?

– Ҳа, – дедим мен. – Мисс Эстелла бўлса, менимча, унинг жияни, хонимга дарчадан тилла товоқда пишириқ ва мусаллас узатаётганди. Кейин ҳаммамиз тилла товоқларда пишириқ еб, вино ичдик. Мен товоғим билан извошнинг орқасида ўтирдим, хоним шундай буюрди.

– У ерда яна кимдир бормиди? – сўради мистер Памблчук.

– Тўртга ит, – жавоб бердим мен.

– Каттами ё кичикми?

– Бахайбат. Уларга ҳам кумуш идишда мол гўштидан қийма беришди.

Мистер Памблчук ва миссис Жо бир-бирларига яна хайратланиб қараб қолишди. Менинг эса, миям ғовлаб кетганди. Қийноққа солинган гувоҳ мисол оғзимга келган гапни айтаётгандим.

– Ё, Парвардигор, извош қаерда турувди? – сўради опам.

– Мисс Хевишемнинг хонасида. – Улар яна хайратга тушдилар. – Лекин отлар қўшилмаганди. – Қизишиб кетиб, извошга қўшилган серҳашам жабдукли икки жуфт от тўғрисидаги фикримни бекор қилиб, юқоридаги халоскор жумлани айтиб улгургандим.

– Шундай бўлиши мумкинми, амаки? – сўради опам. – Бола нималар деб валдираяпти?

– Ҳозир айтаман, хоним, – жавоб қилди мистер Памблчук. – Менимча, гап тахтиравон устида кетяпти. Мисс Хевишемнинг ғалати, ўта ғалати қилиқлари борки, кун бўйи тахтиравон устида ўтирган бўлса бордир.

– Унинг тахтиравонда ўтирганини ҳеч кўрганмисиз, амаки? – сўради миссис Жо.

– Қандай қилиб кўрарканман буни? – деди боши берк кўчага кириб қолган мистер Памблчук. – Ахир унинг ўзини ҳеч қачон кўрмаган бўлсам!

– Ё Худойим, амаки, у билан суҳбатлашмагансиз ҳамми?

– Нега тушунмайсиз, у ерда бўлганимда, ичкарига киритмай эшик ортида қолдирганлар ва хоним қия очилган эшик ортидан мен билан гаплашган. Буни билмаслигингиз мумкин эмас. Бола эса, бошқа гап, у ерга ўйнаш учун борган.

– У ерда нима ўйин ўйнадинг, болакай?

– Биз байроқчалар ўйнадик, – дедим мен. (Ўшанда шунча уйдирма тўқиганимга ўзим ҳам ҳайрон қоламан).

– Байроқчалар? – такрорлади опам.

– Ҳа, – дедим мен. – Эстелла кўк байрокни кўтариб туширди. Мен қизилини силкитиб турдим, мисс Хевишем эса, извошнинг дарчасидан байроқ хилпиратиб турди, унинг байроғи олтин юлдузлар билан безатилганди. Кейин биз қиличларимизни силкитиб, ҳайқирдик.

– Қиличлар? – такрорлади опам. – Уларни қаердан олдинглар?

– Жавондан, – дедим мен. – Унинг ичида яна тўппончалар, мураббо, кейин... дорилар ҳам бор эди. Хонага ёруғ тушмаётганди, жуда ҳам кўп шамлар ёниб турарди.

– Айни ҳақиқат, хоним, – деди мистер Памблчук виқор билан бош эгиб. – Шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади, буни мен ҳам кўрганман.

Иккалови ҳам менга тикилиб қолишди. Мен эсам, юзимга содда тус бериб, уларга қараган кўйи, ўнг қўлим билан шимимнинг ғижимланиб кетган ўнг почасини текислай бошладим.

Агар яна савол берсалар, қўлга тушишим аниқ эди, негаки аллақачон мисс Хевишемнинг ҳовлисида ҳаво шарини кўрганимни тўқиб қўйгандим, айна пайтда пивоҳонада тирик айиқ ўтирганийди, деган фикр келиб қолмаганида, аввалгисини айтиб юборган бўлардим. Лекин улар эътиборларига ҳавола этилган ажойиботларни муҳокама қилишга шунчалар берилиб кетдиларки, мен билан ишлари бўлмай қолди. Жо устахонадан бир чашка чой ичиб олиш учун чиққанида ҳам уларнинг гаплари тугамаганди. Шунда опам, Жони хабардор қилиш учун эмас, кўпроқ ичини бўшатиб олиш, енгил тортиш учун барча саргузаштларимни унга айтиб берди. Жонинг мовий кўзларини катта очиб, атрофга меровсираб, саросима билан қарашга тушганини кўриб, афсуслана бошладим. Мисс Хевишем билан мулоқот менга қандай фойда келтириши мумкинлигини муҳокама қилаётган анави иккисининг эмас, фақат Жонинг олдида ўзимни ёш муттаҳамдек ҳис эта бошладим. Мисс Хевишем вақти келиб менга ҳомийлик қилишига учаласида ҳам шубҳа йўқ, фақат ушбу ҳомийлик нимада зоҳир бўлиши ҳақидаги фикрлар турлича эди. Опам қимматбаҳо ҳадялар тўғрисида гапирар, мистер Памблчук бирон-бир баобрў, сердаромад ишга, масалан, уруғлар ва дон-дун билан савдо қилишга ўргатувчи ўқишга катта пул тўлаб берса керак, деган фикр тарафдори эди. Жонинг менга бузук қиймасини талашган итлардан бирини совға қиладилар мазмунидаги “доноларча” тахмини опам ва мистер Памблчук назарида унинг обрўсини бир пул қилди.

– Агар аҳмоқ каллангда бундан ақллироқ фикр қолмаган бўлса, – деди опам, – бориб чала қолган ишларингни тамомлай қол.



Жо чикиб кетди. Опам мистер Памблчукни кузатиб кўйиб, идиш-товок ювишга киришгач, мен секин устахонага чиқдим ва Жо кечкурунга олиб кўйган ишини тугатгунча сандоннинг ёнида турдим. Кейин унга:

– Олов ўчмасидан сенга айтадиган гапим бор, Жо, – дедим.

– Гапинг бор? – сўради Жо пастак курсичани ўчоққа яқинроқ суриб. – Айта қол! Нима гап ўзи, Пип?

– Жо, – дедим мен, унинг шимариб кўйилган енгини бармоқларим билан ўйнай туриб, – мисс Хевишем тўғрисидаги ҳамма гаплар эсингдами?

– Бўлмасам-чи! – деди Жо. – Сенга ишонаман! Ажойибу ғаройиб!

– Ҳамма бало шунда, Жо. Буларнинг бари ёлғон.

– Нималар деяпсан, Пип? – хитоб қилди Жо хайрат билан ортига тисарилиб. – Қандай қилиб, Пип? Демак сен...

– Ҳа, Жо. Ҳаммасини тўқиб чиқардим.

– Жуда ҳаммасимасдир? Бундан англашиладики, Пип, у ерда қора бахмал қопланган арава ҳам бўл...

Бош чайқаетганимни кўриб, у гапини тугатолмади.

– Ҳеч бўлмаса итлар бордир? – деди Жо ялингандай. – Бузоқ гўштидан кийма бўлмай кўя қолсин, итлар бормиди?!

– Йўқ, Жо.

– Битгагина ит? – деди у. – Кичкина бўлса ҳам майли, а?

– Йўқ, Жо, ҳеч нима йўқ эди.

Изтироб билан Жога қарадим, у ўзини йўқотиб кўйган, нигоҳини олиб кочмоқдайди.

– Пип, оғайни, бундай қилиш ярамайди! Окибатини ўзинг бир ўйлаб кўр!

– Бу даҳшат, Жо. Тўғрими?

– Даҳшат? – хитоб қилди у. – Ақл бовар қилмайди, ахир! Сени нима жин чалди, ўзи?

– Менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман, – деб жавоб бердим-да, унинг енгини кўйиб юбориб, оёғи тагидаги кул уюмига бошимни ҳам қилиб ўтириб олдим. Мен чиллик қартани бут, деб атамасликни, бошмоқларимнинг бу қадар кўпол, кўлларимнинг бунчалик дағал бўлмаслигини хоҳлардим холос. Кейин Жога кайфиятим жуда ёмонлигини, миссис Жо ва Памблчук ҳол-жонимга кўймаганларидан сўнг ҳеч нарсани тушунтириб беролмаганимни, мисс Хевишемникида жуда чиройли бир қизни кўрганам, унинг ўта мағрурлиги, ўша қиз мени чапани қишлоқи дегани, аслида ҳам бунинг тўғри экани ва мен чапани қишлоқи бўлишни хоҳламаслигимни, шунча ёлғонни нимага ва қаердан олганимни билмаслигимни айтдим. Бу иккала мизнинг ҳам ақлимиз етмайдиган соф фалсафий жумбоқ эди. Бироқ Жо уни фалсафа соҳасидан ажратиб, ечимини топа билди.

– Бир нарсага ишончинг комил бўлсин, Пип, – деди у бир оз ўйланиб туриб. – Ёлғон ёлғонлигича қолади. У қаердан келмасин, барибир ёмон, негаки у ёлғонларнинг отасидан қувват олади ва ишини бажариб, унга қайтади. Бошқа алдама, Пип. Бу йўл сени оддий тўпорилиқдан халос қилмайди, ошна. Қолаверса, гапларингнинг ҳаммаси ҳам тўғри эмас. Сен айрим масалаларда сира тўпори эмассан. Мисол учун бўйинг бошқалардан фарқли тарзда ўта паст. Яна, олимлигинг билан бошқалардан фарқ қиласан.

– Йўқ, Жо, мен оми ва қолақман.

– Нега ундай дейсан? Кеча қандай хат ёзганингни эслагин! – деди Жо. – Тагин босма ҳарфлар билан! Анчагина хатларни кўрганман, ҳа, тагин аслзодаларникини, ҳатто улар ҳам босма ҳарфда ёзолмайдилар!

– Мен ҳеч нимани билмайман, Жо. Мени овутирмоқчи бўляпсан холос.

– Майли, Пип, – деди Жо. – Шунақами, йўқми, ҳарқалай ғайриоддий олим бўлишдан аввал оддий инсон бўлган маъқул, деган фикрдаман. Қирол ҳам бошига тож кийиб, тахтида ўтиради. Агар у ҳам шахзодалигидаёқ алифбони ўрганмаса, босма ҳарфлар билан кунларни ёза олармиди? Ана шунақа! – давом этди Жо бошини маъноли силкитиб, – “А”дан “Я”гача ўзлаштирган! Ўзим бу ишни охиригача уддаламаган бўлсам ҳам, шундай қилиш кераклигини биламан.

Ушбу доно сўзларда умид учкуни бордек эди ва руҳим бир оз кўтарилди.

– Умуман айтганда, – ўйчанлик билан гапида давом этди Жо, – оддий одамлар, яъни соддарок ва камбағалроқлар ғайриоддийларникига бориб, ўйнаб юргандан кўра, бир-бирларига суянчиқ бўлсалар яхшироқ эди... Айтмоқчи, жиллакурса байроқ бормиди?

– Йўқ, Жо.

– Байроқ бўлмаганига жуда таассуфдаман, Пип. Майли, яхшими, ёмонми, бу мавзуга тегмаймиз, акс ҳолда опанг шафқат қилиб ўтирмайди. Ўзимизга бало орттириш эса, ғирт тентаклик. Чин дўстингнинг сенга айтадиган гапларига кулоқ сол, Пип. Мана содиқ дўстинг сенга нима демоқчи: ғайриоддий бўлишни истасанг, мақсадинга тўғрилиқ билан эриш, эгрилик билан ҳеч нарсага етолмайсан. Зеро, эсингдан чиқарма: бошқа ёлғон гапирма, шунда ҳам бахтли ҳаёт кечирасан, ҳам омонатингни хотиржам топширасан.

– Мендан хафамисан, Жо?

– Йўқ, оғайни. Лекин уйдирмаларингни эсласам... Бунга қандай журъат этолдинг? Мен бузоқ гўшти қиймаси ва итларнинг уришганини назарда тутяпман. Сенга тарафдор кимса, Пип, юқорига, ётоғинга кўтарилганинда буларнинг барини яна бир ўйлаб кўришни маслаҳат берган бўларди. Бор гап шу, оғайни, бошқа бундай қила кўрма.

Хужрамга чиқиб, ибодат қиларканман, Жонинг насиҳатлари хаёлимдан чиқмаётганди. Аини пайтда болаларча идроким шунчалар жунбушга келган ва миннатдор бўлишдан шунчалик йироқ эдики, ўрнимда чўзилиб, Эстеллага бошмоқлари кўпол ва кўллари дағал содда темирчи Жо қанчалар оддий кўринган бўларди, деб узоқ ўйлаб ётдим. Жо ва опам ошхонада ўтиришибди, ўзим бу ерга ошхонадан келдим, деб ўйладим мен. Мисс Хевишем ва Эстелла эса, ҳеч қачон ошхонада ўтиришмайди, негаки бунчалик оддий ҳаёт тарзидан улар жуда йироқда. Мисс Хевишемникида бор-йўғи икки-уч соат эмас, бир неча ҳафта ёки бир неча ойни ўтказгандек, хотираларим бугун, бир кунда эмас, узоқ ўтмишда шаклангандек, у ерда бошимдан ўтказган “саргузаштларимни” қайта-қайта эслаб, ухлаб қолибман.

Бу кун мен учун эсда қоларли бўлди, ҳаётимга катта янгилик кириб келди. Бундай воқеалар ҳар бир инсоннинг ҳаётида содир бўлиб туради. Умрингиздан биргина, жуда муҳим кунни ўчириб ташласалар, унинг оқими қай даражада ўзгариб кетиши мумкинлигини тасаввур қилинг-а! Ушбу сатрларни ўқиётганлар, китобни бир сонияга четга сурунг-да, агар илк ҳалқаси ўзингиз учун муҳим кунларнинг бирида ясалмаганида, сизни тақдирнинг ё темир, ё олтин, ё тикан, ё гулдан ясалган занжири чулғаб турган бўлармиди, йўқми, бир ўйлаб кўринг.

*Инглиз ва рус тилларидан  
Шоазим МИНОВАРОВ  
таржимаси*

(Давоми бор)



## К. Чиннаппа БХАРАТИ

### ПАВЛАЙИ

Роман

Тамил адабиётининг йирик вакили К.Чиннаппа Бхарати 1935 йил Намаккал шаҳрида ўртаҳол деҳқон оиласида таваллуд топган. Шундан бўлса керак, у аввал бошданок оддий халқнинг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқади. Кейинчалик ёзувчи сифатида ўз асарларида реал ҳаётни, меҳнаткашларнинг оғир ва машаққатли турмушини ёрқин бўёқларда ифода этади.

К.Ч.Бхарати ижод қилиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол. Адиб 1957 йилда Москвада ўтказилган Халқаро ёшлар фестивалининг Ҳиндистон вакили сифатида иштирок этган, бунгача у 1955 йилда Индонезиянинг Бандунг шаҳрида ўтказилган Осиё-Африка тинчлик конференциясида ҳам қатнашган эди.

К.Чиннаппа Бхарати ўз ижодини шеърятидан бошлаган. 1954 йилда унинг 2 та шеърӣ тўплами чоп этилган. Шу йили илк ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди. Илк романи “Чанқов” (“Даҳм”) 1976 йилда нашр этилди, бу роман унга катта шуҳрат келтирди. 1985 йилда “Висол” (“Сангам”), 1991 йилда “Шакар” (“Саркара”), 2005 йилда “Павлайи” ва 2006 йилда “Кончилар” (“Сурангал”) романлари чоп этилган. “Висол” романи учун 1985 йилда Давлат мукофотиغا сазовор бўлган, “Чанқов” романи энг яхши романлар ўнталигига киритилган. Адибнинг ўзбек тилида илк бор тақдим этилаётган “Павлайи” романи мисолида журналхонлар тамил адабиёти билан илк бор танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

#### 1

Чиғирда сув тортиб бўлгач, Перияннан ҳўкизларнинг арқонини бўшатди, уларнинг олд оёқларини енгилгина тушовлади-да, ўтлоққа кўйиб юборди. Қудуқдан тортиб олинган сув бир текисда таралмоқда. У оёқларини сувга солиб ўтириб олди. Ҳарорат аста-секин кўтарилиб келарди. Ҳазонрезгиликдан сўнг ям-яшил барг чиқарган болут<sup>1</sup>нинг сояси қуюқлашиб қолганди. Шу боис жазирамада қийналганлар учун дарахт соялари жоннинг ҳузури эди.

Ҳўкизларни чиғирга боғлаб, қудуқдан сув торта-торта Перияннан тиззасигача лойга ботган эди. Оёғининг туклари ҳам лой тагида қолиб кетганди. Толиққан оёқларини сувга солган заҳоти аъзойи-бадани янгидан куч-қувватга тўлгандек бўлди.

<sup>1</sup> Болут – акация дарахти (Изоҳлар таржимонники).

У ҳовучлаб сув олиб, оёқларини ювди. Вужуди тетиклашиб, юраги завққа тўлганча хаёл денгизига ғарқ бўлди.

Ҳойнахой, ўн йил бўлди-ёв... Ҳа, ҳа, ўн йил бўлди. Тўйдан сўнг “уй ясатар”нинг эртасигаёқ янги келин у билан бирга елкама-елка туриб ишлагани далага чиқиб кетган эди. Қўш ҳўкизнинг меҳнати унумли бўлгани каби иноқ эр-хотиннинг ҳам иши шунга яраша бўлади, бири чиғирдан сув тортиб чиқарса, иккинчиси далани суғоради.

Хуллас, ўша куни ҳам у толиққан оёқларини сувга солиб ўтирган эди. Экинни суғориб бўлгач, Павлайи эрининг қаршисига келиб ўтирди-да, оёқларидаги лойни ҳафсала билан ювишга тушди. Аёлнинг майин қўли текканини ҳис қилиб, унинг бутун вужуди яйраб, танаси чумоли ўрмалагандек жимирлаб кетди. Илгари сира бунақа бўлмаган эди. Кўзлари чакнаб, офтобдан қорайган юзига қон югурди. Тўлқинланиб деди:

– Энди билдим, Павлайи, сув ва аёл тафтини сезганда одам бир бошқача бўлар экан.

Павлайи эрининг оёқларига қадалган нигоҳини кўтармай аста сўради:

– Шу кунгача баданингизга аёл қўли тегмаганига ишонса бўлар, лекин сув-чи, сувга ҳам қўл урмаганмисиз?

Павлайининг бу саволи замирида эр ҳазилдан ташқари яна ғамгин бир ўтмиш яширинганини сезди. Бинобарин, хотинининг кинояси Перияннаннинг юрагига наштардек ботди. Аёл қўлининг тафти деганда фақат севгили ёки рафиқани англаш керакми? Она ҳам ўз меҳрини қўли билан силаб ифода этмайдими? Афсуски, онанинг меҳрибон қўлидан у эсини танимасданоқ жудо бўлганди. Ҳатто онасининг ўзини эслай олмайди. Болалигида ота-онаси вабодан вафот этиб кетишган. Буваси билан бувиси унга ота-она ўрнини босди. Улар ёш ўғли ва келинининг бевақт ўлимига мана шу набирани сабабчи деб билишарди. Ким билсин, бу бадбахт бола қандай хосиятсиз соатда туғилган экан? Авжи ўйнаб-қуладиган навкирон ёшида ўғли ҳам, келини ҳам ёруғ дунёни тарк этди. Толеига кўнглига таскин берувчи умид ҳам йўқ эмас. Ҳар не бўлганда ҳам мол-дунёсига меросхўр мана шу бола бор-ку. Барибир улар, мана шу шумқадам ёлғизгинамизнинг бошига етди, деб надомат билан кун кечирардилар.

Кўпинча бувиси унинг болаларча қизиқувчанлиги, шўхликларидан безор бўлиб, “Дунёга келибоқ, ота-онангнинг бошини егандинг, энди бизни ҳам куйдираяпсан”, – деб ҳар икки гапнинг бирида таъна қиларди. Ана шундай аччиқ-тизиқ гаплари билан иккиси боланинг мурғак қалбида меҳр-муҳаббат ўрнига нафрат уруғини ундириб бордилар. Натижада унинг қалбида заҳарли ўсимлик қулоч отиб ўсиб борарди.

Туриб-туриб: “Сув ҳам менга азалий душманимдек туйилади...” – деди. Унинг овози дард ва нафратга тўла эди.

Эрининг нима демоқчи бўлганини Павлайи тушуна олмади. Инсон кўнглида душманга ҳам айланиши мумкин. Қариндош-уруғлар арзимаган нарсадан юзкўрмас бўлиб кетади. Тупроқ ҳам инсон қалбини нафратга тўлдира олиши мумкин. Бироқ сув! У фариштанинг ўзи. Фаришта эса душманлик қила оладими? Чуқур ўйга берилиб кетган Перияннаннинг юрагини илиқ шамолнинг енгил эпкини силаб ўтгандек бўлди...

Шамолдан аста-аста чайқалаётган норжил<sup>1</sup> япроқлари каби Павлайи қимтинганича деди:

– Гапингизни тушунмадим, ҳеч замонда сув бировга душманлик қилганми?

<sup>1</sup> Норжил – дарахт номи.

Суғорилган маккажўхори даласидан эсган тонгги енгил шаббода билан бирга ҳосилдан кўтарилган ёқимли ҳид гўё ҳорғин юракка қўйилган малҳамдек туйилмоқда эди. Дарахт шоҳидаги бир жуфт қарға тумшук уриштириб, ўз муродларини ошкора намоиш қиларди.

Бу манзара ҳам унинг юрагидаги ғашликни йўқота олмади. Чехрасида ўша ҳиссизлик тошдай қотиб қолганди гўё. Қиёфасини заррача ўзгартирмай, Перияннан деди:

– Биронта бола ёки одам сувга чўкиб ўлса, одамлар сувнинг душманлиги бор экан, деб айтишади... Сувнинг менга худди шундай душманлиги бор... У хўрсиниб, бўйнини силаб қўйди. Гўё бир нима демоқчи-ю, аммо айта олмаётганга ўхшарди. Сўнг фикрини давом эттириб, деди: “Саккиз ёшимда омовча ҳўкизларни қўшиб, арқонидан тутиб, қўлимга говрон<sup>1</sup> олган кунимданок сув менинг душманимга айланган. Бунинг маъносини тушундингми?” Миямда фақат биргина фикр чарх урарди: “Қошки, қудукда сув бўлмаса, ҳўкизлар билан бирга кечаю кундуз чиғир атрофида айланиб умрим ўтмасмиди? Бошқа томондан, у менга ризқ бериб, қорнимни тўйдирыпти”.

Қизиган кум баданни жизиллатиб кўйдирганидек, унинг гаплари ҳам юракни тилка-пора қилар эди. Ҳаёт – ҳис-туйғулар қони, хазинаси. У ҳар кимга турфа туйғуларига монанд ҳолда, ҳаммага саҳийлик ила ўз хазинасидан улуш тақсимлаб бермоқда. Павлайида ҳам шунга ўхшаш туйғу бор. Ота-онасининг қўлидан тутиб, илк бор қадам ташлашни ўрганганида, илк бор саводи чиққанида ҳам қувончининг чеки йўқ эди. Ота-онаси, бува-бувиси эчкиларни ўтлатгани олиб чиқишганида, у ҳам бирга айланиб келарди. Ям-яшил ўтти қўйиб, эчкилар қўшни даладаги экинга ҳамла қилганида, уларни ҳайдаб чиқиш унга ўлимдан қийин туйилиб кетарди. Қўйлагини белига липпа уриб, кичкина таёқча тутган жажжигина қизалоқни жониворлар назар-писанд қилмасди. Қизча ҳайдагани сайин, эчкилар без бўлиб, экинга баттар ёпишарди. Борди-ю, катталардан битта-яримтаси келиб, эчкиларни ҳайдагудек бўлса, қизалоқнинг қайсарлиги ўн баробар ортарди. Тўйигача бу қайсарлик унинг ҳаётининг ажралмас бўлагига айланди. Юрагига ўрнашиб қолган ўша аламли хотиралар ҳар гал эсига тушганида, жароҳати янгилашиб, бошқатдан азоб берар эди.

Бобоси<sup>2</sup>нинг оиласида бир бола бор эди. Унинг отаси шаробга ружу қўйиб, ўзининг бор буд-шудини созуриб йўқ қилган эди. Уйқудан кўзини очгандан то уйқуга ётгунча Павлайи ва ўша бола икковининг иши бир эди – эчкиларни боқиш ҳамда уларга кўз-қулоқ бўлиш. Бу ишда улар жуда уста эдилар. Шифокорга ўхшаб, ўз тажрибалари орқали улар анча-мунча нарсани ўрганиб олган эдилар. Болаликдаги беғубор дўстлик ўсмирлик дарвозасидан ўтиб, хушторликка алмашди. Натижада никоҳсиз ҳомиладор бўлиб қолди. Ўша йигитга турмушга чиқиши мумкин эди, аммо унинг бир қарич ҳам ери йўқ эди. Ота-онаси қийин аҳволга тушиб қолди, қизни бериш билан бирга бутун бошли оиланинг аравасини тортишлари керак.

Оиланинг ҳар қандай муаммосини осонгина ҳал қилиш мумкин, мусибатларга ҳам бир амаллаб чидаса бўлади, аммо бир қиз боланинг оналик юкини кўтариш ва бундан келиб чиқувчи азобларга чидаш ҳар қандай ота-она учун бориб турган жаҳаннамдир.

Эркак билан аёлнинг ўртасидаги ўзаро муносабат ва ишларга ҳар икки томон барабар жавобгардир. Йўл қўйилган гуноҳ ва исноддан эркак холи

<sup>1</sup> Говрон – мол ҳайдайдиган хивич.

<sup>2</sup> Онасининг отаси назарда тутилмоқда.



бўлади, бироқ аёлга шармандалик тамғаси босилади. Бундан катта гуноҳ қилиб ҳам эркак эл ичида бошини кўтариб юравериши мумкин, лекин аёлнинг олдида иккита йўл қолади холос: ё жонига қасд қилиш ёки одамлардан яшириб, ҳомилани олдириб ташлаш. Ножоиз йўлга қадам қўйган қизларнинг пешонасига ана шу қисмат ёзилган бўлади. Эркакларнинг гуноҳи осонгина ювилиб кетади.

Пешонасига ёзилганни аёл шўрлик қандай ўзгартира олсин? Ундай онанинг юрагидаги дард тоғдек юк бўлиб босиб туради. Қизига гумон кўзи билан қараган она иймонидан айрилади. Меҳр билан тўлиб-тошган юракни даҳшатли ёнғин чулғайди. Шўрлик она икки ўт орасида қолади: “Бу қизни нима қилай? Ўлдирайми? Бирон кимсасиз жойга олиб бориб ташлайми? Гумонасини йўқотайми?”

Ҳалоқатли бўрон фақат ўз йўлидаги ҳамма нарсани йўқ қилишни, барбод этишни билади холос. Аммо юракдаги бўрон ундай эмас. Баъзан меҳр тошқини хуруж қилиб, муҳаббат ошёнини ер билан яксон этади-да, бир лаҳзада унинг ўрнида нафрат ва адоват пайдо қилиб, ўша олов билан бу муносабатни куйдириб, кулга айлантиради.

Ўша безовталиқ, ўша дард ва ботиний олишувлар юракни ҳолдан тойдиради. Жон ато этувчи восита фақат қон билан этнинг ўзаро боғлиқлигидан иборат эмас. Бу ҳаётбахш нафасдир. Унда қон-қариндошлиқ ва ишқ-муҳаббат деганлари бир-бири билан қоришиб, уйғунлашиб кетади.

Она билан қизнинг юрагида ана шу кураш авж олмоқда, ҳар икковини ҳам кўз очирмай қўймоқда эди. Бироқ ҳар қандай муаммо охири ечимини топмай қолмайди.

Улар шундай ечимни топдилар – ўша гуноҳ меваси гумона йўқ қилинади... Эл олдида шарманда бўлмаслик учун бу доғни ювиб ташламаса бўлмайди. Бунда қўлбола дорилар жонга ора кирди. Гумона йўқ қилиниб, шармандалиқ доғи ювиб ташланди.

Уни онаси ўпмаган қиздек биронта йигитнинг толеини очишга шай қилиб қўйилди. Ишқилиб, сўнган олов яна аланга олиб кетмасин-да – ота-она ана шундан кўрқар эди. Худо кўрсатмасин, агар шундай бўлса, олдинги олов кейингиси олдида ҳеч нима бўлмай қолади. Бир ўчиб, яна ўт олдирилган олов баравжроқ бўлади. “Ўрмонга ўт кетса, хўлу қуруқ баравар ёнади”, деганларидек, яхши-ёмон инсоний сифатларнинг барчаси куйиб, кули кўкка совурилади.

Энди Павлайи “уй” деб аталмиш қозикқа боғлаб қўйилганди. Эчкилар, ўрмон, боғлар, экинзор, далалар – ҳаммаси энди унга бегона эди. Бўй етган қиз боланинг номусини сақлаш учун уни тўрт девор ичига ташладилар. Тўйдан сўнг ота уйини тарк этадиган қиз уч-тўрт кун эмин-эркин бўлиши учун бундан яхши баҳона борми?!

Шу орада унга йигит топилгани хусусида гап юриб қолди. Йигитнинг уйдагилари қизни кўргани келишди. Икки ёш бир-бирини кўрмадилар. Масала иккала томон кексалари ўртасида ҳал бўлди. Иккала томоннинг ҳам фикри бир жойдан чиқди. Бунақа ишни пиширишга, ёшларнинг бошини қовуштиришга мана шу қариялар ўзларини ҳақли ва бурчли деб биладилар. Бу авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бир анъана бўлиб, асрлардан буён давом этарди. Анъана теварагида майда-чуйда воқеалар кечиб туриши табиий бўлиб, айтарли катта аҳамият қасб этмасди. Барчаси ана шу анъаналарга хизмат қилар эди. Зеро, расм-русумлару диний урф-одатлар шундай таъсир ўтказар эдики, улардан фақат кимсасиз, инсон овози етмайдиган жойларгагина қочиб қутулиш мумкин эди холос.

Бинобарин, Павлайидан нимани хоҳлайсан, қандай талабинг бор деб сўраб ўтириш шарт эмасди. Бува-бувисининг бирдан-бир истаги шу эдики, бу қизга куёвликка ота-онасиз, ака-опасиз бир ёлғиз йигит бўлса. Улар хоҳлагандек йигит топилди-ю, муродларига етди-қўйдилар.

Вақти келиб, қиз ўз қариндош-уруғлари ва қуда-қудағайлар олдидан йигит қўлига топширилди. Перияннаннинг бува-бувиси худди шу кунни кутиб тургандек, тўйдан кейин бир неча кун ўтибоқ, оиланинг барча юкини келинга топширди-да, иккаласи ҳам бу дунёни тарк этди.

Оғир қайғудан сўнг ўзига келиб, Павлайи деди:

– Жойига қараб одамнинг кўнгли ҳам ўзгарар экан. Онам, бу дунёда ҳеч нарса абадий эмас, доим ўзгаришда, ота-она ва фарзандлар ўртасида ҳам вақт-соатига қараб меҳр-оқибат, умид-истаклар пайдо бўлади, – дер эдилар.

Унинг овозида сунъийлик очиқ-ойдин кўриниб турарди.

Унинг қўлини қўлига олиб, Перияннан деди:

– Рост айтасан, бизнинг ҳаётимизда бу гап ўз исботини топди. Биз қаерда туғилдик, қаерда катта бўлдик... Бўйнингга никоҳ туморини боғлагунча биз бегона эдик, ҳатто гаплашмаган ҳам эдик. Ҳозир эса шундай яқинмизки, бу дунёда бошқа ҳеч ким биз билан бундай яқин бўла олмайди.

Унинг қўлидан тутиб турар экан, Перияннан ўзини беҳад бахтиёр ҳис қилмоқда эди. Бироқ аёлларга хос табиий ҳадик, қатъиятсизлик ва хижолат ичида қўлини тортиб олганида, эрини бу қувончдан маҳрум қилган бўлар эди. Павлайи уялиб-қимтиниб бошини эгганча деди:

– Муҳаббатнинг ёмон томони йўқ, аммо биров кўриб қолса-чи... Уят қилмасмикан?

Ҳаяжон ва бахт ҳиссидан кўзлари қизарган Перияннан бошини кўтариб, деди:

– Бир-биримизнинг қўлимиздан тутиб, никоҳ олови атрофида айланиб ўтганимизни ҳамма кўрди. Беникоҳ, ўғринча қўлингдан тутмадим-ку...

Ушбу сўзларда оз бўлса-да, юракнинг дардли ўрганишлари бор эди. Бироқ Павлайининг кўнглини кўркувнинг лаҳча чўғи куйдирмоқда, пинҳоний сир юрагини бир чеккадан пора-пора қилмоқда эди. Ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган бир йигит яширинча унинг қўлидан ушлаб, юрагига ғулғула солди. Хўш, бу одобсизликка қирадимиз? Тамойилларга тўла риоя қилиб ўтказилган тўйда бўйнига никоҳ туморини тақиб, ўз жуфти ҳалолога айлантирган инсондан тортиниш одобсизлик эмасми! Аввалги воқеа муҳаббат туфайли рўй берган, нуқул муҳаббат билан йўғрилган эди. Иккинчиси эса шариат тамойилларига кўра боғланган никоҳ риштаси. Биринчисида хоҳиш-истак мужассам эди. Ўзбошимчалиқдан ўзга нарса эмас.

Унинг сиридан воқиф қилувчи биронта гап-сўз тарқалмаган эди. Севгини самимий изҳор этишдан пайдо бўлган оддий ҳақиқат эди у. Аммо ўша ҳақиқат ўтдай куйдирипти. Қалбини тилка-пора қияпти. Павлайи титраб кетди. Хўш, у энди бир умр шундай дўзах азобида қийналиб яшайдими? Беҳуда кўркув юрагидаги сирни фош қилиб ташламайдими? У юрагидаги доғини ювиб кетказди. Беҳуда кўркув унинг ҳаётини барбод қилишини тушуниб етди. У қулиб юборди. Унинг кулгиси жуда-жуда сохта эди. Муҳаббатдан ном-нишон йўқ эди. Фирт сунъий кулги! Павлайи деди:

– Тўғри, уйда пиширилган овқат, хўш, уни кўчанинг қоқ ўртасида ўтириб ейиш дурустми?

Эй худоим! Ҳаёт аёлларни муддатидан анча олдин ақлли қилиб қўйган-да! Ҳаётнинг нозик дамларида қўлланиладиган қоидалардан тўғри фойдаланишни қандай ўрганишар экан? Эркақлар буларнинг ҳаммасини

аёллардан ўрганишлари лозим. Шундай олди-қочди хаёлларга берилиб, азбаройи ҳаяжонланганидан бехос оғзидан чиқиб кетди: “Жинни ўзининг жиннилигини қаёқдан билсин?..”

У энди хандон отиб кулиб юборди. Юракдаги бор иштибоҳлар, бор зўриқишлар шу кулги билан қоришиб кетди.

– Қанақа жиннилик?

Қара, қанақанги йўллар билан у юракнинг бурчак-бурчагини кавламаяпти?! Шундай пайтларда аёллар ҳақидаги “сочи узун, акли калта” мақоли нечоғли асоссиз экани маълум бўлади-қолади. Ниҳолни илдизи билан бошқа жойга ўтказсанг, янги муҳитга мослашса, шундай барқ уриб ўсиб кетадики, қойил қоласан, киши!

Перияннан давом этди:

– Энг аввало, бир аёлни севишнинг ўзи ғирт девоналик. Эртами-кечми бир аёлга қўл теккизишга тўғри келишини девоналикка йўйиб бўлмайди ҳам. Зеро, бу ноёб ҳиссиёт ҳеч қачон йўқолмайди. Бу туйғу унга соядек эргашиб юради.

Унинг гапларига ишонса бўлармикан? Бир қарашда ишонса бўладиганга ўхшайди. Висол тунидаги оилавий ҳаётнинг бошланишидек ғоят эзгу ҳаракатлар йўлидан адашган йўловчининг ҳолатини эслатарди. Ўша илк туйғуларданок унинг қандайлигини тушуниш унча қийин бўлмади. Чунки янги ҳаёт бўсағасига қадам қўяётган икки кўнгилнинг қовушув лаҳзалари эди бу, ҳали ҳеч қандай ҳиссий жазаваларга берилиш йўқ эди.

Унинг самимий муҳаббати ва чин кўнгилдан қилаётган меҳрибончилигига қандай жавоб бериш керак? Эри тортинмасдан, очикчасига сўраб билиб олди.

– Ўз яқинларингдан айро тушиб қолганингдан хафамисан? Киндик қонинг тўкилган маскан ва қариндош-уруғларинг билан биринчи марта ажралганингдан афсусдамисан?

Павлайи жим эди, унинг юрагида муҳаббат олови ва хурсандчиликдан асар ҳам йўқ эди. Ҳаммаси совиган ошдек, бутунлай совуқ, шунда ҳам негадир у терлаб кетаётганди. Бир донишманд каби унинг ўзи бу саволларга озми-кўпми жавоб ҳам берган эди.

“Қўрқма! Қариндошингга турмушга чиққанингда бундай эзилмасдинг. Янги жой бўлгач, озгина ҳаяжон босади-да, албатта. Бозордан сотиб олинган сигир ҳам янги ҳовлидаги қозикқа боғланганда бегоналарни яқинига йўлатмайди, уй тупроғининг исини олгач эса, қўлингдаги ўтти ҳам юлқиб олиб ямлайди. Бу ерга ва бу ернинг одамларига ўрганиб кетсанг, сен ҳам ўйнаб-кулиб яшайсан”.

Шу тариқа у келинни аврашда давом этди, бироқ Павлайи буни сезиб қолди. Ўз танасини унга қурбон ҳам қилади, бироқ юраги тош эди. Қанчалик ҳурмат ва муҳаббат билан йигит уни қучоғига олаяпти. Лекин у томондан ҳам бирон-бир жавоб бўлиши керак-ку!.. Тили билан бўлмаса ҳам ҳаракати билан ўз муҳаббатини изҳор этиб, унинг кўнглини олса!.. Кўнгли бўлмаса-бўлмас, танаси бор-ку?! Бироқ қалбда қувонч ва бахт бўлмаса, тандаги мудроқ учқунлар қандай уйғонсин?

Никоҳ маросимидан сўнг хайрлашув вақтида холи қолишганда она қизига нима деган бўлиши мумкин? Сафар учун йўл хуржуни бергани каби онаси шундай юракни ўртовчи гапларни айтдики, қалбдаги ярага туз сепгандек бўлди.

“Қизим Павлайи! Сув қаерда окса, ўша ерга қараб рангини ҳам ўзгартиради. Аёл кишининг ҳаёти ҳам шундай. Аёлнинг нияти эрининг

нияти билан бир хил бўлиши керак. Сувнинг ўзи ҳеч нима қилолмайди, бироқ тупрокка кўшилса, ундан ҳар хил ўт-ўлан ўсиб чиқади. Шу тарика, эрнинг раъйига қарамаган хотин ҳам бахтли бўла олмайди. Эски гапларни қўй, севгини унут. Аёл кишининг ҳаётида ўзига тегишли ҳеч нарса бўлмайди. Кўнглидагини айта олмайди, ўз кўнглича яшай олмайди. Юрагингни ўлдириб, орзуларингни ўтда ёкиб, барча дард-ҳасратларингни ичингга ютиб яшасанг, марра сеники, зеро, аёлнинг қисмати – шу!”

Иккаласининг ҳам кўзлари ёшга тўлди. Аламдан Павлайининг бўғзига нимадир тикилди. Гўё курсокдаги гўдак онасининг қорнини аста-аста муштлаётгандек эди. Ёрилган пуфакдан ҳаво бирданига чиқиб кетгандек, юракни тўлдириб турган дарду аламлар ҳам лоп этиб юзага чиқди. Павлайи онасининг кўксига бошини қўйганча ўкириб-ўкириб йиғлади... Шу топда қизгинанинг юрагидан нималар кечаётган экан? Бу тасодифий вулқон унинг юрагидаги барча дарду аламларни ташқарига аёвсиз чиқариб ташламоқда эди. Ёки ўша ушалмас орзуларини кўнгил уйига қамаб ҳар сония титраб-қақшаб бир умр азоб-укубатда яшашга қасд қилганмиди? Бу кўнгилнинг қайси кўчаси бўлди экан?

Буларнинг ҳаммаси шунчалик осон эканми? Ҳис-туйғулар дунёсида қоннинг ҳар бир зарраси билан туташган шундай ришта бор эдики, бир кун у денгизнинг тубига яширинган тўфон, ўчоқда ёнаётган оташ каби барча чегараларни остин-устун қилиб, тошиб чиқади. Унда нима бўлади? Ота-онаси иснодга қолади! Эр номусга қолади!.. Юракни тизгинлаб бўлар эканми? Очилган сирни қайта яшириш имкони борми? Бўйнига никоҳ тумори тақилгач, бу қандай бемаънилик? Тан маҳрами билан бирга қайнотасиникига кетар пайтида бу қанақа қилик? Хотин киши ҳақида “соchi узун, ақли калта” ёки “қилар ишни қилади-да, кейин афсусланади”, дейдилар. Балки ростданам шундайдир? Бир ёқдан юракда минг ҳадик, иккинчи ёқдан миясини қуртлар кавлагани-кавланган...

У онасига деди:

– Одамларга билдирмай ҳомиламни йўқ қилдингиз. Энди ҳис-туйғуларимнинг, севгимнинг бошига етмоқчи бўлаяпсиз. Булар танадан ажраладиган нарса бўлганда-ку, шу заҳоти таги билан юлиб ташлар эдим. Афсуски, ундай эмас экан. Уни ўйладим дегунча томиримдаги қон гупиради, кўзларимни юмган заҳоти унинг қиёфасини кўраман. Уни кўрсам, мажруҳ юрагим сирқиб оғрий бошлайди. Ҳомиламдан, ўша гўдакдан ажралганимда, унга қўшиб мени ҳам ўлдириб қўя қолишса бўлмасмиди? Ёшлигингизда сиз ҳеч кимни севмаганмисиз? Ёки ичингизда ўша муҳаббатнинг хотираларини бўғиб ўлдиргансиз-у, энди менга ҳам шундай қил деб ақл ўргатяпсизми?

Онасининг кўксига бошини қўйиб, у нафаси тикилгунча хўнғир-хўнғир йиғлади.

Онанинг дилидаги ўт-аланга кўксига қўйилган бошнинг оғирлигидан сал босилгандай бўлди, томирлари титраб кетди. Тангри аёлларнинг тақдирини нега бундай яратди экан? У ўзича алланималар деб гўдранди.

Меҳр билан қизини кучиб, унинг бошини кўтарди-да, эркалаб деди:

– Қизим, сал ўзингни бос, акс ҳолда ғам-ҳасратдан адои тамом бўласан. Ўзингга бунчалик жабр қилма. Бошга тушганни кўз кўрар, дейдилар. Киши тақдирга тан бермай иложи йўқ. Ё гапим нотўғрими?

У қизининг азобига чидаёлмай, ўзини базўр тутиб турарди.

– Кошки тақдирга тан бериш билан бандасининг дарди енгиллашиб қолса? Одамзод ўйламасдан яшай олармиди? Зурриётимни тушираётган

вақта севгилимнинг ёдини ҳам кўмиб юборишни буюрганмидингиз? Агар у чиқинди бўлганда, бу бошқа гап эди. У менинг ёруғ дунёдаги бор-йўғим-ку. Уни кўмдингиз, кўздан яширдингиз ҳам дейлик, аммо юрагимдан юлиб ташлай олмайсиз-ку!

Шу тарика кўнглидаги асл мақсадни айтмоқчи бўлиб, бироз гапдан тўхтади, бироқ ана шу тин лаҳзалари бир умрлик тўсиқ пайдо қилмасин деган ўй билан гапини тезда тугатиб қўя қолди.

Онанинг юраги ҳаприкиб кетди. Оловни ўчириш мумкин дир, бироқ юракда ловуллаб турган муҳаббат отабини ким ўчира олади?

Она хавотир ичида деди:

– Жоним кизим, кўпам сиқилма. Уй-рўзғор, мол-ҳолларга қарасанг, ми-янгдаги ортиқча ўй-хаёллар ўчиб кетади. Яна Худо бериб қолса, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан. Анави катгарулик қиз бор-ку, Деваи, Канува-патти қишлоғига тушган. Ўша қишлоғидаги бир йигит билан юрган экан. Ўша йигитга тегаман, агар ўшанга бермасанглар, ўзимни қудуққа ташлай-ман, деб қўрқитар экан. Лекин ота-онаси бўш келмади. Бир қариндошига узатишди. Куёв тўғрисида турли гап-сўзлар тарқалди. Тўйдан сўнг хотини қачон уйига борса, куёв ҳам у билан бирга келадиган бўлди. Уни ёлғиз ҳеч қаерга юбормасди. Вақти келиб болали бўлибди. Ана шундан кейин аввалги муҳаббатидан асар ҳам қолмади. Ёшликнинг завқу шавки ана шунақа бўлади. Уй, оила, орзу-хавас, иш-юмуш – бунақа нарсалар ҳақида умуман ўйламайди. Ёшликдаги хавас юракни тилкалайверади. Яхши-ёмон, қариндош-уруғчилик ҳақидаги гаплар унинг тушига ҳам кирмайди. Оғзида тиши йўқ кампир кўмик мужийман дегани билан мужий олармиди? Ўзимнинг ақлли қизимсан-а? Қўй, ҳаммасини эсингдан чиқар...

Ҳаяжонга берилиб, қизига насиҳат қиламан деб она шунча гапни топиб-топиб гапириб юборганига ўзи ҳам хайрон бўлди.

Павлайининг вужуди қуриган дарахтдек жонсиз бўлиб қолди, бироқ юрагидаги ишқ ўти ўша-ўша ловуллаб турарди. Юрагини ўлдир, хою хавасларни унут деб, бу ёқда онаси ақл ўргатяпти, чунки у ўша туйғулардан йироқ эди-да. Бу дардни бошидан кечирганларнинг ҳаммаси ўзининг собиқ севгилисини аста-секин унутиб, юрагидан чиқариб юборган. Шундай деб менинг оғзимга ҳам қулф осяпти, бир амаллаб туйғуларимни ўлдирса, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб ўйлаяпти. Неча асрлардан бери аёлнинг орзу-умидларини худди шу йўл билан йўққа чиқариб келишмоқда. Унинг қалбидаги орзулари вулқон каби отилиб чиқади, оташин муҳаббатнинг олов дарёсини бўғиб, қуритиб юборишади. Ўзича шундай хаёлларни дилидан ўтказиб, ўз ёғига ўзи қовриларди.

Павлайи кўнглидан тошиб келаётган ҳисларни бир амаллаб босганча деди:

– Ойи, сиз ҳам қачонлардир ёш бўлгансиз, ўшанда ёшлик қони ва муҳаббат оловида ёниб, қул бўлган бўлсангиз керак. Эҳтимол, сиз ҳеч кимни севмагансиз, шунинг учун ҳам севишганлар юрагини тушунмасиз? Тўй ва бола-чақа бўлса, ҳаммаси изига тушиб кетади деб ўйлайсиз. Буни қандай тушуниш мумкин, она?! Менинг муҳаббатим фақат бола-чақа қилиш учун, деб ўйлайсизми? Бошқа болани ўз жигарингиздан бўлган боладек сева оласизми? Шундайин, биринчи муҳаббат, бу муҳаббатдаги қуйиб-ёнишлар – буларни бутунлай ўчириб ташлаш мумкинми? Агар шундай қилиш мумкин бўлса, бу муҳаббат бўлмасди. Никоҳ иплари билан мени боғладингиз ҳам дейлик, лекин юрагимни қай занжир билан боғлайсиз?

Шундай дея Павлайи яна хўнграб йиғлади. Бир етимчанинг ожиз фарёди,



сода, маъсум болакайнинг нажот истаб тўлғаниши бутун оламини тутса-ю, лекин унга таскин берувчи бирон кимса бўлмаса?..

Она бошидан қайноқ сув қуйиб юборилгандай ўзини йўқотди. Шартта қўли билан Павлайининг оғзини ёпди. Ие, қиз бола бўла туриб шунақа дейдими? Никоҳдан ўтиб, келин бўлган қизнинг миясида бундай ўйларга бало борми? Бутун кишлокни гувоҳ қилиб, бир йигит бир қизнинг бўйнига никоҳ туморини такқач, қиз унга ҳасми ҳалол бўлади, яъни бир умр ўша никоҳнинг ҳурматини жойига қўяди – бу жамиятнинг ўзгармас қонуни. Тош бўлсин, тоғ бўлсин – ўша йигит унга эр бўлади, тақдири азал аёлнинг қисматини шундай битган. Бу қонунни бузишга қайси бир қизнинг ҳадди сиғади? Бунақаси ҳали бўлмаган. Она Павлайига ётиғи билан тушунтиришга уринди:

– Қизим, бунақа дема. Бу дунёда қанчадан-қанча аёлларнинг тақдири шундай бўлган. Мана, уларнинг ҳаммаси яшайпти-ку! Эрини ташлаб, аввалги ошиғи билан қочиб кетибди, деган гапни эшитмаганман ҳам, кўрмаганман ҳам.

“Онамнинг гапларида жон бор, мен каби қанчадан-қанча бахтсиз қизлар бу дунёда бўлган, яшаган ва бор. Ўз севгилисидан воз кечиб, ота-онасининг хоҳишига кўра турмуш қурса, эри билан бахтли ҳаёт кечиради – одамлар шундай деб ўйлайди. Бундан шу маъно келиб чиқадики, ўша қизларнинг орзу-умидлари ер билан битта қилиб ташланади. Орзуларига қўшиб, ҳис-туйғу ва ғурурлари ҳам ўлдирилади. Бундай воқеалар ниҳоясига етармикан? Биронта ошиқ-маъшуқа қачондир бу қонунни бузиб, ташқарига чиқа олармикан?”

Ўзаро қарама-қарши фикрлар гирдобиди қолди қиз.

– Нега мендай қизни туғиб, катта қилдингиз? Нега дунёга келмасимдан аввалроқ мени янчиб ташлай қолмадингиз? Ахир ўзингиз йўлини билар эдингиз-ку! Оғзимга қаппалаб гуруч тиқиб ё қайноқ сут қуйиб, ўша вақтдаёқ гумдон қилиб ташласангиз бўлмасиди?! – алам ва изтироб билан деди Павлайи.

Юраги фарзанд меҳрига тўлиб-тошган онанинг чехрасига бирдан қайғу булутлари соя солди. Кўз олди қоронғилашди. Гўё туман ва чанг-тўзон ичида қолиб кетгандек бўлди.

Шундай туйғуларга берилиб кетган она деди:

– Йўқ, қизим... Оиламизни бадном қилма. Чумолилар ўз уясини аста-секин қурганидек, аждодларимиз ҳам не-не қийинчилик билан насабимиз ҳурматини сақлаб келдилар. Уни йўққа чиқарма. Авлодимиз шаъни топталса, синглинг Комри турмушга чиқолмай ёлғиз ўтишига тўғри келади.

Айнан шуни юракка ханжар уриш деб айтсалар керак! Кичик қизни деб катта қиз ўз орзу-умидларини оловда ёқсин. Балки ёнган орзуларнинг кули синглининг ҳаётига ўғит бўлар? Онаси қандай қилиб бундай фикрга борди? Аъналарнинг бузилмаслиги, қариндош-уруғчиликдаги андиша ёки авлоддан-авлодга ўтиб келган урф-одатларни деб, наҳотки... Янги кўз очган булоқнинг отилиб чиқаётган суви тобора кўтарилиб борганидек, юракдаги мудроқ ўй-хаёллар бирданига ўзини намоён этди:

– Нима, она ўз меҳрини фарзандларига бирдек бермайдими? Бирига кўп, бирига оз қилиб, турлича тақсимланадими? Менинг ҳаётимни бузиш эвазига синглимни бахтли қиласизми? Менинг ҳаётимга нуқта қўйиб, синглимнинг келажagini тиклашга киришиш – бундай ўйлар қандай қилиб миянгизга келди, ойижон?

Қизининг овозидан астойдил қаршилик кўрсатаётганини сезган она унинг жавобини эътиборсиз қолдиришга журъат эта олмади. Юрак тубидан

қандайдир нотаниш қўркув бош кўтарганини ҳис этди. Ҳорғин кўзларида нафрат билан сўради:

– Шунақа экан, нега унда бир эркакнинг олдида бошингни эгиб, бўйнингга никоҳ туморини осишга рози бўлдинг?

– Ўша менинг хатойим. Чор-атрофимдан шайтон, илон, шер ва қоплонлар ўраб олиб, хужум қилсалар, нима қилишингни билмай қоларкансан. Чунки ҳеч қаердан ёрдам йўқ. Юрагинг дағ-дағ титрайди... Лекин шу сабаб умр бўйи тошни бўйнимга боғлаб, кўтариб ўтаманми?..

Шу тариқа Павлайи бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтди.

– Олдин турмуш тош каби оғир туйилади, вақти келиб эса, ўша тош бебаҳо жавоҳирга айланади. Бирда айтганимдек, аёлнинг юраги ботқоқдаги кумга ўхшайди. Унгача ўзингни озгина қўлга ол, сабр қил. Жон қизим, сен бир нарсага онт ичишинг керак бўлади...

– Онт! Нима учун экан?

– Ажалимдан беш кун олдин ўлдирмаслигинг учун.

Буни эшитиб, Павлайи яна йиғлаб юборди. Бир томондан юракни ғам юки эзиб турган бўлса, иккинчи томондан айрилиқ соатида жўш урган оналик меҳри ўзини намоён қилмоқда эди. Хўрсинишлар орасида Павлайи аста деди:

– Мени деб бу оиланинг барбод бўлишини зинҳор истамайман. Қуриган дарахт каби мен ўз ҳис-туйғуларимни ичимга ютиб яшашга ҳаракат қиламан. Ҳеч бўлмаганда шу билан бир хонадон обод бўлади-ку!.. Шуниси кифоя.

Хўрсиниш билан бирга юракнинг тубида ётган барча ғам-алам ҳам ташқарига чиқиб кетди.

Онанинг юраги ҳаприқди. У нима деб ўзига тасалли беришни билмасди. Эски гапларни қўзғашдан ҳеч қандай фойда йўқ. Шуни ўйлаб, у деди:

– Сари<sup>1</sup>нинг ранги ўчса ҳам харидори топилади. Эрининг уйига сиғмаган хотин эса ҳеч қаерга сиғмайди.

Шу вақт ташқаридаги супадан қарияларнинг овози эшитилди:

– Ие, келин қаерда? Тезда олиб келинглар. Мухурт<sup>2</sup> ўтиб кетаяпти. Ие, нима, қиз хорижга кетаяптими? Она-боланинг йиғиси жуда авжида-ку! Ҳа, буларнинг бариси хайрлашгунча... Кейин онасини ҳатто эсга ҳам олмайди...

\* \* \*

Ўтмишдаги ҳис-туйғулари, хаёлларига берилиб кетган Павлайи ўзига келиб самимийлик билан деди:

– Беш қўл баробар бўлмайди. Менинг гапим сизга ғалати туйилаётган бўлиши мумкин. Балки фикримга қўшилмассиз. Бир инсоннинг шахсий туйғулари ҳам бошқаларга ўтмайди. Лекин яшаш учун бўлган хоҳиш ҳаммани бирлаштириб туради.

Перияннан унга тикилиб қараб қолди. Павлайининг ҳадик ва ҳасрат тўла нигоҳи Перияннаннинг назаридан четда қолмади. Тасвираб бўлмайдиган интиқлик туғени унинг бутун вужудидан оралаб ўтиб, мияга урилгач, қизарган кўзларига ёш қалқиб чиққанда унинг қулоқларига вина<sup>3</sup>нинг ғинғиллаган овози чалиниб, асабига тегди. Павлайининг гапини эшитмаганга олиб, у такрор сўради:

– Нима дединг, Павлайи?

Павлайи бошқачароқ жавоб берди:

<sup>1</sup> Сари – ҳинд аёлларининг миллий либоси.

<sup>2</sup> Мухурт – бирон-бир қутлуғ, эзгу ишни бошлаш учун белгиланган муддат тушунчаси, 48 дақиқага тенг.

<sup>3</sup> Вина – торли мусиқа асбоби.

– Айтишларича, янги келинни кўрган куёв на тик тура оларкан, на югура оларкан, бироқ сиз бўлсангиз, ҳаммасига бефарқсиз.

– Иккимизнинг гапимиз бир жойдан чиққани учун сен менинг гапимни илиб кетдинг. Энди мен нима деб ўйлай? Нима деб тушунай?... – сўради у.

Шу пайт далада ўтлаётган хўкизларнинг макка даласига кирганини кўрган бир одам бақирди:

– Ҳой, Перияннан! Қара, хўкизлар экинзорга кириб кетяпти!

Қизгин суҳбатнинг гирдобига тушиб кетган Перияннан хаёллар домидан кутулиб, ариқдаги сувдан оёқларини тортиб, хўкизлари томон югурди.

## 2

Ой каби тиниқ ҳавза ва кўллардаги сув юзаси симобдай қорайиб кўринади. Ер юзига муздек соя ташлаб турган дов-дарахтларнинг соялари энди жуда қисқариб йўқолиб бормоқда. Буларнинг бари жимлик қаърига маҳв бўлиб, мунгли қиёфа ифода этарди.

Серўт яйловда ўтлаётган хўкизларнинг арқонларидан ушлаб олган Перияннан уй томон ошиқмоқда эди. Осмондаги қушлар галаси ҳам ўз уяси томон ошиқар эди. Баъзилари ўз жуфти билан биргалашиб, паст овозда чирқ-чирқлаб учади. Буни кўриб, Перияннаннинг юрагининг аллақасери жиз этиб ачишди ва кўнгли чўқди.

Бефаҳм куш ҳам ўз жуфтига хушомад қила-қила ошён сари интилади... Перияннан шу ўйларни дилидан кечираркан, кўзларини кушлардан узолмасди. Унинг қудуғидан сал наридаги болут дарахтида бир жуфт кабутар уй куриб, тухум қўйган эди. Мода кабутар тухумларни босиб ётар экан, нар кабутар дон излаб кетар, дон ташир ва индан ташқарида ўтириб олар эди. Мода кабутар дон қидириб кетганида эса, нар кабутар инда қолиб, тухумларга кўз-қулоқ бўлиб турарди. Бир куни яйловда бир овчи нар кабутарни отиб туширди. Она кабутар аза тутиб, инидан ташқарига ҳам чиқмади, дон излашга ҳам бормади. Дам-бадам мунгли овозда ғув-ғувларди. Ғамини унутиб, яна дон излаб кетди. Қайтиб келиб, тухумларни босиб ётаверди. Бир куни у билан бошқа бир кабутар учиб келди. Уни хушламагани учун мода кабутар бегона кабутарни қанотлари билан шап-шап уриб, ҳайдаб юборди. Лекин ҳалиги кабутар унинг ортидан қолмади. Мода кабутар вазминлик билан ғазабини босиб, жимгина ўз ишини қилаверди. Унинг азаси эскирган сайин, янги кабутарга бўлган нафрат ўрнини хайрихоҳлик эгаллади. Яшашга бўлган умид ва вақт унинг куйган юрагига малҳам бўлди. Сўлиган муҳаббат ғунчаси япроқларини силаб-сийпаб, аста-секин очилишига мажбур қилди. Шу-шу, иккалови бир бўлди.

Кушлардаги бу бағри кенгликни қаранг! Севги ва вафодорлик, эр-хотинлик масъулияти туйғуси сабоғини одамзод балки кабутарлардан олгандир? Никоҳ ришталарини боғлаган эрига хиёнат қилиб, бегона эркакнинг этагидан тутиш, хотинидан кўнгли совиб, ҳавойи муҳаббатга берилиш ёки фаҳш йўлига кириш – буни оқлаб бўладими? Ор-номус ва қадр-қимматни рўқач қилиб, инсоннинг ўзини-ўзи улуғлаши – мана бу кабутарларнинг ҳаётидан қанчалик тубан ва уятли. Юракдан чиққан овозга у бош силкиб кўя қолди.

Йўлда қурбакаларнинг сакраб-сакраб чопишлари, меъдага тегувчи қора чигирткаларнинг ёқимсиз чириллаши... Қуюқлашиб келаётган шом қоронғилигидаги бошқа овозлар қўшилиб кетмоқда эди.

Уйига кетаверишда Челлаппаннинг кичкина боғчаси бор эди. Унинг

оиласи боғнинг ўзида уй куриб олган эди. Перияннанни кўриб, Челлаппан унга овоз берди:

– Сенмисан, куёв бола?

– Ҳа, тоға...

– Қора шомгача дала суғордингми, дейман?

– Бугун Раъман келмади. Қишлоғида байрам экан. Чиғирдан чиққан сув даланинг охиригача етдими ёки йўқми деб, далани айланиб чиқишимга тўғри келди. Кеч қолганим шундан.

Перияннаннинг ёлғиз ишлагани унга оғир ботди. Пешонаси жуда шўр экан. Шунинг учун ҳам шунақа аёл пешонасига ёзилган экан. Шуларни ўйлаганча у ҳўкизларни етаклаб деди:

– Юр, бирга кетамиз.

Тун борликка ўзининг қора чойшабини ёя бошлаганди. Уйда эса ҳали бир дунё иш қараб турибди, уйда хотини бўлганида қачон келса барибир эди. Чунончи, Перияннан деди:

– Терт қориб, охурларга солиш, кейин ем-хашак ташлаш, унда кейин қозон-ўчоққа қараш керак. Шунча ишни бир ўзим қилишим керак. Ўтириб гаплашишга вақт қаерда?..

Челлаппан ва Перияннан асли қариндош. Челлаппан қизини унга беришни хоҳлар эди. Дехқончилиги катта бўлмаса-да, бола маъқулгина эди. Перияннаннинг бува-бувиси ҳам шу ниятда эди. Қиз шу қишлоққа келин бўлса, яхши-ёмон кунда ёнида бўлиш учун тўрт-беш кунга бориб, ётиб қолишмасди. Ҳар замонда кўришгандаги қувонч кунда кўришиб турганга етармиди? Шуларни ўйлаб, улар дилларини ёришди:

– Сизлардек оилани қидирсак ҳам топа олмаймиз, лекин етим бола... Бир-биридан узоқда яшасалар, борди-келди қилиб, бир-бирига оқибатли ҳам бўлармиди? “Узоқдаги кишнашар, яқиндаги тишлашар”, деганларидай...

Бу гапни коса тагида нимкоса тарзида ўзлари тушунадиган қилиб айтишди.

Туғилиш ва никоҳ риштаси фақат Яратганга аён, дейишади. Зеро, Тангрининг иродасига ким ҳам қарши бора олади? Тақдирни ким ярата олади? Бандасининг кўлидан нима келарди? Кексаларнинг бу каби гап-сўзларига юрак ҳам бардош беролмайди, бироқ унинг қалбида хотираларнинг энгил шабадаси эса бошлаётган эди.

– Бугун келиннинг хайрлашув кечаси. Зиёфатдан сўнг қудалар келинни олиб кетишади. Уйингга кетиб қолмадингми деб ўйлаб, ачинаётган эдик, – деди Челлаппан.

Ўша оиланинг барча аъзолари унга хайрихоҳ эдилар. “Тиж”<sup>1</sup> байрамида уни, албатта, меҳмонга чақиришарди. Буни у қадрларди. Уларнинг меҳмондорчилигида ясамалик бўлмаганидан, у ҳам бажонидил боришга рози бўларди.

Ўзига хос табиийлик ва эҳтиёткорлик билан у босиқ овозда деди:

– Хўп, тоғажон. Самимий таклифингиздан хурсандман. Овқат қилиш ташвишидан қутулдим. Жуда соз бўлди, сиздек тоғамнинг сазасини ўлдирармидим? – шундай дея туриб, ҳўкизларини норжил дарахтига боғлаб, овқатлангани ичкарига йўналди.

Перияннаннинг овозини эшитибок, Челлаппаннинг хотини банан баргарига овқат сузиб, унга мунтазир ўтирарди. У келиши биланок деди:

– Кел, жиян. Сенсиз тоғаннинг томоғидан овқат ўтмайди. Сени

<sup>1</sup> Тиж – ойнинг ёруғ ёки қоронғи ярмисининг учинчи кечасида ўтказиладиган байрам.

ўйлайвериб, кўнгиллари безовта бўлаётган эди. Қудалар келиб қолишди, шунинг учун сени чақиришга одам юборолмадим.

Юракдан чиққан ушбу самимий сўзларни эшитиб, у ташаккур айтмасдан туrolмади. Бир пайтлар, яъни улар қизларини Перияннанга бермоқчи бўлганларида Худо йўл қўймаган эди. Шунда ҳам уларнинг муносабати ўзгармади, буни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмади. Одатда бундай орзулари амалга ошмаса, қариндошлар бир-бири билан юз кўрмас бўлиб кетади. Лекин бу одамларнинг меҳру муҳаббати янада жўшиб, аввалгидан юз чандон ошиб кетган эди. Буни қисмат деб қўйибдилар... Бўлмаса, бу ришта ҳам қўшилганида, турмушлари қанчалик тотли бўларди! Такдирлари қўшилмаганидан балки унинг юраги ҳам эзилаётгандир. Обрўли хонадонга қиз бергач, уларнинг кўнгиллари тоғ-дек кўтарилиши керак эди. Унга ўз куёвидай муносабатда бўлишларининг сири нимада экан? Унинг дунёси вайрон бўлгандаги алами билан қариндошчилик ришталарининг узилишидаги аламни хаспўшлашдан нима фойда? Бундай бўлиши мумкин эмас. Ўзига тўқ оилага қиз берса, кўнгли хотиржам бўлади, кўзларида севинч учқуни чакнайди, егани олди-да, емагани ортида бўлади. У ич-ичидан тошиб келаётган фикрларни миясидан ҳайдаб деди:

– Тонг сахардан ҳўкизларни олиб чиққан эдим... Шунинг учун сиз мени кўрмагансиз.

Шундай дея, япроқ ликопчанинг ёнидаги мошли ширин кулчадан олиб, ея бошлади.

Буни кўриб, янгаси:

– Озгина ёғ солай. Кулча билан мева қўшиб е... – деб, хаёллар гирдобига чўмган Перияннанни ўзига келтирди. Унинг “бўлди-бўлди”сига қарамай, янгаси эритилган сариёғли кўвачадан унинг ликопчасига озроқ қуйди. Перияннан ёғ қўшилган ширинликни татиб кўриб, деди:

– Сиз пиширган мошли кулчанинг мазаси жуда бошқача бўлади. – Кейин ўз шубҳаларидан фориғ бўлиш учун сўз қотди: – Ҳомиладор аёллар учун хурмо бўтқаси пишириб, зиёфат беришарди-а?.. Катталар ҳам ҳозир шунақа кулча ейишадими?

Унинг гапини эшитиб, янгаси кулиб юборди:

– Замон ўзгарди, урф-одатлар ҳам ўзгариб, ҳозир нималар бўлмаяпти, укагинам? Энди аёллар кофта, юбка, чўмилиш кийимларими... яна алламбалолар кийишяпти. Бизнинг давримизда дхўтий<sup>1</sup>нинг ўрнига бир газча келадиган матони ўраб олардик. Ҳозир бўлса, одамлар арзимаган нарсани баҳона қилиб, байрам қилиб юборишяпти, – шундай дея у хурмо бўтқасидан солиб берди.

Онанинг покиза муҳаббати! У она меҳрини туймаган, лекин буларнинг меҳрга тўла меҳмондўстлиги ва беғараз, самимий муносабати унинг дилини мойдай эритиб юбормоқда эди.

– Бу ширинликлардан кўраям кўпроқ сизнинг меҳрингиздан маза қилдим. Сизнинг меҳрингиз онам йўқлигини ҳам билдирмайди, – кўзларида ёш ва лабларида нимтабассум билан деди у.

– Қандоқ қилай, укажон! Кўнглингдагидек оиланг бўлмади. Қаёқдаги золим қайноналарга Лакшми<sup>2</sup>дек келин учрайди!.. – янгасининг юзини маъюслик чулғаб олди.

Ҳамма гапни эшитиб ўтирган Челлаппан деди:

– Пешонага ёзилганини ким ҳам ўзгартира оларди? Аруванкадулик

<sup>1</sup> Дхўтий – белга ўраладиган мато.

<sup>2</sup> Лакшми – Вишну тангрисининг рафиқаси, бойлик ва бахт маъбудаси.



Коланда иккинчи марта уйланиб, келинни уйга олиб келди. Биринчиси унинг мушт ва тепкиларидан тўйиб кетиб, ўзини-ўзи осиб ўлдирган эди. Иккинчисига уйланди. Ҳамма зуғумларига чидаб, у билан яшайпти. Раҳми келган биров: “Эҳ, бечора, пешонангга шунақа эр ёзиладими” – деса, у хотин шартта: “Эркак одам шунақа бўлиши керак. Хотинига қаттиқ турмайдиган эр – эрми?” – деб жавоб қайтаради. Калтак еса ҳам ҳеч нарса бўлмагандай, эрига яхши гапирди. Шунақа аёллар ҳам бор экан, дейман ўзимча... Бу билан у бундай демоқчи бўларди: “Биттаси сенсан, фақат аёлингни бахтли қилишни ўйладинг, ана, қадрингга етмай, сени ёлғиз ташлаб кетди”.

Челлапаннинг гапларини эшитиб, юрагининг тубини надомат тиглари тирнагандек бўлди. Жетх<sup>1</sup> ойи эди. Қоқ туш чоғи дарахтлар соясида ўтирган бўлса ҳам, барибир, гармсел шамоли оловдек куйдирар, юраги ҳам бўм-бўш эди.

“Нима, мен аёлимга қаттиқ тура олмадимми? Бегона эркак билан дон олишиб юрганини, оёқ олиши бежоллигини била туриб ҳам уриб-сўкиб, уни қайтаролмадим – мана менинг айбим нимада?! Шундай қилганимда, эҳтимол, бу кўчага кирмасмиди? Менинг бу бепарволигим ҳар доим ҳам муносабатларнинг бузилишига олиб келганмикан? Ўз вақтида олдини олмаганим сабабли мен ҳам гуноҳга шерик бўлиб қолдим, шекилли?..”

Япроқ ликопчага солинган бўтқадан бармоғи билан ялаб-ялаб, у қозикдек қотиб ўтирарди. Булутларга тўла осмонда учаётган варрақлар каби безовта туйғулар уни ақлу хушидан бегона қилмоқда эди.

– Ука, энди хафа бўлишдан нима фойда? Дарахтда митти-митти қушчалар ҳам ин қуради. Гоҳо ғунча очилаётган пайтда бўрон туради, дарахт бутоклари билан бирга инлар ҳам ерга тушиб, бузилиб кетади. Қушлар яна бошқатдан ин қуради, ё гапим нотўғрими? Тухум ҳам қўяди. Инсон зотининг ҳам тақдири шундай. Агар аёлинг ўлган бўлса, бошқасига уйлан-да, рўзғор қил. Шунда жонинг киради, бошқа йўли йўқ.

Юрагидаги ҳасрат ва безовталиқни сезиб, янгаси унга шундай тасалли берди.

Хотинини эслаб, эски яраси янги бўлди, вужуди титраб кетди. Уни унутишга ҳаракат қилар, бошқа нарсалар билан чалғимоқчи бўларди, лекин тош отилганда ёйилиб кетган мавжлар яна қайта бирлашармиди? Шу тариқа ҳалиги ўйлар унинг миясини тақрор чулғаб олди.

“Менинг айбим йўқ эди. Шундай бўлса ҳам нега у мени ёмон кўрарди? Содда ва беайб бўлсам ҳам менга бу кўргиликларнинг борлиги шундан далолат берадики, мен яшашга лойиқ эмасман. Дунёда унга ўхшаш бошқа аёл йўқмикан? Унинг эри ҳам менга ўхшаб ўз хотинига бўшлиқ қилганмикан?”. Ҳасрат тўла кўксидан бир аламли оҳ отилиб чиқди.

– Ўз хатоимнинг нималигига ақлим етмай турганда бировнинг оиласи ҳақида ўйлашни ким кўйибди, она... – дея у кўзларига ёш олди.

– Сени айбдор санаган одам бир култум сувга зор бўлиб ўлгани яхши. Арқонни узиб қочган сигирни дарҳол тутиб, боғлаб олишинг керак эди – бор-йўқ хатоинг шу. Энди бунинг иложи йўқ, у қочиб кетиб бўлди. Хўш, энди нима қиласан? Бошқа сигир олиб келасанми ёки бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирганнинг ишини қиласанми? – янгаси ҳам тўлиб-тошиб гапирди. Унинг ҳам кўзлари намланган эди.

Янгаси унинг гапларини-ку тушунишга тушунди, бироқ унинг ҳамма фикрларига қўшилмайди. Эр-хотин бирга яшаб рўзғор тебратиши шаръий

<sup>1</sup> Жетх – ҳинд календарининг учинчи ойи.

никоҳ саналади ва мана шу унинг мезони ҳамдир. Камбағалликка чидаш мумкин, ғам-қайғуни енгиб ўтиш мумкин, аламни ҳам култ этиб ичга ютса бўлади, ғийбат ва иснодларга парво қилмаслик мумкин – булар ҳаммаси ҳаёт дарёсида сузиш деган гап. Эҳтиёж туғилса, оқимга қарши сузиб, оқим билан олишишга ҳам тўғри келар. Лекин ҳаёт дегани имтихону бировларнинг кўзига чўп суқишдан иборатми? Бунақада яшашдан не маъно бор? У шуларни кўнглидан ўтказди-ю, аммо тилига чиқармади.

– Агар арқонни узиб қочадиган бўлса, қоровул қўйиш керакмиди?

– Занжир билан боғлаш керак, – деди янгаси дангал.

Ўйлайвериб, Перияннаннинг мияси ачиб кетди. У ёлғиз қолишни хоҳлар эди. Йиқилаётган дарахтни тариқ пояси суяб қола олармиди?

Бироз тинчланиб, йигит деди:

– Кеч тушиб қолди, ҳўкизларга ем-хашак бериш керак, – шундай дея у апил-тапил овқатланди-да, ўрнидан турди. Қўлини чайиб келиши билан янгаси унга пан<sup>1</sup> тайёрлаб берди. Юрагидаги дардни енгиллатиш мақсадида Перияннан деди:

– Яна ҳўроз тепиб қолса, даволовчи ҳеч ким йўқ.

Болалигида Перияннан бувасининг бармоғидан ушлаб, худди шу йўлдан далага борарди. Буваси янгаларнинг дарвозаси олдида қўшнилар билан тик туриб, бироз гап сотарди. Ўшанда Перияннан янгасининг сарийси учига тугилган панлардан биттасини суғуриб олиб чайнар ва катталарга ўхшаб оғзидаги қип-қизил кўпигини туфлаб ташларди. Ўшанда тупук унинг қўли ва қорнига сачрарди. Бунни кўриб, янгаси уни кўрқитарди:

– Пан чайнасанг ҳўроз тепади, кичкина болалар пан чайнамайдилар.

Перияннан шунга шама қилаётганди.

Болаликдаги бу ҳазилни янгаси тушуниб, жилмайиб қўйди. Вабо домига илинган она олти ойлик Перияннанни ташлаб кетди. Отасининг ҳам тақдири шундай бўлди. Уни ёлғиз бува-бувиси боқиб катта қилишди. Далага ишга кетар вақтда бувиси уни ухлатиб, шиша идишчага сут қўйиб қўярди. Иккала қўшнининг боғи ва уйлари бир-бирига туташ эди. Бироздан кейин бола уйғонганида, Челлаппаннинг онаси унга сут бериб, яна ухлатиб қўярди. Бироз катта бўлгач, Перияннан халтадан пан чиқариб оладиган бўлганда, ўша Челлаппаннинг онаси: “Болалар пан чайнамайдди, бўлмаса ҳўроз тепади”, деб кўрқитарди. У яна каттароқ бўлганида, Челлаппаннинг қизи дунёга келди, қизалоқ қачон панга қўл чўзса, Перияннан ҳам энди шу гапни айтиб, уни кўрқитарди. Ўша гапда қанақа сир бор экан-а? Асрлардан бери ўша гап ҳеч бир ўзгаришсиз халқ ичида айтиб келинмоқда. Энди яна қанча даврларгача, қанча авлодларгача бу сўзлар ишлатиб келинади, бу аён эмас. Муҳаббат ва ҳаёт йўқ бўлиб кетиши мумкинми? Уларни бу аҳволга тушиб қолади, деб ким ўйлаганди? Муҳаббат туфайли болалар туғилдилар ва улар ҳам панга қўл чўзгудек бўлсалар, мана шу умрбоқий сўзлар яна қайта айтилари!

Шуларни ўйлаб, янгаси хандон отиб кулиб юборди. “Муҳаббатдан ҳар ким ўзича лаззат олади”, деб айтишади. Муҳаббат билан ҳам пан туфайли тўкнаш келганди. Деҳқон болаларининг сигир-эчкини ўтлатишдан бошқа нима иши бўларди? Шундай кунларнинг бирида бир бола унга пан берди. Япроқни чайнаб, қизилини туфлаб ташлаётганида уни тушунарсиз кайф чулғаб олганди. Ихтиёри тамоман ўзидан кетган, нималар деб валдирагани эсида йўқ. Кейин қиз унинг кўксига бошини қўйиб, ухлаб қолганди.

<sup>1</sup> Пан – хиндлар ёғ суриб, зарча сепиб чайнайдиган бетель япроғи.

Ўзига келиб, бошини йигитчанинг кўксида кўриб, уялганидан даст туриб кетганди. Осмонга назар ташлаганди. Жазирама куёш қаҳ-қаҳ куларди. У нигоҳини эчкига қаратганди, назарида дарахт тагида туриб, кавшанаётган эчкилар кўзлари сузилиб-сузилиб, гўё бундай дейишаётган эди:

– Одамзод боласи ҳам шунчалик беҳаё бўладими!

Қизалоқ болани уришмади, аксинча, яна пан борми дегандек, унга мўлтираб қараб турарди. Кейин аста сўраб кўрди:

– Бунга қанақа дори қўшгансан?

Йигитча мийғида кулиб, жавоб берди:

– Ҳеч қанақа дори-пори қўшганим йўқ... Бу жоду холос!

– Бор-эй... ёлғон гапиряпсан! Анови панга бир нима қўшилган эди.

– Айтиш мумкин эмас. Унинг ичида бўйсунуш деган дори бор эди.

– Менга айтмайсанми? Ахир дўстмиз-ку...

– Қачон катта бўлсанг, ўшанда айтаман. Ундан олдин айтсам, таъсири қолмайди.

– Катта бўлсам айтасан-а?..

– Айтаман, лекин бир ваъда берасан.

– Қанақа ваъда?

– Менга турмушга чиқасан...

Қиз хандон отиб кулиб юборди. Дарахтда ўтирган майна ва бошқа қушлар бу сирни бутун дунёга ёйиш учун шошиб учиб кетди.

– Э, бор-ей, келиб-келиб сенга тегаманми?..

– Унда кимга тегасан?

– Катта бўлсам айтаман.

– Ҳозир айтмайсанми?

– Хўроз тепади...

– Хўроздан кичкина болалар кўрқади, бизга ҳеч нима қилмайди...

– Ким айтди?

– Онам...

Бола яна бир нима демоқчи эди, лекин тилига бирон жўяли гап келмай, мум тишлаб қолди. Болалик ва балоғат ўртасида ёшларда ўзи шунақа бўлади. Ёшликнинг юракдаги мудроқ эхтирослари энди-энди уйғониб келаётган бўлади. Катта бўлганда айтаман дейдими? Унда қиз “ҳаммаси”ни тушунар экан-да? Демак, унинг ҳам ўз орзулари бор экан-да? Мен тушуна олмаётган “гап”ни у яхши биларкан-да? Эркакларга қараганда аёллар кўпроқ ҳаёлпараст бўладилар, шекилли. Ахир жавоби ҳам катта қизлардай-ку! Тўй ҳақидаги гап бунча осонлик билан айтиладиган гап эмас – унинг жавобидан эса шунинг ҳиди келиб турибди. Уни-буни ўйлаб ўтирмасдан, Перияннан шартта деди:

– Ўшанда пан чайнаб, кўксимга бошингни қўйиб ётиб олган эдинг. Буни ҳам онанг ўргатганмиди?..

Йигитчанинг гапини эшитиб, қиз уялиб кетди. Бошини эгиб, чўп билан ерни тирнай бошлади. Ёшлик тароватидан унинг юз ва бўйинлари ял-ял ёнмоқда, гўё куёш нуридан кўл ялтираб мавжланаётган эди.

Қиз деди:

– Сен мени аҳмоқ қилдинг... ёмон бола экансан... – Овозида титроқ ва оташ бор эди.

– Унда пан керак эмас экан-да?

– Ўзинг унинг сирини айтмаяпсан-ку...

– Айт, менга турмушга чиқасанми? – у яна бир бор қизнинг дил торини чертиб қўйди.

– Манави дарахтга уйлан...

Қиз ўрнидан туриб, нари кета бошлади. Бироқ бу гапни у тил учиди айтганди... Унинг юраги ва нигоҳида шу нарса ошкор кўриниб турарди.

Бир кун келиб қиз “катта” бўлди. У катталар ҳақидаги сирни билгани ошиқар эди. Лекин ўша сирни очишдан олдин йигитча касалга чалиниб, ўлиб кетди.

Катта бўлгач, юрагининг ичига гўё нимадир кириб яширингандек, ўша сир ҳам юрагининг ичига кўмилди.

Фикрларни кескин ҳайдаб, қиз ҳушига келди.

– Хўроз тепса-тепмаса, қалб барибир ўлдиради... – деди жумбоқнамо қилиб қиз.

– Қоронғи тушиб қолди, кеч қоляпсан, юр... – шундай дея, япроқ ли-кобчасини ташлаб юборгани ҳовли орқасига ўтди.

Сўнг Челлаппан билан хайрлашиб, у ҳўкизларни ҳайдаб кетди.

\* \* \*

Хотинини ҳар эслаганида юраги чаён чаккандай симиллаб оғрир ва у беихтиёр инграб юборарди. Бугун Павлайи йўқ. Шундай бўлса ҳам бир-галашиб меҳнат қилган дала, япроқлар ўғитида унган тўқ яшил рангдаги шоли поялар товус патлари каби товланар эди.

Бугун у йўқ, шундай бўлса ҳам унинг қўллари билан тозаланган пушталарда унган бошоқларни яна бошқатдан ўриш, чиғирни айлантириб, далаларни суғориш – ҳамма-ҳаммаси ўша тусда давом этарди.

Шундай бўлса ҳам унинг қўлидан яшил тариқ еб, катта бўлган новвосча худди янги сувалган девордай ялт-юлт қиларди. У юрган йўллардаги оёқ изларига оёғини кўйиб юриб кўрса ҳам излар қуриб, тош каби нафас олар эди. У эккан шоли поялари ўсиб, иккинчи марта гулга кирган ва ғуж-ғуж бошоқ тортиб, осилиб турарди.

Бугун у йўқ.

Кулолнинг уйдан олиб келинган, овқат пишириш учун ярайдиган сопол идиш энди ошхонада бекор ётарди. Қора тупроқли лой билан сувалган деворлар ва супалар унинг қўллари гуллигидан нишон бериб турарди. Ҳовлидаги у эккан ним<sup>1</sup> дарахти энди қарға ва қушларнинг қароргоҳига айланган. Бу қушлар уя қуриб, ўзидан кўпаймоқда эди. Эртаю кеч лиммо-лим гуруч қайнаб турадиган қозон бугун эгасиз қолиб, ўчоқ олдида тўнкарилиб ётибди. Бир жуфт куёвлик сарпоси, гуруч соладиган катта сопол хум ундан ёдгорлик бўлиб қолган. Бирга ётиб, ширин-ширин суҳбатлар қилган, ўша тунларнинг шоҳиди бўлган арқон қаравот мунгли ҳолатда бир бурчакда ётибди. Ҳамма нарса жой-жойида, фақат угина йўқ.

Ўша ширин хотиралардан бирданига аъзойи-бадани титраб кетди. Қаравоти энгил ғичирлади. У афсус-надомат, ғам-қайғу ва алам-ҳасрат – барини унутишга ҳаракат қилди, лекин юрагида маҳкам ўрнашиб қолган хотираларни ўчириб ташлай олмади.

Кошки оз бўлса у хотиралар... Нақ ўн йиллик турмушдаги кечинмалар эди улар. Киши ёқтирган кийимини ҳам ташлашга кўзи қиймайди-ку! Қўшга яроқли ҳўкизлар сулайиб, йиқилиб тушмагунча бошқа ҳўкизларни кўшишга кўнгил бўлмайди. Киндик қони тўкилган жой – гуваладан тикланган кулбасида униб-ўсиб, кейинчалик шароит тақозоси билан янги уй қуриб олганда ҳам ота мерос ўша қадрдон кулбани бузиб ташлашга

<sup>1</sup> Ним – мевали дарахт, япроқлари зиравор сифатида ишлатилади.

кўзи қиймайди. Баъзан эски кулбани бузишни беҳосият деб биламиз. Ўша кулбаларга қаттиқ меҳр қўйиб қоламиз. Аллақандай қуш-паррандами-ей, жониворми-ей – шундай нарсаларга бу қадар меҳр қўяр эканмиз, бахт ва ташвишларга, ғам ва шодликларга тўлиб-тошган турмуш онларини унутиб бўларканми? Вақти-вақти билан бўлиб турадиган ўзаро жанжаллар, ади-бади айтишувларга баъзан калтаклашлар ҳам қўшилиб кетади. Бироқ эр-хотиннинг уруши – дока-рўмолнинг қуриши, дейдилар. Қанчалик бир-бирини ҳақоратлаб сўкмасин, ўлдираман деб дўқ урмасин, барибир шуларнинг тагида озгина муҳаббат ётади, шу муҳаббат ҳаммасини босиб кетади. Токи эр-хотинлик вафоси, самимийлик ўзаро келишувдан келиб чиқувчи табиий муҳаббат бор экан, қўш отли ҳаёт араваси гумбирлаб юриб кетаверади. Токи тўсиқлар, паст-баландликлар ва сирпанчиқлар бор экан, араванинг ўқи ҳам синиши мумкин. Бироқ буларнинг бари дарёдаги мавжлар каби бир пайдо бўлиб, яна йўқ бўлиб кетаверади.

“Қизиқ... Қандай қилиб у ҳаммасига осонгина қўл силкиб ташлаб кетди? Ўн йиллик турмуш ҳақиқатини қандай қилиб ёлғонга алмаштира олди? Тақдир деганлари шуми? Яратувчи зот бандасига нега бунчалик ғазаб қилади?”

Унинг қўлидаги арқонга бўйсуниб кетаётган ҳўкизлар негадир алаҳсиб кетишди. Назарида ҳўкизлари адашиб, бошқа томонга кета бошлагандек эди. У дарҳол хушёр торгди. Эгаси ҳўкизларни ҳайдаш фикридан озгина чалғидими, тўғри кетаётган ҳар қандай ҳўкиз ҳам экинзорга ўзини уради-да... Шуларни ўйлаганча у ҳўкизларни ниқтаб, уй томонга бурди.

Қарзини тўлолмаганларнинг мол-мулкани мусодара қилгани келган солиқчиларга ўхшаб, тун ҳам истамайгина ер юзига ўз чойшабини ёйди. Қушлар чуғур-чуғур қилиб, гўё йўқолиб қолган нарсаларини қидираётгандек, инларига қайтмоқда эди. Уларнинг ҳеч қандай ташвиши йўқ, тинчгина ухлашлари мумкин, бироқ инсон зотига ором қайда? Ҳали бир дунё иш қараб турибди. Қорин ғамида бу кун ҳам ўтади. Энди кечликка гуруч пишириш керак. Тинимсиз меҳнатдан бели узилай дерди.

Ҳўкизларга ем-сув бериб, қозикларга боғлаб қўйди. Уйда зулмат ҳукмрон. Қўшни уйдаги чироқлар чарақлаб турганида унинг уйи арвоҳлар маконига айланган, зим-зиё ғорнинг ўзи. У ерда на тик этган овоз эшитилади, на ҳол сўровчи бирон тирик жон кўринади.

Қувонч ва меҳр-муҳаббатдан мосуво бўлган оила. Оила дегани шунақа бўладими? На муросою мадорага жой бўлмаса, на дилини очишга суҳбатдош топилмаса. Бу оила эмас, дўзахнинг ўзи-ку. Рўзғор дегани аслида кундалик ташвишларга тўла бўлади. Ҳаётни ушлаб турган нарсани меҳр дейдилар. Усиз инсон ҳаёти бефайз, мақсадсиз бўлиб, кимсасиз чўлга ўхшаб кетади... Бу бор гап. Бунақа ҳаётда қувонч-шодликдан ҳам, севги-муҳаббатдан ҳам ном-нишон бўлмайди. Ҳузурбахш туйғулар барҳам топади, қариндош-уруғчилик кўнгилдагидек авж олиши учун муҳит бўлмайди. Кимсасизлик устига нукул чўлдан гармсел эсади, тикланган бир новда кўринмайди. “Мени севмасмиди... ёки мени сева олмадими? Уни севмадим деб қандай айта оламан? Ўн йиллик турмуш мобайнидаги нохуш воқеалар орасида ҳам муҳаббатнинг шу тугуни иккимизни бирлаштириб турар эди! Чексиз нафрати ҳам мени айбдор деб билмайди, чунки мен уни на уриб-сўкканман, на жаҳл қилганман...”

У эшикни очиб, шамни ёқди, ўчоққа ўтин қалади. Ҳар кунгидек ўзига овқат пишира бошлади. Бирдан эсига тушди: “Ие, ҳозиргина қорним тўйиб, мацца қилиб овқатланиб олгандим-ку, яна кимга овқат пишираяпман?”



Анчагача нима қилишини билмай туриб қолди. Кейин яна ўйлай бошлади: “Менга фақат кечки таом керакми?.. Эртасига пешинда ҳам кечки овқатни ея қоламан”. Аёл киши борида икки маҳал қозон осиларди. Кечки овқатни пишириш учун шом тушмасидан олдин келарди. Қолган ишни сарамжонлаб, Перияннан қоронғида уйга қайтарди. Шу тариқа тонг отиши биланок, хўкизлар далага йўл оларди. Хотини эса овқат пишириб, тугунга тугиб далага келарди. Энди эса ҳамма иш Перияннаннинг ўзига қолиб кетди. Бу аҳволда қандай қилиб икки маҳал овқат пишира олади? Шунинг учун эртанги овқатни бугун кечқурун пишириб қўя қолади. Тўғри, овқат совиб қолади... Хўш, нима қилиш керак? Ҳаётнинг ўзи совиган ошдек бемаза бўлса. Нима қилса, овқатини иссиқ-иссиқ ея олади? Бир пайтлар ҳаётида жўшқинлик ва таъмиз бор эди, завқу шавқ бор эди.

Тўйдан кейинги биринчи киш фасли эди. Қиш туни чўкиши билан ўн тўрт кунлик ойнинг заиф ёғдуси ер юзини оппоқ чодир каби буркаб олаётган эди. Шудринг тушган дов-дарахтларнинг япроқлари ой шуъласида гўё кумуш баркашдек ялтирарди. Япроқлар орасидан кўришиб турган ой дарахтларнинг қоп-қора сояси билан “кўз юмма” ўйнар эди гўё. Кумуш ой ва унинг оппоқ чодирини кўрган одам сарисининг чети билан юзини яшириб, майин табассум қилаётган парини эслайди.

Меҳр билан хотинини қучоқлай туриб, Перияннан деди:

– Эртага тўйга боришимиз керак-а? Уйдаги юмушларни тиндириб, ювиниб-таран, тўй либосларингни кийиб, тайёр бўлиб тур. Мен ҳам ишларимни тугатиб, тушда уйга қайтаман.

Тўй Павлайининг қишлоғида, узоқроқ қариндошлариникида бўлаётган эди. Бир киши борса, кифоя эди. Лекин уларнинг икковини ҳам таклиф қилишган эди. Павлайи тўйга Перияннаннинг ёлғиз ўзи боришини астойдил хоҳларди. Бунинг сабабини бир ўзигина биларди. Унутилган муҳаббати яна жонланиб қолиши ҳеч гап эмас-да...

Қуриган новдага яна жон кирди. Пинҳоний сирнинг ошқор бўлиши учун бундан яхши имконият борми?! Агар тўйда “у” билан учрашиб қолса-чи? Юрагида ухлаётган бебош ўтмиши яна уйғониб, ундан қурбонлик сўраса-чи? Дарвоқе, кўнглида ёмонлик бўлмаса, унда кўрқувга не ҳожат? Лекин барибир юраги бир тутам бўлди.

– Сиз ўзингиз бораверинг... Ҳеч ким гап-сўз қилмайди, – куруққина деди хотини куч билан сўзланиб.

– Қуда томондаги биринчи чақирик! Иккимизни бирга кўриб, улар хурсанд бўлишади. Сен ҳам ота-онанг билан кўришиб оласан, – эрининг гапларида софдиллик, эзгулик мужассам эди.

Ота-она! Улар билан нима иши бор? Дунёга келтиришди, боқиб катта қилишди, шу холос. Яна бир оилани топиб, уни эрга бериб юборишди. Бўлар иш бўлиб, бўёғи сингди, энди у чийдан ташқари. Яқингача улар химоячи эдилар. Энди у бошқа одамнинг хасми. Молнинг эгасини топгач, эскисининг ҳақи қолмайди. Қизнинг ота-онаси билан муносабати ҳам шундай. Унинг арқонини етти ёт бир бегонанинг қўлига тутқаздилар. Энди ота-онанинг қариндошлиги қолибдими? Зарҳарид қул нимаю у нима? Энди унинг ҳаётида суянадиган ҳеч кими бўлмайди, уни одаммисан деб сўрагувчиси ҳам йўқ.

Павлайи ҳеч нима дея олмади. Унга, гўё барча ишлар унинг ўйлаганига қарши бўлаётгандек эди. Ҳақиқат баҳайбат тоғ бўлиб, йўлини тўсиб турса, уни у қандай силжити олсин?

– Ўзи икки жон бўлсак... Уйни қандай қилиб ёлғиз ташлаб кетамиз?

Сигир-хўкизларга ким қарайди? Ерёнғоқ даласини қарға ва итлар кавлаб ташлаб, экинни пайхон қилади... Далага ким қараб туради?

Павлайининг гапларида жон бор эди. Бу гапларидан унинг рўзғорга садоқати ва уқуви сезилиб турарди. Хотинининг ақллилиги ва хушёрлигини хис этиб, Перияннаннинг юраги қувончга тўлди.

– Бир йилда сен бу ишларнинг ҳаммасини қандай қилиб ўрганиб ола қолдинг? – Кўзларини сузиб, қулиб сўради Перияннан. Яна қўшиб қўйди: – Қара, мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Ерёнғоқ даласига Раъман қарайди. Челлаппан тоға уй ва молларга қараб туради.

Павлайининг қовоқлари очилиш ўрнига янада осилиб кетди. Юзларида яқинлашиб келаётган можаро аломатлари акс эта бошлади. Чунончи, у деди:

– Улар бизга ким бўлибди? Хафа бўлишса бўлишар, бизга нима? Чақиришган бўлишса, уларнинг кўнгли учун бир киши борса, бўлди-да. Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Лекин Перияннан эр-хотин бирга боришларини хоҳларди. Чунки дўстлари ва таниш-билишлари уларни йўлда кўриб қолишса, айтишади-да: “Ие, сенинг хотинингми?.. Тўйда кўргандик. Э-ҳа, узукка кўз қўйгандек бўлибди, бахтли бўлинглар!” Хотинининг ҳам танишлари сўрашади: “Ие, бу сенинг эрингми? Аввал кўрмагандик. Бир-бирларингга жуда мос экансизлар...” Аслида у Павлайининг қоматига, хуснига мафтун эди. Кўпчиликнинг ичига хотини билан бирга борса, кўнгли кўтарилади, хузур қилади. Ахир қачонгача элга аралашмай юради? Битта бола тукқач, кап-катта хотинга айланиб, ёшлик латофати ҳам барҳам топади. Шунинг учун вақтида ўйнаб-қулиб қолиш керак. Атрофдагилар қойил қолсин. Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, деганлар. Иккови бир-бири билан иноқ бўлса, бас, бошқа нарсанинг кераги йўқ.

Перияннан хотинининг юзидан аста чимчилаб, сўради:

– Ҳа, жоним! Мен билан боришни хоҳламаяпсанми? Ҳаётда хурсандчилик, ўйин-кулгилар вақтинча. Ундан кейин бола-чақа деганларидек... Уларнинг тарбияси, ўқиши... Уларга қараб-қараб, қувонганингдан вақт ўтиб кетганини ҳам сезмай қоласан. Ўзимизни ҳам ўйлашимиз, яхши еб-ичиб, яхши кийинишимиз керак. Кейин булар кўнгилга сиғмай ҳам қолади. Хоҳиш бўлади-ю, имконият бўлмайди. Болаларни кийинтириб қўядиган вақтда сен ясан-тусан қилиб юрсанг, одамлар: “Фоҳишага ўхшаб ясаниб, ўзини тарозига соляпти”, деб айтишади. Ҳар бир нарсанинг ўз вақти бор. Яратган кимга ҳаёт гаштини суришга имкон берса, ундан фойдаланиб қолиш керак, фойдаланмаслик аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Ўтган нарсани қайтариб бўлмайди. Шунақа, маликам, бўлди, хўп де...

Перияннан хотинини астойдил ундаётган эди, бироқ у ҳеч қачон ўзини бундай ожиз ҳис қилмаган эди. Юрагини нафрат, алам ва мавҳумлик ўртаб турган бўлса-да, Павлайи эҳтиётлик билан деди:

– Бир йилдан бери биргамиз, янги келин-куёвлигимиз қолибдимми? Дала ва боққа доим бирга борамиз, тўғримми? Икковимиз ҳамиша шундай бўлиб келганмиз. Ташқарига кўрсатсанг, одамларнинг ичи ёниши, бизга кўз тегиши мумкин...

“Менинг асабимни бузиш ва жаҳлимни чиқариш учун у атайлаб шундай қилапти”, – деб ўйлади Перияннан. Истаклар, орзулар... Инсонни тирик тутиб турган нарса аслида ўзаро аҳилликдир. Инсон юрагида минглаб истаклар бўлиши табиий, улардан қандай кутулиб бўлади? Инсон хаёлларга берилиб яшашдан роҳатланади. Хаёл ва орзулар бўлмаса, унда инсон –

инсон эмас, хайвон бўлади. Айнан истаклар уни юксакликка чорлайди. Мисол учун ҳаётимизнинг ўзини ола қолайлик. Севиш, болалар билан кувониб яшаш – бундай туйғулар қаердан келади? Гўзалликдан-да! Янги-янги хаёллар ҳам яшаш истаги билан пайдо бўлади. Бу каби хаёлларни, яшаш истагини йўқотиб бўларканми?

Юрак ва идрокни четлаб ўтиб, баҳс-мунозара ва муаммолар унинг дилида ғалаён қилганида янги-янги фикр-мулоҳазалар пайдо бўлмайдами? Унинг учун буларнинг барчаси янги тушунча, янги дунёқараш ҳисобланади.

Перияннан иккала қўли билан хотинининг юзидан ушлаб деди:

– Буларнинг ҳаммаси кўнгил иши, шу боис улар ёқимли. Токи кўксингда ёш юрак жўш уриб турар экан, кўнгилдаги хоҳишлар ҳам мавж ураверади. Ўша мавжни тўхтатиш учун шундай бир қамчи, шундай бир тизгин борки, ўша тизгин ё қамчини шу ҳаётингда тортиб қўйсанг, ҳамма орзуларинг барбод бўлади. Унда ҳеч қандай назорат ва тизгинсиз кишининг ўзи юз-тубан ерга йиқилади.

Перияннан бу гапларни худди ўзига айтилганидек, хотинининг қулоғига шивирлаб гапирди.

Павлайи чуқур-чуқур нафас олди. Бу унинг кўнгли алғов-далғов бўлаётганидан дарак берарди, шундай бўлса ҳам ўзини қўлга олиб деди:

– Нега бунча қайсарлик қиласиз?

Бу билан у, эҳтимол, Павлайи нимаики қилмасин, келажакда пушаймон бўлишга, алам чекишга тўғри келади, демоқчидир? Бироқ Перияннан унинг кўнглидаги гапларни тушуна олмади.

Павлайи қаршилиқ қилгани сайин, унга кўпроқ ёқмоқда эди. Йигитнинг кўзлари муҳаббатдан ёнарди. Кўнглига ёққан нарсаними, кишиними ёки аёлними кўрганда, шундай туйғу зоҳир бўлиши унинг учун табиий бир ҳол эди.

Энди ортиқча қисти-бастидан ҳеч қандай фойда йўқ, шуни ўйлаб, Перияннан деди:

– Бўпти, овқатингдан қолган бўлса, бер. Еб кетаман.

Шундай дея у ўчоқ олди борди-да, чордона қуриб ўтириб олди. Уйда бўлган пайтларида у шундай овқатланарди. Бошқа вақтларда эса Павлайи егуликни далага элтиб берарди.

Энди Павлайи эри уни ташлаб, тўйга бормаслигига тўла амин бўлди. Тортишишдан фойда йўқлигини ўйлаб, ликопчага қолган овқатни солиб берди.

“Охири бир амаллаб кўндирдим-а”, деган ўй билан Перияннан энди уни шошириб деди:

– Тезда ишларингни қилиб, маликалардай ясаниб ол, тушундингми?..

– Ҳар қанча жаҳл бўлсин, нафрат бўлсин, муҳаббатнинг комида битта қолмай маҳв бўлиб кетади...

Хўкизларни ниқтаб, у дала томонга қараб кетди. Бу гал тўртинчи марта хайдаши бўлса керак. Ёзги ерёнғоқ ҳосили учун кучсиз ерни қайта ишлаш керак. Ҳайдалган ер унумли бўлади. Ерёнғоқнинг гули салга тўкилади. Бундай ишларга у устаси фаранг эди. Қиладиган иши бўлмаганда, ерни қайта ҳайдаб чиқади. Тупроқ уни ўзи чорлайди. Ёмғир ёққанда, тупроқ яйрайди, хушбўй иси юракни ром этади.

Хўкизларни омочга қўшиб, у далага тушди. Ернинг тагидаги қора тупроқ омоч-хўкизларнинг тинимсиз бориб-келишларидан текисланиб кетганди. Перияннан қўлига озгина тупроқ олиб, татиб кўрди. Юзадаги палахса кесаклар майдаланиб, пастдаги тупроқ юқорига чиқибди. Бироз нарироқда,

ҳосилнинг илдизи атрофидаги тупроқ ҳосил йиғиштириб олингандан кейин яроқсиз ҳолга келади. Пастдаги тупроқ илдизнинг тагидаги бор қувватни ўзига тортиб олади. Омоч ҳайдалиб, ер ағдарилганда у бошқатдан ўғитга айланади ва тупроқнинг унумдорлиги мўътадиллашади. Шунда тупроқнинг сифати янада яхшиланади. Тупроқнинг ҳосилдорлигини шундан билса бўлади. Болалигидан билади – одамлар ўғитни далага ташлаб ишлов беришганида, шакарни татиб кўргандек, у ҳам тупроқнинг таъмини ана шундай татиб кўриб биларди. Хўш, бу сафар ҳам ўша ниятда татиб кўрганмиди ёки бошқа мақсаддами? Нима бўлганда ҳам у эски одатидан воз кечмаган. Ўшанда бувиси уни “тупроқ жинниси” деб уришиб беради.

Ҳайдалган тупроқ тафти хотинининг тафтига ўхшаб, унга ҳузур бағишлаётган эди. Бугун эр-хотин биргалашиб тўйга боради. Бу кулоқ эшитмаган янгиликми? Ёки янги урфми? Унинг учун янгиликнинг ўзи деса бўлади. Ўша қишлоқда бир одат бор. Эр-хотин бир-биридан шунчалик узокда юридики, чапак чалиб чақиришга тўғри келади. Лекин бу одатга булар амал қилишмайди. Бўлмаса уларнинг устидан қулишмайдими, дерсиз... Ҳечкиси йўқ. Ҳар нарсага амал қилаверса, орзулар ёниб қулга айланади. Биз қулда изларимизни қолдирамыз.

Бу дунёда нималар содир бўлмаяпти, дейсиз? Қўшни қишлоқдаги панҷаят<sup>1</sup> оқсоқоли Кавундирнинг ўғиллари шаҳарда ўқишарди. Катта ўғли ўша ерда бирга ўқийдиган паллан миллатига мансуб бир қизга уйланиб олибди. Сардор қаттиқ ташвишда қолди. Бу гап қишлоққа ёйилса, нима бўлади? Болани қўлга олиш керак. Қишлоқдагиларнинг диққатини чалғитиш мақсадида оқсоқол бир чора ўйлаб топди. Ўғли палланлик қиз билан ўша шаҳарда яшайверади, лекин оиланинг шаъни ва обрўсини сақлаш учун бу ерда ҳам уни ўз қавмидаги бир қизга уйлантириб қўяди. Тўйдан сўнг ўғли севган қизи билан шаҳарда, янги келин эса уйда, қишлоқда яшайверади. Фақат шу шарт биланки, йигит қишлоққа келиб-кетиб юриди. Битта меросхўр туғилса бўлди, шу кифоя. Шунақа қўш оила қурганлар кам дейсизми? Уйда бошқа ҳаёт, ташқарида бошқа...

Пул нималарга қодир эмас. “Пул бўлса, чангалда шўрва”, дейдилар. Қашшоққа шоҳ саройи насиб қилади. Пулсиз одам соддадил ва виждонли бўлгани учун ноқулай вазиятга тушиб қолганда калавасини йўқотиб қўяди. Бу ерда бунақа гаплар кетмайди. Биз инсонга унинг нияти, эзгу тилақларига қараб баҳо берамыз.

Хотини билан бирга бир жуфт мусичадай шодликдан кўйлаб, апоқ-чапоқ бўлиб яшаш – унинг бирдан-бир орзуси эди. Орзулар уммонида сузар экан, унинг ёрига бўлган садоқату муҳаббатини кўриб, одамлар ҳавас қилишини истарди. Шундай ҳаёлларга берилганда, у ўзини янада мағрур тутди. У омоч дастасидан ушлаганча ер ҳайдарди. У ҳўкизларни ўнгга-чапга буриб ўтирмасди, бечора ҳўкизлар ўзлари юришга одатланиб қолган. Бир вақт қўли билан тутиб турган омоч қийшайиб, бехосдан омочнинг тиши ҳўкизнинг туёғига кириб кетди, ҳўкиз жон ҳолатда оёғини силкиб юборди. Перияннаннинг ҳам оёғи лат еди, у оғриқдан сакраб тушди. Ҳушига келиб қараса, уни Худонинг ўзи бир фалокатдан асрабди. Қўрқанидан титраб кетди. Яхшиямки, ҳўкизнинг туёғи қаттиқ жароҳатланмабди. Акс ҳолда, бир-икки ой ҳўкиз иш бермасди. Уни қозикқа боғлаб қўйиб, даволаш ундан-да оғир бўларди. Бошқа томондан, ҳўкиз тезлик билан олдинги оёғини тортувдек бўлса, ўша заҳоти унинг оёғи қаттиқ жароҳатланиб, битта-яримта суяги синиб, уни бир умр боқишга тўғри келарди. Иш вақтида

<sup>1</sup> Панҷаят – қишлоқ жамоатчилик суди.

сира бундай бепарволикка йўл қўйиб бўлмайти. Фотиҳа тўйидан сўнг бўлажак келинни ўйлайверса ҳам у ўзини йўқотмаган эди. Айтишларича, шакарқамиш қанча узоқ шимилса, мазаси шунча ортиб бораркан. Эр-хотинлик ҳаёти ҳам шундай: яшаган сайин турмуш ҳам файзлироқ бўла боради. Кунлар ўтгани сайин муҳаббат кучайиб, ширинлашиб бораверса керак.

Даладаги шудгор ишлари тугади. Омочдан ҳўкизларни чиқариб, ўтлагани яйловга қўйиб юборди-да, Перияннан ҳовузга тушди. Оёқ-қўлини уриб-уриб, анчагача сувни шалолатиб юрди. Сувнинг совуқлигидан бутун чарчоғи чиқиб, руҳи тетиклашди, ўзини қушдай ҳис этди. Барибир... бу сув аёлнинг муҳаббат тўла тафтидан келувчи роҳат олдидан ўтаверсин, экан. Шуни дилдан ўтказиб, у ҳовуздан чиқди. Ўтлаш ўрнига, ҳўкизлари дарахт тагида ётиб, кавш қайтармоқда эди. Улар ҳам дам олиш бахтига муяссар бўлишганди. Ҳўкизларнинг арқонидан ушлаб, уй томон йўл олди. Йўлда Челлаппан учраб қолди.

– Тоғажон, – деди у салом-алиқдан сўнг, – Павлайи билан тўйга кетаяпман. Тўй унинг қариндошиникида. Кечқурун ва эрталаб ҳўкизларга емиш бериб қўйинг. Эртага пешингача қайтиб келамиз. Уйга ҳам кўз-қулоқ бўлиб турсангиз...

Челлаппан дона-дона қилиб деди:

– Ие, нега хавотир оласан? Хоҳласанг, тўрт кунлаб кайфу сафо қилиб келмайсанми. Уйга ўзим қараб тураман.

Унинг гаплари оҳангида, менга нима, дуч келган жойда ётиб қолавермайсанми, ёшлиқда қўйнингда хотин билан ухлашнинг гашти бошқачада, деган маъно ҳам бор эди.

Перияннан унинг шамасидан шу маънони уқиб, деди:

– Унда мен кетдим, тоға...

Павлайи тайёр бўлди, бироқ чехрасида қувончдан асар ҳам йўқ эди. Тўй шодиёнасига хос масрурлик белгилари кўринмасди. Юзида бу сафарга кўнгли йўқлиги аниқ кўриниб турарди.

Ўзига апил-тапил оро бериб, қаққайиб турган хотинига бир қараб қўйди-да, Перияннан деди:

– Сен уйдан, ҳўкизлардан хавотир оляпсан, шекилли-а? Челлаппан тоғамга айтдим, ҳаммасига қараб турадилар, – шундай деб, у қулиб юборди. Кулгининг маъноси шу эди: “Ие, шунга ҳам ақлим етмасмиди?..”

Уйга қулф осиб, Павлайи ташқарига чиқди. Бирдан нимадир эсига тушиб, Перияннан деди:

– Бироз шошма, каравот ва шолчани даҳлизга қўйиб чиқай, тунда тоғам келиб ухлайдилар.

У каравот ва шолчани олиб чиқиб қўйди. Кейин бармоғини бурни устига қўйиб, бир нимани ўйлагандек туриб қолди. Тағин бирон нима эсидан чиқмадимикан? Охири: “Бўлди, кетдик...” – деди.

У йўлга тушди. Қулфни икки марта тортиб кўриб, Павлайи ҳам унинг ортидан кетди. То кишлоқдан чиқмагунларича у ўзининг суюкли хотинини кўнгилдагидек кучиб кета олмади. Шарм-ҳаё ва уят бунга йўл қўймади. Қишлоқ чеккасида учраган бир қария сўради:

– Ҳой, Перияннан! Хотининг билан қаёққа йўл олдинг, жиян?..

Шу оддийгина саволдан у довдираб қолди. Сабаби, ҳалиги қария ўзига етганча ҳазилкаш эди. Биронта одам унинг ҳазилларидан қочиб қутулмаган. Кўзи бирор нимага тушса, бўлди, қишлоқда ғийбат болаларди. Баъзи ҳазиллари шунақанги жиддий бўладики, такрорланавериб, лақабга



айланиб кетарди. Қишлоқда қорни пастга осилиб тушган бир семиз одам бор эди. Уни кўриб, ҳазилкаш бобо деди:

– Ие, бу бўғоз сигирга ўхшайдими?

Кўп ўтмай шу ном унинг оиласига лақаб бўлиб қолди. Ҳамма уларни “бўғоз оила” деган лақаб билан чақира бошлади. Яна буларни ҳам шундай бир лақаб билан сийламасин-да. Шуни ўйлаб, Перияннан кўрқиб гапирди:

– Тўйга кетяпмиз, амакижон... – кейин уни чалғитиш учун гапни бошқа ёққа буриб деди: – Амаки, бу тўққиз-ўнта эчкингиз бор эди, қани улар? Тўрт-бештасини кўряпман холос.

Бобо қизариб кетган кўзларини ола-кула қилиб деди:

– Э-э, ука, сенга ўхшаган ўғлим бўлганида, шу ёшимда эчки боқиб юрмасдим. Баднафс қоринни тўйдираман деб, баъзиларини сотиб едим...

Мол қариса, қушхонага боради, инсон қариса, кўчада қоларкан. Перияннан шундай деб эшитган. Чунончи, у деди:

– Бўпти, амакижон, кун ботмасдан етиб олиш керак... – шундай дея у қадамини тезлатди.

Қишлоқ ортда қолди, бироқ Перияннан тўхтаб-тўхтаб, ортга қайтиб буриллар, хотинининг ёнига келиб, ундан-бундан гап отар эди. Унинг кулгили гапларини эшитиб, Павлайининг хиёл чеҳраси очилди, қикирлаб куларди. Хотинининг кулганини кўриб, Перияннан ўзида йўқ суюнди.

Павлайи куларди, бироқ юрагида ҳамон ғашлик ва ҳадик ҳукмрон эди. Қадрдон қишлоғига яқинлашганлари сари собиқ севгилиси билан бирга ўтган кунлари, бирга ўйнаганлари, қурган ширин-ширин суҳбатлари оқар сувдай юрагига бостириб кириб келмоқда эди.

У ердан Каруппанар мандири<sup>1</sup> кўриниб турарди. Павлайи хўрсиниб, ўша томонга қаради. Ташқи девор катта-кичик тошлардан қурилган эди, ички томонида экинлар барқ уриб ўсган, улкан ним дарахти қуюқ соя ташлаган. Ўртадаги майдонда Каруппанар Свамининг<sup>2</sup> ҳайкали савлат тўкиб турибди. Орқадаги деворга чирмашган чирмовуқ гуллар ғуж-ғуж гуллаб ётибди. Улардан таралган хушбўй ҳид Павлайининг димоғини қитиклаб ўтгандек бўлди. Эсида, шу ҳайкал атрофида югуриб, йигит билан бекинмачок ўйнаган эди. Узиб олишган гулни юзига теккизиб-теккизиб, паст овозда юрагидаги сирларини очиб солганди. Кўзларида тўлиб-тошган муҳаббат дарёси мавжланарди. Овозида кўшиқ оҳанги. Изтироб жозибаси. Ўша гуллар орасида, ним дарахти остида, чирмовуқ гулларнинг қуюқ буталари орасида қанчадан-қанча гаплар бўлиб ўтмаган дейсиз? Эҳ-ҳе, ёнма-ён ўтириб, орзулардан қанақанги қасрлар қуришмаганди. Йигит айтганди:

– Агар қиз туғилса, исмини Каруппати қўямиз.

Павлайи қотиб-қотиб қулганди:

– Тўғриси айт, агар ўғил туғилса, исмини Каруппан деб қўймайсанми, ишқилиб?

– Йўғ-е, Худонинг олдида бунақа гаплар айтилмайди, – деганди йигит.

Бирдан Павлайи кўрқиб кетганди. “Ўғлим гавҳардек тиниқ бўлиши керак... Худди шу тилларанг гулларга ўхшаб. Ўғлимнинг соч олдириш маросимини шу ерда ўтказаман”. Хотиралар занжири узилди.

– Ҳой қиз! Қишлоғингга яқинлашиб, болалигинг эсингга тушиб кетди-ми, дейман? – сўради Перияннан.

Павлайи чўчиб тушди. Унинг сирларини билиб, шундай деяптими, нима бало? Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Фақат онасигина бу сирдан

<sup>1</sup> Мандир – ибодатхона.

<sup>2</sup> Свами – авлиёлар, улуг зотлар номига қўшиб ишлатиладиган унвон.

хабардор. Отаси ҳам беҳабар. Ҳар инсоннинг болалик хотиралари бўлади. Ҳар кимники ҳар хил-у, лекин ҳис-туйғулар ўша-ўша.

Павлайи ўзи томонга тикилиб турган эрига қараганча, хотираларни ҳайдаб деди:

– Ҳамма болалар шу ерда ўйнар эдик, – у Каруппанар Свами мандири томонга ишора қилди.

– Кимлар билан ўйнар эдинг?

Саволи бунча қўпол бўлмаса? Нега бундай савол беряпти? Юрагида яна ўша хавотир уйғонди. “Сутдан оғзи куйган қатикни пуфлаб ичади”, деганларидек, сирларимиз бизни доим таъкиб қилгани-қилган экан-да? Шуларни ўйлаб, Павлайи деди:

– Мен эчки боқувчи қизлар билан ўйнар эдим.

– Уларнинг ҳаммасини бугун тўйда кўрасан. Бундай қулай пайт бўларканми, яна бормайман деб тикилинч қиласан-а...

Уни бу ерга зўрлаб олиб келгани учун Перияннан ўзидан ғурурланиб кетди. Бу унинг овозидан яққол сезилиб турарди.

“Эй, Худо! Менинг бу сиримни бир умр сирлигича қолдир”. Чуқур ўйга толиб, эрига деди:

– Менга қаранг, қишлоққа келиб қолдик... Олдинроқда юринг. Бўлмаса, тоғам, қайин укаларингиз бизни бирга кўриб, майна қилишади.

– Эркак кишининг қўлига қиз ўз қўлини ушлатиб қўйганининг маъносини ҳамма ҳам билади. Унда кулса, куладиган иш бўлади. Бирга юрганнинг нимаси кулгили экан? – шундай дея Перияннан силкиниб-силкиниб қолди.

Павлайи ясама норозилик билан:

– Барибир ҳам олдинда юринг – деди-да, эрини олдинга ўтказди.

– Менга қара... кўпам жаҳл... Бўлмаса, мана шу ҳовузга ўзимни ташлаб, чўкиб кетаман, – деди, ясама жаҳл билан эри. Бу жаҳлда беғуборлик мужассам эди.

Бу ҳовузнинг ҳам Павлайининг ҳаёти билан боғлиқ жойи бор. Ёмғир мавсумида у сувга тўлиб-тошарди, хўкизлар ундан чиқмай, ётиб олишарди. Тушки куёш сув юзасини оз-моз илитса-да, бироқ ҳовузнинг таги совуқ эди. Павлайи битта дхўтий билан сувга тушди. Иссиқ ва совуқ сув биргаликда танага ҳузур бағишларди. Қиз оёқларини ерга тираб сакради-да, орқаси билан сузишга ҳаракат қилди. Сув бетига чиқиб, оғзи ва бурнига кирган сувни туф-туфлаб чиқариб ташлай бошлади. Лойқа сувнинг таъми бурундан томоққа ўтиб, димоғига ўрнашиб қолди. Ҳовучида сув олиб келди-да, қирғоқда ўтирган йигитнинг устидан сепиб юборди. Сувга тушайми, йўқми деб иккиланиб турган йигит шу заҳоти ботирланиб, сувга сакради. Ёшлик – бебошлик, деб бекорга айтишмайди. Бир-бирига тегажожлик қилишда давом этдилар. Ҳовузнинг тубида чўкиб ётган қизғиш балчиқдан олиб, қиз йигитнинг боши ва юзига суртиб ташлади. Ундан ўч олиш мақсадида йигит ҳам унинг дхўтийсини ечиб олди-да, хўкизга миниб олди. Уялиб ва хафа бўлиб, қиз унга пўписа қилди:

– Ҳой, дхўтийимни берасанми, йўқми?... – шундай дея битта тош олиб, йигитни мўлжалга ола бошлади.

Йигит жавобан унга сочиқ отди. Қиз сочиқни ушлаб олиб, ғолибона жилмайди. Шунда йигит бир шўнғиб, сув остидан келди-да, қизнинг иккала оёғидан ушлаб олди. Кўрққанидан сакраб тушган Павлайи унинг устига йиқилди. Йигит қизни чақалокқа ўхшаб қўлига кўтарганча, бағрига босди. Йигитнинг қўлларини тишлаб, Павлайи сувга сакраб тушди. Буларнинг бари ўсмирлик шўхликлари эди. У пайтлар қиз тушмагур ҳатто сарисини

хам рисоладагидек ўрай олмасди. Бугун ўша воқеа юрагида чуқур ярага айланиб қолган. Ҳамон оташида ёндириб, хуруж қилади. Соддалик, бебошлик, ғўрлик туфайли улар бошқача хаёлга боришмасди. Бир-бирини ушлаганда, бошқа нарсаларни ҳеч ҳам ҳис этишмасди. Куёшнинг тафтидан ҳамма нарса жўн, аммо ғоят ҳузурбахш эди!

Ўша лаҳзаларда юраги илҳомларга тўлиб-тошгани ростми? Ундан янги куч ва ҳаёт ола олганмиди? Чексиз қувонч берувчи ўша оний лаҳзалар қаёққа кетди? Нега ҳаёти ўша лаззатбахш дамларда ниҳоясига етиб қўя қолмади экан?

Ёшликнинг фарахбахш кунларига қайтишга не ҳожат? Майли, истак ва ушалмас орзулар ярим йўлда хазон бўлди. Қайнаб турган сутга сув сепилгандек, барча эҳтирослар сўниб битди. Хўш, унда ҳис қилиш туйғуси йўқмиди? Жони йўқмиди? Ҳаракати йўқмиди? Асрлардан бери аёлларнинг туйғулари, хоҳишлари, ташвишларию орзулари шу тариқа сўндирилиб, ёқиб юборилармиди? Аёлнинг тақдири ғам, алам ва зулматли келажакдангина иборатми? Муҳаббатнинг охири изтироб торта-торта ўлиб кетиш билан тугаши керакми? Қишлоқ ва ўз севгилисининг хотиралари оловида тинимсиз ёниб-қуйиб ўтиш ёзилганми Павлайининг тақдирига ҳам?

Қишлоққа қадам қўйишлари биланоқ, тўйхонадан эшитилаётган сурнай ва ноғораларнинг овози шамолга қўшилиб, Павлайининг хаёлларини учириб юборди. Унинг ота уйи қишлоққа кираверишда эди. Онаси уйнинг даҳлизидан турган экан. Қизи билан куёвининг бирга келганини кўриб, беҳад хурсанд бўлди. Ҳатто кўзлари ёшланди. Қизига шундай яхши куёв чиқади деб ўйламаганди. Фақат она-бола ўртасидаги ўша сир яширин қолганидан сўнг қизи жамоат тамойилига амал қилди, ҳаётлари ағдартўнтар бўлмади. Шундай бўлса ҳам она жигарбандининг ичидан нималар ўтаётганини тушунар эди. Неча-неча замонлардан бери бундай қизлар ҳақида юрадиган миш-мишлар ва фожиали ҳикоялардан озмунчасини эшитганми? Ҳаёти никоҳ омочида мажбуран ҳайдаб чиқилди. Оилани буза олмаганидан ич-ичидан қуйиб, ноилож тирик юрган ичиқораларни кўрмаганми? Нима қилсин?.. Қиз бола дунёга келди дегани – турганбитгани ғам-ташвиш ва дарду бало дегани. Унинг фикрини бир чақага олмайдиган жамиятда ўт ичида ёниб туриб ҳам гулдек очилиб, табассум қилишга тўғри келади. Айнан шундай сохта табассум билан келатган кизига пешвоз чиқар экан:

– Келинг, ўғлим... – чуқур эҳтиром ила куёвини қаршилади она. – Кеч бўлиб қолди, эртароқ келмабсизлар-да...

Павлайи онасининг гапларига эътибор бермай сўради:

– Отам билан Папатти қани?

– Кумҳарпареда тўй бор эди, ўша ёққа кетишди... – гап билан овора бўлиб қолганини бирдан эслади: – Ие, куёвга қарамай, нималар деяпман? Вой ўлмасам! Келинг, ўғлим, ўтиринг... – дея куёвини каравотга ўтказди.

Тезда қаҳва тайёрлаб куёвига узатаркан, қизига деди:

– Сен ҳам қаҳва ичиб, тезда тайёр бўл... тўйга бориш керак бўлса, ҳаялламайлик.

– Зиёфат вақтига етиб борсак бўлди-да, шундай эмасми?

– Ие, қизим, тезда бориб уларга ёрдам бермасак бўлмайди. Кўздек қўшни бўлсак, кунимизга ярайдиган шулар-ку...

Қиз кўз очиб-юмгунча тайёр бўлди. Кейин учовлон тўй бўлаётган хонадонга йўл олишди. Уй қариндош-уруғлар билан лик тўла эди. Никоҳ расм-русумлари адо этилаётган эди. Эркак-аёллар алоҳида-алоҳида ўтирар,

суҳбат авжида эди. Сочилган гуллар каби болалар ҳовлини бошларига кўтариб, у ёқдан-бу ёққа югурар эдилар.

Дов-дарахтларнинг япроқлари кумушдай товланар, ҳосил йиғиштириб бўлинган. Даладан келаётган тупрокнинг намхуш ҳиди ва қовжирок япроқларнинг иси атрофга ёйилган, кичик-кичик чуқурларга тўлган ёмғир суви қуёш нурида жимжима қилади.

Тўйнинг шодиёнага тўла муҳити севишганлар учун айна муддао. Павлайида ҳам худди шундай бўлди. Тўйдан сўнг хуштори Муруган билан учрашишга муваффақ бўлди. Тўйдан бирга чикиб, иккаласи қишлоқ чеккасига боришди ва ним дарахтининг қоронғи соясида ўтириб олдилар. Ойдин кечада ўримдан сўнг бўш қолган кимсасиз дала уларнинг кўз ўнгида ястаниб ётарди. Бир қуш оппоқ фариштага ўхшаб, қанотларини қоқа-қоқа уларнинг бошлари устидан учиб ўтиб, қояга бориб қўнди. Ёлғиз қуш негадир қайғули овозда хониш қила бошлади. Уйдагиларнинг қаттиқ уйқусидан фойдаланиб, мана бундай ойдин кечада улар илк бор учрашган эдилар... Қоронғилик кўйнида, дарахт остида... Ўша куни ҳам худди шу қуш сайраган эди. Ўша куни ёлғиз эмас, шериги билан бирга, навбатманавбат сайраган эди. Ўшандаги хонишда мунгдан асар ҳам йўқ эди. Юракни орзиқтирувчи ишқ сурури мужассам эди. Ўша куни ҳар икковининг юрагидан севги ҳислари тошиб чиққанди. Ким билсин, нималар деб онт ичишди, қўлни қўлга бериб, аҳду паймон қилишди. Ўша тунда ҳам шундай салқин шабада эсаётган эди. Бир жуфт ошиқнинг висол лаззатидан баҳраманд бўлишга имкон бергандек, ой гўё чор-атрофга кумуш нурларини аямай сочарди. Бироқ бу дарахтнинг ости ўша тунда ҳам худди шундай қоп-қоронғи эди. Ўша туни улар биргаликда орзулар қасрини тиклаган, ширин-шакар суҳбатлар қурган эдилар. Танлари яйраб, диллари лаззат дарёсида сузганча улар, ким билсин, нималар ҳақида гаплашишмади.

Бугун уларнинг қалби аввалгидек сармаст эмас, балки юракларини кўркув чулғаб олганди. Орзулар қанот қоқмаётган эди. Лат еган жароҳатдан қон сизиб чиқмоқда эди. Ваъдалар ва қасамлар жувонмарг бўлганди. Қўлдаги қавариққа ўхшаб, беқарорлик тинимсиз азоб берар эди. Ўшанда биргаликлари унга дадиллик бағишлаган эди. Нигоҳида ишонч акс этар, суҳбатлари илҳомбахш эди. Бугун ҳаммаси тушга, ушалмас орзуга айланиб, гуллар хазон бўлди. Юрагининг тубини хавотир эгаллаган. Бугун у бошқа бир эракнинг хасми ҳалоли. Нима бўлганда ҳам у эрига хиёнат қилармиди? Бекорга у онасиникига келишдан бош тортмаётганди-да! Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Юрагидаги яралари битиб кетиши учун яна бироз вақт керак эди, лекин эри унинг гапларига қулоқ солмади, мана оқибат... Бу ойдин кечада у қандай ёлғиз кетсин? Никоҳ маросимида унинг имосини сездимикан, ишқилиб?... Дилдан изтироб чекаётгани юзидан аниқ кўришиб турарди. Лабларининг титраши шундан далолат берарди... Агар бугун учрашмасак, бошқа ҳеч қачон учрашолмаймиз...

Унинг киприклари намланди ва томоғига бир нарса тикилди. Уни бу аҳволда кўриб, йигит сўради:

– Павлайи... Эрингникида сени қийнашмаяптими?

У эрини Худо деб биларди. Бундай эр ҳар қандай аёлга ҳам насиб этвермайди. Павлайи нима дейишини билмасди.

“Аёл киши туғилибок, тош бўлиб яшашга мажбур. Унинг юраги қонга тўладими, зардобгами, кимнинг неча пуллик иши бор? Унинг юрагини ким тушунарди?”

Биров игна санчгандек, у сесканиб тушди. Йигитнинг тили ўз бошига

бало бўлмадимикан? Йигит ўта вазминлик билан уни тинчлантиришга ҳаракат қилди:

– Дилингни оғритиб қўймадимми?

Бу саволга у нима ҳам деб жавоб бера олади? Хўш, бу масалада ягона айбдор уми? Бунда Павлайининг айби йўқми? Йигитнинг ёниқ нигоҳига кўзи тушганда, нега киз куйиб кул бўлмади? Агар унга нисбатан зўравонлик қилган бўлса ҳам унга қаршилик кўрсата олмасмиди?

Аёл кишини ҳамма ожиза деб билади. Балки шунинг учун ҳам эркак зоти уни осонликча бўйсундира олар? “Мен энди бошқа бировнинг хасми-ман, буни била туриб ҳам бошқача фикрлашга ҳаракат қилиш ўринлими?”

Хув анави ерда нола қилаётган балиқхўр қушга диққат билан қаради. У нега нола қиляпти? Ўз севгилисидан айрилиб, алам чекаяттимикан? Ёки яна эридан узоқда бўлиб, айрилиқ азобида қийналаяптими? У осонликча берди-я, шу саволни? Кеча бировни жон-тани билан севиб, бугун уни рад этиш шунчалик осонми? Ўша вақтда Павлайи уни муҳаббат ҳиссига кўмиб юбормаганмиди? Сўзларидаги дилрабо сеҳр унинг томирларига сингиб кетмаганмиди? Унда ўз юрагини қурбон қилишга берган ваъдасига ҳамон вафо қилармикан? Ўз танасига қўл теккизишга изн бергани ҳам бир ўйинмиди? “Сенсиз мен учун ҳаёт йўқ” каби гаплари юзакимиди? Аёл зотининг юраги тубсиз денгиз деб, тўғри айтишган экан. Денгизда беҳисоб тирик жонзотлар қаторида балки хиёнат, иккиюзламалик, бифарқлик каби иллатлар ҳам яшаса керак? Денгиз тўлқинлари каби, унинг кўнглида ҳам фикрлар туғён уради.

– Қўлингни кўксингга қўйиб айт, юрагингдан жой олган одам ким? Эрингми ёки менми? Фақат бир сўз билан жавоб бер... Сени ҳеч қачон ёқтирмаганман деб айт, шунда сендан абадий юз ўгираман. Лекин бу юракдан сени ўчириб ташлай олмайман! Сенсиз яшашим мумкин эмас! Нафасимда, юрагимда, томиримнинг ҳар бир уришида, овозим мавжларида – бутун вужудимда сен яшайсан! У ерда сендан ўзга ҳеч кимнинг яшашга ҳақи йўқ.

У жажжи кизалоққа ўхшаб қолганди. Онаси қўлларини узатиб, сенга отанг керакми ёки онанг, деб сўраса, у бешак онаси томон талпинади. Агар отаси қўлини узатиб, сенга отанг керакми ё онанг, деб сўраса, унда отасининг кўксига бош қўяди. У ҳам ҳозир худди шу ҳолатда эди. Эри билан яшаса, севгилисини унутиши керак. Севгилисини кўрганда, унга қандай қаршилик кўрсатишни билмай боши қотади. Унинг ҳар бир нафасида севгилисининг қиёфаси акс этиб туради. Жисмидан жудо бўлгудек бўлса, фикр ва нафасида унинг муҳаббати гуркирамоқда. Уни унутдим деб қандай айта олади? Бундай бўлиши мумкин эмас. Унинг хотираси ва орзуси ҳаётига файз ва интилиш берди. У ўшандай интилиб яшашни истайди. Хотиралар ва орзулар бардавомдир, улар ўлмайди. Қонини йўқотган тана узоқ яшамайди. Шуларни ўйлаб, юраги ўз-ўзидан таскин топди.

– Павлайи, саволимни эшитдингми?

У “ҳа” дегандек бош силкиди. Савол унинг юрагига наштардек ботди, вужуди титраб кетди. Балиқхўр қушнинг дардли ноласи каби ўша оғрик тўғри унинг қалбига кириб жойлашди. Йигит гапида давом этди:

– Бу туғилишимда<sup>1</sup> сени унута олмайман... Ростини айтяпман... – у бошини эгди, сўзлари бўғзига тикилди.

Павлайи ҳам шундай ҳолатда эди. Кошки, ўтмишни унутиш осон бўлса! Жажжи полапонларга ўхшаб, ўша туйғулар юрагига ўрнашиб қолган эди.

<sup>1</sup> Ҳинд фалсафасига кўра, одам етти марта туғилади.



“Менинг ҳам аҳволим шу”, – деб айтмоқчи бўлди-ю, бундан янада қийналишини билиб, ўйлаиб қолди. Амалга ошмас тақдирдан яна умидланиб қолмасин, деб кўрқарди.

– Нима қилсин, бировнинг хасми бўлгач, бу ҳақда гапиришдан не фойда? Менинг эрим соддадил инсон. Ўз ўтмишим билан уни жазолаш тўғри бўлармикан? Бечорада гуноҳ йўқ, шунинг учун менга боғланиб, мени тушуниб, пой-патак бўлиб келаяпти.

– Ҳа... мен сени тушунаман. Сен бахтли яшай олмайсан, буни ҳам биламан. Ёнимга қайт. Сен ҳам бахтли эмассан, мен ҳам хотиржам эмасман, бу қачонгача давом этади? Еримни, ҳосилимни сотсам, пул келади. Анча узоққа, ҳеч ким билмайдиган жойларга кетамиз. Маломат тошларини отувчилардан узоққа бориб яшаймиз. Сен ҳаммасини унута оласан. Ахир мен... сенинг борлигингман-ку! Сенсиз ҳаёт менга ҳаром. Сени кўрмасдан хотиржам яшай олмайман, Павлайи. Фақат йўқ дема...

Тўй бўлаётган уйда куй-қўшиқ авжида. Чамаси, никоҳ ўқиб бўлинган эди. Одамлар уй-уйларига тарқала бошладилар. Эрталаб яна тўй маросимлари бошланади. “Онам қидираётган бўлса керак. Кетмасам бўлмайди. Акс ҳолда хавотир олишади. Сиримни ундан яшириб нима қилдим?”

– Ҳой, нега жимсан? Ҳали ҳам кеч эмас, истасанг ҳозирок...

– Онам мени излаётган бўлсалар керак, – деб, Павлайи туриб кета бошлади.

– Бир марта ҳўп дегин, иккимиз тинч бир жойга кетамиз. У ерда биз кўрқадиган ҳеч ким бўлмайди. Ҳеч кимга ҳисоб бермайсан.

Павлайи иккиланиб қолди. Нима деб жавоб берсин – шуни ўйлаб, ўйининг тагига етолмасди. Агар яна бироз вақт шу ерда қолса, балки дилининг эшиклари ланг очилиб кетиши ҳеч гап эмасди. Севги кўринишидаги уяту андишаларни остин-устин қилиб ташлашга қодир. Боз устига яна бир муаммо туғилиши мумкин.

Бу ёқда она қизини қидирарди. Тўйхонада кўринмади. Бемаъни ҳаёлларни бир четга суриб қўйди-да, уйга кетган бўлса керак, деган фикр билан ўзига тасалли берди. Лекин... Эрини ташлаб кетадими? Онанинг юрагини тушунарсиз кўркув эгаллаб олди. Шу топда орқа дарвозадан кириб келаётган қизи кўринди. Ие, у ичкарида эмасмиди? Унинг ўзи ҳам ошхонада юмушларга қарашиб юриб, шунинг учун кўринмаган экан-да? Кетма-кет рўпарадан куёви чиқиб қолди. Онани қийнаётган гумонларга жавоб топилди. Ичини зумда ўт олгандек бўлди. У ич-ичидан Павлайини койий кетди: “Ҳой, ер ютгур қиз, шунча куйдирганинг камми?”

Овқат вақти бўлиб қолди. Ҳамманинг диққати овқат тортилаётган дастурхонда эди. Дастурхонга япроқ ликоплар қўйиб чиқилмоқда эди. Шу орада ҳеч ким Павлайининг йигити билан чиқиб кетганини сезмай қолди. Бундан онанинг безовта юраги бироз тинчланди. Шундай бўлса ҳам янги турмушга чиққан қизнинг бунақа юриши яхшими? Агар қуда томондагилардан биронтаси кўриб қолса, ҳаммага гап бўлади. Эндигина ўша сирни ёпди-ёпди қилган эди-я... Агар сир очилгудек бўлса борми... Шуларни ўйлаб, она ўзини қўйгани жой тополмай қолди.

\* \* \*

Зиёфат тугагач, меҳмонлар уй-уйларига тарқала бошлашди. Она ҳам қизи ва куёви билан бирга уйга қайтди. Она-бола ичкарида, куёв эса даҳлизда ухладилар. Ўрта ҳол дехқонларнинг айвон ва даҳлизларигина

бўлади холос. Уйга меҳмон келса, аёллар ичкарида, эркаклар айвон ёки дахлизда ухлайдилар. Одам кўпайиб кетса, молхонага каравот қўйиб берилади. Аслида меҳмонларни молхонага ётқизишга уларнинг ғурурлари йўл қўймайди. Шунинг учун ҳамма айвону дахлизга жойлаштирилади.

Ташқари совуқ эди. Дахлиз палма япрокларидан қилинган чодир билан тўсилганди. Шунга қарамай, совуқ ҳаводан баданлар увушиб, уйку ўчиб кетар, ҳали у ёнбошга, ҳали бу ёнбошга ағдарилиб ётишга тўғри келар эди.

Ичкарида хотини ва қайнонаси ўзаро гаплашиб ётишарди. Мудроқ ҳолатда ҳам уларнинг гаплари аниқ-тиниқ қулоғига чалинар эди. Эшитганларидан у ларзага тушди. Энди бутун вужуди қулоққа айланди.

Дахлизнинг нариги томонида қўндоққа қамалган товуклар ёйилган қанотлари орасига тумшукларини сукиб, бир-бирларини битлардан тозаларди. Ора-чора улар қанот қоқиб қўйишарди. Болут меваларини еб, энди аста-аста кавш қайтараётган эчкиларнинг курт-курти эшитилиб турарди. Томдан эса каламушларнинг у ёқдан-бу ёққа югургандаги питир-питир овозлари келади.

– Павлайи, эрга тегиб, бир эркакнинг этагидан тутгандан кейинги бу қилиғинг яхшими? – Она вазмин, лекин паст овозда гапирди. Унинг овозида ҳам қўрқув, ҳам ўтинч бор эди.

– Нималар деяпсиз, ойи? Эсингизни едингизми? – Павлайининг овозида айёрлик яққол сезилди.

– Тўйга бориб, қаёққа йўқолиб қолдинг? Сени қидирмаган жойим қолмади. Қарасам, анави билан бирга кириб келяпсан...

Павлайи онаси унинг хатти-ҳаракатига кўз-қулоқ бўлганлигини англаб етди. Шунда ҳам сир бой бермай, ёлғондан деди:

– Мен уни кўрганим ҳам йўқ...

– Қулоқ сол, қизим. Ҳаётинг остин-устин бўлиб кетади-я. Эркак ҳеч нарса йўқотмайди, аёлнинг эса тупроғи енгил. Бу ор-номус масаласи, ахир. Қўйлак йиртилса, тикиб кийса бўлади, агар шиша синса-чи?.. Аёлнинг ҳаёти шишага ўхшайди... – она жон куйдириб уқтирди унга.

Бу гапларни эшитиб, Перияннаннинг баданидан тер чиқиб кетди. Ҳаво қанчалик совуқ бўлмасин, танаси оловдек ёнарди. Индамай қишлоққа жўнаворсамикан?.. Юраги ҳаприқиб кетди. Йўқ, гапнинг давомини эшитиш керак. Ўзини қаттиқ ухлаган қилиб кўрсатиш учун хуррак ота бошлади ҳам.

– Ойи, нега гапимга ишонмайсиз?

Она чуқур ух тортди. Унинг қаттиқ куйингани сезилиб турарди. Ўзини хотиржамроқ ҳис қилиш учун каравотдан ерга тушиб ўтирди. Мандирда қурбонлик эчкининг бошига сув сепилганда, эчки бошини силкитганидек, она бошини бир силтаб, томоқ қириб деди:

– Дайди итнинг кўнгли далада бўлади. Ёшлик – бебошлик, дейдилар. Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Сенинг юрагинг мурдор лўқмага учяпти, уни ҳалол лўқмага айлантириш қийин. Мен дилинган ўтаётганини кундай кўриб турибман. Дарёдаги тип-тиниқ сувни қўйиб, ифлос ариқнинг лўққа сувида чўмилишни ҳаёлингга ҳам келтирма.

Бундай очиқ-ошқора гаплар Павлайига қаттиқ ботди. У ўз хагосини англамаётганди, аксинча, уни яширмоқчи бўлар эди. Билиб-билмай севглиси юрагида ёққан олов энди кул ичидаги чўққа ўхшаб аланга олаётган эди. У деди:

– Она, юрагимни куйдирманг. Худди шу нарсани ўйлаб, мен тўйга боришни хоҳламовдим. Куёвингиз қўярда-қўймай олиб келди...

Бу ёқда бошқа гаплар борлигини у қаёқдан билсин? Тўйдан сўнг қайнота томондан биринчи таклиф келганди. Шунда эр-хотин бирга боришларини дилига тугиб қўювди. Янги келин-куёвнинг кўнгиллари ҳам бир айланиб келишни тусаши оддий ҳол. Онанинг дилида эса минг хил ўй-фикрлар чарх урарди.

– Ичимдан чиққан чаёнсан, болагинам. Она ўз жигаридан бўлган дил-бандига шамолни раво кўрадимиз? Ҳаммасига яна она шўрлик балогардон. Сарининг бир четига олов илашса, қанча жойни куйдиради? Бутун бошли сарига ўт тушса-чи, ҳаммаси куйиб, қулга айланмайдими?

Ўзи бошлаган ишидан унинг ўзи пушаймон эди. Онасининг олдида йўқ дегани билан юрагидаги пинҳон ҳақиқатни ҳис этиб, ўзи қўрқувга тушмоқда. Онасининг ҳар гапидан ҳушига кела бошлаётганди. Энди бу гап-сўзлар арвоҳга ўхшаб уни таъқиб қилмоқда. Тугунни узишга ҳаракат қилгани сари у баттар чуваланиб бораётган эди.

Эчкиларни ўтлатаётиб, хурмо дарахтининг тагида иккаласининг ўйнаганлари ва бу билан боғлиқ хотиралардан кўнгли титраб кетди. Дарахт атрофида югуриб, бир-бирини тутишга ҳаракат қилишарди. Бекинмачоқ ўйнашарди, дарахтнинг ёйилган илдизларига қоқилиб, бир-бирининг устига йиқилиб тушар ва бундан хандон отиб қулишарди. Ўғил боланинг баданига биринчи бор тегиб кетганидаги беғубор туйғу ҳамон уни эркалаб силар эди. Ўтлаб юрган сигирлар қўшниларнинг шоли-поясига кириб кетарди. Йигитга сигирларни қайтаришни айтиб, ўзи кўзларини ўйнаганча қочиб қоларди. Ўша воқеани эсласа, хотиралар оҳанрабодек уни ўзига тортиб, дилига саринлик бағишлар эди. Ўша тегиниб кетиш ва кўзлардаги ишора аслида тасодифий воқеалар эди, лекин бугун уни эсласан дегунча, нега юраги дук-дук уриб кетади? Кўнгили истаги девор билан ўраб қўйилди, энди бир умр шу девор ичидан чиқмай яшашга мажбурми? Қонда пайдо бўлган оташин муҳаббат орзулари саробдай йўқолиб, бир пулга қиммат бўлиб қоладими? Ҳаётда тақдир чекловларидан қучли яна нима бор? Ёшга кўра қаршиликлар, чекловлар... Шунда ҳам ҳаёт дарёси бетўхтов оқаверади. Муҳаббат оқими башариятнинг оқими билан қўшилиб кетади. Бир қарасак, тизгинсиз ҳаёт оқими ва бир қарасак, қуруқ ҳаёлотдан иборат хатолар... Хўш, ҳаёт ҳам шунақами? Унинг дилидаги ўша оқим – ҳаёт оқимими ёки ҳаёлот тўлқинларими?

Қизининг мум тишлаб қолганидан онанинг жаҳли чиқиб кетди. Ичидан ғазаб тошиб келаётганди. Дағал овозда сўради:

– Ухлаб қолдингми?

Қандай ухлай олсин? Унинг ҳам юрагида дахшатли тўфон авжига чиқаётган, гўё ер ларзага келаётган эди. Шу алфозда ухлаб бўларканми? “Ўзимни ухлаганга солсам, ҳеч бўлмаганда онамининг сўров ўқларидан омон қолармидим”, деган ҳаёлга борди. Қизининг жимиб қолгани, хойнахой, шундан эди.

– Ие, уйқунг келдими? Ҳали уйқунг ҳам келяптими? – онаси жиғибийрон бўлди.

Павлайи бир тўхтамга келиб бўлди, бу ёғига қимир этмай ётаверади. Худди ростдан ҳам ухлаётгандек, чукур-чукур нафас ола бошлади.

Бироз тинчлангач, онаси Худога ёлвора бошлади: “Эй, Худойим! Қизимга ўзинг инсоф бер, уни тўғри йўлга бошла. Берганингда ёш ниҳол эди, энди ўзининг караминг билан униб-ўсиб, дарахтга айлансин!” Сўнг сарисининг барини устига чойшаб қилиб ёпиб, ухлаб қолди.

\* \* \*

Аста-секин Перияннаннинг юрагида шубҳа болалай бошлади. Ўзи шу тўйга келмаслик керак эди. Хотини кўнмаганди-я, ўзи уни зўрлаб олиб келди. Унинг кўнглидаги гапларни билмаганида қандай яхши бўларди! У келин бўлиб тушганида, Перияннаннинг ҳаётига баҳор кириб келгандай эди. Ҳаётнинг маъносини тушуниб етганди. Шўх ёшлик ва унинг завқ-шавқини ҳис этганди. Тупрокқа нисбатан меҳр уйғонганди. Энди эса бу тупрокда нафрат ва ишончсизлик меваси униб чиқади, юракни маъюслик ва тушкунлик чулғайдиган кўринади. Йўқ... “Мен бундай ўйламаслигим керак. Ўн гулидан бир гули очилай деганда юрагимда жароҳат пайдо бўлди. Жароҳат бўлгандан кейин унинг ўрнида доғ қолади. Доғ қолишидан кўриб, ўша тана аъзоси бутунлай кесиб ташланиши керакми? Яна қоқилиб тушмаслик учун эҳтиёт бўлиш керак. Бу қутилмаганда рўй бериши мумкин. Лекин атрофда қанча гап-сўзлар бўляпти, уларнинг бари бекорга бўлаётгани йўқ. Хоҳиш билан эмас, балки мажбуриятдан, тирикчилик учун бўляпти. Қорин очликдан сурнай чалганда, уни тўклаш учун ёки гоҳо кўнгилнинг амалга ошмайдиган хоҳишларини амалга ошириш учун бундай воқеаларнинг қанчадан-қанчаси бўлиб ўтмоқда!..”

Бундай пайтларда ҳаёт тўхтаб қоладими? Ёки унинг тутуруғи кетиб, муносабатлар барҳам топади? Дарёнинг ирмоғини олайлик. У тўсиб қўйилганда, тўфонни бузиб, пишқириб, яна куч тўплаб олдинга интилмайдими? “Мендек ёш етим қолган болага берилган бу янги ҳаётни йўқотиб, маъносиз яшаш ақлдан эмас. Қулоқларим эшитган бу гапларни бир тушдек унутиш керак... ҳа, унутиш керак!”

Унинг миясида турли фикрлар чарх урарди. У ғазабни унутган эди. Аста-секин ўзини босишга, оғир бўлишга ҳаракат қилди.

Тун ўтди. Эрталаб улар бир-бирларини кўрганда, ҳеч нарса бўлмагандек, апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Павлайи ва Перияннан хайрлашиб, уйларига йўл олишди.

Бир халта қалампир бериш баҳонасида она қизини ичкарига чақирди. Унга бир нима айтмоқчи эди.

– Бошингни бир эркакнинг этагига солдингми, энди бўлмағур фикрларни миянгдан чиқариб ташла. Қафасга тушган майна ўрмону боғларни ўйлаганидан нима фойда? Аёл кишининг тақдири ҳам шунақа бўлади, қизим. Эҳтиёт бўл... Ўзингни қўлга ол...

Қизи маънос бўлиб қолди. Унинг уйқудаги ҳис-туйғуларини қайта-қайта уйғотиб, тагин эҳтиёткорликка чорлашади... Нима, энди бу шубҳа-гумонлар ва бесабаб жиноятни бир умр ўзи билан соядек эргаштириб юрадимми? Яхшиси, ҳамма нарсани унутиш керак, сир сирлигича қолсин! Шунини ўйлаб, Павлайининг фиғони фалак бўлди. Кўзларидан шашқатор ёш қуйилди:

– Энди бу ерни елкакнинг чуқури кўрсин. Майли, ўз ёғимга ўзим қовурилиб ўлиб кетай. Бу ерга келиб, бошим нақ балоларга қолди... – шу сўзларни айтиб-айтиб, йиғлаганча кетди.

Куёви бошқача ўйга бормаслиги учун она деди:

– Қизим, ҳамма қизлар ҳам онасиникига келиб-кетишдан олдин кўнгли бузилади. Болали бўлгач, ота-онасини, туғилган уйини, ҳовлисини унутди. Кейинчалик болаларига ўралашиб қолса, ота-онага бўлган меҳри ҳам бўлинади... – она гапира туриб, гўё кулгили латифа айтгандек, жилмайиб қўйди.

Бу қадар зўр муғамбирлик ва ёлғонни ширин сўзлар билан хаспўшлаб,

ростдай қилиб кўрсатганига қойил қолмай илож йўқ. Шуни ўйлаб, Перияннан бир лахза қотиб қолди. Яна шу нарсани ҳам эътироф этдики, бундай сирларни яширишга уриниш ҳар қандай она учун табиий ҳол. Шундай қилиб, Перияннан ўзига-ўзи таскин бера туриб деди:

– Ҳа, ойижон, гапларингиз тўғри. Эмадиган бузоқ сигирни, боласиз аёл ота-онасини қандай унутсин? Элда шундай бир гап бор, ойижон.

Бу гап билан у ўзининг билимдонлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

Қайнонасининг юраги тўликиб кетди. Куёвига ишонса, шубҳа қилмаса бўлади. Қизидан хавотирда, ишқилиб, оғзига маҳкам бўлсин-да!

Павлайи ҳам имиллаб ўтирмасдан, йўлга туша қолди. Куёв қайнонаси билан хайрлашди. Онанинг кўзлари ёшга тўлди. Оқаетган кўз ёшларини сарисининг чети билан артаркан, меҳмонлар кўздан ғойиб бўлгунча ортларидан қараб қолди.

\* \* \*

Қозонда гуруч қайнамоқда. Ундан чиқаётган пуфакчалар ёрилиб, юзга сачрайди. Иссиқ томчилардан унинг уйқуси ўчиб кетди. Тўрт кунлик дунё – кўз-очиб юмгунча ўтади-кетади. Ўзига-ўзи алланималарни гапириб, Перияннан ёғоч қошиқ билан гуручни аралаштирди.

Кун бўйи давом этган жазирамадан қизиган тупроқ тунги салқиндан бироз ўзига келди, экиндан кўтарилаётган ҳовур тумандек атрофга ёйила бошлади. Ўлик сукунат ҳукмрон қоронғи тунда балиқчи қушнинг ноласи ва осмонда парвоз қилаётган тун қушларининг сайроғи бир-бирига қўшилиб кетмоқда эди.

Ошхона юмушларини тугаллаб, Перияннан ўрнидан турди. Миясида минг хил ўй-хаёллар. Кун бўйи қилинган меҳнатдан аъзойи-бадани бўлак-бўлак бўлиб кетмоқда эди. Қаттиқ чарчаганини ҳис этди. Эртанги жангга ўзини-ўзи шайлаши керак. Очиққан хўкизлар хашакни кўрдим демади. Перияннан бироз ўт олиб чиқиб, хўкизларнинг охурига солди-да, бориб яна қаравотга чўзилди.

Эртанги қилинадиган ишларни бир-бир кўз олдидан ўткази бошлади. Ерэнғоқ экиш керак. Мардикор келса, энди жўякларни бузиб, эгат очиш лозим бўлади. Эртага иккисининг ҳам бош қашишга вақти бўлмайди. Мардикорга овқатни хотини олиб келади. Лекин эрталабки нонушта унинг гарданида, бу ерда шундай тартиб бор. Ҳозир ёлғиз яшаса ҳам, бу тартибни буза олармиди? Ўзи нима еса, мардикор ҳам шуни ейди. Павлайи борида иккиси учун самбхар<sup>1</sup> кўшиб, бўтқа ёки турли сабзавотли енгил овқат тайёрлаб берарди. Ўша пайтлар ҳозир қани? Ҳаммаси қолган овқатга ўхшаб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Энди қолган умрини шу зайлда ўтказадими? Яшашдан ҳеч қандай маъно йўқми? Баҳор янги ғунчалар билан бирга гулларга ҳам жон ато этади. Қуриган япроқлар тўкилади, яна янги куртак чиқади, очилади, сўлади – буларнинг бари давом этаверади. Хўш, инсон зоти бундан мустасноми?

Заминдорнинг уйида ишловчи этикдўзнинг хотини иккита боласини ташлаб биттаси билан қочиб кетди, бироқ этикдўз пинагини ҳам бузмади. Сўрашса: “Тутни қоқсанг, хотин тўкилади”, – деб жавоб берарди. Хуллас, у ҳеч кимга айтиб-нетиб ўтирмай, ими-жимиди бошқа бир аёлни уйига олиб келди.

Уни кўрган одам ҳаёт зарбаларига учраган деб ўйламасди. У ҳеч қачон

<sup>1</sup> Самбхар – Ражастхондаги Самбхар кўлидан олинадиган туз.



турмушнинг эзиб юборганидан шикоят қилмасди. Ҳаёт муаммоларини ўзи осонгина ҳал қилар эди. У мисоли бир қоядек, бўруну шамолларни назар-писанд қилмасди.

“Лекин мен... мен...” кўнглидан кечирди у, бироқ чарчок ўйларида устун келди. Ҳадемай хуррак овози эшитила бошлади.

## 3

Турмушининг бузилгани баъзи-баъзида Перияннаннинг дилини вайрон қилар ва уни тушқунликка тушириб кўярди. Шунга қарамай, ҳаётга нисбатан унинг дилида бир умид бор эди, у ҳам бўлса – муаммолар орасида курашаётган атрофдаги одамларни кўриб, улардан ибрат олиш. Юраги ғамга тўлиб кетган пайтларда бирга ишлайдиган Мўчирамнинг далдаси унинг қалбида умид чироғини ёқарди.

Саҳарлаб уйғониб кетди. Баъзан хўроз уни кўриб, кейин қичқирарди. Агар иши бўлса, бас, машаққатли меҳнатгина унга ҳукмронлик қилиб, ҳаммасини унутишга мажбур қилади.

Ерёнғоқ эккани эгат олиш керак. Ишни қаллайи саҳардан бошласа, кун қайтишдан олдин бироз дам олиб, қиёмдан сўнг кечки ишларни қилиши мумкин.

Ҳўкизларга хашак кесиб, охурга солди. Сомонни сувга ивитиб молга берди. Сўнгра уларни дарахт соясига боғлаб, тарикнинг қуриган пояларини улар олдига ташлади. Энди жониворлардан тушда бир келиб хабар олиш керак. Бугун далада ҳўкизларга иш йўқ.

Кечкурун пиширган бўтқа билан бир сопол кўвани тўлдириб, устига бақлажонли сардак солди. Иккинчи кўвага нордон қайла билан қолган бўтқани солди, иккала кўвани саватга жойлаб, уйига қулф осди. Бошига саватни қўйиб, дала томон йўл олди.

Қишлоқнинг каттаю кичиги қандайдир жангга кетаётгандек йўлга чиққан. Ҳамма касб-корига муносиб равишда одимларди: баъзилари жадал, баъзилари секин-аста. Улар орасида бир Перияннангина аёлларга ўхшаб сафар тугунини бошига қўйганча кетиб борар эди. Қушлар ҳам уйқудан уйғониб, чуғур-чуғур қилиб сайраганча, гала-гала бўлиб ҳавога кўтарилмоқда. Баъзилари тез, баъзилари секин парвоз қиларди. Уларнинг бу парвозидан меҳнат ва қорин ғами фақат сиз одамларнинг ташвиши холосми, деган маъно англашилиб тургандай.

Эрталабки енгил шабада унсиз эсади. Сийрак туманга ўхшаб тонгнинг салқин ҳовури дарахтлардан ва ердан аста-аста ошиб ўтиб, узоқларда кўздан ғойиб бўлади. Шарқ шафағи ёйилгани сайин ерга ёзилган туман чойшаби титилиб-титилиб кетмоқда эди. Мушкулотдан фориг бўлган, шодликка тўлган қушлар ҳам уяларидан учиб чиқиб, сайраганча, боғ-роғ томон учиб кетдилар. Бир пайтлар Перияннан ҳам дарё бўйидаги тупрокни аравага солиб келиб, даласига сепиб, ерни унумдор қилган эди. Ер фойдали озуқаларга тўйингач, бўй етган қиздай етилиб кетганди. Турли экинлар экиб, ризқу рўзини таъминлаб олган эди. Лекин энди буларнинг бари эски гаплар бўлиб қолди. Энди бошқаларнинг даласида ўғитли араваларни ва қизларнинг шарофати билан бунёд бўлган ҳосилни кўриб, хафа бўлиб кетади. Мағх<sup>1</sup> ойининг охириги чорагида аравага ҳўкизларни кўшиб, совуқдан сақланиш учун бошига чойшаб ўраб олиб, муҳаббатга тўла лапарларни берилиб қуйлаганида, бошқа аравақашлар ҳам унга жўр бўлишарди. Ўша

<sup>1</sup> Мағх – ҳинд тақвимидаги ойлardan бири, тақвим бўйича январь-февраль ойларига тўғри келади.

пайтдаги ўйин-кулгилар ҳар эсига тушганида, дили яйраб кетарди. Лекин буларнинг бари тотли хотираларга айланиб бўлди. Оқсоқ ҳеч замонда пойгада қатнашаман дейдими?

Гоҳо чарчоқнинг зўридан, қолаверса, ер ҳайдашга иштиёқ йўқлигиданми, уйқудан кўзини оча олмасди. Олдин турганлар хуштак чаларди. Ён-атрофдагилар ҳам унга хуштак билан жавоб берарди. Шундай қилиб, ҳамма биргаликда ўғит қидириб, қишлоқни кезиб чиқарди. Уларнинг хуштак овозига агар биронта хўроз қичкириғи ҳам қўшилгудек бўлса, тамом, ҳар томондан янграган хўрозларнинг қичкириғи бутун борликни бошига кўтарарди. Шу тариқа қишлоқ ташқарисиди, туннинг охириги паллаларида араваларнинг тақир-туқурию жўр овозларда жаранглаётган қўшиқ борликни ажиб бир сурурга тўлдиради.

Бир куни у арава қўшиб, тупроқ ташигани борсаммикан ёки йўқми деб иккиланиб ётган эди. Аъзойи-баданини сустлик қамраб олганди. Арава-кашларнинг чақирган овозлари аста-секин тина бошлади. Хотини туртиб уйғотганида, жаҳли чиқиб, у бошқа томонига ағдарилиб оларди. Аммо хотини уни худди чақалоқдай бағрига босиб, бир амаллаб уйғотарди-да, отанг яхши, онанг яхши деб эркалаб, арава билан жўнатиб юборарди. Шундай ёқимли эркалашни кўзи қиймай, у уйқуни баҳона қилиб ётиб оларди. Отасининг даласидаги ҳосилдан қайноғасининг даласидаги ҳосил мўл бўлсин – Павлайининг эси-хуши шунда бўларди. Агар бу ерда ҳосил кам бўлса, уйга келган аёлни Лакшми эмас, балки оч ялмоғиз кампир дейишади-я... Павлайи шундан кўрқарди. Шунинг учун уй ишларини тиндириб, далага борарди-да, эри билан баравар тер тўқарди.

Кечқурунлари эрига иссиқ сув тайёрлаб берарди. Эри уйга келиши билан иссиқ сувли қозончани ҳовлига қўяр ва унинг баданини аста-аста ишқалаб чўмилтирарди. Меҳнатдан чарчаган танага бирдан жон кирарди. Фаросати ҳар нарсага етадиган Павлайига буни онаси ўргатган.

Ота-онаси ўртасида кўпинча қаттиқ жанжал бўлиб турарди. Баъзида отаси онасига қўл ҳам кўтарарди. Лекин бу жаҳл кўпга бормасди. Сувга тош тушганда пайдо бўлган тўлқин кўп ўтмай босилгандек, уларнинг жанжали ҳам тез тугарди. Кеч тушиши билан онаси ҳовлида ўчоқ осиб, қозонда сув иситар ва отасини худди чақалоқдай бутун танасини ишқалаб чўмилтирарди. Эрига иссиқ сув қуя туриб, ўша воқеаларни эслар экан, Перияннан қулиб, чимчилаб ҳазиллашиб дерди:

– Энди мен ҳам отангга ўхшаб сени дўппослайми?

Бугун Павлайи йўқ.

Унинг хотираси ҳануз юрагида ғалаён кўтариб туради. Хўкизлар йўл кўрсатиб борарди. Чуқур қайғу ва надоматга ботганча Перияннан далага етди.

Раъман олдинроқ келиб, бор вужуди билан ишга шўнғиб кетганди. Унинг уруғ-аймоғидагилар бошқаларнинг ерини ҳам ўзиникидай билиб, виждонан ишлашади. Хўжайинга вафодорлик борасида уларнинг олдига тушадигани йўқ. Умуман олганда, улар ёлланма ишчи, майда деҳқонларга қарам эмас. Гарчи деҳқонлар ер эгаси бўлсалар-да, меҳнатсиз яшай олмайдилар. Ишчилар билан бирга улар ҳам ҳалол тер тўкиб, меҳнат қиладилар. Улар орасидаги аҳиллик ва яқин қондошлик сабаби шунда эди.

Перияннан хўкизларни яйловга арқонлаб, эгнига ўрайдиган чодирин билан овқатли саватни ўради-да, дала чеккасига қўйди, сўнг белкуракни олиб, ишлаётган Раъманнинг ёнига келди. Раъман эгат учун кичик-кичик уватчалар қилиб чиқибди, демак, у анча эрта келган.

Далага келиб турган хўжайинга Раъман бошини кўтариб қаради. Эрта тонгги совук бўлса ҳам унинг пешонасида тер доналари йилтирар эди.

“Шу кунларда тонг сахарлаб далага келолмаяпман...” – ўзига-ўзи деди Перияннан. Илгарилари бошқача эди. Тура солиб, хўкизларга ем-хашак, сув берарди. Ҳозир эса ундай эмас. Хотин кишининг ҳамма юмушини қилишига тўғри келаяпти. Баъзан танадаги чарчоқ ва юракдаги ғам юки бир бўлиб, уни аёвсиз эзарди. Кўнглида ҳаётдан баҳраманд бўлиш каби ўйлар барҳам топмоқда эди. Орада бўлиб ўтган оилавий фожиалардан кейин ҳаётдан бутунлай кўнгли совиди. Ўзича шуларни ўйлаб, Перияннан деди:

– Хохласам ҳам барибир эрта кела олмайман, Раъман. – Айтишга бошқа гап топилмагандек, дафъатан шундай деди у.

Эгилган белини базўр тиклай туриб, Раъман деди:

– Янгам кетиб, ҳаммаси тамом бўлди. Далага келса, бизни қанақа меҳмон қиларди! Унинг қўлидан сув ичсам, танам сут ичгандек яйрарди. У йўқ, уйингиз ҳам, кўнглингиз ҳам хувиллаб қолди. Бизга ҳам кенг дунё қоронғи кўринади.

Бу сўзлар унинг эскирай деган дардини кўзғатиб юборди. Тушки соя танага қўшилиб кетганидек, аламли хотиралар ҳам юракка маҳкамрок жойлашиб олди. У уйдаги безак буюми эмасди, лекин ҳамманинг юрагига бирдек йўл топа оларди. Юрагида шундай катта сирни сақлаб юрганига қарамай, ўзининг самимий хатти-ҳаракатлари билан ҳамманинг қалбидан жой олган эди. Қишлоқда бошқалар олдида ҳам у намунали аёлга айланганди. Эрининг юзига оёқ босади деб ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Перияннаннинг кўнглида ўй-хаёллар ғужғон ўйнамоқда эди.

Белкурак билан сув очиб, уни жўяқлар томон буриб юборди, сўнг эгатларнинг ўртасидан ариқ тортди. Кесакли тупрокни белкурак билан урибуриб текислади. Иш ўз йўлига, юрак эса тасбеҳга ўхшаб унинг бошидан ўтган хуш-нохуш хотираларни ҳануз бир-бир кўз ўнгидан ўтказаятган эди. Ўйларининг эса охири кўриная демасди.

Биринчи фарзандини туғиш учун онасиникига борсинми ёки шу ерда қолсинми – бу масала юзасидан иккаласи узоқ муҳокама қилди. Онасиникига кетса, эрининг иссиқ-совуғидан ким хабар олади? Бу хотиннинг фикри эди. Хизматкор ёллаш фикри эридан чиқди.

Туғиш учун онасиникига кетиш фойдадан холи эмасди. Ҳар қандай муаммони онасига тортинмай айтиб, ҳал қила оларди. Биринчи марта болани қандай чўмилтиради, қандай парваришлайди, хуллас, ҳамма-ҳаммасини унга фақат онасигина ўргатиши мумкин. Юрагидаги дардни ҳам онасига очик-ойдин айта олади. Онасигина истаган вақтда бировнинг ёрдамисиз ўзи жон-жон деб ёрдам кўрсата олади. Павлайи ҳаммасини биларди, шундай бўлса ҳам ногаҳон собиқ муҳаббати хотираси уйғониб қолса, нима бўлади – мана шу кўркув унинг юрагини ўтдай ёкмоқда эди. Узилган варракка ўхшаб, юрак ўзини ҳар томонга урарди.

“Йўқ, мен шу ерда қоламан. Кучим етгунча иш қиламан. Сиздан ажралмайман. Кўнглим ҳам тинч бўлади, нима бўлса, ўзимиздан кўрамиз”. Унинг овозида титроқ бор эди, томоғига бир нима тикилди.

Перияннаннинг қалби муҳаббатга тўлиб-тошди. Туйғулари жунбушга келиб, кўзлари ёнди. Вужудини титроқ босди. У хотинининг кўзларига боқди. Унинг қалбида ҳаво каби мусаффо тоза ўйлар жўш урарди. Перияннан унинг кўз ёшларини артиб деди:

– Даладаги ишимни қилиб бўлиб, кечкурун сендан хабар олгани учиб

бораман. Туғиш учун онангникига борганинг маъкул. Менинг маликамсан-ку! Бола дунёга келгунча ўша ерда яшаб тургин...

Павлайи қалбида тошиб келаётган туйғулар оқимини қандай ифода эта олсин? Кул остидаги чўғдек ўша пинҳоний муҳаббатини у қандай изҳор қила олсин? Томирлари, туйғулари, хаёллари аралаш-қуралаш бўлиб кетди, ер остидан отилиб чиққан фавворасимон муҳаббатнинг бўронини тўхтата оладими? Ҳаммасини очик-ойдин айтгач, ўз ўтмишидан қутулиш учун эридан ёрдам сўрай оладими? Бундай ҳолатга қайси эр жим қараб тура олади? Қутилмаган сабаблар туфайли у тан олди ҳам дейлик, унда қалбидаги шубҳа-гумонлар шайтони уни қандай кўйга солиб ўйнатмайди, дейсиз? Ҳар сафар унинг бир кулганини, бир йиғлаганини кўриб, янгидан-янги гумонлар пайдо бўлади. Эрининг аччиқ-тизиқ гаплари куйдириб, кул қилиб ташлайди.

Тўйдан сўнг қайнотасиникига келган вақтида онаси “у”ни унутиб юборишни айтган эди. Хўш, ўша маслаҳат тўғрими? Қон-қонига сингиб кетган нарсани қандай чиқариб бўлади? Павлайи шундай қила оларми? Биронта маъшуқа қачонлардир шундай қилганми? Ёки бу фақат унинг бошига тушган савдоми? Юрак деганлари асли тошданми? Ичидан тошиб келаётган муҳаббат тошқинини тўхтатиб қоладиган куч унда борми? Момақалдиқдек самодан келаётган илоҳий нидони босишга унинг қурби етарми? Миш-мишларнинг қайноқ ўчоғини музхонага айлантирувчи куч, қудрат борми? “Онам мени дунёга келтириб, нега бунчалик аросатга ташлаб қўймасалар?”

У ўқириб йиғлаб юборди.

Бирдан ўзига келиб, юрагидаги дарду ҳасратлар кўзларидан ёш бўлиб чиқиб кетганини ҳис этди ва ўзини қўлга олиб, эри тарафга қаради. Хотинининг чеҳрасидаги танглик ва кўркунни кўриб, Перияннан: “Бечора, эридан узоқда бўлишидан қанчалик хафа”, – деб ўйлади ва хотинига деди:

– Маликам, нимадан хавотирдасан? Узоқ бир мусофир юртга кетмаяпсан-ку. Бу ердан қўл узатса, етгулик жой бўлса. Шунга шунчаликми? Кетавер, кўркмасдан кетавер... – Унинг овозида меҳр ва самимийлик манаман деб турарди.

Павлайининг кўнглида онасиникига бориш нияти умуман йўқ эди. Шунини ўйласа, кўнгли беҳузур бўлиб, нима қилишини билмай қоларди. Павлайи эрига нима деб тушунтира олсин? Айтишади-ку, кўчада ит ўлиги ётса, ўлаксахўр дунёнинг нариги чеккасидан етиб келади деб. Шунга ўхшаб, юрагида жадал ўсаётган муҳаббат новдаси барча тўсиқлардан ўтиб, офтобга томон бўй чўзмокда. Юрагини гоҳ пувс<sup>1</sup> ойининг қаҳратон титроғи ва гоҳ вейшақ<sup>2</sup> ойининг жазирама лоҳаслиги эгалларди.

Павлайи деди:

– Бола туғилгунча ишласам, осон туғаман. Онаминикига борсам, у ерда кўлимни совуқ сувга урдиришмайди. Ўртада менинг қийналганим қолади. – Шоли бошоқлари шамолдан енгил шитирлагани каби унинг овозида ясама эркалик сезилиб турарди.

Хотинининг қорнини меҳр билан силаб, Перияннан деди:

– Муҳаббатимиз меваси шу гўдакни ўйла. Фарзанд аёлнинг шаъни, ғурури бўлади. Шаън ва ғурурдан ташқари у аёлни комил инсонга айлантиради.

Кичкина сузук кўзларида тушунмовчилик ва ёш бор эди. Босиқ, аммо ҳасрат тўла оҳангда Павлайи деди:

– Мен сизни ўйлаб айтаяпман... – шундай деди-ю, кўркиб кетди, ишқилиб

<sup>1</sup> Пувс – ҳинд тақвимининг ўнинчи ойи, декабрь-январь ойларига тўғри келади.

<sup>2</sup> Вейшақ – ҳинд тақвимининг иккинчи ойи, апрель-май ойларига тўғри келади.

эри юрагидаги сирни сезиб қолмасин-да. – Яна ўзингиз биласиз, пешонада нима ёзилган бўлса, шу бўлади.

Павлайи шундай деб, эҳтиёт чорасини кўргандек, ўзини бироз хотиржам хис қилди.

Перияннан оёқ тираб туриб олди. Хотинини туғиш учун онасиникига жўнатибгина хотиржам бўлади. Павлайининг юрагидаги сирдан огоҳ бўлгандан кейин ҳам унинг хуштори билан яна учрашмаслигига қаттиқ ишониши унинг қайсарлигига сабаб бўлмоқда эди.

Павлайи ортиқ қаршилик қилишга ожиз эди. Эрининг гаплари адолатдан эмаслигини биларди, шундай бўлса ҳам заҳарни қулт этиб ютишга тўғри келди. Эрининг раъйига бўйсуншдан бошқа чораси қолмади. Онаси келиб, яхшилик билан уни уйига олиб кетди.

Хотинини онасиникига жўнатгунча у ўз сўзида турди. Хотини кетадиган кунда ҳам унчалик билинмаганди. Уч-тўрт кун ўтгач эса юракда беҳаловатлик ва ғулғулалар бошланиб кетди. Дала ишлари ҳам жонига тегди. Хотини ёнида бўлганида, у ишлаб чарчамасди ёки вақт ўтганини сезмасди. Уйга қайтса, уй ютаман дейди. Нимага қўл теккизмасин, унда хотинининг тафтини сезар, қаерга қарамасин, унинг қиёфаси кўринарди. Айрилиқ азобида у турмушни тушуниб, унинг қадрига ета бошлади. Ўзини-ўзи алдаб, шартта ишга енг шимариб киришиб кетишни хоҳларди. Бироқ қаёқда дейсиз? Муҳаббат овқат сарқити бўлган япроқ ликобмидики, ташлаб юборилса?

Қувонч, шодлик ва ишончдан чакнаётган ўша кўзлардаги ёғду вақти-вақти билан унинг юрагини чароғон қилиб юборарди.

Онасиникига боришдан бош тортганида, унинг кўзларидаги ғазаб ва дардни Перияннан тушуниб турарди, бироқ энди ўзидан жаҳли чиқмоқда эди. У билан турмуш қургандан кейин хотини уни ўзига шунчалик бўйсундириб олади ёки унинг юрагини бу қадар даҳшатга солади, деган фикрни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Юракни эгаллаган хавотир, жанжалдан кейинги асабийлик – ҳамма-ҳаммаси далада эсаётган шамолнинг қарғиши ва юракни ёқувчи олов каби тинимсиз азобларди.

Хотинини соғиниб, юраги алланечук бўлиб кетмоқда. Бир ҳафтадирки, уни соғинч азоби қийнайди. Бир марта унга тўйиб-тўйиб қарасайди. Меросхўрининг онаси бўлган ўша гўзал хилқатни кўзлари билан ютиб юбориш истаги кучли. Ўша кўзлардан порлаётган нур билан қалбини чароғон этиш хоҳиши. Оналик белгиси бўлмиш ўша ёқимли аллани жондиди билан эшитишга бўлган интиқлик. Қани қўли ишга борса? Қилган ишида ҳеч қандай унум йўқ. Унинг танаси, меҳнатигина шу ерда, кўнгли ва хотиралар у ерда – хотини билан бирга эди.

Бир куни туш оққан палла эди. Хотини билан учрашишга бўлган қаттиқ хоҳиш унинг қишлоғига олиб борди. Гўё ўғри ургандек, бутун қишлоқ хувиллаб ётарди. Қишлоқ шийпонидаги анжир остида “йўлбарс-эчки” ўйинини ўйновчилар ёки қачон қарасанг уйқуни ураётган дангасалар ҳам кўзга ташланмасди. Тарик ва ерёнғокни ўтоқ қилиш палласи эди. Кузги ҳосилни йиғиш учун бутун қишлоқ далада. Ишга ярамайдиганлар – жисмонан заифлар, ногиронлар, қариялар ҳам мол боққани чиққан эдилар. Кўчалар бева каби мотамсаро, уйларда эса гўристон жимлиги ҳукм суларди.

Бундай муҳит собиқ севишганлару яширинча учрашувчилар учун ҳам, янги турмуш қурганлар учун ҳам қулай имкониятдир. Уларнинг бутун вужудини қувонч ва бахт титроғи қамраб олади. Перияннанга ҳам бу туйғу бегона эмас.



Хотинининг уйига етиб борганида зарурат юзасидан уйнинг орқасига ўтди. Уйдан бир йигитнинг овози келарди. Перияннаннинг кулоқлари динг бўлди:

“Бугунгача сендан ўзгани ўйлаганим йўқ. Бу ёғига ҳам шундай бўлади. Лекин вақт шунақанги тез ўтиб кетяпти...” Нотаниш овозда хавотир ва изтироб оҳанглари бор эди.

Перияннанни яшин ургандек бўлди. Юраги тез-тез ура бошлади. Ўтган сафар қариндошлариникига тўйга борган тунда қайнонаси хотинига шундай деган эди: “Павлайи, бошингни бир эр этагига солдингми, энди бу қилиқларингга бало борми?” Ўшанда Павлайи деганди: “Она мен уни кўрганим ҳам йўқ”. Шунда ҳам онаси: “Йўқ, қизим, бу яхшимас. Эрак ҳеч нима йўқотмайди, аёл кишига қийин, тупроғи енгил бўлади”, – деган эди. Онанинг шу ўгити Перияннаннинг ёдига тушди. Ўша куни онаси айтган йигит шу эмасмикан? Гумон унинг ичида илон каби тўлғана бошлади.

Орага қисқа сукунат чўкди. Даҳшат ва гуноҳдан нафаси сиқиб, Перияннан ўзини кўйгани жой тополмаётганди. Шу сукунат ичида кўнгли бу воқеани бир тан олса, бир “наҳотки Павлайининг қўлидан шундай иш келса?”, деган фикр кечди.

“Ўзингга жуфт танлаб олдинг. Энди тез орада она ҳам бўлмоқчисан. Заифанинг юраги у шохдан бу шохга шунчалик осон сакрай олар эканда? Битта мен эканман – қаноти қирқилган қушга ўхшаб на парвоз қила оламан, на бир жойда тинч ёта оламан”.

Йигитнинг бу сўзлари чиндан аламга тўла эди.

Шунда ҳам Павлайи ҳеч нима дея олмади. Пиқ-пиқ йиғи овози келди. Ҳа, у астойдил йиғлаётган эди. Тўсатдан унинг хаёлига бир ибратнамо гап келди. Инсон бахти учун ҳеч қандай ҳисоб-китоб керак эмас, лекин муҳаббатнинг куч-қудратини ифодалаш учун ўрнатилган ёдгорлик ҳайкаллари бўлади. Хотини ана шу ёдгорлик ҳайкалининг тажассумими? Унинг ичидан ўтли бир оҳ отилиб чиқди.

Унинг ташвиши исиз йўқолиб, ишонч девори қулаб тушди. Атрофдаги дов-дарахтлар, гуллар ва қушлар сирли тусда унга киприк қокмай, қараб тургандек эди. Утган сафар бахтиёр эр-хотин қадам ранжида қилганда, оёқлари остидаги ер уларнинг хоки-пойини олгандай эди. Бугун эса ўша ер унинг нақ жонини суғуриб олмоқда. Ўша муҳаббатли онлар хотиралари энди ўткир тиг каби унинг юрак-бағрини тилка-пора қилмоқда.

Йигит кинояомуз давом этди: “Нега йиғлайсан? Ҳаётинг учун жавобгарликни зиммасига олган эринг бошингда. Унинг юзини ёруғ қилиб, сен унга фарзанд ато этипсан”.

Кўз ёшларини сарисининг чети билан артиб, Павлайи деди: “Менинг ожизлигимдан кулма. Эракдай жавлон уриб, югурадиган майдон аёлларда йўқ. Тўрт томонимиз девор билан ўралган”. Унинг овозида ночорлик, ғам ва норозилик аломатлари сезилиб турарди.

Ташқарида турган эр унинг гуноҳкорлигини била туриб ҳам хотини яна гуноҳга қўл урмасин-да, деб илтижо қиларди. Ишқилиб, оғзидан: “Мен доим сеники бўлганман ва сеники бўлиб қоламан”, – деган гап чиқиб кетмасин-да! Ошиғини умидвор қилиб қўймаса бўлгани! У барча маъбуд ва маъбудалардан шуни илтижо қилиб сўрай бошлади. Унинг кўнгли ҳануз Павлайини кечирिशга мойил эди. Павлайи келгачгина у ҳаётига маъно, файз кириб келганини англаб етди. У билан турмуш қургач, меҳнатга кўнги қўя олди. У билан иноқлиги туфайли рўзгор юкини кўтариш қийин бўлмади. Павлайи бир гал хатога йўл қўйган бўлиши мумкин дир, энди

унга шу гуноҳини ювиш учун бир имконият бериш керак. Ичкарида эса Павлайи ўз ёғига ўзи қовурилмоқда.

“Ҳа, ҳа, сен тўрт девор ичида тинчгина яшайсан. Мен-чи?.. Қайси майдоннинг ғолиби саналаман? Ногирон ва кар-соқовдек ёлғизман, бошпанасиз девонаман. Саёк ит ҳам менчалик ёлғиз ва ожиз эмас. Ҳатто у ҳам гоҳо жуфтани топа олади...” Алам билан айтилган гаплардан юраги пора-пора бўлмасин деган ҳадикда қўлини кўксига қўйиб, йигит ўз дардини яшираётгандек эди гўё.

Йигитнинг гаплари тугади, Павлайининг эса кўз ёшлари томоғига тикилиб, сўзлагани қўймаётгандек туйилди. Атайлаб қилинган хатодаги ўз масъулиятини англаб, бундан қаттиқ пушаймон бўлган одамдек, Павлайи йиғлай бошлади. Унинг ўкраб-ўкраб йиғлаган овози ташқарида турган Перияннаннинг дилини вайрон қилиб юборди.

Йигит давом этди: “Сен менинг дилимда, туйғуларимда нафас каби яшайсан. Сени бир бора кўрсам, дилим ором олади. Сени эсласам, тирик эканимни ҳис этаман. Сени кўрмасам, дард-аламдан жоним азобда. Хоҳ мени сев, хоҳ севма, орамизда кечган висол онлари менга доим ҳаёт бағишлайди. Токи танамда қилча жон бор экан, сен қалбимда яшайсан. Мени сендан фақат ажалгина ажратиши мумкин”.

Унинг гапларидан иккаласининг суҳбати тугади деб ўйлаш мумкин эди. Шундай бўлса ҳам орага чўккан сукунатдан айтилмаган тағин нима қолганлигини ўйлапти дейиш мумкин. Эҳтимол, Павлайининг қандай жавоб қайтаришини кутаётгандир.

У ерда турар экан, Перияннаннинг ортиқ бирон гап эшитишга ҳоли қолмаганди. Унда на куч, на сабр қолганди. Барибир у Павлайининг кўнглини тушуна олди. Балки шу сабабдан ҳар сафар онасиникига боришдан бош тортар экан-да?

Уларни ўзига келтириш учун Перияннан томоқ қирди. Бир-икки йўталиб қўйди, асаббузарлик қориндаги болага ёмон таъсир қилишини ўйлаб, юзига жиддий ифода берди ва у ёқ-бу ёққа аланглаб ичкарига кириб борди.

Унинг қутилмаган ташрифидан Павлайи чўчиб тушди. Қошлари чимирилди. Тоза ҳаво бадбўй исни ҳайдаб, бутун борлиқни тозалагандек, Павлайи ҳам ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилди.

Йигитни кўрмасликка олиб, Перияннан юзида табассум билан Павлайи ўтирган чорпоя ёнига келаркан, деди:

– Бирдан соғиниб кетдим. Бутун ишимни ташлаб, чопа-чопа келавердим.

Перияннаннинг қутилмаганда келишидан йигит тахта бўлиб қолди. Лекин Перияннан келиб, ўртада қандайдир қувончли ҳолат пайдо бўлганини кўриб, ўрнidan турди ва деди:

– Онахон келсалар, менинг келганимни айтарсан, – шундай дея худди муҳим бир иш билан келгандек, у чиқиб кетди.

Унинг гапларига эътибор бермай, Перияннан сўради:

– Ёлғиз ўзинг зерикиб қолмаяпсанми?

– Зерикиб қаяқда? Шунча одам келиб-кетиб турибди... – юрак ярасини яширган оҳангда деди Павлайи.

Унинг устумонлигидан қаттиқ энтикканча Перияннан киноя ва нафрат аралаш захархандалик билан деди:

– Нима бўлганда ҳам бизникига ўхшаш ширин суҳбатлар бўлмаса керак?

Худди кулол дастгоҳига қўйилган лой кулолнинг меҳр билан силашини кутиб тургандек, Перияннан жавоб кутиб, хотинига диққат билан қаради.

Ўзини хотиржам кўрсатиш учун ҳар қанча уринмасин, Павлайининг

кўнгли тўлиб кетаверди. Йиғилиб қолган дардлар туриб-туриб, хуруж қиларди. Назарида, оёғи остидаги ер ёрилиб, жаҳаннамга тушиб кетаётгандек. Шу ўтирганча, каравотнинг ён томонидан маҳкам ушлаб олди. Азбаройи қаттиқ ушлаганидан кафтидаги томирлар ҳам қизариб кетди. Кўзлари остининг қорайиши ва лабининг бурчакларидаги қимтиниш унинг қайғусини акс эттириб турарди.

Перияннаннинг юрагида ҳам тортишув кетаётган эди. У атрофга олазарак кўз югуртирди. Йўқолган буюмини излаётгандек безовта эди. Бу безовталиқ Павлайининг эътиборидан четда қолмади. Дилидаги борини тўкиб солишга шай эрига у диққат билан қаради – гўё унинг дилидагини шундоқ укиб олмоқчидек.

Ёмғир томчилари каби қувонч билан келган эди, лекин кетаётганида юрагини сахро гармсели куйдирарди. У ўзи билан ўзи олишарди: Ҳаёт – муҳаббатдан ўзга нарса эмас. Бир-бирини тушуниб яшашни севги дейдилар. Агар бунинг иложи бўлмаса, инсон ҳаёти маъносиз бўлиб қолади, кимсасиз харобага айланади. У ерда меҳр-муҳаббат илиқлигидан асар ҳам қолмайди. Муҳаббатдек эзгу туйғулар барбод бўлади. Хуллас, унда саҳронинг жазирамаси, яшилликдан махрум қурғоқчиликдан бошқа ҳеч вақо қолмайди.

Перияннан Павлайидан айрилиб яшай олмайди. Чунки унинг ҳаёт мазмуни – Павлайи. Уни қайта-қайта кечириши мумкин, фақат уни ташлаб кетмаса бўлгани. Бунинг учун у ҳар қандай иснодни кўтаришга рози. Унинг кўнглида туриб-туриб шундай хаёллар чарх урарди.

У шундай қарорга келиб бўлдики, хотинининг сири хусусида ҳеч нима сўрамайди. Ўша сир унинг ўзининг юрагида қолиб кетсин. Агар ўша сир ошқор бўлгудек бўлса, тортишувлар шамолида, ҳиссиётлар тошқинида иккаласи икки томонга қараб суза бошлар, эҳтимол. Энди яширадиган нима қолди? Ҳаммаси кундай равшан бўлди-ку!

Ёшлигида қиз кимгадир кўнгили берган. Имкони бўлиши билан, йигит ўша муносабатлар замирида уни йўлдан урган. Тўғриси айтганда, Павлайи ҳам анойилардан эмас. Шунга қарамай, ёшлигига бориб, юрак деган уянинг пинҳоний туйғуларини тузукқа тушириши яхши эмас. Бу борада унинг қилмишидан беҳабар бўлиб, уни кечириб, у билан бирга умргузаронлик қилиш энг маъқул йўлдир. Павлайининг гап оҳангидан шу нарса аён эдики, Перияннан гўё унинг бу камчилигини билмайди. Павлайининг барча сирларини билиб туриб ҳам хотини билан гўё ҳеч нарсадан беҳабардек гаплашишга ҳаракат қилаётган эди.

Йўл чарчоғини аритиш учун овқат қилайми деган эди, Перияннан рад этолмади. Овқат вақтида эса уй-рўзғор, дала юмушлари ҳақида суҳбатлашишди. Юракларини босиб турган нохуш юк аста-секин енгиллашаётган эди. Гап орасида иши эсига тушиб, еб-ичиб бўлгач, Перияннан қишлоғи томон йўл олди.


*Тамил тилидан  
Мактуба МУРТАЗОХЎЖАЕВА  
таржимаси*

(Давоми бор)



**USTOZ**  
TARJIMONLAR BISOTIDAN

*Jahon*  
ADABIYOTI



**ТЎХТАСИН ЖАЛОЛОВ**  
(1909–1984)

*Дилдора ҲАМИДОВА чизган сурат*



## СИНМАГАН ҚАЛАМ

Тўхтасин Жалолов XX асрда яшаган, даврининг фожиаларини бир умр руҳида ташиган адиб эди. У умид билан қалам тутганди, бироқ замон унинг ёшлигини Сталиннинг Узоқ Шарқдаги қатағон зиндонларида чиритди, йигит юрагига қаттол давроннинг хўрлик ва ҳақоратлари оғусини тўлдирди... аммо қаламини синдиrolмади.

Зотан, Тўхтасин Жалолов 1909 йилда Марғилоннинг Қоратепасида – босқинчиларга қарши ўчли исёнлари билан тарихий шон қозонган Фарғона водийсида туғилиб, юртдошларидек саботли ва матонатли бўлиб тарбия топган эди. У илк сабоқни мактабдор отаси мулла Жалолдан олган, Ясавий ва Ҳофиз девонларини ўқиб, адабиётга ҳавасманд бўлиб улғайган. Оиладаги етишмовчилик боис уни онасининг юрти Шахрихонга, бобосининг уйига олиб кетишади ва болалик йиллари шу ерда кечади. Беш йил эски мактабда ўқийди. 1925 йилда Фарғонадаги педкурсни битириб, беш йил Шахрихон туманида ўқитувчилик қилади. 1930–1933 йилларда Самарқанддаги педакадемияда таҳсил олади. 1936 йилда Маориф комиссарлиги томонидан Тошкентга чақирилади, маориф соҳасида ишлайди, кечки институтни ҳам ботиради ва олий таълим ўқув юртларида дарс беради. Навоий юбилейига тайёргарлик ишларига ва сўнгра “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасига таклиф этилади, 1938 йилдан 1941 йил 5 июлгача шу ерда хизмат қилади...

Адибнинг 1941–1955 йиллар орасидаги турмуши тўғрисида на ўзи, на бошқалар мустақиллик давригача ҳеч нарса демаган. Сабабини энди айтиш мумкин, албатта.

Мен 1979 йилда, адиб етмиш ёшга тўлганида, Ўзбекистон радиоси адабий-драматик эшиттиришлар таҳририятнинг муҳаррири сифатида адиб билан бир неча бор суҳбатлашиб, унга бағишланган эшиттириш тайёрлаган эдим. Ўша йилларда қатағон қилинган шахслар ҳақида матбуотда “тортиниброк” фикр юритиларди, чунки “Сибирда ўрмон кесган” ижодкор хусусида ёзиларкан, истаб-истамай унинг умридаги муҳим даврлар, бошидан кечирган можаролари борасида нималардир дейиш лозим бўларди ва ана шу “нималардир” баъзиларга ёқмасди. Дорилфундаги устозларим “журналист ҳаёт ҳақиқатини акс эттириши керак” дея уқтиришгани учун мен ҳам шунга амал қилишга, кимлардир хуш кўрмаса-да, ҳақсиз сургун азобини тортган юртдошларим тўғрисида ёзишга тиришардим. Тўхтасин Жалолов етмишга киргани муносабати билан эшиттириш тайёрлаш жараёнида адиб билан Эски Жўва бозори юқорисидаги маҳалланинг тор кўчасида жойлашган йиқилай деб турган уйда, сўнгра кўчиб ўтгани – бозор пастидаги, шаҳар ҳокимияти берган тўққиз қаватли бинодаги янги хонадонида ҳам бир неча бор учрашиб, суҳбатлашиб, овозини ёзиб олдим. Суҳбат Ўзбекистон радиосида берилди, тингловчилардан бир неча нафари, хусусан, Тўхтасин Жалолов билан нашриётларда бирга ишлаган, унинг фожиали ҳаётидан хабардор касбдошлари, таникли таржимон-муҳаррирлар бизга телефон қилиб, эшиттиришдан мамнун бўлганликларини билдириб, раҳмат айтишди. Афсуски, матбуотда уларнинг қамалгани ва бу мавзуга оид фактларни ёритиш кескин тақиқланганди. Шахснинг қамокдаги жаҳаннамий йиллари – гўё у бу даврни яшамагандай – таржимаи ҳолида акс этмасди, уни истибдоднинг кўринмас қора қўли ўчириб ташлаганди. Шу боис Тўхтасин Жалолов ҳақидаги барча ёзувларда, ҳатто унинг ўзи ёзган



“Ҳаётим йилномаси”да ҳам 1940–1955 йиллар орасидаги ўн беш йиллик замон бўш қолдирилган.

Адиб сургундан қайтгач, 1955–1972 йилларда жуда сермахсул ижод қилди. “Ўзбек шоиралари” (1959), “Ҳамса” талқинлари” (1960), “Пахлавон Маҳмуд” (1961), “Олтин қафас” (1962), “Бону” (1963), “Яшасин табассум” (1966) каби китоблари нашр бўлди. Бу асарлар унинг илмий ва адабий салоҳиятини кўрсатгани каби, шу йилларда босилган ўнларча таржима китоби (уларнинг еттитаеси роман) Тўхтасин Жалоловнинг зукко ва моҳир мутаржим эканини намойиш этди. Унинг таржималари орасида Рабиндранат Тагорнинг 28 асари – 23 та ҳикояси, икки шеъри, “Ҳалокат”, “Кўзга тушган чўп”, “Бибҳа соҳили”, “Донишманд рожа” романлари, Сотим Улуғзоданинг “Ёшлигимиз тонги”, “Восеъ” каби икки романи, “Гавҳари шамчирик” комедияси, Садриддин Айний “Эсдалиқлар”и (3-қисми), Вера Смирнова-Ракитинанинг “Абу Али ибн Сино қиссаси” романи, “Тўтинома”, Пахлавон Маҳмуд ва Лохутий рубоийларининг таржималари алоҳида ўрин тутади.

Булардан ташқари, 1961 йилда нафақага чиққунига қадар унинг олтмишдан ортиқ илмий мақоласи босилди; ўттиздан зиёд китобга муҳаррирлик қилди; Хоразмий, Навоий, Фузулий дostonлари унинг сўзбошиси билан нашр этилди.

Қаранг, биргина қалам эгаси 1941–1955 йиллар орасида ўн беш йил сургунда юриб, ноҳақ азобланди, эркидан ва ижодидан маҳрум этилди ва қамокдан қайтиб, юртида яшаган кейинги ўн беш йил ичида ўзбек адабиётини бойитган, халқимиз маънавиятининг юксалишига ҳисса қўшган шунча илмий, адабий ишларни амалга оширибди.

Домла узун, тик бўйли, хипча, қорача юзли, тиниқ қора кўзларининг боқишидан, товушидан меҳрибонлиги ва донишмандлиги сезилиб турадиган инсон эди. Бугунги ўқувчига унинг кимлигини янада ёрқинроқ тасаввур қилиш учун 1979 йилда Ўзбекистон радиосида эшиттирилган “Адиб ижодхонасида” суҳбатимиз ёрдам беради деб ўйлайман. Ундан айрим парчалар:

“Ўзбек китобхонлари Тўхтасин Жалоловни адиб ва адабиётшунос олим, ўтмиш ғубори остида қолиб кетган ўттиздан ортиқ ўзбек шоирларининг кашфиётчиси, моҳир таржимон ва ношир сифатида яхши танийдилар. Мен Тўхтасин Жалолов хонадонида бўлиб, домланинг ҳаёти ва ижодига оид жуда кўп манба билан танишдим. Агар мендан, бу одам ким, деб сўралса, домла ўзбек адабиётининг толмас фидойиси, профессор Фитрат ва Олим Шарафиддиновларнинг содиқ шогирди, ўзбек шоирларининг энг биринчи, энг катта, энг билимдон мухлиси ва тадқиқотчиси, камтарин адиб, моҳир таржимон, собит фикрли инсондир, деб жавоб берардим.

“Ўзбек адабиётининг фидойиси” деган иборани унинг қаламига мансуб биргина китобнинг ўзи исботлаши мумкин. Мана, “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси” деган бу мажмуа 1941 йилда муҳтарам Ойбек домла ва Порсо Шамсиевлар таҳририда ва муҳаррирлигида нашр этилган. Бир неча ўн йил давомида олий ўқув юртларида адабиёт дарслиги сифатида хизмат қилган бу китобга Тўхтасин Жалоловнинг Ўрхун ёзувларидан тортиб то Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқарогача бўлган шоирлар хусусидаги тадқиқотлари жамланган. Аввал ўзбек адабиёти тарихига оид фақат профессор Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” деган асари бўлиб, унда асарлардан парчалар ва шоирларнинг шеърларидан намуналаргина бўлган, холос. Бу китобдаги тадқиқотлар эса, бизни VIII асрдан

XV асргача кечган давр орасида яшаган ижодкорларнинг адабий мероси ва ҳаёти билан таништиради.

Кейинроқ бу китобнинг иккинчи жилдини – ўзбек адабиёти тарихининг XVI – XX асрлардаги даврини акс эттирувчи қисмини адабиётшунос Олим Шарафиддинов ёзди. Ҳар иккала асар халқимизга ўз маданияти ва адабиётини ўрганишда жуда катта хизмат қилди.

Домланинг кутубхонасида унинг қаламига мансуб қирқдан ортиқ китоб билан танишиб чиқарканман, ҳақиқатан ҳам, бу кишининг ижодини тўртта катта устун кўтариб туришига амин бўлдим. Биринчиси “Хамса” талқинлари” дир.

*(Муаллифнинг айтишича, бу рисола 1938 йилда ёзилган, 1938–1941 йилларда “Гулистон”, “Ёш куч” журналларида босилган. Олим асар муқаддимасидаги уч жумла билан Алишер Навоийнинг жаҳон адабиётида тутган ўрнини таъкидлай олган: “Улуғ ёзувчиларнинг ижодиёти учун характерли бўлган бир-икки муҳим асари бўладиким, шу асарни чуқур таҳлил этиш билан ёзувчи ижодининг бутун моҳиятини баён қилиш мумкин. Масалан, Гомернинг “Илиада”си, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, Дантенинг “Илоҳий комедия”си, Шекспирнинг “Гамлет”и, Гётенинг “Фауст”и, Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романи шу хилдаги асарлардан саналади. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодининг асосий моҳиятини баён қилувчи энг муҳим асарларидан деб унинг “Хамса”сини кўрсатиш мумкин”. (Т. Жалолов. Нафосат оламида. – Т., 1974 й., 3-б.). Муаллифнинг бу юксак тадқиқотида бугунда ҳам асқотадиган ўринлар кўп, шулардан иккитасини таъкидлаш билан чекланмоқчимиз. Ўтган асрда жаҳон шеърляти ва ундан русчага, ўзбекчага таржима этилган асарлар таъсирида, хусусан, кейинги ўттиз-қирқ йил ичида бизда ҳам қофиясиз шеърлар пайдо бўлди. Аслида-ку, шеърнинг бош хусусиятларидан бири оҳанг ва уни қофиясиз яратиш мумкин эмас. Тўхтасин Жалолов ҳам бу асарида “қофия бўлмас экан, тўлақонли поэзия ҳам бўлмайди. “Хамса”ни ташиқил этган 50 мингдан ортиқ мисрани қофиянинг заррин либоси билан беаши енгил иш эмас. Бироқ Алишер Навоий бу мушкул ишни зўр маҳорат билан бажарган” (ўша китоб, 92-б.) дейди ва фикрининг исботи учун қатор мисоллар келтиради. Бу – биринчи; иккинчиси бу: муаллиф “Садди Искандарий”ни таҳлил этаркан, “Навоийнинг Искандари Александр Македонскийнинг тарихий портрети эмас”лигини ўқувчига тушуштиришида Аристотелнинг тарихчи “бўлиб ўтган нарсаларни”, ёзувчи эса “бўлиши мумкин бўлган нарсаларни” ёзишига оид жуда қадимги ва нодир назарий фикрини келтиради. Айтмоқчимизки, ўз ишининг устаси, арбоби бўлган бундайин ижодкорларнинг асарларида барча даврларда хизмат қиладиган ибратли фазилатлар кўпдир. Шунинг учун ҳам бу асарни устоз Мақсуд Шайхзода “жонли ва курашчан услуби, даъволарининг кескинлиги ва қўйилган тезисларнинг изчиллиги билан китобхонлар оммасининг диққатини жалб этади” дея юксак баҳолаган. Бу фикрлар суҳбатга кейин, ушбу мақолани ёзиш жараёнида қўшилди – Т. Қ.).*

Тўхтасин Жалолов ижодининг иккинчи устуни “Ўзбек шоиралари” китобидир. Учинчиси – Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари таржимаси ва унинг ҳаётига, асарларига оид тадқиқотлар. Тўртинчиси – Рабиндранат Тагор асарларининг таржималаридир. Домладан машҳур “Ўзбек шоиралари” китобининг қандай ёзилгани ҳақида сўраганимизда, шундай жавоб берган эди:

– Ўзбек шоиралари ижоди ҳақида илмий тадқиқот олиб бориш зару-

рати ва шу хусусда бирор нарса ёзиш ғояси дастлаб мархума адибамиз Ойдин опада пайдо бўлиб, бу орзуни рўёбга чиқаришни у киши биздан илтимос қилган эдилар. 1939 йил охирида Ойдин опа бизга мурожаат этиб: “Сиз ўзбек адабиёти тарихи билан яхши танишсиз. Навоий ва бошқа классиклар ижоди устида анчагина ишлар қилдингиз, бир ғайрат кўрсатиб, ўтмишдаги шоиралар ҳақида бир китоб ёзинг. Агар сиз шу муҳим ишни бошласангиз, мен китобингизни журналда пешма-пеш босиб боришга ваъда бераман”, дедилар. Биз бу таклифга рози бўлиб, кўпдан буён меҳримиз тушиб юрган Зебинисобегим ҳақида мақола ёзиб бердик. Бу орада уруш бошланиб, бошқа муҳим сабаблар рўй бергани учун шоиралар ижоди устидаги ишимиз чала қолган эди. *(Жўнгина қилиб “бошқа муҳим сабаблар рўй бергани учун” деб қўя қолган-а бечора адиб ўн беш йилга ноҳақдан, туҳмат билан қамалган даври тўғрисида; на нолиш, на лаънатлаш бор, гўё ўн беш йилни яшамагандай. Қаттол бир жимлик!.. Бу суҳбат чоғида йигирма олти ёшли бир журналист эдим, ўзи ҳеч нарса демагани учун, “қамалганман” сўзини тилга ҳам олмагани боис олимнинг фожиасини деярли ҳис этмаганимни бугун англаяпман, ўша қаттол жимлик фарёдини руҳимда туймоқдаман – Т.Қ.)* Орадан кўп вақт ўтиб, 1956 йилда яна шу масала кўзғалди. Бу муҳим масалани филология фанлари доктори Иззат Султонов ўртага қўйиб, чала қолган ишимизни битиришга даъват қилди. Биз яна тарих ва тазкираларни кидира бошладик. Бу изланишларнинг маҳсули ўларок шу рисола майдонга келди.

Адиб ҳаёлга толди. Сўнгра асарнинг кейинги тақдирини ҳам сўзлаб берди. “Ўзбек шоиралари” китоби битгач, қўлёзмани Ойбек домла ўқиб чиққан ва муаллифга қимматли мулоҳазаларини билдирган. Китобнинг айрим ўринлари Ойбекнинг маслаҳатларига асосан тўлдирилган. Шундан кейин Ойбек домла катта марҳамат кўрсатиб, нашриётга олиб келиб, босишга тавсия қилганлар, унга сўзбоши ёзиб берганлар. 1958 йилнинг 17 ноябрида битилган ана шу сўзбошида тадқиқотчининг ишини юксак баҳолаб, “Тўхтасин Жалолов... ўзбек шоиралари тўғрисида ғоят муҳим асар ёзди. Бу ҳуқуқсиз, чексиз жафо кўрган мазлума шоираларнинг асарлари уларнинг бахтсиз тақдирлари бўронида йўқ бўлиб, унутилиб кетган. Тўхтасин Жалолов тарих варақларини ахтара-ахтара ўзбек шоиралари ҳақида қимматли талай маълумотлар тўплади. Ўзининг катта, синчикли текширишлари натижасида ўттизга яқин ўзбек шоирасини топди. Бу ғоят ажойиб воқеадир”.

Ҳақиқатан ҳам, 1917 йилгача яшаган 32 та ўзбек шоираси асарларини топиш, тўплаш, улар тўғрисида бадиий эсселар ёзиш ва китоб ҳолида нашр эттириш – хайрли ва улуғ иш. Тўхтасин домла бу ишни давом эттириб, йигирманчи йиллардан кейинги ўзбек шоираларининг 45 таси ҳақидаги “Қизлар қасидаси” китобини нашр қилдирди. Бу тадқиқотлар қандай олиб борилганини тасаввур этиш ниятида, олимдан “Ўзбек шоиралари”га кирган Самарбону ҳақида сўзлаб беришини сўраганимизда, шундай жавоб қайтарганди:

– Ўтган замон ёзувчиларининг асарлари, у вақтда газета-журнал бўлмагани учун, бир нусхада қолиб кетган. Асарни ўзи кўрган, яқин бир дўсти ёки биродари ё опаси ё синглиси кўрган, холос. Ҳеч кимнинг назари тушмаган. Китоб ҳолида нашр этилмаган. Мана шу нуқтаи назардан менинг Самарбону ижодий меросини топиш соҳасидаги кидиришларим бу машаққатнинг нечоғлик эканини очик-ойдин кўрсатиб туради. Самарбонуни мен 58-йилдан кидира бошладим. Бир неча мартаба Андижонга

бордим. Бир неча бор Ўшга бордим. Аравонга бордим. Лекин ҳеч жойдан ўша китобни топмадим. Дарагини эшитдим. Бири фалончида деса, иккинчиси пистончида дейди. Бири бу районда деса, иккинчиси фалон районда дейди. Мен ноумид бўлмасдан, ҳамма районга, ҳамма қишлоққа бориб, айтилган адреслар бўйича Бону авлодларидан шундай китобни сақлаши мумкин бўлган ҳамма хонадонларга кириб чиқдим. Лекин ҳеч нарса тополмадим. Шу қидиришларимни “Ўзбек шоиралари”нинг биринчи нашрида, 1959 йили ҳикоя қилиб чиқардим. Китоб чиққандан кейин қариндошлари, бу одам яхши ният билан қидириб юрган экан-ку, бечора кўп овора бўпти-ку, деб ўзлари инсофга келиб, менга хат ёзиб юборишди, ўша китоб бизда бор, келинг, деб. Биринчи борганимда уйларига эшикдан киритмаган одамлар бу гал оёғимга пойандоз солишиб, ўзлари чақириб, бошдан-оёқ сарпо қилиб кийдиришиб, сиз шундай савоб иш қилиб юрган экансиз-ку, биз билмаган эканмиз; мана ўша китоб, деб, менинг қўлимга ўша китобни топширишди. Ҳаммаси бўлиб битта Бону ҳақидаги изла-нишларим саккиз йилга чўзилди...

Ҳа, 1959 йилда нашр этилган “Ўзбек шоиралари” китоби олим номини халққа яна-да танитди.

Шунингдек, Тўхтасин Жалолов ижодининг катта бир нуқтаси тадқиқотчи томонидан Паҳлавон Маҳмуднинг шоир сифатида кашф этилиши бўлди. Домла 1959 йилда Хивага боради. Бир тасодиф туфайли, тўғрироғи, ўзининг ўта синчковлиги боис Паҳлавон Маҳмуд шахсига қизиқиб қолади, унинг қўлёмаларини қўлга киритади, тадқиқотлар олиб боради. Шоирнинг асарларини форсийдан туркийга ағдариб, ҳаёти ва ижоди хусусидаги тадқиқоти билан 46 рубойисини нашр эттиради. 1974 йилда шоирнинг 56 рубойиси билан асар қайта босилади. 1975 йилда эса, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти “Паҳлавон Маҳмуд рубойилари” махсус нашрини ўзбек ва рус тилларида чиқаради ва бу нашр китобат санъатининг юксак намунаси сифатида кўргазмада фахрли ўрин олади. Бу нашрлар Тўхтасин Жалоловнинг шеър илмидан хабардор, шоиртабиат таржимон эканлигини англатиши билан ажралиб туради.

Тўхтасин Жалоловнинг адабий-илмий фаолиятини, таржимонлик маҳоратини кўплаб атоқли замондошлари лойиғича қадрлашган. Масалан, Миртемир “Мен Тўхтасин Жалоловни яхши, инсофли, билгич таржимон сифатида ҳурмат қиламан. У таржимага олган ҳар бир асарга савод билан, мароқ билан, масъулият билан ёндошади, таржиманинг ҳақиқий ижодий меҳнат эканини чуқур тушунади”, деган эди.

Тўхтасин Жалолов ҳақида айтилган бундайин яхши сўзлар, биз ўша радиосухбатда фойдалана олмаган бўлсак-да, анчагина эканини таъкидлашимиз лозим. Шу ўриндан улардан баъзиларини эслаш ўринлидир.

“Ўзбек шоиралари” бир умрга арзигулик асар. Тарихда қолиш учун роман ёзиш шарт эмас экан, энди Тўхтасин Жалоловни адабиёт тарихидан ўчириб бўлмайди”. (Абдулла Қаҳҳор)

“Зулфия ҳақидаги мақола зўр илҳом билан ёзилган. Бу нарса Белинский ва Добролюбовни эслатади”. (Азизхон Қаюмов)

“Тўхтасин Жалолов ўзбек адабиётининг археологидир”. (Амин Турдиев)

“Мухтарам Тўхтасин оға! Мен сизнинг тилингизга, услубингизга маҳлиёман. Бизнинг назаримизда бегонароқ туйилган сўзлар сизнинг жумлаларингизда ўз бўлиб кетади; арабча ва форсча сўзлар сизда ўзбек либоси кийиб, ўзбекча рақсга тушади”. (Саодат Шамсиева, китобхон)

Тўхтасин Жалолов чор ҳукумати томонидан Туркистоннинг мустамлака этилиши ва Қўқон хонлигидаги ёғийга қарши курашу исёнлар, Қурбонжон додхоҳ мавзусида “Олой маликаси” номли тарихий роман бошлаган эди. Вақтли матбуотда асардан парчалар ҳам босилганди. Шу ва шунга ўхшаш айрим ниятлари амалга ошмай қолди: адиб 1984 йилда Тошкентда вафот этди. Баъзи адабий ва илмий асарлари битмай қолган бўлса ҳам, бизнингча, бу матонатли инсон ўз умрини халқимизга ва ватанамизга сидқидилдан хизмат қилиб, шараф билан тугатди. Юқорида айтилганидай, унинг номини “адабиёт тарихидан ўчириб бўлмайди”, унинг савобли ижоди кўнгилларда мангу яшайверади.

*Тоҳир ҚАҲҲОР*

## **Рабиндранат ТАГОР**

### **ТАСКИН ТОПГАН РАШК**

Ҳикоя

Романатх Шилга қарашли уч қаватли уйнинг энг юқорисида Гопинатх Шилнинг хотини Гирибала турар эди. Унинг ётоқхонаси эшиги олдида гулдонларда жасмин ва атиргуллар ўсарди. Томдаги майдончанинг атрофи баланд қилиб ўраб олинган, кўчага қараб туриш учун ҳар ер-ҳар еридан дарчалар очилган эди.

Ётоқхона деворида европалик хотинларнинг кийимда ва яланғоч бўлиб тушган суратлари осилиб турарди. Уй тўридаги катта ойнада ўн олти яшар уй бекасининг акси кўринганда, у ҳуснда суратлардаги гўзаллардан сираям қолишмас эди.

Гирибаланинг ҳусну жамоли тўсатдан оламга кўз очиш, қўққисдан ялт этган шуъла ёки мўъжизага ўхшаб кетар, бир зумда кишини мафтун этарди. Мен Гирибалани кўрганда пайқадимки, бундай учрашувга тай-ёрланмаган эканман. У мен ўз атрофимда узоқ вақт кўриб юрган одамларнинг ҳеч бирига ўхшамасди.

Гирибала ўз гўзаллигидан ўзи ҳам ҳаяжонда эди. Ёшлик ва гўзаллик унинг бутун вужудини худди қадахдаги май сингари лиммо-лим тўлдириб турарди. Унинг бутун бармоғидан: либослари, зеб-зийнати, юришлари, қўл ҳаракатлари, сал эгик бўйни, шахдам қадамлари, оёқларидаги кўнғироқчалари, билагузуклари, хандон уриб қулишлари, тўлиқиб сўзлашлари, оташин нигоҳи – ҳаммасидан ёшлик ва гўзаллик барқ урар эди.

Гирибала ёшлик туйғулари билан маст эди. У гўзал коматини чиройли сарига ўраб, ҳаяжонда тез-тез том бўйлаб юрар; аъзойи-бадани қандайдир сокин ва сўзсиз кўшиқ оҳангида рақсга тушгандай туйилар, турли вазиятда ўзига бино кўйиб туришлари эса, унга ҳузур бахш этгандай бўларди. Бу жувон ўз ҳуснидан гўё теваракка тўлқинлар таратиб, қизғин қонида бебош бир ғалаён ҳис этар эди. У кутилмаганда дарахтдан бир япроқни узиб, қўлларини юқорига кўтарарди-да, уни шамолда учуриб юборарди. Шунда билагузуклари жаранглаб, сарисининг этаги ҳилпираб, қафасдан қутулган қуш поёнсиз осмоннинг булутлар салтанати томон парвоз этгандай, чиройли қўллари ҳавога талпинарди. Баъзан Гирибала гулдондан



бир сиқим тупроқ олиб, сочиб юборар эди. Оёқ учида туриб дарчалардан кенг оламга ялт этиб бир назар соларди, сўнг ўгирилиб, сариси билан юзини яшираркан, этагига боғланган калитлар жириглаб кетарди. У тез-тез катта тошойна олдига келиб, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, сочларини ёйиб тарарди. Садафдай оппоқ тишлари билан тасмани тишлаб туриб, қўлларини баланд кўтариб, сочларини орқасига турмаклаб қўярди. Сочларини тараб, ўриб бўлгач, қиладиган иши қолмасди. Шундан сўнг ёш жувон ой нури билан чизилган суратдай бўлиб юмшоқ каравотда ястаниб ётарди. Гирибаланинг болалари бўлмагани учун, бу бадавлат хонадонда ҳеч қандай ғам-ташвиши йўқ эди. У ҳар кун ёлғиз, ўзи билан ўзи қолиб, ахийри бу танҳолик жонига теккан эди.

Гирибаланинг эри бор. Лекин у хотинини сира ўйламас, ҳатто унинг балоғатга етганини ҳам пайқамас эди<sup>1</sup>.

Болалик чоғларидаёқ эри мураббийларнинг кўзини шамғалат қилиб, кичкина хотинига муҳаббат изҳор қилиш учун кимсасиз чошгоҳ вақтларида мактабдан уйга қочиб келарди. Гарчи улар бир уйда яшасалар ҳам, чиройли почта қоғозида бир-бирларига муҳаббат мактублари ёзишарди. Йигитча бу мактубларни ўзига яқин мактабдошларига кўрсатиб фахрланарди. Улар орасида ҳеч қачон уриш-жанжал бўлган эмас.

Бироқ тез орада Гопинатхнинг отаси ўлиб, унинг ўзи уй хўжаси бўлиб қолди. Ёш дарахтни дарров қурт ейди. Гопинатх ёшлигидан мустақил ҳаётга қадам қўйгач, атрофида жуда кўп турли-туман одамлар пайдо бўла бошлади ва бора-бора у ичкари ҳовлига камдан-кам кирадиган бўлиб кетди.

Одамлар бошлиқ бўлишга тиришадилар, уларни ўзгалар устидан ҳокимлик қилиш истаги маст қилиб қўяди. Наполеонда беҳисоб кишиларга ва жаҳон тарихига ўз таъсирини ўтказиш иштиёқи жуда кучли бўлган экан. Шундай иштиёқ кичкина меҳмонхонанинг кичик хўжайинида ҳам бор эди. Шунақа одамлар бўладики, улар қарзга ботиб, хонавайрон бўлиб, шон-шарафларини барбод этиб бўлса ҳам, дўстлик баҳонаси билан, бир қанча пасткаш одамларни ўз атрофларига тўплаб, уларни “гаҳ” деса қўлга қўнадиган бир ҳолга келтириб, сўнг шуларнинг мақтовларини эшитиб ётишга кўникадилар, бу тоифа одамларнинг асосий мақсади мана шу!

Гопинатх жўрабоши даражасига кўтарилиб, завқ-шавқ ичра кўкларда парвоз эта бошлади. Ёру биродарлари орасида ортиб бораётган обрўси туфайли, кун сайин ўзига бино қўйиб гердаверди. Унинг танишлари: “Гопинатхнинг ўз дўстлари орасида зўр обрўси бор”, деб гапирардилар. Бу бахтсиз йигит кибру ҳаво ва мақтовларга учиб, бошқа кўнгилли ва кўнгилсиз бурчларини ҳам тамомила унутдию гирдобда айланиб қолди.

Бу орада Гирибала бўшаб қолган ётоқ тахтига чиқиб, уйнинг ичкари қисмини забт этган бўлса ҳам, у нуфузи йўқ малика эди. Билардики, парвардигор салтанат ҳассасини унинг қўлига бериб қўйган, у агар истаса, томдаги тўсиқ дарчасидан бир киё боқиб, кенг оламни забт этади, аммо шунга қарамай, у бу оламдан бирор эркакни асир қилиш имкониятидан маҳрум эди.

Гирибаланинг чакқон бир чўриси бўлиб, унинг исми Шудха эди. У ашула айтар, ўйинга тушар, шеър ўқир, бекасини таъриф-тавсиф қилар, унинг ҳусну жамолини мадҳ этар, шунча гўзалликнинг қадрига етадиган киши бўлмагани учун, бу нозанин жувоннинг умри зое кетмоқда, деб зорланар эди. Гирибала Шудхасиз бирор дақиқа туролмасди. У ўзининг

<sup>1</sup> Ҳиндистонда куёв-келинни саккиз-ўн ёшдаёқ никоҳлаб қўйиш расм бўлган.

хусни-жамоли ва қадди-қомати хусусидаги таъриф-тавсифларни хижолатда қолиб тингларди. Баъзан Шудханинг гапини бўлиб, ҳаяжон ичида уни тилёглама, алдамчи, деб уришиб берарди. Шунда чўри хотин юз хил қасам ичиб, сўзларининг самимийлигига далиллар келтирар, буни кўриб Гирибала ҳам унга ишона қоларди.

Шудха бекасига кўпинча, “Нилуфарнинг гул баргидай изларингга содикман”, деган ашуласини айтарди. Гирибала бу ашулада ўзининг хина кўйилган нафис оёқлари таърифини эшитар, унинг кўз ўнгида ҳамма нарсдан маҳрум этилган қул сиймоси намоён бўларди. У томда айланиб юраркан, оёқларидаги қўнғироқчалар ҳам жиринглаб уни мадҳ этар, аммо бирорга иродаси бўш одам келиб, унинг олдида муҳаббат изҳор этмас, оёқларига йиқилмас эди.

Гопинатхнинг ақлу ҳушини банд этган аёлнинг номи Лобонго эди. У – актриса. Бу аёл сахнада беҳуш бўлиб йиқилиш ҳолатини зўр маҳорат билан бажарарди. У қалтироқ овоз, сохта кўз ёшлари билан аранг тилга келиб, димоғи билан: “Эй, юрагимнинг султони!” деганида, залдаги томошабинлар: “Қойил! Раҳмат!” деб кичкирардилар.

Гирибала бу актрисанинг фавқуллодда қобилияти ҳақида илгари эридан кўп таъриф-тавсифлар эшитган. У чоғларда эри Гирибаладан ҳали унчалик совимаган эди, у ҳам эрига ёқмай қолганини пайқаганича йўқ эди. Аммо юрагида рашк пайдо бўлди. У бошқа бирор аёлда унда йўқ фазилатларнинг бўлишига сира тоқат қилолмасди. Гирибала бир неча бор театрга бориш ниятида эканини айтди-ю, бироқ эркаклар қила оладиган бу иш унга ман этилган эди.

Ниҳоят, у Шудхага пул бериб театрга юборди. Шудха қайтиб келгач, бурнини жийриб, пешонасини тириштирди-да, энг аввал актрисалар оламига қадам босгани учун гуноҳига мағфират тилаб, Рамага тавба-тазарру қилди<sup>1</sup>. Сўнгра уларнинг беўхшов афти-башараларини, эркакларни илинтириш учун қиладиган ғайритабиий нозу истиғноларини гапириб берди. Буни эшитиб Гирибала тинчини йўқотди. Бироқ эри унга бутунлай қарамай кўйгандан сўнг, унда яна шубҳа пайдо бўлди.

Ниҳоят, бир оқшом у Шудха билан театрга борди. Ман этилган нарсанинг жозибаси ҳамиша кучли бўлади! Жувон ҳайратда қолди, одамлар, мусиқа, безатилган сахна ва чароғон зал унга икки чандон фусункор кўринди. Ўзининг кимсасиз, қувончсиз, каркулоқ деворлар билан ўраб олинган ичкари ҳовлисидан бу ерга, бу қувноқ гўзал оламга келиб қолгани унга худди тушдай туйилди.

Ўша куни “Таскин топган рашк” операси кўйилмоқда эди. Мусиқа бир лаҳзада тўхтади. Ҳаяжонланган одамлар жим бўлишди. Олдиндаги чироқлар равшанроқ ёнди, парда кўтарилди. Бир тўда чиройли кийинган аёллар кўшиқ айтиб рақсга тушар, шу тариқа тангри Кришна ёшлигида яшаган хаёлий Браз мамлакатини гавдалантирардилар. Театр залини вақти-вақти билан маъқуллаган овоз ва қарсақлар қоплаб турарди. Гирибаланинг баданида ёшлик қони туғёнга келди. Мусиқа садолари, чироқ нурлари, қимматбаҳо, нафис буюмлар ва гўзаллик мадҳидаги хорни эшитиб, у ҳамма нарсани унутиб юборди. У гўёки кишансиз, лекин гўзаллик билан тўла эркин бир оламга киргандай бўлди.

Шудха бир неча бор унинг олдида келиб, хавотирда қулоғига шивирлади:

– Хоним, кетадиган вақт бўлди, агар хўжайин билса, балога қоламиз.

<sup>1</sup> Художўй ҳиндлар Раманинг номи тилга олинса, гуноҳлар ювилади, деб ишонадилар.

Гирибала унинг сўзларига кулоқ солмади. Ҳозир у ҳеч нарсадан кўрқмасди.

Томоша энг қизиган пайт. Радха ранжиган, Кришна бу рашк денгизининг тагига сира етолмасди. Шунча итоаткорлик, илтижолар, кўз ёшлари ҳеч қор қилмади! Гирибаланинг юраги ғурур билан тўлиб-тошди. У гўё ўзи Радхага айланиб, Кришнанинг ялиниб-ёлворишларига қарамай, ўзининг оғишмас қатъиятидан завқланарди. Унга ҳеч ким ҳеч қачон бу қадар ялинмаган. Гири ташландиқ, эътибордан қолган бир хотин эди, бироқ у ўзига чексиз ишонч билан, мен ҳам шундай қатъий туриб зор-зор йиғлата оламан, деган фикрга келди. Ёш жувон гўзалликнинг қандай зўр кучи борлигини илгари ҳам пайқарди. Бугун эса, безатилган сахнада, чирокларнинг равшан ёруғида, мусиқа садолари остида Гирибала буни яна ҳам аниқ кўрди. Завқ-шавқдан боши айланди.

Мана, парда тушиб, газ чироклар ҳам хиралашиб қолди. Гирибала сеҳрлангандай жойида ўтирарди. У энди туриб уйга кетиш лозимлигини ҳам унутди. Унга томоша ҳали тугамагандай, парда яна кўтариладигандай, оламда Кришнанинг Радха оёқлари остида хўрланишидан бошқа ҳеч нарса йўқдай эди.

Шудханинг овози эшитилди:

– Хоним, сиз нима қиляпсиз? Туринг, ҳозир ҳамма чироклар ўчади. Кеча алламаҳал бўлганда Гирибала ўз ётоғига қайтиб келди. Бурчакда милтиллаб чирок ёнарди. Хонада на бир жон, на сас-садо бор. Бўш қаравот устидаги эски пашшахонани шамол сал тебратарди. Гирибалага кундалик ҳаёти ўта қашшоқ, қизиғи йўқ, аҳамиятсиз бўлиб кўринди. У ном-нишонсиз, ташландиқ ва хўрланган хотинлар бўлмайдиган гўзал ва кувноқ ҳаётни қаердан топиши керак, у қаерда шухрат кўкларидан парвоз этиб, диққат марказида бўла олади? Шу кундан бошлаб у ҳафтада бир театрға борадиган бўлиб қолди. Аста-секин илк сархушлик ўтди.

У актёрларнинг гримига қараб, уларнинг чиройли эмаслигини кўрди, сахнадаги сохталикларни пайқади, лекин санъатга эътиқоди совимади. Парда кўтарилганда уруш овозасини эшитган жангчидай ҳаяжонга келарди. Барчани фатҳ этувчи гўзал малика учун дилбар заррин сураатлар билан безатилган, атрофи нузли гулчамбарлар билан ўраб олинган, шеърят ва кўшиқ сеҳри билан кишини лол этадиган, сон-саноксиз томошабинлар йиғилган, махфий можаролар тўлиб-тошган бу гўзал ва эркин оламдан кўра шаффоф бир тахт яна қаерда топилади?

Гирибала биринчи марта эрини театрда кўриб, қандайдир бир актрисанинг пайдо бўлиши билан унинг оҳ-воҳ қилишини эшитгач, юраги нафратга тўлиб-тошди. У алам билан, эрим қаноти куйган парвонадай бўлиб, оёқларим остига йиқилгандагина, менинг фойдасиз чиройим, кераксиз ёшлигим маъно қасб этади, унда мен нафрат-ла, виқор билан ундан узоқлашаман, деб ўйлади.

Бироқ бу порлоқ кун қачон келади? Эндиликда Гопинатхни кўриш ҳам қийин эди. У ўз телбалиги шамолида учиб, бир стакан сувдаги кичик шамадай гир айланиб қолди, қандайдир бир тўғарак очиш учун қаёққадир жўнаб кетди, қаёққа экани номаълум.

Гирибала баҳорнинг ойдин оқшомида томга чиқиб ўтирган эди. Жануб шамоли унинг тўқ сариқ сарисини ҳилпиллатарди. Гарчи эри уйга кел-маса ҳам, Гири ҳар кун яширин бир умид билан тақинчоқларини тақиб, ўзига оро берарди.

Садаф ва олмосдан ясалган тақинчоқлари жимирлаб товланар, атрофга

нур сочиб жаранглар эди. У қўлларига билагузук, бўйнига олмос ва ёқут маржон такди. Синчалоғида зумрад узук порларди. Шудха унинг олдида ўтириб, вақти-вақти билан хина қўйилган чиройли оёқларини силаб, самимий хўрсиниб гапирарди:

– Эҳ, хоним, агар мен эркак бўлганимда бу оёқларни кўкрагимга босиб жон берардим.

– Ўйлайманки, эркак бўлсанг менинг оёқларимни кўкрагингга босмаёк ўлишга тўғри келарди, – мағрур кулги билан жавоб берди Гирибала. – Наҳотки мен бунга йўл қўйсам? Бас энди! Яхшиси, бир ашула айт.

Бўм-бўш томда, ойдин кечада қўшиқ янгради:

*Нилуфар гулбаргидай изларингга содиқман,  
Ҳамма дугоналаринг Бриндабанга<sup>1</sup> келсин.*

Кеч соат ўн эди. Уйдагилар ҳаммаси ухлагани кетган. Ҳаммаёққа атир хидини буриқситиб, бало-қазодай бирдан Гопинатх кириб келди. Шудха тилини тишлаб, бошига рўмолини ташлаб қочиб қолди.

Гирибала энди хонаси келди деб ўйлади. У Гопинатхдан юзини ўгирди. Худди Радхадай, ўта мағрурлик билан қимир этмай тураверди. Бирок сахнадаги сингари парда кўтарилмади, Кришнаннинг бошидаги товус парлари унинг оёқлари остига тушмади, ҳеч ким:

*Ой юзингни яшириб, ойдин кечани хиралатма, –*

деб қўшиқ ҳам қуйламади.

Бунинг ўрнига Гопинатх қўпол ва бепарво овоз билан:

– Калитларни бер-чи! – деди.

Бир неча кунлик жудоликдан сўнг, баҳорда ойдин кечада унинг топган гапи шу бўлди! Шеърларда, драмаларда, романларда ёзилган ҳамма гаплар бошдан-охир ёлғон экан! Сахнада севги қўшиқларини айтиб, оёқ остига йиқилдилар, буни кўриб томошабинларнинг кўнгли юмшайди, шу томошабинларнинг бири, ойдин кечада томда пайдо бўлиб, ўзининг ёш, гўзал қайлиғига “Калитларни бер-чи!”дан бошқа сўз тополмайди. На мусиқа, на севги, на хушомад, на дилбарлик! Ўта эътиборсизликдан бошқа нарса йўк!

Шу пайтда жануб шабадаси шитирлаб, барча хўрланганларнинг чуқур хўрсинишидек келиб юракка қадалди. Гулдонларда ўсган атиргуллар томга хушбўй ҳид таратди. Гирибаланинг паришон сочлари юзига ёйилиб, кўзларига тушди. Унинг хушбўй тўқ сарик сарисини шамол хилпиллатар эди. Гирибала ғурурни унутди. У эрининг қўлидан ушлаб:

– Калитларни бераман, аммо сиз уйга кириб, – деди.

Энди у йиғлаб, эрини ҳам йиғлатмоқчи эди. У танҳоликда юрагида сақлаб келган дардларини айтиб, илтижо қилиб, уни инсофга келтирмоқчи бўлди.

– Мен узоқ туролмайман, – деди Гопинатх, – калитларни бер!

– Мен калитларни бераман, аммо сиз бу кеча ҳеч ёққа бормайсиз.

– Бўлмаган гап. Мен албатта кетишим керак.

– Ундай бўлса, калитларни бермайман.

– Бермайман? Ҳали шунақами? Кўрамиз, қандай қилиб бермас экансан.

Шу сўзларни айтиб, Гопинатх унинг сариси этагига назар солди, ка-

<sup>1</sup> Бриндабан – ривоятларга кўра, Кришна чўпон қизлар билан ашула айтиб, сайр этган ўрмон.

литлар йўқ эди. Уйга кириб пардоз столининг ғаладонини очиб қаради, у ерда ҳам калитларни топмади. Шунда у тароқлар турадиган кутичани синдириб ташлади. Бироқ унда қош, киприк ва лабга суркайдиган бўёқлар билан тасмалардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. У каравотни, тўшакларни кўтариб кўрди, шифонерни ағдар-тўнтар қилди – калитлар ҳеч ерда йўқ эди.

Гирибала эшик олдида тош хайкалдай қотиб қолди. Беҳуда уринишлардан сўнг Гопинатх ғазаб билан унга яқин келиб ўшқирди:

– Калитларни бер, бўлмаса ёмон бўлади!

Гирибала ҳатто жавоб ҳам бермади. Шунда эри унинг билагузук, маржон ва узукларини юлиб олиб, калтак билан савалаб кетди.

Уйда ҳеч ким уйғонмади, қўшнилardan ҳеч ким ҳеч нарса сезмади, ойдин кеча илгаригидек жимжит эди. Агар бу кечанинг қулоғи бўлиб, уйдаги кичкирикни эшитганда, у қаттиқ фарёд қилиб, минг бўлакка бўлинар эди. Салобатли сукунатда эр боёқиш жувонни ит азобига солиб калтаклади.

Бу кеча ҳам ўтди. Гирибала бу шармандалик, бу ҳақоратни ҳатто Шудхага ҳам айтолмади. У хўрлангани учун қасос олиш ниятида ўзини ўлдирмоқчи, ўз қўли билан бебаҳо ёшлигини, мислсиз гўзаллигини барбод этмоқчи ҳам бўлди. Аммо шу заҳотиёқ, бу қасосни ҳеч ким сезмай қолади-ку, деб ўйлаб қолди. Бу дунёда бировнинг мусибати билан бировнинг иши йўқ. На ҳаётда – бахт, на ўлимда – осойишталик.

Гирибала отасининг уйига кетадиган бўлди. Отаси Калкуттадан анча йирокда яшарди, аммо жувон ҳамманинг норозилигига қарамай, ўзи ёлғиз жўнади. Гопинатх бу вақтда уйда йўқ, улфатлари билан қайиққа тушиб бир неча кунга қаёққадир кетган эди.

## II

Лобонго бош ролни ўйнайдиган “Монорома” номли мусиқали драма қўйилганда Гопинатх ҳаммиша театрда ҳозир нозир эди. У ўз улфатлари билан биринчи қаторда ўтириб, “Қойил!” деб қаттиқ қичқирар, саҳнага гулдасталар ташларди. Унинг доимий қичқириклари аста-секин томошабинларнинг ғашига тега бошлади. Бироқ театр дирекцияси унинг бу қилиғини ман этишга журъат этмасди.

Бир кун Гопинатх мастлик билан саҳна орқасига ўтиб, у ерда жанжал кўзғади. Қандайдир аҳамиятсиз бир нарса учун ўзини ҳақоратланган ҳисоблаб, бир раққосани тутиб урди. Қизнинг фарёди ва Гопинатхнинг ҳақоратларидан бутун театр саросимага келди.

Уша куни театр директорининг тоқати тоқ бўлиб полиция чақирди, Гопинатхни чиқариб юборди.

Гопинатх ўч олишга қаттиқ аҳд қилди. Пуджа байрамидан бир ой илгари “Монорома” спектакли қайта қўйилади, деган шов-шув бўлди. Бутун Калкутта эълон билан қопланди. Драма авторининг номи катта ҳарфлар билан ёзилган афишалар шундай кўп эдики, гўё шаҳар намавали<sup>1</sup> кийганга ўхшарди.

Гопинатх худди шу куни спектаклда бош ролни ўйнаши керак бўлган Лобонгони олиб қайиқда саёҳатга жўнади. Унинг қаёққа ғойиб бўлганини сира аниқлай олмадилар. Театр дирекцияси ниҳоят тажанг бўлди. Лобонгони кўп кутишди, аммо охири Монорома ролини ўйнаш учун янги актриса чақиришга мажбур бўлдилар. Шу сабабли премьер а анча кечикди.

<sup>1</sup> Намавали – ҳинд маъбудларининг номлари билан безалган матодан тикиладиган либос.



Хоҳлаганларнинг ҳаммаси ҳам театрга киролмади. Юзлаб одамлар ноумид бўлиб қайтди. Газеталар янги ижрочини мақташ учун сўз тополмасдилар.

Бу мақтовлар Гопинатхнинг қулоғига етди. У чидолмай, қизиқиш ва ҳасад билан спектаклни кўргани келди.

Пьесанинг мазмуни мана бундай эди: биринчи кўринишда гадолардай кийинган Монорома қайнотасининг уйида чўри ҳолида. Рўмолга ўралган, букилган, қунишган бир аҳволда иш билан овора. У лом-мим демайди, юзлари ҳам кўринмайди.

Охирги кўринишда Монороманинг эри уни отасининг уйига жўнатиб, бир миллионернинг ягона қизига уйланиш тараддудига тушади. Тўйдан кейин никоҳ хонасида куёв келинга қараса – у ўз хотини Монорома бўлиб чиқади. Аммо эндиликда у чўри кийимида эмас, маликалардай кийинган. Қимматбаҳо зийнат асбоблари билан безалган бу соҳибжамол жувоннинг чехрасидан нур ёғилиб туради. Монорома болалигида бой ота-оналари уйдан ўғирланиб қашшоқликда ўсган эди. Кўп йиллардан сўнг, яқиндагина, уни отаси топиб уйига олиб келди, янгидан зўр дабдаба билан илгариги эрига тўй қилиб берди. Шундан сўнг никоҳ хонасида ялиниб-ёлвориб, кечирим сўраш навбати эрга келди.

Бироқ шу пайтда томошабинлар орасида шовкин кўтарилди. Ҳозиргача Монорома рўмолга ўралиб, ифлос чўри кийимда турганда, Гопинатх жим ўтирди. Аммо у қизил никоҳ кийимида, қимматбаҳо зеб-зийнатлари порлаб, бошидан рўмолини тушириб, гўзаллик нурларини сочиб, кўрилмаган бир виқор билан бошини тик кўтариб, юзидан пардани тушириб томошабинларга, айниқса, биринчи қаторда ўтирган Гопинатхга нописандлик билан яшиндай чакнаган кўзларини тикканда, ҳаяжонланган томошабинларнинг гулдурос қарсақларидан театр ларзага келди, шунда Гопинатх: “Гирибала! Бу менинг Гирибалам!” деб бақирганича чопиб саҳнага чиқишга уринди, аммо мусиқачилар уни ушлаб қолишди.

Томошабинлар унинг қилиғидан жуда дарғазаб бўлган эдилар. Инглиз ва бенгал тилида шовкин кўтарилди: “Уни олиб чиқиб кетинг! Уни ҳайдаб юборинг!”

– Мен уни ўлдираман! Тирик қўймайман! – дея Гопинатх ҳам титроқ овоз билан бақирарди.

Полициячилар пайдо бўлиб, Гопинатхни олиб чиқдилар.

Бутун Калкуттадан тўпланган томошабинлар нафас чиқармай Гирибаланинг чиройли ўйинини томоша қилдилар. Энди Гопинатх уларнинг орасида йўқ эди.

1895 йил.

Рус тилидан  
Тўхтасин ЖАЛОЛОВ таржимаси



## ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ

XX аср инсоният тарихида илм-фан ва технологияларнинг мислсиз тараққиёти, буюк кашфиётлар асри бўлди. Лекин шу билан бирга бу юз йилликда одамзод бошига даҳшатли кулфатлар ёғилди – икки жаҳон уруши миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритди. Ҳар икки сафар ҳам маданият, адабиёт ва санъатнинг марказига айланган Европада уруш аланга олиши ўтмишдаги бидъатларни енгиб тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган жамият ҳақидаги қарашларнинг илдизига болта урди. Маълум бўлдики, турмуш даражасининг кўтарилиши, фан ва саноат ривожини билан жамиятнинг маънавий юксалиши ўртасида алоқа йўқ экан. Автомат ва танк билан бир-бирини яксон қилаётган замонавий одам қадимда қабилаларга бўлиниб қирпичоқ бўлган ибтидоий аждодидан унча фарқ қилмаскан.

Шу қаби хулосалар Фарб кишиси онгида улкан бўшлиқни юзага келтирди. Йиллаб авайланган қадриятларга, динга, маънавий-ахлоқий қарашларга ишонч сўнди. Минглаб одамлар қурт-қумурсқадек қирилиб кетаётган шароитда инсоннинг ўзи ва олам тақдирини белгилайдиган олий зот эканига шубҳа уйғонди. Бетайин ўтмиш ва номаълум келажак ўртасида қалқийган одам ҳаёти тасодифлар уммонига ўхшайди. Шундай ҳаётдан маъно топиш мумкинми? Бахт, умид, истак, орзу қаби сароблар кетидан бир умр югуриб, азоб-уқубатдан бўлак ҳеч вақо тополмайдиган одамга ҳаёт мазмунини англаш имкони берилганми?

Европа тамаддунидаги маънавий инқироз, жамиятдаги тушкун кайфият адабиётда ҳам бўй кўрсатди, албатта. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Фарб насрида юзага келган ва 30–40-йилларда тўла шаклланиб, 50-йилларда энг юқори чўққига кўтарилган экзистенциализм оқими ўша давр муҳитининг адабиётдаги аксига айланди. Бу оқим тўғрисида сўз юритишдан аввал унга асос бўлган экзистенциализм фалсафасига тўхталиб ўтиш даркор. Фалсафага экзистенциализм (лот. мавжудлик) нинг кириб келиши XIX асрда яшаб ижод қилган даниялик файласуф Сёрен Кьеркегор номи билан боғлиқ. Кьеркегорнинг фикрича, атрофимиздаги борлиқ мазмун-моҳиятини тушунтириб беришга, ақл чироғи билан мавҳумлик зулматини ёритишга фалсафанинг қурби етмайди. “Англаш имконияти бизга берилмаганини тушуниб етмоғимиз лозим”, деб ёзади олим. Шундай экан, фалсафа ҳақиқатни ахтариш йўлида оламни тафтиш қилаверишдан тўхтаб, алоҳида олинган шахсни ўрганиши керак. Зеро, Кьеркегор агар ҳақиқат мавжуд бўлса ҳам, у фақат субъектив, шахсий ҳақиқат бўла олади, деб ҳисоблайди.

Экзистенциализмга кўра, мавжудлик моҳиятдан олдин туради. Яъни, инсон аввал мавжудот бўлиб дунёга келади, ўзининг кимлиги, атрофини нима ўраб тургани ҳақида эса кейин бош қотиради. Пешонага битилган тақдир ҳақида гапириш ноўрин. Чунки ҳаёт турли вазиятларнинг бетартиб кетма-кетлигидан иборат. “Ҳаётнинг маъноси йўқ. Маънони ўзимиз ўйлаб топганмиз”, – деб ёзади экзистенциализмнинг энг йирик намояндаларидан бири Жан-Поль Сартр. Бу дунё инсон яралишидан минглаб йиллар аввал ҳам мавжуд эди, биздан кейин ҳам ҳеч қаёққа даф бўлмайди. Уни сабаб, оқибат, ибтидо ва интиҳо қаби қолипларга тиққанамиз билан борлиқ моҳиятига етолмаймиз.

Экзистенциализм шахсни танҳоликка маҳкум дейди. Бу йўналишда битилган асарлар сюжетда атроф-муҳитдан, жамиятдан ва ҳатто ўз-ўзидан бегоналашган персонажлар кўп учрайди. Инсон ҳаёти нақадар нисбий ва омонат эканини, биз ишонган, таянган, кўниккан тартиб-қоидалар исталган вақтда ер билан яксон бўлиб, измимизга бўйсунмайдиган ва вақти келиб ҳаммамизни домига тортадиган табиат қаршисида ёлғиз қолажагимизни кўрсатиш учун муаллиф одатда персонажни мушкул аҳволга солади. Мисол учун, Альбер Камю қаҳрамонлари ўта танг ҳолатда тасвирланган: “Бегона” қиссасида бош қаҳрамон сабабсиз одам ўлдиради, “Вабо” романида замонавий шаҳарда ўлат тарқаб, одамлар каламушлардек қирилади бошлайди.

Экзистенциализм йўналишида ёзилган асарга хос яна бир белги – тасвир кемтиклиги, таъбир жоиз бўлса, ғира-ширралиги. “Моҳият тасвири бизга сўзлардан бўлак ҳеч нимани очмайди”, деб ёзади файласуф ва ёзувчи. Симона де Бовуар. Бу услубда ижод қилган адиб сўз ёрдамида бирор манзара, ҳолат ёки нарсанинг моҳиятига чуқур кириб боришга уринмайди, чунки бу иш бефойдалигини яхши тушунади. Оқибатда тасвир алланечук тарқоқ ва субъектив тус олиб, персонажларнинг тушқун кайфияти, алмойи-алжойи йў-хаёллари уларни ўраб турган муҳитга ҳам юқаётгандек туйилади. Мисол учун Сартрнинг “Кўнғил айниши” асари қаҳрамони Антуан Рокантен атрофидаги оламни тўғри идрок этолмай қўли теккан буюмлар шилимишқдай ҳамма нарсадан жирканаверади. Негаки унда ҳеч нимага ишонч йўқ, сезгидан тортиб моҳиятгача – бари ё эскирган, ё ўзгарган. Қадриятлар унутилиб, шахснинг тийиқсиз эрки бебошликка айланган чоғда у ўзини хароб қилишга маҳкум. Экзистенциализм йўналишида ёзилган Уильям Голдиненинг “Чивинлар ҳокими” романини ўқиб шундай хулосага келиш мумкин. Асар сюжетига кўра авиаҳалокатдан сўнг одам қадами етмаган оролга тушиб қолган бир тўда ёш-яланг дастлаб катта ёшдагилар назоратидан қутулганидан шодланиб шаталоқ отади. Аммо бу қувноқ ва беташвиш ҳаёт охири оқибат ўзаро нифоқ ва қотилликка олиб келади.

Умуман, экзистенциализм услубидаги асарларда кулфат, ғам-андух ва фалокат персонажларни ҳар қадамда таъқиб қилаётгандек, уларнинг хатти-ҳаракати, йў-фикрларига сингиб кетгандек туйилади. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган Сартрнинг “Хона” ҳикоясида ҳам мавҳум ва оғир бир мусибатнинг сояси бор. Бир-бирини тушунмайдиган, эшитмайдиган эру хотин Дарбедаларнинг тарқоқ йў-хаёлларида, қасаллигиям, соғлигиям номаълум, ўз қобиғига, “хона”сига қамалиб олган Пьернинг алмойи-алжойи гапларида, эрига ипсиз боғланган Еванинг ҳавотирида шу мусибатнинг излари сезилади. Бу одамларнинг тинчини ўғирлаган, уларни мудом тажанг, асабий ҳолатда ушлаб турган сабаб нима? Ёзувчи сабабни улар ўртасидаги зўрма-зўраки муносабатдан излайди. Хоҳиш-истаги, йў-хаёли бир-бирига сира мос келмайдиган тўрт персонаж муросою мадора йўлида руҳий босимга дош беришга мажбур. Бу эса тубанлашишга – ҳалокатга олиб келади. Сартр табиатан ёлғизликка маҳкум инсоннинг атрофидагилар билан самимий муносабатда бўла олишига, одамийлик, андиша, ҳурмат, вафо каби азалий қадриятларга амал қилишига шубҳа билан қарайди. Негаки, ўз-ўзини яхши тушунмайдиган одамзоднинг бошқаларни тушуниши дарғумон. Бу хулоса экзистенциализм йўналишидаги барча асарларни бирлаштириб туради.

Таржимондан

# Жан-Поль САРТР

## ХОНА

Ҳикоя

### I

Дарбеда хоним бармоқларининг учи билан роҳат-луқумни<sup>1</sup> ушлаб турибди. У устига сепилган шакарли талқонни сочиб юбормаслик учун нафасини ичига ютиб, егуликни лабларига яқинлаштирди. “Атиргулнинг хиди келаяпти!” – деб ўйлади у. Кейин тишини ёпишқоқ қиёмга ботириб, оғзида чучук таъмни туйди. “Ажабо, касаллик сезгиларни жуда зўрайтиради-да”. Хоним мачитлар, ширинсухан шарқликлар ҳақида хаёл сурганда (у тўй саёҳатига Жазоирга борганди) рангпар лабларида ним табассум ўйнади: егулик ҳам ўшандай ширимтил экан.

У китобнинг бетларини кафти билан уч-тўрт марта сидирди, шунча авайласаям кукунлари тўкилибди. Силлиқ қоғоздаги шакар увоклари кафтлари остида ғичирлаб тўдаланди: “Бу менга Аркашонни, соҳилда китоб ўқиганимни эслатади...”.

1907 йилнинг ёзини у соҳил бўйида ўтказган. Ўша пайтлари у бошига кенг гардишли, яшил боғичи бор похол шляпа кўндириб, Жип ёки Коллети Ивернинг романларини варақлаганча қирғоқ лабида ўтиришни одат қилганди. Шамол тиззасига қум сочар, хоним ҳар замонда китобнинг четидан ушлаб силкитарди. Ҳозир ҳам сезгилари ўшандай, фақат қум зарралари курук эди, манави шакар дончалари эса бармоққа ёпишаркан. Бир маҳал қорамтир денгиз узра ястанган тасмадек кулранг осмон кўз ўнгида жонланди. “Бу Еванинг туғилишидан аввал бўлганди”. У ўзини хотиралар солинган, сандал дарахтидан ясалган қимматбаҳо қутичадай ҳис этаётганди. Қўққисдан ўшанда ўқиган романнинг номи – “Кичкина хоним” ёдига тушди; роман ҳеч ҳам зерикарли эмасди. Аммо тушунарсиз хасталик уни хонадан чиқармай қўйганидан бери Дарбеда хоним ёдномаю тарихий асарларни афзал кўрадиган бўлди. Азоб-уқубат, жиндай мутолаа, хотираларга, энг нозик ҳис-туйғуларга муттасил эътибор иссиқхонадаги ноёб мевадек пишиб етилишимга ёрдам беради, деб ҳисобларди хоним.

Ҳозир эри эшик қоқишини ўйлаб, унинг асаби бузилди. Ҳафтанинг бошқа кунлари эри фақат кечқурунлари олдига кирар, индамай пешонасидан ўпарди-да, рўпарасидаги креслога ўтириб, “Тан”ни ўқирди. Бироқ пайшанба унинг “куни” эди: жаноб Дарбеда одатда кундузги соат учдан-тўртгача бир соат қизининг олдига бориб келар, йўлга тушишдан аввал хотинининг хонасига кириб у билан қуюниб куёвини муҳокама қиларди. Доим икирчикирларигача такрорланадиган пайшанба кунги суҳбат Дарбеда хонимни жуда ҳолдан тойдирарди. Жаноб Дарбеда сокин хонани тўлдириб, ўрнига ўтирмай, нари-бери юриб, гир айланар, шу кескин ҳаракатларнинг ҳар бири худди синган шиша жарангидек Дарбеда хонимга азоб берарди. Бу пайшанбада аҳвол ҳар доимгидан ҳам баттар: Еванинг икзорини эрига етказганда, унинг сўлоқмондек ваҳимали гавдаси қаҳр-ғазабдан титраб-қақшашини ўйлаб, Дарбеда хоним кўрққанидан терлаб кетди. Аёл ликопдан ширинлик бўлагини олди-да, бир дақиқа иккиланганча унга термулиб, ғамгин қиёфада яна жойига қўйди: эрининг бу машғулот устида келиб қолишини у ёқтирмасди.

<sup>1</sup> Роҳат-луқум – ҳолвага ўхшаш ширинлик (тарж.).



Эшик тақиллаганида Дарбеда хоним сесканиб тушди.

– Киринг, – деди у секингина.

Жаноб Дарбеда оёқ учида кириб келди.

– Еванинг олдига кетаяпман, – деди у ҳар доимгидек.

Дарбеда хоним жилмайди.

– Менинг номимдан уни ўпиб қўй.

Жаноб Дарбеда индамай, ташвишли қиёфада пешонасини тириштирди: ҳар пайшанба куни доим бир хил вақтда лик тўла ошқозони унда аллақандай безовталиқ ҳиссини уйғотарди.

– Еваникидан чиқиб, доктор Франшога учрайман. У қизим билан жиддий гаплашиб, кўндиришга уриниб кўрса яхши бўларди.

Жаноб Дарбеда доктор Франшони тез-тез йўқлаб турарди. Лекин бефойда. Дарбеда хоним қошларини чимирди. Авваллари, соғ пайтида, хоним бундай вазиятларда одатда елка қисиб қўя қоларди. Аммо хасталиқ қаддини букиб қўйганидан буён ўзини толиқтирадиган имо-ишораларни у юз ифодасига алмаштирганди – кўзлари билан “ҳа”, лабларининг чети билан “йўқ” дерди.

– Евани ундан тортиб олишга уриниб кўриш керак.

– Сенга бунинг иложи йўқ, девдим-ку ахир. Айтмоқчи, қонун ҳам бу масалада чаток. Франшо бир сафар дўхтирлар билан беморнинг оиласи ўртасида жуда хунук кўнгилсизликлар рўй бериб туришини айтганди: одамлар касални шифохонага ётқизишга жазм этолмай, уйда сақлашади. Дўхтирларнинг қўли калта, улар ўз фикрини билдиришга ҳақли, холос. Катта жанжал чиқариш керак, – девди Франшо. – Ёки оиланинг ўзи беморни шифохонага ётқизишни талаб қилиши лозим.

– Бунга ҳали анча бор, – гап қистирди Дарбеда хоним.

– Мен ҳам шуни айтаман-да.

Жаноб Дарбеда кўзгуга ўгирилиб бармоқлари билан соқолини текислай бошлади. Дарбеда хоним эрининг йўғон қизил гарданига бепарво термилди.

– Агар шундай давом этаверса, у эридан ҳам баттар жиннига айланади, – деди жаноб Дарбеда. – Оилаларидаги муҳит ҳаддан ташқари носоғлом. Ева эридан бир қадам ҳам узоқлашмайди, сендан бўлак ҳеч кимни кўрмайди, уйига бировни чақирмайди. Пьер хохламагани учун деразаларини сира очмайди. Гўё шунгаям касалнинг розилигини олиш керакдай. Адашмасам, улар идишда тутатқи тутатишади – шунақанги расво нарсаки, худди черковда ўтиргандек бўласан. Очиғи баъзан... билсанг, Еванинг кўзлари менга алланечук бежо кўринади.

– Мен буни пайқаганим йўқ, – эътироз билдирди Дарбеда хоним. – Менимча, унинг кўриниши бинойидек. Бир оз маъносроқ бўлса бордир.

– У худди мурдага ўхшайди, уйқуси тинчмикан? Ейиш-ичиши қандай? Бу ҳақида ўзидан сўраб бўпсан. Ёнида Пьердек зорманда турганидан кейин кечаси билан мижжа қоқмаса керак-да. Энг қизиғи, биз, ота-онаси қизимизни ўзидан ҳимоя қилишга ҳаққимиз йўқ. Билсанг, Франшонинг муассасасида Пьерга жуда яхши қарашади. Уларнинг хайҳотдай боғи бор. Бунинг устига, – деди жаноб Дарбеда хиёл қулимсираб, – ўйлашимча, ўзига ўхшаганлар билан унинг тил топишиши осон кечади. Бу махлуқлар худди боладай, ўзи билан ўзи овора бўлгани маъкул; улар франкмасонларнинг биродарлигидай бир нав ҳамжамият тузишади. Пьерни илк кунданок мана шунақа жойда сақлаш керак эди. Айтиб қўяй – унинг манфаати учун шундай йўл тутиш даркор. Ҳа, унинг манфаати учун.



Бир оз сукут сақлагач, жаноб Дарбеда гапида давом этди:

– Қизимнинг Пьер билан, айниқса, тунда ёлғиз қолишини ўйласам, тўғриси, мени ваҳима босади. Тасаввур қилгин, қўққисдан бирор нима рўй берса-чи. Ахир Пьер ўлгудай писмиқ-ку.

– Билмасам, – деди Дарбеда хоним. – Буни ўйлаб хавотирланиш шартмикан, ахир у доим шунақа бўлган-ку. У ёруғ дунёга паст назар билан қарайдиган одамдай таассурот қолдиради. Боёқиш бола, – хўрсинди хоним, – шунчалик кибру ҳаво билан не кўйга тушди-я! У ўзини ҳаммамиздан ақлли ҳисобларди. Гапни тугатиш учун “Сиз мутлақо ҳақсиз” деб оғзингга уришлари-чи. Ўзининг қай аҳволдалигини англай олмаслиги унинг учун улкан бахт.

Дарбеда хоним Пьернинг доим елкасига хиёл эгилган, чўзинчоқ, кинояли юзини норози бўлиб эслади. Ева эрга теккан илк ойларда хонимнинг куёви билан яқин қариндошлик муносабатларини ўрнатишдан бўлак эзгу тилаги йўқ эди, аммо Пьер унинг барча уринишларини чиппакка чиқарди – у қайнонаси билан деярли гаплашмас, айтганларига эътиборсиз қиёфада, дарров кўнарди.

– Франшо менга ўша муассасани кўрсатди, – фикрини пишитишда давом этди жаноб Дарбеда. – Жуда кўркам жой экан. Беморлар тери қопланган креслоли алоҳида хоналарда, ишонсанг, диван-каравотлариям бор. Корт қурилган, улар ҳатто ҳовуз ҳам қазишмоқчи.

У дераза ёнида тўхтаб, қийшиқ оёқларида секингина чайқалганча ойнага тикилиб қолди. Кейин тўсатдан бир ҳаракат билан пошнада илдам қайрилди; унинг елкалари чорпахил, қўли чўнтагида эди. Дарбеда хоним ҳозир терга ботишини ҳис қилди: доим шунақа; эри худди қафасдаги айикдек у ёқдан бу ёққа бориб келар, ҳар қадамида пойабзали ғичирларди.

– Қадрли дўстгинам, – деди хоним, – илтимос, ўтир, мени ҳолдан тойдираяпсан. Сенга муҳим бир гапни айтишим керак, – шошиб қўшиб кўйди у.

Жаноб Дарбеда креслога ўтириб, қўлларини тиззасига жуфтлади; Дарбеда хонимнинг эти жимираб кетди: ҳаммаси ҳақида гапирадиган пайт келганди.

– Билсанг, – хоним ўнғайсизланиб томоқ қирди. – Сешанба кунини Ева олдимга келди.

– Хўш?

– Иккаламиз у ёқ-бу ёқдан ҳангомалашдик. Қизим жуда дилкаш эди, унинг бунчалик самимий гапирганини анчадан бери эслолмайман. Ўшанда ундан баъзи нарсалар ҳақида сўраб, Пьер тўғрисида гапиришга ундадим. Хуллас, – деди Дарбеда хоним яна хижолат тортиб, – билишимча, у эрига қаттиқ боғланиб қолган.

– Буни ўзим ҳам жуда яхши биламан, жин урсин! – ўшқирди жаноб Дарбеда.

У Дарбеда хонимнинг ғашига тегаётганди: шунақа нарсаларни эрига доим ипидан игнасиғача ҳижжалаб тушунтириш керак. Хоним айтмоқчи бўлган гапини ярмидан илиб оладиган, хушёр ва зийрак одамлар даврасида яшашни орзу қиларди.

– Ева унга биз ўйлаганимиздан кўра бошқачароқ боғланган, демокчи эдим, – давом этди хоним.

Жаноб Дарбеда қаҳрли, безовта кўзларини олайтирди, бирор ишора ёки хабарнинг маъносини яхши англамаса, у доим шунақа қиларди:

– Нимага шаъма қилаяпсан?

– Мени кийнамасанг-чи, Шарль, – деди Дарбеда хоним. – Оналар учун айрим гапларни айтиш оғир эканини тушунишинг керак.

– Ҳозир жавраётганларингдан бирор сўзни англаганим йўқ, – деди жаноб Дарбеда ғижиниб. – Ёки сен ҳалиги...

– Ҳа, ўшани айтаяпман, – тасдиқлади хоним.

– Наҳотки улар... шу аҳволдаям-а?

– Ҳа! Ҳа! Ҳа! – жаҳл билан уч марта такрорлади аёл.

Жаноб Дарбеда қўлларини ёйиб, бошини қуйи эгганча индамай қолди.

– Сенга буни бекор айтдим, Шарль, – деди хотини хавотирланиб. – Ичимга ютолмадим.

– Болагинам! – эркак базўр гапирди. – Ўша жиннининг ёнида! У ҳатто Евани танимайдиям, Агата деб атайди. Ўзини ҳурмат қилмай қўйган экан, эҳтимол қизим ҳам ақлдан озгандир.

У бошини кўтариб хотинига жиддий назар солди:

– Барини тўғри тушунганингга ишончинг комилми?

– Шубҳага ўрин йўқ, – деди аёл шошиб, – мен ҳам сенга ўхшаб бунга ишнолмаяпман, Еваниям тушунмайман. Анави нотавон касал унга қўл теккизишини ўйласам... Хуллас, – хоним хўрсинди, – фикримча, Пьер шунинг эвазига қизимни ушлаб турибди.

– Агтанг! – деди жаноб Дарбеда. – У Еванинг қўлини сўрагани уйимизга келганда сенга нима деганим ёдингдами? “Менимча, у Евага жуда ёқади”, дегандим. Гапимга ишонгинг келмаганди.

Дабдурустдан жаноб Дарбеда кафти билан столга уриб, кип-қизариб кетди:

– Бу бузуклик ахир! У қизимизни Агата деб атаб, кучоқлаб ўпади, учар ҳайкаллару яна алламбалолар ҳақида алжирайди! Еванинг эса парвойи фалак! Икковининг ўртасида нима бўлиши мумкин? Агар эрига чин юракдан ичи ачиса, Ева уни сихатгоҳга ётқизсин-да, ҳар куни йўқлаб борсин, марҳамат. Лекин сира ўйламовдимки, бунақа... Мен қизимни қарийб бева деб биламан. Қулоқ сол, Жаннет, сенга очиғини айтишим керак, – жаноб Дарбеда жуда жиддий гапирди, – агар у ҳис-туйғуларини сақлаб қолган экан, мени деса, ўзига ўйнаш топгани маъқул!

– Жим бўл, Шарль! – ҳайкирди Дарбеда хоним.

Эри хонага кираётганида столчага қўйган шляпа ва ҳассасини ҳорғин киёфада қўлига олди.

– Ҳозир айтган гапларингдан кейин, – хулоса чиқарди у, – умидим деярли сўнди. Лекин мен барибир у билан гаплашаман, чунки бу менинг бурчим.

Дарбеда хоним эрини кузатиб қўйишга шошилди.

– Биласанми, – деди хоним унга сал далда бериш учун, – менимча, бу ҳолатда... бошқа сабабдан ҳам кўра, Ева кўпроқ ўжарлик қилаяпти. Пьернинг бедаволигини билсаям, фикридан қайтишни истамай, тайсалляпти.

Жаноб Дарбеда соқолини силаб ўйга толди:

– Ўжарлик дейсанми? Бўлиши мумкин. Ҳа, майли, агар айтганинг тўғри чикса, эртами-кечми буларнинг бари унинг жонига тегади. Пьер ҳар куни ўзини рисоладагидек тутолмайди, яна у камгап. Кўришганимда юмшоқ қўлини узатиб, индамай тураверади. Иккови ёлғиз қолиши ҳаманоқ, у ўзининг савдойи хаёлларига берилса керак; Еванинг айтишича, баъзан худди бўғизланаётгандек бўкирармиш, чунки кўзига ҳар балолар кўринади. Ҳайкаллар кўз олдига келиб, ғувиллаб уни кўрқитади. Ўзининг гапига қараганда, ҳайкаллар атрофида чарх уриб, бўм-бўш нигоҳларини унга қадармиш.

Жаноб Дарбеда қўлқопларини кия туриб, давом этди:

– Ева баридан безор бўлади, ишонавер. Лекин ўшангача ўзининг эси оғиб қолса-чи? Қизимнинг уйдан кўпроқ чикиб, одамлар даврасида юришини хоҳлайман; мисол учун Сэмплоннинг қўлида инженер бўлиб ишлайдиган Шредерга ўхшаш бирор хушбичим, келажаги бор йигитни учратса, у ёқ, бу ёқда кўришиб, ҳаётимни янгитдан бошлашим керак, деган ўйга енгилгина кўникса дейман.

Дарбеда хоним гап чўзилиб кетишидан чўчиб индамади. Эри у томонга энгашди.

– Майли, – деди у, – мен борай.

– Кўришгунча, отаси, – деди хоним унга пешонасини тутиб. – Евани менинг номимдан ўпиб, бечора қизгинамни яхши кўришимни етказиб қўй.

Эри кетгач, Дарбеда хоним креслонинг суянчиғига ястаниб, мадори куриб кўзларини юмди. “Ичида ҳаёт қайнайди-я”, – ўйлади у ёзғириб. Бир оз нафас ростлагач, рангпар қўлини оҳиста чўзди-да, кўзини очмай, пайпаслаб, ликопдаги ширинликни олди.

Ева эри билан дю Бак кўчасидаги эски уйнинг олтинчи қаватида яшашарди. Жаноб Дарбеда зинанинг бир юз ўн иккита пиллапоясини осонгина босиб ўтди. Қўнғироқ тугмасини босганда, у ҳансирамай эркин нафас оларди. Мадмуазель Дормуанинг: “Шу ёшингизда кўринишингиз жуда яхши, Шарль” деганини у мамнуният билан эслади. Пайшанба кунлари жаноб Дарбеда ўзини одатдагидан кўра кучли ва соғлом ҳис этар, бунақа юқорига кўтарилишлар уни янада тетиклаштирарди.

Эшикни Ева очди. Хизматкори йўқ бўлгач, ўзи очади-да. Оқсоч қизлар уникида узоқ туrolмайди – уларнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Жаноб Дарбеда қизини ўпди: “Салом, бечорагинам”.

Ева у билан совуғроқ кўришди.

– Рангинг сўлғин, – деди жаноб Дарбеда унинг ёноғини силаб, – кам кимирайсан-да.

Орага сукут чўкди.

– Онам қалай? – сўради Ева.

– Мазаси йўғроқ. Сешанба кунни уни кўрдинг-ку, тўғрими? Аҳволи ўша-ўша. Кеча холанг Луиза йўқлаб кирганида онанг хурсанд бўлди. Меҳмон кутишни яхши кўради. Лекин келган одам узоқ ўтирмагани маъқул. Луиза холанг кўчмас мулк билан боғлиқ иши важдан Парижга бола-чақаси билан келибди. Менимча, сенга бу ҳақида гапиргандим, ғалати машмаша. У маслаҳатлашгани идорамга кирди. Ўйлашга ҳожат йўқ, уйингни сот, дедим. У харидорниям топди, дарвоқе, исми Бретонель. Бретонелни эслайсанми? У ҳозир ишдан кетган.

Жаноб Дарбеда бирдан жимиб қолди: Ева отасига кулоқ солмаётганди. У қизининг ҳеч нимага қизиқмай қўйганини ўйлаб маънос тортди. “Китоблар билан ҳам шундай бўлганди. Авваллари китобни ундан тортиб олишга тўғри келарди. Энди эса у мутолааниям йиғиштирган”.

– Пьер қандай?

– Тузук. Уни кўргингиз келаяптими?

– Бўлмасам-чи, – деди жаноб Дарбеда шодланиб, – куёвимни бирров кўриб ўтаман.

Бадбахт болага унинг жуда раҳми келар, лекин жаноб Дарбеда Пьерга ижирғанмай қаролмасди. “Хаста одамлар мени даҳшатга солади”. Албатта, бунда Пьернинг айби йўқ эди: ирсияти ниҳоятда чатоқ. Жаноб Дарбеда хўрсинди: “Қанча эҳтиёт чорасини кўрсанг ҳам, бунақа нарсалар ҳаддан

ташқари кеч маълум бўлади”. Йўқ, Пьер айбдор эмас. Лекин барибир у ичида шу иллатни доим сақлаган, қусур феъл-атвориға сингиб кетган; одамнинг аслида қандайлиги ҳақида фикр юритаётганда четга суриб кўйиладиган саратон ёки сил эмас бу. Пьер Еванинг кетидан юрган маҳал кизни мафтун этган асабий нафислигу нозиктаъблик эсдан оғишнинг илк куртаклари эди. “У Евага уйланганда аллақачон ақлдан озганди, тўғри ўшанда бу ҳали кўзга чалинмасди, – деб ўйлади жаноб Дарбеда, – ўринли савол туғилади – масъулият қаердан бошланади, аниқроғи у қаерда тугайди. Ҳарқалай Пьер ўзини ҳаддан зиёд кўп тафтиш қилар, доим ўзи билан овора эди. Лекин хасталикнинг сабабими, оқибатими бу?”. У кизининг ортидан узун қоронғи дахлиз бўйлаб юрди.

– Бу хонадон сизлар учун жуда катта, – деди жаноб Дарбеда, – бошқасига кўчишларинг керак.

– Ҳар сафар шундай дейсиз, дада, – жавоб қайтарди Ева, – сизга айтгандим-ку, Пьер хонасини ташлаб кетолмайди.

Ева уни хайрон қолдирарди: кизик, у эрининг қай аҳволдалигини англаб етармикан. Пьер мутлақо ақлдан озган, Ева эса худди эрининг эс-хуши жойидадек, унинг ўй-фикри билан ҳисоблашади.

– Мен буларнинг барини сенинг фойданг учун айтаяпман, – деди жаноб Дарбеда ўкиниб. – Агар аёл киши бўлганимда, назаримда, манави яхши ёритилмаган эски хоналарда ўтиришдан кўрқардим. Сўнгги пайтларда Отейда қурилатган, ҳаво алмашиб турадиган учта чоғроқ хонаси бор ёруғ уйда яшашингни истайман. Ҳозир мижоз топилмаётгани учун уйларнинг нархи тушган, ижарага олишнинг айни пайти.

Ева эшик тутқичини секингина буради ва улар ичкарига киришди. Тутатқининг бадбўй хидидан жаноб Дарбеданинг томоғи бўғилди. Дарпардалар туширилганди. У курсининг суянчиғи ортида, ғира-ширада кимнингдир озгин бўйнини илғади – Пьер овқатланаётганди.

– Хайрли кун, Пьер, – деди жаноб Дарбеда овозини кўтариб. – Хўш, бугун ўзимизни қандай ҳис этаёпмиз?

У яқинроқ келди; бемор кичкина стол ёнида ўтирар, авзойи бузук эди.

– Қовурилган тухум еяпмизми, – деди у янаям баландроқ овозда. – Жуда соз!

– Мен қар эмасман, – деди Пьер пинак бузмай.

Жаноб Дарбеда худди Евани гувоҳликка чақираётгандек қаҳр билан кизига назар солди. Аммо Ева ҳам отасига жиддий тикилиб, индамади. Жаноб Дарбеда кизини ранжитганини пайқади. “Майли, қайтага ўзига қийин”. Бу бахтиқаро болага қандай оҳангда гапиришнинг билиб бўлмайди: ақли тўрт яшар гўдақниқидан ҳам калта, Ева эса эрига катта ёшли эркаклардай муомала қилишларини истайди. Жаноб Дарбеда ўзини тутолмай манави кулгили нигоҳларга ўрин қолмайдиган лаҳзани тоқатсизлик билан кутди. Касаллар, айниқса, девоналар мудом унинг ғашига тегар, чунки уларнинг гапида тайин йўқ эди. Мисол учун бечора Пьер телба-тесқари гапириб, жўяли бир сўзни эплаб айтолмас, аммо ундан бир оз камтарликни ёки жилла курса хатоларини сал бўлсаям тан олишни талаб қилиш бефойда эди.

Ева тухум солинадиган қадах ва арчилган пўстлокни четга суриб, Пьернинг олдиға қошиқ, санчқи ва ликоп кўйди.

– Хўш, энди у нима ейди? – кизиксинди жаноб Дарбеда.

– Қийма гўшт.

Пьер қони қочган озгин бармоқларига санчқини олиб, диққат билан разм солди-да, ниҳоят жилмайди.

– Бу сафар ҳеч нима рўй бермайди, – санчкини нари суриб гўлдиради у, – мени огоҳлантиришиди.

Ева якин келиб, санчкига диққат билан разм солди.

– Агата, бошқасини бер, – деди Пьер.

Хотини айтганини қилгач, Пьер овқатлана бошлади. Ева шубҳали санчкини қўлига олиб, синчиклаб разм солди; у худди зўр бериб ниманидир қидираётгандек эди. “Уларнинг қилиқлари, муносабатлари қанчалар мужмал-а!” – деб ўйлади жаноб Дарбеда.

У ўзини нохуш ҳис этди.

– Эҳтиёт бўл, – деди Пьер, – дастасининг ўртасидан ушла, тиши тегмасин.

Ева хўрсиниб, санчкини кир ликопага солди. Жаноб Дарбеда бурнида хантал ҳидини туйди. Бу шўринг курғурнинг ҳар бир хархашасига кулок тутавериш ноўрин, деб ҳисобларди у – ҳатто Пьернинг ўзи учун ҳам бу зарарли. Франшо тўғри айтганди: “Қасалнинг алжирашига сира аҳамият бермаслигимиз керак”. Бошқа санчкини узатгандан кўра унга биринчиси иккинчисидан ҳеч фарқ қилмаслигини ётиғи билан тушунтириш лозим эди. Жаноб Дарбеда санчкини намойишкорона қўлига олиб, бармоғини тишининг устидан юрғизди. Кейин Пьерга ўгирилди. Аммо у ҳеч нимани кўрмагандек ликопидаги гўштни майдалайверди; қайнотасига тикилган кўзлари осойишта ва бўм-бўш эди.

– Сен билан жиндек хангомалашмоқчийдим, – жаноб Дарбеда Евага муурожаат қилди.

Қизи ортидан меҳмонхонага итоаткорона эргашди. Жаноб Дарбеда диванга ўтираётиб, қўлида ҳамон санчки борлигини пайқади-да, кулиб уни столчага қўйди.

– Бу ер жуда шинам экан, – сўз қотди у.

– Мен бу хонага сира кирмайман.

– Чексам майлими?

– Бемалол, дада, – деди Ева. – Сигара берайми?

Жаноб Дарбеда сигарет ўрашни маъкул кўрди. Ҳозир бошлайдиган гапи уни сира чўчитмасди. Пьер билан гаплашганда у ақл-идрокидан истиҳола қиларди – ёш бола билан ўйнаётган полвон ўз кучидан шундай уялса керак. Ақл-идрокнинг бор афзаллиги – теранлик, равшанлик, тиниклик унинг ўзига қарши йўналарди. “Очиғини тан олмоқ керак, бечорагинам Жаннетнинг ҳам аҳволи шу”. Дарбеда хонимнинг эс-хуши жойида эди, албатта, аммо хасталик уни... бефаросатроқ қилиб қўйди. Ева эса, аксинча, отасига тортган, дангалчи ва зехнли; у билан суҳбат кўнгилга ҳузур беради. “Шунинг учун ҳам қизимни айнитишмасин, дейман-да”. Жаноб Дарбеда Еванинг хушбичим ва ақлли чехрасига разм солиш учун нигоҳини кўтарди-ю, ҳафсаласи пир бўлди: бир пайтлар заковат балқиб турган очик чехра энди хиралашгандай, тундлашгандай эди. Ева доим жуда гўзал бўлган. Жаноб Дарбеда қизи ўзига ҳаддан ташқари оро берганини пайқади. Қовоғини кўкка бўяб, узун киприкларига сурма сурибди. Еванинг атайлаб ҳаддан зиёд бўянгани отасига оғир ботди.

– Упа-элик суравериб кўкариб кетибсан, – деди у. – Тобинг қочиб қолмаса гўрга эди. Пардоз-андозингни қара-я! Ахир сен камтар эдинг-ку.

Ева индамади, жаноб Дарбеда эса унинг қалин қора сочи тушиб турган бўялган ҳорғин юзига бир муддат ўнғайсизланиб тикилиб қолди. У кизининг фожиавий роллар ижро этувчи актрисага қиёслади. “Ҳатто аниқ кимга ўхшашиниям биламан. Федрани французчасига ўйнаган ҳалиги



румениялик аёлга”. У Евага беҳуда танбеҳ берганидан ўқинди: “Беҳосдан оғзимдан чиқиб кетди. Шу арзимаган нарса учун уни ранжитиш шарт эмасди”.

– Мени кечир, – деди жаноб Дарбеда жилмайиб, – табиийликнинг эски шайдоси эканимни биласан-ку. Ҳозирги аёллар лабига сурадиган анавинақа бўёқлар менга унча ёқмайди. Балки ноҳақдирман, ҳаётдан орқада қолмаслик ҳам керак.

Ева унга майин жилмайди. Жаноб Дарбеда сигаретни ёқиб, тутунини уч-тўрт марта ичга тортди.

– Болажоним, – мақсадга кўчди у, – сенга айтмоқчи бўлганим: кел бурунгидек ҳамма нарса ҳақида ҳасратлашайлик. Кел, ёнимга ўтириб, гапимга кулоқ сол; қари отанггаям ишон-да энди.

– Туриб эшитганим яхши, – деди Ева. – Хўш, менга нима гапингиз бор?

– Сенга оддий бир савол бермоқчиман, – деди жаноб Дарбеда совуқроқ оҳангда. – Буларнинг бари сени нимага етаклайди?

– Буларнинг бари? – ҳайрон бўлиб такрорлади Ева.

– Ҳа, сен қурган манави турмушни айтаяпман, – гапида давом этди у, – менга қара, отам мени тушунмайди, деб ўйлама (бу ўй ҳозиргина унинг миясига келганди). Қасд қилганинг тирик одамнинг қўлидан келадиган иш эмас. Сен фақат тасаввур оламида яшамокчисан, шундай эмасми? Унинг дардмандлигини тан олмоқчимассан, тўғрими? Бугунги Пьерни кўргинг йўқ. Кўзларинг нукул бурунги Пьерни кўради. Азизам, қизалоғим менинг, ахир бу сароб-ку, – деди жаноб Дарбеда. – Майли, сенга бир воқеани айтиб берай, балки эшитмагандирсан: Сабл д’Олонда бўлганимизда – ўшанда уч ёшда эдинг – онанг ёш ва кўркам бир жувон билан танишиб қолди. Сен унинг ўғли билан соҳилда бирга ўйнардиг, икковинглар узукка кўз қўйгандек эдинглар, унга келин бўлардинг. Орадан анча вақт ўтиб, онанг Парижда ўша аёл билан яна учрашмоқчи бўлганда, унинг бошига мудҳиш мусибат тушганини: ёқимтой ўғилчасининг калласини машина мажақлаб кетганини эшитдик. “Уникига борсанглар боласининг ўлгани ҳақида оғиз оча кўрманглар, аёл бунга ишонмайди”, дейишди. Онанг унинг олдига бориб телбанамо бир аҳволда учратди; аёл ўзини худди боласи тирикдай тутар – у билан гаплашиб, столга коса-товоғини қўярди. Хуллас, ўша жувоннинг асаби шунчалик издан чиққандики, охир-оқибат уни уч йилга сихатгоҳга ётқишига тўғри келди. Йўқ, кўзичоғим, – деди жаноб Дарбеда бош чайқаб, – бу ишнинг охири вой. Қайтага ўша аёл ҳақиқатни мардларча қабул қилгани маъқул эди. Бир марта оғир қайғуни бошдан кечириб, тузалиб кетарди. Ҳақиқатнинг кўзига тик қарашни ўрганиш керак. Бошқа йўл йўқ, гапимга ишон.

– Сиз янглишаяпсиз, – деди Ева, – Мен жуда яхши биламан, Пьер...

Ева гапини тугатолмади. У қўлини креслонинг суянчиғига тираб, қаддини тик тутиб турар, юзининг пастида аллақандай қатъий ва ёқимсиз ифода қотиб қолганди.

– Хўш... кейин-чи? – деб сўради жаноб Дарбеда ҳайрон бўлиб.

– Кейин?

– Сен?..

– Мен уни қандай бўлса, шундайлигича севаман, – Ева зериккан алфозда тез жавоб берди.

– Бу нотўғри гап, сен уни севмайсан, севолмайсан. Бунақа туйғуларни фақат эс-хуши жойида, соғлом одамга нисбатан ҳис қилиш мумкин. Пьерга ичинг ачийди, бунга ишончим комил, балки уч йиллик бахтга тўла дам-

ларингни миннатдорчилик билан эсларсан. Лекин менга уни севаман деб айтма, ишонмайман.

Ева маъносиз нигоҳини гиламга қадаб, индамади.

– Саволимга жавоб берсанг бўларди, – тўнгиллади жаноб Дарбеда. – Сен билан гаплашиш мен учун ҳам осон деб ўйлама.

– Сиз менга барибир ишонмайсиз-ку.

– Модомики сен уни севар экансан, – ўшқирди жаноб Дарбеда аччикланиб. – Демак, бу ўзинг учун ҳам, мен ва бечора онанг учун ҳам катта кулфат. Ҳозир сенга айтгим келмай юрган бир нарсани етказаман, – уч йилдан кейин Пьер бутунлай эсдан оғиб, молга ўхшаб қолади.

У қизига хўмрайиб қаради: Еванинг тажанглиги сабаб шундай оғир ҳақиқатни ошкор этганидан ғазабда эди.

Қизи эса ғинг этмади, ҳатто нигоҳини полдан узмадиям.

– Бунни ўзим ҳам биламан.

– Сенга ким айтди? – ажабланиб сўради жаноб Дарбеда.

– Франшо. Ярим йилдан буён бу менга аён.

– Ахир унга қизимни ая, деб илтимос қилгандим-ку, – деди ота алам билан. – Лекин бир ҳисобда айтгани тузук бўлибди. Ҳарқалай шу аҳволдаям Пьерни ёнингда олиб қолиш кечириб бўлмас хато эканини тушунишинг керак энди. Сен бошлаган курашда енгишнинг имкони йўқ, эрингнинг дарди бедаво. Агар бир иложини топиб, яхши парвариш билан уни кутқаришнинг имкони бўлганда, мен шу гапни бошламасдим. Ўзингга бир қара: сен ахир чиройли, эсли-хушли, қувноқ аёлсан, аллақандай телбани деб умрингни хазон қиляпсан. Майли, ҳаммасига тушунаман, ўзингни рисоладагидай тутдинг, аммо энди бари тамом, бурчингни меъеридан ҳам ошириб бажардинг; бу ёғига қайсарлик қилиш ахлоқсизлик бўлади, одамнинг ўзининг олдиаям мажбуриятлари бор, болажоним. Бизлар ҳақимиздаям ўйламайсан. Пьерни Франшонинг шифохонасига ётқизишинг шарт, – жаноб Дарбеда ҳар бир сўзни чертиб гапирди. – Ғам-андухдан бўлак ҳеч вақо кўрмаганинг манави уйни ташлаб, бизникига қайтасан. Кимнингдир корига яраб, дардига малҳам қўйгинг келса, ана, онанг бор. Боёқишга ҳамширалар қарайди, жигаргўшасининг мадади зиён қилмасди. Волиданг хизматингнинг кадрига етиб, сендан миннатдор бўлади.

Орага узоқ сукунат чўқди. Жаноб Дарбеда кўшни хонада Пьернинг кўшиқ куйлаётганини эшитди. Аслида бу кўшиқ ҳам эмас, шоша-пиша шанғиллаб айтилаётган нақоратнинг бир турини эслатарди. Ота қизига тик қаради:

– Демак рози эмассан, шундайми?

– Пьер ёнимда қолади, – деди Ева пинак бузмай, – иккимиз жуда аҳилмиз.

– Эрталабдан кечгача майнавозчилик қилганинглардан кейин аҳил бўласизлар-да.

Ева жилмайиб отасига ғалати, масхаромуз ва алланечук қувноқ нигоҳ ташлади.

– Эсингни еб қўйибсан, – деди жаноб Дарбеда ўрнидан кўзғалиб.

Ева маъносиз жилмайди ва худди ўзига гапираётгандай:

– Ҳали унчалик эмас, – деди.

– Унчалик эмас? Бўлмаса сенга гапим шу, болам, сен мени кўрқитаяпсан.

Жаноб Дарбеда қизини тезгина ўпиб, хонадан чиқди. “Беш-ўнта йигитни бошлаб келиб, анави ношуд гўрсўхтанинг оёқ-қўлидан кўтариш керак-да, ўзидан сўраб ҳам ўтирмай, совуқ сув тагига қўйиш керак”, – деб ўйлади у зинадан тушаётганида.

Кузнинг ажойиб, сокин ва баҳаво куни эди, офтоб ўткинчиларнинг юзини тилла рангга бўярди. Жаноб Дарбеда бу чехраларнинг оддийлигидан ҳайратланди: айримларини ажин босган, бошқалари силлик, лекин барида унга таниш шодлигу ташвиш акс этарди.

– Евага нега таъна қилаётганимни аниқ биламан, – у Сен-Жермен хиёбонига кираётиб, ўзига-ўзи гапирди. – Одамийлик чегарасидан чиқиб яшаётгани учун ундан ёзғираман. Пьер энди одам эмас, қизим меҳр-муҳаббатини унга тортиқ эта туриб, манави одамларни шулардан бенасиб қолдиради. Инсонлардан четлашишга ҳаққимиз йўқ, қанчалик оғир бўлмасин, биз жамиятда яшаймиз.

У ўткинчиларга меҳр билан нигоҳ ташлар, уларнинг жиддий, очик чехралари унга ёқарди. Қуёш чарақлаб турган кўчаларда, оломон орасида ўзингни худди катта оила даврасидагидек хавф-хатардан холи сезасан.

Бошланг бир аёл савдо растаси ёнида тўхтади. У қизчасини қўлидан етаклаб олганди.

– Манави нима, – деб сўради кизалоқ радиоприёмникни кўрсатиб.

– Ҳеч нимага қўл теккизма, – деди онаси, – бу радио, ичидан мусиқа эшитилади.

Улар ҳайратланганча бир неча дақиқа лом-мим демай, туриб қолишди. Таъсирланиб кетган жаноб Дарбеда энгашиб, кизалоққа жилмайди.

## II

“У кетди”. Кўчанинг эшиги “шақ” этиб ёпилди. Ева меҳмонхонада ёлғиз қолди. “У ўлсаям рози эдим”.

Ева қўллари билан курсининг суянчиғига тармашди; отасининг кўзларини элади: мана жаноб Дарбеда билағонлардек Пьернинг тепасида энгашиб, худди беморлар билан гаплашишни биладиган одамдай “Жуда соз!” деяпти; Пьерга боққанида чакчайган кўзларида унинг юзи акс этади. “Унга шунақа қараганида, эримни кўраётганини ўйлаганимда дадамни ёмон кўриб кетаман”.

Ева қўлларини креслонинг суянчиғи бўйлаб юргизиб, кейин деразага ўгирилди. Ёруғдан кўзлари қамашди. Хона нурга тўлган, ҳаммаёқ офтоб: гиламда юмалоқ доғлар, хавода кўзни оладиган чакноқ ғубор. Ева ҳар ерда тимирскиланиб, бурчакларни тозалайдиган, худди яхши уй бекасидек жиҳозларни ялтиратадиган бу шаддод ва доғули офтобни эсдан чиқарганди. Шундай бўлсаям у деразага яқин келиб, ойналарни беркитган юпқа пардани кўтарди. Айни шу пайт жаноб Дарбеда чикди; Ева унинг кенг елкаларини дарров таниди. Отаси бошини кўтариб, кўзини қисиб осмонга қаради-да, йигитлардек катта-катта қадам ташлаб юриб кетди. “Ўзини аямайди, – деб ўйлади Ева, – кўп ўтмай биқини санчиб қолади”. Ева аллақачон отасидан ғижинмай қўйганди: миясида ҳеч вақо йўқ, ёшроқ кўрингиси келади, холос. Аммо отаси Сен-Жермен хиёбонига қайрилиб, кўздан ғойиб бўлгач, яна Еванинг ғазаби кўзиди. “У Пьер ҳақида ўйлаяпти”. Турмушларининг кичик бир бўлаги ёпиқ хонадан сирғалиб чиқиб, офтобли кўчаларда оломонга қўшилиб кетмоқда эди. “Наҳотки бизни ҳеч қачон ўз ҳолимизга қўйишмаса?”.

Дю Бак кўчаси деярли бўм-бўш эди. Бир қари хоним майда қадам ташлаб йўлни кесиб ўтди. Шодон кулган уч қиз, кейин ғилоф кўтарганча суҳбатлашиб кетаётган кучли ва жиддий эркаклар кўринди. “Эс-хуши жойида одамлар мана шулар”, – кўнглидаги нафрат ўтидан ажабланиб

ўйга толди Ева. Семизгина ёқимтой аёл хушсурат жанобнинг ёнига югуриб келди. У аёлни кучиб лабларидан ўпганда Ева қахрли табассум билан пардани туширди.

Пьер қўшиқ айтмай қўйган маҳал тўртинчи қаватдаги бир ёш жувон пианинода Шопеннинг этюдини чалди. Ева сал юпангач, Пьернинг хонаси томон юрмоқчи бўлди-ю, лекин дарров тўхтаб, бир оз хавотир билан деворга суянди: ҳар сафар Пьернинг хонасидан чикканида у ерга қайтиб киришини ўйлаб Еванинг юрагини ваҳима босарди. Аслида у бошқа жойда яшолмаслигини жуда яхши билар, чунки хонани яхши кўрарди. Худди вақтдан ютмоқчи бўлгандек, у журъатнинг қайтишини кутиб, ўзи ўтирган соя ва ҳидсиз меҳмонхонага қизиқсиниб кўз югуртирди. “Тиш дўхтирининг қабулхонасини эслатади-я”. Пуштиранг шойи копланган кресло, диван ва курсилар оталарча жиддий ва камтар кўринар, гўёки инсоннинг кадрдон дўстларига ўхшарди. Ева ўзи боя деразадан қараганда кўрганидек очранг либос кийган басавлат кишилар суҳбатни давом эттириб, меҳмонхонага кириб келишаётганини тасаввур қилди. Улар атрофни кўздан кечиришгаям вақт тополмай, ишонч билан қадам ташлаб хонанинг ўртасигача келишди; қўли худди кеманинг сувдаги изидек иланг-биланг қиладиган бирови йўл-йўлакай ёстиқчалар, буюм ва столларни ушлаб, бу тегинишлардан ҳатто сесканмадиям. Агар бирор жиҳоз йўлларига ғов бўлса, оғир-вазмин жаноблар айланиб ўтиш ўрнига уни бошқа жойга суриб қўя қолишарди. Ниҳоят улар ортга ҳам ўтирилмай, гапга берилиб ўриндикларга ўтиришди. “Рисоладагидек одамлар учун меҳмонхона”, – деб ўйлади Ева. У ёпиқ эшикнинг дастагига қараганида, ҳаяжондан томоғи бўғилди. “Пьернинг олдига боришим керак. Ҳали уни бунчалар узоқ вақт ёлғиз қолдирмаганман. Манави эшикни очиш лозим”. Кейин Ева кўзларини нимқоронғига ўргатиш учун бўсағада туради. Хона эса бор кучи билан уни итариб чиқаришга уринади. Ева шу қаршилиқни енгиб хонанинг юрагигача кириб бориши даркор. Тўсатдан унинг Пьерни кўргиси келиб қолди; у билан бирга жаноб Дарбеданинг устидан кулишни хоҳлади. Аммо Пьерга Еванинг кераги йўқ эди; эри уни қандай қарши олишини Ева олдиндан билолмасди. Қўққисдан у аллақандай ғурур билан энди борадиган жойи йўқлигини ўйлади. “Эс-хуши жойидалар мени ўзимизга ўхшаган, деб билади. Аммо мен уларнинг ёнида бир соат ҳам ўтиролмайман. Мен нарёқда, манави деворнинг нариги томонида яшашим керак. Аммо у ерда мени кутишмаяпти”.

Еванинг атрофидаги ҳамма нарса ўзгариб кетди. Ёруғлик гўё сочи оқарган мўйсафиддек қартайиб, оғирлашиб қолди, худди гул солинган кўзадаги кечадан буён алмаштирилмаган сувдек. Мана шу буюмлар ва эскирган офтобда у аллақачонлар унутган қайғуни – кеч кузнинг чошгоҳдан кейинги қайғусини топди. Ботинолмай, деярли ҳадиксираб атрофга аланглади – бари шунчалар йироқ эдики, нарёқда, хонада эса куну тун ҳам, куз ҳам, қайғуям йўқ. Ева йироқларда, ўтмишда қолган болалигидаги кузни элас-элас эслади-да, кейин бирдан сергак тортиди: у хотиралардан кўрқарди.

Пьернинг овози эшитилди.

– Агата! Қаердасан?

– Кетаяпман, – деди Ева.

У эшикни очиб, хонага кирди.

Тутатқининг ўткир ҳиди бурнининг катакларига урилиб, оғзини тўлдирар, у эса кўзларини катта-катта очиб, қўлини олдинга чўзарди –

хид ва нимқоронғи Ева учун аллақачон сув, ҳаво ёки оловдек бир бутун, ёпишқоқ, жўн ва табиий моддага айланганди; Ева туманда сузаётган оқиш доғга секингина яқинлашди. Бу Пьернинг юзи эди; унинг кийими (дардга чалинганидан бери у қора либос киярди) қоронғига сингиб кетганди. Пьер бошини орқага ташлаб, кўзини юмиб ўтирарди. У чиройли. Ева эрининг узун, қайрилма киприklarига узоқ тикилди, кейин ёнидаги пастроқ курсига чўкди. “Кўриниши азобли”, – деб ўйлади у. Еванинг кўзи аста-секин ғира-ширага мослашди. Дастлаб ёзув столи, сўнг каравот ва ниҳоят креслонинг ёнида, гиламда сочилиб ётган Пьернинг буюмлари: қайчи, елимли идиш, китоблар, қуритилган ўсимликлар тўплами бирма-бир қалқиб чиқди.

– Агата?

Пьер кўзини очиб, унга жилмайганча тикилаётганди.

– Санчки ёдингдами? – деб сўради у. – Анави кимсани чўчитиш учун атайлаб шундай қилдим. Санчкида деярли ҳеч бало йўқ эди.

Еванинг хавотири тарқаб, шодон кулди.

– Бопладинг-да ўзиям, унинг капалаги учиб кетди.

Пьер жилмайди.

– Кўрдингми? Санчкини икки қўллаб ушлаб, узоқ пайпаслади. Гап шундаки, улар буюмни ушлашни билишмайди; дарров чанг солишади.

– Тўғри айтасан, – маъқуллади Ева.

Пьер ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғини чап кафтига ниқтаб кўрсатди.

– Улар мана бундай қилишади. Буюмга бармоқни тирашади-да, ушлаб олиб, кафтда мажақлаб ўлдиришади.

У лабларининг учи билан бидирлаб гапирар, қиёфаси паришон эди.

– Қизик, буларга нима керак ўзи. Анави нусха аввал ҳам келувди. Нега олдимга уни юборишарди экан? Нима билан бандлигимни билиш учун экрандаги ёзувни ўқиш кифоя-ку, уйдан чиқиш ҳам шарт эмас. Улар янглишишарди. Ҳокимият қўлларида-ю, хато қилишади. Мен эса сира янглишмайман, устунлигим шунда. Данғ, – деди Пьер, – донғ.

У узун қўлларини юзининг олдида силқитди: “Вой, жин ургур! Донғ, жонғ, жунг. Яна хоҳлайсанми?”

– Бу кўнғироқми? – деб сўради Ева.

– Ҳа. У кетди. – Пьернинг овози дағаллашди. – Анов кимса – майда югурдак. Сен уни таниркансан, бирга меҳмонхонага чиқдинг.

Ева жавоб қайтармади.

– Хўш, мақсади нима экан? – сўради Пьер. – Сенга шуни айтган бўлиши керак.

Ева бир он тарадудланиб, кўрсроқ жавоб берди:

– У сени касалхонага тикмоқчи.

Эрига ҳақиқатни юмшоқроқ тушунтирса ишонмас, шубҳа-гумонларини даф қилиб, тарқатиб юбориш учун уни рост гап билан чимчиб олиш лозим эди. Ева унга ёлғон гапиргандан кўра қўпол муомала қилган яхши деб ҳисобларди: Пьернинг ёлғонига ишонганини пайқаганда Ева сезилар-сезилмас устунликни ҳис этар ва ўзидан қўрқа бошларди.

– Мени тикишармиш! – деди Пьер кесатиб. – Уларнинг томи кетиб қолган. Девор менга нима бўлибди? Девор уни тўхтатади деб ўйлашар балки. Баъзан ростдан ҳам иккита тўда бормикан, дея ўзимга савол бераман. Ҳақиқийси – ҳабашнинг тўдаси. Ва ҳамма нарсага бурун суқиб, хатонинг кетидан хато қилувчи пандавақилар тўдаси.



Пьер креслонинг тирсак тирайдиган жойига тақ-тақ уриб, Евага кувонч билан қараб-қараб қўйди.

– Деворнинг ичидан ўтса бўлади-ку ахир. Хўш, унга нима деб жавоб бердинг? – у қизиқсиниб Евага юзланди.

– Сени касалхонага тиколмасликларини айтдим.

Пьер елка қисди.

– Ундай демаслик керак эди. Сен ҳам янглишибсан, агар атайин хато қилмаган бўлсанг, албатта. Уларни сирни очишга кўндириш лозим эди.

У жимиб қолди. Ева ғамгин бош эгди. “Дарров чанг солишади!” Пьер бунни қандай нафрат билан айтди-я, аслидаям шундай-да; нахотки мен ҳам буюмларга чанг солсам? Ўзимга оро беришим бефойда, кўп қилиқларим унинг ғашига тегса керак. Аммо менга индамайди. Ева тўсатдан ўзини худди ўн тўрт ёшидагидек ғариб сезди. Ўшанда ёш ва чаккон Дарбеда хоним қизига: “Қўлларингни қаёққа беркитишнйам билмайсан шекилли”, деганди. Ева ўрнидан жилишгаям ботинолмай турганда, аксига олиб қимирлагиси келаверди. У оёғини гиламга хиёл теккизиб, курсининг остига тикди. Кейин Пьер қорага бўяган стол чироғининг тирговучига, шахматга кўз югуртирди. Шахмат тахтасида эри фақат қора пиёдаларни қолдирарди. Баъзан Пьер ўрнидан туриб, столга яқин келарди-да, пиёдаларни қўлига оларди. Уларни Робот, деб атаб, ҳар бирига гапирар, шахмат доналари қўлида қандайдир сирли ҳаёт билан яшаётгандек туюларди. Пьер пиёдаларни жойига қўйгач, Ева ҳам уларга тегинар (бу аҳволда кулгилироқ кўринсам керак, деб ўйларди у), шунда яна ўлик ёғоч парчаларига айланган пиёдаларда сезилар-сезилмас, маънодор бир нима қолгандек бўларди. “Бари уники, – деб ўйлади Ева. – Хонада менга тегишли ҳеч нарса йўқ”. Авваллари айрим жиҳозлар Еваники эди. Масалан, тошойна ва бувисидан қолган, Пьер ҳазиллашиб “сенинг столчанг” деб атайдиган нақшинкор пардоз столи. Бу буюмларни хонага Пьер олиб кирган, улар фақат эрига асл қиёфаларини очарди. Ева жиҳозларга соатлаб тикилар – улар аллақандай муттасил, қахрли қайсарлик билан худди доктор Франшо ва жаноб Дарбедага ўгирилгандек, унгаям фақат ташқи қиёфасини кўрсатарди. “Лекин мен буларга отамнинг кўзи билан қарамайман, – деб ўйлади Ева хавотир аралаш, – унга ўхшаб қарашим мумкин ҳам эмас”.

У тиззаларини силкитди: оёғи увишибди. Қимирламай, тарашадай қотган танасида оғриқ турди; Ева ўз вужудини ҳаддан зиёд тирик ва ному-таносиб сезди. “Кўринмас одамга айланиб қолсам эди; мен уни кўрардим, у эса пайқамасди. Пьерга менинг керагим йўқ; бу хонада мутлақо ортиқчаман”. Ева бошини хиёл буриб, эрининг тепасидан деворга қаради. Унга дўқ-пўписалар ёзилганди. Ева узокдан ўқий олмасаям, бунни биларди. У кўпинча гулқоғоздаги йирик қизил атиргулларни томоша қилар, то кўз ўнгида сапчий бошламагунча уларга тикилиб тураверарди. Нимқоронғида гуллар лов-лов ёнарди. Дўқ-пўписа одатда шифтдан пастроққа, каравотнинг чап томонига ёзилсаям, баъзан бошқа жойга кўчарди. “Ўрнимдан туришим зарур, ортик бундай ўтиролмаيمان, ўтиролмаيمان”. Гулқоғозда кесилган пиёзнинг бўлагидек оппоқ доиралар ҳам бор эди. Улар ўз ўқи атрофида айланган маҳал Еванинг қўллари титраб кетди. “Баъзан эсим оға бошлайди. Э, йўқ, – ўйлади у, – эсдан оғишим мумкин эмас. Шунчаки асабийлашганман”.

Тўсатдан у ўзига Пьернинг қўли текканини сезди.

– Агата, – деди эри майин овозда.

У Евага жилмаяр, аммо хотинининг кўлини қисқичбақанинг танасини тутиб тургандек, hozир ўша қисқичбақа панжаси билан қисиб оладигандек жирганиб бармоқ учида ушларди.

– Агата, – деди у, – сенга жуда ишонгим келади.

Ева кўзларини юмиб, кўкси хиёл кўтарилди. “Хеч нима демаслик керак, йўкса у яна ўз қобиғига ўралиб олади-да, гапирмай кўяди”.

Пьер унинг кўлини кўйиб юборди.

– Сени жуда яхши кўраман, Агата, – деди у. – Лекин сира тушунолмайман. Нега доим шу хонада ўтирасан?

Ева индамади.

– Айт, нега?

– Сени севишимни биласан-ку, – деди Ева куруққина қилиб.

– Сенга ишонмайман, – деди Пьер. – Нима учун мени севишинг керак?

Аслида сен мендан кўркишинг лозим: ахир мен қувғиндиман.

У жилмайди-да, яна жиддий қиёфага кирди:

– Сен ва менинг ўртамизда девор бор. Мен сени кўраман, гапираман, аммо сен нариги томондасан. Бир-биримизни севишимизга нима халал беради? Менимча, аввал севиш осонроқ эди. Гамбургда.

– Ҳа, – деди Ева маънос тортиб.

Доим ўша Гамбург. Уларнинг ростакан ўтмиши ҳақида сира эсламайди. Иккови Гамбургда бўлмаган.

– Биз анҳорлар ёқалаб кезардик. Ўша ёқда битта қайиқ бор эди, эсингдами? Қоп-қора, ичида ит ўтирган қайиқ.

Пьер йўл-йўлакай тўқийверар, кўринишим риёкор эди.

– Сени кўлингдан тутиб турардим; теринг бошқача эди. Айтган ҳар бир сўзингга ишонганман. Жим бўлларинг, – бақирди у.

Кейин бир он қулоқ тутди.

– Улар келишяпти, – деди маънос тортиб.

– Келишяпти, дейсанми? Улар ҳеч қачон ортга қайтишмайди, деб ўйловдим.

Уч кундан буён Пьер хотиржам эди: ҳайкаллар кўринмаётганди. Ўзи тан олмасаям Пьер ҳайкаллардан ўлгудек кўрқарди. Ева улардан чўчимас, аммо ҳайкаллар ғувиллаганча хона бўйлаб чарх урганда эрини ўйлаб роса хавотирланарди.

– Сиутримни узат, – деди Пьер.

Ева ўрnidан туриб, сиутрни олди; эри ўзи елимлаган картон парчаларини шундай атарди. Сиутр ҳайкалларни дуойибад қилиш учун қўлланилар, унинг кўриниши ўргимчакни эслатарди. Картон парчаларидан бирига Пьер: “Фитналарга қарши”, бошқасига “Қора” деб ёзганди. Яна бир картонга кўзлари қисилган, тиржайган қиёфа чизилган: бу Волтер эди. Эри сиутрни четидан ушлаб, унга ғамгин бокди.

– Бунинг энди менга нафи йўқ.

– Нега?

– Улар бунинг маъносини бузишди.

– Бошқасини ясаб олсанг-чи?

Пьер Евага узоқ тикилди.

– Сенга фақат шу керак ўзи, – тиш орасидан гапирди у.

Еванинг эридан жаҳли чиқди. “Ҳайкаллар қачон кўринишини у доим олдиндан билади. Қандай сезаркан, сира янглишмаган”.

Елимланган картон бўлаги Пьернинг кўлида ўликдай шалпайиб осилиб турарди. “Шу матоҳдан фойдаланмаслик учун мудом баҳона топади.

Якшанба куни ҳайкаллар пайдо бўлганда уни йўқотиб қўйдим деганди. Ваҳоланки, сиутр елимли идишнинг ёнида турганини мен кўрдим, ўзининг ҳам кўзи тушгани аниқ. Қизик, ҳайкалларни балки Пьер чақирар”. Эрининг самимийлигига ҳеч қачон тўла ишонч ҳосил қилиб бўлмасди. Баъзида Евага носоғлом ўй-шарпалар уни ўзи сезмаган ҳолда чулғаб оладигандек туюлар, янаги сафар эса Пьер барини тўкиб чиқараётганга ўхшарди. “Азоб чекаётгани рост. Аммо ҳайкаллар ва ҳабашга у қанчалик ишонади? Ҳар ҳолда, билишимча, у ҳайкалларни кўрмайди, фақат овозини эшитади: улар ёнидан ўтаётганда чап беради; лекин кўрдим деб, тасвирлашга уринади”. Ева доктор Франшонинг қип-қизил юзини эслади: “Муҳтарама хоним, руҳий касалларнинг ҳаммаси – ёлғончи, уларнинг асл хис-туйғуларини сизга айтаётган ҳиссиётларидан фарқламоқчи бўлсангиз, вақтингиз зое кетади”. Ева сесканди: “Франшонинг нима алоқаси бор? Мен унга ўхшаб ўйламайман”.

Пьер ўрнидан туриб, сиутрни қоғоз солинадиган қутига ташлагани кетди. “Мен ҳам сен каби фикрласам дейман”, – пичирлади Ева. Эри иложи борича кичик жойни эгаллаш учун тирсагини танасига тираб, майда-майда кадам ташлаб юрди. Қайтиб жойига ўтиргач, Евага қаттиқ тикилди.

– Қора гулкоғоз ёпиштириш керак, – деди Пьер, – хонада қора ранг кам.

У креслода ғужанак бўлиб ўтирди. Ева унинг доим чекинишга, эгилишга тайёр қоқсуяк гавдасига разм солди. Пьернинг қўл-оёғи ва боши ичкарига яшириладиган аъзоларга ўхшарди. Соат олтига бонг урганда пианинонинг товуши тиниб, Ева хўрсинди: ҳайкаллар дарров келмайди, уларни кутиш лозим.

– Чирокни ёқайми?

Ева уларни қоронғида кутгиси келмаётганди.

– Билганингни қил, – деди Пьер.

Ева ёзув столининг устидаги кичкина чирокни ёққач, хонани қизғиш туман қоплади. Пьер ҳам кутаётганди.

У гапирмасаям, лаблари шивирлар – бу лаблар қизил тумандаги иккита қорамтир доғ эди. Евага Пьернинг лаблари ёқарди. Бир пайтлар уларда кўнгилни ўртовчи ҳиссиёт бор эди, лекин ўша нафислик энди йўқ. Пьернинг лаблари хиёл титраганча дам-бадам очилиб-юмилар, бир он қовушиб, яна ажрашарди. Унинг тошдек қотган юзида иккита кўрқок ҳайвончани эслатувчи мана шу лаблар тирик қолганди, холос. Пьернинг этган товуш чиқармай соатлаб ниманидир шивирлар, титраётган лаблари кўпинча Евани мафтун этарди. “Унинг оғзини яхши кўраман”. Эри анчадан буён уни ўпмаган, бировга тегинишдан кўрқарди. Тунлари Пьерни аллақандай эркакларнинг бакувват, ғадир-будур қўллари пайпаслар, жуда узун тирноқли аёлларнинг қўллари баданини силаб-сыйпар, эркаларди. У кўпинча ечинмай ётар, бироқ қўллар кийимининг остидан сукулиб ичқўйлагини тортарди. Бир сафар Пьер кулги овозини эшитди ва кимнингдир дўрдик лаблари лабига ёпишди. Айнан ўша тундан сўнг у Евани ўпмай қўйди.

– Агата, оғзимга қарама! – деди эри.

Ева нигоҳини четга бурди.

– Оғизга қараб фикрни ўқий олиш мумкинлини биламан ахир, – деди у жеркиб.

Пьернинг қўллари курсининг четида титрарди. Кўрсаткич бармоғи чўзилиб, бош бармоғини уч марта чертди, қолганлари эса майишди – бу афсун эди.

– Ҳозир бошланади, – деб ўйлади Ева. Пьерни кучгиси келди.

Пьер дўриллаган, тантанавор оҳангда савол берди:

– Сан-Паулу ёдингдами?

Жавоб қайтармаслик керак. Бу тузоқ бўлиши мумкин.

– Ахир ўша ёқда сен билан танишганман-ку, – деди у кеккайиб. – Даниялик денгизчидан тортиб олганман сени. Муштлашишимизга сал қолди, лекин ҳаммани ичкилик билан меҳмон қилганимдан сўнг, у сени олиб кетишимга рози бўлди. Буларнинг бари ғирт майнавозчилик эди.

“Гаплари ёлғон, айтганларига ўзиям ишонмайди. Исми Агата эмаслигиниям билади. Ёлғон гапирганда уни ёмон кўраман”. Бирок эрининг шишадай чакчайган кўзларига қараб, Еванинг қаҳри босилди. “Йўқ, у алдамаяпти, – ўйлади Ева, – шунчаки зўриққан. Анавиларнинг яқинлашаётганини сезиб, уларни эшитмаслик учун ҳам гапираяпти”. Курсини икки қўллаб чангаллаб олган Пьернинг юзи бўзарган, аммо лабида табассум ўйнади.

– Бу учрашувлар кўпинча ғалати тарзда бошланади, – сўзида давом этди у, – лекин мен тасодифга ишонмайман. Сени ким юборганини сўрамайман, биламан, жавоб бермайсан. Ҳар ҳолда мени лойга булғашга уста чиқдинг.

Пьер базўр, шанғиллаб гапирар, тили келишмаган айрим сўзлар гўё юмшоқ, шаклсиз бўтқадек оғзидан тўкиларди.

– Сен мени байрам авжига чиққан маҳал етаклаб кетдинг, қоп-қора машиналар қаторидан олиб ўтдинг, лекин уларнинг ортига ўгирилишим билан йилт-йилт ёнадиган қип-қизил кўзларнинг бутун бошли кўшини яширинганди. Ўйлашимча, сен кўлимга осилиб ўшаларга ишора қилардинг, мен эса пайқамасдим. Дабдабали Тахтга чиқиш маросимига ҳаддан ташқари берилгандим.

Пьер тўғрига қараб, кўзларини катта-катта очиб ўтирарди. Сўзида давом этаётиб, қўли билан пешонасини артар, жим бўлишни истамасди.

– Бу Республиканинг Тахтга чиқиш маросими эди, – деярли чинқириб гапирди у, – мустамлакалардан атайлаб келтирилган кўп сонли турли-туман ҳайвонлар қатнашган ўзига хос, бетакрор томоша. Сен маймунларнинг орасида адашиб қолишдан кўрқдинг. Мен маймунлар, дедим, – атрофга аланглаб, ғурур билан сўзини такрорлади Пьер. – Лекин хабашлар орасида, десам ҳам бўларди! Бизни ҳеч ким кўрмаяпти, деб столнинг остида ғимирлаётган маразлар фош қилинди ва Нигоҳим билан турган жойларига қотирилди. Буюраман: жим бўлларинг, – бақирди у. – Жим! Ҳайкаллар кираётганда ҳамма саф тортиб, қимир этмай турсин, бу буйруқ. Ту-ту-ту-ру, – Пьер кафтини оғзига карнай қилиб чалди, – ту-ту-ру-ру, ту-ту-ру-ру.

Эри жимиб қолгач, Ева ҳайкаллар аллақачон хонага кирганини англади. Ранги бўздек оқарган Пьер кеккайганча, қилт этмай ўтирарди. Ева ҳам жойида қотди гўё, иккови товуш чиқармай кутишди. Кимдир дахлиз бўйлаб юрарди – бу уй хизматчиси Мари эди, кирмоқчи бўлган ҳам ўша бўлса керак. “Унга газнинг пулини бериш лозим”, деб ўйлади Ева. Шу пайт ҳайкаллар уча бошлади: улар Ева ва Пьернинг орасидан шувиллаб ўтишарди.

Пьер “Хон” дедию оёғини жуфтлаб креслога ёпишди. У тесқари қараб, ҳар замон илжяяр, пешонасидаги тер томчилари йилтирарди. Ева бу бўзарган юзга, қийшайган, титроқ лабларга бардош беролмасди; у кўзларини юмиб олди. Қизғиш қовоқлари ортида тилларанг шарпалар ғужғон ўйнади; у ўзини қари ирқитдай ҳис этди. Ёнида Пьер хириллаб

нафас оларди. “Хайкаллар учаяпти, ғувиллаб Пьерга тармашаяпти...” Ева ўнг елкаси ва биқинини нимадир қитиклаб, чимдиганини ҳис этди. Гавдаси худди нохуш турткидан қочиб, оғир, қўпол буюмни ўтказиб юбормоқчидек беихтиёр чап томонга тисарилди. Бир пайт полнинг тахтаси ғичирладию, Ева кўзини очгиси, қўли билан хавони тарқатиб, ўнг тарафга қарагиси келди.

У қилт этмади; кўзлари ҳамон юмуқ, азобли бир қувончдан аъзойибадани сесканарди. “Мен ҳам кўрқаяпман” – деб ўйлади у. Еванинг бутун борлиғи ҳозир ўнг тарафга беркинганди. У кўзини очмай Пьер томонга энгашиди. Озгина ҳаракат қилса, шу мусибатли оламга ёриб киради. “Мен хайкаллардан кўрқаман”, – хаёлидан ўтказди у. Бу кўр-кўрона, қатъий хулоса, афсун эди: Ева бутун вужуди билан хайкалларнинг хонада эканига ишонгиси келар, гавдасининг ўнг тарафини фалаж қилган ваҳимани янги мазмунга, сезгига айлантирмоқчи бўларди. Қўли, биқини, елкаси билан уларнинг учаётганини ҳис этарди.

Хайкаллар визиллаб паст ва секин учди. Уларнинг қиёфаси алдамчи эканини, тош кўзларининг атрофида киприк ўсганини билсаям Ева хайкалларни яхши тасаввур қилолмасди. Тирик этнинг ямоғи, юмшоқ тангачалар баҳайбат гавдаларнинг айрим жойларидан туртиб чиққан эсада, хайкаллар ҳали тўла жонланмаганини ҳам биларди; бармоқларнинг учидаги тош кўчган, улкан кафтлар қичишарди. Ева буларнинг барини кўролмас, фақат улуғвор ва серҳашам, девдек келбатли аёлларнинг инсонга хос қиёфа ва тош каби мустаҳкам қатъият билан ўзи томон интилаётганини хаёлига келтирарди, холос. “Улар Пьернинг устига ёпирилишяпти”. Қаттиқ зўриққанидан Еванинг қўллари қалтиради. “Мен томонга ёпирилишяпти...” Кутилмаганда даҳшатли ўқирикдан баданини совуқ тер босди. “Хайкаллар унга тегинишди”. Ева кўзини очганда Пьер бошини чангаллаб ҳансираб нафас оларди. Ева жуда ҳолдан тойганини ҳис қилди. “Ўйин, – афсусланиб ўйга толди у, – буларнинг бари бор-йўғи ўйин эди, ҳеч бирига бир он бўлсаям чинакамига ишонолмадим. Пьер эса ростакамига азоб чекди”.

Шалвираб қолган Пьер ҳарсиллаб нафас чиқарарди. Лекин кўзлари ҳалиям ғалати чакчайган, ўзи терга ботганди.

– Уларни кўрдингми? – деб сўради Пьер.

– Кўролмадим.

– Шунисиям яхши, улар сени кўрқитарди. Мен эса хайкалларга аллақачон кўникканман.

Еванинг қўли ҳалиям титраб, қовоғи учарди. Пьер чўнтагидан сигарет чиқариб, оғзига солди-ю, лекин ёндирмади.

– Менга барибир, уларга хоҳлаганча қарайвераман, тегинишмаса бўлгани; хуснбузар юкмасин деб кўрқаман.

У бир оз ўйлаб, кейин сўради:

– Уларни эшитдингми?

– Ҳа, – деди Ева, – худди самолётнинг моторига ўхшайди. (Ўтган якшанбада Пьернинг ўзи шундай деганди.)

Эри майин жилмайди.

– Ошириб юбординг, – деди у. Пьернинг ранги ҳалиям оппоқ эди. У хотинининг қўлига қаради: – Қўлларинг титраяпти. Бечорагинам Агата, қаттиқ таъсирланибсан. Қайғурма: эртагача улар қайтишмайди.

Тишлари тақиллаётган Ева гапиролмас, Пьер пайқаб қолишидан чўчирди. Пьер унга узоқ разм солди.



– Сен ниҳоятда соҳибжамолсан, – деди у бош чайқаб. – Афсус, минг афсус.

У чаққон қўл узатиб хотинининг қулоғига тегинди.

– Менинг гўзал иблисгинам! Сен менга бир оз халал бераяпсан, ҳаддан ташқари чиройлисан – бу мени чалғитади. Агар тубанлашиш бўлмаса...

У Евага ҳайрат билан тикилганча жимиб қолди.

– Йўқ, бу сўз эмас... Бу сўз миямга... – у сирли жилмайди. – Тилимнинг учида бошқа сўз айланаётганди... буниси... ўшанинг ўрнини эгаллаб олди. Сенга нима демоқчилигим ёдимдан чиқди.

Пьер хиёл ўйга толиб, бош чайқади.

– Майли, – деди у, – қиттак мизғиб олай. – Кейин болаларча мижғовланиб қўшиб қўйди:

– Агата, билсанг, жуда ҳолдан тойдим. Фикримни бир жойга жамлолмаяпман.

Пьер сигаретини ташлаб, гиламга хавотир аралаш тикилди. Ева унинг бошига ёстиқ қўйди.

– Сен ҳам ухлаб ол, – деди эри кўзларини юмиб, – улар энди кайтишмайди.

“Тубанлашиш”. Пьер юзида ним табассум билан ухлар, худди ёноғини елкасига суртмоқчидек боши қийшайганди. Еванинг эса кўзига уйқу келмас, у “тубанлашиш” сўзини қайта-қайта такрорларди. Пьер дабдурустдан чехрасига аҳмоқона тус бериб, тилига шу узун, сийқа сўз келди. Худди сўзни кўраётгандек рўпарасига қарадию, ярим очик оғзининг таноби қочиб, ичида нимадир зил кетгандек бўлди. У кўп гапириб юбораяпти. Биринчи марта шундай бўлиши: айтмоқчи, ўзиям бунга эътибор берди. Фикримни йиғолмаяпман, деди. Пьер ҳузурланиб, секин ихради-да, қўли хиёл қимирлади. Ева унга диққат билан назар солди: қай аҳволда уйғонаркан? Уни шу савол қийнар, эрининг кўзи юмилиши ҳамонок миясидан шу ўй кетмай қоларди. Пьер уйғонгач яна кўзларини аланг-жаланг қилиб, алжирашни бошламасин-да, деб кўрқарди. “Бунчалар лақма бўлмасам, – деб ўйлади Ева. – Франшо менга ўша ҳолат бир йилдан кейин рўй беради деганди-ку”. Лекин хавотири босилмади: бир йил – бир киш, бир баҳор, бир ёз, кейин яна куз. Қуни келиб Пьернинг афт-ангори буришиб, жағи осиладию, ёшланган кўзларини очолмай қолади. Ева энгашиб унинг қўлига лабини теккизди: “Мен сени аввалроқ ўлдирман”.

*Рус тилидан  
Алишер ОТАБОЕВ  
таржимаси*



## ОЙБЕК ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИ

*Ўзбекистон Ойбек билан хайрлашган кун  
Мангуликдан бир лаҳзага келди Навоий –  
Тирикларга сездирмасдан силади беун,  
Ойбегининг манглайини руҳи самовий  
Ва сўнг уни олиб кетди босиб бағрига  
Абадият деб аталган руҳлар шаҳрига.*

*Абдулла ШЕР*

XIX асрнинг 50–60-йилларида Россия қўшинларининг Ўрта Осиёни забт этиши билан ўзбек халқи тарихининг мустамлакачилик даври бошланди. Ер юзининг бошқа хуудларида бўлганидек, Ўрта Осиё халқлари ҳам мустамлакачи давлат белгилаб берган қонун-қоидалар асосида яшашга мажбур бўлди. Шу даврда масжид ва мадрасалар ёпилиб, араб ва форс тилларининг маънавий-маданий таракқиёт воситаларидан бири сифатидаги мақоми пасайтирилди. Бунинг ўрнига халқимиз маданий ва маънавий ҳаётига рус тили ва рус адабиёти шиддат билан кириб келди. Бу ҳол, бир томондан, миллий тарихни ўрганишга, миллий тил ва адабиётнинг ривожланиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, ўзбек халқининг охир-оқибатда рус тили ва адабиёти орқали Европа, шунингдек, Америка халқлари адабиётларини – янги адабий-маданий оламни кашф этишига имкон берди. Ўзбек ёзувчилари жаҳон адабиёти эришган бадиий ютуқлар ва тажрибаларни ўрганиш асосида миллий адабиётимизга янги адабий шакл ва жанрларни, янги бадиий-услубий воситаларни олиб кира бошладилар.

Ана шу жараёнда Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Усмон Носир, Зулфия, Асқад Мухтор, Одил Ёқубовлар нафақат баркамол шоир ёки ёзувчи забардаст таржимон, балки сифатида ҳам ҳавас қилишга арзирли ишларни амалга оширдилар. Ўзбек халқининг жаҳон адабиёти намуналари билан танишиши, уларни Навоий ёки Қодирий асарларини ўқигандек севиб ўқишида бадиий таржима олтин кўприк вазифасини ўтади.

Лекин бу иш осонлик билан бўлмади. XIX асрнинг 70-йилларигача асосан форс ва араб тилларидаги бадиий адабиёт намуналарини туркий (эски ўзбек) тилига таржима қилган таржимонлар учун Европа халқлари тиллари, жумладан, рус тили ҳам мутлақо бегона тил эди. Шунинг учун ҳам 1870 йилда Тошкентда ўзбек тилида чиқа бошлаган “Туркистон вилоятининг газети” ўз олдида муҳим ва хайрли вазифани қўйиб, И.А.Крилов, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, Н.А.Некрасовнинг асосан болаларга мўлжалланган кичик-кичик асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ишларини бошлаб берди. Бу ишга газета муҳаррири Н.А.Остроумовдан ташқари, Шохимардон Иброҳимов, Чанишев, Айдаров, Сатторхон, Мулла Олимлар жалб этилди. Рус адабиётининг дастлабки таржимонлари томонидан эски ўзбек тилига

ўғирилган айрим асарлар Саидрасул Азизий, Али Асқар Калинин, Абдулла Авлонийнинг дарсликларига ҳам киритилиб, рус-тузем ва жаҳид мактаблари ўқувчилари эътиборига ҳавола этилди. Болаларбоп бадиий шакл ва ибратли-дидактик мазмун билан йўғрилган бу асарлар жаҳид болалар адабиётининг майдонга келишида мумтоз ўзбек адабиёти ва фольклори анъаналари билан бирга катта аҳамиятга эга бўлди.

Аммо бу таржималарга бугунги адабий-бадиий мезонлар асосида ёндашганда уларнинг тил ва услуб жиҳатидан мураккаб эканлиги яққол кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби нафақат таржимонларнинг бадиий таржима амалиётидан узоқ бўлганлигида, кўринади. Ўзбек адабий тилининг кейинги ривожидан биринчи навбатда, Чўлпон ва Қодирийнинг ҳам ёзувчи, ҳам жаҳон адабиёти намуналарининг таржимони сифатидаги хизматлари мислсиз. Улар билан изма-из ҳам ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишига, ҳам ўзбек халқини жаҳон адабиёти билан таништириш ишига катта ҳисса қўшган сўз сеҳркорларидан бири Ойбекдир.

Ойбек умрининг, Навоий айтмоқчи, илм маҳзанини йиғиш фасли икки тарихий давр тўқнашган йилларга тўғри келди. У ҳаётининг илк даврида, оз фурсат бўлса-да, мадрасада ўқиб, араб ва форс тиллари билан ошно бўлди, инқилобий бўронлар билан бошланган янги даврда эса эътиборини кўпроқ шу даврнинг муҳим ижтимоий масалаларига қаратди.

Бу қандай давр эди? Бу, Ойбекнинг устози Мунаввар қори Абдурашид-хонов ва унинг маслакдошлари учун 1917 йил февралдан кейин миллий мустақиллик умиди пайдо бўлган, 1918 йил февралда Туркистон мухторияти бостирилгандан кейин эса, шу умид гуллари хазон бўлган, лекин “ноумид – шайтон” ҳикматига амал қилган устозлар мустақиллик учун курашнинг янги йўллари ахтараётган йиллар эди. Улар келган фикр-хулосага кўра, давлат идораларини бошқара оладиган, таълим, фан, маданият ва халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича юқори малакали миллий кадрларни тайёрламасдан туриб, мустақиллик учун курашиш самарасиз эди. Шунинг учун ҳам 1922 йилда Бухоро Халқ шўро жумҳуриятининг маблағи ва маърифат фидойиларининг дуои саломлари билан 70 нафар ёш Германияга ўқишга юборилди. Улар ишлаб чиққан режага кўра, ҳар йили тахминан шунчадан ёшлар нафақат Германия, балки бошқа давлатларга, хусусан, Россиянинг Москва ва Ленинград шаҳарларидаги олий ўқув юртларига ҳам юборилиши ва миллий кадрлар муаммоси беш-ўн йил мобайнида ҳал қилиниши лозим эди.

Шу тарихий даврнинг шиорларидан бири “Финансы поют романсы” (бу иборани “Кўшиқни молиядан эшитинг”, деб таржима қилиш тўғри бўлса керак), деган сўзлар эди. Мунаввар қори таъсирида улғайиб бораётган Ойбек ҳам ҳали билим юртида ўқиб юрган кезларидаёқ ўз олдига иқтисодчи бўлиш мақсадини қўйди. Аммо у фақат иқтисодга доир адабиётнигина эмас, балки Тэннинг “Санъат бўйича мутолаа”, Фриченинг “Санъат тарихи”, Белинскийнинг “Адабий орзулар”, Луначарскийнинг “Позитив (ижобий) эстетика ҳақида” сингари асарларини кунт билан мутолаа қилди.

Ўша йилларда Ойбек билан танишган Ўзбекистон ФА мухбир азвоси К.Лапкининг адиб ҳақидаги хотираларида бундай маълумот бор: “Мен, – деб ёзган эди у, – рус адабиёти ва шеърини пухта ўргатилган ўрта мактабда таҳсил олганман. Жуковский, Некрасов, Тютчев, Пушкин, Блок, Маяковский, Есениннинг шеърларини ёд айтардим. Маяковский шеър ўқиган кечаларда қатнашганман. Мен баъзан окшом чоғлари Ойбекка рус шоирларининг шеърларини ўқиб берардим. У Пушкин билан Тютчевни,

айниқса, севар, аммо шу билан бирга бошқа шоирларнинг шеърларини ҳам бажонидил тинглар эди. У рус адабиётига хос гуманизмни, инсоннинг эзилиши билан чиқиша олмасликни, ёвузлик билан курашдаги мурасасизликни кадрлар эди”.

Бу сўзлардан маълум бўладики, Ойбек рус ва жаҳон адабиётига мурожаат этганида, бу адабиёт намуналарини эстетик завқ олиш, ижодий ўрганиш учунгина эмас, балки, энг аввало, улардаги ўзи учун, ўзбек халки учун зарур бўлган гуманизм ғояларидан, инсоннинг, бутун бир халкнинг жабрланишига бўлган нафрат ва адолатсизликка нисбатан мурасасизлик туйғуларидан баҳраманд бўлиш, рухий қувват олиш учун ўқиган. Ўша пайтда қарамлик шароитида яшаётган Ойбек учун, ўзбек халки учун шу нарса, айниқса, муҳим эди.

Ойбекнинг рус шеърляти классиклари билан танишишида рус тили ва адабиёти муаллими Горяновнинг хизматлари катта. “Сўзларининг, қўлларининг имо-ишораси билан, тахтага чиза-чиза рус тилини ўргатишга уринган” Горянов туфайли у Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Блок шеърлятини илк бор кашф этди. Айниқса, Пушкин шеърляти уни мафтун этди. “Мен Пушкин шеърляти билан яшай бошладим, – деб ёзган эди Ойбек олис 20-йилларни эслаб. – Янги бир дунёга кирдим, янги ҳаёт, янги илҳом кашф этдим”.

Ўрта Осиё давлат университети ижтимоий фанлар факультетининг иқтисод бўлимида таҳсил ола бошлаган Ойбек чуқурроқ билим олиш мақсадида ўқишни Ленинграддаги Халқ хўжалиги институтига кўчиради. У “Шимолий Венеция”да иқтисодий тангликда, ярим оч-юпун яшаганига қарамай, юқори малакали иқтисодчи бўлиш ва айни пайтда шеърлятга бўлган рухий эҳтиёжини қондириш учун тинмай ўқийди.

Ойбекнинг болалик даври ўртоқларидан бири Ҳомил Ёқубов адиб билан Ленинградда илк бор учрашган кунларни бундай хотирлаган эди: “...1927 йилнинг куз фаслида Ойбек Ленинградга келиб қолди... Одатий салом-алиқдан сўнг биз тезроқ Ўзбекистондаги аҳволни билишга қизиқдик. Ойбекнинг хикоя қилишича, Ўзбекистонда мафкура майдонида кескин кураш бошланибди. Адабиёт соҳасидаги ёт мафкурага қарши кураш масаласи матбуот саҳифаларида кўтарилган баҳсларда Ойбек ҳам қатнашибди. Бу ҳақда Ойбек шу қадар куюниб-ёниб сўзлардики, биз адабиёт аллақачон ҳаётининг ажралмас қисмига айланганини сезиб турардик. Унинг фикрича, ижодкор аввало ғоявий барқарор ва ўта билимдон бўлмоғи шарт. “Ўзи тўғри йўлда турмаган ёзувчи ўзгаларни ҳам асло Ҳақ йўлига бошлай олмайди”, – деганди у. Шундан сўнг суҳбат инсон умрининг мазмуни ҳақида кетди...”

Хотиранависнинг ёзишича, Ойбек: “...Энди ҳамма имкониятлардан яхши фойдаланиб, фақат ихтисос(лик) фанларини ўзлаштириш билан қаноатланмасдан, мустақил мутолаа йўли билан адабий-назарий маълумотини чуқурлаштириш, рус ва Ғарбий Европа бадиий ижод хазиналари билан яқиндан танишиш ниятида эканини ҳаяжонланиб сўзла”ган; “ижтимоий, иқтисодий ва фалсафий фанларга қизиқиши тобора кучайиб”, “иқтисод факультети программаси юзасидан системали равишда фалсафа тарихи, қадимги ва янги дунё фалсафаси...ни чуқур ўрганган”. “Бадиий асарларни айтмайсизми? – деб давом этган хотиранавис. – Улар (Ойбекнинг ётоқхонасида – Н.К.) қалашиб ётарди. Ойбек буларнинг кўпларини ўқишга улгурар, ўқиганда ҳам синчковлик билан ғоявий-бадиий мағзини чақиб ўқирди. У хусусан поэзияни ёқтирарди. Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Блок, Маяковский, Есенин шеърларининг баъзиларини бизга ёддан ўқиб берарди. Биз эътибор бериб тинглардик...”

Ойбек Тошкент ва Ленинграддаги талабалик йилларида номлари юқорида тилга олинган шоирлар ижоди мисолида рус лирикасидаги ҳис-туйғу ва лирик кечинмаларнинг порлоқлигидан, бадиий тасвир усулларининг ранг-баранглигидан баҳра олган. Аммо рус шеърятига ром бўлмасдан аввал у Туркияда таҳсил олган устози Эсон афанди ва Чўлпон таъсирида янги турк шеърятига ихлос қўйган эди. Ойбек “Адабиёт, тарих, замонавийлик” (1966) деб номланган суҳбатида шу жараён ҳақида илк бор сўзлаб, бундай деган эди: “Янги турк поэзиясининг асарлари мени илк марта лирик соддалик йўлида изланишга ўргатди. Мен турк поэзияси билан техникумнинг студенти бўлган йилларимда танишдим. Ўша пайтда Бокуда Яҳё Камол, Ризо Тавфик, Абдулҳақ Ҳомид ва бошқа бир неча турк шоирларининг асарлари нашр қилинганди. Бу асарлар менинг ҳам қўлимга тушиб қолди. Булар ҳозир ҳам менда сақланади. Яқинда уларни қайтадан варақларканман, илк марта таъсирланганимни кўз олдимга келтирдим. Муҳим ва мураккаб нарсалар ҳақида соддагина қилиб сўз айтиш мумкин экан. Қалбни забт этган ҳис-туйғуларни, чуқур лиризмни ифода этмоқ учун дабдабали шакл шарт эмас... Энг муҳими, кундалик ҳаёт предметлари, одатий нутқ поэтик оламнинг бутун дабдабаси ва жозибасини йўққа чиқариб қўядиган кўринарди”.

Ойбек 20-йилларда Тошкентдаги “Турон” кутубхонаси фондидаги турк шоирларининг мажмуалари ва “Сарвати фунун” журналида босилган асарларини мутолаа қилиш жараёнида содда услуби ва ёниқ туйғулари билан анъанавий ўзбек шеърятидан кескин фарқ қилган турк шеърятига меҳр қўйди. У ҳатто Зиё Кўкалп таъсирида машҳур “Ўзбекистон” шеърини ёзди.

Совет мафкурачилари таъбири билан айтганда, пантуркизм ғоялари билан суғорилган бу шеърнинг бадиий шакли Ойбекка ўзбек лирикасининг гўзал намуналаридан бирини яратиш севинчини бағишлади. Агар Зиё Кўкалп ўз шеърида турк тилини шарафлаган бўлса, Ойбек ўз шеърида она-Ватани –Ўзбекистонни кўқларга кўтарди.

Ойбек турк шеърятига қизиқа бошлашидан аввал, “мактабдалик йилларида Шарқ классикаси билан танишиб”, “ҳиротлик буюк Навоий ва ажойиб лирик, озарбойжон адабиётининг буюк сиймоларидан бўлган Фузулийга бениҳоя меҳр қўйган” эди. Ва бу меҳр унинг ҳаёти, қалби ва ижодини бутун умри бўйи ёритиб, унга куёш ҳароратини бағишлаб турди.

Энди яна Ойбекнинг Нева бўйларида яшаган кунларига қайтсак.

Кунларнинг бирида Ойбек Ленинград университетиде таҳсил олаётган техникумдош дўсти Маннон Эминжондан ёш қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезовнинг ҳам шу дорилфунунда таълим олаётганини эшитади. У маърузалардан бўш соатларида Авезовни ахтариб топиб, у билан самимий суҳбатлашади. Аён бўлишича, Мухтор Авезов ўша кезларда таҳсил олиш билан бирга Жонли Шарқ тиллари институти домласи, бўлажак атоқли турколог И.К.Юдахиннинг таклифи билан шу институтда ўзбек тили бўйича амалий машғулотларни ҳам олиб бораётган экан. Орадан бир неча кун ўтгач, Ойбек унинг маслаҳати билан Жонли Шарқ тиллари институтига бориб, институтнинг педагогик жамоаси билан танишади ва ўзи ҳам ўзбек тили бўйича талабалар билан амалий машғулотларни олиб бора бошлайди. Айни пайтда у эркин тингловчи сифатида В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс сингари машҳур шарқшунос олимларнинг маърузаларини тинглайди. У шу йилларда Бартольд таҳрири остида чоп этилган “Мир-Али-Шир” тўпламини хижжалаб ўқийди. Навоий яшаган давр, улуғ ўзбек шоирининг ҳаёти ва ижоди ҳақида шу ерда, шу домлалар даврасида бўлиб ўтган суҳбатлар Ойбек илмий ва ижодий ҳаётининг асосий йўналишини



белгилаб беради. У шу даврдан бошлаб улуғ ўзбек шоири ҳаёти ва ижодини изчил ўрганишга киришади.

Шу йилларда Ўзбекистонда араб ёзувидан лотин ёзувига ўтиш масаласи ҳал этилаётган, зиёлилар шу масалада икки қисмга ажралиб чиқишган эди. Араб ёзувини сақлаб қолиш тарафдорлари ҳам, лотин ёзувига ўтиш ва шу йўл билан хорижий маданий дунёга яқинлашиш тарафдорлари ҳам – ҳар бирлари ўзларича ҳақ эдилар. Шу масалада Ойбек, К.Лапкиннинг айтишича, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги яқинлашувнинг кучайиши, шу икки дунё ўртасидаги “Хитой девори”нинг олиб ташланишини ёқлаб чиқади.

“Ойбек, – деб ёзади у, – ўтмиш маданий меросини юксак баҳолар, уни кунт билан ўрганар, лекин “Шарқ ва Ғарб маданияти” деган гапни тан олмасди. У Шарқ маданияти тарафдорларининг Ғарб маданияти, ёзувига нисбатан қўяётган даъволарининг пуч, на тарихий, на мантикий асосга эга эмаслигини яхши билар эди. Чунки Ўрта Осиё тарихида, маданиятида доимо турли хил мамлакатлар ва халқлар маданияти, фанининг таъсири бор. Аристотелсиз Ибн Сино ёки Берунийнинг бўлиши мумкин эмас эди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, ўртаосиёлик мутафаккирлар Европа ва жаҳон маданияти, цивилизациясининг шаклланиши ва равнақиға ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар. Ғарбга сажда қилишни ҳам Ойбек бемаънилик деб биларди. Шу билан бирга, бу ҳар иккала маданиятни “Хитой девори” билан ажратиб қўйишни телбалик, дер эди”.

Ойбек 1926 йилда жаҳон адабиётига илк бор мурожаат этиб, Анатолий Франсининг “Башарият тарихи” ҳикоясини таржима қилади. “Башарият тарихи”, аслида, мустақил ҳикоя бўлмай, француз адибининг “Жером Куньяр афандининг фикр ва мулоҳазалари” деган китобидан олинган. Бу китоб дастлаб “Echo de Paris” газетасининг 1893 йил 15 март – 19 июль сонларида фельетонлар туркуми тарзида босилган. Асар нақл шаклида баён қилинган диалоглар силсиласидан иборат бўлиб, уларда қахрамоннинг давлат тузилиши, армия, уруш, ахлоқ ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари ўз ифодасини топган. Бу ҳикоя таржимасини ўқир экансиз, сизда бир савол туғилади: “Ойбек шу асарни тўла ҳолда ўқиганми ёки Анатолий Франс асарининг бирор журнал ё газетада эълон қилинган парчасиними?” Бизнингча, Ойбек дастлаб шу ҳикоя билан танишган бўлса ҳам, бу ибратли Шарқ афсонасини таржима қилганидан сўнг, “Жером Куньяр”ни, албатта, ўқиб чиққан. Аммо ҳозир гап бунда эмас. Гап шу “қисса”нинг “ҳисса”сида.

Ҳикояда тасвирланишича, донишманд Забнинг шогирди ёш шахзода Замир отаси вафот этганидан кейин Эрон тахтига ўтиргач, салтанатдаги барча олимларни йиғиб, уларга бундай сўзлар билан мурожаат этади: “Менинг донишманд отам мозийдан хабардор бўлиб иш қилсалар, кўп хато қилмаслар эди, деб айтган эдилар. Шунинг учун мен бутун халқларнинг тарихларини ўқимокни орзу қиламан. Мана бунинг учун бутун дунё тарихини тузишни ва унинг мукамал бўлиши учун ҳеч бир воқеанинг қолдирилмаслигини сизга буюраман”.

Олимлар шу соатдан бошлаб ишга тушиб, 20 йилдан кейин подшо ўқиши учун 12 туянинг ҳар бирига 500 жилддан юкланган китобларни саройга олиб келадилар. Шу орада 20 йилга кексайган подшо эл-юрт ташвишларидан ортиб, шунча китобни ўқиш имконига эга бўлмайди. У олимларга инсоният тарихининг қисқача хулосасини ёзиб беришни буюради. Донишмандлар яна 20 йил тер тўккач, 1 ярим минг жилдни 3 туяга юклаб, саройга келадилар. Яна 20 йилга қариган подшода шунча китобни ўқиш имконияти, албатта, бўлмайди. Олимлар яна 10 йил меҳнат қилиб, 1 филга 500 жилдни ортиб

келадилар. Энди 50 йилга қариган подшо: “Ўлим кўзларимни юммасидан аввал башарият тарихини билишимни истасангиз, қисқартиринг, қисқартиринг, яна қисқартиринг!” деб хитоб қилади. Олимлар мўйсафиди 5 йилдан кейин устига бир дона буюк китоб қўйилган кичкина эшакни саройга етаклаб келганида, подшо ўлим тўшагида ётган экан. Сўнгги дақиқаси яқинлашган подшонинг истаги билан олимлар сарвари башарият тарихини уч оғиз сўз билан таърифлаб беради: “Одамлар туғилдилар, азоб чекадилар ва ўладилар”. Ҳикоя: “Шундай қилиб, Эрон подшоҳи бу дунёдан у дунёга рихлат қилиш вақтида бутун дунё тарихи билан ошно бўлди”, деган сўзлар билан тугайди.

Анатоль Франсининг Ойбек таржимасида эълон қилинган ҳикояси, гарчанд Шарк афсоналарига асосланган бўлса-да, китобхонларда катта таассурот қолдирди. Балки Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги: “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар”, деган сўзлари билан ҳикоядаги: “Менинг донишманд отам мозийдан хабардор бўлиб иш қилсалар, кўп хато қилмаслар эди, деб айтган эдилар”, деган сўзлари ўртасидаги муштараклик тасодифий эмасдир.

Ҳар ҳолда Ойбек бу ҳикояни таржима қилибгина қолмай, ундан ўзи учун керакли хулосаларни чиқариб олди. Биринчи ва энг муҳим хулоса, бизнингча, шу эди: ҳар бир инсон, айниқса, ижодкор фақат ўз халқининг тарихи ва маданиятини эмас, башарият (яъни жаҳон халқлари) тарихи ва маданиятини ҳам билиши лозим. Ойбек шу асосий хулосага асосланган ҳолда жаҳон халқлари тарихи ва маданияти (жумладан, адабиёти)ни ўзи ўрганибгина қолмай, ёш авлоднинг ҳам шундай билимга эга бўлиши учун кўмаклашишга аҳд қилди.

Ойбек 1930 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ижтимоий фанлар факультетини тугатганида, нафақат иқтисод фани асосларини эгаллаган дипломли мутахассис, балки бир неча шеърлий китоби чоп этилиб, шеърят мухлислари эътиборини қозонган истеъдодли шоир ҳам эди. 1935 йилга келиб, Германияда, шунингдек, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда ўқиб келган ёшлар ҳисобига республикада кадрлар масаласи озми-кўпми ҳал бўлган эди. Шунинг учун Ойбек икки соҳадан бирини танлашга мажбур бўлди ва у “севдиги” адабиётни танлади.

30-йилларнинг ўрталарида адабиёт бўйича мактаблар учун ўқув дастурлари қайта кўрилиб, дарслик ҳамда мажмуаларга ўзбек ва рус ёзувчиларидан ташқари, жаҳон адабиёти классикларини ҳам киритиш лозим деб топилди. Маориф халқ комиссарлигининг шу ҳақдаги қарори Ойбек учун айти мудоао эди. У 1935 йили ўрта мактабларнинг 9-синфи ўқувчиларига аталган “Адабиёт хрестоматияси” учун буюк олмон шоири Ҳейнрих Ҳайненинг “Силезия тўқувчилари” ва “Қуллар кемаси” шеърларини таржима қилди. 1937 йилнинг Ойбекни ҳам Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмасидан учириб юборган бўрон тингач, у 1938 йил охири– 1939 йил бошларида проф. Н.Ф.Дератани томонидан тузилган “Антик адабиёт хрестоматияси”нинг Рим адабиётига бағишланган 1-жилдини ўзбек тилига таржима қилишга муваффақ бўлди.

Гарчанд мазкур хрестоматия эрамиздан аввалги III–I асрлар Рим адабиётининг Плавт, Теренций, Катулл сингари намояндаларидан тортиб, императорлик даври (милодий I–II асрлар) адабиётининг Петроний, Апулей сингари романнависларигача бўлган намояндалари ижодини қамраб олган бўлса-да, унда шу шоир ва ёзувчиларнинг айрим асарлари ёки катта ҳажмдаги асарларидан парчаларгина берилган эди. Шунга қарамай, бу мажмуанинг нашр

этилиши ўзбек халқининг маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Китобхонлар Ойбек таржималари туфайли антик Рим адабиёти ва унинг буюк намоёндалари ҳақида илк бор тасаввур ҳосил қилдилар. Бу Ойбекнинг жаҳон адабиётини ўрганиш ва таржима қилиш соҳасида олиб борган ижодий ишларининг ўзига хос чўққиси бўлди. Агар антик давр юнон ва Рим адабиётлари жаҳон адабиётининг бешиги бўлганлигини эътиборга олсак, Ойбек жаҳон адабиёти ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштириш ишларидан бири бўлди.

Афсуски, “Антик адабиёт хрестоматияси”нинг юнон адабиётига бағишланган жилди ўша йилларда рус тилида нашр этилмаганлиги сабабли Ойбекнинг ўзбек халқини антик юнон адабиёти намуналари билан таништириш ҳақидаги орзуси рўёбга чиқмади. Лекин Иккинчи жаҳон уруши арафасида Москвада “Чет эл адабиёти хрестоматияси” нашр этилиб, ундан Данте, Гёте, Байрон каби жаҳон мумтоз шоирларининг асарларидан парчалар ўрин олган эди. Ойбек таржимаи ҳолларидан бирида “жаҳон маданияти ютуқлари олтин фондига кирган” шу асарлардан Дантенинг “Илохий комедия”, Гётенинг “Фауст”, Байроннинг “Каин” асарларидан айрим парчаларни таржима қилганлигини айтган. Аммо бу асарлар таржимаси мажмуа муҳаррири Сотти Ҳусайн қўлида бўлган ва у қатағон қилинган 1941 йилда, тинтув пайтида олиб кетилиб, қуйдириб ташланган.

1939 йил сентябрида собиқ иттифокнинг барча республикаларида арман халқининг миллий эпоси – “Довуд Сосунли”нинг 1000 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Шу йирик адабий сана муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси арман эпосини ўзбек тилига таржима қилишни Ойбекдан илтимос қилди.

“Довуд Сосунли” “Санасар ва Багдасар”, “Тўнғич Мгер”, “Довуд Сосунли” ва “Кенжа Мгер” деб номланган 4 та китобдан иборат бўлиб, Ойбек эпоснинг бош қаҳрамон ҳаётига бағишланган учинчи китобини таржима қилишга киришди ва шу ижодий жараёнда асарнинг машҳур рус шоири В.Брюсов ва таржимон М.Лозинский амалга оширган русча таржимасидан фойдаланишга қарор қилди. Арман эпосининг ўзбек халқига яқин томони шунда эдики, унда VII асрда арман халқининг ўз ватани озодлиги йўлида араб фотихларига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши тасвирланган эди. “Сосунли Довуд сиймосида, – деб ёзган эди М.Шайхзода асарнинг 1961 йилдаги нашрига ёзган дебоча сўзида, – арман халқи ўзининг энг ажойиб хислатларини – меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ботирлик, вафодорлик, дўстлик, сулҳпарварлик хислатларини мукамаллиги, классик тўлалиги билан тараннум этган. Аёлларга эҳтиром ва уларнинг гўзал фазилатларини кадрлаш, турли миллатларга мансуб бўлган меҳнаткашларга меҳру рағбат кайфиятлари ҳам бу дostonнинг тарбиявий қимматини ошириб, унинг чинакам халқчил бир асар бўлганига қўшимча далил бўлиб тушади.

Арман халқининг дилида ёд бўлиб сақланган ва асралган Довуд дostonи 1873 йилда Крпо номли оддий бир дехқоннинг оғзидан ёзиб олинган эди. Дoston арман ёзма адабиётига, кейинча эса бутун дунё поэзиясига дурдона бўлиб кирди”.

Ўзбекистонда “арман ёзма адабиёти дурдонаси” – “Довуд Сосунли”нинг 1000 йиллигини муносиб ўтказиш мақсадида 1939 йилда юбилей комиссияси тузилди. Шу комиссиянинг 1939 йил 28 августда Ҳамид Олимжон раислигида ўтказилган йиғилишида мазкур асар юбилейга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ахборот тингланиб, бундай қарор қабул қилинди:

“1. Шоир Ойбек томонидан арман эпоси – “Довуд Сосунли” таржимасининг ўз вақтида тугаллангани эътиборга олинсин.

2. Еревандаги юбилей тантаналарида иштирок этувчи делегация ўзи билан олиб кетиши учун асарни зудлик билан ўзбек тилида нашр этиш ташкил этилсин.

3. “Совет адабиёти ва санъати” журналининг 5-сонида эпос таржимаси эълон этилсин ва журнални юбилей кунларига чиқариш таъминлансин...”

Юқорида баён қилинган сўзлардан шу нарса аён бўладики, ўтган асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда рус адабиёти билан биргаликда жаҳон адабиёти дурдоналарини ҳам ўзбек тилига таржима қилишга ва ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлган ҳолда ривожлантиришга катта эътибор берилган. Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғуллом, Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир сингари шоирлар шу имкониятдан фойдаланиб, Ш.Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон”, В.Шекспирнинг “Ҳамлет”, А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин”, “Борис Годунов”, “Боғчасарой фонтани”, “Кавказ асири”, “Сув париси”, “Мис чавандоз”, М.Ю.Лермонтовнинг “Демон” сингари ўнлаб асарларини ўзбек наволарида янградиб юборишди. Ойбек 30-йилларда шиддат билан бошланган шу ижодий ишни 40-йилларда ҳам давом эттириб, жаҳон комедия санъати қиролларидан бири Жан Батист Мольернинг “Тартюф” комедиясини ўзбек тилига ўғирди. Аммо адиб бу асарни ҳозирги Ўзбек Миллий драма театри буюртмаси асосида шошиб таржима қилганлиги, шунингдек, суронли даврнинг бошқа муҳимроқ масалалари билан бандлиги сабабли унга сайқал бериш имконига эга бўлмаган. Шунга қарамай, бу таржима билан танишган китобхон Ойбекнинг асар ғояси, қаҳрамонларнинг сажиялари ва ўзаро муносабатларини чуқур ҳис қилгани ҳамда буни таржимада беришга интиланлигини, албатта, сезади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, совет давридаги адабий-маданий сиёсат заминида собиқ иттифоқ ҳудудларида яшаган халқларни нафақат коммунистик партия ва совет давлати ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, балки интернационализм ниқоби остида руслаштириш мақсади ҳам ётган. Совет даврида рус мумтоз ва замонавий адабиёти намояндаларининг жуда кўп асарлари миллий тилларга, жумладан, ўзбек тилига шу мақсадда таржима қилинган. Аммо агар 20-йилларда А.Серафимовичнинг “Темир оқим”, М.Шагиняннинг “Гидроцентральный” сингари даврнинг долзарб мавзуларидаги асарлар таржима қилинган бўлса, 30-йилларнинг ўрталарига келиб, рус ва қардош халқлар адабиётининг дурдона асарларини таржима қилишга эҳтиёж туғилди. А.С.Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан улуғ рус шоири дурдоналарининг ўзбек тилига таржима қилиниши худди шу даврга тўғри келди. Ойбек “рус ҳаётининг қомуси” (В.Г.Белинский) деб баҳоланган “Евгений Онегин” шеърини романини ўғириш жараёнида Пушкинни жаҳон шеърятининг буюк арбобларидан бири сифатида кашф этди. У бу асарни таржима қилиш ва пушкинона поэтик маҳорат “сир”ларини ўрганиш жараёнида ўз ижодида ҳам, қолаверса, ўзбек шеърятини ҳам юксалиш рўй бериши мумкинлигини сизди. Ана шу сезги ва Пушкин асарининг бадиий латофати “Евгений Онегин”ни катта илҳом ва муваффақият билан таржима қилишига сабаб бўлди. Ойбек нафақат ўзининг, балки қаламкаш дўстларининг ҳам Пушкин ижоди дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилганидан ғоят мамнун бўлиб бундай ёзди: “Бу йил ўзбек адабиёти учун жуда бахтли йил бўлди: Пушкиннинг бир кўп шеър ва поэмалари, ҳикоя ва қиссалари таржима этилди. “Муфтаҳ ул-жинон”ларни ўқиб, “охират азоблари” ваҳимасидан кўзларга ёш олиб ухлайдиган замонлар кўпдан йўқолган. Энди ўзбек китобхонлари Пушкин шеърларининг фикрларига, мусикасига берилиб, гўзалликни туйдилар”.

Ойбекнинг Пушкин ижодига бўлган қизиқиши “Евгений Онегин”ни таржима қилиш билангина яқунланмади. У В.Г.Белинскийнинг Пушкин ижодига бағишланган мақолаларини қунт билан ўрганди, унинг “Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши” мақоласини ва шу мақоладан ўрин олган улуғ шоирнинг “Қишлоқ”, “Тун нури соҳир...”, “Булуғ” сингари шеърларини таржима қилди. Унинг назарида, кетмон, трактор, гудок, фабрика, завод ҳақидаги “шеърлар” бўғзига келган китобхонлар Пушкиннинг бу ва бошқа асарларида тараннум этилган фикрлар, туйғулар, мусиканинг гўзаллигини туйиб яйрашлари, шоирлар эса Пушкиндан поэтик маҳорат “сир”ларини ўрганишлари мумкин эди. “Пушкин асарларини халққа етказиш каби шарафли ишни бажариш билан бир қаторда, – деб давом этди у, – ўзбек шоири ва ёзувчилари ҳам Пушкин ижодининг бой хазинасини атрофлича текшириш, ўрганиш вазифасини кўйишлари лозим. Йилдан-йил ўсаётган ўзбек адабиётининг гуллашига Пушкин ижоди катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир”.

Ойбекнинг ўзи нафақат Пушкин, балки Лермонтов, Тютчев, Толстой, Чехов, Горький, Блок “ижодларининг бой хазинаси”ни ҳам атрофлича текшириб, ўрганиб, улардан сабоқ олишга уринди. Зеро, жаҳон адабиётининг муҳим бир қисми бўлган рус адабиёти ютуқларини ўрганиш унинг ўз маҳоратининг ошиши, ижодининг янги, юксалиш босқичига кўтарилиши учун зарур жараён эди. “Рус тили ва адабиётини ўрганиш билан, – деб ёзди у бир мақоласида, – киши бутун жаҳон маданияти ва бутун жаҳон адабиёти билан-да танишишга имконият топади. Чунки жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари рус тилига мўл-кўл таржима этилган ва ҳозир ҳам таржима этилмакдадир”.

Биз Ойбекнинг бу сўзларини ўқир эканмиз, Пушкиндек буюк даҳонинг туғилишида буюк инглиз шоири Байроннинг роли оз эмаслиги ёдимизга келади. Бошқа рус шоир ва ёзувчиларининг шаклланишида ҳам инглиз, немис, француз, италян адабиётлари буюк намояндалари ижодининг таъсири оз бўлмаган. Умуман, адабий таъсир, адабий алоқа бадий ижодни ҳаракатга келтирувчи, янгилаб турувчи, бойитувчи муҳим воситадир. Ойбек 30–50 йилларда қайси шоир ёки ёзувчи асарини таржима қилган, ижодини ўрганган бўлмасин, шу шоир ёки ёзувчига жаҳон адабиётининг вакили сифатида ёндашиб, унинг ижодий ютуқларидан, тажрибасидан баҳраманд бўлишга, шу асосда ижодий ўсишга интилди.

Ойбек асарларини таржима қилган шоир ва ёзувчилар талайгина. Улар орасида И.А.Крилов (масаллар), М.Ю.Лермонтов (“Маскарад”), М.Горький (“Макар Чудра”, “Лочин кўшиғи”), Анна Ахматова (“Мардлик”, “Боғда ғалати чуқур...”), А.Твардовский (“Гармонь”) ва бошқалар бор. Шулар орасида фалакнинг гардиши билан уруш йилларида Тошкентга келиб қолган чех шоири, лях адабий тилининг асосчиси Ондра Лисагорский ҳам бўлган. Унинг “Самарқанд кузи”, “Бомбардимон вақтида”, “Кончи партизанлар кўшиғи”, “Мен шоир” деган шеърлари 1943 йилда “Қилич ва қалам” тўпламида Ойбек таржимасида дунё юзини кўрган. У “Бомбардимон вақтида” деган шеърда урушнинг даҳшатли манзараларини тасвирлар экан, кутилмаганда Бескид тоғлари этагида кечган осуда ёшлигини эслаб, ёзган:

*Эй, майса, эй, само, мунча гўзалсан,  
Мунча гўзалсиз, тоғ, дарё, ўрмонлар!  
Ер, денгиз гўзалдир, Европа гўзал,  
Бу гўзал жаҳонга тасаддуқ жонлар.*



*Болалик чоғимда қараганимдек,  
Гулзордан қуёшга завқ-ла боқамен.  
Қуёшдек, ўрмондек, бинафшадек соф  
Инсонлар ҳақида хаёл сурамен.*

Шеърнинг бу сўнги латиф сатрларидан Ойбекнинг ҳам тирик нафаси эшитилиб туради.

Ойбек бу мусофир шоирга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатган бўлса керакки, у урушдан кейин ватанига қайтиб боргач, Прагада нашр этилган “Қуёш ва ер қўшиқлари” шеърлар китобини элчихона орқали ўзбек адабига бундай дил сўзларини ёзиб юборган:

*“Азизим Ойбек! Яқинда бадиий адабиёт нашириётида менинг “Қуёш ва ер қўшиқлари” янги шеърлар тўпламим чоп этилди ва шундан уч нусхасини ўзбек халқига дўстона муносабатим рамзи сифатида ўзбек ваколатхонаси орқали Сизга, Шайхзода ва Миртемирга юбордим...*

*Қадрдон Ойбек, мен ўтган йил кузда мухтор вакил ўринбосари ўртоқ Левшиндан Ўзбекистон Республикасининг тўйига Ўзбекистон ҳақидаги рус ва чет тилларга таржима қилинган туркум шеърларимни матбуот ва радио учун Тошкентга бериб юборган эдим. Мен ҳанузгача бу материаллар тақдиридан беҳабарман... Радиокомитетдан мен учун гонорар юборишибди, аммо айнан нима учун эканлигини билмайман. Сиздан жуда илтимос қилар эдимки, марҳаматингизни аямай жавобини билиб берсангиз: бирон нарсамдан матбуот учун фойдаланилдимми ва айнан қаерда, шунингдек, радиодан нима эшиттирилди? Агар бирор нарса босилган бўлса, у чоғда нусха юборишингизни ўтиниб сўрайман.*

*Мен Сизга юборган “Қуёш ва ер қўшиқлари” тўпламимга Тошкент, Самарқанд ва Бухоро ҳақидаги қатор шеърларим киритилган. Бироқ булар Ўзбекистон ҳақида ёзганларимнинг ҳаммаси эмас. Тўғри, кўпчилиги немис, инглиз ва француз тилларига таржима қилинди ва хорижий матбуотга юборилди, шу билан бирга ўзимизнинг журналларимизда ҳам босилди.*

*Жавобингизни кутаман, қадрдон Ойбек. Менинг рафиқам Сизга алангали салом йўллаяпти. Қўлингизни қаттиқ сиқиб қоламан.*

*Ондра Лисагорский.  
1945 йил 27 ноябрь”.*

О.Лисаковский гарчанд чех адабиётининг кўзга кўринган вакили бўлсада, биз уни жаҳон адабиёти намояндаси сифатида алқаш ниятида эмасмиз. Зеро, жаҳон адабиёти миллий адабиётларнинг шоҳ асарларидан, йиллар ва замонлар ўтса ҳамки, бадиий латофатини йўқотмайдиган асарлардан иборат хазинадир, олтин фонддир. Шубҳасиз О.Лисаковский сингари ижодкорларнинг ҳам адабиётнинг бепоён оламида ўз ўрни, ўлан-тўшаги бор.

Ойбек жаҳон адабиётининг нафақат инглиз, немис, француз, балки форс, ҳинд, озарбойжон, ўзбек ва рус миллатларига мансуб намояндаларининг ўлмас асарларини ҳам ўқиб-ўрганди ёки таржима қилди. Ҳар икки ҳолда ҳам улардан эстетик завқ олиш билан бирга уларга бадиий маҳорат мактабининг устозлари сифатида муносабатда бўлди.

Ўйлаймизки, ўзи ҳам “Қутлуғ қон”, “Навоий” романлари ва гўзал, дилбар, умрбоқий лирикаси билан жаҳон адабиёти хазинасининг бойишига ҳисса қўшди.

*Наим КАРИМОВ*



## “ҲАЁТ БОҒИМ ҚОЛМАС ҲУВИЛЛАБ...”

Хар йили 9 февраль куни ғазал мулкининг султони буюк Алишер Навоийнинг таваллуд кунини интиқ кутамиз, изма-из Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кунини нишонлаймиз. Кейин Зулфияхоним таваллуд кунлари эъзозимизда бўлади. Кўнгиллар шодлиги ва юрт ободлигини намоён этадиган Наврўз байрамидан сўнг мамлакату миллат руҳини кўтарадиган жаҳоншумул сиймо соҳибқирон Амир Темур туғилган кун – 9 апрелни фахру ифтихор ила шарафлаймиз. Халқимизнинг суюкли кизи, ҳассос ва бетакрор шоира, Зулфияхонимнинг таваллуд куни ўша олтин халқа ичидаги муносиб бир шодадир. Мана, матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Қарори эълон қилинди. Бу адабиётга, маънавиятга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир бор яққол намоён бўлишидир.

Зулфия XX аср ўзбек шеърияти осмонида чакнаган Зухро юлдузи эди. Шоиранинг ёқимли лирик сози садолари ўзбек шеърияти наволари орасида яққол ажралиб, кўнгилларга ёрқин рух бағишлайди, нур улашади. Ўзбек аёлининг бой ва ранг-баранг ички дунёси, аёл эрки, аёл қалби, садоқат ва вафо, висол ва ҳижрон, пок севги, ишқ нашидаси ҳамда изтироблари, она бахти ва армонлари шоира ижодининг бош мавзуларини ташкил қилади.

Бўлажак шоиранинг илк шеъри ўн олти ёшида эълон қилинган. Унинг дастлабки шеърий тўплами “Ҳаёт варақалари” номи остида 1932 йилда, шоиранинг ўн етти ёшида эълон қилинган. Кейинчалик нашр этилган “Уни Фарход дер эдилар” (1943), “Ҳижрон кунларида” (1944), “Хулқар” (1947) сингари шеърий китоблар шоирага оламшумул шуҳрат келтирди.

Шоира йигирма ёшида ёзган “Баҳор кечаси” шеърида кўкламда яшнаган табиатнинг шундай поэтик манзарасини яратган эди: “Кўк бахмалга гуллар бурканган, Лаб очмаган, булбул ўпмаган...” У она Ватани Ўзбекистонни жону дили билан севар, уни ёниб қуйларди. Йигирма етти ёшли шоира ёзади:

*Гўдак тушунчамда Ватан деб билдим,  
Кўзни қамаштирган кўм-кўк богингни,  
Кўрганда қирғоқдан кетолмай қолдим,  
Ойга кўзгу бўлган соф булогингни!*

У ўз қаҳрамонларини юрагига яқин кишилар орасидан қидиради. Қатор шеърларида меҳрга ташна қалблар ва

*Она қалби оёққа турса,  
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!*

– дея кўнгилларга умид солади оташин сўз соҳибаси. “Тавҳар қидирмадим дўстликдан ортик”, дейди инсонийликни улуғларкан. “Қалбим қолган эди бу ерда” шеърда эса, мағрур: “Қуёшдай дўстликни қуйлаб ўтаман”, дейди...

“Рашк” – сеҳрларга тўла шеърлардан бири. Унинг сарлавҳасини ўқиб, ўқувчи ишқ ҳақида бўлса керак, деб ҳаёл қилади. Лекин рашк талқини бу ерда бир оз бошқача. Дарё бўйида ўтирган “Ишқ ва ҳижрон оловларидан Омон чиққан қайноқ дили бор” лирик қаҳрамон (бу ерда шоиранинг ўзи) баҳорги нафаслардан баҳраманд бўлган лиммо-лим сермавж сувдан кўзларини узмайди. Тўлқинларда ҳам “тирик ҳаяжон” тин билмайди. Тепада эса ғужғон ўйнаган қушлар дарёга арғимчоқ солиб учади. Тоғдан эсан еллар сувга тўш уриб, салқин ҳаво ортмоқлаб шаҳарга шошилади... Қаҳрамоннинг нигоҳи соҳилларга суқ билан қараб, тўлқинларга эргашади, бир чолнинг кетмон билан дарёдан яйраб боғига сув очаётганини кўради, “Қумуш сочдай ёйилган сув, Қуйилади тупроқ қўйнига...” Шунда шоиранинг қалбида рашк туйғуси уйғонадию “Осилади сувнинг бўйнига!” Бирдан ҳовуч-ҳовуч сув ичаётган қизчага назари тушади, унга рашк (ҳавас) қилиб ҳайқиради:

*Шеърим ўқиб, бир ҳовуч сувча  
Баҳра олармикин бирон қалб?..*

Шоира шеърда бадиий бўёқларда ажиб бир манзара яратишга муваффақ бўлади. Ўқувчи барини кўриб туради, кўрибгина эмас, ўша манзаранинг ичида кезиб юради.

...Яланғоч дарахтлар ичида бир мажнунтол ҳам ўсади. Бутун новдалари, танлари зилол, серҳашам. Кўринишида баҳорий хуш ҳоллик бор. Новдалари ерга тегай-тегай дейди...

*Мажнунтол йиғлоқи,  
боши ҳам дерлар,  
қўлларин чўзган-чун  
тупроқ тафтига!*

Шоира ушбу сатрлар қатига ҳаётий ҳақиқат жойлайди: мажнунтол иссиқ меҳр-тафтидан баҳраманд бўлиш учун она тупроққа эгилади, қўлларини ер томон чўзади. Қандайдир ёлвориш оҳанги, фидойилик, дилга яқин синиқлик бор мажнунтол ҳаракатида. У ёлворадию эвазига “...йиғлоқи, боши ҳам” деган дашном олади. Шунга қарамай, мажнунтолда “шодлик бир жаҳон”: чунки меҳру тафт излаб тупроққа талпинаверади, она заминга бўлган беминнат садоқати ортаверади.

Баҳор, меҳнат, таянч, орзу, Ватан сингари абадий мавзулар, собит тунчалар ҳақида кўп шоирлар қалам тибратишган. “Боғлар қийғос гулда” номли шеърда, шоира ҳам инсонийликнинг муҳим нуқталаридан бўлган таянч – дўстликни васф этар экан, қийғос гулга кирган боғни тасвирлайди:

*Ҳар навда бир гулда...*

Бунда дарахт эмас, навда асосий образ даражасига чикмоқда.

*...ҳар гулда бир бўй.*

Бу янада аниқроқ! Дарҳақиқат, навдадаги гул, ундаги бўй жуда чиройли. Шоира шу ерга келгач: “Ҳар бирин ҳосили ўзгасига кўрк”, дейди. Таянч, дўстлик фикри энди келиб чиқади. Хуш бўй – гулга, гул – навдага, навда – дарахтга, дарахт – боғга, боғ эса Ватанга таянч ва кўркдир. Булар бир-бирига таянган, бир-бирига боғлиқ моддий оламнинг конкрет образи!

*Бир қардош тинчисиз  
ўзга беором.*

Энди шеърнинг кўлами кенгаяди. Шоира ўқувчини сеҳрлаб боғ ўрнига Ватанни келтириб қўяди. “Мажнунтол” даги одамнинг бунда дўст-биродарлари кўп. Улар бир-бирига таянч, бу ерда “бирининг нонисиз – ўзга эмас тўк”, “бунда орқа тоғсиз бир тирик жон йўк”.

*Таянч бўлмасайди,  
одамзод албат  
ўзи кашиф этарди  
кашиф этгандай бахт.*

Шеър тугади. Ўқувчи гўё яшнаб ётган, таровати ҳар бир гулдан уфуриб турган сўлим боғни – фаровон Ватанни кезиб чиққандай бўлади. “Палак” шеърида ўқиймиз:

*Сенга мафтун бўлиб севиб қолганим,  
Ишқинг оловида ўртанганим рост.  
Сенинг ёдинг билан нафас олганим,  
Исминг такрорлашига ўрганганим рост...*

Йигитлар ўз дилдорларига қарата ёзган мактубларини шу сатрлар билан безар эдилар. Ва у сўзлар ёш кўнгилларда муҳаббат оловини аланга олдиришда холис хизмат қилар эди.

Вафо ва садоқат тимсоли бўлган шоира Зулфия ижодида висол ва ҳижрон мавзусида битилган шеърлар ҳақиқий ўзбек аёлининг метин иродасини, матонатини тараннум этади. 1944 йилда шоиранинг суюкли умр йўлдоши Ҳамид Олимжон бевақт оламдан кўз юмди... Йигирма тўққиз ёшида бир киз, бир ўғил билан бева қолган шоира қисматнинг оғир азобларига дош бериб, ҳаёт синовларини матонат билан енгиб ўтди. Умрининг охиригача ёрининг хаёли билан яшади. Шоира хаёлларга мурожаат қилар экан, дейди:

*...Ва эсимга солиб қўясиз  
Ўзи эсдан чиқмас бировни. (“Хаёллар” шеъри)*

Бу ерда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, фақат хис этиладиган нозик туйғу яширинган. Одамлар фожиа туфайли жудоликка учраган шоирани энди ёлғиз, дейишади. Йўк, у ёлғиз эмас: у доим хаёл билан, ёр хаёли билан бирга. Кайфиятни шоира “Ўрик гуллаганда” шеърида жуда чиройли ифодалайди:

*Биз бир чоғлар яшаган уйда,  
Тунаб қолдим хаёл-ла бирга.*

Ёр соғинчи, хаёли овутирган дамларда: “Нима қилай, бераҳм – Рухим сени истайди” (“Сен қайдасан, юрагим” шеъри) дея қалби теграсида чарх ураётган бетизгин сўроқларга, аччиқ изтиробларга жавоб излайди.

*Кўз очгани қўймайди алам,  
Бошим қўйсам куйдирар болиш.  
Юпатоғмас китоб ва қалам,  
Мисраларим кўтарар нолиш...  
Бирга қолиш учун сен билан  
Кўяману, бўлмайман адо...*

(“Не балога этдинг мубтало” шеъри)

“Дилим ишқ кўшиғи ёзилган китоб...” деб эътироф этган зукко шоиранинг юқоридаги сатрларини изоҳлашга ҳожат йўқ. “Кўрганмидинг кўзларимда ёш?”, “Сирень”, “Висол байрами”, “Орзуга айб йўқ...” ва бошқа шеърларда ҳам шоира қалбидан рўй берган изтироблар, руҳий кечинмалар ўзининг ҳаққоний ифодасини топди.

*Қарадиму, кўзимни ортиқ  
Узолмадим тирик ҳаётдан.  
Созим, қалбим, қўшиғим билан  
Мафтун бўлдим мен қайта бошдан...*

деб ёзди шоира кўп ўтмай “Ҳаёт жилоси” шеърида ёрқин туйғуларни ифода этиб.

Шоира лирикасида “ой” тасвири муҳим ўрин эгаллайди. “...Оқшом завқин қониб ичиб мен, Тоғ ортига ойни узатдим...” (“Баҳор кечаси” шеъри). Кузатдим эмас, “узатдим”! Қандай нафис, чиройли! “Ойни кутган оқшомги кўкда, Бешик-бешик булут юрарди”. “Елда кўшиқ, кўприқда шуъла, Бахт-ла тепди икки ёш юрак... Ой сўзлади юлдузни тўплаб, Севги тонги ҳақида эртақ” (“Муҳаббат тонги кулганда” шеъри). “Дарахт орқасидан суқли термулиб, Бошингдан сочаркан ой оппоқ чечак...” (“Келинчак” шеъри). “Чавандознинг қиличларидай, Жўякдаги сувда ётар ой...” (“Она” шеъри).

Ҳамид Олимжонга бағишланган “Сенсиз” шеъридан олинган мана бу сатрлар кишини тўлқинлантирмай қўймайди:

*Мана, бир умрни яшадим сенсиз,  
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб...*

*Биров азасида йиғлайман қон-қон,  
Тўйида яйрайман ўхшаб оҳуга...*

Шоиранинг “Келинчак” номли шеъридаги тасвирлар қўймалиги, юқори ва поэтик таровати билан кишини ўзига тортади. Асарда тасвирланган манзара кишини беихтиёр ўзига тортади. Севганининг ёнида бахтли келинчак ўтирибди...

*Эрка қиз, бу ажиб тун орқасида,  
Заррин саҳифали саҳар кутади.  
Ҳаёт китобининг илк варагини  
Толеинг кенг очиб сенга тутади.*



*Ҳали муҳаббатнинг баҳори олда,  
Олдинда ёш ҳаёт, ранг-баранг фасл.  
Умрингиз хушчақчақ, иноқ бўлади,  
Бунга ёниб турган кўзларинг кафил.*

*Шу кўзлар юлдуздай абадий кулсин,  
Баҳор йўлларингга тўшасин чечак.  
Шу ёшлик, шу чирой, умринг баҳори  
Саргайиш билмасин, сулув келинчак...*

Бундай сатрларни, холис тилакни айтаётган ким, дерсиз. Умрини хазон қилишга чоғланган фожиани бошдан кечирган, суянчи, меҳрибони, суйган ёридан жудо бўлган, келинчаклик давру давронини ҳам яхши суриб улгурмаган, лекин бутун дардини ичга ютиб, бошқалар бахтидан қувонишдан тўхтамаган покизакўнгил шоира айтмоқда! Бунинг учун, тоғдай юрак, сабр-қаноат, бардош керак. Ҳа, ҳа, Зулфияхоним чинакам оташин қалб, жасур қалам соҳибаси эди. Бу туйғу унинг бутун шеъриятида гуркираб уфуриб туради.

Бу даврларда соф инсоний ҳаётини кечинмаларни шеърга солиш жасорат ҳисобланарди. Шоиранинг ҳаётга ишончи жуда кучли эканидан, у адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам некбинликни куйловчи, матонатда мустаҳкам, вафо ва садоқат тимсоли бўлиб қолди. Ўзини "халқ тақдирин бир жилғасидай" билган шоира:

*Халқ меҳрида, ёрман эл шухратида,  
Бахтли аёл деса, ҳақли халойиқ... ("Эмиш" шеъри) –*

деб ёзганда мутлақо ҳақ эди!

Зулфия опа ҳамиша жилмайиб юрарди. У ёшларнинг меҳрибон устози эди. Шогирдларининг саноғи йўқ десак, адашмаймиз. Улуғ инсонлар каби, барчасига бирдай қарар, ижодий сабоқлар бериш, асарларини эълон қилишдан ташқари, уларнинг ҳаёти, турмуш шароитлари билан қизиқар, агар қай биридир бетоб бўлиб қолса, албатта, вақт топиб бориб кўрар, уни соғайтириш чораларини қидирарди.

Шу ўринда, мен ҳам ўзимни ана шундай шогирдларидан бири, деб ҳисоблашга журъат этаман. Опанинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан нашр этилган икки жилдли "Асарлар"ига муҳаррир бўлиш насиб этган эди менга. У китоблар ҳозирда жавонимнинг кўзга кўринадиган жойида туради. Яқинда олиб varaқлаб кўрсам, дастхатлар ёзиб берган эканлар. Биринчи жилдда: "Суюкли укам Муҳаммад Али! Сизнинг шеърятдаги чуқур ва кенг истеъдодингиз менга ҳамиша қувонч бағишлайди. Ҳаёт Сизга саховатли бўлсин". Иккинчи жилдда эса: "Муҳаммад Али! Бу икки жилдда Сизнинг бир дилу икки кўзингизнинг нури бор. Ҳаётингизни шеърят нури, шеърингизни янги чўққилар чорлови етаклаб юрсин. 1978" деган сўзлар ёзилган экан. Бу чинакам шоирона сўзлар устознинг минглаб шогирдларидан бирига бўлган соф, самимий тилаклари эди.

Ўтган аср 50-йилларининг иккинчи ярмида Осиё ва Африка ёзувчиларининг тинчлик ва халқаро бирдамлик шиори остида кўтаринки руҳда ўтган анжуманларда фаол қатнашган Зулфия жаҳоннинг кўп мамлакатларида бўлди. Натижада шоира ижоди кўлами кенгайиб, халқаро мавзулар кириб келди, дўстлик оҳанглари йўғрилган Қозоғистон ўланлари, Миср, Ҳиндистон, Япония ҳақида шеърлар пайдо бўлди.

Зулфияхоним ҳамиша ўзини ўша анжуманлар маликаси сифатида хис этарди, десак муболаға бўлмас. Шоиранинг ўзи ҳам: "Дўст нигоҳда кўрсам ўзимни, Маликадай тўрда сезаман" деб ёзади "Тўрға ташриф..." деб бошлангувчи шеърида.

Зулфия шеърлари оламга кенг ёйилган, ўзбек қизининг овози олам узра кенг таралган. Бу борада шоиранинг "Мушоира" достони катта аҳамиятга эга бўлиб, мазкур бетакрор асар дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Ҳинд тупроғи узра окшом қуйилганда ҳамма дўстлар жам бўлиб мушоира бошлаб юборадилар. Мисрлик шоир Нил қудратини жўшиб қуйлайди, Панжоб булбули Ватани устида офтоб балкиб чикқанини мадҳ этади. Навбат Непал, кейин Хитой, сўнг Вьетнам шоирларига берилади. Кўкдаги юлдузлар ҳам тобора ёркинроқ чакнай бошлайди. Мушоира давом этади. "Кўзида қалбининг оклиги кўриниб турган" Африка фарзанди шеър ўқийди. "Қураши – қалбида қайнаган илҳом, Китоби – эрка ишқ, орзу ва ғоя" бўлган жаҳон шоирлари шеърларининг "ёниқ нафаси"дан бутун жаҳон баҳраманд бўлади.

Шоира жарангли достонини шундай чорлов билан яқунлайди:

*Давраимиз меҳрга тўлиқ бир олам,  
Дўстлар бари жам.  
Буюк мушоира этади давом,  
Келингиз, сиз ҳам!*

Шоиранинг "Уни Фарҳод дер эдилар", "Қуёшли қалам", "Шарқнинг ўзи Она бўлган ҳамиша", "Хотирам синиқлари" достонлари ҳам диққатга сазовор. У таржимон сифатида ҳам сермахсул фаолият олиб борган. Айниқса, Н.А.Некрасовнинг "Рус аёллари" достони ҳамда Мустай Каримнинг "Ой тутилган тунда" фожиаси таржималари алоҳида ажралиб туради.

Қалб қонидан яралган шеърини фарзандидай кўрган шоира, шеърига оқ йўл тилаб: "Фарзандим, шеъргинам, бор тезроқ, Макон қур энг тоза юракда!" деб ҳайқиради...

Ҳа, шоира шеърлари, унинг изтироблари, умидлари, орзулари, армонлари беаб турган шеърлари "энг тоза юраклар"га аталган. Бугун унинг "руҳи китоби"ни халқимиз ардоқлаб ўқимокда, қизларига севиб Зулфия исмини қўйишмоқда. Унинг нафис шеърляти ёш ижодкор қизларимизга мактаб вазифасини ўтамоқда. Зулфияга шогирдлик мартабаси мақоми жуда баланд. Юзлаб истеъдодли ёш қиз ана шу мартабага эришиш учун ижод қиладилар.

*Биламан, дарахтдай қуласам агар,  
Менинг ҳаёт боғим қолмас хувиллаб... –*

деган сўзларни келтиради Зулфия ўзининг "Дарахт" шеърида.

Шоира ҳақ! Ростдан ҳам бу боғ ҳеч қачон хувиллаб қолмайди. Бу ерда ҳамиша шеър жаранглайди, бу боғ шоирларни мушоирага чорлайверади:

*Жўйқин мушоира этади давом,  
Дўстим, кел сен ҳам!*

*Муҳаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## АДАБИЁТ – ОЛДИНДА ЁНГАН ЧИРОҚ

*Муҳтарам журналхон! Ёдинғизда бўлса, журналимизнинг 2014 йил 1-сонига “Адабиёт ва тараққиёт” сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда бугунги адабий жараён, ўзгараётган дунёда инсон шахсига муносабат ва идеал масалалари теграсида тўхталиб, ўқувчиларимизни баҳсга чорлаган эдик. Истеъдодли ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдамнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоласида кўтарилган масалалар ҳам биз баҳсга чорлаган мавзуга ҳар жиҳатдан уйғундир. Муаллифнинг бадиий воқеликка чуқур ёндашиш, инсон қалбида кечаётган маънавий эврилишларга нисбатан жиддий муносабатни талаб қилгувчи мақоласини бугунги кун ўзбек зиёлисининг фикр-мулоҳазаси сифатида қабул қилиб, ўз муносабатингизни билдирасиз, деган умиддамиз.*

Таҳририят

Дунё шиддат билан ўзгариб бораётти. Худди шундай эврилишлар майдонидан қолган “адабиётнинг кўли”дан нима келади? У олам равишига таъсир қила оладими? Ёки чирпиниб нималар қилмасин, нималар демасин, ҳаммаси бекору бекорчи валақлаш бўлиб чиқаверадими, деган оғриқли саволлар ўқтин-ўқтин хаёлимизни банд этади. Чунки теварак атрофда гоҳи-гоҳида янграб турган “бугун адабиётнинг жамиятга таъсири нолга тенг” деган иддаолар юрагимизга захри секин-аста таъсир ўтказадиган тигдек санчилади ва вақт ўтган сайин мислсиз изтиробларга рўбарў қилаверади.

Академик Юрий Борев дунёни йўналтирувчи парадигма ҳозир йўқ, дея бонг ураётти. Буни ўзбекона айтадиган бўлсак, башарият юриши мумкин бўлган тузукроқ йўл йўқ, деганидир. Нега йўқ? Ахир, у бор эди-ку! Бу нимадан далолат? Атрофни зулмат қоплаганидан эмасми? Дунё афкор оммасининг ичига кириб бораётган қоронғилиқдан эмасми? Фақат зулматгина мавжуд йўлни кўздан пинҳон тутуди... “Башар аҳлини чулғаб олган бўҳрон иккита уруш ва бошқа мусибатларни бошидан кечирган дунёнинг ўта хатарли ва террорга мойил бўлиб қолаётганида ўзини яққол намоён этмоқда. Совуқ урушдан кейин майдонга келган янги давр инсоният тарихида илк бор борлиқ ҳақида ҳеч қанақа формулага эга бўлмай турибди. Қаршимизда оламшумул қора туйнук пайдо бўлган. Бинобарин, ҳокимиятларда стратегия йўқ, фақатгина пишиб келаётган муаммони ҳал қилувчи амалий қарорларгина мавжуд”, деб ёзади академик. Совуқ ақл билан қилни қирқ ёрадиган Ғарбга, ўз ҳикматлари билан адашган рухга йўл кўрсатгувчи Шарққа нима бўлди? Нега дунё тушкунликка тушмоқда?.. Эҳтимол, гап яна ўша йўлда, унга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигию бироқ эҳтиёжни қондириш шаклининг ҳадеганда топилмаётганида эмасмикан?.. Чунки дунё бор экан, унинг юрмоғи учун йўл керак. Қулай, фойдали ва энг муҳими, инсонни олдинга, моддий-маънавий жиҳатдан тараққиётга етаклайдиган йўл зарур... Худди шу ўринда адабиёт ўзини қандай тутуди? Тўғрироғи, тутмоғи керак? Фахш, ур-сур, зулм, олди-қочди мавзулар ботқоғига ботиб, ўз ортидан инсониятни тортиб кетишга уринадими ва ёки дўппини олиб қўйиб, етти ўлчаб бир кесади ми – теграсини зулмат қоплаб бораётган одамийзоднинг кўзларига бир қатим зиё бағишлайдими? Ахир, йўлни кўриш учун кўзларнинг нурга эҳтиёжи бормасми... Чунки бугунги дунё аввалги дунё эмас. Бугунги дунё – ҳар қачонгидан ҳам ҳимояга муҳтож дунё! Айни пайтда, ундан эҳтиёт бўлишга

инсоннинг ўзи мажбур ва маҳкум бўлиб турибди. Бошқача айтганда, бугун дунё инсондан, инсон эса дунёдан муҳофазаланмоғи шарт. Умидбахш адабиёт, ёруғ санъат бизга шунинг учун ҳам лозим.

Газетада бирга ишлайдиган устоз ва шогирд ўртасида тез-тез баҳс мунозара бўлиб турар экан. Кунлардан бир кун шогирд юрак ютиб сўрабди: “Устоз, нега сиз ва мен танлаган материаллар бир-бирига терс келади, улар гўё ўт билан сув, доимо ўзаро жанг қиладилар?” Устоз жавоб берибди: “Чунки сендан фарқ қилиб, мен беғараз яхшиликка ишонмайман...” Шогирд эса ташқарига чиқади ва уйига кела-келгунча бир нарса ҳақида бош қотиради: “Нахотки? Ахир, устоз элнинг катта, ҳамма танийдиган ижодкори бўлсаю “яхшиликка ишонмайман”, деб турса! Бу нима дегани? Яхшиликка ишонмайдиган одамнинг қўлига қалам тутиши нечоғли тўғри? Унинг икки оғиз сўз ёзиб одамларга ҳавола қилишга маънавий ҳаққи борми ўзи?”

“Инсон табиатига зид ҳаёт телбаликка олиб келади. Алалоқибат, улар (инсонлар) ўз дунёларини ўзлари вайрон қилади. Чунки маъносиз ҳаёт аламига дош беролмайди”, деб ёзади Эрих Фромм. Агар инсоният боши берк кўчага кириб қолаётган бўлса, демак, у ўз табиатига терс ишлар қилмоқда. “Ўз табиатингга содиқ бўл!” дея садо беради Шекспир. Лекин табиатимизнинг ўзи нима?..

Бир ажойиб феълли дўстим бор. У ҳеч қачон ҳеч ким ҳақида ёмон гапирмасликка ҳаракат қилади. Ҳар ҳолда, мен унинг бировни кескин танқид қилганини сира билмайман. Ғийбат қилганини эса боз устига. Бу – яхши сифат. Мен ҳамиша унинг шу томонини эслаб, алқаб юраман. Лекин, ўрни келганда, у билан тортишган вақтларим бўлади: “Сен оқни оқ, қорани қора, деёлмайсан, бу эса катъий позициянгни йўқлигидан далолат”, дея янийман. У эса жавобан майингина жилмаяди: “Бўлиши мумкин”. Шунда ўзимча унга суббутсизлик ёрлиғини ёпиштирмоққа жаҳдланаман, лекин дўстимни яхши билганимдан, унинг бу таври некбин қарашлари, майин жилмайишлари азбаройи юрагидаги ёруғликдан эканини сезаман ва ўзимга ўзим: “Улуғбек, адолатсизликка йўл қўймасдан бурун тўхта!” дейман.

Тоғдан кулаб тушаётган одамнинг ёрдам илинжида дод солиши, албатта, фойдасиз ҳаракат, лекин асло маънисиз эмас. Чунки унинг фарёди кучли воқелик зарбасига тутилган бирдан-бир қалқондир. Инсон – мантиқ фарзанди. Бас, ичимизга азалда жойланган мантиқ бизни ёруғлик, эзгулик, адолат ва яратишга ундайди. Асло зулмат, ёвузлик, ғирромлик ва бузғунчиликка хизмат қилишга чорламайди. Демак, дунёга келган бани одам қаршисида икки йўл бор: бири ёруғликка, бошқаси эса зулматга элтади. Бу – бир жайдари мантиқ. Лекин айнан шу мантиқда инсон табиати мужассам кўринади менга. Инсон ҳаётига маъни киритадиган ёки уни йўқ қиладиган куч ҳам шу ерда гизли, назаримда. Алалхусус, ана ўша содда мантиққа кўра дўстим тутган ҳаётий йўл ўзини тўла оқлайди.

Рухшуносларнинг айтишича, ҳаётсевар одам ярим пиёла сувни кўриб, “пиёланинг ярмида сув бор” дегани ҳолда, тушкун киши худди шу идишга қараб, “унинг ярми бўш” дер экан. Чунки биринчи ҳолда инсон пиёладаги сувни, иккинчисида эса пиёланинг бўш жойини кўраркан. Асқад Мухтор “Тундалиг”ида деразадан боқиб кимдир осмондаги юлдузни, кимдир ердаги гўнгни кўради, деган маънодаги фикрни ёзиб қолдирган эди. Орий рост, чунки ҳар ким ўз табиатидан келиб чиқиб оламга назар солади. Ижодкор-чи? У қандай бўлиши, дунёни қайси нуқтадан туриб акс эттириши лозим? Фақат юлдузни кўриб, юлдузни алқасинми?.. Унда ҳақиқат, ҳаёт ҳақиқати нима бўлади? Чинакам адабиёт, ҳақиқий санъат адолатнинг юзига оёқ босмаслиги

керакмасмиди?.. Ҳаётни қора рангларда кўриш ва тасвирлашга мойил яна бир ижодкор дўстим “Инсон балчиққа ботган махлуқ ва у шу ерда абадий қолади”, дея такрорлаб юришни ёқтирарди. Бу борада у билан кўп тортишганман. Дўстим ҳар қанча ўз фикрида қолса, мен ҳам шунча бўш келмасдим: имкон топилди дегунча тинимсиз эътироз билдирар, қайсар суҳбатдошим билан баҳслашишдан чарчамасдим. Тўғри, чинакам адабиёт ўзини балчиқни кўрмаётгандек тутмаслиги керак. У нафақат балчиқни кўриши, айна дамда, унинг бадбўй ҳидини ўқувчига хидлатиши, ҳалокатли кучоғидан бадий информация бериши даркор. Ҳатто у бунга маҳкум. Лекин, айна пайтда, нажот ҳақида, унинг борлиги тўғрисида ҳам ўқувчининг қалб қулоғига шипшиб ўтмоғи шарт, деб биламан мен. Бас, шунинг учун бир шеърда “Балчиқларга ботса-да жисмим Қорачуғда яшайди осмон!..” дейилган. Дейилган-у, менинг бундаин вазу корсонларим дўстимга заррача таъсир қилмасди. Орадан вақтлар ўтди. Дўстимнинг бир ўғилу бир қизи вояга етиб, уйдан остона ҳатлаб кўчага чиқди, жамият ҳаётига аралашди. Шунда, биласизми, нима воқеа рўй берди? Дўстим ҳаётнинг ёруғ ранглари излаб қолди! Ўзи учун тополмаганди ўша рангларни, қаранг, энди болалари учун, кўзининг оқу қоралари учун жазм этди бу ишга ва топди! Ҳатто ундан нари – дунё ва жамиятдаги, кўча-кўйдаги, одамлар феълидаги иллат ва нуқсонларни ўзича тузатишга бел боғлади. Нега? Чунки болалари бор эди у ерда – рўйи замин устида! Дўстим ҳатто шу кунгача ёзилган ўз ижодини қайта кўриб чиқа бошлади – ёруғлик, яхшилик, эзгулик, адолат ва бунёдкорлик руҳи фойдасига!.. Демак, дейман мен ўзимга-ўзим, вазиятга қараб, битта одам ўз умри давомида пиёладаги сувгаю дераза кўзидан кўриниб турган юлдузу гўнгга бўлган муносабатини ўзгартириб туриши мумкин ва бу ғоят табиий экан-да. Демак, инсон ҳаётдан қандай (мусбат ёки манфий) таъсирланса, секин-аста дунёқараши ҳам шунга мойил бўлиб шаклланар экан-да. Яъни инсон мияси гўё бир фотоаппарат: у ҳар куни атрофидаги воқелик парчаларини чиқиллатиб расмга олади. Мияда йиғилган суратлар эса унинг олам ҳақидаги тасаввурини, тасаввур эса, ўз навбатида, ўша инсоннинг дунёқарашию кайфиятини, оптимист ёки пессимист бўлиб етишишини таъмин этаркан-да! Демак, нимани суратга олиш ўша инсоннинг ҳаётга муносабатидаги даражани – неқбинлик ёки тушкунлик миқёсини белгилаб беради. Бу даража ва миқёслар эса ўз ўрнида инсон ҳаёти маънисини ифодалайди. Қиссадан ҳисса шуки, адабиёт ҳаёт акси, воқелик модели бўлгани боис, ўқувчини ёруғлик ёки зулмат сари етаклаши, унинг онгу қалбини у ёки бу мазмун-кайфият билан эмлаб туриши инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Бас, шундай экан, ижодкорнинг, умуман, инсоннинг “қурашаётган бу икки тўлқин” (Ойбек) – (бу ўринда) Ёруғлик ва Зулматнинг қай бири томонида туришини иссиқ танасига яхшилаб ўйлаб кўриши керак бўлади. Ҳатто ҳар доим, бир умр ўйлаб юриши шарт буни.

Ҳамма-ҳамма даврларда одамларга “Яхши бўл!” деган гап уқтирилади. Яхши бўлиш инсонликнинг шarti эканлиги, акс ҳолда, бу дунёю у дунёда фароғат топмаслиги бот-бот унинг зеҳниятига сингдирилади. Лекин баъзан “эзгуликка шунча ташвиқот бўлгани ҳолда, одамларнинг яхшилиги тўпиққа ҳам чиқмайди-я. Агар яхшилик ўрнида ёмонлик тарғиб этилганда борми, билмадим, атрофимиз қанақа махлуқларга тўлиб кетган бўларди...” дея ўйлаб қоламан.

Инсон туғилибдики, зиёга интилади. Ҳаётнинг ибтидоси куёш нури бағрида она сайёрамизга инган ёруғлик ва илиқликда яширин. Бошқача айтганда, Яратган Эгамиз куёшни бир восита айлаб, замин узра ҳаётни бор этди. Замонавий илм ҳам қадам-бақадам буни исбот қилиб келяпти.



Демак, ёруғликка интилиш махлуқотнинг жавҳарига жойлаштирилган энг кучли Эҳтиёждир. Адабиётнинг ойдинликка талпиниши ҳам, аслида, ана шу илдиздан сув ичаяпти. Бинобарин, зулмат, ёвузлик, бузгунчиликка мағлуб бўлиш ва пировардида уларни тарғибу ташвиқ қилиш асликка, соғломликка, моҳиятга, жавҳарнинг табиатига зиддир. Зеро, нур ўз йўлида учраган зулматни енгил учун бор этилган. Аслида, олам ҳам чексиз коинот зулматига басма-бас яратилмадими? Зулматнинг бағри чок-чокидан сўкилиб, ичидан нур оқиб чикмадими! Худди шундай, адабиёт ҳам алал-оқибатда ёруғликка, хаётга овоз бермоғи, башар аҳлига, йиқилганда юзини ерга уриб олишидан сақлайдиган тиргак – қўл, турганда эса олға кетишини таъминлайдиган оёқ бўлмоғи шарт эмасми! Бас, шундай экан, бу заҳматли, аммо шарафли Вазифани фақат Ёруғ, Хаётпараст, Некбин ва Кучли Адабиётгина удалай олади! Ва инсониятнинг мана шундай адабиётга бугун ҳар доимгидан-да кўпроқ эҳтиёжи бор!

Газета, журнал ва китоблар чоп эттириш, аслида, адабиёт ҳақидаги ўзига хос суҳбатлардир. Лекин бу воситали суҳбатлар ҳисобланади. Тўғридан-тўғри суҳбатлар ҳам бор. Бу икки ёки ундан ортиқ муҳибларнинг ўзаро мулоқотлари бўлиб, айнан шундай суҳбатлар кучоғида кишининг қалби ёруғ ва иссиқ туйғуларга, айниқса, кўпроқ тўйинади. Чунки севимли машғулоти ҳақида тирик инсон билан дилдан гурунглашишнинг завқига нима етсин! Ўзини Алман деб таништирган, ёши етмишни қоралаган шундай бир ҳамсуҳбатим бор менинг ҳам. “Нега исмингиз Алман?” десам, “Алман-да, гаплашганда ал бўп кетаман”, дейди ёқимли вилоят шевасида у. Мен ўзимча буни “Эл бўп кетаман, Элман” деб тушунаман. Чиндан-да Элман ака адабиётнинг том маънодаги шинавандаси... Шундай деб ёздим-у, Элман аканинг ҳақиқа хийнат қилгандек сездим ўзимни. Чунки у ёд айтиб юрадиган шеърлар маъзини чақиш учун шунчаки шинавандалиқнинг ўзи етмайди. Бунинг учун инсонда ҳақиқий санъат мазмун-моҳиятини ич-ичдан ҳис қиладиган тафаккур ва қалб бўлиши шарт. Буни ўқиб-ўрганиш орқали қўлга киритмоқчи бўлган кас чучварани хом санабди. У АТО ЭТИЛАДИ. Бинобарин, баъзан илмий даражага эга басавлат мутахассиснинг адабиёт тўғрисида ёзганларинию айтганларинию ўқиб-эшитиб туриб ҳафсаласи пир бўлиб кетади кишининг: зоҳиран бинойидек, лекин ботиний мундарижасига назар ташласанг, маза-матра топмайсан! Тавба, дейман, бу кишим санок комиссиясида ишлайдими ўзи? Унга асарда нечта эркак ва нечта аёл қаҳрамон, қанча қуш ва ҳайвон тури, қанча дарахт ва гуллар хили тилга олинганини санаб чиқиш билан ҳақиқий бадиий таҳлил ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини қандай қилиб тушунтириш мумкин?.. Айниқса, илмий даражаси ҳам, ёши ҳам сеникидан анча катта бўлса. Назаримда, ўша санок асар моҳиятига тушишга имкон яратсагина ўзини оқлайди. Масалан, Симурғ – ўттиз қуш ҳақидаги улуғларимизнинг асарларидаги каби. Бошқа пайтлар бундай тутумнинг адабиёт илмига алоқаси йўқлигини англайдиган вақтлар аллақачон келган, ахир!

Элман ака ўнлаб шеърларни ёддан, ўзигагина хос услубда ифодали ўқийди, яна шеърнинг қок ўртасида андак тўхтаб, мисралар мазмунига шарҳ ҳам бериб қўяди ва давом этади. Уни кузатиб туриб, ўз-ўзимга дейман: Элман акага ўхшаган инсонларга адабиёт завқи Яратган томонидан берилади. Бас, аслида, энг муҳими ва кераклиси ҳам шу. Демак, адабиёт илми шу пойдеворнинг устига қурилсагина, бирон наф чиқиши мумкин. Акси тақдирда, соҳага етти ёт бегона “мутахассис” аралашиб, “ҳар гўшада йиғлаб” бошингизни қотиргандан-қотириб ўтаверади.

Учинчими суҳбатимизда Элман ака ёддан ўқиб бераётган шеърлар

моҳияти ҳаётдаги жуда чуқур контрастлар бағридан отилиб чиққанлигини илғаб қолдим. Яна у кишим билан ҳар сафарги мулоқотдан сўнг кўнглимда ажиб бир ойдинлик кезиб юришини ҳам сездим. Кейин бунинг сабабини ўзимча қидириб кўрсам, гаплашган гапларимиз ва ўқигану эшитган шеърларимизнинг таъсиридан эканини англадим. Адабиёт турфа бўлади ва шундай бўлиши керак ҳам. Лекин ана ўша турфа адабиётнинг жон томирларида оқаётган қон таркибида битта, менинг фикримча, иштироки шарт ҳисобланган унсур бор бўлиб, исми УМИДБАХШЛИКДИР! Мен, бизнинг назаримизда саводсиз бўлган (“мактабни тўлиқ битирмаганман” дейди унинг ўзи) Элман ака билан бўлган мувоҳасаларда ана шу адабиётни ҳис қиламан десам, сира ҳақим кетмайди. Ахир, адабиёт бу ёзилган ва чоп этилган матнлардангина, китоблардангина иборат эмас-ку! Энг катта ва энг асл адабиёт бу бизнинг юракларимиздаги, ботинимиздаги адабиёт бўлса, не тонг! Ахир, у ҳар доим биз билан бирга-да! Энг омадли ижодкор ҳам ана ўша юрагидаги адабиётнинг юздан бирини қоғозга тушира олса, ўзини бахтли ҳисоблайверсин! Зеро, бу адабиёт уйғоқ пайтимизда ўнгимизда, ухлаётган вақтимизда тушларимизда ўзини намоён этаверади. Инсон бор экан, фикрлар ва ҳис қилар экан, унинг адабиёти ҳамиша у билан биргадир, тирикдир! Элман ака ўзи билан бирга ана шундай каттақон ва умидбахш адабиётини олиб юради.

Элман акага ўхшаган яна бир дўстим айтадики, ҳақиқий, баланд истеъдоднинг қалби тоза бўлади. Аслида, у қанчалик тоза бўлса, шунча истеъдодлидир. Мен далилларга суяниб, уни инкор этмоқчи бўламан: фалон шоир (ёки пистон носир) ғоят истеъдодли, ёзганларини кўзингга суртиб ўқийсан, лекин инсон сифатида яқинига йўлаб бўлмайди – ё тишлайди, ё тепади. Шайтон алайҳилаънани ол, у ҳам истеъдодли, қилмиши-чи?.. Бас, шундай экан, ўзимча, ҳар бир инсон ботинида нур ва зулмат кураши кечади, айрим истеъдодлар ёруғликни қанча кўп ташқарига чиқарса (ёзса), унинг ичида шунча кўп зулмат қолармикан, деган адоқсиз ўйларга чўмаман. Лекин, барибир, дўстимнинг гапи ўзимникидан кўра менга кўпроқ маъқул тушганини тан оламан. Мазкур иқрор истеъдодли кишининг шахси ҳам худди асарлари янглиғ беғубор ва баланд бўлишини истаганимдан туғилади.

Бир вақтлар тенгдошларим қатори мен ҳам Ф.М.Достоевскийнинг “Дунёни гўзаллик қутқаради” деган чиройли гапини айтиб юргич эдим. Ҳозир ўйлаб қарасам, гапнинг маъносию кучи билан унчалик ишим бўлмаган экан ўша ёшлик йиллари. Унинг мавжуд ҳақиқатга қанчалар яқин келиб-келмаслигини эса ўтган қатор ўн йилликлар кўрсатиб берди, чамаси. Бугун мен дунёни қутқариш ёлғиз гўзалликнинг қўлидан келмаслигига аминман. Яна етиб келган ҳақиқатим шу бўлдики, асосий гап гўзаллик (ва хунулик, эзгулик ва ёвузлик, юксаклик ва тубанлик...) қаршисидаги инсоннинг муносабати, яъни танлови дунё тақдирини (унинг инсон фаолиятига боғлиқ қисмини, албатта. Йўқса, одамийзодга мутлақо алоқаси бўлмаган, унинг таъсиридан холи томонлари ҳам сон-саноксиз) кўп жиҳатдан ҳал қилиб берар экан. Танлов эса шу инсон қандай муҳитда, қанақа қадрият асосида яшаганлиги, кимнинг қўлида ва нимани ўқиб-ўрганганлигига боғлиқ бўларкан. Агар гўзаллик ўз ҳолича дунёни қутқарадиган бўлса, унда нима учун гўзал Елена (Ҳомернинг “Илиада” асари қахрамонларидан бири)нинг ҳусну жамоли ёки Амир Умархон канизагининг тилларда дoston чиройи бутун бошли мамлакатларнинг қон ичида сузишига сабаб бўлди? Нега бу мисолларда гўзаллик халоскорликка эмас, ҳалокатга судради?.. Сабаби, назаримда, беш қўлдек аён: агар, бу ўринда гўзалликка муносабат худбинона тус олмаганда қирғинбарот урушларнинг

юз бермаслиги ҳамда минг-минглаб одамлар ёстиғининг куримаслигини англаш унчалик қийин эмас. Достоевский юқоридаги мулоҳазани юз йиллар муқаддам ўртага ташлаган эди. Эҳтимол, улуғ ёзувчи яшаган давр учун гўзалликни тушуниш, унинг қадрига етишнинг ўзи чиндан ҳам дунёга, унинг авзойига жиддий таъсир қилгандир (ёки шундай бўлишига асослар мавжуд бўлгандир). Ҳозир ҳам алоҳида вазиятлар учун “Дунёни гўзаллик кутқаради” дея айтиш жоиздир, балки. Лекин бутун бошли курраи заминдаги ҳаётнинг, аввало, маънавий, сўнгра эса жисмоний ҳалокатдан қутулиб қолиши учун ушбу шиоргагина риоя қилиб яшаш қутилган натижаларга олиб бормаслиги бугун кундек равшан ҳақиқат. Гап шундаки, орадан талай сувлар оқиб ўтди. Дунё бир эмас, бир неча ўн марта думалади, турланди, мураккаблашди. Ниҳоят, замонамизга келиб, у тамомила бошқа кайфият кучоғида нафас оляпти. Биланиҳоя, дунё бугун бутунлай бошқа кутқарув ҳалқасига эҳтиёжманд бўлиб турибди.

Бошқа жихатдан, дунёдаги жамики одамлар Достоевский каби олам гўзаллигини нозик тушуниб, “Дунёни гўзаллик кутқаради” дея ҳайқирганда ҳам бошқа гап эди. Лекин, шу билан бирга, муддаонинг ҳосил бўлиши учун ўша ҳамма, шу жумладан, Достоевский ҳам, гўзалликка дахл қилмай, аксинча, асраб-авайлаш лозим деган хулосага келиши шарт бўлади. Ахир, гўзалликни ўта нозик тушуниш ҳам руснинг беназир ёзувчисини “Россиянинг зиммасида умумжаҳоний вазифа турибди. У Осиёни бўйсундириши ва маданийлаштириши керак” деган истилочи ва ёвуз истакдан қутқаролмаган-да! Ахир, бу ният ортида (албатта, Россия сиёсатининг ўзи шу томонга сирпанаётган эди) тарих неча бор айланиб, қанча-қанча даҳшатли урушлар юз бериб, не-не бегуноҳ одамларнинг қонлари тўкилмади, дейсиз. Бу ҳам гўзалликка хизматми ёки уни маҳв этишми?.. Демак, гўзалликни кўриш ва уни нозик ҳис қилиш билан унга қандай муносабатда бўлиш бошқа-бошқа нарсалар экан. Зеро, гўзалликни кўриб, ҳис қилиш ортидан унга эғалик қилиш хуружига мубтало бўлиш ҳеч қачон ўзини оқламайди. Ахир, дунёда гўзаллик (эстетика категорияси)дан бошқа эзгулик, адолат, ҳақиқат (этика категориялари) деган тушунчалар ҳам бор. Ва у ҳам инсон эҳтиёжлари ҳосиласидир. Гўзалликка муносабатда инсон ахлоқ нормаларини четлаб ёки бузиб ўтдимми, демак, қалбда эго зулматидан озикланган ёвузлик туғилиб келаяпти, деяверинг. Бундай вақтларда ҳатто гўзаллик шайдосидан ҳам ҳимояланиш, керак бўлса, уни тўхтатиш керак бўлади.

Яна бир гап шуки, “Дунёни гўзаллик кутқаради” деган фикрни Достоевский асар қаҳрамони тилидан айтган. Демак, асар қаҳрамони маълум бир кайфиятга, вазиятга, ўзигагина хос дунёқарашга суяниб айтган бу гапни. Бас, шундай экан, ушбу фикрни улуғ ёзувчи дунёни ҳалос этиш йўлидаги бирдан-бир энг олий чора, деб илғари сурганлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Бизнинг айни масала юзасидан батафсил мулоҳаза юритганимизнинг боиси шуки, гап ҳаёт ва уни кўриш ҳақида борар экан, ҳашамдор фикрлар, чиройли шиорлар, сержилва мулоҳазалар, эса қоладиган нутқлар ҳар доим ҳам кўринганидек, туйилганидек кучу қудратга эга бўлавермаслигига иқроор бўлиб олишдир. Йўқса, янги йўллар, дунёни чиндан-да ҳалос этувчи ўзга чоралар кўзланмай, изланмай қўйилади. Илло, бугун дунё янги йўлга муҳтождир. Бу йўл уни муқаррар ҳалокатдан қутқармоғи керак.

Дарахт ҳали навниҳол кўчат экан, унинг ўзаги ҳатто кичкинтой болани ҳам кўтаролмайди. Улғайиб, бўй-бастини баралла керганда эса, ҳар битта шохига бир нечтадан вояга етган одамни “чиқариб олиши” мумкин. Ҳос одамлар учун мўлжалланган, фақат шуларгина ҳазм қилиши мумкин бўлган

“юкли” асарларни кенг омма учун нашр этиш қанчалик ўзини оқлайди? Демократия, плюреализм каби тушунчалар таъсири остида ҳар доим ҳам тўғри иш қиляпмизми? Мен “Улисс” (Жеймс Жойс) каби китобларни, унинг, айниқса, 18-қўшиғини ўқиғач, шундай ўйларга бордим. Албатта, Жойснинг тасвирда онг оқими деган кашфиёти бадий тафаккур тадрижида алоҳида босқич сифатида қаралади. Лекин бу кашфиётни ўта беҳаё тасвирларсиз ҳам бемалол амалга ошириш мумкин эди. Чунки ахлоқсиз ҳолатларнинг асар тақозосига кўра фрагментар тарзда берилиши бошқа, уларнинг эринмасдан узоқ ва батафсил тасвирланиши тамомила бошқа таъсир кучига эғалигига эътибор қаратмоқчиман. Айниқса, кейингисининг қаршисидан чиқиб қолган ёш авлод вакили ҳолатини тасаввур қилиб олаверинг. Мулоҳазаларимга “Нима бўпти шунга? Ана, интернетни очиб, битта буйруқ берсанг, бас, истаганча порно томоша қиласан. Интернетдаги шармандаликларнинг олдида “Улисс” даги эпизодлар арзимас нарса”, дея эътироз билдирса бўлади, буни биламан. Лекин адабиёт нима ўзи? Унинг илдизи қаердан сув ичади? Инсон кўнглидан эмасми? Рухга пайвасталаниб кетмайдими адабиётнинг теран томирлари? Ва айнан шу нарса инсонни ҳайвондан ажратиб турмайдими? Адабиёт, бўлганда ҳам жиддий адабиёт билан шуғулланувчи кишилар башар аҳлининг маънавий раҳнамоларидан эмасми? Йўлбошловчиларнинг ўзи рухга эмас, жисмга, унинг истакларига сажда қилиб тургандан кейин, қолганлардан нима кутиш мумкин? Бадий асар бани одамнинг инсонлик тарафига эмас, балки ҳайвонлигига хизмат қилар экан, у ҳолда “умуман адабиёт керакми-йўқми ўзи?” деган саволнинг қаршисидан чиқиб қолмаймизми? Ахир, кишилик жамиятининг ҳар доим, ҳамма даврларда адабиёту санъат янглиғ инсонни тубанликка эмас, юксакликка, зулмга эмас, адолатга, фаҳшга эмас, покликка етакловчи оламга эҳтиёжи бор эмасми? Инсон табиати фақат ҳайвоний майллар йиғиндисидан иборат эмас-ку, ахир! Қани унинг рухоний-маънавий тарафи?! Йўқ, гап бу ерда “Улисс” каби асарларни ман этиш ҳақида эмас, балки кенг омманинг ҳукмига тўлалигича ҳавола қилиш ҳақида кетаяпти. Талаба чоғимда ёши ўзимдан анча катта дўстимдан маркиз де Сад китобини ўқиш учун сўраганимда, у ўртадаги самимиятимизга қарамай, китобни менга бериб туришдан бош тортганди. Ўшанда ундан хафа бўлгандим, энди эса мен уни тушунаман. Айниқса, анча йиллар кейин, де Сад асарлари билан танишганимдан сўнг дўстимга ҳатто хурматим ошган. Орадан 20-25 йиллар ўтиб эса ўша дўстим оғир хасталик вақтида бир роман ёзиб қўлимга тутқазди. Мен унинг йигирма саҳифасини маъқул дея, қолган 280 бетини мутлақо қайта ёзиб чиқиши кераклигини айтганимда, энди у мендан хафа бўлди. Лекин йиллар ўтиб, дўстим соғайиб кетди, жамият ва табиат бағрига қайтди ҳамда романнинг ўша мен айтган қисмларини қайта таҳрир қилаётганини айтди. Фақат дўстим эмас, яқинда менинг ўзим ҳам илгари чоп қилинган асарларимни таҳрир кўзи билан қайта кўриб чиқдим: натижада жуда тор давраларда, шу соҳанинг одамларигагина айтилиши мумкин бўлган туйғуларимни ҳам фарқига бормай бир вақтлар элга дoston қилганимни англаб, хижолат тортдим, аямай таҳрир қилдим (Собиқ Шўро даврида жамият анчагина чекловлар ичида яшаган ва адабиёту санъатнинг гоҳи-гоҳида эркинликка талпиниб туриши табиий зарурат эди. Тафаккур кишанларини парчалаш ҳақиқий адабиётнинг вазифасидек туйиларди ўшанда. Энди-чи? Энди ҳамма нарса мумкин ва бу ҳол муқаддас деб билганимиз адабиётни айрим ўринларда оёқлар остига отиб юбормоқда! Энди адабиёт аксинча иш тутмоғи (вазиятга қараб иш тутишни асло субутсизлик деб тушунмаслик керак) ва инсонга ҳамма нарсанинг мумкинлиги ҳалокатга



олиб бориши ҳақида бонг урмоғи шарт! Достоевский қаҳрамонларидан бири “Агар Худо ўлган бўлса, демак, ҳамма нарса мумкин” деган фикрни айтган эди. Ҳамма нарсанинг мумкинлиги эса инсоннинг биз билган табаррук зот сифатида барҳам топганлигини англатади. Бошқача айтганда, Худога эътиқоднинг ўлиши билан инсоннинг ўзи ҳам ўлади). Шунда қуйидагича хулосаларга келдим: ижодкорнинг (гарчи мумкин бўлмаса-да) ҳамма нарсани билиши яхши экан-у, ҳамма нарсани ёзиши жоиз эмас экан! Бу борада ҳам улуғ Навоидан дарс олсак арзийди:

*Хирадманд чин сўздин ўзга демас,  
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.*

Чунки “ҳар чин сўз” ҳам уни ҳазм қила оладиганга, ботини ёруғлик ила етарлича тўйинган ойдинларгагина айтилмоғи жоиз. Йўқса, у ҳар қанча чин сўз бўлсин, алал-оқибатда зулматга хизмат қилиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Чанқаб турган одам қўлига қалам олмасин, йўқса, унинг ёзганлари сув борасидаги таъмага айланиб кетади, дея ёзган эдим қайдадир, қачондир. Худди шундай, дардман одам ёзганларини ўша дарддан фориғ бўлгандан кейин яхшилаб кўздан, яъни соғлом назардан ўтказиб олиши керак. Токи, бу дарддан тўраган матн инсонни инсон ўлароқ тутиб турган гуманизм устунларига раҳна солмасин. Чунки касал киши, одатда, ўз дарди исканжасида қолиб, хасталикнинг хархашаларини ўзининг асл истаклари деб билади. Ахир, инсон фақат касал ҳолининггина маҳсули эмас-ку! У ўз умри давомида неча-неча бир-бирдан фарқли ҳолларга тушмайди, дейсиз. Лекин у шуларнинг бирини мутлақлаштириб, жамият аъзолари эътиборига “Бирдан-бир ҳақ гап шу!” дея сунса, бу қанчалик тўғри бўлади?..

Ҳамма нарсани ҳурфикрлилик билан хаспўшлаб бўлмайди. Агар ҳурфикрлиликда инсониятга, унинг ҳаётига қарши нимадир, ҳатто энг кичик унсур бор бўлса ҳам, демак, бундай плюрализм алал-оқибатда қора кучларга хизмат қиладиган ҳол сифатида баҳоланмоғи керак. Бундай ҳурфикрлик ортидан чиқиб келадиган ёвузлик, фаҳш, зўравонлик каби иллатлар бориб-бориб дунёдаги ҳар қандай яхшилигу эзгуликнинг, ёруғлигу адолатнинг уруғини куйдириши мумкин. Шунинг учун ҳам плюрализм ҳақида баланд пафос билан нутқ ирод қиладиган пайтимизда билмоғимиз керакки, плюрализмдан плюрализмнинг фарқи бор. Башар манфаатига тўла хизмат қиладиган ҳурфикрлилик билан шу ниқоб остида унинг оёғига болта урадиган “ҳурфикрлилик” ўртасида жуда нозик, лекин ўта муҳим чегара чизиғи мавжуд.

Кунлардан бир кун талаба ёшларимизнинг уч-тўрт вакили эшик қоқиб келишди-да: “Дунёда адолат йўқ, ҳаёт бемаъни, нима гуноҳ қилсанг қил-у, гуноҳкор сен эмассан, бу ёруғ оламда нима каромат кўрсатсанг кўрсат-у, оқибати бир пул”, деган гапларни дастурхон қилишди. Шунда мен улар билан очикчасига баҳсга киришмай, секин кўнгилларига қўл солиб кўрдим. Натижада, улар ўзлари “кўтаролмаган”, “ҳазм қилолмаган” ёзувчию шоирлар асарларини ўқиб юришганини, ҳатто уларнинг таъсирида эканликларини билиб қолдим. Булар – Умар Хайём, Достоевский, Жойс, Кафка, Камю ва ҳоказо жаҳон тан олган улуғ ижодкорларбўлиб чиқди...

Ёшларни обдан тинглаб бўлгач, муддаога кўчдим. Ҳаётларининг шу палласида бошқа адабиётларни, хусусан, ботинида нур балқиб турган асарларни кўпроқ мутолаа қилишлари зарурлигини уқтиришга уриндим. Кейинроқ,



масалан, маънавий иммунитетлари кучга кириб тўлишганда бошқа ҳар турли адабиётларни ўқиш зарар қилмаслигини уқтирдим. Шунда улардан бири жиддий туриб эътироз билдирди: “Нега энди, масалан, Достоевскийни эмас-да, Толстойни айтяпсиз? Ахир, Достоевский дунёда энг катта ёзувчи деб тан олинади?” деди. Мен, аввало, ҳеч қайси ёзувчи “энг катта” бўлолмаслиги сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилдим, сўнгра, асосий масалага келиб, тавсия қилинаётган асарларда зиғирдек бўлса-да ёруғликка ишонч борлиги ҳақида гапирдим. Улар эса яна баҳслашишди. Чунки ўша тобда ичларидаги зулматнинг хиссаси ёруғликниқидан кўпроқ эди, назаримда. Зулмат, одатда, ёруғлик билан ўт билан сувдек гап. Ёруғлик ҳақидаги каминанинг гаплари шунинг учун ҳам уларнинг ботинларидаги “борлик” билан ҳамоҳанг жарангламасди. Натижада эътироз билдириб, қарши фикр айтишаверди... Эслайман, 2005 йилда оғир бир хасталикка чалинган эдим. Бир неча ойлар чамаси тўшакдан туролмаганман. Бутун борлиғимни аллақандай зулмат коплаб олганди. Нажотим – ёруғлик эди. Ҳатто ўша йиллари куёш тушиб турадиган бошқа уй қидириб, уни энг охири қаватдан топиб, ўшанга кўчиб ҳам ўтганман. Изтироблар исканжасида қолиб, Яратганга қилган илтижола-римдан бири қуйидаги шаклда қоғозга ҳам тушган эди: “Куёш билан калтакла мени, Чиқиб кетсин ичимдан зулмат!”

Муҳтарам ўқувчи! Менинг бу гапларимни контекстдан узиб олиб, Умар Хайём, Достоевский, Жойс, Кафка ёки Камю сингари улуғ шоиру ёзувчиларга эътироз деб тушунмаслигингизни ўтиниб сўрардим. Чунки уларнинг инсон бадий тафаккур тадрижига қўшган оламшумул хиссасини инкор қилгулик ниятим ҳам, ҳолим ҳам йўқ, аксинча, бу ҳақда баҳоли қудрат “нималардир” қоралаб келаман. Лекин улар маълум маънавий иммунитетга эга бўлган, рухий жиҳатдан бакуват кишиларнинг бадий тафаккур тарзигагина ижобий таъсир ўтказиши мумкинлигини баралла айтгим келади. Дунёқарашини ҳали етарлича шаклланмаган ёшларни, узоқ йиллар йўлини тополмай гандираклар юрадиган бўш-баёв ўқувчилар маънавиятини эса бир умрга майиб қилиб қўйиши ҳеч гапмас, деб биламан. Эслайман: тахминан йигирма-йигирма бир ёшларимда Кафка асарларига ошно бўлиб, сўнг улар таъсирига тушиб, йиллаб тузукроқ ухлай олмай изтироблар чекканман. Хуллас, яна ўша гап: дарахт навнихол экан, эгилювчан, мўрт келади, улғайгач, унинг биргина шохи ҳам неча-неча инсонни “бағрига олиши” мумкин.

Достоевский ҳаёти ва ижодига диққат билан разм солсангиз, улуғ ёзувчининг ботинида ҳам жуда катта зулмат яшаганлигини илғайсиз. У ўша зулматга қарши бутун умри давомида курашиб ўтган. Лекин ҳар доим ҳам ёзувчининг кўли баланд келавермаган. Юқорида эсланганидек, ёзувчи ана шундай дамларда империалистик кайфиятидаги ниятларни ёзиб қолдирган (“Дневник писателя”). Шундай улуғ ёзувчи меросида шу каби битиклар ҳам борлигига афсуслар қиласан, киши. Бундай таассуфни ёзувчининг забардаст таржимони Иброҳим Ғафуров ҳам “Достоевский билан тунги суҳбат” мақоласида ўринли равишда билдириб ўтади. Хўш, нега ёзди экан руснинг бетакрор адиби ушбу сўзларни?... Енгилитиш содир бўлдимикан! Ўз даврининг умумруҳига, чор давлати сиёсати кайфиятига тушиб қолдимикан ёзувчи... Ахир, киши ичкарида – ботинда ғолиб келса, ҳеч қачон ўзига раво кўрмаган кўргиликни ўзгага тиламайди-да! Тиламаслиги жоиз! Исо алайҳиссалом ўғитини эсланг. Ҳатто у зулмнинг ҳар қандай хилига қарши чиққан. Ўнг юзингга урсалар, чап юзингни тут, дея ўғит берган. Бу ўғитни юзаки тушунганларгина пайғамбарни ожизлик ва мутеликда айблади. Аслида, бу сўзлар зулмга қарши юксак мартабадан туриб мардона айтилгандир. Достоевскийнинг насронийликка чуқур

этиқоди бўлганлигини ҳисобга олсак, у юқоридаги каби мулоҳазаларида муқаддас ўғитлардан ҳам нақадар узоқлаб кетганига гувоҳ бўламиз. Албатта, ҳар қандай миллатпарвар ижодкор ўз халқини севиши, уни улуғлаши, ўзи мансуб жамиятни буюк мақсадларга ундашини тушунамиз ва қабул қиламиз, лекин бу нарсалар ўзга халқларнинг кўз ёши ва қони эвазига бўлмаслигини ҳам мудом ёдда тутамиз. Шуларни ўйлаганда, хаёлга беихтиёр қуйидаги ўйлар келади: ҳар бир давр тафаккури ўзигача бўлган ва улуғ деб ҳисобланиб келинган ҳамма даҳолар ва уларнинг барча хизматларини юксак этик ва эстетик тафаккур чиғириғидан ўтказиб, гуманизм мезонлари билан обдан ўлчаб олиши шарт (Адабиёт ҳам ўз даврининг кайфиятидан келиб чиқиб, унга руҳий-маънавий кўмак бериш маъносида ўз таврини белгилаб олиши керак). Ўтмишнинг хаёлларимиздагина мавжуд пойдеворига бугуннинг ҳақиқий иморатини куриб бўлмайди. Ёки кечаги куннинг соясида бугуннинг жазирасидан сақланиш мумкин эмаслигини теран англамоғимиз керак. Баъзан таълим-тарбия ҳақида гап борганда, жаҳоннинг машҳур асарлари тилга олиниб, ҳатто ўқиб-ўрганиш тавсияси берилади. Бу, умумий маънода, тўғри албатта. Лекин масаланинг хусусий томонлари ҳам бор. У ҳам бўлса, тарих ва бугунги жамиятлар, уларнинг дунёқарашлари ва кадриятлари ўртасидаги тафовут. Шу маънода тарихий-маданий меросни қандай бўлса, шундайлигича бугунги кунга кўчиришга уриниш ўзини тўла оқламайди. Керак бўлса, ҳар қандай маълуму машҳур мерос ҳам танқидий ўрганилиши фойдадан холи эмас. Чунончи, “Панчатантра” деган машҳур ҳинд адабиёти намунасини ўқиб қолган яқин дўстим асардаги очиқ саҳналарни, кўплашиб яшаш эпизодларини, эридан зериккан хотиннинг осонгина бошқаси билан бўлиб, сўнг эрини ўлдириш чораларини қидириб қолганини гапириб, тушуниксиз кўйларга тушди. Нега, десангиз, торозининг бир томонида, бутун дунё шу кунгача кўкка кўтариб келган асар ҳақидаги тасаввур, ҳурмат турса, иккинчи тарафида манавиндақа эпизодлар намоиши...

Хўш, “Панчатантра” қачон битилган? “Дебоча ўрнида” сунилан, устоз таржимон Иброҳим Ғафуров томонидан битилган сўзда эрамизнинг учинчи-тўртинчи асрларида дейилади. У пайтда инсонлар жамияти, одамларнинг ўзаро муносабатлари қай даража ва аҳволда эди?.. Нега бу саволни бераяпман? Чунки асарда ахлоқсиз муносабатлар анчагина тасвирланганки, уларнинг бугунги кун илғор жамиятларининг ахлоқ тушунчаларига тамомила зид эканлигини таъкидлаб айтмоқ керак. Ҳозирам Африкада, жанубий Америкада ярим ёввойи қабилалар яшайди, уларда оила, ахлоқ тушунчаларида замонавий, илғор жамиятлардагига мутлақо мувофиқ тушмайдиган ҳолатлар бор (Кунимизда Оврупанинг айрим жойларидаги ахлоқсизликларни ана ўша етиб келинган баланд маромдан четланиш деб қараш керак). “Панчатантра” битилган даврларда ҳам одамзод ривожланишнинг анча қуйи босқичида бўлганлигини назарда тутсак, биз, башар аҳли, шунча йўл босиб, қанча қонлар ютиб қўлга киритган ҳаёт тарзимиздан, унинг қонун-қоидаларидан, ахлоқ нормаларидан воз кечишимиз ақл иши эмаслигини аён бўлади. Узун гапнинг қисқаси шуки, нимаики ҳаётда ўзининг соғлом қирраси билан намоён бўлса, ўшани олиш, камол топтириш зарур бўлганидек, нимаики, соғлом ҳаёт тарзи ва мантиққа зид бўлса, у энг улуғ асарларда битилган бўлишига қарамай, ҳеч иккиланмасдан танқидий ёндашмоқ, сарагини авайлаб олиб, пучагини пуфламоқ лозимдир! Янада кескинроқ айтай: нимаики, инсоннинг ҳайвоний тарафига озуқа бўлса, аёвсиз танқид қилмоқ, нимаики унинг инсоний томонини қувватласа, дастакламоқ зарур. Гап оловга ташлаш ҳақида эмас, балки жамиятнинг каттаю кичик аъзоларида мавжуд меросга нисбатан

соғлом нуқтаи назарни шакллантириш, тўғри муносабат борасида кетаяпти. Ахир, неча вақтдан бери башарият ўзининг олий мақсади – идеал олам, идеал жамият сари интилиб келмоқда. Буни утопия, чўпчак ҳисоблайдиганлар ҳам бор. Лекин ўша орзунинг ўзи инсониятни инсонлик мақомида тутиб тургувчи маънавий кучлардан бири эканлигини инкор қилиб бўлмайди! Шундай пайтда ортга қайтиб, ўтмиш замонларда урф бўлган ибтидоий одатларга риоя қилиш инсон маънавиятига ҳам, унинг орзусига ҳам, мақсад-муддаосига ҳам терс ҳаракатдир. Албатта, маънавий мероснинг бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган қирралари ўқиб-ўрганилади, бундан тониш йўқ. Лекин уларни олдимизда турган зулматни ёритгувчи қўлимиздаги бирдан-бир машъала мақомига кўтармаслигимиз жудаям муҳим. Зеро, ҳаёт деганимиз, аслида, куйдиргувчи бир оловдир. Инсон мана шу оловда ёниб покланади, покланаяпти, покланмоғи зарур ҳам! Унинг шу гулханда ёниб, ўзининг энг тубан, энг жирканч, энг қабих сифатларидан тозаланиб бориши лозимлигига ишонмоғимиз эса янада муҳим.

Мулоҳазамиз қуруқ бўлмаслиги учун “Панчатантра”дан жой олган уч сийнали киз, кўр ва букри ҳақидаги ҳикояга қисман тўхталсак. Шоҳ нуқсонли туғилгани учун уч сийнали қизини кўрга хотинликка бериб, сийловлар эвазига ўзга юртга кетишини истайди. Шундай бўлади ҳам. Аммо ногирон киз кунлардан бирида кўр эрига хиёнат қилиб, букри билан ўйнашади. Сўнг хиёнаткор хотин ва дўст кўрдан халос бўлмоқ ниятида қора илон ўлигини келтириб, шўрва тайёрлашади. Шўрванинг ҳовуридан эса кўрнинг кўзи очилади. Бундан беҳабар хиёнаткорлар яна ишратга берилишади. Ҳаммасини кўриб турган эр ғазаб отига миниб, букрининг оёғидан ушлаб айлантиради, хотинига уради. Натижа қандай бўлди, деб ўйлайсиз?.. Сира қутилмаган! Яъни кучли зарбадан хиёнаткор дўстнинг букриси ва вафосиз хотиннинг сийнаси тузалади. Ҳикоя шу ерда тугайди. Хўш, Шарқ дидактик адабиёти, фалсафаси, ваъзу насихатлари, асосан, қиссадан ҳисса чиқариш асосига қурилар эди-ку! Бу ёғи қанчадан тушди энди?.. Бевафолик (аёлнинг тутуми), хиёнат (дўстнинг тутуми), қотиллик нияти (хотин ва дўстнинг тутуми) натижасида учови қосирнинг ҳам нуқсони тузалиб кетаяпти! Бошқача айтганда, “марҳамат, разил ишни қилаверинг, натижаси яхши бўлади” деганими бу?.. Мазкур “қиссадан ҳисса”ни бугунги инсон, унинг қалби ва тафаккури, ахлоқий қарашлари, иймону эътиқоди қабул қиладими? Уни кеча ҳам қабул қилишмаган эди. Ахир, араблар “Панчатантра” асосида “Калила ва Димна” деган асар барпо қилишган. Солиштириб ўқинг-а! Орада анча фарқ бор. Араблар ўз жамиятлари, бу жамиятдаги одоб-ахлоқ нормалари негизда асарни асрлар мобайнида мудом қайта ишлаганлар. Шунга эҳтиёж сезганлар. Чунки ҳинд вариантыдаги кўпгина муносабатларнинг мазмун-моҳияти уларнинг дунёқарашларига тўғри келмаган кўринади. Шунинг учун ҳам замонавий олимнинг тафаккури улкан прожектор каби ишламоғи керак деб ўйлайман: у ҳар бир қарич ерни, ҳар пучмоқни ёритмоғи ва у ерда башар қисматида дахлдор борлиқ ҳақиқатни кўрмоғи, уни ўз номи билан атамоғи лозим. Мабодо, доғ бўлиб тушадиган заррача кирни кўрса ҳам, у кимга, қайси халққа ва қайси улуғ зотга тегишли бўлмасин, бундан тафаккур аҳлини хабардор этмоғи жоиз. Бу унинг энг олий ва муқаддас бурчи, вазифасидир.

Бас, шундай экан, ташқаридан қараганда, бир четда китобга жо бўлиб турадиган беозор адабиётнинг қандайлиги ақл ва қалбларга кўчганда, у оламшумул кучга айланади. Бинобарин, китобга, адабиётга беписанд қараб бўлмайди. Шунинг учун ҳам айрим буюк ижодкорлар асарларини мутолаа қилаётганингизда кўзингиз орқали қалбингизга бўрон янглиғ қоп-қора зулмат

бостириб кирмоқчи бўлаётганини ҳис қиласиз. Агар ботинингизда етарли даражада ёруғлик бўлмаса, сиз ёзувчи зулмати қуюнида қолишингиз ҳеч гап эмас. Ахир, улуғ ёзувчи демак, айни дамда, буюк истеъдод, ҳатто даҳо демак. Қайси ўқувчи (айниқса, ёш китобхон) даҳо санъаткор билан беллаша олади? Кимнинг унга кучи етади?.. Жиддий ўйлаб кўриладиган мавзу бу!

Бовужуд, УМИД берувчи асарларга бўлган эҳтиёж бугун ҳар доимгидан-да катта (Эртага кашфиётчилик адабиётига шундай эҳтиёж сезишимиз мумкин. Худди бир вақтлар саргузашт асарларга талпинганимиз каби). Турмуш ва унинг адоқсиз ташвишлари бурамаси, “оммавий маданият” гирдоби, енгил ҳаёт тарзининг тарғиб этилиши, эътиқоднинг, бурднинг заифлашуви ва ҳоказо сабаблар натижасида инсон руҳий илдиздан узоқ тушиб бормоқда. Унинг ҳайвонлиги ҳакалак отмоқда. ОАВ бутун моҳияти истеъмолчиликдан иборат Янги Инсоннинг пайдо бўлаётгани ҳақида овоза қилмоқда. Шунинг учун ҳам бугун инсоннинг инсонлик тарафини кучайтирадиган ёруғ ва умидбахш асарларга сув ва ҳаводек эҳтиёжимиз бор, деб ўйлайман. Яқинда реал ҳаётнинг воқеага асосланган кино кўрдим ва бир неча кун шу асар таъсирида юрдим. Сўнг интернет орқали асарни топдирдим. У француз драматурги Жан Доминик Боббининг “Скафандр ва капалак” номли асари бўлиб, ёзилиш тарихи мени ўзига жалб қилди. Яъни роса кучга тўлган, ҳаёт ва ижодда муваффақият қозониб келаётган драматург сира кутилмаганда инсультга чалинади-да, бир умр тўшакка миҳланиб қолади. Лекин у таслим бўлмайди. Соғлом мия ва биттагина кўз билан, уларнинг ёрдамида ҳаёт учун курашади. Чунки қолган ҳамма аъзолар фалаж ҳолда эди: на қимир этади, на гапиради ва на овқат ея олади. Ишга яроқли биттагина кўзи билан логопед ёрдамида асар ёзади. Бунинг учун алфавитдан фойдаланишади. Логопед бир чеккадан ҳарфларни ўқиб чиқади, фалаж драматург керакли ҳарфга келганда ягона соғ кўзини юмади ва шу тарзда бир неча дақиқада биргина сўз ёзилади. Энди бутун бошли асарни ёзиш учун кетган жасорат, сабр, вақтни ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг. Асар “Скафандр ва капалак” деб номланади. Скафандр бу – сув остига тушиш учун кийиладиган махсус кийим, лекин бу ерда рамзий маъно касб этиб, инсон танасини, капалак эса руҳни англатади. Драматург узоқ яшамайди – ўлади. Лекин одамларга умид қолдириб кетишни уддалаб ўлади. Ёзилиши буюк жасорат ва инсонликнинг олий кўриниши бўлган асарда мужассам эди бу УМИД. Эҳтимол, асарнинг ўзида ҳам эмасдир бу умид (Чунки унда Ғарб кишисининг дунёқарашига сингиб кетган шундай нуқтаи назарлар борки, баҳслашиш мумкин). У шу асарни ёзишга бўлган иштиёқ замирида яширин ҳаётпарастликдадир! Яна бир француз адиби ва файласуфи Альбер Камю автоҳалокатга учраб ўлганда ўзининг бош – “Уруш ва тинчлик”дек асарини ёзаман деб яшаётган эди. Назаримда, унинг ана шу яратувчанлик иштиёқи ёзилмай қолган асаридан-да баландроқ туради.

Хуллас, яна ўша – деразадан боқиб кимдир юлдузни, кимдир гўнгни кўради, деган фикрга қайтиб келдик. Дарвоқе, Дейл Карнегининг отаси ҳам шунга яқин гапни айтганини ўқиган эдим. Яқинда сира кутилмаганда Умар Хайёмга нисбат берилган қуйидагича фикрга дуч кеп қолдим: икки киши битта деразадан боқиб, бири ёмғир ва лойни, иккинчиси эса баҳор ва ложувард осмонни кўрибди... Хуллас, адабиёт кўнгил ойнаси деймиз. Бу ойнадан боққан ўқувчига биз нималарни таклиф қиляпмиз?.. Албатта, ҳақиқий адабиёт ҳамма нарса ҳақида билиши ва ёзиши керак. Лекин бу дегани хулосани гўнг ва балчикқа олиб келиб тақаш мумкин дегани эмас-да! Нега инсонга умид бериш мумкин эмас? Бир қатим нур илиниш шунчалар қийинми унга? Дунёни зулмат босганда ёруғлик ҳақида ёзмаслик, зиёни тараннум



этмаслик инсоният олдида жиноят содир қилиш билан баробардек туйил-маяптими сизга?.. Айтадиларки, “Иблис Одамга сажда қилмай, Оллоҳнинг амрига қарши чиқиб: “Мени оловдан, уни эса балчикдан яратдинг”, деди. Яъни менинг зотим оловдан, уники тупрокдандир. Юксак бўлганнинг тубан бўлганга сажда қилиши тўғрими? Иблис Оллоҳ билан шу тарзда мужодала этди ва Унинг лаънатига учради, хузуридан қувилди. Ва: “Оҳ, Оллоҳим! Ҳаммасини Сен қилдинг. Булар Сенинг бузғунчилигингдир. Устига-устига, мени лаънатлаб хузуридан бадарға қилмоқдасан”, деди. Одам ҳам гуноҳ қилди. Оллоҳ: “Эй, Одам, гуноҳинг учун сени жазоладим. Ҳаммасини Ўзим қилганим ҳолда сени қилди, дедим. Сен эса Мен билан тортишмадинг. Ёки далилинг йўқмиди? Ахир, сен ҳам: “Ҳаммаси Сендан, Сен қилдинг, чунки дунёда Сен истаган нарса бўлади, истамаганинг бўлмайди”, дейишинг мумкин эди. Шу қадар аниқ далилинг бўлгани ҳолда Менга қарши лом-мим демадинг, нечун?” дея буюрди. Одам: “Эй, Танграм, биламан. Бироқ Сенинг хузурида тарбиямни кўлдан чиқармоқни истамадим. Чунки Сенга бўлган ишқим мени кўйиб юбормади, қарши чиқсам”, деди”. Инсон ҳам масалага худди шайтон каби қарши мумкин эди, лекин нафсини, тилини тийди ва ярлақанди. Адабиёт дидактика билан бир нарса эмас, деймиз. Тўғри. Адабиёт инсонни ҳар томонлама кашф қилади, унинг сиру синоатга, зиддиятга тўла қалбинибадий тадқиқ этади. Чунончи, Ф. Достоевский инсон шуури ертўласига тушиб, инсон хатти-ҳаракатларининг асл манбаига кўл узатди, онгости кўриқхонасига кириб борди. Достоевскийнинг мана шу кашфига таянган ҳолда жаҳон адабиёти инсон ботинида кечадиган хилма-хил ва ғоят мураккаб кирраларни шундоқ кафтимизга кўйдик, натижада Одам ҳақидаги тушунчаларимиз, сезимларимиз кенгайганини англадик. Мавриди келганда айтиш керакки, бу хил кашфлар Шарқ мумтоз адабиётида аввалдан бўлган. Фақат улар тизимли тарзда эмас-да, фрагментар шаклда асарлар қатига яширилган. Чунончи, З.Фрейднинг (XX аср) инсон жинсий қувватининг ҳаётни белгилайдиган етакчи факторлигига доир қарашларини эсланг. Энди Шарқнинг “Қайсга таҳаммулидан ортиқ эҳтирос берилгани учун у мажнун (жинни)га айланди” деган фикрини мушоҳада қилинг. Шарқда бир жумлада айтилган фикр Ғарбда бутун бошли фан тизимига айлантирилаяпти. Ғарб инсон хатти-ҳаракатлари зимнида фақат биологик асосни кўрган бўлса, Шарқ рухий ўзакни мудом ёдида тутган. Бас, шунинг учун ҳам биологик факторлар таъсирини бўрттирмаган. Инсонда бир вақтнинг ўзида ҳам ҳайвонлик, ҳам малаклик сифатлари яшашини уқтиргани ҳолда, кейингисининг ғалабасига умид билан кўз тутган. Шарқ инсоннинг рухий маънавий жавҳарини улуғлаб, фаришталардан юксак мақомга элтиб кўйгани ҳолда, Ғарб худди шу инсоннинг ҳайвоний тарафини идеаллаштириб, биологик махлуқ даражасига туширди. Лекин бу, Фрейд таълимоти ёлғону бўҳтонлардан иборат, инчунин, у ўрганилмаслиги керак, дегани эмас. Инсоннинг биологик жихати инкор этилмайди. Гап бу ерда мутлақлаштирмаслик ҳақида, айни дамда, инсонни улуғлайдиган сифатига урғу бериб, зулматдан чиқиш тирқишига йўналтириш ҳақида бораёпти. Бас, шундай экан, урғуни тўғри кўйиб олишимиз лозим ва у, энг аввало, инсоннинг ҳайвонлиги устига кўйилмаслиги шарт бўлиб туйилади менга. Дунёни ўзгартириш даъвоси билан чиққан яна бир олим К.Маркс ўз асрида инсоннинг ижтимоий жихатини идеаллаштиришга уринди. Демак, инсонни рухий, биологик ва ижтимоий асослар ҳаракатлантиради. Шарқ эса инсонда бир вақтнинг ўзида ҳам малаклик, ҳам ҳайвонлик яшайди. Малаклик уни юқорига тортса, ҳайвонлик пастга етаклайди, дейди. Хуллас, яхшилаб суриштириб чиқсак, ўзимизнинг мумтоз адабиётимиз замирида



хаммаси бор эди, ҳаммаси бор. Лекин ўша ҳаммаси пардага ўраб, айна пайтда юксак санъат билан айтилган эди. Шундай қилиб, адабиёт дидактика билан бир нарса ҳам, ундан тамомила холи ҳам эмас! Унинг бағрида панд-насихат (албатта, юксак санъат воситасида) унсури доимо сақланиб қолади. Инсонга керакли адабиёт доимо шундай бўлган ва у шундай бўлиб қолиши керакка ўхшайди. Ўқувчи кўнглига бир қатим нур олиб киролмаган, яхшилик, эзгулик, баландлик уруғини сеполмаган каломдан қўл тортмоқ керакми, дейман.

Таҳририятга ёзувчиларимиздан бири уч йил мобайнида учта хикоя олиб келди. Лекин ҳеч бири чоп этилмади. Чунки ҳаммаси фахший эпизодлар билан тўла эди. Буни ёзувчининг ўзига айтдик. У эса “ҳаётда бор-ку, мен ҳаёт ҳақиқатини акс эттираяпман”, дея норози бўлди. Бир (юзаки) қарашда, ёзувчи акамизнинг гапида жон бордек. У ёғини сўрасангиз, худди шундай қараш талайгина ижодкорларга хос ҳам. Лекин чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрсак, бу қарашнинг таги пуч эканлигига гувоҳ бўламиз. Аввало, адабиёт ҳаётдан кўчирилган нусха эмас. Нусха бўлса, адабиётнинг бир тийинлик қиймати қолмасди. Чунки ҳаёт ўздан айнан кўчирилган ҳар қандай нусхадан чексиз қарра ранго-ранг ва бойдир. Чинакам адабиётни Гегель ҳатто табиатдан устун кўради. Чунки адабиётга инсон руҳи иштирок этади, дейди. Ҳа, қаранг, гап қаерга бораяпти? Муносабатга! Ижодкор томонидан танлаб олинган ҳаёт материаллига бўлган муносабат адабиётнинг яроқли ёки яроқсиз эканлигини белгилаб берар экан. Ёзувчики, фахш ҳақида ёзаркан, ўқувчи кўнглида ҳам ўша “дарёдан сув ичиш” истагини пайдо қилса, билингки, бундай адабиёт алал-оқибатда ёвузликка, бухронга, ҳайвонликка хизмат қилади. *Ҳақиқий адабиёт ўқувчи кўнглида ҳар қандай мавзуга нисбатан шундай бир муносабат ёки ҳол пайдо қилиши керакки, тировард-натигада, бу туйғу турмушга эмас, ҳаётга, тирикчиликка эмас, тирикликка, бузишга эмас, тузишга, тубанликка эмас, юксалишга, парвозга овоз берсин!*

Эсимда, талабалик йилларимда дунё ва ўзбек адабиётининг айрим намуналарини ўқиб юрган чоғларимда, бирдан қалбимнинг ич-ичида шундай бир туйғуга дуч келдимки, унинг отини масалан, “Ёруғликка ташналик” деб атаса бўларди. Гап нима ҳақда? Мен бошим билан муккасига шўнғиган ўша асарларнинг қат-қатида улкан бир зулмат бор эди ва мен нурсизликдан, ҳавосизликдан бўғилган, димиқиб қолган эдим. Шунинг учун ҳам сал кейинроқ қуйидаги шеър туғилган бўлса, ажабмас:

*Олисларда бўлса ҳам,  
Ҳеч қачон етмасам-да,  
Майли,  
фақат олдинда  
Бир чироқ ёнса дейман...*

Айтилганлардан муаллиф “ҳаёт гўзал, ҳаёт соз” деган жўн тезисни адабиётга тиқиштиряпти, дея юзаки хулоса чиқармасликни сўраган бўлардим. Ҳаёт ҳар доим ҳам байрам эмас. Балки, катта миқёсда олиб қараганда, умуман байрам эмасдир. Ошини ошаб, ёшини яшаб ўтаётган инсон умри давомида, Навоий бобомиз айтганидек, тўрт фаслни бошидан кечиради. Турмушнинг ўзга муаммоларини кўя турайлик, шу тўрт фаслнинг ўзида, фасллар алмашинуви бағрида қанчадан-қанча қувончли ва қайғули дамлар яшалмайди, дейсиз! Тўртинчи фаслдан у ёғи яна маълум... У ёғи (руҳ) ҳақида эса бани одамга жуда кам илм берилган дейилади муқаддас китобда. Шунинг учун ҳам ана шу ўғитлари кўнглимиз сезгисига таянган ҳолда фақат ўз

ичимиздангина ўтса ярашадиган хаёл ва тасаввурлар юпанчига дуч келамиз ҳаммасидан нарида. Юпанчи бўлмаганлар эса, инсон бу дунёга ташлаб кетилган ташландик, унинг ёлғиз ҳукмронлиги фақат ва фақат бу дунёдадир (Экзистенциализм фалсафаси), дея бадбин ўйларга енгиледи. Ва бундайларни биз негадир фақат ғарбликлар деб ўйлаймиз. Аслида-чи? Янглишамиз. Ёзган асарларида моҳият-эътибори билан яхшиликка, эзгуликка, ёруғликка ишончи бўлмаганлар, аксинча, фақат ва фақат зулмни, маънисизликни, ишончсизлигу бузуқликни тарғибу ташвиқ этувчилар Шарқнинг қоқ марказида ва ҳатто Маккаю Мадинада яшасалар ҳам, фарқи йўқ, барибир ЗУЛМАТГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИЛАР бўлиб қолаверади!

Кунлардан бир кун профессор Қозоқбой Йўлдошев телефонда бир ҳикоянинг ёруғ хотимаси ҳақида коникиш билан гапириб қолди. Ҳикоя “Эр-тага куёш чикса керак” деган жумла билан якунланарди. Гўшакни кўйгандан сўнг мушоҳада қилсам, сермахсул ва синчков олим ўша суҳбатимизда асосан хотима ҳақида гапирган экан. Қозоқбой акани кўпчилик турфа экспериментларга бой авангард адабиёт намуналарининг ашаддий тарғиботчиси деб биларди. Лекин унинг юрагининг жуда чуқур жойида азалий яхшилигу ёруғликка бўлган улкан муҳаббат борлигини мен ўшанда аниқ ҳис қилганман. Аслида, бундай муҳаббат ҳаммамизда бор. Фақат замонанинг шовқинлари босиб кетаётганидан, кўпинча, унинг ичкаридан таралаётган сасини эшитмаймиз.

Гоголь ва Кафка нима учун ўз қўлёмаларини ёкиб йўқ қилишларини дўстларидан илтимос қилган экан, деб кўп ўйланаман. Эҳтимол, дейман ўзимга-ўзим, ўша ёзувлари қатларида зулматни ҳис қилишгандир ва бу ҳол уларнинг руҳиятидаги, жуда ичкарида яшириқ ёруғ моҳиятга тескари келиб қолгандир, а? Нима деб ўйлайсиз, сиз?.. Ўспиринлик чоғларимда А.Дюманинг “Граф Монте Кристо” асари менга жуда ёқарди. Чунки у ерда ёмон одамлардан бошлаб қасд олиш бор эди-да. Талай ҳинд киноларида ҳам шу мотив энига ва бўйига роса ишланган. Улар кулгингни қистатадиган даражада содда эди, лекин негадир вақти-вақти билан томоша қилишга эҳтиёж сезардим. Нега? Талабалик йилларимда бунинг мағзини чаққандек бўлдим: ўшандай асарлар менинг ботинимдаги адолатнинг тикланишига кўмаклашар экан. Чунки мен ҳам ҳали ёш бўлишимга қарамай, атрофимда рўй бераётган ўзига яраша адолатсизликларга дуч келиб турардим-да. Наздимдаги адолатни тиклашга эса, беркитиб нима қилдим, ожизлик қилар эдим: жисмоний, ақлий ва юрак қувватим етмасди. Шунда, масалан, Монте Крестонинг саргузаштлари орқали мен ичимдаги ана ўша орзуимга эришгандек ҳис қилганман ўзимни. Ҳозир эса, мен қасд олишдан кўра афв этиш баландроқ ва инсон шаънига муносиброқ аъмол эканлигини оз-моз фаҳмлаб қолдим десам, айбга буюрмайсиз.

Умуман олганда, асар ўз ҳолича, яъни бадиий, фалсафий ва бошқа жиҳатларига кўра баланд бўлиши мумкин. Ўқишинг билан буни тушуниб етасан, киши. Фақат ҳамма гап шундаки, ҳар қандай улуғ асарнинг ҳам жамиятга максимал таъсир қиладиган ўз вақти, даври бўлади. Тушунганингиздек, мен ижобий таъсирни назарда тутяпман. Шу билан бирга, унинг салбий таъсир фазаси ҳам бор. Қизиқ-а? Асар гениал мақомда бўлсаю ўқувчига икки хил таъсир қилса!.. Чунки ўртада ўқувчи мансуб бўлган замон ва унинг муаммолари масаласи бор. Ана ўша зўр асар деганимиз давр ва унинг дардлари билан қайсидир нуқталарда ё кесишади ва ёхуд йўқ. Биринчи вазиятда кутубхоналарда чанг босиб ётган асарга қайтадан жон киради, иккинчи ҳолатда эса акс таъсир этади. Мисол учун иккинчи жаҳон уруши вақтида Умар Хайём рубоийларининг фронт ва фронт ортидаги одам-

ларга кўрсатган таъсирини эслаб кўринг. Яқинда “Литературная газета” да “Умидлар сўнмайди” деган суҳбатга кўзим тушди. Унда “XXI асрда сизга катта таъсир қилган фильм номини айта оласизми?” деган саволга РосФА бош илмий ходими, МДУ профессори Сергей Кара Мурза шундай деди: “Жавобим кулгили туйилиши мумкин, лекин бу “Синик чирокли кўчалар”. Ҳар бир серия эзгуликнинг ёвузлик устидан енгилгина ғалабаси билан якунланади... Сериаллар терапевтлик функциясини бажаришмоқда. 1990 йиллар аввалида жамиятимиз олган жароҳат ҳали битиб кетгани йўқ. Ҳозир ярага туз сепадиган картиналар керак эмас”. Албатта, бу ерда олим бирон-бир асар пешонасини силаб, иккинчисининг кўкрагидан астойдил итаришни мақсад қилганда эди, биз ҳам ушбу мақолаимизда эътирозларимизни баён қилардик, у билан баҳслашардик. Лекин контекстдан келиб чиқадиган бўлсак, профессор буни кўзга олмаганини уқамиз. Шунга қарамай, нега у ўртамиёнароқ кино асарини ёқлаб чиқмоқда? Бундай деяётганимнинг сабаби, сериалнинг бир неча қисмини мен ҳам томоша қилганман. Актёрлик маҳорати, кўтарилаётган муаммонинг янгилиги, махсус эффект ва бошқа кўплаб жиҳатларига кўра, чинданам миёнароқ фильм. Профессорнинг ўзи ҳам бежиз “жавобим кулгили туйилиши мумкин”, демаяпти. Фақат давр ва унинг кайфиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу асарни тилга олмақдаки, бу билан “ҳозир одамларга эзгулик тантанасига бўлган ишонч ҳар қачонгидан-да зарурроқ” демоқчи. Ҳа, санъат асари, адабиёт ўрни келганда, тарбия воситасига айланган, айланиши зарур. “Мен шунга ишонаманки, инсон нафақат бардош беради – у енгади. Унинг ўлмаслиги тирик мавжудотлар орасида ақл-идроққа эғалигида эмас, балки қалби, руҳи, изтироб чекишга қобиллиги, ўзини қурбон қила олиши ва сабр-тоқатли экани-да. Шоирнинг, ёзувчининг бурчи шу ҳақда ёзиши зарурлигидадир... Шоир шунчаки инсон ҳаётининг солномасини ёзмаслиги керак; унинг асари инсонни қўллаб-қувватлайдиган, унинг бардошига куч берадиган ва енгишига кўмаклашадиган таянч, устун бўлиши лозим”, деб ёзганда Уильям Фолькнер адабиётнинг тарбиявий томонини ҳам назарда тутганлигига шубҳа қилмасак керак?.. Ҳа, умумга мўлжалланган адабиётдан айни шу нарса кутилади. Санъату адабиётнинг фақат идрок ва ҳис сари йўналган бошқа, теранроқдаги қирраси эса алоҳида суҳбат мавзуси. Ҳос суҳбат мавзуси.

Бас, шундай экан, вақти-вақти билан давр ва унинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, қандай бадиий асарларга кўпроқ эҳтиёж борлигини мунаққидлару зиёлилар тадқиқ этиб топишлари, топганларини билдиришлари, ўз навбатида, жамоатчилик ҳам айтилганларни эътиборга олиши, масалан, кўпроқ нашр этиши, дарсликларга киритиши, тарғибу ташвиқ қилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, мамлакат ва жамиятлар ривожига ўқилган асарларнинг сифат ва савиясидан ташқари ўша вақтдаги руҳий-маънавий эҳтиёжга кераклилик даражасига ҳам боғлиқ.

Хулласи калом, адабиёт ҳаётимиз таркибига кириб, сингишиб кетган экан, унинг камоли, инсон ва жамият ҳаётидаги роли устида доимий равишда қайғурмоқ лозим бўлади. Зеро, адабиёт ҳар биримизнинг ботинимизда. Энг катта адабиёт, аслида, юрагимизда яшайди. А.Камю “Исён ва санъат” мақоласида антик даврдан то ўз давригача – барча буюқларнинг санъатга бўлган турлича муносабатларига тўхталади. Сўнг санъатга ҳукм ва тазйик қилмаслик керак, деган тезисни ўқувчига юқтиради. Рост. Фикрлар турлича бўлавериши мумкин ва бу алал-оқибатда тўғри ҳам. Чунки санъат (адабиёт) нинг ўзи хилма-хилдир. Дидлар, дунёқарашлар хилма хил. Шу билан бирга, улар ҳар қанча ранг-баранг бўлишмасин, пировардида бир нуқтада кесиша-

дилар, кесишмоқлари керак. У ҳам бўлса, ана ўша кўп тафовутли санъат ва адабиёт инсонга, унинг маънавиятига хизмат қилиб, одамнинг Инсон ўлароқ яшаб ўтишига кўмаклашмоғи жудаям зарур. Йўқса, санъату адабиётнинг эркинлигидан одамларга нима наф? Марио Варгас Льоса бежиз қуйидагиларни айтмаган кўринади: “Адабиёт туфайли, адабиёт уйғотган тафаккур, интилиш ва истаклар туфайли, хаёлот салтанатига сафар чоғи кўнгилда бош кўтарган кечинмалар туфайли бугунги цивилизация одамийлашди, нажот топди. Адабиёт аҳли ўйлаб топган бадиий тўқима қумга сингиган сувдек изсиз кетмади, билъакс, тошга айланган юракларни мумдек эритди. Яхши китоблар бўлмаганида эди, инсониятнинг бугунги ҳолига маймунлар йиғлаган бўларди, мустақил фикрдан маҳрум лаббайчилар урчиб кетарди, кўнгил бирлиги йўқоларди, мутелик кайфияти кенг тарқалиб, ўз-ўзини англаш туйғуси – тараккиётнинг етакчи омили йўқоларди”. Айтилганлардан келиб чиқиб, инсон ва жамиятнинг холи руҳиясига қараб туриб, адабиёт ҳам айтар сўзи ва унинг ифода тарзини оҳорлаб бориши мақсадга мувофиқ келади, дейиш мумкин.

Биз – инсонларнинг ботинида раҳмоний ва шайтоний кучлар яшайди. Муқаддас битиклар бунга шохидлик беради. Томонлар ҳар доим курашиб келади. Ҳамма гап – бизнинг ана шу томонларнинг қайси бирининг ёнини олишимизда. Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”сида келтирилган ривоятга кўра, зўр бериб ишлаётган ҳақир чумолига Сулаймон алайҳиссалом: “Агар сенга Нухнинг умрию Айюбнинг сабрини ато этса ҳам бу тепани йўлингдан олиб ташлаш қўлингдан келмайди, жонингни жабборга бериб курашмоғингдан мақсад не?” деса, у жавобан: “Тупрокни олиб, дўнгни ер билан бир этсам, унинг ортида мени кутаётган ёримга қовушаман”, дейди. Эътибор беринг, умри бир чимдим бўлган чумоли қаршисида турган ва ўзини ёрдан тўсиб қўйган улкан тупроқ уюмини ҳеч қачон олиб ташлай олмаслигини билмайди, дейсизми? Билади. Жуда яхши билади. Лекин ёрга элтувчи бу йўлдан ўзгасини ҳаром деб ҳисоблайди. Бас, умрини ёр йўлига тикади, шу йўлда қурбон бўлишни ўзи учун шараф, ҳаётининг энг олий аъмоли, мазмун-моҳияти деб ишонади. Бу билан чумоли Нур ва Зулмат, Эзгулик ва Ёвузлик, Юксаклик ва Тубанлик... курашида сафини маълум қилмоқда. Ҳеч қачон етолмаса-да, ёруғ мурод – ёрнинг йўлларига умрини бахшида айламоқда. Чумолидан мурод – инсон. Ёрдан мурод эса инсоннинг ким эканлигини унинг ўзига англатадиган, сездирадиган Борлик – Тилсимдир! Юқорида “Адабиёт олдинда ёнган чирок” дедик. Лекин қандай адабиёт? “Фақат ва фақат умидбахш адабиёт!” деб хайқиради ичкаридаги овоз! Инсонлик жуда-жуда юксак мартаба. Шу билан бирга, ўта тубан ҳам. Юксак ёки тубан бўлишимиз, ёрни танлаш ёки ундан воз кечишимиз эса, бутун мақола давомида таъкидланганидек, ўзимизга боғлиқ бўлади. “Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир!” дея хитобий ишора беради оташин ўзбек шоири Шавкат Раҳмон. Аслида, дунёнинг, дунёемизнинг тақдири ҳар биримиз учун ана шу танловда хал этилади. Дарвоқе, уҳронинг, уҳромизнинг ҳам...

2013–2014 йиллар.

*Улуғбек ҲАМДАМ*



## БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛЛИГИ



Мустақиллик санаси –  
1830 йил 23 сентябрь

Пойтахти – Брюссель

Майдони – 30 528 км<sup>2</sup>

Аҳолиси – 11,2 миллион киши

Давлат тили – фламанд,  
француз, немис тиллари



Европанинг шимоли-ғарбида жойлашган Бельгия Қироллиги Франция, Люксембург, Германия ва Нидерландия билан чегарадош. Давлат тузилиши конституциявий монархия. Ҳокимиятни қирол ва Вазирлар Маҳкамаси бошқаради. Мамлакат 9 та вилоятдан иборат. Қадимда ушбу ҳудудда белг қабилалари яшаб ўтган бўлиб, “бельгия” атамаси шу қабила номидан келиб чиққан. Бельгия узоқ йиллар давомида Рим империяси, Германия, Австрия, Нидерландия, Испания, Франция ҳукмронлиги остида бўлган. Ниҳоят 1830 йилги инқилобдан сўнг мамлакат мустамлакачилардан озод бўлиб, мустақил Бельгия Қироллиги деб эълон қилинади. Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида немис армияси томонидан босиб олинган Бельгия урушдан сўнг 1949 йили асосий ташкилотчилардан бири сифатида НАТОга аъзо бўлади. НАТО кенгаши ва Европа кўшма қуроли кучлари бош кўмондонлиги қароргоҳлари Брюсселда жойлашган. Шунингдек, Бельгия Европа Иттифоқи, Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларга ҳам аъзо.

Бельгия халқи асрлар давомида кўплаб уруш, босқин ва ҳокимият алмашинувини бошидан ўтказгани сабабли ҳам унинг миллий маданияти бир маромда, текис шаклланмади. Айниқса, давлат тилининг ўзгариб туриши адабиёт ва санъатнинг ривожига кучли таъсир кўрсатган.

### Адабиёт

Бельгия адабиёти асосан 2 тилда – француз ва фламанд тилларида ривожланиб келган. Дастлабки ёзма ёдгорликлар XII асрда пайдо бўлган. XIV–XV асрларда тарихий йилномалар, салб юришларига бағишланган ривоят ва кўшиқлар,



қахрамонлик дostonлари ва новеллалар яратилди. Уйғониш даврида ижод қилган гуманист Ж.Лемер де Бельж, памфлетлар муаллифи Ф.де Маркине де Сент-Альдегонд, XVII–XVIII асрларда ном қозонган француз мухожири Э.Бреше де ла Круа ҳамда XVIII асрнинг ўрталарида ўз ижодини бошлаган К.Ф.де Нели, О.Б.Ренье каби адиблар Бельгия адабиётининг дастлабки йирик намояндалари ҳисобланади.

XIX асрнинг 20-йилларида француз ва инглиз романтик адабиёти намуналари таъсирида Бельгия адабиётига янги рух кириб келди. Бир неча адабий бирлашмалар ва нашриётлар тузилди. Адабий танқидчилар ҳам янгиликлар тарафдори бўлиб чиқди. Шу даврда ёзувчи Анри Мокунинг (1803–1862) саъй-ҳаракати билан Бельгия тарихига бағишланган тарихий асарлар яратилди.

1830 йилда бўлиб ўтган инқилоб Бельгияни голланд қироллари ҳукмронлигидан озод этади. Мустақилликка эришилганидан сўнг ўлкада Бельгия миллий адабиётини шакллантириш ҳаракати кучаяди.

1834 йили ташкил топган “Миллий бирлашма” ташаббуси билан ватанпарварликни тарғиб этувчи журналлар чиқа бошлайди. Бельгия матбуоти икки – либерал ва клерикал қутбга ажралади. Шоирлар қофиябозлик ва француз назмига тақлид қилиб шеърлар яратади. Чўпонлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Буқоликалар” (“Чўпон қўшиқлари”) ушбу даврда кўплаб яратилади. Айниқса, шоир Говен-Жозеф-Обюстен барон Стассар ижоди ўша давр учун муҳим аҳамият касб этган.

Бельгия адабиётининг кейинги тараққиёти романтик лирика йўналишининг майдонга келиши билан боғлиқ. Бу йўналишнинг асосчиси эса ёзувчи Шарль Потвен (1818–1902). Унинг “Оилада” ва “Ватан” романлари Виктор Гюго асарлари руҳига яқин. У фақатгина ёзувчи сифатида эмас, балки тарихчи, публицист сифатида ҳам фаолият олиб борган. Унинг ижодида академик классицизм ва романтизм йўналишларининг уйғунлигини сезиш мумкин.

Гюго асарлари таъсирида асарлар ёзишга шу даврнинг машҳур адибларидан бири Ван Гассельт ҳам қўл уради. Асли голландиялик бўлган ёзувчи герман ва роман филологиясини чуқур билган, ўзининг герман эпоси асосида ёзилган “Баллада” ва “Парабола”лари билан улкан заковат эгаси сифатида Бельгия адабиётида муносиб ўрин эгаллайди.

XIX аср Бельгия адабиётида изланишлар, янгиликлар ва ривожланиш даври бўлди. 1867 йилнинг сўнгида дунёга келган “Уленшпигел ҳақида афсона” асари Бельгия адабиётининг жаҳон адабиёти даражасига кўтарилишига умид берди. Асар муаллифи Шарль де Костер 10 йил мобайнида ўрта асрлар тарихини чуқур ўрганиб “Тиль Уленшпигелнинг жасорати” халқ эртаги асосида афсона яратишга киришади. XIV асрда яшаган оддий фламанд дехқони тарихини икки аср кейинга суриб, ноҳақликларга қарши турган қахрамон даражасига кўтаради. Ушбу асар яна шуниси билан аҳамиятлики, у Бельгия адабиётида реализмнинг қарор топишига туртки бўлди.

Бельгияда адабий инқилоб XIX асрнинг 70–80-йилларида юзага келган қатор адабий журналлар фаолияти билан бошланди. Хусусан, 1875 йили “Рассом”, кейинчалик “La Revue de Belgique”, “Замонавий санъат” (1881), “Art moderne” каби журналлар жамият ҳаётига бағишланган танқидий мақолалар билан адабий майдонга чиқди.

80-йиллар Бельгия адабиётининг йирик намояндаси сифатида ёзувчи Камилл Лемонье номи тилга олинади. Ижтимоий муаммоларни очиб

берувчи қатор романлари билан машхур бўлган Камилл Лемоньенинг асарлари Эмил Золя ижодига қиёс қилинади.

Худди шундай ижтимоий ўткир романлари билан танилган Жорж Экоут ижоди ҳам Бельгия адабий ҳаётида ўзига хос мавқега эга.

XIX аср охири–XX аср бошларида Бельгия адабиётига дунё тан олган яна бир машхур ёзувчи, драматург, Нобель мукофоти совриндори Морис Метерлинк кириб келади. Тез орада унинг драмалари жаҳон театр сахналаридан муносиб ўрин эгаллайди.

Ушбу даврда ижод қилган Ф.Элленс, К.Бюрньо, А.Эйгеспарс, Т.Оуэн, М.д`Хасе Д.Шайнерт каби адиблар ўз асарлари орқали эрк учун, жамиятда ўз ўрнини топиш учун курашувчанлик каби илғор ғояларни тарғиб қилдилар.

Мамлакат нацистлар томонидан босиб олинган даврда Р. Блик (концлагерда ҳалок бўлган), Ж.Варен, Ш.Муас, Д.Шайнерт, И.Гассель каби шоирларнинг фашизмга қарши, ватанпарварлик руҳидаги шеърлари дунёга келди. 50–60-йилларда яратилган бадиий асарларда асосан иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвирланади (Д. Жиллес, Д. Шайнерт романлари).

Фольклор, афсоналар, тарихий ривоятлардагина сақланиб қолган фламанд адабиёти (XVIII асрнинг бошларигача фламанд адабиёти нидерланд адабиётининг бир қисми эди) XIX асрнинг 40-йилларида шоир Я.Ф.Виллемс бошчилигидаги миллий демократик ҳаракатлар натижасида қайтадан тикланди. Бу даврда ижтимоий мавзуда романлар яратиш ҳаракатлари авж олди (Ф.ван Керкховен, Р.Сиидерс, А.Бергман ва ҳ.к.). К.Бейссе (“Зўравоннинг қонуни” 1893; “Памел оиласи”, 1903). С.Стрёвелс (“Аастодаги ҳаёт ва мамот”, 1926; “Яитье Вердуур”, 1944) фламанд деҳқонлари ҳаётини ҳаққоний акс эттирдилар. XIX асрнинг охирилари XX асрнинг бошларида Х.Тейрлинк, Ф.Тиммерманс, К.ван де Вустейне, В.Мунслар сингари адиблар ижоди билан Бельгия адабиёти дунёга бўйлади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бир гуруҳ ёзувчилар тинчлик ва демократия учун кураш олиб бордилар. П.ван Акеннинг “Ўликларгина кутулиб қола оладилар” (1947) асарида урушга қарши исён руҳи сезилиб туради,

Г.Валсхапнинг “Конгодаги қўзғолон” (1953) романида мустамлакачилик сиёсати қораланади, М.Гейсеннинг “Дўстим қотил” (1958) новелласи ва бошқа асарларида америкача ҳаёт тасвирланади. Шоир Б.Брат, адиблардан Л.П.Бон, М.Дейзе ижодиди тинчлик ва ижтимоий адолат учун кураш ғоялари акс этади.

*Дилшод ШУКУРОВ*

## Тасвирий санъат ва меъморчилик

Бельгия тасвирий санъати ва меъморчилиги бевосита унга чегарадош мамлакатлар – Германия, Франция ва Нидерландия халқлариники билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, қадимги Рим ҳамда Англия тасвирий ва меъморчилик санъати аънаналарини ҳам ўзида намоён қилади. Тарихда бўлиб ўтган жангу жадаллар Бельгия миллий санъатининг йўқолиб боришига, унинг ўрнида мамлакатни босиб олган халқларнинг ўзаро синтезлашган тасвирий ва меъморчилик санъати пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Бельгия тасвирий санъати тарихи XI–XII асрларга бориб тақалади. Унинг илк намуналари бронза қуймалар, заргарлик маҳсулотлари бўлиб, асосан, француз ва инглиз амалий безак санъатининг таъсири натижасида вужудга келган. Бу даврда ясалган қимматбаҳо буюмларнинг кўплари Лувр, Эрмитаж каби машхур музейларда сақланмоқда.

XIII–XIV асрларга келиб маҳобатли рангтасвир, дастгоҳ санъати, ҳайкалтарошлик ва миниатюра кенг ривожланди. Аммо бу даврда ижод қилган кўпчилик рассомларнинг номлари бизгача етиб келмаган. Чунки бу даврда Рим католик черковининг таъсири ниҳоятда катта бўлган. Бельгияда пайдо бўлган янги санъат турлари ҳам, асосан, черковларнинг деворий безаклари ва уларга ишланган суратларда намоён бўлган.

XVI асрга келиб дастгоҳли санъат кенг тарқалди. Бунда Я.ван Эйк, П.Брейгел каби бельгиялик рассомларнинг хизматлари катта бўлди. Уларни шартли равишда Бельгиянинг илк машҳур рассомлари деб аташ мумкин.

XVII–XVIII асрларда узоқ йиллар мустамлакачилар қўл остида эзилиб келган халқ ниҳоят, ўз мустақиллигига интила бошлади. Бу ҳолат ҳар бир соҳада миллий ўзига хосликка интилишда сезилади. Хусусан, аввалига бошқа халқларга тақлидан пайдо бўлган тасвирий санъат соҳасида ҳам эндиликда ўзига хос мезонларни, шакл ва услубни, бир сўз билан айтганда, миллий мактабни яратишга ҳаракатлар бошланди. Шу тариқа узоқ изланишлар натижасида “фламанд мактаби” деб аталган миллий тасвирий санъат мактаби вужудга келди. П.П.Рубенс, А.ван Дейк, Я.Йорданс, Ф.Снейберс, Т.Танирс каби машҳур рассомлар ушбу мактабнинг ёрқин намояндаларидир.

XIX асрда эса портрет жанрида ижод қилган Ф.Ж.Навез, ажойиб манзаралар тасвирчиси Т.Фурмуа, графика ва ранг тасвир усталари Ф.Росп, Ж.Ензор, ҳайкалтарош К.Менье ва бошқаларнинг номи дунёга танилди.

Шунингдек, бу даврда Жан Франсуа Портель, Тео ван Рейселверг, Эжен Лорманс, Роби Жан Батис каби машҳур рассомлар классик услубда ижод қилган.

Ўша давр мусаввирларининг энг машҳурларидан бири Рубенс бўлиб, “Шер ови”, “Жанг” ва бошқа асарларида ўз даврининг оғриқли муаммоларини мифологик ва аллегорик образлар уйғунлигида талқин қилади.

XX аср Бельгия тасвирий санъати учун ривожланиш, А.Саверейс, Р.Магрит, К.Пермеке, Ф.Мазарел, П.Польс каби бир қатор мусаввирларнинг дунё миқёсида танилиш даври бўлди.

Бельгия меъморчилигининг шу кунгача сақланиб қолган энг қадимий намуналари XI–XII асрларда бунёд этилган Льеж ва Турин черковлари ҳисобланади. Бу обидалар Бельгиядаги илк профессионал меъморчилик намуналаридир. Фландрия графларининг Гентдаги қўрғонларини ҳам шулар қаторига киритиш мумкин.

XIII–XIV асрларга келиб бутун Европада бўлгани каби Бельгияда ҳам готика услуби ривожланди. Бунинг юксак намуналари сифатида Брюссель, Антверпен ва бошқа шаҳарларда бунёд этилган соборларни кўришимиз мумкин.

XV асрнинг охири–XVI аср бошларида эса меъморчиликда дунёвий руҳдаги иншоотларни бунёд этиш ҳаракатлари бошланди. Конрейк ва Лёвен шаҳарларида бунёд этилган ратушаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Уйғониш даврида Бельгия Европадаги меъморчилик марказларидан бирига айланди. Айниқса, Я.П.Баурстхейт, Л.Б.Дейзер каби меъморлар, Л.Дельво ва Ж.Л.Годшарль каби ҳайкалтарошлар томонидан Француз ва Австрия классицизми мукамал ўзлаштирилди. XIX асрга келиб ўзига хос Бельгия миллий меъморчилиги шаклланди. Бунда, асосан, Европага хос бўлган салобат, дабдаба ва ҳашамдорлик асосий ўринга кўтарилди.

XX асрга келиб модерн услубидаги меъморчилик юзага келди. Давр талаби билан ортикча дабдабалардан воз кечган ҳолда, одамлар учун

кулайлик яратиш, курилишнинг тан нарҳини имкон қадар арзонлаштириш ҳаракатлари бошланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Х.ван Кейк, Р.Брам, Л.Стейнс ва бошқа кўплаб илғор фикрли меъморлар етишиб чиқди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан йирик саноат иншоотлари, маданий ва маъмурий бинолар, аҳоли ту-раржойлари бунёд этилди.

*Нодир МАЖИДОВ тайёрлади*

## Театр

Бельгияда театр санъатининг илк шаклланиши Х асрларда черковларда ди-ний сюжетлар асосидаги мистерия, литургия ва моралите кўринишларидан, турли байрам ва маросимларда ижро этиладиган кўшиқ ва ўйинлардан бош-ланган. XIII асрнинг иккинчи ярмида Турне шаҳри майдонида ҳаваскор ак-тёрлар тарафидан намойиш этилган “Бир ўспирин ва кўзи ожиз аёл ҳақидаги фарс” комедияси томошабинларда катта қизиқиш уйғотади. Кейинчалик саҳна томошалари черковлардагина эмас, қасрлар ва нуфузли зодагонлар саройларида ҳам кўрсатила бошланади.

XVII–XVIII асрларда фаолият кўрсатган “Ла-Монне” ва “Дю Парк” қироллик театрларида фақат чет эл театрлар труппалари ижросида француз тилидаги классик асарлар намойиш этилар эди. Дастлабки миллий мавзудаги спектакль – драматург Неэлнинг 1782 йилда ёзилган “Сабин ёки бельгия-ликлар” драмаси миллий драматургия ва театрнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

1830 йил 25 сентябрда Нидерланд қироли Вильгелм I туғилган куни му-носабати билан намойиш этилган Даниэль Обернинг “Портичилик соқов аёл” операсида Назарелло арияси ижросида бирдан: “Aux armes”, “Aux armes” (“Ҳамма қурол олсин”) чақириғининг янграши томошабинларнинг узоқ олқишлари остида спектаклни ижтимоий воқеага айлантирди. Театр труппасининг мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнларга дадил муносабати театр санъатининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеини юксак поғонага кўтарди.

XIX асрнинг дастлабки йилларидан Бельгия театри ва драматургияси романтизм йўналишида ривожланади. Тарихий мавзудаги пьесаларда ватан-парварлик ғоялари куйланди. Айниқса, Э.Ваккеннинг француз инқилобининг машҳур шоири ҳақидаги “Андре Шенье” ва шотланд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши курашига бағишланган “Валлас қасамёди” спектакллари тарихий мавзуда бўлса ҳам, ўша давр бельгияликлар руҳиятига монандлиги билан муваффақият қозонди. Айнан шу даврда Брюсселдаги “Дю Парк”, “Де Галлери”, Миллий қироллик театри, Нидерланд камер теа-три қатори Гент ва Антверпен шаҳарларида Миллий театр ва Миллий саҳна, Фламанд театрларининг очилиши фламанд тилида ёзилган драматургиянинг ривожланишида муҳим омил бўлди. XIX асрнинг охирига келиб, Бель-гия театрлари репертуарида романтизм руҳидаги тарихий драмалар ўрнини водевиль, ахлоқий комедиялар, кўнгилочар спектакллар эгаллай бошлади.

XX аср Бельгия театрлари ва драматургиясида янгилашиш, турли услубий йўналишдаги изланишлар, Европа ва АҚШдан кириб келган замонавий оқимларни ўзлаштириш даври бўлди. Ҳаётини ҳақиқатдан йироқ воқеликни субъектив, диний мистик идрок этиш, тушкунлик кайфиятларига асослан-ган мавҳум, маъносиз узун паузалардан иборат бир пардали пьесаларни

янгилик сифатида тарғиб қилиш авж олди. Натижада театр сахналаридан тарихий, ижтимоий ва маиший мавзудаги спектакллар қатори янги оқим – бир гуруҳ формалист драматургларнинг пьесалари, жумладан, экспрессионизм йўналишидаги М.Гальдероденинг “Ўлим дераза ортида”, “Доктор Фаустнинг ўлими”, Лемоньенинг “Дахшат театри” туркум драмалари кенг ўрин эгаллайди.

Умуман олганда, XX аср театр санъатидаги жанрий ва услубий изланишлар символист драматурглар ижоди билан белгиланади. Бу даврда символизмнинг йирик намояндаси Морис Метерлинк асарлари театрлар ривожига катта таъсир кўрсатди. Айниқса, драматургнинг энг машхур асари – “Мовий куш” театр режиссёрлари ва актёрларининг севимли асарига айланди.

XX асрнинг 40–50-йиллари Бельгия театри санъатида мураккаб шакл ва услублар алмашинуви даври бошланди. Театрларда Х.Хеннесен, Х.Клаус, П.Виллемс, Жан-Поль Сартр, Бертольд Брехт, Артур Миллер, П.Вайс, Э.Олби каби драматурглар асарлари муваффақият қозонди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ижод қилган Брюсселдаги “Ле Ридо”, “Де ла Бурс”, Гентдаги Давлат труппасининг фаолияти диққатга сазовордир. Айниқса, фашизмга қарши қахрамонлик ва озодлик руҳидаги спектакллар деярли ҳамма театрларда сахналаштирилиб, катта муваффақият қозонди.

Урушдан кейинги йилларда Бельгия театрлари замонавий мавзудаги реалистик асарларни сахнага олиб чиқишга интилдилар. Аммо йиллар давомида ривожланиб, театр ва драматургияда анъанавий йўналишга айланиб улгурган модерн услуби яна театрлар репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бугунги Бельгия театрларида символизм, экзистенциализм йўналишидаги Р.Жером, С.Лилар, Ж.Сион, Т.Бодар пьесалари қатори АҚШ, Франция, Англия ва Россия драматурглари асарлари ҳам сахналаштирилади. Брюссель ва бошқа шаҳарлардаги драма, опера-балет, эксперименталь театрлар, муסיқий театрлар, кўғирчоқ театрлари ва кўча театрларида икки тилдаги қизғин ижодий жараён кўзга ташланади. Брюсселдаги “Дю парк” Қироллик театри, “Ла-Монне” Қироллик театри, Фламанд опера театри, Бельгия миллий театри, “Намюр” қироллик театри, “Компани Дю Ридо” театрлари катта нуфузга эга. Брюсселдаги янги, эксперименталь театрлар орасида “Needcompany”, “Пуан зеро”, “Замонавий пьеса мактаби” театрларининг фаолияти охириги йилларда томошабинларда катта қизиқиш уйғотиб, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Бельгияда сахна ижодкорлари, профессионал актёр ва режиссёрларни ўқитиш, тарбиялаш масалаларига катта эътибор берилади. Деярли ҳамма шаҳарларда актёрлик мактаблари, турли студиялар мавжуд. Брюсселдаги Қироллик консерваторияси ва Фламанд Қироллик консерваториясидаги актёрлик ва режиссёрлик мактаблари олий даражадаги санъат ўқув юртлиари хисобланади. Бельгияда ҳар йили мунтазам равишда турли театр фестиваллари ўтказилади.

## Кино

Бельгия киноси тарихи 1896 йилнинг 1 мартда Қироллик Галереясида намоиш этилган сармоядор француз Шарль Пате суратга олган товушсиз фильмдан бошланган. Кейинчалик – 1910 йили Шарль Пате шогирдларидан бири Альфред Мамон кино ишлаб чиқариш студиясини ташкил этиб, бир неча фильмини намоиш этади (Альфред Мамон студиясида суратга олинган фильмлар шу кунгача Брюсселдаги Қироллик киноархивида сақланиб келинади).



XX аср Бельгия киносининг шаклланишида кинопродюсер Ипполит де Кемпенернинг эксперименталь равишда турли ҳаётӣ мавзуларда яратган хужжатли фильмлари муҳим ўрин эгаллайди. 1930 йиллардан бошлаб кино ишлаб чиқариш масаласига катта аҳамият бирилади. Кино санъатининг ривожига хужжатли фильмлар мактабини ташкил этган Шарль Декёкелер ва Анри Строкларнинг эксперименталь фильмлари таъсири ҳам катта бўлди. Кинода товушнинг кашф этилиши кино намояндаларига мумтоз адабиёт намуналари асосида бадиий фильмлар яратиш имкониятини берди. Эрнест Клаеснинг “Де Витте” фильми биринчи товушли бадиий фильм сифатида катта муваффақият қозонади. Бироқ дастлабки натижалар ижобий бўлса-да, профессионал бадиий фильмлар яратиш жараёни осон кечмади. Бир тарафдан молиявий ва техник номукамаллик бўлса, иккинчи тарафдан профессионал суратга туширувчи оператор, режиссёр ва актёрлар ҳали тайёр эмас эди.

Шунинг учун Бельгия кино санъаткорлари қисқа метражли анимацион фильмлари билан жаҳонга танилдилар. Жумладан, Раул Сервенинг қисқа метражли “Гарния” фильми 1979 йил Канн кинофестивалида “Олтин пальма” мукофоти билан тақдирланди. Анимация киносидаги ютуқларни Николь ван Гётем “Юнон фожиаси” фильмида давом эттириб, 1987 йил “Энг яхши қисқа метражли анимацион фильм” номинациясида Оскар мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, Оскар ва бошқа халқаро мукофотлар совриндори Жако ван Дормель ижоди ҳам Бельгия кино оламида катта мавқега эга.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Бельгия киномухлислари кўпроқ чет эл кинофильмларига қизиқиш билдирадилар. Шу даврга келиб Бельгия киносаноатида ижодий сокинлик кўзга ташланади. Янги бадиий фильмлар мунтазам равишда экранларга чиқмайди. Режиссёр ва сценарий муаллифлари кўпроқ мелодрама ва детектив жанрига мурожаат қиладилар. Янгиланиш ва изланишга мойил режиссёрлар қишлоқ ҳаётидан олинган маиший мавзулардан воз кечиб, янги муаллифлик фильмлар яратишга жиддий ҳаракат бошлайдилар. Марк Дидденнинг “Тунги Брюссель”, Роббе де Хартнинг “Черника тепалигида” муаллифлик фильмлари эътирофга сазовор бўлади. Айнан шу даврда Бельгия ва унинг катта шаҳарлари, машҳур адиб ва расомлари ҳақидаги, этнографик мавзулардаги хужжатли фильмлар катта муваффақият қозонади. Айниқса, турли халқаро мукофотлар совриндори, хужжатли фильмлар “қироли” Гастон Шукенс ва Люк де Хейг Бельгия кинематографиясининг ифтихори ҳисобланади.

1990 йилга келиб Бельгия киносаноатида ҳақиқий янгиланиш ва ижодий парвозлар даври бошланди. Анри Сток, Шанталь Акерман, Андре Кавенс, Рауль Серве, Андре Дельво, Ганс Херботс ва ака-ука Дарденнларнинг фильмлари халқаро миқёсда тан олинди, жаҳон кино санъати тарихидан муносиб ўрин эгаллади. “Ёнингиздаги ҳодиса”, “Данс”, “Розетта” фильмлари халқаро мукофотларга сазовор бўлди. Доменика Деруддеранинг “Ҳаммага таниш” фильми хорижий тилдаги энг яхши фильм” номинациясида Оскар мукофотига, Стийн Конинкснинг “Данс” фильми, ака-ука Дарденнларнинг “Розетта” ва “Болақай” фильмлари “Олтин пальма” мукофотига лойиқ кўрилган.

Бугун Бельгия турли нуфузли халқаро кинофестиваллар мезбонига айланган. Брюсселда ва Гент шаҳрида ўтказиладиган “Фильмгеберен” халқаро кинофестивалида йилнинг энг яхши фильмлари намойиш этилади. Брюсселда ҳар йили ўтказиладиган фантастик фильмлар халқаро кинофестивали мўъжизавий байрамга айланади. Яна ҳар йили ёш мультипликаторлар фестивали, Наморда француз тилидаги фильмлар фестивали, Монседа муҳаббат ҳақидаги фильмлар фестивали бўлиб ўтади.

## Муסיқа

Бельгиянинг муסיқа ва ижрочилик санъати ўрта асрларда ҳозирги Бельгия шимолида яшаб келган нидерландлар маданий анъаналарини ўзида мужассам этган фламандлар маданияти ва жанубий қисмида француз маданияти таъсиридаги валлонларнинг халқ миллий муסיқа ва ашулачилик анъаналари асосида шаклланиб келган. Ўша даврларда Бельгия муסיқа маданиятида шаклланган “Нидерланд мактаби” йўналиши Уйғониш даври Гарбий Европада полифоник муסיқа жанрининг ривожланиши, композиторлик мактабининг яратилишига асос бўлган. Бельгиялик машҳур бастакорлар Гийом Дюфаи, Йоханнес Окигем, Орландо ди Лассо ижоди бунда муҳим ўрин тутган. XVII асрга келиб Брюссель муסיқа маданияти марказига айланади. Қирол саройида намойиш этиладиган опера ва балет спектакллари асосида муסיқали театрлар ташкил топади.

XVII асрнинг иккинчи ярмида, нидерланд полифоник муסיқа мактаби йўналиши инқирозга из тугади ва Бельгия муסיқа санъати етакчилик мавқеини йўқота бошлайди. Композиторлар француз клавесин маданияти таъсирида камер-инструменталь, камер-вокал жанрига кўпроқ мурожаат қиладилар. Йиллар давомида француз муסיқа маданияти таъсири кенгайиб боради. Бельгия композиторлари ижодида француз операси шаклларида ёзилган асарлар катта ўрин эгаллайди. Композитор Г.Вагнер ижоди таъсирида Э.Тиннель, Э.Матъе, Ф.Серве фламанд миллий муסיқаси анъаналарига, тарихий мавзуларга мурожаат қилади. Чолғу ижрочилик мактабининг шаклланишида композиторлар Ж.Абесиль, Л.Дюбуа асарлари катта муваффақият қозонади. XIX асрда бельгиялик композиторлар орасида Сезар Франк ижоди алоҳида ўрин эгаллайди. Жаҳон муסיқа оламида машҳурликка эришган Шарль Берио скрипка мактабининг асосчиси, унинг шогирдлари Эжен Изаи ва Анри Вьетан скрипка ижросининг тенги йўқ усталари сифатида эътироф этилган. Шунингдек, биринчи саксофонни ихтиро этган, саксофон ижросини бекиёс санъат даражасига кўтарган Адольф Сакс Бельгия муסיқий маданиятининг ифтихори ҳисобланади.

Бельгия муסיқа санъатининг замонавий йўналишларидан бири – рок ва поп ижрочиликдир. Филлип Лафотен, Моран композициялари, пигмей ритмлари устаси Зап Мама, Сандра Ким ва Одъен кўшиқчилик маҳорати, Клод Семал, Изабел Антена бекиёс овозлари билан машҳурлик даражасига етган ижодкорлардир. Замонавий муסיқа ва кўшиқ, ижрочилик санъатининг ривожланишида Жак Брель, Жулас Бьюкам, Жан Бале, Анни Карди, Сальваторе Адамо, Поль Лука, Жонни Хэлидей ва бошқаларнинг хизматлари катта.

Бельгияда муסיқа санъати ривожига жиддий аҳамият берилади. Брюсселдаги Филармония ташкилоти, Миллий симфоник оркестрлар, Эжен Изаива, Қиролича Елизавета номидаги конкурслар, давлат консерваториялари, Михленеда черков муסיқа мактаби ва шаҳарлардаги муסיқа жамиятлари фаолияти эътиборга лойиқдир. Бельгияда ҳар йили апрель ойида замонавий муסיқа тарғиботига қаратилган “ARS Musika” фестивали ўтказилади. Фестивалда турли мамлакатлардан машҳур муסיқа ижрочилари ва композиторлар қатнашиб, замонавий муסיқа тараққиётидаги йўналишлар, ижрочиликдаги маҳорат масалалари бўйича фикр алмашадилар.

## Хореография ва ракс санъати

Бельгияда хореография санъати тарихи маросим ва халқ байрамларида ижро этиладиган оммавий раксларга бориб тақалади.

XVIII асрда Брюсселда Ла-Монне опера театрининг очилиши, айниқса, гастролга келган Франция, Италия труппалари томонидан намоиш этилган опера ва балет спектаклларининг зўр қизиқиш билан кутиб олинishi Бельгияда хореография санъатининг ривожланишига туртки бўлди.

Кейинчалик франциялик балетмейстерлар ёрдамида аста-секин миллий балетларни сахналаштириш ҳаракатлари бошланди. Айниқса, франциялик машҳур балетмейстер Жан Петипанинг Ла-Монне театри балет труппасига раҳбарлик қилиши, Бельгияда хореография санъатининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. XX асрга келиб Брюссель, Гент, Льеж, Антверпен, Монс шаҳарлари театрларида ҳам балет труппалари ташкил этилди. Бироқ миллий балет спектаклларининг профессионал даражаси томошабинлар эътиборини қозона олмади. Миллий кадрлар танқислиги сабабли, яна хорижий мутахассисларга мурожаат қилинди. 1959 йили Ла-Монне театри раҳбарияти франциялик ёш балетмейстер Морис Бежарни балет труппаси раҳбарлигига таклиф этади. Балетмейстер ўзининг Францияда сахналаштирган қатор спектаклларини янги талқинда Ла-Монне сахнасида бельгиялик томошабинларга тақдим этиб, муваффақият қозонади. Морис Бежар Бельгия балет санъатини янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида труппани маҳоратли ёшлар билан тўлдириш ҳаракатларини бошлади. Кўп ўтмай турли миллатга мансуб балет артистларидан ташкил топган “XX аср балети” труппасини тузади. Ушбу труппа алоҳида репертуар билан олти ой Ла-Монне театрида, кейинги олти ой бошқа мамлакатлар театрларида Бельгия балет санъатини дунё бўйлаб намоиш этишни бошлайди. Иқтидорли ёшларни кашф қилиш ва шу орқали труппани мунтазам янгилаб бориш мақсадида Морис Бежар Брюсселда балет мактаб-студиясини очиб, унга ўзи раҳбарлик қилади.

Морис Бежарнинг иқтидори, балетмейстерлик ва ташкилотчилик маҳорати нафақат Бельгия, балки жаҳон балет санъатининг тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий хореография санъатининг ривожиди унинг издошлари бўлган бельгиялик балет усталари: Миша ван Хук, Донн Хорхе, Шеркауи Сиди Ларби, Анна Тереза де Кеерсмакер ва Антуан Верикенларнинг ҳам хизматлари беқиёс.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хореография санъатида ҳам янгиланишлар намоён бўла бошлади. Айниқса, бу ҳолат АҚШ ва қатор Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Бельгия ҳам янги, замонавий ракс санъати услубларининг ихтирочиси сифатида назарга тушган. Хусусан, “Strip-пластика”, “Jazz-modern”, “Hip-Hop”, “Tehtonik Killep”, “Dans-Show” кабилар Бельгияда шаклланиб, бошқа давлатларда такомиллашиб борган. Ҳар йили Брюсселда мусиқа ва замонавий ракслар “Klara Festival” фестивалида турли мамлакатларнинг замонавий йўналишдаги ракс санъати усталари ўз маҳоратларини намоиш этади. Антверпен шаҳридаги “Laundry Day” фестивалида минглаб ракс хаваскорлари қатнашиб, шаҳар улкан ракс сахналарига айланади.

*Нафиса ЗОҲИДОВА,  
санъатшунослик фанлари номзоди*



## Гвидо ГЕЗЕЛЛА

(1830–1899)

Шаҳар боғбони ва деҳқон аёл оиласида туғилган. Ён бешта тилни билган ва қадимги герман матнларининг энг яхши билимдонларидан бири саналган. У ўз шеърларида эркинликни куйлаган. Анъанавий шеърлий шаклни бузгани учун кескин танқид қилинган. Асарларини нидерланд тилида ёзган.

### ШИТИРЛАЁТГАН ҚАМИШ

*Шитирлаётган қамиш,  
Куйинг ҳасратга тўлмиш.  
Даладан шамол эсса,  
пояларингга тегса,  
эгилурсан паришон,  
қаддинг ростларсан шу он,  
секин айларсан хониш,  
товушинг қайғули, ў, қамиш!*

*Шитирлаётган қамиш!  
Гоҳ китобдан узилмиш,  
дарё бўйида ёлғиз –  
ўтирардим таишишсиз,  
боқар эдим оқимга,  
кучсиз пояларингга,  
мавжга – дилим ўрганмиш  
махзун нолангга, қамиш!*

*Шитирлаётган қамиш!  
Товушинг етар йўлчиға,  
эшитмайди у бироқ,  
зулматда кетар йироқ,  
тақдир чорлаган жойға,  
олтинга тўла сойға –  
тўхтамас у бир зумға,  
менга азиз, эй қамиш!*

*Лекин сўзларинг, қамиш,  
ҳамма рад этмаганмиш:  
поянғ яратиб Худо,  
демиш: “Эс!” – мисли сабо,  
шабада сенга етди,  
эгилдинг... У эшитди...  
зўр ё заиф бу товуш  
унга маъқулдир, қамиш!*

*Шитирлаётган қамиш!  
Менга ҳам тилинғ аён,  
итоаткор, паришон –  
таъзим қилганинғ у он,  
этганда бурчинг адо,  
қалбим сен-ла доимо,  
шитирлаётган қамиш!  
Тилинғ менга кўп таниш.*

*Шитирлаётган қамиш,  
сўзларингни сен бир зум  
қуйимга жойла, таъзим  
этгин унинг ўзига,  
бизга умр берганга,  
ичимизни кўрганга,  
тингла! – айларман хониш  
мен – гариб, сарсон қамиш!*

## Жорж РОДЕНБАХ

(1855–1898)

Илк шеърлар тўплами – “Ўчоқ ва дала” 1877 йилда нашр этилган. Ҳуқуқшунос ва журналист бўлиб ишлаган. “Фигаро” газетасида чоп этилган “Ўлик Брюгге” (1892) қиссаси унга шуҳрат келтирган. Қисса кўп марта экранлаштирилган. Кейинроқ бу асар асосида опера ёзилган. Ижодкорнинг саккизта шеърый тўплами, тўртта роман ва қиссаси, бир нечта ҳикоялар тўплами, пьесалари нашр этилган.

### ЎТМИШ ШАҲРИ

Йиллар айвонидан ўтмишни кўриб,  
Кузата бошлайсан оқшом – паришон,  
Орзу ва ташналик қалбингга кириб,  
Худди аввалгидек ҳаммаси аён.  
Ў ёқда ўтмишинг – чироқлар, уйлар  
Шаҳарга ўхшайди, хира осмонда  
Тутун билан уйқаш ёқимли нурлар  
Соймисол туташар қора туманда.  
О, ёшлик қуёши, ҳаммаёгинг қон,  
Жон таслим қилурсан зулмат қўлида,  
Рангсиз орзуларни қоплаган алвон  
Шуълалар сўнади тутун йўлида.  
Ў, ўтмишининг шаҳри, кетасан ўчиб,  
Туманда кетасан тамом эзилиб.  
Лек ҳуркак ва нозик хотира кучи  
Олисда ҳар ерда турар сезилиб.  
У ерда болалик миноралари,  
Ёшлик жомеълари – унда камолот,  
Донжон<sup>1</sup> кузатади, йўқ чоралари,  
Минора соати ярқирайди бот!  
Унда рангли тошлар – ҳимоя, асос,  
Ўтмишни мадҳ этмоқ, куйламоқ учун  
Ўтган кун овози – қудратли овоз,  
Илоҳий фалакдан келмоқда бу кун!

### СУКУНАТ

О, оқшом сурури! Куз қоронғуси!  
Ажалдай оғриқсиз тугамоқда шом.  
Соялар деворда ўрмалагуси,  
Хоналар мудрайди, ёруғлик тамом.  
Ажалдай оғриқсиз, шодон жилмайиб  
Қоронғи чўкади. Кўзгунинг қаъри  
Томон чекинасан, қиёфанг гариб,  
Ҳаётмас, шошгандек Ўлимнинг сари.  
Оппоқ деворларда қоп-қора сурат,  
Ўйчан бир манзара – қалб манзараси.  
Қора қорлар ёғар – эзар сукунат,

<sup>1</sup> Қалъа минораси (Тарж.).



Олис оқишларда қайғу дараси.  
 О, оқиш сурури, арфаю виол  
 Кларнет куйига бўлгансан хумор!  
 Ошиқлар кўк қушин этади хаёл,  
 Гидамдаги сурат қилмиш беқарор.  
 Қани, бу нафаслар бўлганда туташ,  
 Бир мавжудот бўлиб – қандай марҳамат!  
 Бир нарса ҳақида жим туриш, ўйлаш,  
 Шафақда сўнги нур қолганда фақат.

## Албрехт РОДЕНБАХ

(1856–1880)

Нидерланд тилида ижод қилган. Диний семинарияда ўқиётган кезлари ўша ерда дарс берган Гвидо Гезелленинг таъсири кучли бўлган. 70-йиллар сўнгида Албрехт Роденбах “Рицарлик байроғи” адабий журнаliga асос солган. “Илк шеърлар” тўплами 1878 йилда, муаллиф юридик факультетда ўқиётганда нашр қилинган. Қисқа умр кўрса-да, шоир ўздан катта шеърый мерос қолдирди.

### ОРЗУ

Оқ булутлар сузади  
 кўм-кўк юсакда,  
 Бола ҳайрон боқади,  
 орзу юракда.  
 Парвоз чоғи ўзгариб,  
 орзу бағрига кириб,  
 сузар булутлар гўё  
 мисоли рўё,  
 олис-олисга.  
 Сузар оппоқ елканлар,  
 тантанавор, софликда.  
 Бола ҳайрон боқади,  
 орзу юракда.

Сузар чоғи ўзгариб,  
 орзу бағрига кириб,  
 учади кемачалар,  
 етмай шамолга кучи,  
 олис-олисга.  
 Узоқда сароб сузар,  
 сузар шафақда.  
 Бола ҳайрон боқади,  
 орзу юракда.  
 Қувиб этади елиб,  
 Орзу орзуни кулиб,  
 Тун бағрида қолмоқ-чун,  
 Елганда йўқолмоқ-чун,  
 Олис-олисда.

### ОҚҚУШ

Салқин; биринчи юлдуз  
 кенгликларда йилтирар;  
 Осмон кўзгуси маъюс  
 бокира кўлга қарар.  
 Тун ва ойнинг бағрида  
 шуъла ёғилган майин,  
 чиройли оққуш кўлда  
 ётар ухлагандайин.  
 Сувнинг маъсум бетини  
 қаноти-ла ўйнайди,  
 олисга кетолмайди,  
 шоир каби ўйлайди.

Унинг муҳаббатига  
 маъюс кўл берар жавоб,  
 шаффоф, хаёлий аксин  
 кўрсатар шу тоб.  
 Оққуш кўлга ошиқдир,  
 бахтдан бўлиб маст,  
 лекин ҳеч қачон маъсум  
 сувин кир қилмас.  
 (Мен ҳам шундай ёзаман,  
 оқишом битган чоғ,  
 сенинг маъсум овозинг  
 қалбим ютган чоғ).

## Арнольд САУВЕН

(1857–1938)

Нидерланд тилида ижод қилган. Импрессионизмнинг кейинги шоирлари каторида бўлган. Бу авлод шоирлари (Саувен, Лангендонк, Карел ван де Вустейне) шаҳар шовқинидан узоқда ҳаловат ва ҳузур топган. Саувеннинг энг яхши шеърлари Лимбург вилоятининг табиатидан завқланиб ёзилган.

### ТРАКТИР

Туб аҳоли сингари неча йиллардан буён  
Савдо йўллари аро ўзинг муқим турибсан.  
Қанча-қанча одамни этгансан ахир меҳмон,  
Бошпанаю егулик, яна шиша берибсан.  
Оқшом чоғи мажолсиз алаҳлаганда биров,  
Ҳар битта томирида сезганда чексиз чарчоқ,  
Деразандан тушган нур кўринар мисли олов,  
Олисдаги дўст каби очиб турасан қучоқ.  
Йўлида ўз истагу ниятлари уйига  
Қирган қанчалар бахтли – қайғу келмас ўйига,  
Ўша уйда эшитар мулойим сўз, саломни,  
Меҳр кутади уни, тотар ширин таомни.  
Каминдаги олов ҳам ёнар қувониб яна,  
Чойшаб янги ёзилган, бунда иссиқдир хона.

### ОЛИСДА

Яна кўраяпман: баланд иморат,  
Яшил деразалар, бурмали парда.  
Иккита арава турар ҳовлида,  
Қизил сопол томда бўёқ бетоқат.  
Вақтнинг ўлдиргани мендадир, мана,  
Худди аввалгидек – панада зулмат,  
Омбор тиргақларда турар бақувват,  
Дарвоза устуни, қўра, отхона.  
Кўп аввал йўқолган ҳой уй, ҳой олам,  
Мен билан яшайсан нима бўлса ҳам,  
Қалбдаги соғинчу меҳрни ёйиб,  
Унутмам мен ўша ширин хотирни:  
Мени, у вақтлар ҳали ўсмирни,  
Сочи оқ бир аёл чорларди койиб.

## Морис МЕТЕРЛИНК

(1862–1949)

Француз тилида ижод қилган. 1911 йилда адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори бўлган. “Мовий куш” номли фалсафий ривоят-пьесанинг муаллифи. Уни 1889–1894 йилларда ёзган пьесалари машҳур қилган. Метерлинк кўғирчоқ театри учун ҳам “Ичкарида – у ерда” (1894) ва “Тентажилнинг ўлими” (1894) каби пьесалар ёзган.

\* \* \*

– Агар бир кун қайтиб келса у,  
Нима дейин, унга не дейин?  
– Шундай денг: у кутди кўп узоқ,  
Кутмиш эса – жуда ҳам қийин.  
– Танимай қолса у гар мени,  
Мабодо тутса ҳам сўроққа?  
– Айтинг барин бир сингил каби,  
Балки у ҳам тушган қийноққа...

– Сизни қайдан излашни сўраб қолса у,  
Нима дейин, мен нима дейин?  
– Тилла узугимни берингиз унга,  
Жавобига сўз деманг кейин...

– Лек у тутса мени сўроққа,  
Нега олов ёнмас, нега бўш уйинг?  
– Ланг очиқ эшикни кўрсатинг унга,  
Ўчган чироқни ҳам кўрсатиб қўйинг...

– Сўнгги оҳларингиз, чеккан дардингиз  
Ҳақида сўраса агарда мендан?  
– Жилмайиб юрарди деб айтинг унга,  
Мени эслаб йигласин чиндан.

\* \* \*

Юрак сирин англамоқ учун – улар  
Уч гўдакни ўлдиришиди ўтган кунлар.

Биринчи бахтда топишиди булоқ.  
Шундан бери қонди тупроқда  
Уч илон уч йил сақлаб юрди из.

Иккинчисида ювошликни топишиди улар.  
Шундан бери қонди тупроқда  
Уч қўзичоқ уч йил сақлаб юрди из.

Учинчисида фақат азоб топишиди улар.  
Шундан бери узоқ уч йил давомида  
Уч фаришта ерда кўз юмолмайди...

\* \* \*

Севгилиси кетди  
(Ғижирлади эшик – биламан)  
Севгилиси кетди  
У ўтирар табассум билан...

У ортга қайтди  
(Биламан – сезилди чироқ)  
У ортга қайтди  
Энди у йўқ эди бироқ...

Шунда мен ўлимни кўрдим  
(Мен биламан унинг руҳини)  
Шунда мен ўлимни кўрдим  
Олиб кетган унинг ўзини...

Рус тилидан  
Комила НОСИРОВА  
таржималари

*Шарл Ван ЛЕРБЕРГ*

(1861–1907)

Француз тилида ижод қилган шоирнинг илк шеърлари 1886 йилда Парижда чоп этилган “Плеяда” журналида эълон қилинади. У “Еш Бельгия”, “Валлония” журналлари билан ҳамкорлик қилган. Унинг “Итоаткорлар” пьесаси (1889) М.Метерлинкнинг символизм йўналишидаги драмаси яратилишига туртки бўлган. 1898 йилда Парижда чоп этилиб, шоирга шуҳрат келтирган “Хира хаёллар” тўплами символизм эстетикасининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

**“ЁПИҚ БОҒ”** поэмасидан

5

Мен бош қўяман бунда қалбингга сенинг,  
 Дарёда чайқалган баҳордек,  
 Дарё кенгликлари аро,  
 Гул унмас у маъвода,  
 Сув сатҳи узра  
 Ва шамолда эркин,  
 Нурли гуллардан бошқа,  
 Ушбу энтикишларда жонли.  
 Мен бош қўяман бунда қалбингга сенинг,  
 Денгиз қушидек,  
 Толиб гўё гайратдан,  
 Қанотларин йиққан,  
 Дарёга узанмоқ ўзни бўш қўйиб,  
 Парқут нозик либосда,  
 Сувнинг аллалашида  
 Ва дарё уни тебратар  
 Учқур оҳанг қанотида абадий тўлқин ва кенгликларнинг.

6

Узат қўлларингни мавжимга менинг,  
 Бу ҳарир пардам менинг товланадиган,  
 Бу ҳарир пардам менинг ифорли,  
 Нард<sup>1</sup>, бензой<sup>2</sup>:  
 Бутун таним менинг бўялган,  
 Нафас олар у,  
 Оёқларим менинг  
 Бўйинсунар хушбўй тўлқинларга.  
 Тагин не қолди менга бисотдан,  
 Бу тўлқинлар менинг толим кокилларим,  
 Бу тўлқинлар менинг тилла сочларим,  
 Бу қуёшдир мени чорлаган,  
 Бу қуёшдир ошкор айлаган.

<sup>1</sup> Нард – хушбўй, доривор ўсимлик.

<sup>2</sup> Бензой – доривор дарахт елими.

## ҚУРБОНЛИК

Соягдадир бу гуллар, бу гулларнинг олқиши нурли,  
 Чунки нурдир аслида гуллар.  
 Қалбадир неки мудроқ, кўзлардадир неки дўнса кечага,  
 Чунки гуллар – Сукут.  
 Товушига, минбаъд чексиз дарё бўлаги нафаснинг,  
 Чунки гуллар – Жимлик.

## Ашиль ШАВЕ

(1906–1973)

Француз тилида ижод қилган бельгиялик шоир. “Узилиш” сюрреалист гуруҳи ташкилотчиларидан бири. Шаве ижодида мураккаб туйғу ва тушунчалар уйғунлиги реал, ўткир ижтимоий муаммолар ечимига қаратилади. Унинг “Ишонч саволи” (1940), “Севги тамғаси” (1950), “Ягона каталог” (1956), “Ҳаёт ва мамонт табиийлиги ҳақида” (1965) шеърий тўпламлари чоп этилган.

### “САБР ПИЧОҒИ...”

Сабр пичоғи  
 қурилишида эҳтиёжсан нон кесганинг  
 пичоққа ўхшар,  
 ўртоқ.  
 Дўстона қўл,  
 англагувчи нигоҳ,  
 қалб тубидан чиққан сўз  
 ва биз сен билан гаплашамиз севги ҳақида,  
 ўртоқ  
 ва ҳеч ким бизни айбламас –  
 зеро биз олдинга боқамиз.

### “АРАГОНДА ЎША ҒОЛИБ ЁЗ КУНИ...”

Арагонда ўша голиб ёз куни  
 кўз олдимда жон берди содиқ дўстим.  
 Эски қуёш ёйди менинг соямни  
 чин инсонлар остига.  
 Кўз олдимда жонланди Антей<sup>1</sup> афсонаси  
 ва мен боқдим нажоткор – ерга.  
 Ўйга толиб, жим,  
 тилдим юрагим шунда  
 ҳақиқатнинг тилла тигида.

### “МЕН ЎХШАЙМАН ЎША...”

Мен ўхшайман ўша  
 қизил терили ёйига  
 болалигимнинг.

Таширф қозғозимга келсак,  
 йўқотганман мен уни кўпдан  
 бепоён жавдар даласида.

<sup>1</sup> Антей – Посейдон (денгиз худоси) ва Гея (ер худоси) ўғли ҳақидаги асотир.



## Давид ШАЙНЕРТ

(1916 йил туғилган)

Шоир, носир, драматург; француз тилида ижод қилган. Адибнинг “Нур ҳам куйлади” (1954), “Борлиққа дунган” (1956), “Мен нафас олгандек” (1960), “Ун тиканга бир атиргул” (1968) каби тўпламлари халқ анъанавий қўшиқлари билан ҳамоҳанг.

### ҚИШКИ ҚЎШИҚ

Бўлса эди юз минг пулим,  
Сотиб олардим барча гулларни,  
Бутун шаҳарни кўмардим гулга.  
Бутун қорни эзгилар эдим.  
Бўлса эди юз франкча пул,  
Мен бир тўп ранг олган бўлардим  
ва чўтка билан деворларга  
чизар эдим баҳорни!

Ҳеч бўлмаса ўн франк бўлганда эди,  
Сотиб олган бўлардим лимон  
Совиб қолган ўчоқда  
Ёнсин дея қуёшдек!  
Бир франкка ҳам эга бўлмай,  
Деразани очаман ланг,  
Чақасиз киришин уйга  
Ўтинаман баҳордан!

### АЛИФБОЛИ ҚЎШИҚ

Агар санай олсанг кўкда гар,  
Анлат менга шуни марҳамат:  
Сариқ-қизгиш булутча нега  
Асалга интилар фақат ва фақат?  
Агар алифбо ила инларни забт этган бўлсанг,  
Анлат менга шуни марҳамат:  
Сариқ-қизгиш қушча нега  
Қордек оққа интилар кўкдан?  
Агар қалбим ўқий олсанг гар,  
Анлат менга шуни марҳамат:  
Қуёшда қорайган қўл нега  
нозик қўлга узанар гүлдек?

### КАТАЛОНИЯ ҚЎШИҒИ

Жуда оз жой керак  
фақирлигимга,  
Девордаги тош ҳам  
Етарди унга.  
Шундай оз жой керак  
Мағрурлигимга  
ханжар тиги ҳам  
Етарди унга.  
Оз жой керак шундай  
Қувончимга,  
Тор бўлмаслиги учун  
Гитара унинг кўксига.

## ТУМОВ БЎЛГАН ШОИРГА

Тингланг, жаноб, эҳтимол энди,  
 тушсангиз ҳам бўлар курсидан:  
 иом чўкди ва кетиб қолди инсонлар.  
 Ким ҳам қадрлар бу дам  
 букилишин олижаноб оёқларингизнинг,  
 манглай руҳланишию хурнайишин сочларнинг  
 ким қадрлар ажаб интилишни кўкларга  
 ва абадиятга?  
 Увуиди оёқларингиз, қотди-қолди кафтингиз,  
 ва кўз узра  
 осилиб қолди муаллақ  
 бўйинсунмас соч тутами,  
 бироқ – бу қадар араз! – чекинади буюклик абас!  
 Атроф жимжит, фақат дайди зог беғам чўқир  
 бурнингиз учин.  
 Ахир ўлгудек зерикарли-ку  
 метал бурунни чўқимоқ,  
 зерикарли инсон бурни, ажиб соғинч маҳали  
 юлдузлар остида  
 бурни ила чўқийди, –  
 ва зог учиб кетади,  
 ва тагин сиз ёлғиз бўшлиқда.  
 Ҳатто мушуклар дарвоза остидан миёвламай қўйишиди...  
 Ва шунда бир дамга унутиб эртакнамо қасрлар жозибасини,  
 аксирасиз сиз.  
 Эҳ, бу паст товуш,  
 бу ҳайқириги соддадил буруннинг,  
 ҳеч қачон журъат этмаган у  
 тантанали залларига уриб кирмоққа  
 поэмангизнинг...  
 Сиз аксирдингиз ва буришдингиз ногоҳ  
 ва мен ачиндим сизга жаноб шоир  
 зерикарли сизга ниҳоят  
 кезинмоқ ўз курсингизда  
 кимсасиздир ён-атроф  
 ва ҳеч ким сизга ёзиб бермас тумов учун томчи дори  
 ва йўқдир манқал,  
 жунжиккан бармоқларни иситмоқ учун,  
 ҳатто кечки бекчи<sup>1</sup> гойиб бўлди қаёққадир,  
 ва ҳеч ким сизни  
 тепмас ортингиздан,  
 сизнинг тозаланган қонингизда  
 югурмоғи учун биргина томчи  
 дағал  
 ерли  
 ажиб ҳаётдан.

<sup>1</sup> Бекчи – қоровул.

**Марк БРАТ**

(1925–2014)

Нидерланд тилида ижод қилган шоирнинг шеърлари Бельгия замонавий шеърлятига эркинлик шабадаларини олиб кирган. Марк Братнинг “Бўрон оннда ўн саккиз қадам” (1950), “Берилган мавзу турлари” (1956), “Дунёда барча ягона” (1961) тўпламлари уни дунёга танитган.

**ҚАЙГУРМОҚҚА НЕ ҲОЖАТ**

<i>китоб олмайман ўзим билан йўлда</i>	<i>сўзлар ортидан югурмоқ нечун</i>
<i>абадиятга оид ҳеч бир ишора</i>	<i>учар улар дудоқдан</i>
<i>рақс жой олди қалбдан</i>	<i>ва қор бўлиб тушар тунда</i>
<i>умр сўнгига қадар бўлиб ҳаётим</i>	<i>қайгурмоққа не ҳожат</i>

**ВИДОЛАШМОҚ**

*видолашмоқ – қайта яшай бошламоқ  
англамоқдир замон ва маконни  
бу йўқ қилмоқ қўрқувни ўздан ва ўлик бутоқларда  
уйғотмоқ янги қўшиқни  
видолашмоқ бу тингламоқ сукут куйини  
илгамоқ чексиз қувончли йўл ва севги ва  
унинг тинимсиз ҳайқиригин  
видолашмоқ тегинмоқ яраламоқ азобга қўймоқ  
ўрнашиб совуқ ойда  
тарк этилган муғанний ўзни унутиб чалган жойда  
ва барча енгил кунлар кечган кунларга бадал  
видолашмоқ бу сўнгига қўлни сиқмоқ  
ваъда бермоқдир албатта ёзишга қучишга азиз елкани  
ва илгариламоқ ортга боқмай  
(агар поезд кетган бўлса жуда эрта  
қайтмас эса гарчи ҳеч – видолашмоқ  
олиб кетмоқ бу ўзи билан бебаҳо сирни)  
ва кимгадир маълум: видолашмоқ  
бу соғинч ва қайғу аро  
узаймоғидир ҳаёт ва мавжнинг  
чўкмоқдан аввал зулматга*

*Рус тилидан  
Шермурод СУБҲОН  
таржималари*



## Констан БЮРНЬО

(1892–1975)

*Бельгиялик ёзувчи, танқидчи. “Тентаклик”, “Аквариум”, “Нотинч дамлар”, “Каллоо – тасаввурдаги қишлоқ” романлари, “Ҳажвия ва муҳаббат ҳақида”, “Катерина” каби кўплаб новеллалар муаллифи. Воқеаларни аслидагидек тасвирлашга одатланган ёзувчи реалликнинг шафқатсиз ифодасидан чўчимаydi. Жумладан, қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган “Катерина” ҳикояси бош қаҳрамони – ўз боласини ўлдирган онани айблаш осон. Аммо муаллиф ўқувчини ҳукм чиқаришдан аввал Катеринанинг шу даҳшатли қилмишига нима сабаб бўлганини чуқурроқ мушоҳада қилишга ундаydi.*

### КАТЕРИНА

Унинг июнь кунларидан бирида уйи остонасида ранги девордек оппоқ, қорни бироз шишган алфозда ўтирганини эслайман. Қўшнилар: “Истиско бўпти”, – дейишганди. Ўзи шаҳарда ишлаб юрганди, аммо мана бир неча ҳафтаки, шу ғалати дарддан шишиб-азобланиб уйига – ота-онаси қошига қайтди.

Эсимда, Катерина озгин, мурдадек оқ, суяклари туртиб чиққан қиз эди. Унинг узун, бемадор танаси саватдек кўнғир соч бостирилган кичкинагина бош билан тугарди. Катерина бу “сават”дан турмакка ўхшаш бир нима яшасини эпларди аммо. Кичкинагина бурни иккита катта қоп-қора тешиқдан иборат эди. Оғиргина кўллари узун ёнбоши бўйлаб жонсиз осилиб турарди.

У курсилар оралаб зўрға юраркан, гўё янада шишиб, оқариб кетгандек туйиларди. “Истиско бўпти”, – дейишди яна қўшнилар.

Хуллас, бу воқеа куз якшанбаларидан бирида эрталабки ибодат вақти юз берди. Катерина укаси билан уйда ёлғиз қолди. Овсар Жан ошхонадаги столга тирсақларини тираб трубка чекарди. Унинг кичкина, деярли кўринмайдиган кўзлари ва ювошгина юзи ҳақиқий овсарларникидек хотиржам эди. Бирдан опасининг хонасидан эшитила бошлаган овозлар эътиборини тортди.

Аввал инграшлар... Бирданига... чакалоқ йиғиси! У эшикни ура бошлади.

– Жан!.. Йўқ! Йўқ!.. Очма, бор, уларни огоҳлантир... Ҳаммаси тугади!..

Овсар Жан дод-фарёд ва бола йиғисини эшитиб бироз иккиланди. Йиғи!.. Ва ҳозиргина она бўлган аёлнинг тинчлантирувчи овози.

Овсар Жан бироз турди, кейин кетди.

Катерина қаддини кўтариб сукунагга кулоқ тутди... Онаси, отаси, учта акасининг қайтишини, жунбушга келган қишлоқнинг таъна-дашномларини кўз олдига келтирди; роса шарманда бўлиши ва шу тавқи лаънат таъқибда яшашини тасаввур қилди.

Даҳшатга тушди. Ўрнидан турди, ошхонадан ўтиб ташқарига чиқишда паншахага қоқилди, уни қўлига олди, гўнгу уюми ёнига борди ва гўнгу ичида чуқур кавлади... Кейин гўдаги қошига қайтди, уни қўлига олди ва авайлаб ўша чуқурга қўйди. Чакалоқ чинқириб юборди! Аёл унга илтижо билан кўллари чўзди, бир зум иккиланди, кейин тезда болани ерга юзтубан

ётқизди. Гўдак яна чинқирди. Аёлнинг кўзи катта тошга тушди, қўлига олиб баланд кўтарди... Тап! Тезроқ! Тезроқ! Тезроқ! Катерина чуқурни кўмиб ташлади. Бирдан ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Ошхонага борди, коронғида тимирскиланиб сирка қидирди...

Тамом!

Эшик очиқ эди! Кун бўзарган, ҳамма йиғилган.

– Қани у? – сўради она.

– Қани у? – такрорлади ота.

Қани у?..

Катерина уларга бир боқди, кейин дераза томонга чекиниб ҳеч нима демай столга суянди... Бирдан стол устига йиқилди, сўнг сирғалиб полдаги кафел устига гўё тўкилиб тушди.

Ҳовлида Овсар Жан қўлидаги қонли чойшабни силкиб қўшниларни дахшатга солганча чақалокни чақирарди. Опам чақалоғини ўлдириб, кейин ўзи ҳам ўлиб қолди, дерди у.

Орадан бир соат ўтиб жандармлар пайдо бўлишди. Ҳаммаёкнинг тит-питини чиқаришди.

Аммо чақалокни Овсар Жан топди. У қонга бўялган ва гўнг ҳиди анқиб турган жасадни стол устига қўйди. Катерина – жонсарақ ва шикаста бир аҳволда икки мўйловдор жандармнинг ўртасида тўғрига қараб турарди.

Бурчақда қари онаси йиғларди. Отаси ва акалари қаергадир гум бўлишган. Катеринани олиб кетишди.

Уни икки йилга қамашди.

Қайтганида отаси оламдан ўтган, учта акаси эса уйланишганди. Қолган ҳаммаси бояги-боягидай. Онаси уни кўзида ёш ва меҳр билан кутиб олди.

Қишлоқда Катеринанинг изидан қаҳрли нигоҳ билан қараб қолишар, Овсар Жан эса дарғазаб бўлиб нукул унга катта муштларини дўлайтирарди.

Катерина кўпинча шом пайтлари печка ёнида тиззалаб олганча кекса онасининг эски пешбандига юзини босиб хўнг-хўнг йиғларди.

Карнавал яқинлашиб қолди.

Қор ёғарди. Овсар Жан эрталабданок эски чаналарни бўшатиб олиб кетди.

“Нима учун?” – деб сўрайди икки аёл ўзидан.

“Нима учун?” – деб сўрайди Катерина.

Кейин бу ҳақда ўйламай қўйди.

Кеч кирди, онаси черковдан қайтиб келди.

Бирдан дераза тагида никоб тутган тўданинг хайқириғи эшитилди. Шовқин гоҳ узоклашар, гоҳ жуда яқин келарди. Одамлар Овсар Жаннинг чанасини ўраб олишганди.

Катерина бир сесканиб ойнадан узоклашди.

Чана устидаги икки тулумни пайқади: аёл!.. иккинчиси кичикроқ: гўдак!.. ва каттакон тош! Чанани Овсар Жан тортаётганди.

Катерина пардани туширди.

Никоблилар машғалаларни ёқдилар ва чана йигитларнинг кийқириғи билан янада илдамлаб кетди. Аёллар узок вақтгача ухлашмади, жимгина ўтиришди. Кўчада овозлар тинмасди. Бирдан эшик ланг очилди. Тўдани эргаштириб олган Овсар Жан чайқалиб турарди. Йўлда улар катта тулумни йўқотиб қўйишибди, энди унинг ўрнига опасини олиб кетиш учун келишибди. Тўда олқишлади, эшиклар, пол ва деворлар титраб кетди. Кампир ўғлини инсофга келтирмоқчи бўлди. Қарғади, ялинди...

Жан опаси томон кўлини чўзиб ҳамон илжайиб турарди.

Аёллар хонанинг ичкарасига чекинишди. Уларнинг фақат юзлари



кўришиб турарди. Катеринаники – оппоқ, коп-қора чуқурчалари бор: бурун катаклари, оғзи, кўзлари; ҳар нарсанинг аксини кўрсатадиган кампирнинг юзлари, бора-бора у қоронғиликка сингиб кетди. Бирдан Жан опасини кучоклаб баланд кўтарди, бошқалар унга ёрдамлашди.

Кўчада уларни машғалалар қуршовидаги чаналар кутиб турарди. Туйкусдан чаналардан бири олов ичида қолди. Бу атрофдагиларнинг шодон қийқириғига сабаб бўлди. Катерина ёлворди:

– Ойижон!

Уни масхаралай бошлашди:

– “Ойижоон!”

Ўнлаб қўллар Катеринани маҳкам ушлаб чанага ўтказди.

– Яшасин Жан!

– Маҳкам ушла! Қўйма!

– Ура! Ура!

Чана увиллаётган оломонни эргаштириб юриб кетди.

Чана сирпанарди...

Эшик тагига чиққан Овсар Жан ва Катеринанинг онаси йиғидан тўхтади.

Шунчаки қараб тураверди...

## Томас ОУЭН

(1910–2002)

*Бельгиялик ёзувчи, санъатшунос, журналист. “Сирли ўйин” романи, “Ғалати йўллар”, “Ёқимли эрмак”, “Катталар” каби бир қатор ҳикоялар муаллифи. 1972 йили нашрдан чиққан ҳикоялар тўплами учун Бельгия Тил ва адабиёт академияси совринига лойиқ топилган.*

### УЛАР ҚАЙТА ТОПИШДИЛАР

*Фантастика, у қанчалар фантастик бўлмасин, ойдек равшандир.*

*Аниқроғи, табиийдир.*

*Луи Вакс*

У томошаталаб тўда орасидан зўрға сирғалиб чиқиб, ўзига қараб шошиб келаётганларга эпчил чап берганча қадамини тезлатди. Регентлик кўчасидан пастга югургудек бўлиб тушди. Қумдаги Биби Марям черковини айланиб ўтиб ўнгга – Император аёл хиёбони томон бурилди. Санъат тепалигига осонгина чиқиб, Қирол майдонидаги қизил чироқда тўхтаб турган автомобиллар орасидан амаллаб ўтди-да (воқеа Брюсселда, марказий вокзал яқинида содир бўляпти), фалокат жойига аранг етиб борди: унинг жасадини тез ёрдам машинасига солаётган эдилар.

Кўприк томондан оппоқ шарпа кўрина бошлаганди. Полициячилар бекорчи томошабинларни тарқатишга тушди. Уни уриб юборган қизил юк машинасини йўлнинг қатнов қисмига халакит бермаслиги учун бир четга олиб қўйган эдилар. Саросимага тушган ҳайдовчи машина ғаладонини титкилаб хужжатини қидирарди. Одамлар воқеа тафсилотларини аниқлаш билан овора, тарқалишга шошилмасди. Ёмон иш бўлди-да!..

Ва бирдан у Мари-Кристинни таниб қолди. Қиз ҳечам ўзгармаганди. Ёшлигида қандай бўлса, ўшандай. У асфальтдаги оқ чизикларга ўйчан тикилиб турарди. Қаттиқ ҳаяжонда экани сезиларди. Фридерик унга яқинлашди. Қиз уни дарров таниди ва пешвоз отилди.

– Фридерик! Ана сюрприз!

Қизнинг мовий кўзларида шодлик учкунлади. Фридерик бу учкунларни ҳамон эсдан чиқармаганди!

– Нима бўлганини кўрдингми? Бир йигит юк машинаси тагида қолиб кетибди. Бечора мушукчадек янчилибди!

Мушукча... “Мушукчам!” Бир пайтлар қиз уни тез-тез ана шундай эркаларди. Фридерик жилмайди.

Мари-Кристин уни шодон кучиб, тортқилай бошлади.

– Қаерга кетаётувдинг?

– Уйга.

– Шошяпсанми?

– Йўқ... энди шошмаяпман.

– Ажойиб! Ойинг уришмайдими?

Иккови ҳам бир нарсани эслаб кулиб юборишди.

– Ҳақ рост, – деди у, – ундан худди оловдан кўркқандек кўрқардим.

– Энди ҳеч нимадан кўркмасанг ҳам бўлади.

– Албатта, энди кўрқадиган нарсам қолмади.

Қиз унинг қўлидан тутиб, шодон қийкирганча эргаштириб кетди.

– Юр, қахва ичамиз, гаплашамиз...

Фридерик ҳамёни йўқлигини сезиб қолди, афти буришди.

– Нима, умуман пулинг йўқми?

У бош ирғади:

– Ишларим чатоқ!

– Худди анави машина тагида қолган йигитникидекми?

– Худди ўшандек.

Ғалати бўлди-ку!

Ғаройиб учрашувдан иккисининг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилиб, қия кўчалардан шаҳар жойлашган тепаликнинг этагига тушишди. Қиз дўкон олдида тўхтаб, ранг-баранг арча ўйинчоқларини томоша қила бошлади. Пешойнанинг ичкарасида зарҳал ромга солинган қадимги тошойна турарди, унда икковининг гулгун чехраси акланди. Фридерик ўзини таниёлмай қолди ва ҳатто юзларини пайпаслаб ҳам кўрди – ростдан ҳам ўзими бу?

Ажинлари ёзилган ва юзи худди ёш боланикидек нафису юмшоқ бўлиб қолганди – худди орадан ўттиз йил сира ўтмагандек!

Аммо бу ўзгариш энди уни ажаблантирмасди. Ёшлиқ қайтди, бу ёғига ҳаммаси бошқача бўлади: ўтмиш энди йўқ, бугун эса абадий.

Ва бу мўъжиза буткул табиий.

Улар ҳар бир пешойна қаршисида тўхтаб-тўхтаб илгарилашди – ўзларининг соҳир аҳволларидан лаззатланиб тўймасдилар. Катта қахвахонага кўзлари тушди, ичкари кириб айвонга ўтиришди. Хизматчи уларнинг столига яқинлашишини сабр билан узоқ кутишди.

Официант индамай столни арта бошлади, худди уларни пайкамагандек. Фридерик ва Мари-Кристин унга сўз қотишди – эшитмади. Бироқ бу хол дилбар учрашув тароватига зарра соя солмади.

– Ўзингдан гапир, нималар билан машғулсан? – сўради Мари-Кристин.

Йигит ҳаёти ҳақида мухтасар сўзлаб берди. Ўтмиш хотиралари кутилмаганда ёдидан ўчиб борарди... Энди буларнинг бари Фридерик учун пуч, арзимас ва омонат туйиларди. У фақат ўн йил аввал оламдан ўтган Мари-Кристиннинг қўлларидан ушлаб турганига ва ўзининг бир соат олдин бошқа бир оламга ўтганига ишонарди холос. Иккови реаллик билан у дунёни ажратиб турадиган ўша сирли ҳадни босиб ўтгандилар; мана шунинг учун ҳам

атрофдагилар уларни пайкамай қўйишганди. Бошқалар учун кўринмас бўлиб қолганларини тушундилар ва бир аёл билан эркакнинг “Ана бўш жой!” – дея уларнинг столи томон юрганини кўриб бунга ишонч ҳосил қилдилар.

Фридерик ва Мари-Кристин ўринларидан туриб, қахвахонани тарк этишди. Сайр давом этарди. Қиз яна гап очди:

– Сени кутгандим. Ўлганимдан кейин нималар қилдим, қаерларда бўлдим – билмайман. Аммо ўша шўрлик йигитнинг жасади атрофига тўпланган томошабинлар орасида пайдо бўлишим билан ҳозир сени учратишимни ҳис қилдим. Қизил юк машинаси кўринганда англадимки, бу – қисмат...

У бир зум ўйга чўмиб жим қолди, кейин бирданига қичкириб юборди:

– Фридерик, ўша сенмидинг?

Қиз унинг юзларини оҳиста, журъатсизгина силади, гўёки йигитга нимадир хавф солаётгандек. Жони оғримаяптимики деб хавотирланди. Минглаб ширин сўзларни шивирлаб эркалади.

Ёнларида ҳамма нарсага бепарво одамлар ўтишарди. Атрофда оломон гувилларди – халойиқ ишдан чиқиб уйига шошарди, улар эса кучоқлашиб бир жойда қотиб тураверишди. Буларнинг бари гўзал, ақл бовар қилмас даражада ажойиб ва нима десангиз денг-у, ҳақиқий эди.

Ошиқлар бошлари оққан томонга юриб ўтмишни хотирларканлар, бахтиёр ва ўзларидан бошқа ҳамма нарсадан озод-хур эдилар, фавқулодда бир энгиллик оғушида кетиб борардилар.

Кўчалар бора-бора қиёфасини ўзгартирди. Биноларнинг қатъий меъморий шакллари юмшади, аниқ чизиклар хиралашди, чаплашди. Туманга ўранган уйлар бора-бора йўқолди. Иккиси чарх уриб, чирпирак айланиб, бир-бирларига товушсиз урила-урила умуман ғойиб бўлдилар.

Шаҳар йўқолди, чексиз текислик пайдо бўлди. Дарахтлар уларнинг кўз ўнгига рўёга дўнди, энгил сабо таъсирида тўкилиб қумтепага айланди. Оёқ остидаги замин матодек ҳилпираб қолди. “Дунё бўйлаб 80 кун”<sup>1</sup> спектаклида тўлқинларни шу тарзда кўрсатишганди. Спектаклни улар ёшлиқда бирга томоша қилишганди. Бу хотира қалбларини меҳр ва бахтга тўлдирди. Шамол каттиқроқ эса бошлади. Тўкилган япроқлару қуруқ ўт-ўланни учириб кетди.

Энди фақат икковигагина тегишли борлиқда нимадир содир бўладигандек эди. Куёш уфққа яқинлашди, унга номигагина тегиши билан мусаффо осмонда гўё минглаб янги куёшлар чарақлаб кетгандек бўлди.

Оламнинг гўзаллиги уларга хотиржамлик ва ҳузур бағишлади. Боладек қувонган ошиқлар қўл ушлашиб ял-ял ёниб турган уфқ томон чопиб кетишди. Ўз энгиллигидан руҳланганча иккиси жуда тез чопиб боришарди, бамисли оёқлари остидан замин сирғалиб ўтиб бораётгандек эди.

Энгиллашиб бора-бора ахийри бутунлай вазнсиз бўлиб қолишди. Кулишар, қўлларини силкитишар, бахт ва шамол қанотида хушнуд парвоз қилишарди.

– Биз яшаймиз! – қичқирди Фридерик.

– Биз ҳаётмиз! – қийқирди Мари-Кристин.

Зум ўтмай иккиси ҳавога тез кўтарилиб, худди Шагал<sup>2</sup> асарларидаги ошиқлар каби уча бошлашди ва минглаб куёшлар томон учиб кетишди.

*Рус тилидан*

*Шаҳноза СОАТОВА таржималари*

<sup>1</sup> Машҳур француз фантаст ёзувчиси Жюль Верннинг “Сув остида 80 минг километр” романи асосида сахналаштирилган спектакл.

<sup>2</sup> М.Шагал – рус-француз рассоми. Унинг картиналаридаги парвоз – инсондаги чоғ кайфиятнинг тимсоли.

## Морис д`ХАСЕ

(1919–1981)

*Фламанд тилида ижод қилган ёзувчи, журналист. “Муқаддас қаҳр” романи (1953 йили “Сўз эркинлиги” мукофотига лойиқ топилган) ва кўплаб ҳикоялар муаллифи. Адиб ўз ижодида романтик символизм унсурларидан унумли фойдаланган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган “Айғир” ҳикоясида ҳам куз тунларининг бирида одам яшайдиган хонадонга депсиниб, пишқириб, оғзидан кўпик сочиб бостириб кирган тулпор, персонажлар қалбидаги туйғулар тугёнининг ўзига хос рамзи сифатида ифодаланган.*

### АЙҒИР

Хизматкор қиз астагина эшик қоқиб, мўралади-да: “Хонамга бораверсам майлими?” дея изн сўради. Томас китобдан кўз узиб беихтиёр бош ирғади-ю, яна мутолаага шўнғиб кетди. Аммо бир неча қатор ўқигандан сўнг хаёли тарқади. Уйдаги тинчликни бузаётган шовқинга кулоқ солди. Хизматкорнинг ванна эшигини очганини, бир лахзадан сўнг эса шилдираб сув куйила бошлаганини эшитди. Кейин қиз хонасига кўтарилди. Ана, у бурчакда турган пардоз-андоз столига яқинлашди. Ҳозир сочини тараётган бўлса керак ё ўзини ойнага соляпти, дея ўйлади Томас. Балки кўзгу қаршисида ечиниби олиб ўзини томоша қилаётгандир. У қиз ички кийимларини ечганда сумбати қандай кўринишини тасаввур қилди. Бу хаёл уни ҳаяжонга солди, китобини ёпиб, сигарет тутатди-да, деразага яқинлашди. Оғир дарпардани озгина суриб очилган тирқишдан қоронғига боқди. Ёмғир ҳали тинмаган эди, уй олдидаги қалта кузалган майсалар панжарага ўрнатилган чироклар ёғдусида ялтирар, кўчадаги нам тортган асфальт ҳам хира йилтираб турарди. Унинг булутли хаёлини тарқатиб, кўчада машина пайдо бўлдию муволишдан қайрилиб кетди. Машина ғилдираклари резинаси худди насос билан сув тортиб олаётгандек шувиллаган овоз чиқарар эди. Автомобилнинг икки фарасидан таралган шуъла гўё ёмғир деворини тешиб ўтган қуролнинг пўлат қўндоғига ўхшар эди. Шундан сўнг кўча тинчиб қолди ва яна имиллаган, беадоқ тун ҳукмронлиги бошланди. Томас қиз хона ўртасига келиб туфлисини ечганини эшитди. У дарпардани жойига суриб қўйди ва камин олдидаги ўриндикка чўкди. Юқорида қаравот ғичирлади.

Ҳозир у тўшакка ўтириб олади-да, этагини бўлиқ тиззасидан баланд кўтариб пайпоғини ечади, ўйлади Томас. У китобни очди, лекин ўқий олмади; кўзига ҳарфлар ўрнига қизнинг қора тунга монанд тафти баланд қорамағиз бўй-баста, бежирим оёқлари кўринар эди. Шу тобда у ҳам, Худо билади, нималарни ўйлаётган экан, юраги шиддат-ла уриб, қорнида асабий титрок югура бошлади. Шу пайт яна қаравот ғичирлади ва уй худди қабристон каби тинчиб қолди.

Уни онамнинг олдига қайтариб юбориш керак, акс ҳолда гўзал кунларнинг бирида нимадир юз беради, мен нафсимни ортиқ жиловлай олмайман, ўйлади Томас. У сигарет қолдигини оловга отиб юборди, қадахга ичимлик қўйди ва уни кўтариб икки култум ютди. Энди хонада ҳаммаси одатдагидек бўлиб қолди ва Томас мутолаада давом этди. Майдалаб ёғаётган ёмғирнинг сокин шилдираши, шохидан узилган барглarning шитирлаши, ахён-ахёнда уй яқинидан ўтиб қолган машиналар шинасининг ғичирлаши кулоққа чалиниб турган октябрь оқшоми. Каминда олов чирсиллаб, уйнинг захини кўтаради. Томас китобга берилиб дунёни унутди.

Тинчликни уйнинг қошидаги боғчадан бехос эшитилган қандайдир отнинг

бемаъни ва даҳшатли кишнаши бузди. Кўрққанидан Томаснинг юраги тўхтаб қолаёзди. Дастлаб у қўлидаги китобни нима қилишни ҳам билмади, кейин уни эҳтиёткорлик билан қўйиб, ўриндиқдан турди. Юраги тез уради, конининг югуриши қулоғига ноғора шовқинидек уриларди. Ташқари яна жимиб қолди, фақат майсалар устига учиб тушган хазонларни ёмғир савалар эди. Уйда ҳам осойишталик. Буни у ҳам эшитган бўлса керак, хуши бошидан учиб кетгандир боёқишнинг, ҳали ухлагани йўқ эди-ку. Томас дераза олдига шахдам бориб тўхтаб қолди. Агар дарпардани очса, ёришган дераза ортидан зулматда ким яшириниб тургани аниқ кўринади. У чироқни ўчириб, секин-аста пайпасланиб деразага яқинлаша бошлади. Қоронғилик худди кўрпадек қалин эди. Узатган қўли майин дарпардага тегди, уни бир оз суриб парда билан ром орасидан очилган тиркишдан ташқарига қаради. Ҳеч зоғ йўқ. Боғ тунги ёлғизликка чўмиб ётар, тунги чироқлар таратган нурдан майсалар ялтирар эди. Ёмғир тинган, фақат мажнунтол ва ҳовли бурчагидаги боғчадан томчилар томиб турар эди. У от эди, ўйлади Томас, анча вақтдан бери бу атрофда ҳеч ким от сақламаса ҳам, у шубҳасиз от эди. У пардани жойига суриб қўйди ва чироқни ёқди. Қизгина жуда қаттиқ кўрққан шекилли, миқ этмаяпти. Эшигига бориб сўраб кўрай-чи, аҳмоқона от кишнашини у ҳам эшитдимикан ўзи, дея хаёл қилди Томас. У юқорига кўтарилди ва бир оз тараддулланиб тургач, қизнинг хонаси эшигини қокди. Аммо қиз жавоб қилмади. “Мария”, деб чақирди у паст овозда. Яна ҳеч қандай жавоб йўқ. “Мария, бу мен, Томасман, – деди у. – Сен отнинг кишнаганини эшитдингми?” У яна эшикни тақиллатди, аммо хонадан ҳеч қандай сас чиқмади. У туткични тушириб эшикни очди. Хона зимистон эди, ҳатто тунги чироқ ҳам ёқилмаган. У пайпаслаб чироқ тугмасини топди ва чироқни ёқиб ноилоҳ хонага кирди. Тўшакка қўл урилмаган, қизнинг кийимлари стул устида ётар, ёнидаги гиламчада туфлиси турарди. Ички кийимлари ва пайпоғи каравот ортига отиб юборилган эди.

Томас тўсатдан деразанинг ланг очиқ турганини кўриб, кўрққанидан донг қотиб қолди. Хонага кирмоқчи бўлиб, дераза рафига олдинги туёқлари билан осилиб олган отнинг боши, бўйни ва ўмрови кўриниб турар эди. У катта, отларга хос хира чақнаётган кўзлари билан Томасга қилт этмасдан бақрайиб турар, қорамтир бўйнидан қуйига қараб тизиллаб сув оқар эди. Томаснинг оёқларидан мадори қочди, у бир қўли билан дераза ромига ёпишди, иккинчи қўли билан эса орқасидаги девордан чироқ тугмасини тимирскилади. Шу онда каравот олдидаги Марияга кўзи тушиб қолди. Ширяланғоч қиз қўллари билан юзини ёпганча ғужанак бўлиб ўтирган эди. У яна деразага боқди – от ҳамон ундан кўз узмасдан қилт этмай турибди. Уни бу ерда қолдириб бўлмади, тезда қочиб қолиш керак, ўйлади Томас. Бир қарорга келолмай яна бир неча лахза тургандан сўнг тиззалари қалтираб каравот томон ташланди ва Марияни қўлтиғидан кўтариб турғизди. Билага унинг сийнасига тегиб турганини ҳис қилди, қиз эса ҳеч нарсани сезмагандек ҳамон юзини қўллари билан тўсиб турар эди. “Кетдик, – деди унинг қулоғига, – тезроқ”. От эса худди ҳайкалдек деразада қотиб турибди. У қизни хонадан олиб чиқди, қулф тешигидан калитни суғуриб олди, чироқни ўчирди ва эшикни ташқаридан ёпди. Пешонаси тердан ҳўл бўлиб кетди, вискига ружу қўйиш оқибати шу эканини ҳис қилди. Қиз қўллари юзидан олиб, чўчиб унга қаради. “Кетдик”, қайтарди Томас. У қизни уйнинг ичкари қисмидаги ўзининг ётоғига етаклаб борди. Қизнинг қайноқ елкалари порлар эди. Ярамас айғир, балого йўликқур ифлос махлуқ, ичида сўқинди Томас. Уша иблисининг ҳовлида нималар қилиши мумкинлиги энди уни қизиқтирмади. Эшик маҳкам ёпилган, чироқлар ўчирилган. У деразани маҳкам ёпиб, оғир дарпардани тушириб қўйди. Ортига ўтирилганда яланғоч, уят ва кўрқувнинг зўридан ўзини йўқотган қиз ҳали ҳам хона ўртасида



серрайиб турарди. Томас унга ўзининг халатини берди. Улар бирга каравотга ўтиришди. У бутун диққатини жамлаб тунга қулоқ тутар эди. Атрофга яна чуқур жимлик чўкди.

– У қандай қилиб сенинг хонангга бўйлади? – дея шивирлаб сўради Томас.

– Билмадим, – хириллаб жавоб берди киз. – Чирокни ўчирганим заҳоти кимдир ташқаридан деразани итариб очиб юборди ва...

– Кимдир, – дея сўради Томас, – сен “кимдир” дедингми?

– Шу... шу айғир.

– Секин, – деди Томас. У яна вужудини қулоққа айлантирди, аммо ҳеч қандай овоз эшитилмади. Ҳойнаҳой, айғир жуда баҳайбат бўлса керак, ўйлади, ахир орқа оёқларида туриб, иккинчи қаватдаги дераза рафига осилиб олган эди.

– Кўрқадиган ҳеч нарса йўқ, – дея қизга далда берди у, – бунинг ҳаммаси арзимас нарсалар.

– Қайдан бу... бу ҳайвон қаёқдан пайдо бўлди? – деб сўради киз.

У ҳали ҳам ўзига келолмаётган, тинчлана олмаётган эди.

– Билмадим, балки бирорга циркдан қочгандир, – дея жавоб берди Томас. Аммо бу тахминга ўзи ҳам унчалик ишонмади. Энди тун унга уйнинг атрофида сездирмасдан айланиб юрган аллақандай нотинч ва машъум кечадек туйила бошлади. Халатни бўйнигача маҳкам ўраб ўтирган қиз унга кўзларини катта-катта очганча тикилиб турибди. У бениҳоя ёқимтой ва хушбўй, ўйлади Томас, фақат анави дўзахий махлуқ бўлмаганида эди. Кўкқисдан унинг хаёлига у энди хонасига қайта олмайди, тунни менинг тўшагимда ўтказишга мажбур. Агар менинг бирга ётишимни истамаса, чиқиб кетаман. Балки уни бундай вазиятда ёлғиз қолдириб бўлмас, деган гап келди.

– Энди нима қиласан? – деб сўради қиздан.

– Билмадим, – чўчинқираб жавоб қилди Мария.

Томас сустлашиб:

– Сен истасанг... – деб гап бошлади, аммо гапини тугата олмади.

Шу онда кўпол ва ваҳшатли нимадир шиддат билан деразани урди. Томаснинг томоғига бир нарса тикилиб қолди, қиз эса чинқириб юборди. У йигитга ёпишиб, қўлларини маҳкам ушлаб олди. “Ўзингни бос, – шивирлади Томас, – кўрқадиган ҳеч нарса йўқ”. Аммо ўзининг аъзои-бадани қандай қилиб терга ботиб бораётганини ҳис қилди. Шу пайт дераза ойнаси худди тош теккандек парчаланиб ҳар тарафга сочилиб кетди. Пардалар шамолда силкина бошлади ва улар орасидан хонага мўралаган айғир тумшуги кўринди. Унинг кўзлари қонга тўлган, кенг бурун тешигидан оппоқ кўпик пурқаётган эди. Қиз жон ҳалпида чийиллади. Томас уни каравотдан худди ёстикни кўтаргандек қўлтиқлаб олиб хонадан учиб чиқди. Зинадан чопиб бораётганда айғирнинг баланд ва қаҳрли пишқириғи тарқалди. У меҳмонхонага тушиб, қизни кушеткага ўтказди. Халатнинг олди очилиб кетган эди, қиз бечора шу қадар қаттиқ кўркқан эдики, бунга эътибор қиладиган даражада эмасди, қўллари бир жойда тўхтамай қалтирар, даҳшатдан қаттариб кетган кўзларини деразадан узолмас эди. “Кўрқинчли ҳеч нарса йўқ, – қайтарди Томас, – кўркма”. У бир қизга, бир деразага қаради ва пичирлаб сўқинди. Агар ана шу ярамас махлуқ бўлмаганида у...

Қиз халатга ўраниб кушетканинг бир бурчагига ўтириб олди. Айғир ҳозирча жим. Иккинчи қаватда ҳеч қандай ҳаёт нишонаси сезилмайди. У энди ғайритабиий равишда сокин бўлган тунга қулоқ тута бошлади. Ёмғир тинди, кўчадан бирорга машина ҳам ўтмади. Фақат узокдан фабриканинг одатдаги шовқини эшитилиб турар эди. Ёрдам кутадиган жойнинг ўзи йўқ. Бирор чора топиш керак, бироқ у нима қилишни билмаётган эди.

– У энди кетади, – деди Томас қизни юпатмоқчи бўлиб.

– Кетмаса-чи? – деб сўради қиз.

– Агар кетмаса, унда... – тутилиб қолди у.

У ҳайвонни ҳайдаб юборишга уриниб кўриши мумкин эди, аммо бу махлуқ жуда баҳайбат, бақувват ва ўта маккор эди. Аслида Томас айғир яна пайдо бўлса, охири нима билан тугабини кузатиб бир чеккада пойлаб туриши ҳам мумкин эди. Лекин бу режаси жуда ҳам хатарли туйилди. Негаки, устунлик тажовузкор айғир томонида эди. Бир неча дақиқа улар қимир этмасдан жимликнинг бағридан ниманингдир отилиб чиқишини кутиб кўриб ўтиришди. Аммо ҳеч нарса бўлмади. “Эҳтимол, у энди кетгандир”, – деди Томас. У айғирнинг шу яқин орада экани, янги тажовузга тайёрланаётгани ва исталган вақтда янада кўрқинчлироқ тарзда уйга бостириб киришига ишончи қомил бўлса-да, негадир шу гапидан бир озгина таскин топгандек бўлди.

– Эртага буларнинг барчасига бошқача кўз билан қараймиз, – деди у.

– Ҳозир-чи?... – жавоб қайтарди қиз.

Анавини қаранг, ҳали у ҳаммасига мени айбдор деб топади, ўйлади Томас, уларнинг ҳаммаси шунақа.

– Хохласанг шу кушеткада ухлай қол, – деди у. – Эртага ҳаммасини обдон ўрганамиз.

– Мен ухлай олмайман, – деди қиз, – кўриб кетяпман.

– Мен шу ерда бўламан, – деди Томас. У камин яқинидаги ўриндиққа ўтирмоқчи бўлган эди, қиз унинг қўлларига ёпишиб олди ва яна кушеткага қайтишга мажбур бўлди. Агар тун бўйи у билан қоладиган бўлсам, ўзимни тута олмайман, бу ишим номардлик бўлади, ўйлади Томас. Анави айғир бўлмаганида-ку, йўриғи бошқа эди. Энди агар шу ишни қилсам, разиллик қилган бўламан.

– Мен хонадан чиқиб кетмайман, – деди Томас, – сен ҳечам кўрқма, хўпми!

Бироқ унинг яхши нияти дарҳол ғойиб бўлди ва кушеткада қиз билан қапишиб ўтирди. Шайтони лаъин у билан бирга, нима деб ўйласа ўйлайверсин, фақат анави махлуқ бизни тинч қўйса, бас. Балки у мен ўйлаётган даражада қаттиқ кўрқмагандир.

– Менга қара, – деди Томас, – агар айғир бошқа кўринмай кетса, шунда ҳам менинг қошимда ширяланғоч ўтираверасанми...

У бирорта бешарм гап ёки кишининг ғашига тегадиган сийқа жавоб қутган эди. Лекин қиз уялиб юзини яшириб олди-да:

– Мен кийимларимни олиш учун юқорига чиқа олмайман, – деди.

Қиз, афтидан, унинг қалбидаги қийноқларидан беҳабар эди. У Мариянинг қўлларини енгилгина силади, аммо қизни ийманиш ва таҳлика янада қаттиқроқ исқанжага олаётган эди.

– Айғир бошқа келмайдими? – сўради у.

– Билмадим, – жавоб берди Томас айғирнинг янги хужумга шайланаётганига ишончи қомил бўлса ҳам. Бу баҳайбат махлуқни даф қилиш учун нимадир ўйлаб топиши керак. Бироқ у фақат ночорликни ҳис этар ва жонига теккан бу ишдан тезроқ қутулишни истар эди.

– Қандай мудҳиш кеча, – шивирлади қиз.

– Ҳа, – унинг гапини тасдиқлади Томас. У лаҳзаларга қулоқ тутди, бегона овоз йўқ. Кейин бир қўли билан қизнинг елкасидан қучиб, унинг қулоғига эхтирос билан оҳиста-оҳиста бир нималарни шивирлай бошлади

– Томас, – деди қиз хириллаган овозда, – эшитяпсанми, Томас, ана у ёқда...

У бошини кўтарди. Кўча эшигига нимадир зарб билан урилди. Асабга ўйнайдиган ғижирлаган товуш тобора баландлаб келаверди ва қаттиқ гулдурашга айланди. Эшик ошиқ-мошиқларида ўйнаб, миҳлари кўча бошлади, кейин кимдир уни майдалаб ташламоқчи бўлиб катта болға билан ура бошла-

ди. Эшик тахталари қарсиллаб синиб тушди, пайрачалари даҳлизнинг тўрига қадар учиб кетди. Қиз мурдадек оқариб, секингина инграй бошлади. У юзини яшириб олди, кўксида худди бир қушча типирчилаётганга ўхшар эди. “Тур, – пичирлади Томас, – тез бўл”. У кўзғалмасдан увиллашда давом этди. “Тура қол, Мария”, – қайтарди у. Аммо қиз фалаж бўлиб қолгандек қимирлай олмас эди. У қизни кучоқлаб, худди болага ўхшатиб кўтариб олди. У харсиллаб қизни кўтариб зинадан кўтарилиб борар экан, ташки эшикнинг шиддатли босимга тоб бера олмаганини пайқади. Эшикка берилган кучли зарб бутун уй бўйлаб даҳшатли акс садо тарқатар эди. Юқорида у бир лахза ўйланиб қолди. Кейин омборхонага кириб эшикни ичкаридан маҳкам ёпди. Омборда чироқ йўқ эди, қуюқ қоронғилик худди ноябрь кечасига ўхшар эди. Шу дамда ташқари эшик кўрқинчли қарсиллиб ошиқ-мошиғидан ажралиб қулади ва айғир туёқларини тақиллатиб даҳлизга бостириб кириб келди. Отнинг тақалари остида майдаланаётган юпка кафеллар жаранглаб атрофга сочилиб кетар эди. Томас бўш қўли билан пайпасланиб эски-туски лаш-лушларга қоқиниб-суриниб, омбор тўридаги эски диванни топди ва қизни унга қўйди. Апил-тапил қочаётган вақтда қизнинг эгнидаги халат қайгадир ғойиб бўлган эди. У кафтида қизнинг яланг белининг тафтини ҳис қилди. Қиз бутун танаси титраб, энтикиб-энтикиб нафас олганча жим ётар эди. Томас лаблари қизнинг бўйнига теккунча қуйига энгашди. Айғир туёқларини тақирлатиб очиқ турган меҳмонхонага йўртиб кирди. Дастлаб металл тақалар жарангига полга тўшалган гиламлар тўскинлик қилиб турди. Кейин меҳмонхонадан ағдариб ташланаётган стуллар тарақлагани ва бирлаштириб қўйилган оғир столларнинг туёқлар зарбидан худди бўшаган гугурт қутиси каби қарсиллаб синиб кетгани эшитилди. Айғир дарғазаб пишқирар, мебелларга туёғини зарб билан қадар экан, ғайритабиий равишда ирилар эди. Томас қанчадир вақт диққатини жамлаб бу тўс-тўполонга қулоқ тутиб турди, сўнг негадир пастда юз бераётган ходисалар унга арзимас ва аҳамиятсиз нарсадек туйилди, у яна қизнинг устига энгашди. Жаҳаннам зулматида унинг қўллари қизнинг юзини сийпалай бошлади. Бармоқларининг учи қизнинг пастки киприкларига текканда уни болалардек эркалашга қарор қилди. Қиз ҳаракатсиз ётар, фақат нотекис нафаси унинг кўкрагини гўё баҳор шабадасидек сийпалаб ўтар эди. “Мария, – шивирлади у аранг эшитиладиган овозда, – сен кўркма, шундай бўлгани яхши ўзи. Бу илгарироқ юз бериши ҳам мумкин эди...” Айғир хунукдан-хунук хириллаб уйнинг ичини айланиб чопиб юрар эди, идиш-товокларнинг жаранглаб сингани эшитилди, унинг ортидан нимадир жуда қаттиқ гумбурлаб тушди. Бу шифтга илинган оғир қандил эди. “Биз, ахир бу ҳақда кўпдан бери билардик, тўғрими, Мария?” – шивирлашда давом этди Томас. Қиз ташналик билан уни бағрига босди. У қўйлаги устидан қизнинг сийнасини ҳис қилди. Биринчи қаватда айғир қутуриб, тўполон қилиб ётибди, у ҳаммаёкни вайрон қилган, унинг кетма-кет кишнаши иблисона қаҳқаҳага айланиб борарди. Аммо бу ваҳшатли шовқинлар уларга жуда узоқлардан эшитилар ва ҳеч қандай эътибори йўқдек эди. Қизнинг намхуш лаблари эса тотли эди, у тинмасдан: “Томас, Томас”, дерди. Йигит қиздан бўса олар экан, гўёки бу сўз ўзининг оғзидан чиқаётгандек ҳис қилди. Шу вақт айғирнинг мудҳиш ва жирканч шахвоний кишнаши эшитилди, бу шовқин зарбидан уйнинг деворлари зириллаб кетди. Айғир зинадан кўтарила бошлади, унинг босконга ўхшаган оғир туёқлари пиллапояларни янчиб борар эди.

*Рус тилидан  
Дамин ЖУМАҚУЛ  
таржимаси*

## Хюго РАС

(1929 йил туғилган)

*Бельгия ёзувчиси. “Дангаса қироллар”, “Антивақтга саёҳат” романлари, “Омонат ҳайкал”, “Вертолёт йўналишининг чап томонида”, “Фламанд деви”, “Портлаш” ҳикоялар тўпламларининг муаллифи. Хюго Рас ижодига хос хусусият – кундалик ҳаётни мутлақо кутилмаган, баъзида фантастик, ҳаттоки, соғлом мантиққа зиддай туюладиган вазиятларда тасвирлаш.*

### БЕНИЛЮКСНИНГ АЖАБТОВУР КУНЛАРИ

Чегара пунктида моторлари ишлаган ҳолда навбатини кутиб турган енгил машиналар сони кўп эмасди. Расмиятчиликлар жуда тез адо этиларди. Ҳар бир қария ёинки “белгиланган шахс” учун минг бельгия франки ёхуд етмиш гульден олишар, сўнг расмий рухсатнома беришарди.

Улкан реклама лавҳаларида “Бенилюксга хуш келибсиз!” ёзуви, унинг куйироғида ширга ўхшатиб “Дунёдаги энг яхши хизмат!” дея қайд этиб кўйилган.

Кўлида букланган рухсатномани тутган Жеймс божхонадан отилиб чиқди. У британия рақамига эга италянча машинасининг эшигини очди ва ҳайдовчи ўрнига ўтирди. Жеймс орқага, қуриб-қақшаб, мункиллаб қолган отасига кўз қирини ташлади. Хасталиқдан юзи мум тусини олган, ёстиклар билан қуршалган, оёқларига қалин жун рўмол ўралган чол қимирламай ўтирарди. Ёнида Элин.

– Бир соатдан кейин манзилда бўламиз. Эшитяпсанми, ота? – деди Жеймс тинчлантирувчи оҳангда.

Бунга жавобан қария йўталиб кўйгач, бошини машаққат билан чапга бурди ва паришонхотирлик билан ойнага тикилиб қолди.

Оқ уйли алоҳида фермалар ўрнини тезда маржон шодаларидай тизилган катта қишлоқлар эгаллади. Уларнинг ортидан дарҳол шаҳар кўринди.

– Ҳаммаёқ велосипеду болалар! – гап қистирди Элин.

– Пансионатда хоналарни буюртма қилганимиздан хурсандман, – деди Жеймс. Унинг кимга мурожаат қилаётгани тушунарсиз эди. – Энди бизда ҳаммаси аниқ, бошқа бирор нарса излашнинг, асабийлашининг ҳожати йўқ.

Жеймснинг хотини ундан анча ёш кўринарди. Шахло кўзли Элиннинг қошлари ингичка, аслзодаларга хос, аммо оғзи катта, лаблари эса буткул хунук. У сайёҳлик кўлланмасини очиб, шаҳар тарҳини диққат билан ўрганмоқда эди.

– Анави жойда, черков ёнидан ўнгга қайрилиш керак, – деди у. – Кейин катта чорраҳага етиб, яна ўнгга; кейин каналга олиб чиқадиган кичик кўчалар ичидан ўзинг топиб ол. Меҳмонхона қизил доирача билан белгиланган.

Элин твин юбкасини текислади, кичик ипчани олиб ташлади. Сўнг ёнида ўтирган қарияга қаради. Чолнинг кўзлари юмук эди. Аёл индамасдан йўлни кузатишда давом этди.

Улар черковга етиб келишди ва ўнг тарафдаги катта кўчага қайрилишди.

– Энди чорраҳага, – деб кўйди Элин.

– Топдим, – деди уйлардан бирининг пештоқидаги олтинранг ҳарфларда битилган “Герцог герби” ёзувини диққат билан кўздан кечираётган Жеймс.

У эллик ёшлардаги, у ёқдан-бу ёққа бориб келганча машиналар тўхташ жойига қараб турган эркакни кўрди. Назоратчи кўлларини силкитганча Жеймсга машинани бўш жойга кўйишига ёрдамлашгач, яқин келиб, синчковлик билан ойнадан ичкарига қаради ва сўради:

– Олиб ўтсам бўладими, менеер<sup>1</sup>.  
 – Ҳа, марҳамат, – Жеймс бош ирғаб, орқа ўриндикқа қаради ва ташвишланиб, пешонасини тириштирди..

Ота кўзларини очди.

– Етиб келдикми? – сўради у аранг шивирлаб.

Эр-хотин жавоб беришмади. Икковлон шу тарафга замбил кўтариб келаётган санитарларга эшикни очиб туриш учун шошиб ўринларидан кўзғалишди, машинадан тушишди. Санитарлар яқин келиб, хушмуомалалик билан салом беришди, замбилни машинанинг ёнига қўйишди. Улардан бири эгилиб, машинага кирганди, бош кийими нимагадир илиниб, бўйнига қадар сурилиб қолди. У бош кийимини тўғрилаб олгач, қариянинг қўлтиғидан тутди. Санитар оёқларига яхшироқ таянмоқчи бўлди, аммо букчайиб, омонат турганлиги халақит берди.

– Аввал унинг оёқларидан ушлаб ўзингга торт, – кўрсатма берди у шеригига.

Улар машаққат билан беморни қулайроқ ҳолатга ағдаришди. Ҳамон ўриндиклар орасида турган санитар: – Бўлади! – деди.

Икковлон чолни кўтариб, замбилга ётқизишди, оёқларига жун рўмолни ташлашди ва кўтариб кетишди.

– Юр, – деди Жеймс хотинига. – Юкларни кейин ўзим обкетаман.

У машинани қулфлаб ҳам ўтирмади, назоратчига ишора қилиб қўйди. Олдинда оқ халатлилар бир маромда кетиб боришарди, ёнида эса хотини.

Меҳмонхона кутиш хонасида санитарлар замбилни полга қўйишди. Қария бир жойи оғриётгандай, бошини чайқарди. Тўқ сарик либосдаги маъмурият ходимаси Жеймсни ёд бўлиб кетган хизмат табассуми билан қарши олди. Жеймс исмини ва банд қилинган хоналар рақамларини айтди.

– О, албатта, – тасдиқлади ходима. – Мана, учта хонанинг калити. Ювиниш жойи хоналарингизнинг ўртасида. Менеерни, – у замбилга ишора қилди, – “А” хонасига жойлаштирамиз. Менеер ресторанга туша оладими?

– Йўқ, у оғир касал, – жавоб берди Жеймс.

– Сизлар фақат уч кун қоласизларми, балки, олти ёки тўққиз кунлик пансионатга жойлашишни маъқул кўрарсизлар? Гап шундаки, бу ерга келганидан сўнг кўплаб мижозларимиз ўзларининг дастлабки буюртмаларини ўзгартирадilar.

Ходима каттагина қизғиш варақни рақамлар билан тўлдирарди.

– Йўқ, – жавоб берди Элин, – биз, келишганимиздай, уч кун қоламиз. Шундай эмасми, Жеймс?

– Ҳа, мен ҳам шундай деб ўйлайман, – пўнғиллади у.

Жеймс варақнинг катакчаларини қандайдир белгилар ва шартли рақамлар билан тўлдирётган, кейин уларнинг исмларини ёзган ходиманинг қўлини лоқайд кузагарди.

– Сизда расмий рухсатнома борми?

– Рухсатнома? – паришон аҳволда деди Жеймс.

– Сиз уни чегарада олишингиз керак эди.

– О, албатта!

Меҳмонхона ходимаси Жеймс узатган қоғозга кўз ташлади ва уни қизғиш вараққа тикиб қўйди.

– Қўшалок хонали йигирма етти! – сайради у қоғозлардан бошини кўтармай.

Санитарлар замбилни кўтаришди, Жеймс билан Элин уларнинг ортидан лифт томон юришди.

Лифт биринчи қаватга тушди, панжарали эшик охишта чиқиллаб очилди ва беш киши қафасга сингиб кетишди.

<sup>1</sup> Менеер (голл.) – жаноб.



– Иккаламиз бошқа меҳмонхонадан жой олганимиз яхши эмасмиди? – ўз гумонини мингиллаб изҳор қилди Элин.

– Ҳа, лекин бу бизга икки баробар қимматга тушарди, бунинг устига, унда биз умуман отам билан кўришолмасдик ёки доим бу ерга қатнаб туришимизга тўғри келарди, – деди жомадонини кавлаётган Жеймс.

Эшикни тақиллатишди. Туфлисини ечаётган Элин қаддини ростлади, юзига тушган соч толаларини йиғиштириб олди ва эшикни очди. Уч эркак кирди.

– Тиббиёт назорати, – ўзларини таништиришди улар. – Шифокорингизнинг хулосасини кўрсам бўладими? – сўради уларнинг каттаси.

– Смитсон берган қоғоз, – эслатди Элин эрига.

Жеймс жомадонидан елим халтачани олиб узатди. Эркаклар халтачадан матн ёзилган қоғозни олишди ва ўқий бошлашди. Улардан бири куйи лабини тишларди, қолган иккови эса мум кўғирчоққа ўхшарди. Ниҳоят ўқишни тугатишгач, бошлиқ чўнтагидан шарикли ручкасини чиқарди ва матн тагига бир неча сатр ёзиб қўйди. Шундан кейин учаласи ҳам имзо қўйгач, навбат Жеймсга келди.

– Имзо қўйинг, – деди бошлиқ, – хоним ҳам.

Остенде, Кале, Зеебрюгге, Хук-ван-Холланд ва Флиссингеннинг<sup>1</sup> автомобиль паромлари причалларида ҳаёт тобора қайнарди. Баҳорда, айниқса, кузда Бенилюксга энг кўп йўловчилар ташриф буюришарди. Чегара пунктларида йўл полицияси вертолётлардан ҳаракатни кузатар, тирбандликлар тўғрисида маълумотлар берар ва уларни бартараф этиш учун шу заҳоти машиналарнинг бир қисмини айланма йўлларга йўлларди. Жеймс, Элин ва хаста ота мавсум кизиши олдидан етиб келишди. Жеймс ҳаммасини олдиндан ҳисоб-китоб қилиб қўйганидан мамнун эди.

Эр-хотин бар пештахтаси қаршисида ўтириб, виски ичишар, кўнгил ғаш эди.

– Ишқилиб, ҳаммаси жойида бўлсин, – деди Элин.

У сигаретасини қиска, асабий тарзда тортди, кулини қоқди. Атрофга аланглади. Столларда қариялар ўтиришарди. Улар нотабий ҳаяжонда ва шўхчан валдирашарди. Жигарранг суюқликдан кўз узмаётган Жеймс стаканини айлантирарди.

– Мен, яхшиси, отамнинг олдига бораман, – деди у.

– Бориб нима қиласан? – сўради Элин қатъий, сал аччиқланган оҳангда. – Унга укол қилишди, ҳозир ухлаяпти. Голланд ҳавоси унга фойдали. Эртага яна докторлар келишади.

Улар жим қолишди ва ўгирилиб, зал ўртасида ёлғиз ўзи рақс тушаётган қарияни кўришди. Чолнинг кўзлари чакнарди, у ҳеч уялмасдан навбатма-навбат гоҳ Элинга, гоҳ бармен аёлга тикилиб-тикилиб қарарди. Қариянинг оила аъзолари уни хижолат аралаш меҳр билан кузатиб ўтиришарди; кимдир яширинча кўз ёшларини артиб, бурун қоқиб ҳам қўйди. Ниҳоят бошқа гуруҳдан кимдир бармен хотинни чақирди ва у билан бир неча оғиз гаплашди. Шундан сўнг бармен хотин қариянинг ёнига борди ва унинг қулоғига нимадир деб шивирлади. Чол бош ирғади, чарм ўриндикларда ўтирган ўзининг хешларига кўз қисиб қўйди ва бармен хонимнинг қўлидан тутиб, эшик ортида ғойиб бўлди. Бир неча дақиқадан сўнг бармен аёл қайтиб келди ва яна ўз ишига киришиб кетди. Бар ёнидаги қариялар ўз ичимликларидан ҳўплаб ичишар ва бўшаб қолган рақс майдонига бақрайиб қарашарди.

– Буни қара-я, нималарни эшитяпман! – эркаланиб отасига хитоб қилди тилини тақиллатиб, ўпкалаётгандай бошини чайқаб қўйган Жеймс. – Кревет-

<sup>1</sup> Остенде, Зеебрюгге – Бельгиядаги порт-шаҳарлар; Хук-ван-Холланд, Флиссинген – Нидерландиядаги порт-шаҳарлар; Кале – Франциядаги порт.

калар<sup>1</sup>, краблар<sup>2</sup>, устрицалар<sup>3</sup> ва шампан – бу нима деган гап ахир?!

– Лекин бу ерда мен танлашим мумкин, – ингради касал қария. – Агар бу менга зарар бўлмаса... Кўпдан бери бирон мазали нарса есам дердим, бу ерда менга рухсат беришди.

Чол яна кўзларини юмди ва ўғил отанинг юзи қайғули тус олганини, лаблари титраб кетганини кўрди.

– Аввал шампандан бир хўплам ичиб ол, ота, – деди у далда бериб.

Қария кўзларини очмасдан розилик маъносида бош ирғади.

Эшик тарафдан “динг-донг” овози эшитилди, фақат орадан бир муддат ўтгандан сўнггина улар қўнғироқ чалинганини англашди. Элин ўрнидан сакраб туриб, эшикни очди. Хизматчи бола ғилдиракли столни сассиз суриб кирди. Столдаги кумуш идишлардан қисқичбақаларнинг ва балиқдан тайёрланган бошқа таомларнинг иштахани қитиқловчи ҳиди келарди. Ота ҳорғин кўзларини очди ва кунт билан безатилган дастурхонга қаради. Жеймс билан Элин қариянинг боши ва елкасига болишлар кўйиб, қаддини ростлаб ўтиришига ёрдам беришди, унинг қаршисига патнисда бир неча таомдан кўйишди. Чол оҳиста, шошмасдан, чапиллатиб овқат ея бошлади. Қария уларга қарар, бу нигоҳда ҳам миннатдорлик, ҳам чорасизлик ва... енгил ёзғириш бор эди.

Бу маҳал пастда, катта зиёфатлар залида ўзини яхши ҳис қилганлар учун ҳақиқий базм уюштирилди. Мижозларга энг тансиқ таомлар тортилган эди.

Жеймс билан Элин лифтдан чиқиб, йўлакдан ўз хоналари томон кетишаркан, йигирма учинчи хонадан ҳаяжонга тушган бир кишининг чопиб чиққанини кўришди, ўлаётган одамнинг ожизона фарёдини эшитишди. Бу эшикка шифокор билан ҳамшира шошиб келишарди. Шифокор асабий жанобдан ниманидир сўради, сўнг қошларини чимирган кўйи норози бўлиб тўнғиллади.

Элин иккиланиб туриб қолди:

– Юр, барга қайтамиз, яна озгинадан ичамиз.

Жеймснинг тишлари ғичирлаб кетди.

– Ҳозироқ отамнинг олдига кирамиз, – деб туриб олди у.

Эр-хотин қарияни ўз каравотида тинч, хотиржам ухлаб ётган ҳолда кўришди. Таомларни олиб кетишганди. Жеймс каравотга энгашиди ва нафасини ичига ютиб, отасининг ҳали тириклигига ишонч ҳосил қилмоқчидай унинг кўкраги бир маромда, деярли сезилмасдан кўтарилиб-тушаётганини диққат билан кузатди. Эшик ёнида турган Элин саросима ичида эрини кузатарди.

Эртасига эрталаб, соат ўнда меҳмонхона биносидан оч кулранг ёпиқ автомобиль шу кеча ўлганларнинг майитларини олиб кетди.

– Инглизлар ҳам кетишяпти! – ҳайратланиб хитоб қилди ойнадан машиналар тўхташ жойини кузатиб турган Элин...

\* \* \*

Аграр давр интиҳоси тасодифан конъюнктура ёмонлашуви ибтидоси билан тўғри келиб қолди. Иқтисодиёт фожиаси бошланди, бироқ у анча аввал, иқтисодий кучли давлатлар ўзларида яшин тезлигида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини автоматлаштиришга ўтказиб олганида бошланганди.

Кибернетика асосида саноатни ва бошқарув тизимини қайта қуриш учун сарф бўладиган улкан харажатларни қисқа муддат ичида қоплаб бўлмасди. Бир неча йил ичида мамлакат ишлаб чиқариш суръати бўйича йирик саноат

<sup>1</sup> Креветка – майда қисқичбақа.

<sup>2</sup> Краб – денгиз қисқичбақаси.

<sup>3</sup> Устрица – денгиз моллюскаси.

давлатларидан орқада қолиб кетди. Иқтисоднинг эски тизими сақланиб қолган шароитда бундан кейинги рақобатнинг ўзи маъносини йўқотарди. Бир талай ҳукумат инкирозларидан сўнг шиддатли таназзул бошланди. Бир неча ой ичида экспорт ҳажми нолга тенглашди. Бенилюкс сайёҳлар учун жаннатга айланган даврлар ҳам ўтди: кичкина мамлакатда сайёҳ узоқ томоша қиладиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Иқтисодий бўҳрон қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштирарди ва бор-йўғи икки ҳафта давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг, католик муҳолифатнинг қаршилигига қарамасдан, парламентда чегарани кесиб ўтган шахсларнинг фуқаролиги ва миллатидан қатъи назар эвтаназияга<sup>1</sup> ҳуқуқий чеклашни бекор қиладиган қонун лойиҳаси маъқулланди.

Ириқ авиакомпанияларнинг Схипхол ва Завентемга<sup>2</sup> учадиган самолётлари чипталарининг барчаси олдиндан сотилиб кетди; баҳор ва кузда кўплаб кўшимча рейслар киритишга тўғри келди. Етмиш гульденга исталган чегара ва божхона масканида оғриксиз ўлимга расмий руҳсат олиш мумкин эди. Меҳмонхона ва отеллар учун мисли кўрилмаган гуллаш даври келди. Зудликда тузалмас хасталар ва қарияларни бартараф этиш бўйича янги хизмат тури ташкил этилди. Кимёгар-официантлар пазандалик маҳоратларини унутмаганлари ҳолда, сўнгги байрам таомларига цианли калий, пентотал, морфий ва бошқа оғуларни қўшардилар. Кичик меҳмонхоналарда уч, олти ёки тўққиз кунга хоналарни олиш мумкин эди: шу кунларнинг бирида ҳамшира, шифокор ёки официант сизни бир умрлик оғир юқдан халос этарди...

\* \* \*

Жеймс хона эшигини ёпди. Элин ойна ёнида туриб, кўчани кузатарди.

– Ҳамшира отамизнинг ёнига кетди, – деди у. – Ердам бериш учун. У яна ухлаб қопти.

Жеймс хотинининг ёнига келди ва кўчага қараб, ўғлининг қўлига суянган кўйи тонгги сайрга чиққан кампирни кўрди. Кампирга қадам ташлаш бениҳоя азоб эди, у ўғлига ҳадиксираб, аммо маҳкам ёпишган кўйи кетиб борарди...

– Улар олти кундан буён шу ерда экан, – деди Элин. – Иккаласи.

Эшикни тақиллатишди, эр-хотин ўгирилмасдан бир овозда “Ҳа!” деб кичқириб юборишди. Худди шу пайт хонага ҳамшира кирди.

– Ҳаммаси ортда қолди, – деди у.

– Ғалати, – минғиллади Жеймс, – биз буни олдиндан билгандик, барибир ёмон таъсир қиларкан.

– У ухлаб ётганида укол қилдим, – кўшимча қилди никель қутичасини ёпаётган ҳамшира.

– Вақти-соатим етганида мен ҳам, эҳтимол, шу ерда қазойимни топарман, – деди Жеймс. – Бу ернинг хизмати ажойиб.

Пастда, кўчада бояги кампир ўғлига ёпишган кўйи сайрни тугатди ва йўлак зиналарини бирма-бир босиб юқорига кўтарилди бошлади. Бошини эгган ёш йигит ўз ўйларига ғарқ бўлган, она эса маъносиз нигоҳини олдинга тикканча бораркан, таскин бергандек ҳадеб ўғлининг қўлини силарди...

*Рус тилидан  
Зулфия ЙЎЛДОШЕВА  
таржимаси*

<sup>1</sup> Эвтаназия – тузалмас касалга йўлиққан, чидаб бўлмас оғриқлар билан курашаётган инсоннинг ҳаётини сунъий равишда тўхтатиш. Эвтаназия икки хил йўл билан: шифокорлар томонидан бемор ҳаётини сақлаб турган асбоб-ускуналарнинг ўчирилиши ёки беморга тез ва оғриксиз ўлим олиб келадиган махсус тиббий воситаларни бериш орқали амалга оширилади.

<sup>2</sup> Схипхол – Амстердамдаги аэропорт; Завентем – Брюсселдаги аэропорт.



## ЭЖЕН ИЗАИ ВА БЕЛЬГИЯ МУСИҚАСИ



Бельгия скрипка мактабининг Бёркин намояндаларидан бири, скрипкачи, дирижёр ва композитор Эжен Изаи жаҳон мусиқа ижрочилигида янги саҳифа очди. Мутахассислардан бири унинг фаолиятига шундай баҳо беради: “Қатга романтик санъатнинг сўнги намояндаси бўлган Э. Изаи Паганинидан кейинги давр жаҳон виртуозлари ва Крейслер бошчилигидаги скрипкачилар авлоди ўртасида боғловчи бўғин эди”<sup>1</sup>.

Эжен Изаи 1858 йил 16 июлда Льеж шаҳрида дунёга келади. Дастлабки мусиқий сабоқни скрипкачи ва дирижёр отасидан олади. Сўнгра Льеж консерваториясида ўқийди.

Скрипка чолғусига ниҳоятда ихлосманд бўлган иктидорли мусиқачи унга ўзининг бор илхоми, туйғулари, фантазиясини сингдиради. Эжен Изаи ҳар бир концертида ўзининг виртуоз ижроси билан тингловчиларни ҳайратга солади. Унинг репертуаридан Бах, Моцарт, Бетховен, Брамс ва бошқа энг машҳур классикларнинг мураккаб асарлари ўрин олган. Ёш композиторлар унга ўз асарларини бағишлаганлар ва уларнинг биринчи ижрочиси айнан Эжен Изаи бўлишини ният қилганлар. Чиндан ҳам, тадқиқотчиларнинг фикрича, тингловчиларга номаълум бўлган

янги асарларни оммалаштиришда Изанининг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Европа, Америка, Скандинавия ва Россия бўйлаб уюштирилган кўплаб гастроллар давомида созанда Бельгия ва жаҳон композиторларининг энг яхши асарларини бирдек маҳорат билан ижро этади. Шунингдек, Э.Изаи Брюссель консерваторияси профессори сифатида ёш истеъодларга маҳорат сирларини кунт билан ўргатади. Бундан ташқари, Э.Изаи маҳоратли дирижёр сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Умрининг сўнги йилларини эса мусиқий асарлар яратишга бағишлайди. Унинг асарлари орасида Соло скрипкаси учун соната, мазурка, полонез каби раксбоп пьесалар, оркестр учун асарлар, қатор поэмалар бор. Айниқса, “Қиш кўшиғи”, “Экстаз”, “Чарх олдидаги саҳна”, “Алла” каби поэмаларида Эжен Изанининг композиторлик маҳорати бўртиб кўринади. Льеж консерваториясининг ноталар бўлимида унинг кўлэзмалари сақланиб қолган.

Санъаткор фаол ташкилотчи сифатида ҳам кўпгина хайрли ишларга қўл урган. У ташкил этган “Изаи концертлари” симфоник жамоаси кўплаб иктидорли мусиқачиларнинг шаклланиши ва ўз маҳоратларини намоёиш қилишлари учун ўзига хос майдонга айланди. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган Брюссель халқаро мусиқа танлови бельгиялик ва жаҳон ёш мусиқа ижрочилари ҳамда композиторларининг ижодий парвози учун аҳамияти катта бўлди.

Машҳур санъаткор 1931 йил 12 май куни Брюссель шаҳрида оламдан ўтди. Э.Изаи ўзининг кўпқиррали ва сермахсул ижодий фаолияти билан скрипка ва умуман торли чолғулар ижрочилигининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Мутахассис сўзи билан айтганда, “У Бельгия скрипка мактабининг анъаналарини давом эттирди ва унинг шуҳратини бутун жаҳонга ёйди”<sup>2</sup>.

Элвира ЯФАСОВА,  
муסיқашунос

<sup>1</sup> Ямпольский И.М. Танланган тадқиқотлар ва мақолалар. М., 1985, 141-б.

<sup>2</sup> Мартынов И. Чет эл мусиқаси ҳақида очерклар. – М., Музыка, 1970, 144-б.



## САНЪАТДА БОШ МЕЗОН – ПРОФЕССИОНАЛЛИК



**Таниқли бельгиялик кинорежиссёр Жако Ван Дормель билан суҳбат**

*“Европа киноклассиги” деб эътироф қилинган, “Оскар”, “Олтин глобус”, “Цезар”, “Локарно”, “Канн” сингари халқаро кинофестиваллар совриндори, Жако Ван Дормелнинг ижоди жаҳон кинематографияси оламида алоҳида мавқега эга.*

*Жако Ван Дормель 1957 йил 9 февраль куни Иксель шаҳрида дунёга келган. Брюсселдаги саҳна санъати ва оммавий коммуникация олий мактаби*

*ҳамда Париждаги Луи Люмьер олий мактабида таҳсил олган. Цирк ва болалар театрлари бўйича малакали мутахассис. Ўз ижодини профессионал қизиқчи-масхарабоз сифатида болаларга томоша кўрсатиши билан бошлаган Жако Ван Дормель 1980 йилларда кино соҳасига кириб келади ва ўзининг биринчи қисқа метражли фильмини (“Maedeli-La-Breche”) суратга олади. Ушбу фильм фавқулодда муваффақият қозониб, “Энг яхши хорижий талабалар фильми” номинацияси бўйича Оскар мукофотиغا сазовор бўлади. Кейинчалик яратилган “Тото – қаҳрамон”, “Жаноб Ҳеч ким”, “Саккизинчи кун” ва бошқа фильмлари ҳам нуфузли совринларга лойиқ топилди. У қатор мультимедиа роликлар ва видеоклиплар муаллифи ҳамдир. Шунингдек, Жако Ван Дормель маҳоратли актёр, сценарийнавис, продюсер ва жамоат арбоби сифатида ҳам кенг жамоатчиликка яхши таниш.*

*Ёш тадқиқотчи Элдор Йўлдошев таҳририятимиз таклифига биноан Жако Ван Дормель билан интернет орқали мулоқотда бўлди.*

*Суҳбат давомида жаҳон кинематографиясининг ютуқлари, муаммо ва истиқболлари, шунингдек, театр, телевидение соҳаларидаги ижодий жараён, изланишлар хусусида мулоҳаза юритилди. Қуйида ушбу мулоқот эътиборингизга ҳавола қилинади.*

**– Сизнингча, санъат тушунчаси нима? Унинг моҳиятини қандай изоҳлайсиз?**

– Санъатни мен илоҳий воқелик деб биламан. У бизнинг кундалик ҳаётимиздан юқори туриши, руҳиятимизнинг энг юксак даражаларида намоён бўлиши керак. Бир вақтлар Парижда бўлганимда тақдир тақозоси билан машҳур Биби Марья ибодатхонасига кириш насиб

қилди. Ичкарига қадам кўйишим билан органининг хайратланарли садолари вужудимни чулғаб олди. Атроф тўла одам, лекин ҳамма жим, сукут сақлаб мусикага кулоқ тутиб турибди. Беихтиёр сеҳрли оҳанглар юрагимга тобора чуқурроқ сингиб бораётганини сездим. Аъзойи-баданимни ажиб бир ҳис чулғаган, вужудим титраб турарди. Хаёлимдан, онгу шууримдан тинимсиз бир



ўй ўтарди: ҳаёт дегани нима, сен ўзи дунёга нега келдинг, нега яшаяпсан, нималарга эришдинг, бошқаларга сендан нима наф? Бутун ҳаётим гўёки кинотасмадек кўз ўнгимда жонланарди; яхши-ёмон воқеалар, мен мулоқотда бўлган ҳар турли кишилар, таъбир жоиз бўлса, характерлар... Миям шу қадар тез ишлардики, ўзим англашим қийин бўлган бир ҳолатда назаримда руҳим покланар, вужудимдаги ғуборлардан фориг бўлаётгандек эдим. Ўйлаб кўрсам, бу ҳолат мусиқа таъсирида юз берганди. Мана сизга мусиқанинг кучи! Мана сизга санъатнинг мўъжизавий қудрати! Бундан кўринадики, санъатнинг моҳияти – инсон руҳини поклашдан, уни эзгуликка чорлашдан иборат. Бу вазифани ундан бошқа ҳеч нарса унингдек самарали удалай олмаса керак.

**– У ҳолда санъатнинг манбаи илоҳийликда экан-да?**

– Гарчи илоҳийлик билан боғлиқ бўлса-да, ҳар қандай санъат асарини ўзи мансуб бўлган халқнинг, миллатнинг маънавий тафаккурида вужудга келади. Унинг маънавий сарчашмаларидан, анъана ва қадриятларидан, керак бўлса, генидан озиқланади. Шундай санъат асарларигина мумтоз асарлар ҳисобланади. Мумтоз асарлар эса, даврлар ўтса ҳам, авлодлар ўзгарса ҳам ўзининг таъсир кучини йўқотмайди. Зеро, маълум миллатга мансуб кишиларнинг авлодлари генида ажодлар хотираси яшаб келади. Бу хотира эса ажодлари тафаккури маҳсули бўлган, миллатининг хусусиятларидан шаклланган мумтоз асарларни танийди ва керак бўлса, қўмсайди. Хусусан, ўзим мумтоз мусиқаларимизни эшитганимда, қаттиқ таъсирланаман. Айниқса, скрипкадан таралган ҳаётбахш куйлар мени алланечук ҳиссиётлар домига ғарқ қилади. Парижда ўқиб юрган кезларим бир

француз курсдошим мендан “Нега торли чолғулар мусиқаси жуда ғамгин, оҳангларида қувноқлик йўқ?” – деб сўраганди. У пайтлар мен ёш эдим, ўйланиб қолдим. “Балки, бу мусиқалар халқнинг бошидан ўтказган мусибатлари, унинг руҳияти маҳсулидир”, деб жавоб бергандим. Ахир, қанчадан-қанча босқинларни бошидан ўтказган халқ қандай қилиб қувониб қуйласин?! Аслида мана шу маънос оҳангларда бизнинг тарихимиз, ўтмишимиз акс этганки, у ҳамон сақланиб келмоқда. Демокчиманки, айнан мумтоз мусиқаларда, мумтоз адабиётимизда гап кўп экан. Бир вақтлар ўқитувчимиз куйиб айтарди: “Дўконда сарёғ турса-ю, биз нега маргарин ейишимиз керак, нега асл нарсага эмас, бемаза нарсаларга харидор бўламиз?!” Бу гапнинг маъносини кейинроқ тушундик. Чиндан ҳам адабиётимизнинг мумтоз намуналари турса-ю, нега биз мана шундай “тансиқ сарёғлар”га интилмасдан, арзонгаровига ўзимизни урамиз? Бугун кўпчилик ёшларимиз эргашаётган айрим енгил-елпи мусиқалар, ҳаддан ташқари шовқин-суронли, кўнгилочар йўналишлар уларга нима беради? Булардан қандай маънавий озиқ олиш мумкин? Назаримда, буларнинг бари ўткинчи, сунъий, юзаки нарсалар. Зеро, ялтираган ҳамма нарса олтин бўлавермайди. Булар ҳам ҳозир зоҳиран ялтираб, жилва қилиб турибди. Бироқ аслида уларнинг замани бўш. Афсуски, кинода ҳам бундай жараён кучайиб, бир кунлик нарсалар босиб кетди.

**– Сизнингча, бунга сабаб нима? Ахир талаб бўлмаса, таклиф ҳам бўлмайди-ку!**

– Саволингизда жон бор. Шундай даврлар бўлдики, кинотеатрларга одамлар кирмай қўйди. Бу фильмлар эса томошабинни кинотеатрга қайтарди. Бироқ эндиликда томошабинлар улардан

безиб қолди. Маиший, содда, бачкана гаплардан томошабин чарчай бошлади. Энди томошабинларни ўйлантирадиган асарларни яратиш пайти келди. Бу нарса телевидениеда ҳам ўз аксини топмоқда. Тўғри, замон билан ҳамнафас бўлиш, жаҳон миқёсидаги кўрсатувларни яратиш керак. Бироқ бу дегани кўркўрона таклид қилиш керак, дегани эмас. Ҳар бир кўрсатувни томошабиннинг эҳтиёжи, аудиториянинг талабидан келиб чиқиб тайёрлаш керак. Уларга нимадир ўргатадиган кўрсатувларни кўпроқ тайёрлашимиз зарур. Бугун телевидениеларда ток-шоулар кўпайиб кетди. Тўғри, булар ҳам керак. Лекин меъёрида бўлсин. Бугуннинг томошабини ижодкорлардан бугуннинг муаммоларини, бугуннинг қахрамонларини акс эттирган жиддий асарлар кутаяпти. Бу талабларга биз жавоб беришимиз керак. Ижодкорлар оддий томошабиндан биров юқори туриб, уларни мушоҳадага ундайдиган асарларни яратиши, керак бўлса, санъат воситасида ақл ўргатиши керак. Бироқ баъзан бунинг тескарисини бўлаяпти. Олдинда юриш ўрнига баъзи санъаткорларимизнинг томошабин ортидан эргашиб кетиши санъатнинг ҳам, халқнинг ҳам савияси тушиб кетишига сабаб бўлмоқда. Инсон борки, ҳамиша қандайдир руҳий озикқа эҳтиёж сезади. Санъаткорнинг вазифаси эса айнан шу озикни унга бериш, унга юпанч бўладиган, руҳий қувват берадиган асарни яратишдан иборат, деб биламан. Биргина мисол, Эмиль Верхарннинг “Оқшомлар”ини олиб кўрайлик. Ушбу асарнинг яратилганига қанча йиллар бўлди, бироқ бу ўтган давр асарнинг долзарблигини, кадрини оширса оширдик, асло завола етказа олмади. Унда кўтарилган ҳалоллик, лафз, бурч, масъулият мавзуси ҳамма даврлар ва барча миллатлар учун бирдек долзарб ва муаммоли бўлиб қолаверади.

– *Сиз кинематографияга кириб келишдан олдин қўп йиллар цирк ва театрда режиссёр, актёр бўлиб ишлагансиз. Айтинг-чи, ҳақиқий санъат асари яратиш учун қўйиладиган талаблар уларнинг барчаси учун бир хилми ёки бошқачароқми?*

– Уларнинг барчаси алоҳида санъат тури сифатида ўзига хос хусусиятга эга. Шунга кўра уларга қўйиладиган талаб ҳам бири-бирдан фарқ қилади. Мисол учун, спектакль режиссёри асарни бир неча ой давомида саҳналаштириши мумкин. Кинорежиссёрга ҳам фильмни суратга олиши учун керагича вақт берилади. Бироқ телевидение режиссёри бундай имкониятга эга эмас. Эфир уни кутиб турмайди. Унинг ҳамиша вақти зик. Шунинг учун ундан ҳар куни шедевр талаб қилиб бўлмайди. Санъаткор ахир косибмаски, ҳар куни бир хил маҳсулотни қолипдан чиқараверса. Бироқ телережиссёрнинг олдида ҳам профессионаллик масаласи туради. У ўз ишини виждонан, ҳалол бажариш билан бир қаторда, кўрсатувларини ўз ишидан қоникқан ҳолда, чинакам санъат даражасида тайёрлашга интилиши шарт. Буни томошабин дарров сезади. Тўғри, чинакам профессионал ижодкорлар анчагина. Улар тинимсиз изланадилар. Бироқ уларнинг сони камайиб бораётгандек. Кўпчилик хато қилишдан чўчиб, ижод қилишдан тўхтаб қолаётгандек туйилмоқда. Бу эса телевидение режиссёрининг ижодкордан кўра кўпроқ техника айланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Бевосита цирк ва театрга тўхталадиган бўлсак, уларга ҳам ҳар бир спектакль ёки номерни, ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий санъат даражасида яратиш талабини қўйиш шарт, деб ҳисоблайман.

– *Юқорида профессионализм ҳақида гапириб ўтдингиз, шунга батафсилроқ тўхталсангиз.*

– Профессионализмни бир сўз билан тушунтириш қийин. Унинг кирралари кўп. Бу инсоннинг ўз соҳасини билишидан тортиб, инсоний фазилатларигача бориб тақалади. Кино мисолида олиб қарайдиган бўлсак, шунга амин бўлдимки, кинематография инсонга катта масъулият юкларкан. Бу масъулият экранга тикилиб турган миллион-миллион кўзлардаги савол-жавобларда кўринаркан. Бу эса ўз-ўзидан кинорежиссёрларнинг олдига катта вазифаларни қўяди. Агар режиссёр ўз ишининг устаси бўлмаса, фақатгина техник воситалардангина устомонлик билан фойдаланишни, яъни “ямаш” усулларинигина касб қилиб олган бўлса, жуда катта хато қилади ва ўзининг профессионал вазифасини бажармаган бўлади. Агарда у профессионал эмас, делитант бўларкан, кинематографияда унга мутлақо ўрин йўқ. Зеро, катта кинода ҳаваскорларнинг ишлаши мумкин эмас. Замон талабларига ижодкор жавоб бера олиши керак. Бирор кўрсатувни тайёрлаган одамнинг даражасини оддий томошабин ҳам дарҳол пайқайди. У ортиқча гапирмайди, шунчаки ўз эътирозини содда йўл билан, яъни бошқа каналга олиб қўйиш билан ифодалайди. Бошқа каналга олдимиз, демак, ўша кўрсатувни ёқтирмади. Бунда томошабинни айблаб бўлмайди. Бунинг барчасига ўз ишига но-профессионал ёндошган масъулиятсиз ижодкоргина айбдор.

Профессионализмнинг яна бир кирраси театрда режиссёрнинг муаллиф танлаши билан боғлиқ жараёнда кўринади. Кўпчилик режиссёрлар бирон-бир асарни ўқиб чиққач, ёкса, дарҳол уни сахналаштиришга киришади. Бироқ мен учун яхши асарнинг ўзи камлик қилади. Асар

менга маъқул бўлгандан кейин ҳам унинг муаллифи билан учрашишга ҳаракат қиламан. Бу албатта, замонавий асар бўлса. Мумтоз асарларни сахналаштирмакчи бўлсангиз, табиийки, бундай имкониятга эга бўлмайсиз. Бироқ шунда ҳам унинг ғоясига чуқур эътибор қаратаман. Биринчи ҳолатга кўра, муаллиф билан учрашиб, унинг инсоний фазилатларини ўзим учун аниқлаб оламан ва керак бўлса, асарда ўзи кўтарган ғояларга шахсий муносабатини билишга интиламан. Улар ўзаро мувофиқ тушганидагина асарга қўл уришим мумкин. Мен узоқ йиллар давомида драматург Дидье де Нек билан ҳамкорликда бир қанча асарлар сахналаштирдим, тасвирга олдим. Бизнинг ўзаро ҳамкорлигимиз ҳам юқорида айтиб ўтган ўзига хос қоидаларим асосида шаклланган. Мен асарларида унинг юрак уришини, виждонининг ҳайқирғини, мантиқнинг сўзамоллигини кўрардим. Бундан ташқари, унинг асарлари ҳаётдаги ижтимоий масалаларни, барчамиз кўриб-кўрмасликка оладиган муаммоларни, энг асосийси, инсон кадр-қиммати масаласини кўтариб чиқарди. Қахрамонлари муаллифнинг ўзига ўхшаган содда, орамиздаги оддий одамлардан эди. Мана шундай хусусиятлар Дидье де Нек билан узоқ йиллар давомида ижодий ҳамкорлик қилишимга сабаб бўлди. Шундай пайтлар бўлдики, айрим муаллифлар мендан ноўрин хафа бўлишди. Улар мени Дидье де Некдан бошқани тан олмасликда айблашди. Шунга қарамасдан мен уларни кораламадим. Уларга шунчаки имкон бериб, Дидье де Нек сингари бирон нарса ёзиб келинг дердим. Бироқ ўша даъво қилувчилар бунинг уддасидан чиқолмасдилар. Чунки уларда юракни ўртайдиган дард йўқ эди-да!

Яна бир мисол. Мен бир вақтлар

Филипп Пуленинг “Люмьер ва жамоа” асарини экранлаштирган-дим. Гарчи фильм роман асосида суратга олинаётган бўлса-да, уни тўлалигича экранга кўчира олмасдим. Бироқ уни қандай қисқартиришга бошим қотганди. Шу топда, мен режиссёрман, фильмнинг эгасиман, деб ўз билгимча қисқартиришга юрагим чопмади. Бу бўлиши мумкин бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, маънавий жиноят бўларди. Узоқ вақт ўйлаб романнинг керак ўринларини менга фақатгина ёзувчининг руҳиятини тушунадиган, ҳақиқий ижодни, унинг машаққатларини ўз бошидан ўтказган одамгина танлаб бера олиши мумкин, деган фикрга келдим. Назаримда, бу вазифани бажаришга кўплаб ҳикоя ва тарихий асарлар муаллифи бўлган Хорас Маккой жуда мос тушарди. Яна бир томони, унинг бир қанча асарлари фильм қилинган бўлиб, кино тилини ҳам яхши тушунарди. Гарчи уни кўндиришим анчагина мушкул бўлса-да, ҳарқалай, ҳамкорликда иш бошладик. Ўйлайманки, менинг Филипп Пулен асарига билиб-билмай кўл теккизишдан сақланганим ҳам профессионализмнинг ўзига хос кўринишларидан бўлса керак.

– **Профессионализм, бу албатта, тинимсиз меҳнат, тажриба, билим ва сабоқлар маҳсули. Шундай экан, бугунги кунда ёшларимизнинг малакали ижодкор бўлиб этишишларида устоз-шогирдлик анъанасининг ҳолати ҳақида қандай фикрдасиз?**

– Баъзан анъанани давом эттириш учун, шу сенга устоз, шу сизга шогирд деб, уларни сунъий равишда “устоз-шогирд” қилиб кўйиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Аслида шогирд ўзига устозни ўзи танлайди. У ўзининг руҳиятига, калбига, дунёқарашига мос устоз этагидан тутишга интилади. Мисол

учун менинг устозим Франк Даниэль, буюк ва афсонавий Сергей Эйзенштейннинг шогирди бўлган. Уларнинг қилган ишлари мени доимо ҳайратлантириб келган. Устозим бугун ёнимда йўқ, бироқ ҳар бир қилган ишимда у кишининг ўткир нигоҳини сезгандек бўламан. Гўё мени кузатиб, ишларимни текшириб тургандек бўлаверади. Биронтаси кўнгилдагидек чиқмаса, назаримда мenden ранжиётгандек, мени қийиётгандек туйилаверади. Бу билан демоқчиманки, устоз-шогирдлик анъанасида нафақат касбий, балки руҳий яқинлик ҳам бўлиши шарт. Шогирд доимо ўз устозининг нигоҳларини ҳис қилиб туриши керак. Шундагина унинг зиммасидаги масъулият ҳисси бир умрга уни тарк этмайди. Шундагина у ўз устозининг анъаналарини давом эттиришга, устоз деб унга интилганларга кўмак беришга ҳаракат қилади.

– **Ижодкор ёшлар ҳақида фикрингиз?**

– Ёшларимиз ҳақида фикрим ижобий. Бугунги кунда машҳур режиссёр бўламан деган ёшлар талайгина. Улар жуда ҳаракатчан, қизиқувчан ва уддабурон. Улар дунёга чиқишга интилади. Бу эса ўз-ўзидан машҳур бўлиш иштиёқини уйғотади. Албатта, орзуга айб йўқ. Бироқ ўз устида жиддий ишламай, изланмай, тинимсиз меҳнат, машаққат чекмай, мустаҳкам билим, маҳорат ва тажрибага эга бўлмай туриб машҳурликка интилиш тўғри эмас. Мен истейдодли ёшларимизнинг ҳамиша изланишда бўлишларини, ўзлари ҳузур қиладиган ажойиб асарлар, одамларни яхшиликка чорлайдиган спектакллар, фильмлар, кўрсатувлар яратиб, дунёга танилишларини истардим. Шу йўлда уларга омад ва катта ютуқлар тилаб қоламан.



## МАШРИҚҚА МУХЛИС МУСАВВИР



Жан Франсуа Портель XIX асрда яшаб ижод қилган бельгиялик серкирра мусаввир. У жаҳон тасвирий санъати тарихида шарқ мавзусида ижод қилувчи рассом сифатида катта из қолдирган. Мусаввир яратган асарлар Бельгия санъат мактаби ривожига катта таъсир кўрсатди.

Жан Франсуа Портель 1818 йил 3 апрелда Вилворде шаҳрида дунёга келган. Унинг отаси ёш Портелни рассомлик бўйича таълим олиши учун Брюссель шаҳрига жўнатади. Шаҳарда у Франсуа Навездан рассомлик сирларини ўрганади. 1841 йил Портел Парижга йўл олади. Устози Пол Деларош қўлида рассомлик маҳоратини оширади. Сўнг Портель Бельгияга қайтиб кетади. 1842 йилда Grand Prix De Rome мукофоти совриндорига

айланади. Бу мукофот унинг ҳаётида ижодий изланишлар учун замин яратади. Имкониятдан фойдаланиб, у беш йил давомида Италия, Греция, Марокаш, Жазоир, Миср, Ливан, Испания, Венгрия, Норвегия каби шаҳарларда бўлиб, қатор асарлар яради, масалан, сафардан сўнг чизилган “Самум” картинасида Шимолий Африканинг об-ҳавосини тасвирлайди. 1847 йилда Портель Гент шаҳридаги Санъат академияси директори лавозимида иш бошлайди. 1850 йил Брюссель шаҳрига кўчиб ўтади. 1851 йил Портель Леопольд ордени билан тақдирланади. Шахсий устахонасида ёш рассомларга таълим бера бошлайди. Унинг шогирдлари кейинчалик Бельгия тасвирий санъатининг йирик намояндаларига айланади. Бу ўринда Тео ван Рейссельберг, Эмиль Вотар, Эжен Ларманс каби таниқли мусаввирларни мисол келтириш мумкин. 1874 йил рассом Марокашга саёҳат қилади. Сафардан сўнг Брюссель Қироллик санъат академиясининг директори лавозимида ишлайди.

Жан Франсуа Портель 1895 йилда Брюссель шаҳрида оламдан ўтади.

Рассом самарали ижод қилади. Унинг асарлари тасвирий санъатнинг неоклассицизм ва романтизм услубларига тааллуқли. Мусаввир борлиқни ҳақиқий санъат манбаи, деб ҳисоблаган. Унинг асосий мақсади сурагларида ҳаётнинг айрим томонларини бўрттириб, турфа ранглар орқали таъсирчан ифодалаш бўлган.

Жан Франсуа Портелнинг аёлларга бағишланган кўплаб асарлари мавжуд, уларда аёлларнинг улўввор сиймоси, руҳияти, гўзаллиги ғоят таъсирчан ифодаланади. “Шимолий Африка аёли”, “Атиргул сотувчиси”, “Триестлик гул сотувчи”, “Шарқ гўзали” картиналари айнан шу мавзуда яратилган. Журналимиз муқовасидаги “Хаёл оғушида” (“Лўли қиз”) сурагида ҳам аёлнинг ҳис-туйғулари ёрқин бўёқларда аксланади.

Рассомнинг тарихий, диний сюжетлар акс этган асарлари, масалан, “Эстер” картинаси дунё тасвирий санъати ихлосмандларига яхши таниш. Портелнинг портрет жанридаги бошқа сураглари ҳам машҳур. Унинг таниқли адиблар Поль Дерулед (1877) ҳамда Хендрик Консьянсга (1870) бағишлаган сураглари бунга мисол бўлади.

Ҳозирги кунда рассомнинг асарлари Брюссель шаҳридаги галереяларда сақланади.

*Аброр УМАРОВ тайёрлади*



## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

**2 ЯНВАРЬ** 1920–1992 йиллар. **АЙЗЕК АЗИМОВ**, америкалик фантаст ёзувчи. “Коинот оқими”, “Ғубор каби юлдузлар”, “Осмондаги тошўчоқ”, “Пойдевор”, “Академия”, “Абадият интиҳоси”, “Она замин”, “Кўзгудаги акс” каби фантастик романлари, “Мен – Робот”, “Икки юз ёшли киши”, “Мажруҳ бола”, “Сўнгги савол” сингари хикоялари билан шуҳрат қозонган.

**5 ЯНВАРЬ** 1932 йил. **УМБЕРТО ЭКО**, италиялик ёзувчи, файласуф. “Атиргуллар исми”, “Фуко маятниги”, “Баудолино”, “Прага қабристонлари” романлари, “Ханьдан ёстиғи”, “Елпиғич муҳаббат гарови”, “Кимхоб барабан” каби пьесалар, “Денгиз ва шафак”, “Ватанпарварлик”, “Ёз ўртасидаги ўлим”, “Газета”, “Ишқ чанқоғи” ва бошқа новеллалари машҳур. Фалсафа, эстетика, маданият, санъат соҳасига доир кўплаб илмий асарлар муаллифи.

**9 ЯНВАРЬ** 1908–1986 йиллар. **СИМОНА ДЕ БОВУАР**, француз адабиёти. Экзистенциализм йўналиши намояндаларидан бири. “Хукмрон рух”, “Пирра ва Цинеас”, “Энг осон ўлим”, “Меҳмон”, “Мандаринлар”, “Дўстлар қони”, “Тарбияли қизлар ҳақида мемуар” каби асарлари билан танилган.

1924–1990 йиллар. **СЕРГЕЙ ПАРАЖАНОВ**, атоқли грузин кинорежиссёри. “Биринчи қайлик”, “Олтин қўл”, “Молдавия эртаги”, “Ошиқ Ғариб”, “Киев сурағлари”, “Сурам дехқонлари ҳақида афсона” сингари фильмлар ижодкори.

**11 ЯНВАРЬ** 1943 йил. **ЭДУАРДО МЕНДОСА-и-ГАРРИГА**, испан ёзувчиси. “Нью-Йорк”, “Торацио Доснинг сўнгги йўли”, “Аёллар будуар и тарихи”, “Номаълум орол”, “Мушук можароси. Мадрид. 1936”, “Саволтлар ишига оид ҳақиқат”, “Мўъжиза шаҳри”, “Енгил комедия” романлари муаллифи.

**12 ЯНВАРЬ** 1876–1919 йиллар. **ЖЕК ЛОНДОН**, америкалик ёзувчи. “Ўйин”, “Денгиз бўриси”, “Ҳаётга муҳаббат”, “Оқсўйлоқ”, “Одам Атогача”, “Темир товон”, “Мартин Иден”, “Қизил ўлат”, “Ой водийси”, “Уч юрак”, “Майкл Жеррининг акаси” каби асарлари билан машҳур.

**18 ЯНВАРЬ** 1947 йил. **ТАКЕШИ КИТАНО**, япониялик кинорежиссёр. “Денгиз саҳнаси”, “Кичик соната”, “Банзай – режиссёр!”, “Кўғирчоқлар”, “Болалар улғаймоқда”, “Кикудзиро”, “Такешини”, “Рюдзо ва унинг етти ҳамроҳи” фильмлари томошабинлар эътиборига тушган.

**19 ЯНВАРЬ** 1839–1906 йиллар. **ПОЛЬ СЕЗАНН**, француз мусаввири, постимпрессионизм намояндаларидан бири. “Пианино чалаётган қиз”, “Сент-Виктуари тоғи”, “Пьеро ва масхарабоз”, “Трубка тутган киши”, “Ёш италиян қизи”, “Матодаги натюрморт”, “Чўмилаётган аёллар” сингари асарлар ижодкори.

**20 ЯНВАРЬ** 1922–2008 йиллар. **ТУРҒУН АЛИМАТОВ**, Ўзбекистон халқ артисти. “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби. Машхур созанда, дутор, танбур ва сато ижрочилигида ўзига хос услуб яратган.

**1920–1993 йиллар. ФЕДЕРИКО ФЕЛЛИНИ**, атоқли итальян кинорежиссёри. “Оскар”, Канн киномукофотлари соҳиби. “Рим”, “Масхарабозлар”, “Саккиз ярим”, “Оқ шайх”, “Йўл”, “Феллини Сатирикон”, “Ширин ҳаёт”, “Ой овози”, “Аёллар шахри”, “Оркестр репетицияси”, “Интервью” каби фильмлари билан дунёга танилган.

**22 ЯНВАРЬ** 1788–1824 йиллар. **ЖОРЖ БАЙРОН**, инглиз шоири. Унинг “Манфред”, “Дон Жуан”, “Туш”, “Прометей”, “Бронза асри”, “Осмон ва ер”, “Яхудий оҳанглари”, “Қобил”, “Корсар” асарлари дунёга машхур.

**1849–1912 йиллар. АВГУСТ СТРИНБЕРГ**, швед ёзувчиси, драматург. “Қизил хона”, “Ёлғиз”, “Тотикача хоналар”, “Афсоналар”, “Дўзах”, “Хемсё ороли одамлари”, “Хизматкорнинг ўғли”, “Қора байроқ” романлари, “Ким кучли?”, “Ўртоқлар”, “Ота”, “Термиона”, “Жаноб Улуф”, “Римда”, “Хурфикр”, “Қувғинди”, “Самум”, “Пария”, “Катта йўл”, “Оққуш”, “Пасха”, “Ўлимдан аввал” пьесалари муаллифи.

**24 ЯНВАРЬ** 1732–1799 йиллар. **ПЬЕР-ОГИЮСТЕН КАРОН ДЕ БОМАРШЕ**, француз драматурги. “Евгения”, “Икки дўст”, “Севилия сартароши”, “Фигаронинг уйланиши” пьесалари ва “Хотиралар” китоби дунёга машхур.

**1901–1971 йиллар. МИХАИЛ РОММ**, рус кинорежиссёри. “Ўн уч”, “Орзу”, “Нон”, “Данте кўчасидаги котиллик”, “Русча савол”, “Тарих дарси”, “217-рақамли киши”, “Адмирал Ушаков”, “Йилнинг тўққиз куни”, “Оддий фашизм” каби фильмлар сценарийси муаллифи ва режиссёри.

**27 ЯНВАРЬ** 1832–1898 йиллар. **ЛЬЮИС КЭРРОЛЛ**, англиялик ёзувчи. “Алисанинг ер остига саёҳати”, “Алиса мўъжизалар мамлакатиди”, “Эвклид”, “Кўзгудаги Алиса”, “Мантикий ўйин” асарлари унга шуҳрат келтирган. Улар асосида кўплаб кинофильм ва мультфильмлар суратга олинган.

**31 ЯНВАРЬ** 1797–1828 йиллар. **ФРАНЦ ШУБЕРТ**, австриялик композитор, мусикада романтизм йўналиши асосчиларидан бири. “Ўрмон шоҳи”, “Аве Мария”, “Оққушлар кўшиғи”, “Қишки йўл”, “Эллен кўшиқлари” сингари мусикий асарлари, 9 симфония, 25 та камер-чолғу куйлари, 21 та фортепьяно учун соната, 600 дан ортиқ вокал-кўшиқ ижодкори.

**1935 йил. КЕНДЗАБУРО ОЭ**, япон ёзувчиси. Нобель мукофоти лауреати (1994). “Шахсий тажриба”, “Кечиккан ёшлик”, “Шифо минораси”, “Икки юз ёшли бола”, “1860 йил футболли” романлари, “Дарахт қандай нобуд бўлади?”, “Осуда ҳаёт”, “Ёмғир дарахтини тинглаётган аёллар”, “Уйғон, янги инсон!” каби ҳикоялар муаллифи.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА  
тайёрлади*

✍ Первый номер журнала, согласно установившейся традиции, открывается рубрикой «Уроки Навои». Начинаются с публикации пропущенных глав из поэмы «Фархад и Ширин» одной из пяти поэм, входящих в «Хамсу» Алишера Навои в оригинале и прозаическом изложении на русском языке. Из за идеологических соображений в свое время, пропущенные главы не были переведены на русский язык.

✍ Новая рубрика «Жемчужины мировой литературы» представляет вниманию читателей первую часть романа «Большие надежды» Чарльза Диккенса, всемирно известного писателя, уже при жизни признанного «классиком английской литературы». В этом знаменитом произведении автора, картины жизни Англии XIX века показаны через восприятие юного Пипа.

✍ Для презентации рубрики «Первое знакомство» – был подготовлен к публикации (в переводе М.Муртазаходжаевой) роман «Павлай» К.Чиннаппа Бхарати, одного из ярчайших представителей индо-тамилской литературы XX века. В образе Павлай писатель рассказывает о страданиях людей, которые стали жертвой обычаев, а также, художественному исследованию роли женщины в индийском обществе.

✍ Поскольку данный номер посвящен литературе Бельгии, представлены лучшие образцы творчества поэтов и прозаиков, пишущих на фламандском и французском языках. К примеру, в рубрике «Проза» опубликованы рассказы таких писателей, как Хьюго Рас, Констан Бюрньо, Томас Оуэн, Морис д'Хасе; в рубрике «Поэтические меридианы» поэтические циклы таких известных бельгийских поэтов, как Гвидо Гезелле, Жорж Роденбах, Морис Метерлинк, Шарль ван Лерберг, Марк Брат.

✍ Рубрика «Из сокровищницы мастеров перевода» посвящена творчеству талантливого переводчика, взыскательного редактора, писателя, литературоведа Тухтасина Джалалова.

✍ Мусо Тошмухаммад угли Ойбек, 110-летие которого отмечалось 10 января этого года, был выдающимся представителем узбекской литературы XX века. С годами лишь возрастает ценность его чарующей лирики, самобытных прозаических произведений. Какие же родники вспоили мастерство писателя, который сумел покорить вершины художественности?

В статье доктора филологических наук Наима Каримова «Ойбек и мировая литература» речь идет о факторах сформировавших литературно-эстетические взгляды Ойбека.

✍ Новая рубрика «Литературные течения», открывается статьей об экзистенциализме. В духе этого направления представлен вниманию читателей пасткаж «Комната» Жан-Поль Сартра, виднейшего представителя экзистенциализма.

✍ Улугбек Хамдам, автор статьи «Литература – это свет (маяк), горящий впереди», призывает читателей к дискуссии по таким важным вопросам, как особые грани искусства слова, творческие принципы писателя и их художественное воплощение.

✍ В рубрике «Глобус» вы прочтете материалы о культуре и искусстве Бельгии. В рубрике «Выдающиеся личности» речь идет о людях, оставивших видный след в истории искусства данной страны.

## RESUME

✍ The column “Lessons by Navoi” as a tradition opens the first issue of the magazine. Chapters of poem “Farhad and Shirin” from “Khamsa” (Five poems) by Alisher Navoi which was translated into Russian briefly in prose, but had not been published because of ideological consideration is given here.

✍ The first part of “Great Hopes” by well-known author Charles Dickens who was admitted as “classic of English literature” during his life opens a new “Treasures of World literature” column. England in XIX century is shown by apprehension of young Pip in this work, the most popular novel of writer.

✍ The novel “Pavlai” by one of the greatest figures of the Indo-Tamil literature of XX century K.Chinnappa Bharati (in translation of M. Murtazakhodjayeva) was prepared for publication for the presentation of “The First Acquaintance” column. Writer tells about suffering people, victims of customs by Pavlai character and he also artistically investigates the role of woman in Indian society.

✍ This issue is devoted to Belgian literature. So the best examples from works of poets and prose-writers writing in Flemish and in French are presented to readers. Stories by such authors as Hugo Ras, Konstan Burno, Thomas Owen, Maurice D`Haese are presented in “Prose”, poetical series by well-known Belgian poets as Gvido Gezelle, George Rodenbach, Moris Meterlink, Sharl van Lerberg, Mark Brat are given in “Meridians of Poetry” heading.

✍ “Heritage of Master Translators” column is devoted to creative work of gifted translator, exigent editor, writer and literary critic Tuhtasin Djalolov.

✍ Muso Toshmuhammad ogli Oybek whose 110 anniversary was celebrated on January 10, this year was an outstanding figure of Uzbek literature in XX century. Value of his charming lyric poetry, original prosaic works only grows year after year. What kind of muses gave mastery to the writer who managed to reach the height of literature? Doctor of philology Naim Karimov writes about factors which formed Oybek’s literary-esthetical views.

✍ New column “Literary Tendencies” opens with an article about existentialism and the story written by J.P.Sartre who is one of the biggest figures of this tendency.

✍ Ulugbek Hamdam tries to discuss on such important problems as art of word, writer’s creative principles and its incarnation in his article “Literature Is a Lighthouse In Front”.

✍ You can also read articles about culture and art of Belgium and about famous figures in columns “Globe” and “Unforgettable Persons”.

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*2015 йил январь сони*

Навбатчи муҳаррир: Ф.ЖАББОРОВ  
Техник муҳаррир, расом: Д.ҲАМИДОВА  
Мусаххих: Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829  
2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-  
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

**Таҳририят манзили:**  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 04.02.2015 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 4190 нусха. 3714 ракамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, “Shaḡq” НМАКда чоп этилди.  
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2015 й.